Другой вид предметов из трубчатой кости – цилиндрические трубки с художественным орнаментом виде кольцевых рельефных поясов, желобков, бочкообразных или с конусовидными фигурками, которые также были широко распространены по всему античному миру. В изготовлении которых применялся тот же горизонтальный тип станка, но с крутящимся шпинделем. То есть, цилиндрические трубки крепилась на шпиндель, конец которого возможно был не усеченным, а плоским, так как полая кость во время сжимания могла расколоться. Станок приводился в оборот опять таки лучковым приводом, но в данном случаи, мастер крутил шпиндель, а не заготовку. Подобные токарные станки и техника скорее всего применялись и при изготовлении костяных флейт с городища Тахти-Сангин, где на флейтах видны не только те же характерные концентрические круги, а также место стыка с выступающим штырьком, где флейты соединялись между собой и закреплялось при помощи келья. Трубчатые предметы с этого памятника наглядно показывают широкое применение токарных станков в изготовлениях разного рода изделий на территории Бактрии.

Но в тоже время стоит другой вопрос, если мелкие костяные предметы типа наверший или же цилиндрические трубки с художественным орнаментом изготавливались относительно простым манипулированием при помощи лучкового привода на не большом станке, где шпиндель в первом случае не вращался, а во втором – вращался, а при изготовлении более крупных изделий, частей мебели или высоких стояков из слоновой кости, то какой же была конструкция и техника обработки этих крупных и дорогих изделий? В этой связи нам интересны фрагменты мебели из слоновой кости со шляпкообразными посередине элементами, в виде раструбов и катушкообразных элементов с концентрическими желобками найденные на городище Ай-Ханум[63]. Они были изготовлены из цельного бивня слона, скорее всего бивень слона мастер перед обработкой выпрямлял, как при изготовлении ножек мебели из

[62] Rodziewicz E. Archaeological Evidence of Bone and Ivory Carvings in Alexandria. In: Commerce et Artisanat dans'l Alexandrie Hellénistique et Romaine. BCH Supplement 33, Athens-Paris, 1998, p.154, fig. 34-36.
[63] Айханум

Дальварзинтепа и после необходимых предварительных насечек и чертежей придавалась задуманная форма будущим частям мебели при помощи резца. После завершения заготовку разрезали пилой на необходимые части. Этот метод был наиболее приемлем, чем вытачивать по отдельности, так как этот метод позволял сохранять необходимую толщину и размер всех фрагментов мебели. Говоря о виде токарного станка можно предположить, что он скорее всего был горизонтальным, с крутящимися шпинделями, так как резчики пользовались полую частью бивня и самое важное, что этот вид станка был крупного размера в отличии от вышеописанных станков. Кроме этого, деревянные кольца верхней части ритонов из Старой Нисы также были выточены на токарном станке, на которых крепились рельефные фризы из слоновой кости[64]. По мнению Т.К.Мкртычева, токарный станок использовался не только при вытачивании деревянных колец, но и ствола и других частей нисинских ритонов.

Таким образом, изучение большого археологического материала в совокупности с письменными и изобразительными источниками античного периода, мы с уверенностью, можем сказать что, токарные станки широко использовались в косторезном деле мастерами резчиками не только Греции, Рима, Египта, но и Бактрии, которые все таки познакомились с этим видом станка при эллинизации Бактрии после завоевательных походов Александра Македонского на восток. Для более глубокого изучения данного вопроса необходимо более тщательное изучения всего археологического материала и проведение экспериментов по изготовлению простых горизонтальных токарных станков и вытачивание на них костяных изделий.

[64] Мкртычев Т.К., Трейнер У.И. К вопросу о технике изготовления ритонов из Старой Нисы. // Древние цивилизации Евразии. История и культура. М., 2001. С. 290.

ШИМОЛИЙ БАҚТРИЯНИНГ БРОНЗА ДАВРИ ЁДГОРЛИКЛАРИ

Каримова Д.О.,
ЎзРФА Ўзбекистон тарихи давлат музейи илмий ходими
Абдуллаев Д.Н.
ТДПУ магистранти

Аннотация

Мазкур мақолада Шимолий Бақтриянинг сўнгги бронза даври ўша давр деҳқон ва чорвадор аҳолидан қолган ёдгорликлар мисолида таҳлил этилган.

Калит сўзлар: *Шимолий Бақтрия, бронза даври, қабила, аҳоли, деҳқончилик, чорвачилик, ёдгорлик, қабристон.*

В этой статье проанализированы памятники, оставишеся от эпохи поздней бронзы Северной Бактрии на примера земледелец и скотоводов той эпохи.

Ключевые слова: *Северной Бактрии, эпохи бронзы, племена, население, земледелие, скотоводчество, памятник, кладбище.*

In this article the last stage of Bronze Age of Northern Baktria is analysed as the monuments which are the traces of peasants and strock breeders of those time.

Key words: *Northern Baktria, Bronze Age, tribes, population, agricultural, pastoral, monument, cemetery.*

Юртимиз қадим ўтмиш тарихини тиклаш, ҳаққоний ёритиш бугунги кундаги долзарб вазифалардан биридир. Ўзбекистоннинг биринчи Президенти И.Каримов ҳам ўз асарларида тарих илмининг долзарб масалаларига алоҳида эътибор қаратадилар[65]. Ота-боболаримиздан қолган меросни ўрганиш, уларнинг урф-одатлари, удумларини тиклаш – бу тарихни тиклаш демакдир. Фақат уни холислик билан асл холича ўрганиш, таҳлил қилиш ўрганилаётган давр ҳақида аниқ ва тўғри тасаввур ҳосил қилиш имконини беради. Шу сабабли, аждодларимизнинг қадим урф-одатлари, диний эътиқоди, маданий, маънавий меросини ўрганиш тарих илмининг долзарб масаласи бўлиб қолмоқда.

Қадим тарихимизни ёритишда Шимолий Бақтрия ҳудуди

[65] Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ // Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамиз. – Тошкент, Ўзбекистон, 1999. – Б. 132-154.; Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент, Маънавият, 2008. – Б. 176 – 178.

диққатга сазовордир. Кенг кўламда олиб борилган археологик тадқиқотлар Осиё қитъасининг бу қисмида энеолит ва бронза даврида Қадимги Шарқ цивилизациясининг қатор маҳаллий марказлари ташкил топгалигини кўрсатди. Бу минтақада илк урбанистик жараёнлар шаклланиши ва ривожланишини тадқиқотчилар иккита йирик даврларга бўладилар.

Биринчи даврда милоддан аввалги III минг йилликнинг ўрталари – II минг йилликнинг бошларида Ўрта Шарқ ва Ўрта Осиё ҳудудларида, энеолит ёдгорликлари доирасида қатор урбанистик ирригация марказлари шаклланади. Улар Қадимги Шарқ цивилизациясининг Месопотамия ва Ҳинд марказлари оралиғида таркиб топган жанубий Эрон (Тали-Иблис, Яхъётепа), шимолий –шарқий Эрон (Тепа-Гиссар, Шоҳ-Тепа, Тюринг-Тепа), Сейистон (Мундигак ва Шаҳри-Сохта), жанубий Туркманистон (Ановтепа, Номозгоҳ тепа, Олтин тепа), Юқори Зарафшон (Саразм) каби ёдгорликлар бўлиб, уларнинг баъзиларини тарихий илдизлари неолит давригача бориб тақалади[66].

Милоддан аввалги III минг йилликнинг охири ва II минг йилликнинг бошларида илк цивилизация марказлари уруғ жамоалари тарихида ижтимоий-иқтисодий ва этномаданий туб ўзгаришлар билан боғлиқ иккинчи давр бошланди. Натижада, деҳқончилик маданияти марказлари аҳолисининг бир қисми гуруҳ-гуруҳ бўлиб, суғорма деҳқончилик хўжалиги учун қулай жойлар қидириб, шимолий-шарқий Амударё томон миграцияси бошланди. Суғорма деҳқончилик ва агротехника билимларига бой ва ҳаётий тажрибага эга деҳқон жамоаларининг ишбилармон, тадбиркор қатлами милоддан аввалги II минг йиллик бошларидан бошлаб юз берган бу миграцион жараёнлар туфайли Мурғоб, Балхоб, Ширинтов, Кўкча, Уланбулоқсой, Шеробод дарёлари этакларида, унгача, бир неча минг, юз минг йиллар давомида, дарё сувлари оқизиб келган лойқа сув ва чириндилар чўкмасидан ҳосил бўлган унумдор ҳудудларни ўзлаштириш бошланди. Натижада, Қадимги Шарқ цивилизациясининг бронза даврига хос янги Марғиёна ва Бақтрия маҳаллий ўчоқлари пайдо бўлди[67]. Қадимги Шарқ

[66] Casal J.M. Fouilles de Mundigak. MDAFA, t. XVII, Paris, 1961 – P.7.

[67] Аскаров А. Древнеземледельческая культура эпохи бронзы юга Узбекистана. Ташкент, 1977. – С.4; Аскаров А, Ширинов Т., Ранняя городская культура эпохи бронзы юга Средней Азии. Самарканд – 1993. – С. 4-5; Сарианиди В.И.. Гонур-Депе: город царей и богов.. Аш-хабад, 2006.

цивилизациясининг Бақтрия ўчоғи Амударёнинг юқори оқими ҳавзаларида таркиб топган бўлиб, унинг жанубида милоддан аввалги II минг йилликнинг биринчи ярмида Дашли ва Шўртугай, шимолида эса Сополли маданиятлари таркиб топди. Ҳозирги замон географик жойлашишига кўра, Дашли ва Шўртугай маданиятлари шимолий Афғонистон, Сополли маданияти эса жанубий Ўзбекистон ҳудудларига тўғри келади.

Археологик тадқиқотларга кўра, айнан Қадимги Бақтрия бронза даврида суғорма деҳқончилик цивилизацияларининг дашт қабилалари билан бевосита маданий алоқа кўпригига айланган ва бу заминда илк давлатчилик асосларининг эрта шаклланишига олиб келади. Айниқса, Шимолий Бақтрия ҳудудларида олиб борилган археологик изланишлар ва уларнинг натижалари милоддан аввалги II минг йилликнинг учинчи чорак охири ва тўртинчи чорагидан бошлаб, ўтроқ деҳқончилик жамоалари билан чўл минтақалари чорвадор жамоаларининг (Сополли маданияти, Бишкент-Вахш маданияти ва Андроново маданияти қабилалари) этномаданий учрашув, бир-бирлари билан қоришув, этник жиҳатдан аралашув майдонига айланиб борди[68]. Бу хилма-хил этномаданий манзара уларнинг дафн маросимлари ва шаклланиб бораётган диний эътиқодида яққол кўзга ташланади.

Шимолий Бақтрия ҳудудий жиҳатдан жанубий Ўзбекистон ва жанубий-ғарбий Тожикистон вилоятларини ўз ичига олади. Унинг Ўзбекистон қисмида Сополлитепа, Жарқўтон, Кўзали, Мўлали, Бўстон, Тиллабулоқ, Кучуктепа, Қизилтепа каби ўтроқ деҳқончилик маданияти ёдгорликлари ўрганилган. Улар қадимги қишлоқлар, илк шаҳар харобалари, қадимги қабристон ёдгорликлари кўринишида бизгача етиб келган. Ҳозиргача ўша давр ўтроқ аҳолисининг ҳар хил нуқталарда икки мингдан ортиқ қабрлари очилган. Диний эътиқод билан боғлиқ оилавий ва жамоавий сиғиниш объектлари, шаҳар-давлат ибодатхоналари топиб ўрганилган. Уларда аҳолининг этномаданий ҳаёти, маънавий ва мафкуравий дунёси, дафн маросимларидаги турли хил урф-одатлар ўз аксини топган.

Шимолий Бақтриянинг Тожикистон қисми кўпроқ дашт қабилалари хўжалик ҳаётига мос табиий-географик қулайликларга

[68] Аскаров А. Степной компонент в оседлых коплексах Бактрии и вопросы его интерпретации. «Взаимодействие кочевых культур и древних цивилизаций. Алма-Ата, 1989. – С. 87-89.

эга бўлганлиги сабабли, бу ҳудудда чорвадор уруғ жамоаларнинг ёдгорликлари кўпроқ ўрганилган. Масалан, Вахш ва Қизилсув ҳавзаларида Бишкент-Вахш маданиятига тегишли илк Тулхор, Аруктау, Ойкўл, Жаркўл, Макони-Мор, Бишкент I,II,III, Тигровая Балка, Борбат, Гелот, Гулистон, Обкух, Кангурттут, Исанбой каби қабристонлар ва Тошгузар манзилгоҳи топиб ўрганилган.

Шу билан бирга, Сополли маданиятининг сўнгги Мўлали ва Бўстон босқичларида қадимги деҳқон жамоаларининг экологик, этно-демографик ва иқтисодий хўжалик зарурияти туфайли Жанубий Тожикистон ҳудудларига кириб бориши кузатилади. Улар Жанубий Тожикистоннинг деҳқончилик ва чорвачиликка қулай уч воҳасининг (Ҳисор воҳаси, Вахш дарёсининг ўрта оқими ва Таирсув дарёсининг юқори оқими ҳамда Пархар-Кулоб водийси) тоғ олди ҳудудларига жойлашадилар[69]. Бу ёдгорликларга Тандирйўл, Нурек, Заркамар, Қора - Пичоқ, Кангурттут, Хўжа Ғойиб, Пархар, Қизлар қалъа каби ёдгорликларни киритиш мумкин.

Жанубий-ғарбий Тожикистоннинг бир неча жойларида, жумладан Кангурттут, Тегузак, Дахана, Бараки-Куруг каби жойларда манзилгоҳлар учратилганки, уларнинг маданий қатламларида Сополли маданиятининг Мўлали ва Бўстон босқичлари жамоалари билан шимолий дашт қабилалари (Андроново) биргаликда яшаганликлари аниқланган. Шимолий дашт қабилаларининг (Андроново маданияти) излари Ҳисор водийсида Қумсой, Ховалин туманидаги Туюн қабристони, Вахш дарёсининг юқори оқимида Киров номли совхоз ҳудуди, Шарқий Помир ва Бишкент-Вахш маданиятига тегишли Тошгузар манзилгоҳи мисолида ўрганилган. Бундан ташқари, Жарқўтон ва Бўстон каби манзилҳогларга кириб борганлиги, ушбу манзилгоҳ қабрларидан уларга тегишли сопол парчалари ва бошқа ашёвий далиллар топилган[70].

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Шимолий Бақтриянинг Жанубий-ғарбий Тожикистон қисмида истиқомат қилган бронза даври аҳолисининг деҳқончилик анъаналари ушбу минтақанинг

[69] Виноградова Н.М. Юго-западный Таджикистан в эпоху поздней бронзы. – М., 2004. – С. 12-13.

[70] Виноградова Н.М. Юго-западный Таджикистан в эпоху поздней бронзы. – М., 2004. – С. 58-59.; Аванесова Н.А. Бустан VI-некрополь огнепоклонников доурбанистической Бактрии. Самарканд, 2013. – С. 54-58.

ғарбий ҳудудлари, яъни Жанубий Ўзбекистон деҳқончилик маданияти ёдгорликларидан ўзига хос жиҳатлар билан тубдан фарқ қилган. Бу албатта ҳар бир жойнинг табиий-географик шароити билан боғлиқдир. Булар, аввало уй-жой қурилишида яққол кўзга ташланади. Бу минтақада қадимги деҳқон жамоалари ўз уй-жойларини текис майдонларда эмас, балки тоғ сойлари бўйида, тош фундамент устига пахса босиб уй-жой қуриш услубига амал қилганлар. Ҳар бир ҳовли-жой қурилишида куёш ёруғлиги етарлича тушиб туриши ҳисобга олиниб, мухандислик билимларига амал қилинган. Тоғли воҳа деҳқон жамоалари уй-жой қурилишида Сополлитепа, Жарқўтон сингари йирик аҳоли манзилгоҳларидаги монументал меъморчилик эмас, балки қишлоқ типидаги деҳқон қўрғонларини қуриш анъанасига катта эътибор қаратганлар.

Иқтисодий ҳаётнинг асосини ташкил этган деҳқончилик маданиятида ҳам фарқлар бўлган. Масалан, минтақанинг (яъни Шимолий Бақтриянинг) ғарбий ҳудудларида тақрорий суғорма деҳқончилик ривожланса, унинг шарқий томонларида лалмикор деҳқончилик устувор йўналиш ҳисобланган. Бу ҳудуд жамоаларида яйлов чорвачилиги деҳқон қўрғонларининг асосий даромад манбаи бўлган. Унинг таркибида майда шоҳли ҳайвонлар билан бирга, йирик шоҳли ҳайвонлар боқиш ҳам ўзининг салмоқли ўрнига эга бўлган. Айниқса, йилқичилик, зотли отларни кўпайтириш, улар ёрдамида хўжаликни тебратиш анча енгил кечган. Боғдорчиликнинг асоси бронза даврида, айнан тоғли воҳа деҳқон жамоалари хўжалиги асосида таркиб топганлигини ҳам таъкидлаб ўтиш жоиз. Бу ҳақда нафақат археологик топилмалар (Кангурттут қишлоқ макони), балки жонли этнографик маълумотлар ҳам гувоҳлик беради.

Мозор қурилиши масаласида ҳам ўзига хос жиҳатларга эга бўлиб, қабрлар қурилишида ернинг паст-баландлиги, тузилиши албатта ҳисобга олинган. Сополлитепа, Жарқўтон ва Бўстон қабрларидан фарқли ўлароқ, лаҳадга кириш тешиги ғишт билан эмас, балки тегишли тошлар билан (Тандирйўл), гувалаксимон лой билан (Кангурттут) беркитилган. Қабрлар орасида кенотаф мозорлар жуда кўп учрайди. Улар Шимолий Бақтриянинг ғарбида, яъни Жанубий Ўзбекистонда 40% га яқин бўлса, шарқий ҳудуд ҳисобланган Жануби-ғарбий Тожикистон ҳудудидаги Кангурттут

маконида кенотаф қабрлар умумий қабристон қабрларининг 90% дан ҳам кўпроқ қисмини ташкил этади. Бу ҳолат шимол чорвадорлари билан маҳаллий аҳоли ўртасида сиёсий ҳукмронлик масаласида бўлиб ўтган зиддиятларга ишорадир. Аҳолиси зич Жарқўтондаги кучлар нисбатини Кангурттут, Тегузак, Тандирйўл каби деҳқон жамоалари билан қиёслаганда масалага ойдинлик киритиш мумкин.

Дастлаб маҳаллий аҳоли учун ўзга юрт босқинчилари, бегоналар ҳисобланган шимол чорвадорлари жойларда ўзларининг ҳарбий ва сиёсий хукмронликларини ўрнатгач, минтақа аҳолисининг хўжайинларига, аслзодаларига айланадилар. Улар таъсирида шимолий дашт минтақа жамоалари билан жанубнинг деҳқон жамоалари ўртасида нафақат иқтисодий-хўжалик, балки этномаданий алоқалар ривож топади[71].

Шундай қилиб, ҳозирги кунда биргина Шимолий Бақтрия ҳудудларида бронза даврига оид хилма хил ёдгорликлар, жумладан, турли диний эътиқод ва ранг-баранг диний урф-одатлар акс этган ёдгорликлар ўрганилганки, улар ҳақида илмий адабиётларда жуда қисқа, зарурий ҳолатлардагина маълумотлар берилган. Аммо, бу бронза даври аждодларимизнинг диний-маънавий ҳамда этномаданий ҳаёти билан боғлиқ жуда катта қатлам маълумотлар ҳозиргача яхлит бир илмий тизимга солиниб, таҳлил этилмаган ва тегишли илмий хулосалар асосида умумлаштирилмаган. Уларни таҳлил қилиш, ўрганиш бизга қадим ўтмиш тарихимиз ва аждодларимизнинг қўшни ҳудуд аҳолиси билан бўлган ижтимоий, иқтисодий, этномаданий алоқалари ҳақида етарли маълумотга эга бўлишга имкон беради.

АДАБИЁТЛАР

1. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ // Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамиз. – Тошкент, Ўзбекистон, 1999.

2. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент, Маънавият, 2008.

3. Аванесова Н.А. Бустан VI-некрополь огнепоклонников доурбанистической Бактрии. Самарканд, 2013.

[71] Аскаров А. К вопросу о взаимоотношении населения степей Евразии и Средней Азии в эпоху бронзы. Сб. «Тюркская цивилизация и суверенныё Казахстан» Астана, 2011,– С. 56-59.

4. Аскаров А. Степной компонент в оседлых коплексах Бактрии и вопросы его интерпретации. «Взаимодействие кочевых культур и древних цивилизаций. Алма-Ата, 1989.

5. Аскаров А. Древнеземледельческая культура эпохи бронзы юга Узбекистана. Ташкент, 1977.

6. Аскаров А, Ширинов Т., Ранняя городская культура эпохи бронзы юга Средней Азии. Самарканд – 1993.

7. Аскаров А. К вопросу о взаимоотношении населения степей Евразии и Средней Азии в эпоху бронзы. Сб. «Тюркская цивилизация и суверенныё Казахстан» Астана, 2011.

8. Виноградова Н.М. Юго-западный Таджикистан в эпоху поздней бронзы. – М., 2004.

XVI АСРДА БУХОРО ХОНЛИГИДА ҲАРБИЙ-СИЁСИЙ ЖАРАЁНЛАРНИНГ АСОСИЙ ЖИҲАТЛАРИ

Замонов А.Т.,
Ўзбекистоннинг энг янги тарихи масалалари бўйича мувофиқлаштирувчи-методик марказ бўлим мудири

Аннотация

Мақолада Ўрта осиёда шайбонийлар ҳукмронлигининг сиёсий ҳокимят ўрнатилишидаги шарт-шароитлар, ҳарбий-сиёсий жараёнлар, ҳукмдорлар ўртасида ўзаро курашлар манбалар таҳлили асосида ёритилди.

Калит сўзлар: *шайбонийлар, темурийлар, кураш, бошқарув, хон, пойтахт, ҳукмронлик, қамал, жанг, ҳарбий-сийсий жараёнлар, ўзаро курашлар.*

В данной статье на основе анализа источников автор показал установление власти шейбанидов на территории Средней Азии, политические предпосылки для образования государства, военно-политические процессы, междоусобные войны между правителями.

Ключевые слова: *Шейбаниды, темуриды, установление власти, управление, хан, династия, столица, господство, щтурм, военно-политические процессы, междоусобная война.*

In this article, on the basis of the analysis of sources the author has shown the establishment of the power of the shaybanids on the territory of Central Asia, the political preconditions for the formation of the state, military-political processes, civil wars between the rulers.

Key words: *Shaybanids, temerity, the establishment of government, management of, Han, dynasty, capital, domination, storm, military and political processes, civil war.*

Бухоро хонлиги XVI-XX аср бошларида Ўрта Осиёда мавжуд бўлган йирик давлат бўлиб, унда 3 та сулола – Шайбонийлар (1501-1601), Аштархонийлар (1601-1756) ва Манғитлар (1756-1920) ҳукмронлик қилганлар. Бу сулолалар ҳукмронлиги даврида хонликнинг сиёсий нуфузи, куч-қудрати турлича бўлганлиги сабабли ҳам Бухоро хонлигини Шайбонийлар давлати,

Аштархонийлар давлати ва Бухоро амирлиги деб алоҳида ажратиб аташ ҳоллари учрайди[72].

Муҳаммад Шайбонийхон бошчилигидаги кўчманчи ўзбеклар XVI аср бошларида Мовароуннаҳр ва Хуросонни эгаллаб, темурий шаҳзодалар ҳукмронлигига чек қўйдилар ва бу улкан ҳудудда ўзларининг марказлашган давлатига асос солдилар.

Кўчманчи ўзбеклар хони сифатида ҳокимиятни қўлга олган Шайбонийхон тез орада тажрибали давлат раҳбари ва ҳарбий саркарда эканлигини намойиш қилди. XV асрнинг 90-йилларидаёқ Мовароуннаҳрнинг марказий вилоятларига – ўзаро курашлар ва ички низолар туфайли тобора заифлашиб бораётган темурийлар давлати ҳудудларига ҳужумлар уюштира бошлади. Бу даврда Мовароуннаҳрдаги темурийлар салтанати амалда мустақил бошқариладиган кичик-кичик вилоятларга бўлиниб кетган эди.

Темурийларнинг низоларини диққат билан кузатиб турган Шайбонийхон 1499 йилда катта куч билан яна Самарқандни қамал қилади. Бухоро ҳокими Боқи Тархоннинг 10 минг кишилик қўшин билан самарқандликларга ёрдамга келаётганлигидан ҳабар топган Шайбонийхон қамални тўхтатиб унга қарши чиқади[73]. Боқи Тархон Самарқанд ва Бухоронинг бирлашган қўшинига бош бўлиб, Бухорога қайтади. Лекин, Шайбонийхоннинг укаси Султон Маҳмуд бошчилигидаги сараланган ўзбек қўшинлари билан Бухоро остонасида бўлган жангда мағлубиятга учраб, Қарши шаҳрига чекинади[74].

Бу воқеаларни кузатиб турган ва темурий ҳукмдорлар учун жиддий хавф пайдо бўлганлигини англаган Бобур Мирзо 1500 йилда ўз қўшини билан яна темурийлар пойтахти Самарқандга юриш қилади. Лекин Шайбонийхон ундан олдинроқ ҳаракат қилиб Самарқандни қамал қилади. Шаҳар ҳокими Султон Али ўзининг баъзи амалдорлари тахтни Бобур Мирзога топшириш учун яширин ҳаракатлар олиб бораётганлигидан ҳабар топиб, Шайбонийхон билан музокаралар олиб боришга мажбур бўлади. Улар орасидаги келишувга кўра, Шайбонийхон Султон Алининг онасига уйланади ва Самарқанд шаҳрини ҳам жангсиз қўлга киритади. Тез орада

[72] Ўзбекистон тарихи: давлат ва жамият тараққиёти. Сагдуллаев А., Аминов Б. ва бошқалар. Т., 2000. 147-бет.

[73] Бобур, Заҳириддин Муҳаммад. Бобурнома. – Т.: Юлдузча, 1989. 56-71-бетлар.

[74] Муҳамадиёр ибн Араб Қатаған. Мусаххир ал-Билод. Форс тилидан таржима ва изоҳлар муаллифи И.Бекжонов, Д.Сангирова. Т.: Янги аср авлоди, 2009. 77-82-бетлар.

Қарши ва Хузор (Ғузор) шаҳарлари ҳам шайбонийлар томонидан босиб олинади[75].

Самарқанд шаҳари зодагонларининг маълум қисми темурийлар ҳукмдорлигини тиклаш тарафдори эди. Улар Заҳириддин Муҳаммад Бобурга мактуб йўллаб Самарқандни ишғол қилишга даъват этадилар. Бобур қўшинлари билан Самарқандга етиб келгач, унга пешвоз чиқилиб, шаҳар дарвозалари очиб берилади. Шайбонийхоннинг шаҳар ҳимояси учун қолдирган 600 нафар аскари қириб ташланади ва Шайбонийхон Бухорога чекинади. Аммо, шаҳарда озиқ-овқат захиралари тугаб, очарчилик бошланган. Бундан хабар топган Шайбонийхон катта куч билан яна Самарқандга юриш бошлайди. 1501 йил апрелда Зарафшон бўйидаги Сарипул қишлоғи яқинида бўлган жангда Бобур қўшинлари енгилади ва Самарқандга чекинади.

Қамалда қолган шаҳар аҳолисининг очлиқдан тинкаси қурийди. Ноиложликдан Бобур 1501 йилнинг 2-ярмида Самарқандни тарк этиб, Тошкентга тоғаси Маҳмудхон ҳузурига йўл олган. Шайбонийхон Самарқандни иккинчи маротаба жангсиз эгаллади. Зарафшон ва Қашқадарё воҳалари яна Шайбонийхон қўлига ўтади.

Шайбонийхон 1503 йилнинг охирида Султон Маҳмуд бошчилидаги қўшинларни Хоразмни эгаллаш учун юборади. Бу биринчи ҳарбий юриш давомида Хоразмнинг бир қисми, хусусан, Кат қалъаси эгалланди. Лекин Шайбонийхон Ҳисор вилоятига юриш қилиш учун барча кучларини йиғаётганлиги сабабли, Маҳмуд Султон катта ўлжа билан Бухорога қайтди. Хоразмни бутунлай эгаллаш учун Шайбонийхон 1504 йилда иккинчи марта ҳарбий юриш қилди. 1505 йилнинг ёзида Урганч шаҳри эгаллангач Хоразм тўла босиб олинди[76].

Мовароуннаҳрнинг марказида мустаҳкам ўрнашиб олган Шайбонийхон Хуросонни забт этишга киришди. Султон Ҳусайн Бойқаро 1506 йилда вафот этгач, Ҳирот тахтига икки шаҳзода Музаффар ва Бадиуззамон ўтказилди. Темурий шаҳзодаларнинг келишиб ҳаракат қила олмаганлиги ва ҳарбий жиҳатдан уқувсизлигидан фойдаланган Шайбонийхон Балх шаҳрини

[75] Бобур. Бобурнома. Ўша нашр, 71-73 бетлар.
[76] Зиё А. Ўзбек давлатчилиги тарихи. – Т.: 2001. 310-330-бетлар.

эгаллади. 1507 йилда Ҳирот шаҳри ҳам қўлга олинганидан кейин бутун Хуросон Шайбонийлар давлатига қўшиб олинди[77]. Шу тариқа, Сарипул жанги билан Мовароуннаҳр эгалланган бўлса, 1507 йилги Марвичак уруши билан Хуросон шайбонийлар давлати таркибига кирди.

Мовароуннаҳр ва Хуросон эгаллангандан сўнг Шайбонийхон 1509 йилнинг апрель ойида Қаршидан Эронга қараб йўлга тушади. Сафавийлар ва шайбонийлар ўртасидаги жангга қадар Шайбонийхон Эронни босиб олиш учун зимдан тайёргарлик кўрган. Жумладан, 1509 йилнинг апрель ойида у Қаршида ўз қўшинларини тўплайди ва уларга бош бўлиб Амударё кечуви – Бурдалиқ томонга (ҳозирги Чоржўй яқинида) қараб йўлга тушади. Лекин, Фазлуллоҳ ибн Рузбеҳоннинг берган маълумотига қараганда, йўлда ўзбек султонларини ўз улусларига қайтариб юборади. Муҳаммад Темур султон Самарқандга, Ҳамза султон Ҳисори Шодмонга, Убайдулло султон Бухорога ўз қўшинлари билан қайтиб кетадилар[78]. Лекин Марв шаҳрини эгаллаган Шайбонийхон Эроннинг ички вилоятларига юриш қилади. Машҳад ва Тус шаҳарларини эгаллаб, улардаги муқаддас жойларни зиёрат этиб, баъзи меъморий иншоотларни таъмирлашга буйруқ беради. 1510 йилда Эрондан орқага қайтган Шайбонийхон орқадан катта куч билан етиб келган Эрон шоҳи Исмоил Сафавий қўшинлари билан Марв яқинида, Мовароуннаҳрдан ёрдам келишини кутмасдан жангга киришга мажбур бўлади ва сон жиҳатдан устунликка эга бўлган «қизилбошлилар» қўшинидан мағлубиятга учрайди. Муҳаммад Шайбонийхоннинг ўзи ҳам бу жангда ҳалок бўлди[79].

1511-1512 йилларда шайбонийларнинг бир иттифоққа кела олмаганлигидан фойдаланган ҳолда ҳамда сафавийлар кўмагига суяниб, Бобур Самарқанд тахти учун курашни давом эттириш имконига эга бўлади. Хуросон тўлиғи билан, шу жумладан, ҳозирги Туркманистон, Хоразм, Шимолий Афғонистон Эрон шоҳи Исмоил ҳукмронлигига ўтди. Қобул ҳукмдори Бобур шоҳ Исмоилнинг ёрдами билан ҳарбий-сиёсий иттифоқ тузиб, 1511

[77] Муҳаммад Ҳайдар мирзо. Тарихи Рашидий. – Т.: Шарқ, 2010. 313-бет.

[78] Фазлаллах ибн Рузбихан Исфахани. Михман-наме-йи Бухара (Записки бухарского гостя). Перевод, предисловие и примечания Р.П. Джалиловой. – М., 1976. 116-бет.

[79] Ғиёсиддин Хондамир. Ҳабиб ус-сияр фи ахбори афроди башар. / Форс тилидан таржима, муқаддима муаллифи Ж.Ҳазратқулов, И.Бекжонов. – Т.: Ўзбекистон, 2013. 1204-бет.

йилнинг баҳорида Ҳисорни, ёзида Бухорони, октябрнинг бошида эса Самарқандни яна қўлга киритади[80]. Бобур Самарқандни эгаллагач, Шоҳ Исмоилни олий ҳоким деб эълон қилди. Шиа имомлари номи билан тангалар зарб қила бошлади, Мовароуннаҳрни Эрон манфаатларига бўйсундирди. Унинг буйруғи билан жума номозида Исмоил Шоҳ номига ҳутба ўқитилди. Бобурнинг бу ҳаракати, айниқса, Исмоил Сафавий етакчилигини тан олиши маҳаллий халқнинг (суннийларнинг) норозилигини қўзғади. Бундай қулай фурсатдан Шайбонийхоннинг жияни Убайдулла Султон (1486-1539) фойдаланишга киришди ва 1512 йил 28 апрелда Жондор тумани яқинидаги Малик кўли ёнидаги жангда Бобур лашкари Убайдулла Султондан енгилади. Бобур Ҳисорга чекинади. Убайдуллахон Бухоро ва Самарқандни эгаллади. Бу воқеадан сўнг Бобурга шоҳ Исмоил 80 мингли (баъзи манбаларда 60 минг) қизилбошлилар қўшинини ёрдамга юборади. 1512 йил 16 июнида Эрон аскарлари Амударёдан ўтиб Бобур қўшинига келиб қўшиладилар. Бобур Мовароуннаҳрни Шайбонийлардан қайтариб олишга охирги марта уриниб кўради. Дастлаб Қарши шаҳрини қўлга киритилади. Бобурнинг иттифоқчи қўшинлари Бухоро томон юриб Карманани қамалга олган вақтда, шайбоний султонлардан Убайдуллахон Ғиждувон яқинида қизилбошлиларга тўсатдан (1512 йил 24 ноябрда) ҳужум қилиб уларни тор-мор қиладилар[81]. Ғиждувон жангидаги мағлубиятдан сўнг Исмоил Сафавийнинг Бобур билан иттифоқи бузилди. Бобур яна Қобулга кетишга мажбур бўлди[82].

1512 йил шайбоний султонлар йиғилиб, ёши улуғ ҳарбий йўлбошчи бўлган Жонибек султон (Шайбонийхоннинг амакиваччаси)га ҳудудларни қайта тақсимлаш вазифаси топширилган (У ёш жиҳатидан Кучкунчи ва Суюнчхожахонлардан кейин учинчи ўринда турса-да, ҳарбий-сиёсий жараёнларда етакчи мавқеъга эга бўлган). Унга кўра, Самарқанд ҳудудини Кучкунчи султон ва Шайбонийхоннинг катта ўғли Муҳаммад Темурга, Тошкент вилоятини Суюнчхожа султонган, Бухоро шаҳри ва Қоракўл Убайдулла султонга, Ҳисор ва унги тобеъ ҳудудлар

[80] Муҳамадиёр ибн Араб Қатаған. Мусаххир ал-билод. 126-127-бетлар.

[81] Ражабов Қ., Очилов Э. Убайдуллахон. Т.: “ABU MATBUOT-KONSALT”, 2011. 6-8-бетлар.

[82] Восифий, Зайниддин Маҳмуд. Бадоеъ ул-вақоеъ. / Форс тилидан Н. Норқулов таржимаси. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1979. 30-бет.

Ҳамза ва Маҳдий султон ўғилларига (1511 йил Бобур қўшинлари билан тўқнашувда Ҳамза ва Маҳдий султонлар ҳалок бўлган) берилган бўлса, Кармана ва Миёнқол вилоятларини ўзи ва фарзандлари учун олиб қолди[83].

Муҳаммад Шайбонийхон томонидан Хуросон ерлари эгалланган, унинг катта ўғли Муҳаммад Темур валиаҳд деб эълон қилинган ва унга «хон» рутбаси берилган[84]. Лекин Муҳаммад Шайбоний вафот этгач, барча шайбоний султонлар кенгашиб, эски тўра ва ясоқ қонуни бўйича ўша даврдаги ёши энг улуғ шайбоний Кучкунчи ибн Абулхайрхонни (1454-1530 йилларда яшаган) олий ҳукмдор этиб сайлаган[85]. Шу даврдан бошлаб Мовароуннаҳрда «хон» билан бир пайтда валиаҳд ҳам белгиланадиган бўлди. Шайбонийлар давлатида валиаҳд «қолға» деб аталиб[86], 1512 йил ёш жиҳатдан хондан кейин иккинчи ўринда турган унинг укаси Суюнчхожа «қолға» сифатида белгиланган. 1525 йил Суюнчхожа султон бевақт вафот этгач, хондан кейинги ёши улуғ султонлардан бири – Кармана ва Миёнқол ҳокими Жонибек султон (машҳур шайбонийлар – Абулхайрхоннинг набираси, Абдуллахон II нинг бобоси) валиаҳд этиб белгиланди. 1529 йил Жонибек султон вафот этгач, энг катта шаҳзодалар Кучкунчихоннинг ўғиллари Абу Саъид султон (1530-1533) ва Абдуллахон I (1539-1540)лар бирин-кетин «қолға»[87], ундан кейин эса олий ҳукмдорлик мартабаларига кўтарилган[88].

XVI асрнинг биринчи ярмидан бошлаб Мовароуннаҳрда феодал тарқоқлик ва ички зиддият ниҳоят авж олди. Бу ҳол Убайдуллахон вафот этгандан сўнг яна ҳам кучайиб кетди. Кўчкинчихоннинг ўғли Абдуллахон I нинг ҳукмронлиги олти ойдан (1539-1540) ошмади. Унинг вафотидан сўнг мамлакатда қўшҳокимлик ҳукм сурди: Бухорода Убайдуллахоннинг ўғли Абдулазизхон (1540-1550), Самарқандда эса Кўчкинчихоннинг

[83] Муҳамадиёр ибн Араб Қатаған. Мусаххир ал-билод. 136-бет.
[84] Ҳофиз Таниш Бухорий. Абдулланома. Биринчи китоб. Форс тилидан С.Мирзаев таржимаси, нашрга тайёрловчи, сўз боши ва изоҳлар муаллифи Б.Аҳмедов. Тошкент: Шарқ, 1999. 57-бет.
[85] Эшов Б. Ўзбекистонда давлат ва маҳаллий бошқарув тарихи. Тошкент: Янги аср авлоди, 2012. 306-бет.
[86] Ҳофиз Таниш Бухорий. Абдулланома. 1-китоб. 61-бет; Муҳамадиёр ибн Араб Қатаған. Мусаххир ал-билод. 142-бет.
[87] Муҳаммад Ҳайдар мирзо. Тарихи Рашидий. 399-бет.
[88] Муҳамадиёр ибн Араб Қатаған. Мусаххир ал-билод. 142-бет.

учинчи ўғли Абдулатиф ҳокимиятни қўлга олди. Шу йиллари Шайбоний султонларнинг тожу тахт учун талашишлари кучайди. Бу вақтда Тошкент ва Туркистонда Наврўз Аҳмад (Бароқхон), Кармана ва Миёнколда Абдуллахоннинг отаси Искандархон, Балхда унинг амакиси Пирмуҳаммадхон, Насаф вилоятида Абдуллахоннинг амакиваччаси Қилич Қора султон, Ҳисор ва Бадахшонда Убайдуллахоннинг ўғли Бурҳон султон ҳоким эдилар.

Абдулазизхон 1550 йили вафот этди. Лекин унинг ўрнига хон қилиб кўтарилган Муҳаммадиёр султон (Шайбонийхоннинг набираси Пўлод султоннинг ўғли) ҳокимиятни қўлда тутиб қололмади. Ўша йилиёқ Бухоро тахтини Пирмуҳаммадхон эгаллади. Лекин унинг ҳукмронлиги ҳам узоққа бормади. Орадан бир йилча ўтгач, 1551 йили Тошкент ҳокими Бароқхон ва Самарқанд ҳокими Абдулатифхон иттифоқлашиб, Бухоро тахтини эгаллаш учун қўшин тортдилар. Искандар султон Карманани ташлаб кетди ва Амударёдан ўтиб Андҳуд ва Шибирғонга қараб қочди. Пирмуҳаммадхон бўлса Бухорони Муҳаммадёр султонга топшириб Балхга қайтди[89].

Бароқхон ва Абдулатиф бошқа бир неча султон, хусусан Султон Саъид, Муҳаммадёр султон ва Бурҳон султон билан иттифоқлашиб, Насаф, Кармана ва Миёнқолни қўлга киритиш учун кураш бошладилар. Мана шундай оғир кунларда ёш Абдуллахон (у ўша вақтда 18 ёшда эди) Миёнқол қолъасини мустаҳкамлаб, иттифоқчиларга қарши курашди. Лекин 12 кун давом этган қамал сулҳ билан тугади.

1557 йили Абдуллахон Бурҳон султон устидан ҳам ғалаба қилди ва Бухорони қўлга киритди. Балх (1573), Самарқанд (1578), Тошкент (1582), Фарғона (1583), Бадахшон (1584), Кўлоб (1585), Хуросон (1588), Хоразм (1595 – 1596) устидан ўз ҳукмронлигини ўрнатди ва шу асосда марказий давлат бошқарув девонини мустаҳкамлади. 1557-1561 йилларда амакиси Пирму-ҳаммадхонни, 1561-1583 йилларда отаси Искандархонларни олий ҳукмдор даражасида бўлишини таъминлаган бўлса, 1583-1598 йилларда ўзи расман «хон» рутбаси асосида мамлакатни бошқарди[90].

Шундай қилиб XVI аср охирига келиб Бухоро хонлиги марказлашган улкан давлатга айланган. Шарқда Қашқар билан

[89] Аҳмедов Б.А. Тарихдан сабоқлар. Т.: Ўқитувчи. 1994. 263-бет.
[90] История Узбекистана (XVI - первая половева XIX в.). Т.: Фан, 2012. 39-бет.

чегарадош бўлган, ғарбий чеккаси Орол ва Каспий денгизи соҳилларигача бориб туташган. Хонликнинг шимолдаги чегаралари Туркистон ва Сайрамгача етиб, жанубда Хуросоннинг шарқий қисмини ўз ичига олган.

Шайбонийхон вафотидан сўнг майда қисмларга бўлиниб кетган Мовароуннаҳрни қайта бирлаштириш, Шайбонийхон давлатини қайта тиклаш, марказий давлатни кучайтиришга қаратилди. Бунда у деярли ҳамма ўзбек қабилалари, Жўйбор хожалари ва руҳонийларнинг ёрдамига таянди[91]. Абдуллахон қарийб 40 йил ҳукм сурди, лекин бари бир ички феодал уруш ва низоларни тамоман бартараф қилолмади. Феодалларнинг сепаратистик ҳаракати Абдуллахон ҳаётининг сўнгги йилларида яна бошланди ва унинг вафотидан (1598) кейин кучайиб кетди. Марказий давлат ҳокимиятининг заифлашуви натижасида Хоразм ва Хуросон қўлдан кетди. Мовароуннаҳрнинг марказий вилоятларига қозоқ хони Таваккалхон катта қўшин билан бостириб кириб Фарғона водийсини, Тошкентни, Самарқанд ва Зарафшон воҳасининг катта қисмини босиб олди, ҳамда Бухорони қамал қилди.

Шайбонийхоннинг саъйи ҳаракати билан ташкил топган ва ҳар томонлама қудратли бўлган бу хонлик ўзбек давлатчилиги тарихида Амир Темур салтанатидан кейинги энг йирик давлат эди. Лекин бу давлатнинг куч-қудрати ҳам худди Амир Темур тузган давлатдек, ҳокимият тепасида турган ҳукмдорнинг шахсий фазилатларига суянар, даврнинг ҳар қандай синовларига бардош берадиган мустаҳкам давлатчилик тизими яратилмаган эди. Унинг ворислари Абдуллахоннинг буюк давлатчилик сиёсатини давом эттира олмадилар ва ҳокимиятни жуда қисқа вақтгина ўз қўлларида сақлаб тура олдилар. Абдуллахоннинг ўлимидан кейин тахтга ўтирган унинг ўғли Абдулмўмин 6 ойдан сўнг сарой фитначилари томонидан ўлдирилди. Ҳокимиятни Шайбонийхоннинг сафдошларидан Жонибек султон (1528 йилда вафот этган)нинг уруғидан бўлган Пирмуҳаммад ибн Сулаймон (1599-1601) эгаллади. Абдуллахоннинг жияни бўлган бу хон шайбонийлар сулоласининг сўнгги вакили бўлиб қолди[92].

[91] Иноятов С., Тўраев Ҳ., Саидов М. Қосим Шайх Азизон. – Т.: 2000. 31-бет.
[92] Аҳмедов Б. Тарихдан сабоқлар. Кўрсатилган нашр. 195-бет.

Шайбоний ҳукмдорлар ўртасидаги ўзаро курашлар охир-оқибат бу сулола вакилларининг бутунлай қирилиб кетишига олиб келди ва 1601 йилда Пирмуҳаммадхоннинг ўлимидан кейин Бухоро тахти янги сулола – Аштархонийлар (жонийлар) қўлига ўтди.

Шайбонийларда мамлакат тахтининг эгалланиш анъаналари тартибини шартли равишда икки босқичга бўлишимиз мумкин:

Шайбонийлар давлатининг ҳарбий-сиёсий жараёнларига оид маълумотларни таҳлил қилиш натижасида қуйидаги хулосаларни чиқариш мумкин:

Шайбоний султонлар ўзларининг Мовароуннаҳрда бир асрлик ҳукмронлигининг дастлабки ярмида ўзаро ҳамжиҳатлик ва бирдамликда фаолият олиб борганлиги натижасида марказлашган давлат барпо этганлигининг гувоҳи бўламиз; XVI аср ўрталаригача мамлакатда нисбатан барқарорлик таъминланганлиги кузатишимиз мумкин. Бунинг асосий сабабларидан бири маълум қоида ҳамда интизом асосида ёши энг улуғ сулола вакилининг сайлаб қўйилиши натижасида тахт учун талашишнинг келиб чиқмаганлигидир; XVI асрнинг 40-йилларидан бошлаб ясоқ удумларига амал қилинмасдан, тожу тахтнинг отадан фарзандга ўтиб бориши сулоланинг таназзулига хизмат қилди. Чунки белгиланган анъанага риоя қилинмасдан тахт учун аканинг укага қарши, ўғилнинг отага қарши ва бошқа қариндошларнинг бир-бирига қарши курашлари ҳамда ҳалокат топишлари натижасида аср охирига келиб давлат марказий ҳокимиятини асраб қоладиган даражага эга бўлган сулола вакили қолмади.

АДАБИЁТЛАР

1. Аҳмедов Б.А. Тарихдан сабоқлар. Т,: Ўқитувчи. 1994.

2. Вамбери Ҳ. Бухоро ёхуд Мовароуннаҳр тарихи. Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1990.

3. Восифий, Зайниддин Маҳмуд. Бадоеъ ул-вақоеъ. / Форс тилидан Н. Норқулов таржимаси. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1979.

4. Бобур, Заҳириддин Муҳаммад. Бобурнома. – Т.: Юлдузча, 1989.

5. Иноятов С., Тўраев Ҳ., Саидов М. Қосим Шайх Азизон. – Т.: 2000.

6. Муҳаммад Ҳайдар мирзо. Тарихи Рашидий. – Т.: Шарқ, 2010.

7. Муҳамадиёр ибн Араб Қатаған. Мусаххир ал-билод. Форс тилидан таржима ва изоҳлар муаллифи И.Бекжонов, Д.Сангирова. Т.: Янги аср авлоди, 2009.

8. Фазлаллах ибн Рузбихан Исфахани. Михман-наме-йи Бухара (Записки бухарского гостя). Перевод, предисловие и примечания Р.П. Джалиловой. – М., 1976.

9. Ғиёсиддин Хондамир. Ҳабиб ус-сияр фи ахбори афроди башар. / Форс тилидан таржима, муқаддима муаллифи Ж.Ҳазраткулов, И.Бекжонов. – Т.: Ўзбекистон, 2013.

10. Ҳофиз Таниш Бухорий. Абдулланома. Биринчи китоб. Форс тилидан С.Мирзаев таржимаси, нашрга тайёрловчи, сўз боши ва изоҳлар муаллифи Б.Аҳмедов. Тошкент: Шарқ, 1999.

МАРКАЗИЙ ОСИЁ МИНТАҚАСИ ДАВЛАТЛАРИНИНГ МАДАНИЙ-ГУМАНИТАР АЛОҚАЛАРИДАГИ ПАРАДИГМАЛ ЎЗГАРИШЛАР

Зикирова Н.Қ,
ЎзМУ мустақил изланувчиси.

Аннотация

Ушбу мақолада Марказий Осиё минтақаси давлатларининг маданий-гуманитар алоқалардаги парадигмал ўзгаришлар: мустақиллик ва миллий ўзликни англаш феноменининг тарихий-маданий парадигмага таъсири; этник, миллий алоқаларда минтақа омилининг қайта баҳоланиши; бозор иқтисодининг этносоциал ва этномаданий ҳаётга таъсири; миллий муносабатлар; дин омили; экологик маданият; коммуникация ва информация; бадиий-эстетик тажриба алмашиш; илм-фан, маориф соҳаларида рўй берган ёки кечаётган жараёнлар орқали очиб берилган.

Калит сўзлар: *тарихий - маданий парадигма, мустақиллик, минтақа омили, этнос, бозор иқтисодиёти, этномаданият, дин, экологик маданият, коммуникация,илм-фан.*

В этой статье раскрыты парадигмальные изменения культурно-гуманитарных отношений государств в Центрально Азиатском регионе: влияние независимости и феномена самосознания на историческо-культурную парадигму; пересмотр оценки регионального фактора на этнические и национальные отношения; влияние рыночной экономики на этносоциальную и этнокультурную жизнь; религиозный фактор; экологическая культура; коммуникация и информация; обмен художественно-эстетического опыта; процессы происходящие в научной, просветительской сферах.

Ключевые слова: *историческо-культурная парадигма, независимость, региональный фактор, этнос, рыночная экономика, этнокультура, религия, экологическая культура, коммуникация,наука.*

This article reveals paradigmatic changes in the cultural and humanitarian relations of states in Central Asian region: The influence of independence and the phenomenon of self-consciousness on the historical and cultural paradigm; Revision of the assessment of the re-

gional factor on ethnic and national relations; Influence of market economy on ethno-social and ethno-cultural life; Religious factor; Ecological culture; communication and information; Exchange of artistic and aesthetic experience; Processes occurring in the scientific and educational spheres.

Key words: *Historical and cultural paradigm, independence, regionl factor, ethnos, market economy, ehnoculture, religion, ecological culture, communication, science.*

Мустақиллик минтақамиз халқлари ижтимоий ҳаётини, келажак ҳақидаги тасаввурларини мутлақ ўзгартиришга, жаҳон халқлари билан интеграцияга киришиб, янги, глобал муносабатларда фаол қатнашишга ундади. Бунинг учун эски тасаввурлар ва ҳаёт тарзини мутлақ янги парадигмага қуриш даркор эди. С.Норқулов таъкидлаганидек: «Жамиятда амалга ошириладиган туб ўзгаришлар, модернизация ва трансформация парадигмал хусусиятга эга бўлганидагина эски анъаналар ўрнига янги ғоявий, маънавий қадриятлар, ижтимоий онгда янги қарашлар, тасаввурлар ва идеаллар шаклланади. Парадигмал ўзгариш эски, ўз умрини яшаб бўлган, кишилар онги, ҳаёт тарзи ва фаолиятидан жой олган принципларнинг, нормаларнинг янги давр талабларига мувофиқ алмашишидир»[93].

Энг аввало айтишимиз зарурки, маданият полистилистик, полифункционал воқелик сифатида ижтимоий борлиқнинг, инсон фаолиятининг барча томонларини қамраб олади. Ҳар қандай воқелик ёки фаолият туридан маданият элементини топса бўлади. Унинг ушбу полифункционаллиги маданий-гуманитар алоқаларни ҳам кенг ва турли соҳалардан излашга ундайди.

Мустақиллик ўзликни англашдир. Миллий ўзлигини англаган киши, миллат, халқ, мустақиллик феномени кимнингдир инъоми эмаслигини, балки у ўзлигини, социокреатив кучларини намоён қилиш имкони эканини англайди[94]. Минтақамиз халқлари мудом ташқи тазйиқлар, босқинлар тагида яшаган, уларнинг мустақиллик учун кураши ва 1991 йили мустақилликни қўлга киритиши ана шу босқинлардан халос бўлиши ифодасидир.

---

[93] Норқулов С. Фуқаролик жамияти ва ижтимоий онгда трансформация жараёнлари. – Тошкент: Navro`z, 2015. – 190 б.

[94] Қўчқоров В. Миллий ўзликни англаш ва ижтимоий-сиёсий жараёнлар – Тошкент: Akademiya, 2007. – 155 б.

Мустақиллик қардош халқларга ўзининг глобал дунёдаги ўрнини ва тарихий-маданий парадигмасини қайта баҳолаш имконини беради. Улар генезесини, узоқ тарихий-маданий тараққиётдаги ўрнини «совет тарихшунослиги»дан мутлақ фарқ қилувчи мезонлар билан баҳолашга киришди.

Қирғиз тадқиқотчиси К.Байбосунов (Тянь-Шань) эзотерик манбалар асосида қирғизлар дунёдаги энг қадимги халқлардан бири эканини асослашга интилади. Унинг ёзишича, «қирғиз» миллати сув босқини (чамаси «Инжил»даги Нуҳ пайғамбар даври назарда тутилаяпти – Н.З.) даврига бориб тақалади. Улар «Тангри Фарзандлари» ёки Нур таратувчи ирқ (Нур) деб аталган. Уларнинг асосчиси Тюмень бўлган, Тюмендан Сактананинг орий авлодлари, кейин Ўғузхон авлодлари тарқалган. Мазкур руҳ титанларидан қирғизлар раҳнамоси Манас буюк руҳ пайдо бўлган, у ҳозирги қирғиз ирқи томонидан илоҳий етакчи сифатида эъзозланади. Шунинг учун у «ҳозирги даврда Ўртакенглик Осиёсида тарихда қирғизлардан олдин учрайдиган бирор халқ номи йўқ» [95], деган хулосага келади.

Тадқиқотчининг қирғиз халқи келиб чиқишини «Манас» билан боғлаши қизиқиш уйғотади. Жаҳон халқлари цивилизацияси генезесини А.Тойнби Ян ва Инь, Чиқиш ва Қайтиш теологик концепция билан боғлаган-ку[96]. Шунга яқин фикрларни биз бошқа қирғиз тадқиқотчилари – У.Чиналиев ва Б.Сидиқовда ҳам учратамиз[97]. Ушбу ёндашувлардан қирғизлар нафақат энг қадимги миллат, шу билан бирга бутун минтақадаги ижтимоий, маданий жараёнларнинг бошловчиси, асосчиси бўлиб чиқади. Чунки, К.Байбосунов (Тянь-Шань) таъкидлаганидек, «қирғизлар бронзадан олтин ва темиргача ишлашни эгаллаган биринчи халқлардандир»[98].

---

[95] Байбасунов К. (Тянь-Шань). Нациогенез кыргызов новой эпохи (Интегральное исследование современного нациобразавания). – Бишкек: Турар, 2012. – 500 с.

[96] Чиналиев У. Становление кыргызской государственности. – Москва: Наука, 2000. – с.262 – 264.

[97] Чиналиев У. Становление кыргызской государственности. – Москва: Наука, 2000. – 168 с. ва Сидиқов Б. Некоторые вопросы социокультурной политики государств Центральной Азии (на примере сотрудничества Кыргызстана и Узбекистана). – Ташкент: Ёзувчи, 2000. – 182 с.

[98] Байбасунов К. (Тянь-Шань). Нациогенез кыргызов новой эпохи (Интегральное исследование современного нациобразавания). – Бишкек: Турар, 2012. – С.53.

Кейинги тараққиёт босқичларида қирғизлар шон-шараф ҳам топган, араблар, мўғуллар, Қўқон хонлиги, Чор Россияси, большевиклар ҳукмронлиги остида ҳам яшаган. Зиддиятли ёндашувларга қарамай, айнан советлар даврида, муаллиф фикрига кўра, қирғизлар ўз давлатчилигига эга бўлди «Оло-Тоо ерида мислсиз сиёсий, иқтисодий, ижтимоий-маданий ўзгаришлар амалга ошди»[99]. Шунга яқин фикрни тожикистонлик ва қозоғистонлик тадқиқотчилар ҳам билдиришади. Уларнинг фикрича, советлар даврида Россия, Қозоғистон, умуман, Евросиё, Монголия, Хитой, Корея, Ҳиндистон халқлари билан ҳақиқий дўстлик, ҳамкорлик маданий алоқалар ўрнатилди, ушбу халқлар ўзини «ягона макон»да сезди. Ўзбекистонлик тадқиқотчилар «якдиллик билан» совет даврини қоралайдилар, ўзини «қулликда яшаган» деб биладилар. Туркманистон совет даврига баҳо беришдан ўзини тияди, аммо унинг ўз мустақиллигини, авторитар режимини мақтаётгани ижтимоий-маданий ҳамкорликни давом эттиришга ҳалақит бермайди. Минтақадаги тарихий-маданий ўтмишга турлича ёндашув ҳозирги ҳаётни мутлақ янгича қуришни тақозо этаётганини рад этмайди. Ҳар бир халқ ўз ўтмишини ўзи баҳолаш ҳуқуқига эга. Шу тариқа у ўзлигини намоён этади. Ўз тақдири учун масъуллигини сезади. Лекин расмий талқиннинг объектив жараёнлардан фарқ қилишини унутиб бўлмайди, тадқиқотчи учун эса, ўтмишни объектив баҳолаш, расмий кўрсатма ва йўриқларга кўр-кўрона эргашмай, объектив жараёнларни объектив баҳолаш муҳимдир. Келгусида «Марказий Осиё: тарих, тараққиёт ва маданий-гуманитар алоқалар» дарслиги тайёрланиши мақсадга мувофиқдир. Унда барча республикалардан тадқиқотчилар қатнашиши зарур.

Минтақадаги бирорта муаммони этник, миллий алоқалардан ташқарида ҳал қилиш мумкин эмас. Қозоғистон аҳолисининг учдан бирини славянлар[100], Қирғизистон, Ўш ва Жалолобод вилоятлари аҳолисининг 60% ни ўзбеклар ташкил этади[101]. Фарғона водийсида Тожикистон аҳолисининг учдан бири, Ўзбекистон аҳолисининг 27%, Қирғизистон аҳолисининг ярмидан

[99] Байбасунов К. (Тянь-Шань). Нациогенез кыргызов новой эпохи (Интегральное исследование современного нациобразавания). – Бишкек: Турар, 2012. – С.64.

[100] Абен Е. Казахстанско-Российские отношения: факторы “за” и “против”// Центральная Азия и Кавказ, 2000, №3(9). – с.24.

[101] Общественные науки в Узбекистане, 2001. №6. – с.40.

кўпи яшайди[102]. Биргина Ўзбекистонда бугун 136 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари яшамоқда[103].

Мустақилликнинг дастлабки йилларида бир томондан, этник, миллий ўзликни англаш янги воқелик сифатида шаклланган бўлса, иккинчи томондан, ўзининг мавқеи, ҳуқуқи камситилган деб билган миллат вакилларининг миграцияси кучайди. Титул миллат ўз маданиятини устун қўйиши орқали ўзлигини намоён этди, қозоқ, қирғиз, тожик, туркман ва ўзбек тиллари давлат тиллари деб эълон қилинди. Қозоғистон ва Қирғизистон рус тилини халқаро мулоқот тили деб эълон қилган бўлса-да, словян этносига оид кишиларнинг миграцияси тўхтамади. Давлатлар миллий-маданий марказлар, халқлар маданияти ассамблеяси тузган, кўчиб кетишга турли тўсиқлар ўйлаб топса-да, этник миллий фарқланиш жараёни давом этди. Бу табиий ҳол, чунки тарихий-маданий меросга муносабат турлича эди. Халқ ҳаётини, руҳини, у эъзозлайдиган қадриятларни англаш учун у билан ёнма-ён яшаш камлик қилади, бунинг учун ўша халқ қалбига эга бўлиш даркор. Тарихий-маданий тажрибани ўзлаштириш эса ҳеч қачон айнан рўй бермаган. Аммо, этнослар, миллат вакиллари, ўзга маданият ва қадриятларга «тош отмаслиги» учун бағрикенглик руҳини шакллантириши мумкин. Бағрикенглик (толерантлик) бошқа маданият ва қадриятларни англаш имконидир. Маданиятлараро йўқотиш қийин эмас, мустақиллик эйфорияси, этноэгоизм уларни уларни тезда унутиш мумкинлигини кўрсатди. Ўзлигини англаш ижобий воқелик, аммо уни мутлақлаштириш, бошқа миллатлар туйғуларидан устун қўйиш, этноцентрик кайфиятларни қўллаб-қувватлаш мумкин эмас. Тарихий-маданий парадигма силлиқ шаклланган эмас, у низолар, тўқнашувлар, хатто, урушлар таъсири маҳсулидир. Унда фақат ижобий кучлар эмас, улар билан бирга салбий кучлар ҳам қатнашган. Агар кейинги авлодлар ижобий кучлар таъсирини унутиб, салбий таъсирларнигина эсласа, улар учун ўч олишга интилса, маданий-гуманитар алоқаларни йўлга қўйиш имкони қолмайди.

«Минтақа омили» деганда, биз тақдир тақозоси билан жуғрофий ҳудуди умумий, бир ирмоқдан сув ичиб, яқин хўжалик

---

[102] Программа развития Ферганской долины (Кыргызстан, Таджикистан, Узбекистан), - Ташкент: 1997. – 32 с.

[103] Мусаев О. Ўзбекистонда миллатлараро муносабатлар ривожи. – Тошкент: Истиқлол нури, 2016. – 166 б.

типлари яратган, касбкори, дунёқараши, анъаналари муштарак, маънавий-руҳий олами айнан этнослар яшайдиган макон таъсирини назарда тутамиз. Ушбу этнослар учун қуёш бир томондан (асосан Шаркдан) чиқади ва бир томонда (асосан Ғарбда) ботади; минтақа чеккасида қўзғалган шамол бир кун ўтмай нариги чеккасига етади. «Ота макон» деган тушунча ана шу омил туфайли шаклланган.

Минтақа омили Марказий Осиёда яшаётган халқлар учун мавжуд муаммолар уйғунлигини ҳам билдиради. Уларга демографик, экологик, ҳудудий, сув, об-ҳаво билан боғлиқ муаммолар киради. Минтақада аҳоли турли жипсликда жойлашган. Энг кўп аҳоли Ўзбекистонга (32 миллионга яқин) тўғри келади, кейин Қозоғистон (17 миллионга яқин), Тожикистон, Қирғизистон ва Туркманистон келади.

Аҳоли жипслиги маданий ривожланишга таъсир этади. Аҳоли жипс жойлашган худудларда алоқа мунтазам, интенсив кечади, у ерларда ўтроқ маданият шаклланган. Дашт маданияти аҳоли кам, кўчманчи ҳаёт тарзига асосланган ҳудудларда шаклланган. Қозоғистон ва Қирғизистонда ерига нисбатан аҳолининг камлиги кўчманчилик, дашт маданияти билан боғлиқ. Аҳолисининг кам сонли бўлишига қарамай, Тожикистонда аҳоли жипс жойлашган. Деҳқончилик учун зарур ерларнинг камлиги ўтроқ маданиятининг шаклланишига ҳалақит бермаган. Туркманистонда ҳам аҳоли қўшни республикаларникига кўра кам, 5,5 миллиондан зиёдроқ. Унда ўтроқ ва дашт маданияти таъсирини, изларини кузатиш мумкин. Унда ҳам атиги 2% ер суғорилади, қолган даштларда чорвачилик қилинади. Бу аҳоли турмуш тарзи, маданиятини шакллантирган омиллардир.

Миллат ва давлат бирлиги ҳудуд билан боғлиқ. Минтақамиз халқлари ўзини нафақат республикаси, шунингдек, минтақа вакили, фарзанди эканини ҳам ҳис қиладилар. Улар ота макони Марказий Осиё, мазкур минтақа ўтган аждодлари учун ягона замин, она ватан бўлганини унутмайдилар. Айнан бу туйғу улар маданиятини муштарак қилиб туради. «Абадий дўстлик» шартномаси эса маданий алоқаларни давом эттиришни, янги давр, тараққиёт босқичлари талабларига мувофиқ интеграцияни чуқурлаштиришни назарда тутади. Маданият, соғлиқни сақлаш, илм-фан, таълим, туризм ва спорт соҳаларида 1991-1999 йиллар

ичида минтақавий аҳамиятга эга 400 дан зиёд ҳужжатлар, шартномалар тузилган. Уларнинг кўпи иккитомонлама ҳужжатлар, шартномалар бўлса-да, минтақадаги анъанавий дўстлик ва маданий алоқаларни мустаҳкамлашга қаратилган.

Бозор иқтисодиётининг минтақа этносоциал ва этномаданий ҳаётига таъсирини бутун интеграция жараёнлари тасдиқлайди. Айнан бозор иқтисодиёти минтақа республикаларини мустақил тараққиёт моделларини излашга етаклайди.

Туркманистон Республикаси Президенти Г.Бердимуҳаммедов фикрига кўра, бозор иқтисодиётига асосланган минтақавий интеграция нафақат «Марказий Осиё иқтисодий Уйғониши»ни, иқтисодий, шунингдек, «Марказий Осиё мамлакатлари ҳаёт тарзининг бетакрор цивилизациявий принципларини, маданияти, таълими ва маданиятини ҳам ривожлантиришни таъминлайди»[104]. Марказий Осиё цивилизациявий принциплари ўзаро ҳамкорликни давом эттиришга табиий ресурсларни ташқарига сотишдан келадиган маблағларни минтақа халқлари ҳаётини юксалтиришга, яъни, «ички ислоҳотларни моддий таъминлаш, мамлакатларни XXI аср тарихий шароитида қайта тиклашга сарфлаш керак»[105].

Бозор иқтисодиёти бугун барча республикаларни ҳаракатга келтирган, ижтимоий-иқтисодий алоқалар, айниқса савдо-сотиқ жадал ўсмоқда. Узоқ чет эллар билан бўлаётган иқтисодий алоқалар республикаларнинг ривожланишига ижобий таъсир этмоқда. Республикалар иқтисодиёти турли даражада, тезликда ривожланаётган бўлса-да, маданий алоқаларни қўллаб-қувватлаш, бу борадаги тажрибаларни оммалаштириш, бозор иқтисодиёти талабларига мувофиқ келадиган ҳамкорликка интилиш устувор азифага айланган. Агар бозор иқтисодиёти «Туркманистонда 2010 йилгача ижтимоий-иқтисодий қайта қуриш Стратегияси»га мувофиқ (1999) аҳоли турмуш даражаси жаҳон стандартлари даражасига кўтариш назарда тутилса[106], Ўзбекистон маданиятни модернизация қилишни давом эттириш асосида «барча режа ва

[104] ИП “ТУРКМЕН информ”, Геополитические успехи Президента Туркменистана Г.Бердқмуҳаммедова. 20.04.2009.
[105] ИП “ТУРКМЕН информ”, Геополитические успехи Президента Туркменистана Г.Бердқмуҳаммедова. 20.04.2009.
[106] Национальная программа Президента Туркменистана Сапармурата Туркменбаши “Стратегия социально-экономических преобразований в Туркменистане на период 2010 года”. – Ашхабад, 1999. – 54 с.

дастурларимизни Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини ошириш»[107] деб билади, Қозоғистон «ривожланиш кетидан қуваётган» давлатдан «ривожланиши қарор топган» давлатга айланишни режалаштирган[108]. Барча республикалар ижтимоий-иқтисодий омилга эътибор қаратади, маданий ривожланишни ушбу омил асосига қуришга интилади. Тўғри, Туркманистонда бозор иқтисодиётига оид аниқ концепция, модел кузатилмайди, аммо сиёсий раҳбарлар маъруза ва китобларида, фармонларида иқтисодий ҳаётни йўлга қўйиш, чет элларга газ, нефть чиқаришдан тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ўтиш орқали ички иқтисодий муносабатларни ривожлантириш вазифа қилиб қўйилади. Туркманистон иқтисодий муаммоларини ҳал этишни ўзининг ички иши деб билади. Шундан бўлса керак, қолган руспубликалардаги ислоҳотлар, моделлар ва интеграция алоқалари Туркманистондан чеккада кетаётгандек кўринади[109]. Аммо, бу «туркман модели»га хос бўлган иқтисодий йўналишларни, улардан бозор иқтисодиётига ўтиш билан боғлиқ «ички динамикага оид механизмлар» борлигини инкор қилмайди[110].

Минтақадаги парадигмал ўзгариш динга бўлган муносабатда ёрқин кўзга ташланади. Агар советлар даврида дин «халқ учун афюн» сифатида қораланган, дин арбоблари таъқиб, хатто қатағон қилинган бўлса, мустақиллик йилларида диний-эътиқодий уйғониш рўй берди. Айниқса, ислом динига бўлган қизиқиш ва муносабат кескин ўзгарди. Масалан, Гуманитар тадқиқотлар маркази (Қозоғистон)нинг 2001 йили ўтказган оммавий сўровномасига мувофиқ эксперт-респондентларнинг 25,3% ва аҳоли-респондентларнинг 31,2% жамият ҳаётида диннинг ўрни ошиб бораётганини, юқоридаги тартибда 50,6% ва 52,3% дин

---

[107] Каримов И.А. Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади. – Тошкент: Ўзбекистон, 2011. – 48 б.

[108] Назарбаев Н. Стратегия становления постиндустриального общества и партнерства цивилизаций. – Москва: Экономика, 2008 – 19 с.

[109] Пятнадцать лет, которые изменили Центральную Азии (1991-2006). Сборник. – Москва: Центр полит. и страт. иссл., 2006. – 324 с. ва Фридман Л.А. Очерки экономического и социального развития стран Центральной Азии после распада СССР. – Москва: Гуманитарий, 2001. – 297 с.

[110] Халова Г.О. Экономическая реформа в Туркменистана (формирование туркменской модели). Ашхабад: ТГУ им.Мактумкули, 1994. – 7-9 с. ва Кадыров Ш. Туркменистан. Четыре года без СССР. – Москва: Аспект-Пресс, 1996. – 29-36 с.

таъсири ўртача эканини кўрсатишган[111]. Бу нафақат ислом таъсирига, шунингдек, бошқа динларга ва конфессияларга ҳам тегишлидир[112].

Шуни айтиш зарурки, Марказий Осиё минтақаси халқларини беш асрдан бери ислом дини ўз атрофига бирлаштириб келади. Ушбу омил уларни маънавий-руҳий ва тарихий-маданий яқин қилади. Аммо, исломдаги радикал оқимлар, террористик гуруҳлар ҳам ҳаракатга келиб, Марказий Осиёда ислом давлати бузишга интилаётгани сир эмас. Мазкур деструктив кучларга терроризмга қарши бирлашиш мақсадида МДҲ иштирокида аввал коллектив хавфсизлик Шартномаси, кейин Шанҳай ҳамкорлик ташкилоти тузилди. Бу ташкилотлар минтақада диний экстремизм ва терроризмнинг ёйилишига йўл қўймаслик, республикалар мустақиллигини ҳимоя қилиш, Евросиё минтақасида конструктив, ўзаро фойдали интеграцияни йўлга қўйишга интилади.

Маданий-гуманитар алоқалардаги парадигмал ўзгаришлардан яна бири экология билан боғлиқ. Совет давридан қолган аянчли экологик вазият мустақил давлатларни мутлақ янги экологик сиёсат юритишга ундади. Минтақани хом-ашё базасидан халқи, миллати ва фарзандлари келажагини ўйловчи, уларга мусаффо ҳаво, тоза сув, заҳарланмаган ер-замин қолдиришни мақсадга айлантирган стратегия зарур эди. Шу мақсадда минтақа республикалари сув, ҳаво, экологик вазиятни тадқиқ этувчи марказлар (Қозоғистонда сув институти, Туркманистонда ер заҳиралари ва ер усти иқлимини ўрганувчи институтлар) очилди. Миллий парламентлар томонидан қатор қонунлар ва дастурлар қабул қилинди, минтақавий халқаро ташкилотлар, давлатлар билан ҳамкорлик шартномалари имзоланди. Энг муҳими, мустақил давлатлар экологик вазият учун масъуллик (собиқ СССРда минтақадаги экологик вазият учун деярли ҳеч ким масъул эмас эди)ни ўз устига олдилар.

Коммуникация ва информация соҳасидаги маданий-гуманитар алоқалар интеграциянинг юрагини ташкил этади. Замонавий ҳаёт, халқаро алоқалар глобаллашув таъсирида энг аввало коммуникация ва информация тизимларига мухтождир.

---

[111] Курганская В. Новые тенденции в духовной жизни Казахстанского общества//Центральная Азия и Кавказ, 2002, №3(21). – с.119-128.

[112] Трофимов Я. Католическая церковь и Казахстан//Центральная Азия и Кавказ, 2002, №3(21). – с.128-138.

Интернет, оммавий ахборот воситалари, мобил телефонлар, радио ва телевидение, транспорт-коммуникация воситалари истаган манбани, маълумотни топиш имконини беради. Шундай имкониятлар маданий-гуманитар алоқаларни тезкор, таъсирчан ва самарали қилади. Бугун Марказий Осиё ҳудудида бўлаётган воқеалардан юздан зиёд интернет сайтлар хабар беради, коммуникация воситасини ўтайди. Бу ўринда Бюллетень «Диалог - savdial-shm@nursat.kz; «Марказий Осиё ва Кавказ (журнал, Швеция) - www.communique.se/cac/journal/content.htm; Евросиё институти http://iicas.org/instrus.htm; «Марказий Осиё монитор» (журнал, Брюссель) –www.chalidze.com.; «Туркестан» (газета, Анкара) -www.euronet.nl/users/sota/turkistan.htm; Қирғизистон ҳукумати – http://gov.bishkek.su; «Хабар» информацион агентлиги – http://kabar.gov.kg./russian/batken ва http://kabar.gov.kg/ russian/all.html каби сайтларни келтириш мумкин. Шунингдек, барча республикалар ҳукуматлари, етакчи оммавий ахборот воситалари, Давлатлараро Кенгаш, миллий парламентлар ҳам ўз хабарномалари, газета-журналлари ёки сайтларига эгаки, улар орқали минтақадаги истаган ўқувчи танишиши мумкин. Кейинги йилларда террористлар, деструктив кучлар ҳам халқаро коммуникация ва информация усулларидан фойдаланиб, ўзларининг ғаразли мақсадларига эришишга интилмоқда. Шунинг учун минтақа республикалари бундай хабарларни чеклашга мажбур бўлмоқда. Айниқса, сиёсий лидерлар ҳақида бўҳтон, ёлғон, ижтимоий фикрни булғовчи хабарлар тарқатилаётгани ачинарли. Тўғри, «интернет-эркинлик демак»[113], аммо бошқалар эркини чеклашга, унинг шаънини топташга қаратилган қурол эмас.

Маданий-гуманитар алоқалар ичида бадиий-эстетик соҳада тажрибалар алмашиш етакчи ўринда туради. Ҳар икки йилда Самарқандда «Шарқ тароналари», республикалар пойтахтларида театр санъати фестиваллари, тантанали саналарга бағишлаб тасвирий ва амалий санъат усталарининг кўргазмалари, мусиқа санъати намоёндаларининг учрашувлари ўтказиб келинади. Уларда, аввалгидек космополитик руҳдаги асарлар эмас, балки, ҳар бир халқ, миллат республиканинг этномаданий анъаналари мужассам асарлар намойиш этилади. Ана шундай маданий

[113] Аскарбеков Е. Информационные войны в интернете//Центральная Азия и Кавказ, 2000, №3(9). – с.206-216.

алоқаларга мисол тариқасида Тошкентда ўтказилган ART-97, Остонада ART-2012, Бишкекда - ART-2014 кўргазмаларини, Марказий Осиё бахши-шоирлар «Айтишув» кўригини (Тошкент, 1999), Душанбеда 2010, 2013 йилларда уюштирилган минтақа амалий санъати кўргазмаларини келтириш мумкин. Абай Қунунбоев, Мухтор Шахонов, Олжас Сулаймонов, Чингиз Айтматов, Маҳтумқули, Мулланапас, Мухтор Авезов, К.Баялинов асарлари ўзбек тилига, ўзбек шоирлари Навоий, Бобур, Э.Воҳидов, А.Орипов, Муҳаммад Юсуф асарлари қозоқ ва қирғиз тилларига таржима қилинган.

Бадиий-эстетик ижод намуналари билан халқларни таништириб бориш улар ўртасидаги дўстлик алоқаларини мустаҳкамлаш воситаси бўлиб келган.

Илм-фан соҳасидаги маданий-гуманитар алоқалар «Марказий Осиёда инновацион макон» (Н.Назарбаев концепцияси) яратишга оид вазифалар сирасига киради. Бу йўналишдаги ўзгаришларни жаҳон илм-фани ва технологияси даражасида ташкил этиш олимларнинг ҳамкорлигини талаб қилади. Республикалардаги Фанлар академияси, тадқиқот институтлари, олий мактаблар инновация бўйича маълум бир тажрибаларга эга, энди улардан уюшган ҳолда, мақсадли фойдаланиш нафақат минтақа, балки бутун инсоният тараққиёти учун муҳимдир.

АДАБИЁТЛАР

1. Норқулов С. Фуқаролик жамияти ва ижтимоий онгда трансформация жараёнлари. – Тошкент: Navro`z, 2015. – 190 б.
2. Қўчқоров В. Миллий ўзликни англаш ва ижтимоий-сиёсий жараёнлар – Тошкент: Akademiya, 2007. – 155 б.
3. Байбасунов К. (Тянь-Шань). Нациогенез кыргызов новой эпохи (Интегральное исследование современного нациобразавания). – Бишкек: Турар, 2012. – 500 с.
4. Чиналиев У. Становление кыргызской государственности. – Москва: Наука, 2000. – 168 с.
5. Сидиқов Б. Некоторые вопросы социокультурной политики государств Центральной Азии (на примере сотрудничества Кыргызстана и Узбекистана). – Ташкент: Ёзувчи, 2000. – 182 с.
6. Абен Е. Казахстанско-Российские отношения: факторы «за» и «против»// Центральная Азия и Кавказ, 2000, №3(9). – с.21-31.
7. Общественные науки в Узбекистане, 2001. №6. – с.37-44.

8. Программа развития Ферганской долины (Кыргызстан, Таджикистан, Узбекистан), - Ташкент: 1997. – 87 с.
9. Мусаев О. Ўзбекистонда миллатлараро муносабатлар ривожи. – Тошкент: Истиқлол нури, 2016. – 232 б.
10. ИП «ТУРКМЕН информ», Геополитические успехи Президента Туркменистана Г.Бердқмуҳаммедова. 20.04.2009.
11. Национальная программа Президента Туркменистана Сапармурата Туркменбаши «Стратегия социально-экономических преобразований в Туркменистане на период 2010 года». – Ашхабад, 1999. – 54 с.
12. Каримов И.А. Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади. – Тошкент: Ўзбекистон, 2011. – 48 б.
13. Назарбаев Н. Стратегия становления постиндустриального общества и партнерства цивилизаций. – Москва: Экономика, 2008 – 398 с.
14. Пятнадцать лет, которые изменили Центральную Азии (1991-2006). Сборник. – Москва: Центр полит. и страт. иссл., 2006. – 324 с.
15. Фридман Л.А. Очерки экономического и социального развития стран Центральной Азии после распада СССР. – Москва: Гуманитарий, 2001. – 297 с.

КОЛОНИАЛ ДАВРГА ОИД АРХИВ ҲУЖЖАТЛАРИ - ПАХТАЧИЛИК ТАРИХИНИ ЁРИТИШДА МУҲИМ МАНБА
(Фарғона вилояти мисолида)

Мирзаев А.Т.,
АнДУ мустақил тадқиқотчи-изланувчи

Аннотация

Мазкур мақолада, колониал даврда Фарғона вилоятида пахтачиликнинг ривожланишини айрим масалалари манбашунослик нуқтаи назаридан, архив ҳужжатлари асосида таҳлил этилган. Айрим маълумотлар биринчи марта илмий муомалага киритилган.

Калит сўзлар: *тафтиш, солиқ, десятина, чорикор, гўнг, ўғит, пуд.*

В данной статье, на материале архивных документов, с источниковедческой точки зрения проанализированы отдельные вопросы истории развития хлопководства в Ферганской области в колониальный период. Некоторые сведение впервые внедрены в научный оборот.

Ключевые слова: *ревизия, подать, десятина, наёмный рабочий, навоз, удобрение, пуд.*

In this article, on material of archival documents, from the source study point of view single questions of history of development of a cotton breeding in the Fergana region during the colonial period are analysed. Some data are for the first time introduced in a scientific turn.

Keywords: *audit, tax, tithe, hired worker, manure, fertilizer, pood.*

Маълумки, подшо Россиясининг Туркистонни босиб олишининг асосий сабабларидан бири, метрополия тўқимачилик саноатини пахта хом ашёси билан таъминлашдан иборат эди. Албатта, тобора ривожланиб бораётган тўқимачилик саноати учун пахта асосан, Америкадан катта харажатлар эвазига келтирилган. Шу сабабли, подшо хукумати ўзбек пахтасини қўлга киритиб, катта даромадга эга бўлиш учун ҳеч нарсадан тоймади. Улар ўз мақсадига эришиш мақсадида Туркистон ўлкасига бостириб кириб, минглаб кишиларни ҳаётидан жудо қилиб, ўз хукмронлигини ўрнатишди. Россия тўқимачилик саноати

талабларига жавоб бермайдиган маҳаллий пахта нави ўрнига америка навли пахтани иқлимлаштиришга қаратилган тадбирларни амалга оширишга киришдилар ва бу чоралар сифатли тола олиш мумкинлигини кўрсатди.

Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримов, «Тарихимиздаги оғриқли даврлардан ҳам хулоса чиқариб яшашимиз керак. Эртага бизнинг ўрнимизга келадиган ёшлар ана шу тарих ҳақиқати билан қуролланиши лозим. Чунки ҳеч бир соҳада ҳеч кимдан кам бўлмайдиган авлодгина буюк давлат барпо этиши мумкин. Нега деганда, буюк давлат қуриш учун маърифатли, тарихни, ҳаётни чуқур биладиган, ундан сабоқ чиқара оладиган одамлар керак» деб таъкидлаган эди[114].

Ватанимиз тарихини XIX аср охири – XX аср бошларига тааллуқли даврини ўрганишда Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архиви фондларида сақланаётган архив ҳужжатлари муҳим ўрин тутади.

Архивлар доирасида хужжатлар архив фондлари бўйича туркумлаштирилади. Архив фонди – бу маълум ташкилот, идора, корхона ёки айрим шахс фаолияти натижасида вужудга келган архив ҳужжатлардир. Архив фондлари ҳажми жиҳатдан катта ёки кичик бўлиши мумкин[115].

Туркистон Назорат палатаси Давлат кенгашининг 1868 йил 4 мартдаги қарорига асосан таъсис этилган. Мазкур муассаса, 1918 йил 15 майга қадар фаолият кўрсатган ва Туркистон Республикаси ХКС нинг қарорига кўра унинг негизида Туркистон Республикаси Давлат контроли ташкил этилди[116].

Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архивининг 88 – фондида сақланаётган, Туркистон Назорат палатаси фаолиятига тегишли ҳужжатлар, яъни палата маҳкамаси йиғилишлари журналлари ва унинг тафтиш фаолияти ҳақидаги йиллик ҳисоботлар, даромадларнинг айланма ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот ведомостларида мавжуд бўлган, Туркистон ўлкаси,

[114]Ислом Каримов. Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир. - Тошкент, “Ўзбекистон” НМИУ, 2015, 117-бет

[115]Алимов И.А. Архившунослик. Ўқув қўлланма. - Тошкент, “Тафаккур бўстони”, 2015, 64-бет

[116]Путеводитель. Центральный государственный исторический архив УзССР(ЦГА РУз.). Составители: З.И.Агафонова, Н.А.Халфин. – Т., 1948. - С. 108

хусусан Фарғона вилоятида пахтачилик соҳасининг ривожланишига доир маълумотлардан, келгусида илмий - тадқиқот ишларида фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Таъкидлаш жоизки, Россия империясида 1904 йилдан бошлаб экин майдонларини ҳисобга олиш тизими анча даражада дифференция(даража)лашди: чек ерлар, сотиб олинган ерлар, ижарага олинган ерлар ва хусусий хўжаликлар ҳисобга олинди. Экин майдонларини рўйхатга олиш билан бир вақтда ҳосилдорлиги тўғрисида ҳам маълумотлар тўпланди[117].

Эътиборни қаратиш лозимки, 88 – фондга тегишли ҳужжатлар таркибида, Андижон уезди ер-солиқ комиссияси муассасасида 1914 йил 03-октябрда № 965 ва1914 йил 15-октябрда № 968 рақамлари билан қайд этилиб, Туркистон хазина палатаси бошқарувчисига юборилган тафтиш ҳисоботлари ҳам мавжуд бўлиб, уларда пахта экин майдонларининг хажми, америка навли пахтани, шудгорлаш, чигит экиш, ўғитлаш, чорикор меҳнатидан фойдаланиш, пахта ҳосилдорлиги, пахтанинг нархи, сунъий суғориладиган ер майдонлари, кўп миқдорда экиладиган экинлар тўғрисида маълумотлар сақланиб қолган.

Андижон уезди худудида жойлашган қуйидаги ер майдонлари: Олтинкўл волостидаги Ўрта Қайчи, Хақулобод волостидаги Кичкина Яйдоқ ва Избоскан волостидаги Ясқоқ-2 участкаларидаги экин майдонлари ер солиғи ундириш юзасидан текшириб чиқилганда, бошқа турдаги қишлоқ хўжалиги экинларга қараганда пахта экин майдонларини ҳажми ниҳоят даражада ошиб борганлиги кузатилади. Ушбу ҳолатни қуйидаги маълумотлардан аниқлаш мумкин, масалан, Ўрта Қайчи участкасида жами 147, 66 десятина экин майдони бўлиб, шундан 108, 70 десятинасига америка навли пахта экилиб, бу эса ишлов бериладиган ерларни 73, 62% ини ташкил этган. Ушбу участкада пахта ҳосилдорлиги ҳар бир десятинадан 56 пудни, пахтани нархи эса 2 руб. 66 коп.ни, бир десятина ердан олинадиган умумий даромад эса 148 руб. 96 коп.ни ташкил этган. Кичкина Яйдоқда эса жами 362, 85 десятина экин майдонининг 261, 04 десятинасига америка навли пахта экилиб, ишлов бериладиган ерларни 71, 36% ини, пахта ҳосилдорлиги ҳар бир десятинадан 72 пудни ташкил этган. Ясқоқ-

[117]Источниковедение: Учебное пособие. – М.: Издательский дом Высшей ,школы экономики, 2015. с. 319

2 участкасида жами 76, 78 десятина экин майдонининг 67, 33 десятинасига пахта экилиб, ишлов бериладиган ерларни 87, 28% ини, пахта ҳосилдорлиги ҳар бир десятинадан 90, 5 пудни ташкил этган[118].

Андижон уездидаги пахта далаларида маҳаллий аҳоли томонидан ўз оила аъзолари билан унча кўп бўлмаган хажмларда, анча катта хажмда эса - чорикор усулида хўжалик юритилган. Уезднинг турли худудларида чорикорларга пахта майдонини ижарага бериш шартлари турлича бўлган. Хақулобод волостидаги Кичкина Яйдоқ участкасида чорикорга ҳосилнинг 0, 25, ёхуд 0, 33 ёки 0, 4, кўпинча эса 0, 33 қисми, Избоскан волостида эса ҳосилнинг 0, 4 ва Олтинкўл волостида эса олинган пахта ҳосилининг 0, 5 қисми берилган. Ер участкасининг эгаси эса: чорикорни боққан, ерга ишлов бериш учун от ва плуг, гўнгни далага ташиб келтириш учун арава, чигит ва ўғитлар берган. Ер тўрт марта шудгор қилиниб, одатда бир танобга бир пуд ёки бир десятинага олти пуд чигит экилган.

Пахтанинг бир ерга сурункасига экилавериши сабабли пахтачиликка зиён етиш хавфи туғилди. Шунинг учун маъмурият вакиллари чорвачиликни ривожлантиришга ва гўнгни кўпайтиришга даъват этди. Айни бир пайтда алмашиб экишга эътибор қаратилди.

Пахтадан олинадиган даромад ҳар жиҳатдан баланд турган. Шу боис пахта қимматли ва тез харид қилинадиган ўсимлик сифатида вилоятда имкони борича кўп етиштирилган[119].

Андижон тажриба станциясининг аниқлашича, бир десятина ерни ўғитлаш учун 60 – 120 арава гўнг талаб қилинсада, ер участкасини эгаси эса ўз хўжалигидаги хайвонлардан тўпланган гўнгни далага ташиб келтирган ва пахта майдонини кам ҳосил берган қисми ўғитланган[120].

Россиянинг Туркистондан олган даромадларининг асосий қисмини пахта ва ундан олинган маҳсулотлар ташкил этар эди.

[118]Ўзбекистон Республикаси МДА, 88 – фонд, 1 – рўйхат, 232а – йиғма жилд, 1 – 2, 14 – 15 варақлар

[119]Зиёев Ҳ. Ўзбекистон мустамлака ва зулм исканжасида (XIX аср иккинчи ярми – XX аср бошлари). – Т.: «Шарқ», 2006. 99-бет

[120]Ўзбекистон Республикаси МДА, 88 – фонд, 1 – рўйхат, 232а – йиғма жилд, 4 – варақ

Туркистон ўлкаси Россиянинг пахта хом ашё базасига айлантирилган эди[121].

Пахтани териб олиш асосан аёллар ва болалар томонидан амалга оширилиб, терилган ҳар бир пуд пахта учун 20 коп. тўланган. Пахта майдони камида олти марта сўғорилган[122].

Фонд ҳужжатларига кўра, 1914 йилда Олтинкўл волостини Ўрта Қайчи участкасида 136, 61 десятина, Хақулобод волостини Кичкина Яйдоқ участкасида 291, 40 десятина ва Избоскан волостини Ясқоқ-2 участкасида эса 67, 08 десятина ҳажмда сунъий равишда суғориладиган(пахта экиладиган) ер майдонлари бўлган[123].

Халқ учун катта ижтимоий-иқтисодий, экологик офатлар келтирган, Россия империяси манфаатлари учун ниҳоятда қулай бўлган пахта якка хокимлиги кучайиши, метрополияда капиталистик муносабатларнинг ривожланиши мустамлака ўлкани ҳам ўз домига тортиб бориши бу ерларда хом ашёга дастлабки қайта ишлов берувчи соҳаларни ташкил этишни ҳам тақазо этди. Хом ашёни қайта ишлаш билан боғлиқ бўлган корхоналар янгидан барпо этилаётган саноатнинг асосий соҳаси эди. Ана шундай корхоналар сони 1900 йилга келиб, 170 дан ортиб кетди. Бу корхоналарнинг асосан 80 фоизини пахтага ишлов берувчи корхоналар ташкил этди[124].

Хулоса ўрнида таъкидлаш лозимки, Туркистон ўлкасида, хусусан Фарғона вилоятида пахтачилик тарихини ўрганишда, колониал даврда фаолият кўрсатган Туркистон Назорат палатасига тегишли архив фондида сақланаётган ҳужжатлар ҳам муҳим манба ҳисобланади.

АДАБИЁТЛАР

1. Ислом Каримов. Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир. - Тошкент, «Ўзбекистон» НМИУ, 2015.

[121]Тарих шоҳидлиги ва сабоқлари: чоризм ва совет мустамлакачилиги даврида Ўзбекистон миллий бойликларининг ўзлаштирилиши. – Т.: «Шарқ», 2001, 122 бет

[122]Ўзбекистон Республикаси МДА, 88 – фонд, 1 – рўйхат, 232а – йиғма жилд, 6 – варақ

[123]Ўзбекистон Республикаси МДА, 88 – фонд, 1 – рўйхат, 232а – йиғма жилд, 12 – 13 варақлар

[124]Ўзбекистон тарихи. Дарслик. Р.Х. Муртазаеванинг умумий таҳрири остида. Тошкент, 2005, 277-бет

[2.] Алимов И.А. Архившунослик. Ўқув қўлланма. - Тошкент, «Тафаккур бўстони», 2015.

3.Путеводитель. Центральный государственный исторический архив УзССР(ЦГА РУз.). Составители: З.И.Агафонова, Н.А.Халфин. – Т., 1948.

4. Источниковедение: Учебное пособие. – М.: Издательский дом Высшей школы экономики, 2015.

5. Зиёев Ҳ. Ўзбекистон мустамлака ва зулм исканжасида (XIX аср иккинчи ярми – XX аср бошлари). – Т.: «Шарқ», 2006.

6. Тарих шоҳидлиги ва сабоқлари: чоризм ва совет мустамлакачилиги даврида Ўзбекистон миллий бойликларининг ўзлаштирилиши. – Т.: «Шарқ», 2001.

НЕОЛИТ ДАВРИНИНГ БАЪЗИ ЖИҲАТЛАРИНИ ЎРГАНИШГА ДОИР

Хошимов Х.Б.
ЎзР ФА Археология институти

Аннотация

Мазкур мақолада Ўзбексистон худуди неолит даври ёдгорликларида олиб борилган тадқиқотар ёритилган, неолит даври хронологик босқичлари ва худудий чегаралари кўрсатиб ўтилган.

Калит сўзлар: *неолит, ёдгорлик, тадқиқот, хронологик.*

Статья посвешена исследованию новых памятников неолитической культуры Узбекистана. В статье расматривается вопросы хронологии и территории распространении памятников неолита Узбекистана.

Ключевые слова*: неолит, памятник, исследованию, хронологии,*

The article is dedicated to the study of new monuments of the neolithic culture of Uzbekistan. The article considers the issues of chronology and territory of the distribution of the neolithic monuments of Uzbekistan.

Key words: *Neolithic, monument, research, chronology.*

chronology Тош қадимда инсон ҳаётида муҳим рол ўйнаган матераил бўлган. Чунки, қадимги одам тош ёрдамида ов қилган, меҳнат қуроли ясаган, хўжалик асбобларининг ҳам асосий қисмини ташкил қилган. Шунинг учун ҳам инсоният тарихининг дастлабки ва асосий босқичлари тош даври деб номланган ва бу катта давр меҳнат қуролини бошқа материалдан, яъни инсон ҳаётига метални кириб келишига қадар давом этган. Биз ўрганаётган давр тош даврининг бир бўлаги бўлиб, у неолит, яъни лотинча янги тош дари деган маънони билдиради. Бу давр санаси янги маълумотларга кўра Ўзбекистон ҳудудида мил. авв. VII-IV минг йилликлар деб белгиланган(Брунет ва бошқалар,2012). Бу даврга келиб одам тошга ишлов беришнинг янги усуллари, ҳажми жиҳатидан жуда майда бўлган ўткир тиғли меҳнат ва ов қуроллари ясай бошлайди. Тош қурол ясашда тошнинг сифати муҳим рол ўйнагани учун қадимги одам энди сифатли тош танлаш билан

биргаликда , айниқса, тошни силлиқлаш, пармалаб тешиш сингари технологиялар кашф этилган, микролит қуроллари эса турмушда кўпроқ ишлатила бошлаган. Энг муҳими, маҳсулот ишлаб чиқариш хўжалик асослари, жумладан, деҳқончилик ва чорвачилик вужудга келган. Бу воқелик, шубҳасиз, ибтидоий ижтимоий тузум, жамоалар кундалик турмуш тарзи, хуллас, ижтимоий-иқтисодий фаолиятнинг барча соҳаларида кескин ўзгаришларга олиб келган. Шунинг учун ҳам неолит даврини кўп олимлар цивелизациялар бошланиши даври ҳам деб аташади. Чунки, бу даврга келиб санъат, меъморчилик, хўжалик соҳасида кўпгина иҳтиролар қилинади. Мисол учун, лойни оловда пиширish билан сопол идишларни кўринишларини кўришимиз мумкин.

Бу даврда олдинги тараққиёт босқичларига қараганда табиатан янги, инсон яшаши учун маъқул ҳудудларни ўзлаштириш жараёни тезлашиб, аҳоли тобора кенгроқ минтақаларда яшай бошлаган. Тадқиқотлар кўрсатишича, ватанимиз миқёсида неолит даврида одамзод яшаши учун қулай экологик муҳит мавжудлигидан Жанубий-ғарбий Устюрт, Қизилқум ички ҳудудлари, Зарафшон, Марказий Фарғона ва Амударё қуйи этаклари ибтидоий жамоалар томонидан деярли ўзлаштириб бўлинган. Шу тарзда ибтидоий жамоалар турли табиий, экологик муҳитларга тушиб қолиб, бу ҳолат уларни турмуш тарзини мослаштиришга мажбур этган. Бу жараён турли неолит маданиятларининг ўзига хос хусусиятларида ифодасини топди.

Ўзбекистон ҳудудида неолит даври ҳам кўп йиллардан бериб маҳаллий ва хорижлик олимлар томонидан ўрганиб келинмоқда. Кўп йиллик тадқиқотлар натижасида мамлакатимиз ҳудудида неолит даврига оид Калтаминор, Марказий Фарғона, Сазоғон каби тарихий-маданий жамоаларнинг турмуш тарзи хусусиятлари ўрганилмоқда ва кўпгина мувафақиятлар қўлга киритилди.

Ҳусусан, Ўрта Осиё, Икки дарё оралиғи ҳудудларида кенг тарқалган овчи ва балиқчи жамоалари маданияти ҳисобланган Калтаминор маданияти нафақат Амударё қуйи оқими, балки Оқчадарё ҳавзаси, Қизилқумнинг ички ҳудудлари (Лавлакан), Қуйи Зарафшон қадимий ўзанлари (Мохандарё, Хўжайли-жанубий; Эчкилисой, Оёқагитма, Дарёсой – шимолий, Чорбақти – ўрта ўзан) ҳамда Қуйи Амударё сўл соҳили Ўзбой, Сариқамиш, шунингдек, Устюрт, шимоли-шарқий Оролбўйи, Жанубий Қозоғистон ҳудудларига ҳам кенг тарқалганлиги сўнгги йиллардаги археологик тадқиқотлар

туфайли аниқланди(Виноградов, 1981,С.172). Хусусан, 1939 йили С.П.Толстов томонидан Амударё қуйи оқими бўйлаб Оқчадарё ҳавзасида Жонбос-4 ёдгорлигининг очилиши билан бу маданиятнинг ўрганилиши бошланган эди(Толстов,1948.С.128;). Кейинчалик шимоли-шарқий Оролбўйи, Оқчадарёда тадқиқот ишлари давом эттирилиб, Калтаминор маданиятига доир 100 дан ортиқ ёдгорликлар аниқланган ва тадқиқ этилган(Виноградов, 1968.с. 88.).

1965 йилдан эътиборан Калтаминор маданияти мажмуасига кирувчи ёдгорликларни ўрганишда янги босқич бошланди ва 1965-1972, 1975, 1978 йиллар мобайнида тадқиқот ишлари Қизилқум ички ҳудудларида олиб борилди(**Виноградов, Мамедов** ,1975.С.97).

Ҳозирги кунда Қуйи Зарафшоннинг 3 та қадимий ўзани бўлганлиги аниқланган: 1) Шимолий – Эчкилисой, Оёқагитма, Дарёсой; 2) Жанубий –Мохандарё, Хўжайли; 3) Ўрта – шимолий ва жанубий ўзанлар оралиғида нисбатан қадимийроқ – Чорбақти воҳаси(Гуямов,1966.С.101). Бу қадимий ўзанларнинг неолит даври моддий маданиятини ўрганишда Мохандарё Хоразм археологик экспедицияси Қизилқум отряди, ТошМУ геоморфологик отряди, Самарқанд Давлат университети Қуйи Зарафшон археологик экспедициялари, ўзбек-полша (1995-2005), ўзбек-француз (2006-2015) қўшма археологик экспедициялари тадқиқотлари натижалари муҳим бўлди.

Зикр этилган тадқиқотлар асосида геологик, геоморфологик, палеоботаник, тўртламчи давр стратиграфияси юзасидан ҳам кенг маълумотлар тўпланганки, бу археологик манбалар билан уйғунлашган ҳолда нафақат жануби-ғарбий Қизилқум неолит жамоалари моддий маданияти, балки бу минтақанинг бир неча минг йилликлар давомида иқлимий-ландшафт муҳитининг асосий параметрлари, тараққиёти динамикасини ҳам тиклаш имкониятини берди (Shymczak, 2000, p. 135; Джуракулов, Холматов, 1991, 128 б.). Калтаминор тарихий-маданий мажмуаси таркибида маҳаллий хусусиятга эга қуйидаги маданиятлар ажратилган: 1. Калтаминор ёки Оқчадарё; 2. Лавлакан (ички Қизилқум); 3. Қуйи Зарафшон (қадимий ўзанлари ва унга ёндош ҳудудлар).

Калтаминор тарихий-маданий жамоаларининг асосий таянч, маданий қатламлари бузилмай сақланган ёдгорликларига Жонбос-4, Толстов, Учаши 131, Лавлакан-26, Дорбазақир 1, 2, каби ёдгорликлар киради.

Қуйи Зарафшон қадимги шимолий ўзани таркибий қисми ҳисобланувчи Оёқагитма ҳавзаси шарқий қисмида жойлашган бўлиб, 1995 йили Ўзбек-Польша халқаро қўшма экспедицияси томонидан очилган (Хужаназаров, Шумчак 1995). 2006 йилдан бошлаб Ўзбек-Француз халқаро қўшма экспедитция томонидан ўрганиб келинмоқда. Маконда учта маданий қатламқайт қилинган. Улардан 50 мингдан ортиқ ашёвий далиллар, шунингдек, ўчоқ қолдиқлари, фауна ва флора қолдиқлари топилган. Бу ёдгорлик ҳам ўз моддий маданияти жиҳатидан Калтаминор жамоалари маданиятига мансуб. Хуллас, археологик тадқиқотлар асосида Қуйи Зарафшон воҳаси неолит ёдгорликларини хронологик жиҳатдан қуйидаги уч босқичга бўлиш мумкин: 1. Илк босқич:Учаши-131 ҳамда Дарёсой ва Ғарбий Оёқагитма атрофидаги бир қатор ёдгорликлари (мил. ав. VII-VI-V мингйилликнинг 1-ярми); 2. Ўрта босқич:Дорбазақир 1,2; Мохандарё ҳамда Чорбақти воҳаси ёдгорликлари (мил. ав. V мингйиллик охири-IV мингйиллик); 3. Сўнгги босқич:Шарқий Оёқагитма ҳамда Моҳандарё атрофидаги бир қатор ёдгорликлар (мил. ав. IV мингинчи йил охири - III минг йиллик).

Юқорида зикр этилган тадқиқотлар асосида топилган археологик ашёвий далиллар Калтаминор жамоалари моддий маданиятининг асосий хусусиятларини белгилайди. Хусусан, Калтаминор тарихий-маданий жамоалари тош индустрияси аслида парақали индустриядир. Парақали қисмида геометрик шаклдаги (трапеция, параллелограмма, учбурчак, сегмент) қуроллар салмоғи ҳам сезиларли тақдим этилган. Шунингдек, қадама қуроллар, қирғичлар, тешгичлар, санчқилар, ўқ-ёй пайконлари, суяк қуроллар ҳам моддий маданиятни белгилашда муҳим омиллардандир. Калтаминорликларнинг сопол буюмлари масаласига келганимизда(барча сопол буюмлар қўлда ясалган ва бунда маҳаллий тупроқлардан фойдаланилган), юқорида Учаши-131 сополлари жойтунликлар сополлари билан бир қаторда, Ўрта Осиё миқёсида энг дастлабки сополлар бўлганлиги борасида сўз борган эди. Калтаминорликларнинг кейинги тараққиёт босқичлари сопол буюмлари жойтунликлар сополидан фарқли ўлароқ нақшлар чизилмасдан, балки кесма ёки муҳр уришдек услубда ҳар хил геометрик шаклда амалга оширилган. Бу нақшлар сопол пиширилгунга қадар юмшоқ лойга ботириб туширилган. Идишларнинг таг қисми тухумсимон ёки ясси шаклда бўлган.

Калтаминор жамоалари тирикчилик асослари ўзлаштирма хўжалик, яъни термачилик, овчилик, балиқчиликдан иборат бўлган.

Калтаминор тарихий-маданий жамоалари қўшни минтақалардаги ўзига тенгдош маданиятли жамоалар билан яқиндан ўзаро маданий алоқадорликда бўлганликлари тадқиқотлар жараёнида аниқланган. Бу алоқадорликлар уларнинг моддий маданияти, хусусан, меҳнат қуроллари, сопол буюмлари, турар жойлари, дафн маросимлари, хўжалик асослари, ижтимоий тузуми каби жиҳатларда намоён бўлади. Жумладан, С.П.Толстов ва А.В.Виноградов ўз тадқиқотларида микролит қуролларга ишлов бериш услублари, сопол буюм шакл ва нақшлари (геометрик, тўлқинсимон)ни асос қилиб олган ҳолда, қўшни Шарқий Каспийбўйи (Жабал, Дам-дам-чашма 1,2, Қайлу), Жанубий Туркманистон Копеттоғ этаги Жойтун маданияти, шунингдек, Олд Осиё, Эрон, Ироқ (Мерчарх, Зарзи, Жармо) ҳудудлари жамоалари билан маданий алоқада бўлганликларини келтирганлар(Виноградов, 1981.С.69).

Сўнгги тадқиқотлар асосида , Калтаминор маданиятининг келиб чиқиши масаласига тўхталганимизда, даставвал Жойтун, Калтаминор ва Жабал туридаги Каспийбўйи неолити маданиятлари илдизи ягона бўлиб, бу жараёнда Яқин Шарқ жамоалари муҳим роль ўйнаганлиги ҳақидаги илмий фикрга дуч келамиз(Массон, 1970.С.188.; Виноградов,1981.С.167.). Тўғри, А.В.Виноградов Каспийбўйи мезолитининг Калтаминор маданияти шаклланишидаги ўрнини инкор этмаган ҳолда, бу етарли манба бўла олмаслигини таъкидлаган. Фикримизча, Калтаминор маданияти шаклланишида Яқин Шарқ маданиятларининг сезиларли таъсири бор, лекин Шарқий Каспийбўйи сўнгги палеолит, мезолит ёдгорликлари, қолаверса, сўнгги тадқиқотлар асосида Зарафшон воҳасида, хусусан, Қизилқумда топилган қатор палеолит ва мезолит ёдгорликлари сингари маҳаллий маданият илдизларини ҳам унутмаслик лозим.

АДАБИЁТЛАР

1.Брунет Ф. Худжаназаров М. Хошимов Х. Новые данные по хронологии Кельтаминарской культуры// ИМКУ вып.38.Самарканд. 2012

2.Виноградов А.В. Древние охотники и рыболовы Среднеазиатского междуречья. – ТХЭ, т XIII. М.: Наука, 1981.

3.Виноградов А, В., Мамедов Э.Д. Первобытный Лявлякан. Этапы древнейшего заселения и освоения Внутренних Кызылку-

мов,- МЭХ, вып.10. М.: Наука, 1975.

4.Виноградов А.В. Неолитические памятники Хорезма. «Наука», М.6 1968.

5.Гулямов Я.Г., ИсламовУ., Аскаров А. Первобытная культура и возникновение орошаемого земледелия в низовьях Зарафшана. Ташкент: Фан, 1966.

6.Джуракулов М.Д., Холматов Н.У. Мезолит и неолит Среднего Зарафшана. «Фан», Ташкент, 1991.

7.Исламов У.И. Неолитическая культура в низовьях Зарафшана. Автореф. Дисс. На соиск. уч. степени к.и.н. Л.: 1963

8.Толстов С.П. Древней Хорезм. – М. : Издателоьство МГУ , 1948

9.Массон В.М. Неолит Средней Азии. // Каменный век на территории СССР. М.: 1970.

10.Shymczak K., Hudjanazaroz M. Kuturbulak Revisited. A midlle Paleolithic Site in Zeravshan River valley, Uzbekistan. Central Asia // Prohistoric Studies, vol. 1, 2000.

ЖАНУБИЙ ЎЗБЕКИСТОНДА ДЕҲҚОНЧИЛИК МАДАНИЯТИНИНГ ВУЖУДГА КЕЛИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИ ТЎҒРИСИДАГИ АСОСИЙ ИЛМИЙ ҚАРАШЛАР ВА НАЗАРИЯЛАР

Норқобилов Т
Ўзбекистон тарихи давлат музейи кичик илмий ходими

Аннотация

Мақолада Жанубий Ўзбекистонда деҳқончилик манзилгоҳларининг вужудга келиши масаласини ўзбек археологлари томонидан ўрганилиши натижасида илгари сурилган ғоя ва назариялар таҳлил қилинган. XX асрнинг 70 – йилларидан бошланган ва хозирги кунга қадар давом этаётган тадқиқотлар шуни қўрсатмоқдаки, Жанубий Ўзбекистонда бронза даври деҳқончилик ўчоқларининг пайдо бўлишида Шимолий Афғонистон ва Жанубий Туркманистон ёдгорликлари билан бир қаторда Шарқнинг турли вилоятлари бронза даври маданиятлари ҳам муҳим рол ўйнаган.

Калит сўзлар: *Бронза даври, деҳқончилик манзилгоҳлари, Сополли маданияти, миграция, дашт чорвадор қабилалари.*

В статье дан анализ идей и теорий, ранее выдвинутых узбекскими археологами в результате исследований вопросов зарождения земледельческих стоянок юга Узбекистана. Исследования, проведенные начиная с 70-х годов до наших дней, показали , что в зарождении очагов земледельческой культуры наряду с памятниками северного Афганистана и юга Туркменистана культура эпохи бронзы ряда областей Востока также имла важную роль.

Ключевые слова: *Эпоха бронзы, земледельческие стоянки, культура Сапполли, миграция, степные скотоводческие племена.*

The ideas and theories of Uzbek archeologists about developing farming areas in South Uzbekistan are analyzed in the article. The researches (beginning from 1970 year in XX century and till these days) show the Bronze Age's culture of East regions as the memorials of North Afghanistan and South Turkmenistan is important in developing farming areas during Bronze Age in South Uzbekistan.

Key words: *Bronze Age, farming areas, the culture of Sapalli, migration, tribes of desert cattle-raiser.*

Маълумки, Қадимги Шарқнинг турли минтақаларида илк давлатлар ва шаҳарлар ишлаб чиқарувчи хўжаликлар ривожланиши ҳамда ихтисослашган ҳунармандчиликнинг ажралиб чиқиши асосида, ижтимоий–иқтисодий, маданий ва сиёсий омиллар туфайли пайдо бўлган.

Жанубий Ўзбекистонда деҳқончиликнинг вужудга келиши масаласи, тадқиқотчилар, жумладан ўзбек археологлари томонидан Шимолий Афғонистон ва Жанубий Туркманистон бронза даври маданиятлари тарихи билан боғланган ҳолда кўриб чиқилган, чунки улар умумий тарихий илдизларга эга.

Жанубий Туркманистонда Номозгоҳ, Шимолий Афғонистонда Даштли, Жанубий Ўзбекистонда Сополли маданиятларининг ўрганилиши Ўрта Осиё археология фанидаги муҳим кашфиётлардан бири бўлиб, бронза даври тарихи тўғрисида бой илмий маълумотлар тўпланган[125]. В.И.Сарианидининг нашрларида бронза даври ёдгорликлари ва топилмалари умумлашган ном билан, Бақтрия–Марғиёна археологик комплекси (мажмуаси) деб аталган[126]. У.В.Рахманов Номозгоҳ–Сополли маданияти атамасини фанга жорий этишни таклиф қилган[127]. А.С.Сагдуллаевнинг фикрига кўра, Бақтрия доирасида бронза даври маданиятини Даштли–Сополли маданияти деб номлаш мақсадга мувофиқдир[128]. А.А.Асқаров ва Т.Ш.Ширинов лар бу маданиятни Сополли–Даштли археологик мажмуаси деб номлаганлар[129].

Бронза даври моддий манбалари илмий адабиётларда кенг ёритилгандан сўнг хорижий археологлар ушбу маданиятларга

[125] Массон В.М. Древнеземледельческая культура Маргианы // МИА, – Л., 1959, №73; Аскаров А.А. Древнеземледельческая культура эпохи бронзы юга Узбекистана. – Ташкент: Фан, 1977; Аскаров А.А., Ширинов Т.Ш. Ранняя городская культура эпохи бронзы юга Средней Азии. – Самарканд, 1993; Сарианиди В.И. Древние земледельцы Афганистана. – М: Наука. – 1977.

[126] Сарианиди В.И. Некрополь Гонура и иранское язычество. – М: Наука, 2001.

[127] Рахманов У.В. Керамическое производство эпохи бронзы Южного Узбекистана: Автореф. дисс... канд. истор. наук. – Самарканд: Институт археологии, 1987. – С.17.

[128] Сагдуллаев А.С. К изучению поселения Муллали // Краеведение Сурхандарьи. – Ташкент: Узбекистан, 1989 – С.14.

[129] Аскаров А.А., Ширинов Т.Ш. Ранняя городская культура ... – С.40–45.

нисбатан «Окс цивилизацияси» (К.К.Ламберг–Карловски), «Турон цивилизацияси» (М.Този) терминини қўллай бошлашди[130].

Дастлаб, А.А.Асқаров бронза даврида Жанубий Ўзбекистон ҳудудлари Эроннинг шимолий–шарқи ёки Афғонистоннинг жануби ва Туркманистоннинг жанубидан кўчиб келган зироатчилар томонидан ўзлаштирилган деб таҳмин қилган[131]. Тадқиқотчи Сополли маданиятининг кулолчилик буюмлари ва бронзадан ишланган қуролларини Жанубий Афғонистондаги Мундигак, Шимолий–шарқий Эроннинг Хисор ва Шоҳтепа, Жанубий Туркманистоннинг Номозгоҳ топилмалари билан таққослаб, уларнинг ўхшашлигини қайд этган. Кейинги тадқиқотларида А.А.Асқаров бу борадаги ўз қарашларини бирмунча ўзгартирган. Олимнинг таъкидлашича, Жанубий Ўзбекистон ҳудудларига зироатчилар Жанубий Туркманистон деҳқончилик воҳаларидан кўчиб келган. Сополли маданияти археологик ашёларида Жанубий Афғонистон ва Эроннинг шимолий–шарқи мажмуаларидаги мавжуд ўхшашликлар маданий алоқалар таъсирида пайдо бўлган деб хулоса чиқарилган[132].

Сополли маданияти ва Жанубий Туркманистон ёдгорликлари (Намозгоҳ, Олтинтепа, Улуғтепа) топилмаларини қиёслаш жараёнида айниқса, бир–бирига шакл бериш ва ишлаб чиқариш технологияси жиҳатидан анча яқин сопол идишлар (кулолчилик чархида ясалган вазасимон идишлар, туваклар, кўзалар, косалар) ҳамда антропологик материаллар муҳим аҳамият касб этган[133]. А.А.Асқаров, Сурхон воҳаси бронза даври идишларида Хараппа маданияти кулолчилигининг таъсирини қайд этиб, бу маданият вакилларининг Шимолий Афғонистон ҳудудларига кўчиб келишини таҳмин қилган[134].

XX асрнинг 80–йилларининг охирларида Бақтрия ҳудудларида деҳқончиликнинг вужудга келиши ва ривожланиши масаласи А.С.Сагдуллаев томонидан таҳлил қилинган. Тадқиқотчининг ёзишича, Бақтрияда деҳқончилик мадания-тининг

---

[130] C.C. Lamberg–Karlovsky. The Bronze Age khanates of Central Asia // Antiquity. – Rom, 1994, Vol. 68 – P. 398–405; Tosi M. The Origins of Early Bactrian Civilization // Baktria. An Ancient Oasis Civilizations. – Roma – Venezia, 1989. – P. 69–71.

[131] Аскаров А.А. Сапаллитепа. – Ташкент: Фан, 1973. – С.120–125.

[132] Аскаров А.А. Древнеземледельческая культура эпоха бронзы юга Узбекистана. – Ташкент: Фан, 1977. – С.108–109.

[133] Аскаров А.А. Кўрсатилган асар. – С.112.

[134] Кўрсатилган асар. – С.110–111.

шаклланиши ва ривожланиши энеолит–бронза даврига тўғри келади. Зироатчилар изчилликда Ҳиндикуш тоғ олдидан Амударё йўналишидаги воҳаларни ўзлаштирганлар. Бақтрия ҳудудларида деҳқончилик маданияти тарихи қуйидаги даврларга бўлиниши таклиф этилган:

1. Толлиқон даври (мил. авв. 3500–2500 йиллар). Афғонистоннинг шимолий–шарқида дастлабки манзилгоҳ-ларнинг вужудга келиши;

2. Шўртўқай (мил. авв. III – мингйилликнинг иккинчи ярми). Панж дарёси бўйларидаги ерларнинг ўзлаштирилиши;

3. Давлатобод (мил. авв. II – мингйилликнинг биринчи чораги).

4. Даштли–Сополли (мил. авв. 1700–1300 – йиллар). Шимолий Афғонистон ва Сурхон воҳаси ерларининг ўзлаштирилиши;

5. Мўлали даври (мил. авв. 1300–1000 – йиллар). Бойсун тоғ олдидаги воҳаларда зироатчи аҳоли масканларининг пайдо бўлиши[135].

А.С.Сагдуллаевнинг фикрига кўра, бронза даврида қуйи Мурғоб воҳасидан бошлаб Ҳиндукуш ва Ҳисор тоғолди ерларигача умумий маданиятга эга ўтроқ зироатчи аҳолининг ёйилиши натижасида Бақтрия–Марғиёна тарихий–маданий вилояти (бирлиги) шаклланган[136]. Бу бирлик илк темир даврида янги асосларда ривож топиб, аҳолининг ижтимоий–иқтисодий, маданий ва диний эътиқодлари жиҳатларига кўра, ўзига хос умумий белгилари билан ажралиб турган.

Тадқиқотчининг таъкидлашича, Бақтрия–Марғиёна тарихий–маданий вилояти таъсири доирасида Сўғд ва Хоразм бўлган. Ушбу вилоятларда миграциялар туфайли, Бақтрия–Марғиёна аҳолисининг жойлашиши фараз қилинган[137].

А.С.Сагдуллаевнинг фикрларига қўшилиш мумкин, чунки турли даврларда тарихий–маданий вилоятлар доимий ўзаро

---

[135] Сагдуллаев А.С. Основные черты и генезис культуры доантичной Бактрии // Античные и раннесредневековые древности Южного Узбекистана. – Ташкент: Фан, 1989. – С.29.

[136] Сагдуллаев А.С. Усадьбы древней Бактрии. – Ташкент: Фан, 1987. – С.88.

[137] Сагдуллаев А.С. Маргиана и Бактрия. Исторические традиции и культурные связи в доантичную эпоху // Древней мерв. – Тр. ЮТАКЭ. – Ашхабад: Ылым, 1989. – Т.XIX. – С.17.

алоқларга эга бўлган қўшни ҳудудларда жойлашган қабилалар ва элатларни бирлаштирган[138].

Тадқиқотчининг ёзишича, Бақтрия–Марғиёна тарихий–маданий бирлиги ривожланишининг асосий босқичларини шарқий–эроний этномаданий бирлигининг ёйилиши, яъни изчилликда бақтрияликлар, сўғдийлар ва хоразмликлар элатларининг ажралиб чиқиши жараёнлари билан боғлаб ўрганиш мумкин[139]. Аммо, ушбу долзарб муаммони фақат археологик маълумотларга асосланиб ўрганиш ўта мушкул вазифадир.

Ўтган асрнинг 90–йилларининг бошларида А.А.Асқаров ва Т.Ш.Ширинovлар мазкур мавзуга тегишли В.М.Массон, В.И.Сарианиди, В.А.Алекшин ва Б.А.Удемурадовларнинг илмий қарашларини кўриб чиққанлар[140]. Натижада тадқиқотчилар Марғиёна ва Бақтрия ҳудудларида янги деҳқончилик ўчоқларининг пайдо бўлишини Шарқнинг турли вилоятларида бронза даври аҳолисининг кескин ўсиши сабабли миграция, яъни демографик, ижтимоий сабаблари билан боғлаганлар[141].

Бронза даври Марғиёна ва Бақтрия мисолида доимий миграция жараёни кузатилади, бунда миграция бошланган (эски жойлашган ҳудуд) ва ўзлаштирилган ҳудудлар ўртасида алоқалар заифлашган ҳолда бўлиб, янги деҳқончилик ўчоқларида янги қабилалар ва элатлар бирликларининг ажралиб чиқишини фараз қилиш мумкин. Сўнгги йилларда бу масалани Ў.М.Мавлонов махсус таҳлил қилиб, аҳоли миграциясини келтириб чиқарувчи демографик, экологик, ижтимоий – иқтисодий ва сиёсий омиллар сифатида аҳолининг кўпайиши сабабли янги ерларни эгаллаш учун амалга оширилган миграция; табиий офатлар, глобал катаклизмлар, иқлимнинг кескин ўзгариши сабабли мажбурий кўчиш; ҳудуднинг бошқа аҳоли гуруҳлари томонидан эгалланиши сабабли келиб чиққан мажбурий миграцияларга ажратган[142].

Адабиётларда ўз аксини топган маълумотларга асосланиб, шуни таъкидлаш жоизки, Марғиёна ва Бақтрия ҳудудларида

---

[138] Чебоксаров Н.Н., Чебоксарова И.А.. Народы, расы, культуры. – М.: Наука, 1982. – С.222.
[139] Сагдуллаев А.С. Усадьбы древней Бактрии... – С.88.
[140] Аскаров А.А., Ширинов Т.Ш. Ранняя городская культура ... – С.41–42.
[141] Қўрсатилган асар. – С.43.
[142] Мавлонов Ў.М. Марказий Осиёнинг қадимги йўллари: шаклланиши ва ривожланиши босқичлари. – Тошкент: Akademiya, 2008. – Б.321.

Қадимги Шарқ вилоятларида шаклланган деҳқончилик маданияти ва меъморчилик анъаналари ёйилган.

Мил. авв. II – мингйилликнинг иккинчи ярмида Ўрта Осиёнинг жанубий вилоятларида маданий ўзгаришлар содир бўлган. Миграциялар туфайли, Даштли–Сополли маданиятлари ёйилган ҳудудларига чорвадор аҳолининг кириб келиши юз берган. Адабиётларда келтирилган маълумотларга кўра, сўнгги бронза даврида Марғиёна ва Бақтрия ҳудудларига шимолий дашт чорвадор қабилалари ва жанубдан зироатчи аҳоли гуруҳларининг кўчиб келиши натижасида қадимги деҳқончилик воҳаларида аҳолининг кўпайиши сабабли, Сурхон воҳаси ва қуйи Мурғоб ерларида истиқомат қилган зироатчиларнинг вакиллари Қашқадарё воҳаси, Ўрта Амударё, Қуйи Зарафшон ва Хоразм ҳудудларига кўчиб боришган[143].

Сўнгги йилларда Кучук I ва Қизил I маданиятларининг пайдо бўлиши хусусида турли фикрлар билдирилган[144], жумладан Жанубий Ўзбекистоннинг Бандихон воҳасига Шарқий Туркистон қабилаларининг кўчиб келиши фараз қилинган[145].

Таҳлил қилинган маълумотларга кўра, Жанубий Ўзбекистонда деҳқончилик маданиятининг вужудга келиши ва ривожланиши тўғрисидаги илмий қарашларнинг асосий ҳолатлари миграциялар назариясига таянган.

XXI аср бошларида, бу муаммо Э.В.Ртвеладзе монографиясининг «Халқлар миграцияси цивилизациялар тараққиёти омили сифатида» деб номланган қисмида махсус кўриб чиқилган. Тадқиқотчининг ёзишича, миграциялар – этносларнинг кўчиши–маданий ҳамда иқтисодий тараққиёти, қабила ва элатларнинг этник қўшилиб кетиши, ассимиляция омиллари мавзуси тарихшунослик фанида баҳс–мунозараларга айланган[146].

---

[143] Сагдуллаев А.С. Некоторые аспекты проблемы происхождения среднеазиатских комплексов типа Яз I // СА. – М., 1989. – С.55.

[144] Шайдуллаев Ш.Б. Северная Бактрия в эпоху раннего железного века. – Ташкент: Xalq Merosi, 2000. – С.108–110.

[145] Сверчков Л.М., Бороффка Н. О некоторых проблемах археологического исследования культур расписной керамики эпохи поздней бронзы – раннего железа Ташкентского оазиса // Столице Узбекистана Ташкенту 2200 лет. Материалы международной научной конференции. Ташкент: Фан, 2009.

[146] Ртвеладзе Э.В. Цивилизации, государства, культуры Центральной Азии. – Ташкент: Б.и., 2005. – С.32– 49.

Бронза даври моддий манбалари келтирилган илмий адабиётлар таҳлилига асосланган ҳолда қуйидагиларни хулоса қилиш мумкин:

1. XX асрнинг 70 – йилларининг бошларида А.А.Асқаров томонидан Жанубий Ўзбекистонда деҳқончилик маданиятининг вужудга келиши Эроннинг шимолий–шарқи ёки Афғонистоннинг жануби ва Туркманистоннинг жанубидан кўчиб келган зироатчилар фаолиятининг натижаси деб таҳмин қилинган;

2. 70 – йилларнинг охирларида А.А.Асқаров бу борадаги ўз қарашларини бирмунча ўзгартирган. Жанубий Ўзбекистон ҳудудларига зироатчилар кўчиб келган, Сополли маданияти археологик ашёларида Жанубий Афғонистон ва Эроннинг маданий алоқалар таъсирида пайдо бўлган деб хулоса чиқарган;

3. XX аср 90 – йилларининг бошларида А.А.Асқаров ва Т.Ш.Шириновлар тарихшуносликда мавжуд маълумотларни умумлаштириб, Жанубий Ўзбекистонда янги деҳқончилик ўчоқларининг пайдо бўлишини Шарқнинг турли вилоятларида бронза даври аҳолининг ўсиши сабабли миграция, яъни демографик, ижтимоий сабаблари билан боғлаганлар;

5. XXI аср бошларида чоп этилган адабиётларда Э.В.Ртвеладзе, А.С.Сагдуллаев, Ў.М.Мавлонов, Ш.Б.Шайдуллаевлар аҳоли миграциясини келтириб чиқарувчи демографик, экологик, ижтимоий–иқтисодий ва сиёсий сабабларига ўз эътиборларини қаратиб, Жанубий Ўзбекистонда деҳқончилик маданиятининг ривожланишида ташқи омилларнинг таъсирини қайд этганлар.

Шуни таъкидлаш жоизки, Жанубий Ўзбекистонда Сополли маданиятига нисбатан қадимийроқ деҳқончилик маданиятининг излари хозирча топиб текширилмаган. Сурхон воҳасига кўчиб келган аҳоли хўжалик, меъморчилик ва ҳунармандчилик соҳалари бўйича ўз юртларида тўпланган билимлар ва тажрибаларини янги ўзлаштирилган ҳудудларда амалиётга татбиқ этганлар. Жанубий Ўзбекистон ҳудудларига бронза даврида дашт чорвадор қабилаларининг босқичма–бочқич кўчиб келиши маҳаллий аҳолининг моддий маданияти, дафн этиш маросимлари ва эътиқодларига таъсир қилган.

АДАБИЁТЛАР

1. Массон В.М. Древнеземледельческая культура Маргианы // МИА, – Л., 1959, №73;

2. Сарианиди В.И. Древние земледельцы Афганистана. – М: Наука. – 1977.

3. Сарианиди В.И. Некрополь Гонура и иранское язычество. – М: Наука, 2001.

4. Рахманов У.В. Керамическое производство эпохи бронзы Южного Узбекистана: Автореф. дисс... канд. истор. наук. – Самарканд: Институт археологии, 1987. – С.17.

5. Сагдуллаев А.С. К изучению поселения Муллали // Краеведение Сурхандарьи. – Ташкент: Узбекистан, 1989 – С.14.

6. Аскаров А.А., Ширинов Т.Ш. Ранняя городская культура эпохи бронзы юга Средней Азии. – Самарканд, 1993. – С.40–45.

7. C.C. Lamberg–Karlovsky. The Bronze Age khanates of Central Asia // Antiquity. – Rom, 1994, Vol. 68 – P. 398–405;

8. Tosi M. The Origins of Early Bactrian Civilization // Baktria. An Ancient Oasis Civilizations. – Roma – Venezia, 1989. – P. 69–71.

9. Аскаров А.А. Сапаллитепа. – Ташкент: Фан, 1973. – С.120–125.

10. Аскаров А.А. Древнеземледельческая культура эпоха бронзы юга Узбекистана. – Ташкент: Фан, 1977. – С.108–109.

11. Сагдуллаев А.С. Основные черты и генезис культуры доантичной Бактрии // Античные и раннесредневековые древности Южного Узбекистана. – Ташкент: Фан, 1989. – С.29.

12. Сагдуллаев А.С. Усадьбы древней Бактрии. – Ташкент: Фан, 1987. – С.88.

13. Сагдуллаев А.С. Маргиана и Бактрия. Исторические традиции и культурные связи в доантичную эпоху // Древней мерв. – Тр. ЮТАКЭ. – Ашхабад: Ылым, 1989. – Т.XIX. – С.17.

14. Чебоксаров Н.Н., Чебоксарова И.А.. Народы, расы, культуры. – М.: Наука, 1982. – С.222.

15. Мавлонов Ў.М. Марказий Осиёнинг қадимги йўллари: шаклланиши ва ривожланиши босқичлари. – Тошкент: Akademiya, 2008. – Б.321.

О ФАРФОРЕ

Газизова А
м.н.с. ГМИУ

Аннотация

Мақолада савдогар Франц Гарднер ва йирик саноатчи М.С.Кузнецов чинни ишлаб чиқарадиган фабрикаларининг қисқа тарихи берилган. «Шарқий мол» деб аталган Ўрта Осиё ҳудудларига мўлжаллаб ишланган чинни маҳсулотлар ва уларнинг анъанавий шакли, безатилиши, ушбу махсулот коллекция сифатида Узбекистон тарихи Давлат Музей этнография фондида сакланганлиги хакида ва ҳозирги кунда ушбу коллекция асосида тайёрланаятган каталог хакида айтиб ўтилган.

Калит сўзлар: *чинни, фабрика, «Товарищество», «кузнецов чинниси», «шарқ маҳсулоти», тарҳ музейи, этнография фонди, коллекция, каталог.*

Данная статья о краткой истории фарфоровых фабрик купца Франца Гарднера, и промышленника-предпринимателя М.С.Кузнецова, о, так называемом, «восточном товаре» с восточными бытовыми и художественными традициями, о коллекции фонда этнографии Государственного Музея истории Узбекистана АН РУз, о работе над каталогом фарфоровых изделий фабрик Гарднера и Кузнецова.

Ключевые слова: *фарфор, фабрика, «Товарищество», «кузнецовский фарфор», «восточный товар», музей истории, этнографический фонд, коллекция, каталог.*

Впервые фарфор был открыт в Китае в 7 в. (620 г.) Способ изготовления восточного фарфора долго хранился в секрете.

В течение 200 лет продолжались попытки открыть секрет восточного фарфора и в Италии, и во Франции и в Англии. Однако получались материалы, отдаленно напоминавшие фарфор. Лишь в 1708 г. саксонские экспериментаторы Чирнгауз и Бёттгер получили уже европейский фарфор.

Иоганн Фридрих Беттгер (1682-1719 гг.) начал опыты по созданию фарфора. В результате был создан «красный фарфор» - тонкий фарфор или яшмовый фарфор.

Однако настоящий фарфор еще только предстояло открыть. Химия еще не достигла того состояния, какое было необходимо

для понимания состава глины. Ни в Китае, ни в Японии, ни в Европе еще не могли правильно определить необходимое сырье для фарфора с точки зрения химического состава. Таким же образом обстояли дела и с технологиями производства.

В результате долгих систематических экспериментов, основанных на опыте и знании геологии и металлургии, было выявлено, как надо проводить работы по обжиганию смеси различных видов почвы, ведь некоторые сплавляются легко, а некоторые - сложнее.

В результате, одновременно был получен фарфор белый и красный. Причем белый, уже к 1710 году был более или менее готов к использованию. Необходимо заметить, что китайский фарфор – фарфор мягкий, поскольку в его состав входит гораздо меньше каолина, чем скажем, европейский, и обжигается он при более низкой температуре, а значит менее прочный.

Вместе с Беттгером над созданием твердого фарфора трудились эксперты и ученые различных специальностей. Европейский фарфор был абсолютно новым продуктом в области керамики.

В конце 1707 г. был произведен успешный опытный обжиг белого фарфора.

Первые лабораторные записки о пригодных к использованию фарфоровых смесях относятся к 1708 г., а весной 1708г. было отдано распоряжение о создании фарфоровой мануфактуры в г. Дрездене. Первые образцы фарфора были неглазурованы. И лишь в 1710г. Беттгер, решив и эту проблему , представил королю уже покрытые глазурью предметы.

В 1710 г. на ярмарке в г. Лейпциге была представлена посуда из так называемого «яшмового фарфора».

В России секрет производства твердого фарфора был открыт сподвижником ученого Ломоносова Д.И. Виноградовым в кон. 1740-х годов. Позже в Санкт -Петербурге была открыта мануфактура, где он работал. Впоследствии она превратилась в

Императорский фарфоровый завод, затем, уже в 20 веке, известный как ЛФЗ - Ленинградский Фарфоровый Завод. Императорский фарфоровый завод – первое и одно из крупнейших предприятий в России по производству художественных фарфоровых изделий. Основан в Санкт_Петербурге в 1744 г.

В том же 18 в. в поселке городского типа Вербилки, обрусевшим английским купцом Францем Гарднером был основан фарфоровый завод, имевший мировую известность. Его официальное открытие состоялось в марте 1764г.

Итак, Франц Гарднер начал широкое производство фарфоровых изделий в России. До этого он объездил почти всю центральную и южную части России в поисках нужного сорта глины, пока не остановился на Вербилках. Он купил имение в Вербилках и с 1767г. дело начало серьезно развиваться.

Отличием продукции Гарднера от других заводчиков было в том, что он производил свои изделия не только для императорского двора, но и для рынка . Его посуда была отличного качества и высокого художественного достоинства.

После его смерти его дети продолжили заниматься фарфоровым производством вплоть до 1892 г. Затем они продали свою фабрику Матвею Сидоровичу Кузнецову. Был составлен особый договор, по которому новый владелец М.С.Кузнецов получил право собственности на фирму Гарднера, и на изображение на своих изделиях, вывесках, счетах и т.д. государственного Герба, наград, и медалей, а в течение последующих пяти лет он имел право ставить на своих изделиях даже марку Франца Гарднера.

Фамилия Кузнецовых была в то время хорошо известной. Это была целая династия фарфоровых промышленников и владела почти всеми фарфоровыми и фаянсовыми фабриками дореволюционной России.

Основал «семейное дело» – Яков Васильевич Кузнецов – деревенский купец. Кроме умения хорошо торговать, он обладал и другими качествами предпринимателя. К нему приезжали подковать коней, купить ось к телеге, косу, топор, грабли, а иногда сдавал постояльцам часть своего дома.

Позже, у самого края деревни Гжель, на берегу реки Дорки он поставил небольшой дом, куда начали подъезжать подводы с глиной, кварцем, шпатом. К 1810 г. это был уже небольшой кустарный фарфоровый заводик. Два года спустя его возглавил сын Якова – Терентий. Решив расширить отцовское производство, он построил новый завод в Дулёво, Владимирской губернии и продолжил династию российских промышленников. У него, в свою очередь было три сына: Сидор, Анисим и Емельян. Сидор основал

в 1841 г. Рижскую фарфорово-фаянсовую фабрику, которая после его смерти в 1872 г. перешла к сыну Матвею.

Он то - Матвей Сидорович Кузнецов и стал крупнейшим российским предпринимателем и промышленником фарфорового производства конца 19 нач. 20 вв. Это с его именем связано понятие «кузнецовский фарфор». Именно он впервые в России применил машинный метод при производстве фарфора.

Он родился в 1846 г. В 15 лет был отправлен в г. Ригу на завод отца для обучения делу. Там окончил Коммерческое училище. Управляющий познакомил его не только со всеми премудростями изготовления фарфора, но и тому, каким должен быть хозяин производства. С другой стороны отец Матвея - Сидор старался привить сыну деловую жилку, воспитывая в нем твердость характера, терпение и упорство. Закончив коммерческое училище, по распоряжению правительства молодой Кузнецов принимал участие в разработке тарифов для железнодорожного транспорта и таможенных пошлин.

И вот пришел час возглавить «кузнецовское дело».

В 1867 г., когда ему было 18 лет, через три года после смерти отца, становится полноправным и единоличным владельцем всех заводов семьи Кузнецовых. В 19 лет он женился. Год от года его семья росла. Наследников у него было восемь – семеро сыновей и одна дочь.

Матвей Кузнецов поставил себе цель – создать монополию всех частных фарфоровых заводов России – и всю жизнь шел к этой цели.

В 1870 г. М.С.Кузнецов приобретает предприятие у Ауэрбаха в селе Кузнецово Тверской губернии, которое в последствие стало именоваться Тверской фабрикой.

В первые годы там продолжали изготавливать один фаянс. С 1884-85 гг. приступают к выпуску фарфора, а позже – майолики, полуфаянса, строительных материалов и терракоты. Чуть позже эта фабрика представляла собой уже крупное предприятие с большими корпусами, паровыми котлами и паровыми машинами, водяной турбиной, лабораторией, хромолитографией, а также больницей, училищем богадельней и т.д.

Затем Матвей становится владельцем еще трёх фарфоровых фабрик, которые он закупил у своего двоюродного брата Ивана

Емельяновича Кузнецова, Иван, в свое время, основал их еще в 1878 г.в Новгородской губернии.

Во второй половине 19 в. М.С.Кузнецов уже был крупнейшим поставщиком фарфора, фаянса, майолики и др. изделий на мировом рынке. Имел 18 предприятий в Российской империи, среди них 8 фабрик и заводы в Дулёво, Кузнецово, Будах (Харьковская губ.), селе Елавлянке (Черниговская губер.) в деревне Песочная (Калужская губер.).

29 сентября 1889г. было учреждено «Товарищество фарфоровых и фаянсовых изделий М.С.Кузнецова».

В 1892 г. М.С.Кузнецов заключил торговую сделку с последней владелицей завода Франца Гарднера Елизаветой Николаевной Гарднер. Кроме закупленных 300 десятин земли, отдельно были приобретены все фабричные модели, формы, рисунки, образцы. Особый договор, как это было упомянуто выше, подтверждал право нового хозяина ставить на изделиях, вывесках счетах Герб и фирменный знак завода «Гарднера», его награды и медали. Отныне слава Гарднера перешла к Кузнецову, ставшему-таки монополистом чистого фарфора.

В 1894 г. перешла во владение М.С.Кузнецова фарфоровая фабрика в деревне Песочная на р. Волге.(Ярославская губер.) – позже - Тверская фабрика. Здесь выпускалась раскрашенная посуда из белого фарфора.

Не многие керамические предприятия России того, да и сегодняшнего времени, могли бы похвастаться такой белизной фарфора, фаянсом «цвета сливок», отличающими кузнецовские изделия.

На его заводе вырабатывались и дешевые и дорогие высокохудожественные изделия, чтобы удовлетворить покупателей с разными финансовыми возможностями.

Руководство фабриками осуществлялось через Правление товарищества М.С.Кузнецова в Москве, директором и управляющим ф-кой. Матвей Сидорович неоднократно приезжал на фабрику. Под его руководством велось благоустройство поселка: были построены почтамт, школа, больница, дома для рабочих.

В России кон.19 - нач. 20 вв. заводы «Товарищества фарфоровых и фаянсовых изделий М.С.Кузнецова в Риге, Дулёво, Новгороде, Вербилках, и др. были основными производителями относительно недорогого фарфора для широкого потребителя.

Матвей Сидорович Кузнецов поставлял фарфор по всей России за ее пределы. Он не просто продолжил дело своего отца и деда, а вывел его на качественно новый уровень –значительно увеличил мощи заводов, доставшихся ему по наследству, приобрел новые, расширил рынки сбыта и ассортимент, успешно конкурировал с европейскими и восточными производителями фарфора.

М.С.Кузнецов уделял большое внимание изучению покупательского спроса. На его заводах разрабатывались рисунки с учетом вкуса определенных кругов потребителей. Он приглашал для работы знаменитых русских живописцев. Известно, что на его фабрике, хотя и недолго, работал известный художник М.А.Врубель, создав эскиз росписи декоративного блюда по мотивам сказки «Садко». В 1912 г. – к 100-летию Победы России в Отечественной войне 1812 г. «Товарищество М.С. Кузнецова» выпустило тарелки, чашки, блюда и сервизы с изображением сцен из истории войны с Наполеоном, богато украшенными золотым штампованным орнаментом, штампованные рисунки которых (деколи) были сделаны в Германии.

В 1913 г. на заводах М.С.Кузнецова работало более 3 тысяч человек, выпускалось почти 20 тыс. изделий на сумму около 1.750.000 руб.

По всей России М.С.Кузнецов имел торговые дома: в Москве - на Солянке, на Петровке, угол Мясницкой и Большого Златоустовского переулка (нынче магазин «Фарфор, стекло», на Софийке, а также в Риге, Харькове, в Ростове на Дону, в Одессе, в Тюмени.

За свою деятельность был награжден Орденом Святой Анны Святого Владимира 1-й и 2-й степеней, Орденом Бухарской звезды, Орденом французского кавалерийского Креста, Орденом Почетного Легиона, был членом благотворительных учреждений, гласным Московской Думы, выборным Московского Биржевого комитета. Его продукция неоднократно удостаивалась наград на выставках. И, конечно же, как лучший из лучших в своей отрасли М.С.Кузнецов получил звание «Поставщика Двора Его Императорского Величества».

Значительная часть продукции М.С.Кузнецова была так называемым «восточным товаром», и была ориентирована на азиатские

страны (Персия, Монголия, Средняя Азия). В Среднюю Азию посуда восточного ассортимента отправлялась по Волге.

Ассортимент «восточной» фарфоровой продукции подбирался с учетом вкусов и потребностей основного контингента покупателей. Орнаментация была насыщена мелкими и крупными элементами и деталями, цвета подбирались яркие, насыщенные. Было время, когда такой подход к орнаментации фарфора даже подвергался критике и получил названия «кузнецовщина». Однако, в целом, это были великолепные изделия, отражавшие в своих формах традиции восточной домашней утвари, а орнаментом олицетворяли яркую природу и солнце востока.

В этнографическом фонде Музея истории Уз-на АН РУз наряду с богатейшими коллекциями вышивок, одежды, головных уборов, тканей, ювелирных украшений, ковров, металлических и керамических изделий, так же имеется и коллекция фарфора, в числе предметов которой есть и изделия фабрики Гарднера и Кузнецова, а также изделия этой фабрики, изготовленные для Среднеазиатского региона. Это сервизы столовые, чайные, отдельные виды посуды, а также «восточный товар» - чайники, пиалы- чайные чашечки, тахсимча-тарелочки, косы - чаши для первых блюд, шокосы – чаши большие, ляганы - блюда для плова, чилим - кальяны, куза- кувшины и т.д., собранные в коллекцию № 27 и частично в коллекцию № 113. Все они отличаются высоким качеством фарфора и интересным своеобразным орнаментом, а также безупречным глазурованием.

Коллекции фарфора № 27 состоит из 232 предметов. Изделия эти были приобретены музеем от разных жителей Узбекистана в разные годы 20 века.

Комплектование и формирование коллекций - это результат подчас многолетних научных изысканий. Это и поиски, и история, связанная с изучением, это и научное описание каждого предмета. А научное описание является основной предпосылкой для подготовки публикации научных каталогов. В настоящее время по вышеуказанным коллекциям фарфоровых изделий фабрик Гарднера и Кузнецова готовится каталог, в котором дана краткая история фабрик Гарднера и Кузнецова, некоторые фото и краткая аннотация на каждый предмет коллекции. Так же показаны штампы, клейма и печати данных фабрик на различных этапах их работы.

СОСОНИЙЛАР ДАВЛАТИНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ АҲВОЛИ ВА ЭРОНГА ИСЛОМНИНГ ТАРҚАЛИШИ

Ғуломова Ҳ.А.
Ўзбекистон тарихи давлат музейи кичик илмий ходими

Аннотация

Мазкур мақола VII асрда Сосонийлар давлатининг ижтимоий-сиёсий ахволи ва Эронга исломнинг тарқалиши ва унинг натижалари тахлил қилинган.

***Калит сўзлар**: Сосонийлар, араблар, Византия, Бобил*

Данная статья анализирует социальное и политическое состояние государства Сасанидов в VII –ом веке и результаты распространения ислама в Иране

***Ключевые слова**: Сасаниды, Арабы, Византия, Вавилон*

Social and political condition of Sassanids' government in nte 7th century and the spread of islam to Iran and its results were analysed in this article

***Key words:** Sassanids, Arabs, Byzantyne, Babylon*

VII асрда Эрон араблар томонидан босиб олинади. Бу ҳолатни аниқроқ баён этиш учун дастлаб Эрондаги, сўнгра араблар ҳаётидаги ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ҳаётни ўрганиш лозим деб ҳисоблаймиз. Маълумки, VIII асрга қадар араблар уруғчилик тузумида яшаб турли ҳил қабилаларга бўлиниб яшаган.[147]

Макка аҳолиси теварагида кўчманчи араб қабилаларининг бирлашуви жараёнига туртки берган яна бир муҳим омил – шу ерлик қурайш қабиласининг ҳошимийлар уруғидан чиққан пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.) номи билан пайдо бўлиб, кенг ёйила бошлаган ислом дини ва таълимоти бўлди. Гап шундаки, ўзида якка худолик ғоясини мужассамлаштирган, халқларни бирлик, аҳиллик, биродарлик, ҳамжиҳатлик, ўзаро меҳр-мурувватлик, дўстлик сингари олижаноб фазилатларга даъват этувчи ислом ғоялари ҳар қандай тўсиқларни, қийинчиликларни бартараф этиб, турли-туман араб қабила-қавмлари онги, қалбига йўл топиб, уларни ўзининг яшил байроғи остига бирлаштира борди. Муҳаммад ибн Абдуллоҳ (570-632) ҳаётининг охирларига

[147] И.П.Петрушевский. Ислам в Иране в VII-XII веках. Ленинград, 1966. –С. 5.

келиб кўп сонли араб қабилаларининг ислом байроғи остида бирлашуви негизида Араб халифалигига асос солинди.[148]

Исломни тарқатиш юришлари араблар томонидан жиҳод байроғи остида олиб борилди. Босиб олинган вилоятларда араблар бошқа динларни йўқотиб исломни тарқатдилар. Исломни тарқатиш пайғамбаримиз вафотидан сўнг тўрт халифа Абу Бакр (632-634), Умар (636-644), Усмон(644-656), Али (656-666) даврида ва ундан сўнг Усмонийлар даври (661-750) ва Аббосийлар даврида ҳам давом этди.

Эронда Ислом анча эрта тарқалди. Бу даврда, яъни ислом тарқалиши жараёнида Эронда сосонийлар давлати мавжуд бўлган. Бу давлатга 221 йилда Сосон уруғидан бўлган Бобакнинг ўғли Ардашер I асос солади.[149] Улкан империяга айланган сосонийлар 224-651 йилларга қадар Эронда ҳукмронлик қилишган. Шопур I (241-272) даврларида Эрон Рим империяси билан урушга киришади. Бу уруш бир неча йиллар давом этади.[150]

Сосонийлар шимолда Кидарийлар ва Эфталитлар давлатлари билан тинимсиз урушлар олиб борган. Сосоний шоҳ Перуз уч марта эфталит шоҳи Кунха билан жангга киради ва уччала жанг ҳам мағлубият билан тугайди. Учинчи юришда 484 йил мағлубиятга учраган Перуз ўлдирилиб, Эрон деярли қарам давлатга айланади. Эрон 18та сатрапликка бўлиниб, дастлаб марказлашган ҳолда бошқарилган. Қулдорлик тузуми кенг тарқалган бўлиб, ер эгалиги жараёнлари эса V асрга келиб Эронда кучая борди, чунки қулчилик деярли фойда келтирмай қолган эди. Аҳоли асосан тўрт гуруҳга бўлинган. Зодагонлар, жангчилар, зироатчилар (деҳқонлар) ва ҳунармандлар. Давлат дини зардуштийлик ҳисобланган, лекин христианлик ва яҳудийлик ҳам Эронда кенг тарқалган эди. Монийлик дини (216-274) Бобилда пайдо бўлди ва Эрон ҳудудларида кенг тарқалди.

Эрондаги ижтимоий ҳолат ва сиёсий тузум, халқнинг бошидаги оғир солиқларнинг кўплиги, ер эгалигининг вужудга келиши, 488 йилда сосонийларга қарши Маздак қўзғолинини келтириб чиқаради ва 529 йилгача давом этиб, давлатнинг ижтимоий-иқтисодий аҳволига жуда катта салбий таъсир

[148] Қ.Усмонов, М.Содиқов, Н.Обломуродов. Ўзбекистон тарихи. -Т.: 2002. 96-97 б.
[149] Н.В. Пигулевская, А.Ю.Якубовский. История Ирана с древнейших времен до конца XVIII века. Ленинград, 1958
[150] В.Г. Луконин. Культура Сасанидского Ирана. М.: 1969. стр-48

кўрсатади. Эрон шоҳи Кубод (488-531) ушбу ҳаракатдан таъсири кучайган катта ер эгалари ва зардуштийлик руҳонийларининг таъсирини йўқотиш ва уларни кучсизлантириш учун фойдаланди. Уларни енгиб олгач, 529 йил 80 минг маздакийлик тарафдорларини қириб ташлади.

VI асрга келиб сосонийларнинг асосий рақиби Турк ҳоқонлиги бўлиб қолди. Эрон туркларнинг юришларини катта йўқотишлар эвазига тўхтатиб турган, лекин бу борада Византия Эрон ҳукмдорларига жуда катта ёрдам беради. Эвазига Эроннинг мулклари ҳисобланган Арманистон ва Иберияниng ярми (Испания) Византияга берилиб, абадий дўстлик битими тузилди.

602 йил Византия пойтахти Константинополда исён бўлиб, ҳарбий йўлбошчи Фока, Византия императори Маврикийни ўлдиради.[151] Бундан фойдаланган Хусрав II (591-628) Византия билан уруш бошлади. Сосонийлар Антохия, Эдисса, Дамашқ, Қуддус, Сурия, Фаластинни эгаллайди. Бу уруш қарийб ярим аср давом этди. 628 йилда Эрон Византиядан мағлубиятга учрайди. Саройда тўнтариш бўлиб, шоҳ Хусрав II ўз ўғли Кубод Шуруй томонидан ўлдирилади.[152]

Эрон Араблар кириб келиши арафасида ички низолар гирдобида қолган эди. Халқ оммаси турли хил солиқлардан чарчаган эди. Ҳокимият учун сарой амалдорлари орасида кураш кетаётган давлатда эса сиёсий тарқоқлик ҳукм сурган бир давр бўлиб, Византия билан олиб борилган урушлар давлатни жар ёқасига олиб келган, унинг оғирлиги эса халқни хонавайрон қилаётган эди. Бу урушлар араб савдосининг жонланишига сабаб бўлди. Чунки савдо карвонлари хавфсизроқ йўл қидиришаётган бир пайтда, бу борада Арабистон ярим ороли тинчроқ эди.

Эрон VII аср бошидан 651 йилга қадар босиб олинди. 651 йил араблар Хуросонни босиб олдилар. Йездегерд III Марв воҳасига қочади ва ўлади. Унинг ўлими ҳақида турли ривоятлар мавжуд. 651 йил Сосонийлар салтанати инқирозга юз тутди. Эроннинг деярли тўлиқ, шимолий шарқда Амударёгача бўлган ҳудуди босиб олинди. Балх, Забулистон, Гилон ва Табаристон ҳудудлари узоқ қаршиликлардан сўнг босиб олинди. Дайлам, Гур ва Қобулни

[151] М.С.Иванов. Очерк Истории Ирана. М., 1952. -С.33.

[152] Н.В. Пигулевская, А.Ю.Якубовский. История Ирана с древнейших времен до конца XVIII века. Ленинград, 1958. стр.-С. 72.

араблар босиб ололмадилар. Эрондаги истилочилик юришлари оқибатида айрим вилоятлар кўп талафот кўрдилар. Ироқ, Хузистон ва Форснинг кўплаб тинч аҳолиси асир қилиниб ҳайдаб кетилди. Аммо кўплаб шаҳар ва йирик ер эгалари араб қўшини қўмондонлари билан солиқ тўлаш шарти билан итоат этиш тўғрисида шартнома туздилар.

Араблар томонидан Эроннинг босиб олиниши бирқанча оқибатларга олиб келди. Улардан биринчиси ўтроқ ва кўчманчи бўлган араб қабилаларининг тўлалигича Эронга кўчирилиши эди. Шаҳарларда у ёки бу араб қабилалари кўчиб келган ва номлари берилган даҳалар кўпайди. Мамлакатда кўплаб араб йирик ер эгалари кўпайди ва халқ молия аппарати томонидан назорат остига олинган эди.

Араблар Эронга адабий, расмий ва диний тил сифатида араб тилини ўзлари билан олиб кирдилар. Эрон маданияти истеъфодадан чиқиб кетмади, аксинча оз бўлса-да, арабларга таъсир кўрсатди. Истилодан юз йиллар ўтиб, пахлавий тили(ўрта аср форс тили) адабиётининг асарлари араб тилига таржима қилинди. Шундай бўлса-да, адабиётда Ғарбий Осиё ва Шимолий Африка мамлакатлари учун халқаро тил ҳисобланган араб тили ҳукмрон тилга айланди. Араб тилини йирик ер эгалари ўргана бошладилар. VIII – X асрда Эрон ва Ўрта Осиёда араб тилида шеърият шакллана бошлади. Араб тилида ҳатто арабларга қарши бўлган ватанпарвар форслар ҳам ижод қилдилар. Араб тили ва исломдан ташқари оромий ҳарфидаги пахлавий алифбосини сиқиб чиқарган араб алифбоси ҳам кириб келди.

Йирик ер эгаларининг сепаратик айирмачилик ҳаракатлари Эрон мамлакатининг ўз мустақиллигини қўлдан чиқишига олиб келган асосий омил эди.

АДАБИЁТЛАР

1. И.П.Петрушевский. Ислам в Иране в VII-XII веках. Ленинград, 1966

2. Қ.Усмонов, М.Содиқов, Н.Обломуродов. Ўзбекистон тарихи. -Т.: 2002.

3. В. Пигулевская, А.Ю.Якубовский. История Ирана с древнейших времен до конца XVIII века. Ленинград, 1958

4. В.Г. Луконин. Культура Сасанидского Ирана. М.: 1969

5. М.С.Иванов. Очерк Истории Ирана. М., 1952.

ҚАДИМГИ СУҒД ҚИШЛОҚ МАКОНЛАРИНИНГ ВУЖУДГА КЕЛИШИ МАСАЛАСИГА ДОИР

Раҳмонов Ҳ.Ў,
ЎзР ФА Археология институти

Аннотация

Ушбу мақола Суғд қишлоқ маконларининг пайдо бўлишида кўчманчи чорвадор халқларнинг таъсири ҳақида ёзилган. Мақолада Суғддаги қўрғонлардан топилган сопол идиш намуналарининг қисқача таҳлили ва кулоллик идишларида дашт маданияти таъсири тўғрисида фикр юритилган.

Калит сўзлар: *Суғд, сопол, маданият, кулолчилик.*

В данной статье освешаются вопросы влияния кочевников на культуру сельских поселении Центрального Согда и развитие гончарства данной территории.

Ключевые слова: *Согд, керамика, культура, гончарства.*

In this article, questions of the influence of nomads on the culture of the rural settlement of Central Sogd and the development of pottery

Key words: *Sogd, ceramics, culture,*

Ўрта Осиё аҳолиси хўжалиги қадимдан табиий географик хусусиятларга боғлиқ ҳолда шаклланган. Жез даврида содир бўлган илк меҳнат тақсимоти туфайли Ўрта Осиё аҳолиси ўтроқ деҳқончилик билан шуғулланувчи ва кўчманчи чорвадор гуруҳларга ажралган. Суғд ҳудудида ҳам деҳқончилик воҳалари билан биргаликда, кўчманчи чорвачилик хўжалигининг таркиб топиши ва ривожланиши учун қулай шароитлар мавжуд эди. Шунинг учун қадимги аҳоли, Ўрта Осиёнинг дашт ва саҳролари, дарё ҳавзалари ҳамда тоғ ён бағрларида чорваларини боқиб юришганлар. Шу билан бирга, уларнинг бир қисми анъанавий хўжалик юритган, баъзилари деҳқончилик учун қулай жойларда ўтроқлашиб, деҳқончилик ва ҳунармандчилик хўжалиги билан шуғулланишга ўтганлар. Кўчманчи чорвадорларнинг кириб келиши, икки хил хўжалик соҳиблари маданиятларининг ўзаро яқинлашув ва қоришувида муҳим аҳамият касб этган. Шу тариқа Зарафшондан Амударё ва ундан жанубгача бўлган ҳудудларда бронза давридан бошлаб туркий қабилаларнинг Туронзамин тубжой аҳолисига айланиб кетиши кузатилади.

Суғд воҳаси ва унинг сарҳадларидаги археологик ёдгорликлар бу ердаги тарихий-географик, хўжалик- маданий ва этник белгиларнинг шаклланишини ўзида акс эттирган. Зарафшон воҳаси ва унга туташиб кетган дашт, чўл ва тоғ ландшафтлари ўзининг географик хусусияти билан нафақат ўтроқ деҳқончилик, шу билан бирга, кўчманчи чорвачилик хўжалигининг ҳам ривожланишини таъминлаган.

О.В.Обельченко Зарафшон воҳасидаги чорвадорларга мансуб кўплаб мозор-қўрғонларни ўрганиб, Суғдга дашт маданиятини таъсири айниқса антик даврда – милодий эра бошларида, Орол бўйи, Қуйи Сирдарё ва Қизилқум орқали силжиган сарматлар таъсирида анча кучайганлигин асослаб, бу ёдгорликларни хронологик жиҳатдан учта гуруҳга бўлган (Обельченко, 1991. 76 с). Бироқ, Зарафшон ўрта қисмидаги Сазағон, Миронқул ва Оқжартепа каби мозор-қўрғонларнинг моддий маданият намуналарида Ўрта Сирдарё бўйи ҳудуди орқали силжиган юечжи, усун ва хун қабилаларининг таъсири кўпроқ сезилади (Обельченко, 1962. 67 с). Уларда ўрганилган кулоллик идишлари ўз ясалиши ва шаклига кўра, Уструшонадаги Ширинсой, Ғулбо Фарғона водийсидаги Кугай-Қорабулоқ маданиятига оид Қорабулоқ, Жангаил, Исфара мозор-қўрғонларидаги сопол буюмлар билан яқин ўхшашликка эга. Бу эса Суғдга кўчманчиларнинг Ўрта Сирдарё бўйи, Уструшона орқали ҳам кириб келганлигини кўрсатади. Бу миграция натижасида дашт маданиятининг таъсири марказий Суғднинг маҳаллий туб аҳолиси шаҳарларигача кириб боради. Айниқса, шу даврга оид Кофир-қалъа, Талу-Барзу, Оқжартепа каби ёдгорликларда айниқса кучли сезилади (Обельченко, 1962. 67 с).

Суғддаги моддий манбаларда маҳаллий анъаналар устун мавқени эгалласада, аввало кулоллик идишларида дашт маданияти таъсири яхши сезилади. Масалан, хурмачалар ва ёғлоғилар жўмраксиз, аммо дасталари ҳайвон шаклида ишланган. Сопол идишлар таркибида катта ва кичик ҳажмдаги мискалар, сувдонлар, товалар, учрайди. Умуман олганда, Суғдда ўрганилган сопол идишларнинг ясалиш технологияси, шакли ва сиртига берилган безакларида чорвадорлар кулоллик идишларига хос хусусиятлар мавжуд (Обельченко 1969. 90 с).

Тарихий манбаларда ёритилишича, антик ва илк ўрта асрларда кириб келган турли хил номлар билан аталувчи (туркий тилли, ҳун, усун, хионий кидарий , эфталит, турк ва б.) кўчманчиларнинг баъзи гуруҳлари жанубга ўтиб кетмасдан, воҳага туташ, чорва учун қулай жойларда ҳам қолиб кетган ва бу ерларни ўз қишлов сифатида макон тутишган. Улар ўтли яйловларни излаб, асосан тоғолди дашт зоналари, тоғ, дарё ва жилғалар водийлари бўйлаб, ҳали маҳаллий ўтроқ ва чорвадор аҳоли томонидан ўзлаштирилмаган ҳудудларда ўрнашганлар. Улар ихтисослашган хўжалик юритиш анъанасини давом эттириб, нафақат кўчманчи чорвачилик, ҳамда оддий деҳқончилик билан ҳам шуғулланаверишган.

Суғд қишлоқ маконларида V-VI асрларда маҳаллий анъаналар асосида тайёрланган ашёвий манбаларда сифат ўзгаришлари кузатилиб, кўчманчиларга хос хусусиятга эга буюмлар учрай бошлайди. Буни ўлка халқлари уй рўзғор буюмларидан тортиб, дафн удумларигача бўлган барча соҳаларда кузатиш мумкин. Бу айниқса, кулолчилик буюмларида яққол акс этади. Суғдда милодий эра бошларида кулолчилик соҳасида тубдан ўзгаришлар юз беради, энди улар мутлақо қўлда ясалган, сопол идишларнинг ости текис, ялпоқ. Идишлар туринининг кўпчилиги тиниқ қизғич-оқиш ангобли, унинг устига тарам-тарам жигарранг ёки қора ранг оқизилган. Улар кўза, хурмача, бўйдор хум ва хумчалар бўлиб, уларнинг бўйин қисми торроқ, ёқасимон лаби бироз ташқарига қайрилган, баъзида елкасига хочсимон ёки қўшқават учбурчак ёки хоч шаклида тамға босилган. Уларга чизма нақшлар бериш учун тўлқинсимон ва тўғри чизиқлардан фойдаланилган.

Кўзалари бўйин қисми узунроқ, баъзида дастасининг тепа қисми ҳайвон қиёфасида ишланган. Даста қарама-қарши томонида кўзага жумрак ёпиштирилган. Бундай кўзалар сиртига қора рангда безак берилган, баъзида рангли нақш тўлқинсимон шаклда тасвирланган. Баъзи бир идишлар оғзи кенг ва ости текис хурмачалар бўлиб, уларнинг елкасига кичкина қўшалоқ даста ишланган. Устки қисмига худди кўзалардек рангли нақш берилган.

Суғддаги нафақат чорвадорларга оид ёдгорликларда, балки қишлоқ маконлари ва шаҳарлар кулоллиги комплексида ҳам сопол қозонлар кўп. Улар қўшқулоқли, сферик шаклда, қўпол, сирти қоп-

қора, куйган. Уларнинг аланга теккан қисмлари жигарранг оч-қизғич кўринишда. Қозонлар соф лёсс тупроқ лойидан, оловга бардошли бўлиши учун унга гил, майда туйилган оқтош ва чиғаноқлар қўшилган.

Сополлари орасида зооморф дастали ёғлоғилар кўплаб учрайди. Уларнинг қорин қисми шарсимон, елкадан юқориси бироз ташқарига қайрилган ёки тик кўтарилган. Ёғлоғилар орасида цилиндрик шаклдаги нусхалари ҳам учрайди. Ёғлоғилар дастасининг юқори қисми ҳайвон фигураси билан якунланган. Кенг тарқалган сопол идишлардан яна бири елкадан пасти конус шаклидаги косалар бўлиб, уларнинг оғзи кенг, ялпоқ туби торроқ, елкаси конуссимон танасидан ажраб туради. Баъзида улар орасида қўшқулоқли нусхалари ҳам учрайди.

Ўз тадқиқотларида Уструшона кулолчилик идишларини ҳам илмий таҳлил қилган М.Ҳ. Пардаевнинг таъкидлашича, «Шимолий-ғарбий Уструшона археология ёдгорликларидан топилган сопол идишлар наъмуналарининг илмий таҳлили ва бу орқали комплексларни даврлашда бир мунча мураккабликлар мавжуд. Мураккабликнинг сабаби мазкур регион ўтроқ деҳқончилик воҳалари, билан кўчманчи, чўл маданияти чегарасидаги учрашув жойи «чорраҳа»си эканлиги сабабли ўзаро таъсир ва қоришув даражасини юқори бўлганлигидир» (Пардаев, 1998, 58 б). Ушбу хусусият Суғд кулоллиги учун ҳам характерли бўлиб, сопол идишлар бири-бирини тўлдириб боради.

Илк ўрта аср Суғдга хос характерли яна бир муҳим белги бўйдор хурмача ва ёғлоғилар дастасини реал ҳайвонсифат шаклда ишланганлиги кенг кўламда ривож топади. Сирти тўлқинсимон чизма нақшли бир дастали кўзалар пайдо бўлади. Илк бор лагансимон идиш ёки босма бармоқ изли гуллар солинган сопол дастурхонлар пайдо бўлади (Пардаев, 1998, 59 б). Уструшона ёдгорликларида учрайдиган бундай гулли дастурхонлар Суғд, қадимги Фарғона, умуман Мовароуннахрнинг илк ўрта асрлар кулолчилиги учун характерлидир (Филанович, 1983, 61 с). Бундай таъсирлар меъморчилигида ҳам кўринади. Аҳолининг воҳалар бўйлаб жойлаша бориши билан бир пайтда, инновация сифатида, монументал мудофаа иншоатлари пайдо бўлади, археологик комплекс таркибида туб сифат ўзгаришлари юз беради, маҳаллий

аҳоли орасига чорвадор туркий тилли этник гуруҳларнинг кириб келиши янада жадаллашади.

Хуллас, антик ва илк ўрта асрларда кириб келган кўчманчи аҳоли билан маҳаллий (чорвадор ва ўтроқ) аҳоли ўртасида айирбошлаш ва савдо-сотиқ алоқалари мустаҳкамланиб борган. Моддий маданиятдаги сифат ўзгаришлар бундан гувоҳлик беради. Биз тадқиқ этаётган қишлоқ маконлар соҳиблари ҳаёт фаолияти ҳам ана шу жараёнлар билан боғлиқ бўлган. Деҳқончилик воҳаларида кўплаб кўшк, қаср, қўрғон ва қўрғонча каби кўплаб иншоатлар қурилган. Турли ҳунармандчилик соҳалари ривожланиб, тижорат гуркираган, суғориш иншоатлари қурилган. Кўпгина илгари қурилган шаҳарлар атрофлари бўйлаб янгилари ҳам барпо этилган. Йирик қишлоқ ва қўрғонларда нуфузли қабила бошлиқлари, уруғ ёки жамоа оқсоқоллари, бой бадавлат оилалар ва қисман ҳунармандлар яшаган. Бу иншоатлар асосан, баланд тагкурси платформа устига пахса ва хом ғиштдан кўтарилган. Бироқ, ҳали аҳолининг кўпчилик қисми тарқоқ ҳолда кичик-кичик қишлоқларда, ертўла, капа уйлар ва ўтовларда яшаб, ярим ўтроқ ва кўчманчи тарзда хўжалик юритганлар. Бу даврда воҳа қишлоқларида ўтроқ ва кўчманчи аҳолининг бир-бирини тўлдирувчи маданияти шаклланган.

АДАБИЁТЛАР

1. Шониёзов К.Ш. Қанғ давлати ва қанғлилар. Тошкент, 1990.
2. Хўжаев А. Фарғона тарихига оид маълумотлар. Фарғона, 2013.
3. Исаков А., Потемкина Т.М. Могильник племен эпохи бронзы в Таджикистане.// СА вып. 1 - Москва, 1989.
4. Обельченко О.В. Культура античного Согда. М, 1991.
5. Обельченко О.В.Могильник Акжартепе // ИМКУ, вып. 3. – Ташкент, 1962.
6. Обельченко О.В. Миранькулские погребение // ИМКУ вып. 8. – Ташкент, 1969.
7. Пардаев М.Ҳ Жиззах воҳасининг IV-VI асрлардаги кулоллик идишлари // ИМКУ вып. 29. – Самарқанд, 1998.

8. Филанович М.И. Зарождение и развитие города и городской культуры. Ташкент, 1983.

«ИСКАНДАР СУЛТОН ТОЛЕНОМАСИ» АСАРИ ТАРИХИ

Тошкенбоев Ҳ.,
ЎзФА Темурийлар тарихи давлат музейи кичик илмий ходими

Аннотация

Мазкур мақолада ЎзР ФА Темурийлар тарихи давлат музейидаги «Искандар Султон толеномаси» экспонати шархига бағишланиб, унда ўрта асрларда кенг тарқалган астрология (илми нужум) фанининг мазмун мохияти ёритилган.

В данной статье поясняется о экспонате Государственного музея истории Темуридов при АН РУз «Гороскоп Искандара Султана» В статье рассматривается содержательная информация о цели и смысла широко распространённой «науки» астрология в средневековье.

This article highlights the exhibit «Horoscope of Iskandar Sultan» at UzAS the State Museum of the Temirid History. Intensional facts about aim and sense of widespread «science» of astrology in the Middle Ages are scrutinized.

Ўзбекистон Фанлар академияси Темурийлар тарихи давлат музейи экспозициясидан ўрин олган «Искандар Султон толеномаси»нинг 1996 йилда, «Усто» бирлашмасининг «Саноий нафиса» гуруҳи томонидан катталаштирилиб чизилган панноси мавжуд.

Авалло «Толе» сўзига таъриф берсак. Толе – [гороскоп] - арабча чиқиш. Юнонлар тушунчасида эклиптиканинг шарқий уфқ чизиғи билан кесишиш нуқтаси. Эклиптика – осмон сферасида қуёш йил бўйи кўринма ҳаракат қиладиган катта айлана. Ҳаракатдаги юлдузлар – қадимги астрономлар ақидасида 7 сайёра. Ундан юқорида саккизинчи сфера (осмон)да ҳаракатсиз юлдузлар жойлашган. 1. Қамар – Ой, 2. Уторуд – Меркурий, 3. Заҳро - Зуҳра, 4. Шамс – Қуёш, 5. Миррих – Марс, 6. Муштарий – Юпитер, 7. Зуҳал – Сатурн, 8. Қўзғалмас турғун юлдузлар. Қуёшнинг эклиптика бўйлаб 12 та буржда бўлиши; бу буржлар айни вақтда уйлар ҳам дейилади. Юқори сайёралар – Сатурн, Юпитер, Марс. Қадимги асрономлар тушунчасида етти сайёранинг

тўрт қуёш бўлган ва у сайёраларни юқори ҳамда қуйи қисмларга ажратувчи чегара ҳисобланган. Унсурда - яъни 4 унсур (ер, сув, ҳаво, олов); 12 буржнинг ҳар учтаси бир унсурга мансуб бўлиб, эклиптикада бир учбурчакда жойлашади, сифатлари бир-бирига яқин: 1. Ҳамал, Асад, Ақраб – оловга; 2. Савр, Сунбула, Жадий – тупроққа; 3. Жавзо, Мезон, Далв – ҳавога; 4. Саратон, Ақраб, Ҳут – сувга мансуб[153].

Амир Темур ва Темурийлар саройларида мунажжимлар илми нужум[154] билан фаолият юритишгани маълум. Мунажжим[155]-(араб.), астрология- айрим кишилар ва халқларнинг тақдирини осмон ёритқичларининг вазиятларига қараб башорат қилиш (фол очиш) билан шуғулланадиган таълимот, касб (қ.Илми нужум[156]). Мунажжим билан шуғулланувчи шахслар мунажжим деб аталган. Абу Райҳон Беруний астрономияга оид «ал-Қонун ал-Масъудий» (Маъсуд қонуни) асарида мунажжим атамасини кўпроқ фалакшунос (астроном) маъносида қўллайди. У мунажжимларни фолбинлар деб атайди. Қадимда муҳим воқеалар, масалан, урушларни бошлаш мунажжимларнинг башоратилари билан амалга оширилган.

Ҳукмдорлар ва улар оиласидаги барча муҳим воқеалар учун толеномалар тузиш уларнинг асосий вазифасига кирган. Мазкур толеномалар Амир Темурнинг фарзандлари ва набираларининг таваллуди, ҳамда уларга тож кийдирилиш маросимлари ва уйланишлар билан боғлиқ маълумотлар берилган. Шунингдек, толеномалар ёрдамида ҳарбий юришлар, Оқсарой[157], Бибихоним жоме масжиди[158] каби йирик меъморий обидаларга пойдевор тоши қўйиш учун қулай саналарни аниқланишга хизмат қилган. Афсуски, бу толеномаларнинг ўзи деярли сақланиб қолмаган. Шундай толеномалардан бири Амир Темур набираси, Умаршайх Мирзонинг ўғли Искандар Султонга бағишланган эди.

Искандар Султон Амир Темурнинг набираси Умаршайх Мирзо баҳодирнинг учинчи ўғли бўлиб, у (1384–1415) 1384 йил 25

[153]Аминов М ва бошқалар. Гороскоп / Ўз МЭ. - 2002. 3 жилд. Б.66.

[154] Ашраф Аҳмад. “Мирзо Улуғбек. Илми нужум”. Т., А. Қодирий номидаги ҳалқ мероси нашриёти. 1994, 3-36 б.

[155] Абдувоҳитов А ва бошқалар. Мунажжим / Ўз МЭ. - 2003. 6 жилд. Б.127.

[156] Аминов М ва бошқалар. Илми нужум / Ўз МЭ. - 2002. 4 жилд. Б.121.

[157] А.Абдувохитов ва бошқалар. Оқсарой/ Ўз МЭ. - 2003. 6-жилд. Б. 623

[158] М.Аминов ва бошқалар. Бибихоним жоме масжиди/ Ўз МЭ. - 2001. 2-жилд. Б. 14

апрел Савр [Сигир] бурж[159]ида Фарғона водийсининг Ўзганд шаҳрида туғилган. Унинг онаси Мулкат Оғо бегим эди. 1399 йил бобоси ҳарбий юришга кетаётиб Искандар Султонни Фарғона ҳокими этиб тайинлайди. Амир Темур қўшинига хизматга киради ва ҳарбий юриш пайтида Искандар Султонни 1410 йилда Форс ҳокими сифатида қолдирилган.

Искандар Султон Ироқ ва Форс салтанат тахтида қойим бўлгач, энди мустақиллик орзусини қила бошлайди. У пул зарб қилдиради ва ҳутбани амакиси Шоҳрух Мирзо номига эмас, ўз номига ўқитади. Аста-секин Хуросон чегараларини мустаҳкамлаб, айрим ҳолларда Хуросон ҳудудига босқинлар ҳам қила бошлаган.

Манбалардан маълум бўлишича Искандар Султон бўйсунмас, исёнкор феъл-атворли эди, бу унинг тақдирига салбий таъсир қилди. У ҳукмронлик қилган вақтларида хаддан ортиқ маишатга берилиб кетганлиги сабабли, 1414 йилда уни ушланиб, Шоҳрух Мирзо ҳузурига келтирилиб, қаттиқ жазоланган. Ироқ ва Форс ҳукмдорлигидан олиб ташланган ва 1415 йил 9 июн Жавзо буржида қатл қилинган.[160]

Кўпгина салоҳиятли Темурий шаҳзодалар сингари Искандар Султон ҳам илм-фан ва санъат аҳлининг ҳомийси эди. Унинг қисқагина ҳукмдорлик даврида Шероз гуллаб-яшнаган, санъат ва ҳунармандчилик ривожланган шаҳарга айлаган. Китоб тайёрлаш соҳасида катта ютуқларга эришилган. Ўша замоннинг энг нуфузли хаттот ва миниатюрачи рассомлари Шерозга интилишар эди.

Мазкур толенома Искандар Султон 27 ёшга тўлганида, 1411 йил 18 апрелда, Форсда икки йил ҳукмронлик қилиб улгурган пайтда тузилган .[161]

Ҳозирда ушбу толеноманинг асл нусхаси Лондондаги «Wellcome Library» институти кутубхонасининг «Форсий қўлёзмалар» бўлимида 474-рақам билан сақланади. Толенома Ғиёсиддин Жамшид ал-Кошийнинг бобоси Маҳсуд ибн ал-Ҳасан ал-Коший томонидан, 1411 йил 18 апрел Ҳамал буржида (813 хижрий зулхижжа ойи 22 куни тузилган. Қўлёзма 18б-19а варақлар. Варақлар сони 86. Ўлчами 16,7-26,5 см).[162]

---

[159] М.Аминов ва бошқалар. Бурж/ Ўз МЭ.- 2001. 2-жилд. Б. 253.

[160] Файзиев Т. Темурийлар шажараси- Т. : “Ёзувчи”. 1995. Б.91.

[161] Файзиев Т .Темурийлар шажараси-Т. : “Ёзувчи”. 1995. Б.94.

[162] Мадраимов А. “Темурий ва Бобурийлар даври маданияти, китобат ва рангтасвир санъати тарихига чизгилар” Т.:”Санъат”. 2015. Б. 379.

Толенома муаллифи Имад ал-Мунажжим ал-Коший тахаллусли Маҳмуд ибн Яҳё ибн ал-Ҳасан ибн Муҳаммаддир. У Мирзо Улуғбекнинг энг яқин шогирди Ғиёсиддин Жамшид Кошийнинг бобоси деб ҳулоса қилса бўлади. Чунки Ғиёсиддин Жамшид Коший Мирзо Улуғбек хизматидан олдин Иброҳим Султон саройида фаолият юритган эди. Кейин у Ҳиротга келиб, у ердан Самарқандга, Мирзо Улуғбек расадхонасига бориб қолади. Ғиёсиддин Жамшид Коший Искандар Султон учун «Мухтасар дар илми ҳайъат» (Астрономиянинг қисқача баёни) номли асар ёзган. Китобнинг нафис безаги билан ажралиб турувчи нусхаси Британия музейида сақланади.[163]

Демак, Ғиёсиддин Жамшид Коший – астрономлар сулоласининг вакили, унинг нафақат отаси, балки бобоси ҳам астроном бўлган, деб ҳисоблаш мумкин.

Искандар Султон толеномаси Темурийлар даври миниатюра мактабининг дурдонаси ҳисобланади. Унда Искандар Султон таваллуд топган пайт, 1384 йил 25 апрел, Савр буржи учун задиакал юлдузлар туркумлари ва сайёраларнинг ўрни кўрсатилган. Осмон айланаси бурчакларида фаришта тасвирланган. Юқоридаги икки фариштанинг қўлларида тож. Пастдаги икки фариштанинг қўлларида эса олтин идишлар. Бу идишлар қут-баракани ифодалаб, унинг бутун умри давомида ҳамроҳ бўлиш рамзи бўлса керак. Эклиптикани ифодаловчи катта айлана 12 қисмга бўлинган, уларнинг ҳар бири маълум бурж белгиси, астрологик атама бўйича бир уйга тегишлидир. Зодиак[164] белгилар 12 та кичик айлана ичига жойлашган. Расмда жойлаштирилган сайёра ҳам тасвирланган. Расмнинг устки қисмидан бошлаб соат мили бўйича ҳисобланган учинчи уйда уд чалаётган Зуҳра [Венера], ўн биринчи уйда эса қўлига қилич ва кесилган бош ушлаган жангари Миррих [Марс] тасвирланган. Бешинчи ва олтинчи уйлардаги сариқ ва тўқ жигарранг кийимдаги аёллар тасвири Қуёш ва Ойни ифодалайди. Уларнинг иккаласи ҳам қўлларида олтин ушлаган, аёллар юзларини ҳошиялаб турибди. Бу билан миниатюрачи рассом ушбу икки ёритқичларнинг (сайёралар ораси) алоҳида мавқеини таъкидлайди. Олтинчи уйдаги бошқа уч

[163] Эгамбердиев Ш, Илёсов С. “Соҳибқирон” унвони қандай маънони англатади. // Фан ва турмуш. 2016. 1-2 сон. Б. 16 17.
[164] М.Аминов ва бошқалар.Задиак/ Ўз МЭ. - 2002. 4-жилд. Б. 25

қомат Уторуд [Меркурий], Зуҳал [Сатурн] ва Муштарий [Юпитер]га тегишлидир.

Искандар Султон толеномаси уч баёний қисмдан иборат. Биринчи қисмда толенома соҳибининг таваллуд пайтида ўтказилган астрономик кузатувлар ва бажарилган ҳисоб-китоблар ҳақида маълумот берилган. Иккинчи қисмда ҳар бир уй учун сайёраларнинг жойлашувига кўра астрологик башорат қилинади. Умуман олганда, ушбу башоратлар Искандар Султон учун жуда ҳам мақбул эди. Учинчи қисмда Искандар Султоннинг йигирма саккиз ёшидан қирқ ёшигача бўлган давр учун башорат қилинган. Уни бутун умри мобайнида безовта қилувчи касалликлар ҳақида батафсил ёзилган. Лекин толеномада уни 1414-1415 йилларда кутаётган қайғули воқеалар ҳақида ҳеч гап айтилмаган.[165]

Яна бир мулоҳаза. Буржлар асли баҳорги Ҳамал буржи (21.03/20.04) билан қўлланилади. Бироқ бу «Искандар Султон толенома»сида эса, қишки Жадй буржидан (22.12/20.01) бошланганлигини ўзбек тилига таржима қилинишида кўришимиз мумкин.

Толенома расмининг икки ён четида қуйидаги форсча сўзлар битилган:

1. Чапда: Эй, Подшоҳ! Толеъинг бахтли бўлсин, катта Муштарий [Юпитер]дек.

2. Ўнгда: Юлдузлар вазифаси сенга хизмат қилсин ва йўл бошласин.

Буржларнинг кетма-кетликдаги арабча номланишлари:

Толеноманинг ҳар бир бўлагида 7 катакдан иборат бўлган сўзлар битилган.

I. Жадий (22.12/20.01). Тоғ така буржи.

1. Биринчи. Ҳаёт ва доно нафс уйининг боши Жадий. 2. Уторуд [Меркурий] чегараси ва Муштарий [Юпитер] сурати. 3. Зуҳал [Сатурн] уйининг соҳиби. 4. Учликлар арбоблари. 5. Миррих [Марс]нинг шарафли соҳиби. 6. Зуҳал [Сатурн] уйининг ўрни. 7. Миррих [Марс] уйининг теңглиги.

II. Далв (21.01/19.02). Қовға буржи.

1. Иккинчи. Хазина ва таъминот ва ёрдам ва кўмаклар уйи. Далв. 2. Уторуд [Меркурий] чегараси ва Зуҳро [Венера]нинг

[165] Эгамбердиев Ш, Илёсов С. “Соҳибқирон” унвони қандай маънони англатади. // Фан ва турмуш. 2016 . 1-2 сон. Б.16 17.

сурати. 3. Зуҳал [Сатурн] уйининг эгаси. 4. Учлик арбоблари. 5. Интилган нарсасига эришувчи шарафли соҳиби. 6. Зуҳал [Сатурн] уйининг ўрни. 7. Зуҳал [Сатурн]нинг теңглиги.

III. Ҳут (20.02/20.03). Балиқ буржи.

1. Учинчи. Ака-ука ва опа-сингил ва яқин қариндошлар уйи. Ҳут буржи. 2. Муштарий [Юпитер]нинг чегараси ва унинг сурати. 3. Муштарий [Юпитер] уйининг эгаси. 4. Учлик арбоблари. 5. Диннинг шарафли соҳиби. 6. Зуҳал [Сатурн] уйининг ўрни. 7. Муштарий [Юпитер] уйининг теңглиги.

IV. Ҳамал (21.03/20.04). Қўй буржи.

1. Тўртинчи. Утувчи ва топувчи ва оқибат ва умидлар уйи. Ҳамал буржи. 2. Зуҳал [Сатурн] чегараси ва унинг сурати. 3. Миррих [Марс] сайёрасининг соҳиби. 4. Учлик арбоблари. 5. Муштарий [Юпитер] ва Шамс [Қуёш] уйининг эгаси, яъни соҳиби. 6. Муштарий [Юпитер] уйининг ўрни. 7. Шамс [Қуёш] уйининг теңглиги.

V. Савр (21.04/21.05). Сигир буржи.

1. Бешинчи. Фарзандлар ва ҳурсандчилик ва ишқ уйи. Савр буржи. 2. Муштарий [Юпитер]нинг чегараси ва Қамар [Ой]нинг сурати. 3. Зухро [Венера] уйининг соҳиби (эгаси). 4. Учлик арбрблари. 5. Қамар [Ой]нинг шарафли соҳиби. 6. Уторуд [Меркурий]нинг ўрни. 7. Қамар [Ой] сайёрасининг теңглиги.

VI. Жавзо (22.05/21.06). Эгизак буржи.

1. Олтинчи. Касалликлар ва қулчилик ва ҳизматлар уйи. Жавзо. 2. Муштарий [Юпитер]нинг чегараси ва Миррих [Марс]нинг сурати. 3. Уторуд [Меркурий] уйиниг соҳиби ёки эгаси. 4. Учлик арбоблари.

5. Кўркам ҳулқ ва улуғ мақомнинг шарафли соҳиби. 6. Уторуд [Меркурий] уйининг ўрни. 7. Уторуд [Меркурий] сайёрасининг теңглиги.

VII. Саратон (22.06/22.07). Қисқичбақа буржи.

1. Еттинчи. Жуфтлашиш ва шартлашиш ва қарама-қаршилик уйи. Саратон. 2. Уторуд [Меркурий]нинг чегараси ва Муштарий [Юпитер]нинг сурати. 3. Қамар [Ой] сайёраси (уйи)нинг эгаси. 4. Учлик арбоблари. 5. Муштарий [Юпитер] уйининг эгаси. 6. Қамар [Ой] сайёрасининг ўрни. 7. Миррих [Марс] сайёраси (уйи)нинг теңглиги.

VIII. Асад (23.07/23.08). Арслон буржи.

1. Саккизинчи. Хавфу хатар ва умидсизлик ва меросга эга бўлиш – Шер. 2. Зуҳро [Венера] чегараси ва Қамар [Ой]нинг сурати. 3. Шамс [Қуёш] сайёраси (уйи)нинг соҳиби. 4. Учлик арбоблари. 5. Истиқболи ҳам улуғ шарафли соҳиби. 6. Шамс [Қуёш] сайёраси (уйи)нинг ўрни. 7. Шамс [Қуёш] сайёрасининг тенглиги.

IX. Сумбула (24.08/23.09). Бошоқ буржи.

1. Тўққизинчи. Имл ва Дин ва Сафар ва Уйқу уйи-Сунбула. 2. Зуҳро [Венера]нинг чегараси ва унинг сурати. 3. Уторуд [Меркурий] уйининг соҳиби ёки эгаси. 4. Учлик арбоби. 5. Уторуд [Меркурий] сайёраси (уйи)нинг шарафли соҳиби. 6. Зуҳал [Сатурн] сайёрасининг ўрни. 7. Уторуд [Меркурий] сайёрасининг тенглиги.

X. Мезон (24.09/21.10). Тарозу буржи.

1. Ўнинчи. Султон уйи ва Амалиёт ва Мезон ўлчов иши. 2. Зуҳро [Венера]нинг чегараси Юпитернинг сурати. 3. Зухро [Венера] сайёраси (уйи)нинг (эгаси) соҳиби. 4. Учбурчакнинг тўртдан бири. 5. Зуҳал [Сатурн]нинг шарафли (эгаси) соҳиби. 6. (Уторутнинг дарихони), Уторуд [Меркурий] уйининг ўрни. 7. Зуҳро [Венера]га тўғри келади.

XI. Ақраб (22.10/22.11). Чаён буржи.

1. Ўн биринчи. Чаён. Орзу умидлар ва дўстлар уйи. 2. Муштарий [Юпитер] сайёраси чегараси ва қуёш сурати. 3. Миррих [Марс] сайёраси (уйи)нинг (эгаси) соҳиби. 4. Учлик арбоблари. 5. Улуғлик соҳиби. 6. Муштарий [Юпитер] сайёрасининг дарихони (зинаси, ўрни). 7. Миррих [Марс] сайёрасига тўғри келади.

XII. Қавс (23.11/21.12). Ёй буржи.

1. Ўн иккинчи. Душманлар уйи ва Қавс судралувчилари. 2. Уторуд [Меркурий]нинг чегараси ва Ойнинг сурати. 3. Муштарий [Юпитер] сайёраси (уйи)нинг (эгаси) соҳиби. 4. Учлик арбоблари. 5. Шарафли дин соҳиби. 6. Миррих [Марс] сайёраси (уйи)нинг (эшиги) ўрни. 7. Машриқ [Шарқ]нинг тенглиги.

Ушбу илмий мақолани тайёрлашда ва матнни таржима қилиниш жараёнида бизга яқиндан ёрдам берган инсонларга, хусусан Ўзбекистода ҳизмат кўрсатган маданият ҳодими, хаттот Ҳабибулло Солиҳ учун алоҳида миннатдорчилигимизни билдирамиз.

ЎЗБЕКИСТОН ВА ЧЕТ-ЭЛ ҚЎШМА АРХЕОЛОГИК ЭКСПЕДИЦИЯЛАРИНИНГ СУРХОНДАРЁДАГИ ТАДҚИҚОТЛАРИ

Алимардонова З.,
Термиз археология музейи директори

Аннотация

Ушбу мақола мустақиллик йилларида археология соҳасида эришилган ютуқлар, йўлга қўйилган кенг илмий ҳамкорликлар ва Сурхондарё воҳасида олиб борилган археологик тадқиқотлар натижаларига бағишланади.

Калит сўзлар: *қалъа, ибодатхона, стратиграфия, иконаграфия, шаҳарсозлик, шурф, маданий қатлам.*

Эта статья посвящается результатам археологических исследований, проведенных в Сурхандарьинском оазисе, налаженному обширному научному сотрудничеству и достигнутым успехам в сфере археологии за годы независимости.

Ключевые слова: *крепость, храм, стратиграфия, иконаграфия, градостроительство, шурф, культурный слой.*

In this article was expressed and devoted results of achieving achievements of archaeological science, arranging large scientific co-existence and carrying out archaeological researches in Surkhandarya region in independence period.

Key words: *Fortress, temple, stratography,iconography, town building, shurfe, cultural layer.*

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришиши билан жамиятнинг барча соҳаларида ислоҳотлар ўтказилиб кенг имкониятларга йўл очилди. Жумладан, тарих соҳасига ҳам катта эътибор берилиб, республикамизнинг ҳар бир тарихчилари олдига юксак вазифа қилиб ўзбек давлатчилиги тарихини яратиш, ҳар бир давр тарихига холисона баҳо бериб, ҳаққоний қарашлар билан қадим тарихимизни ёритиш масъулияти юкланди.

Ўзбекистон республикасининг биринчи Президенти И.А.Каримов ўзининг «Тарихий хотирасиз келажак йўқ» асарида «...тарих – халқ маънавиятининг асосидир» деб таъкидлайди. Тарихини яхши билган кишиларгина етук маънавият эгаси бўла олади. Ўтмиш тарихимиз аждодларимизнинг маънавияти ва

маданияти, эътиқоди, дини, санъати, меъморчилиги, турмуш тарзи, хўжалиги ҳақида гувоҳлик беради.

Сурхондарё тарихи ва табиати қадимдан одамларни ўзига жалб этиб келган ва турли тарихий даврларга оид ёдгорликларини бугунги кунда дунё тан олмоқда. Бунга бронза даврига оид Сополлитепа, Жарқўтон каби илк шаҳар кўринишидаги ёдгорликларни, шунингдек, қадимги ва антик даврга оид Кампиртепа, Далварзинтепа, Қоратепа, Фаёзтепа, Зартепа ва Айритом ёдгорликларини мисол келтира оламиз.

Кейинги йилларда археология соҳасида қўлга киритилган ютуқлар республикамиз шаҳарлари тарихини янада қадимийроқ эканлигини исботламоқда.

Сурхондарё археологиясини дунёга танилишида шахсан мархум Биринчи Президентимиз И.А.Каримовнинг ташаббуслари ва лойиҳалари асосида бунёд этилган ва 2002 йил 2 апрелда очилган Марказий Осиёда ягона бўлган Термиз Археология музейининг ўрни беқиёсдир. Сабаби, музейга ташриф буюрган ҳар бир томошабин ва ҳар бир сайёҳ Сурхондарё археологияси, воҳамизнинг теран тарихи, ўтмиши-ю кечмиши, санъати-ю маданиятини ўзида акс эттирувчи топилмалар билан яқиндан танишиш имконига эга бўлади.

Шунингдек, мустақиллик шарофати туфайли воҳамизда бир қанча халқаро ҳамкорликдаги экспедициялар фаолият олиб бормоқда. Ўзбек-немис, ўзбек-француз, ўзбек-испан, ўзбек-чех, ўзбек-рус, ўзбек-япон, ўзбек-корейс каби экспедициялар бунинг ёрқин мисолидир. Бу экспедициялар туфайли турли даврларга оид ўзбек тарихи, маданияти ва санъати дунё мамлакатларига танилмоқда ва тарғиб қилинмоқда.

Бақтрияни археологлар ўзларининг «Макка»си ҳисоблайдилар. Бақтрия ёдгорликларини ўрганиш, унинг бой маданий мероси билан танишишга ҳар бир археолог жуда ташнадир. Шунинг учун ҳам мустақиллик йилларида қадимий Бақтриянинг бир қисми ҳисобланган ҳозирги Сурхондарё вилоятида турли мамлакатлар олимлари билан ҳамкорликда археологик экспедициялар ташкил этилди.

Воҳада республикамиз илмий муассасалари ҳамда Европа ва Осиё мамлакатлари Франция, Испания, Германия, Австрия, Чехия, Россия, Япония, Корея, Хитой давлатлари ўртасида халқаро

миқёсдаги илмий ҳамкорликлар ўрнатилган бўлиб, кенг қамровли археологик дала тадқиқотлари амалга оширилмоқда.

Ана шундай экспедициялардан бири 1989 йилда ташкил этилган ўзбек-француз Бақтрия археологик қўшма экспедицияси ҳисобланади. Ушбу экспедиция томонидан Эски Термиздаги катта ва кичик Чингизтепа, Дунётепа ва қадимий шаҳарнинг мудофаа иншоотларида археологик тадқиқотлар амалга оширилди. Тадқиқотларга кўра, Чингизтепа Термизнинг таркибий қисми бўлиб, жанубдан Пайғамбар ороли орқали Амударёдан кечиб Термизга келган ёки шимолий юртлардан бу шаҳар орқали Бақтр (Балх) ва ҳ.к. томонларга йўл олган савдо карвонларининг доимий хавфсизлигини таъминлаб турган мустаҳкам қалъа вазифасини ўтаган.

Ҳамкорликда амалга оширилган тадқиқотлар туфайли Ўрта Осиё археологияси тарихида илк бора катта Чингизтепа ёдгорлиги мисолида мил. ав. 1-асрдан милодий 5- асрга қадар мавжуд бўлган йирик қалъа туркумидаги иншоотнинг мудофаа тизимининг шаклланиши, тузилиши ва тараққиёти тўғрисида тўлиқ маълумотлар тўпланди. Кичик Чингизтепа ёдгорлигида эса сарой, ибодатхона ва бошқа турар жой бинолари очилиб, уларнинг стратиграфияси аниқланди.

Француз – Ўзбек Сўғд экспедицияси ходимлари 1996 йилда Дарбанд қишлоғи яқинидаги Бақтрия деворида археологик тадқиқотлар олиб борди[166].

Булардан ташқари 1994-2004 йиллар оралиғида ўзбек-фрацуз Бақтрия археологик экспедицияси ходимлари (Т.Аннаев, Ш.Пидаев, Ш.Рахмонов, С.Страйд, П.Лериш, П.Жантель) ларнинг фаолияти туфайли вилоятда 700 дан ортиқ археология ёдгорликлари ва уларнинг ўрни аниқланди.

2014 йил 15-16 сентябр кунлари ўзбек-француз экспедициясининг 25 йиллиги муносабати билан Париж-ENS Археология ва филология лабораторияси ҳамкорлигида «Амударё цивилизацияси-жаҳон маданияти тизимида» мавзусида халқаро миқёсдаги илмий-амалий конференция ва Термиз археология музейида «Сурҳон воҳасининг қадимги санъати дурдоналари-янги тадқиқотлар ва топилмалар» мавзусидаги кўргазма ўтказилди.

[166] К. Рапен, Э Бо, Ф. Грене, Ш. Рахмонов. Исследование в районе «Железных ворот»: краткое состояние проблемы в 2005г. ИМКУ, вып.35, стр 91-102.

1989-йилда ташкил этилган ўзбек-япон қўшма археологик экспедицияси тадқиқотларни асосан Шўрчи туманидаги Далварзинтепа ва Эски Термиздаги Қоратепа ёдгорликларида олиб бордилар. Марказий Осиё буддавийлик тарихини ўрганиш, буддавийлик персонажлари иконографияси, шаҳарсозлик жараёнининг ўзига хос жиҳатлари ва қонуниятлари, давлатчиликнинг шаклланиши, Буюк ипак йўли излари, Кушонлар давридаги диний эътиқодларнинг ўзаро таъсири ва уларнинг Бақтрия-Тохаристон санъатида акс эттирилиши япон-ўзбек олимлари олдидаги энг долзарб илмий муаммолар қаторида туради. Ушбу илмий муаммоларни ечиш экспедициянинг Қоратепа ва Далварзинтепадаги тадқиқотлари туфайли баҳоли қудрат амалга ошди[167]. Термиз археология музейи ва япониялик археологик гуруҳ аъзолари билан ҳар йили анъанавий тарзда Халқаро музейлар куни 18 май олдидан учрашувлар ўтказилмоқда. 2015 йилда Рисшо университети ва музей ўртасида Зурмала ёдгорлигини тадқиқ этиш ва сақлаш бўйича 5 йилга мўлжалланган илмий ҳамкорлик шартномаси тузилди.

1993-2003 йилларда Германия Археология институтининг Евроосиё бўлими ҳамда Ўзбекистон ФА Археология институти илмий ходимларидан иборат ўзбек-олмон археологик экспедицияси ўз фаолиятини бошлади. Дастлаб тадқиқотлар Жарқўтон ёдгорлигида, 2006 йилда Бандихон ёдгорликларида давом эттирилди. 2006-2010 йилларда эса Шеробод тумани Пошхўрд қишлоғида археологик тадқиқотларни олиб борилди. Қазув ишлари бронза даврига оид Тиллобулоқ ва Арабулоқ ёдгорликларида амалга оширилди. Тиллобулоқ ёдгорлигида патриархал оила яшаган уй ўрни очиб ўрганилди. Арабулоқ ёдгорлигида эса стратиграфик шурф қазилиб, маданий қатламлар ва ёдгорликнинг қайси даврга оидлиги аниқланди. Ёдгорликларда 3 та қурилиш даври аниқланиб, улар Сополли маданиятига яъни мил. ав. 20-17-асрларга оидлиги исботланди. Радиокарбон таҳлиллар Мюнхен университети лабораториясида амалга оширилди[168].

2009 йилда германиялик ҳамкорлар билан Бойсун туманидаги Қўрғонзол ёдгорлиги қазиб ўрганилди. Тадқиқот материалларини

[167] Като Кюдзо. Далварзинтепа шаҳристони. Сока университети. 1996
[168] К.Каниут. Металлургия сапаллинской культуры. ИМКУ, вып.35, стр. 45-63.

ўрганиб чиқиш асосида қўрғон милоддан аввалги 4-асрдаёқ, яъни, Александр Македонский ва унинг ворислари томонидан минтақа буткул забт этилгандан сўнг тарк этилган, деган хулоса келинди. Уларнинг тахминича Қўрғонзолга Александр Македонский томонидан асос солинган.

2011 йил октябр ойида Термиз археология музейи кўргазмалар залида Германия элчихонаси, Германия Археология институти ҳамда Фонд форум ёрдамида «Марказий Осиёда археологик тадқиқотлар» номли фотокўргазма ўтказилди. Кўргазмада Ўзбекистондаги Жарқўтон, Қўрғонзол ва Бандихон ёдгорликлари билан бирга Туркманистон, Қозоғистон, Тожикистондаги немис олимлари тадқиқотлар олиб борган ёдгорликлар суратлари намойиш этилди[169].

2005-2006- йилларда Чехиянинг Прага университети ва Ўзбекистон ФА Археология институти илмий ходимларидан иборат Ўзбекистон-Чехия археологик экпедицияси Шеробод туманидаги Жондавлаттепа ёдгорлигида археологик тадқиқотларни олиб бордилар. Тақдиқотлар натижасида Жондавлаттепа илк темир давридан то илк ўрта асрларгача бўлган даврларда (мил. ав. 7 – мил. 7 асрлар) воҳа ҳудудидаги марказий шаҳар бўлганлиги исботланди. 2009- йилда экспедиция томонидан Шеробод тумани тоғли ҳудудлари археологик ёдгорликлари космик съёмка ёрдамида кузатилди. Натижада, Жийдабулоқ сойида жойлашган ўрта ва сўнги ўрта асрларда фаолият кўрсатган табиий тош ванналар ва касалхона ўрни топилди. Шунингдек, улар томонидан Шеробод воҳасида 45 та Саклар қўрғони топилди.

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 22 йиллиги ва Ўзбекистон-Чехия қўшма археологик экспедициясининг 10 йиллиги муносабати билан 2013 йил сентябр ойида Термиз археология музейи конференц залида халқаро кўргазма очилишига бағишланган тадбир бўлиб ўтди. Кўргазманинг Термиз археология музейида ўтказилишининг асосий сабаби, ўзбек-чех қўшма археологик экспедициясининг 3000 дан ортиқ топилмалари, ҳозирги кунга қадар музей фондида сақланиб келмоқда.

Кўргазмада 160 донадан иборат ноёб экспонатлар (хусусан, сопол идишлар, тошдан ясалган меҳнат қуроллари, юнон-бақтрия,

[169] Николаус Бороффка, Свенд Ҳанзен. Қозоғистон, Тожикистон, Туркманистон ва Ўзбекистонда археологик тадқиқот ишлари. Берлин. 2010 йил, 42-бет.

кушон ва кушон-сосонийлари даврига оид мис ва кумуш тангалар, бронза ва темирдан ясалган ўқ-ёй, камон учлари, нодир тошли мунчоқлар, суяк ва бронзадан ясалган аёллар тақинчоқлари, турли терракотик ҳайкалчалар, антропоморф бўртма безакли сопол идиш бўлаклари ва ҳ.к.) ва ўзбек-чех экспедициясининг Жондавлаттепа ёдгорлигида олиб борилган қазиш ишлари ва Шеробод туманида олиб борилган разведка ишлари ҳамда топилмаларини ўзида акс эттирувчи 9 дона фотоматериалдан иборат экспозиция намойиш этилди.

2015 йилда Ўзбекистон-Чехия халқаро археологик экспедицияси Шеробод туманидаги Зарабоғ қишлоғида археологик тадқиқотларни давом эттирдилар. Экспедиция сўнги бронза ва илк темир даврига оид Бургутқалъа ёдгорлигида қазиш ишларини олиб бордилар. Бургутқалъа Зарабоғ ва Кайрит қишлоқлари оралиғида жойлашган, диаметри 75 метр, ташқи тарафидан тошдан қурилган девор билан ўраб олинган. Деворнинг қалинлиги 1,5 метр. Ёдгорликнинг илмий аҳамияти шундаки, унда «Авеста» да куйланган барча маълумотлар мужассамлашган. Биринчидан, чорванинг куйланганлиги, алтарларнинг жойлашиши, Ўрта Осиёдаги энг қадимги даҳманинг ўрганилганлиги, Геродот таърифлаган «Бақтрияликлар мурдаларни тоққа, тош устига олиб борадилар» деган маълумотнинг исботланиши археологик тадқиқотнинг яхши маълумотлар берганлигини кўрсатади.

Булардан ташқари Зарабоғ қишлоғи яқинида қоятош суратлари аниқланди. Суратлар юмшоқ таркибли қора тошларга чўкичлаб ишланган. Ҳозиргача суратлар 31 та жойда аниқланди. Суратларда тоғ эчкиси, оҳу, йўлбарс каби ҳайвонлар одамлар билан ягона композицияда чизилган. Ушбу суратлар Сурхон воҳасида қайд этилган иккинчи петроглифлар бўлиб, биринчиси жаҳонга машҳур Зараутсой суратларидир. Зараутсой суратларидан фарқли ўлароқ мазкур суратлар жойлашган ўрни, чизиш технологияси ва хронологияси билан тубдан фарқ қилади. Зарабоғ суратлари илк илмий қарашларга кўра, сўнги бронза даврига оидлиги билан характерланади (мил. ав. 13-10 асрлар).

2012-2013-йилларда Ўзбек-Корея археологик қўшма экспедицияси Қоратепа ёдгорлигида археологик тадқиқотлар олиб боришди. Экспедиция томонидан Қоратепанинг Э ва Я-комплексларидаги ҳужралар очиб ўрганилди. Жанубий

тепаликнинг кушон ва илк ўрта асрлар Термизшоҳлар даврига оид учта ер ости иншооти, иккита ступа қолдиқлари ва битта хонадан муқаддас олов ёнувчи ўчоқ топилди. Хоналардан кушон даврига оид турли идишларнинг синиқлари, тангалар, шунингдек ғарбий Я-сектори ва шарқий томондаги Э-секторидан дафн этилган одам суяклари, бош чаноқлари ва уларнинг ёнидан кушон-сосонийлар ва Термиз шоҳлар даврига оид тангалар топилди. Қоратепанинг жанубий комплексидаги Ю ва Э секторлари устида реставрация ва консервация ишлари олиб борилди. Булардан ташқари кореялик қадимшунос олимлар Термиз археология музейида шарқ мамлакатларидаги (Ҳиндистон, Афғонистон, Хитой, Ўзбекистон ва Жанубий Корея) буддавийлик маданиятига мансуб ёдгорликларнинг тақдимоти ўтказилди.

2010-йилда Ўзбекистон Фанлар Академияси Санъатшунослик илмий тадқиқот институтининг ўзбек-француз-испан Бақтрия қўшма археологик экспедицияси Эски Термиз ҳудудида кушон ва кушон-сосонийлар даврига оид кичик ва катта Чингизтепа ёдгорлигида қазиш ишларини олиб борди. Катта Чингизтепанинг ибодатхона қисмида олиб борилган тадқиқотлар катта аҳамиятга эга бўлди. Ибодатхона тўғри тўртбурчак шаклида бўлиб, марказида асосий меҳробхона, унинг атрофида айланма йўлак бўлиб, ибодатхонанинг ҳар тўрт томонида хоналар мавжуд, улардан айримлари ўчоқхоналардир.

2012-йилда ўзбек-испан археологик қўшма экспедицияси катта Чингизтепанинг мудофаа деворларида ва ушбу ёдгорлик ҳудудидаги ўрта асрларга оид хумдонларда илмий тадқиқот ишларини давом эттирдилар. Экспедиция якунида Термиз археология музейи мажлислар залида халқаро илмий тадбир ўтказилди. Ушбу тадбирда музей ходимларидан ташқари, ТерДУ тарих факультети талабалари ва испаниялик олимлар иштирок этди. Испаниялик олимлар ўзларининг кўп йиллик кузатишларини «Чингизтепа ёдгорлиги мисолида-лаборатория шароитида С 14 – радиокарбон усули таҳлили асосида саналаштириш» мавзусидаги тақдимотда баён қилдилар.

2002 –йилдан буён Россия ФА Археология институти ходимлари Ўзбекистон ФА Санъатшунослик институтининг Тохаристон экспедицияси билан ҳамкорликда Музработ туманидаги Кампиртепа ёдгорлигида тадқиқотлар олиб бормоқдалар.

Улар томонидан эллинизм ва кушонлар даври кулолчилик маданиятига бағишланган тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Шунингдек, Россия Федерацияси Елец университети олимлари томонидан Шеробод тумани Пошхўрд қишлоғида жойлашган Даблқўрғон ёдгорлигида ҳам қазишмалар олиб борилмоқда. Даблқўрғоннинг илк ва ривожланган ўрта асрлар қатламлари ушбу гуруҳ томонидан ўрганилмоқда[170].

2015 йилдан бошлаб Ўзбекистон ФА Археология институти ва Хитой Халқ Республикаси археолог олимлари ҳамкорлигида ўзбек-хитой археологик экспедицияси ўз фаолиятини бошлади. Тадқиқотлар Термиз туманидаги Талитағора ёдгорлигида олиб борилди. Ёдгорлик ўрнида дастлабки манзилнинг пайдо бўлиши мил.ав. 6-5- асрларга оид бўлганлиги аниқланди. Талитағора ўрнида канал ва анҳорлар қурилиши ва уларни қўриқлаш билан боғлиқ иншоот мавжуд бўлган деган хулосага келинди.

Шундай қилиб мустақиллик йилларида археология соҳасида эришилган ютуқлар, йўлга қўйилган кенг илмий ҳамкорликлар туфайли нафақат Сурхондарё, балки бутун Ўзбекистон тарихида янги саҳифалар очилмоқда. Илмий тадқиқотлар натижасида Бақтрия тарихи ва моддий маданияти, зардуштийлик, буддизм ва ислом маданиятларига оид асарлар Мадриддан Токиогача бўлган ҳудуддаги илмий марказларда чоп этилмоқда. Бақтрия ёдгорликлари ҳақидаги асарларни ўқиган хорижлик китобхонлар Ўзбекистон жанубида Сурхондарё вилояти жойлашганлиги ва бу вилоят ўзининг бой маданий мероси билан машҳурлиги ўз исботини топмоқда.

АДАБИЁТЛАР

1. Каримов И.А. «Тарихий хотирасиз келажак йўқ». Тошкент.
2. Рапен К., Бо Э., Грене Ф., Ш. Рахмонов. Исследование в районе «Железных ворот»: краткое состояние проблемы в 2005 г. ИМКУ, вып. 35. С. 91-102.
3. Кюдзо Като. Далварзинтепа шаҳристони. Сока университети. 1996.
4. Каниут К. Металлургия сапаллинской культуры. ИМКУ, вып.35. С. 45-63.
5. В.С.Соловьёв. Археология раннесредневекового Тохаристана. Елец, 2015. С.46-49.

[170] В.С.Соловьёв. Археология раннесредневекового Тохаристана Елец-2015, стр.46-49.

АМИР ТЕМУР ВА ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИДА ШАҲРИСАБЗ МАРКАЗИЙ ШАҲАР СИФАТИДА

Астанов С.М.,
ЎзР ФА Ўзбекистон тарихи давлат музейи,
кичик илмий ходим

Аннотация

Мазкур мақолада Ўзбекистоннинг қадимий шаҳри, Амир Темур ва Темурийлар даврида ўлкан давлатнинг марказларидан бири сифатитда намоён бўлган Кеш – ҳозирги Шаҳрисабз ҳақида қисқача маълумотлар берилган. Кўҳна ва ҳамиша навқирон шаҳар ҳудудининг географик жойлашуви, режаси, улуғвор меъморчилиги, ям-яшил боғ-роғлари, ҳунармандчилиги, савдо-содиқ ва бошқалар кўрсатиб ўтилган. Шу билан бирга Ҳофизи Абрў, ибн Арабшоҳ, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Клавиҳо манбаларидан ҳам далиллар келтирилган.

Калит сўзлар: *узоқ ва яқин ўтмиш, ҳудуднинг географияси, тарихий-маданий жараёнлар, меъморлик, иккинчи пойтахт, ёзги қароргоҳ.*

В данной статье дается краткая информация о древнем городе Узбекистана Кеше – ныне Шахрисабзе, когда в эпоху Темура и Темуридов он являлся одним из центров огромного государства. Показано географическое расположение региона, территория, на которой был основан сам древний город, его планировка, величественная архитектура, прекрасные сады, развитие ремесел, торговли и т.д. При этом имеются ссылки на авторов древних источников Хафиза Абру, ибн Арабшаха, Захириддина Мухаммада Бабура, Клавихо.

Ключевые слова: *далекое и недавнее прошлое, география региона, исторические и культурные процессы, зодчество, вторая столица, летняя резиденция.*

The information about old city of Uzbekistan Kesh – nowadays it is Shakhrisarz is given in this article. It was one of the centres during the epoch of Temurid's empire. The geographical layout of the region, the territory on which the old city was situated, its plan, huge architecture, beautiful gardens, development of craft, trade and etc. are shown. There are also references to the authors of ancient information's of

Khafiz Abru, Ibn Arabshakh, Zahiriddin Muhammad Babur and Klavikho.

Key words: *far and near history, the geographical layout, historical-cultural processes, architecture, second capital, summer residence.*

Мамлакатимизнинг узоқ ва яқин ўтмишига бўлган қизиқиш ортиб бораётганлиги бугунги куннинг ўзига хос хусусияти ҳисобланади. XIV асрнинг иккинчи ярми ва XV аср мамлакатимиз тарихида турли тарихий-ижтимоий жараёнларга ниҳоятда бой давр ҳисобланади. Айнан мана шу даврда Ўрта Осиёда узоқ муддат давом этган мўғуллар истибдодига барҳам берилди. Бир ярим аср давом этган хўжалик ва иқтисоддаги вайронагарчиликлар тугатилиб, мамлакат ҳаётининг турли соҳаларида ривожланиш юз берди.

Мовароуннаҳрда рўй берган бундай тарихий-маданий жараёнлардан Шаҳрисабз ҳам четда қолмади. Амир Темур ўз ватани сифатида, темурий шаҳзодалар эса боболарининг юрти сифатида Шаҳрисабга ниҳоятда катта эътибор қаратиб, бу ерда кўпгина ободончилик ишлари, маданий-меъморий иншоотлар бунёд этдилар. Шунинг учун ҳам Шаҳрисабз ўша даврда «Қуббатул илм вал адаб», яъни «Илм ва адаб жамланган маъво»[171] деган фахрли номга сазовор бўлган.

Ўрта асрларда Кеш вилоятининг ўзагини ёки марказини вилоятнинг шимоли-шарқида жойлашган Шаҳрисабз шаҳри ва унинг мавзеи ташкил этган. Бобур берган маълумотга қараганда, Самарқанддан Кешга қадар «тўққиз йиғоч» йўл бўлиб[172], бу ибн Арабшоҳ ва бошқа муаллифлар маълумотларига мос келади. Ҳақиқатдан ҳам «тўққиз йиғоч» икки кунлик йўл бўлиб, 80 км дан ортиқроқдир[173].

XV асрда Шаҳрисабз ҳудудий жиҳатдан унчалик катта бўлмасдан, девор билан ўралган қисми нуқтаи назаридан кичик шаҳарлар тоифасига кирса ҳам, у бу ерга келувчиларда умуман бошқача таассурот қолдирган. Клавихонинг сўзларига қараганда, йирик иншоотлар барпо этилган шаҳар «кўпгина уйлар ва боғлар қучоғида»[174] бўлган. Ёки аниқроғи, анчагина қалинроқ қурилган

[171] П.Зоҳидов. Темур даврининг меъморий каҳкашони. Т., 1996. 19-б.
[172] Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. Т., 1989.
[173] Қадимги Кеш-Шаҳрисабз тарихидан лавҳалар. Т., 1998. 76-б.
[174] Руи Гонзалес де Клавихо. Дневник путешествия ко двору Тимура. СПб., 1981.

бинолар туфайли испан элчиси Шаҳрисабзни «катта шаҳар» деб атайди. Қишлоқлар ва қарам мулклар билан қўшиб ҳисоблаганда, Ҳофизи Абрў маълумотларига қараганда, Шаҳрисабзнинг шаҳар атрофи ҳудудлари энига уч фарсаҳга тенг келган. Аниқроғи энига ва бўйига 20 км га яқин бўлган.

В.В.Бартольд бу маълумотдан «шаҳар кенглиги анча каттартириб кўрсатилган» деган хулоса чиқаради[175]. Аммо Ҳофизи Абрў ўз маълумотларини, Шаҳрисабзнинг мавзеи ҳимояланган жойлар эди, деган сўзлар билан тўлдиради. «Мавзе» сўзи араб тилидан олинган бўлиб, «шаҳар атрофи» деган маънони англатади. Яқин кунларга қадар Ўзбекистоннинг баъзи туманларида шаҳар атрофини ўраб турган, лекин шаҳардан ташқарида жойлашган, баъзи ҳолларда узоқ масофага чўзилган ҳудудлар мавзе дейилган. Бу ҳудудларнинг каттагина қисми шаҳарликларга тегишли ерлар бўлиб, бу ерларда боғдорчилик ва полиз маҳсулотлари кўплаб экилган. Бу ерларга уларнинг эгалари баҳордан кеч кузга қадар яшаш учун вақтинча кўчиб чиққанлар. Бундай жойлар қишлоқлар бўлмаган, аммо алоҳида ҳудудий бирлашмаларга бўлинган. Уларнинг ўз номлари бўлиб, баъзи ҳолларда шаҳар маҳалласининг кўпчилиги шу ҳудудда жойлашган бўлса, шаҳардаги маҳалланинг номини олган. Бундай бирлашмалар маҳалладан фарқ қилган ҳолда мавзе деб аталган. Шаҳрисабз ҳам XIV-XV асрларда худди мана шундай ерлар ёки мавзелар билан ўралган бўлиб, ҳатто четдан келган кишилар ҳам уларни қишлоқлардан ажратиб, «атроф жойлар» деб атайдилар[176].

Ҳофизи Абрўнинг маълумот беришича, Шаҳрисабзнинг кенг мавзеи ёки салкам 20 км узунликдаги ерлар мустаҳкамланган, аниқроғи, қалъа деворлари билан ўралган[177]. Унинг Шаҳрисабз атрофидаги машҳур Чим деворларини назарда тутганлигини биринчи бўлиб В.Бартольд исботлаб берди.

Ўтлоқ ерлардан ўйиб олинган чимдан қад кўтарган Шаҳрисабз ва Китобнинг бу ташқи девори 1870 йилгача яхши ҳолатда бўлиб, унда дарвозалар ҳам ўрнатилган эди. Чим деворининг шимолий дарвозаси Раватоқ деб номланиб, бу дарвоза

[175] В.В.Бартольд. Хафизи Абру и его сочинения. Сборник статей учеников В.Гозена. СПб., 1897.
[176] Қадимги Кеш-Шаҳрисабз тарихидан лавҳалар. Т., 1998. 76-77-б.
[177] В.В.Бартольд. Хафизи Абру и его сочинения. Сборник статей учеников В.Гозена. СПб., 1897.

Қашқадарёнинг чап қирғоғида Ўрисқишлоқдан 2,5 чақирим жануброқда жойлашган ва у ерда анчагина мустаҳкам минора ҳам бўлган.

Девор бўйлаб чуқур ҳандақлар қазилган. Деворнинг ўзи ҳам анчагина қалин бўлиб, 1870 йил 13 августда иккита рус батареясига бу деворларни ҳужум билан эгаллашга буйруқ берилганда, девор уларнинг тўп ўқларига анча вақт бардош берган. Шаҳрисабз Бухоро амирлигига қўшиб олинганидан сўнг Чим деворларида қайта таъмирлаш ишлари олиб борилмаган. Кейинроқ эса таъмирламаслик оқибатида девор бутунлай бузилиб, баъзи жойларида унинг излари сақланиб қолган[178].

1370 йилда Амир Темур Мовароуннаҳр тахтига ўтиргач, бир вақтнинг ўзида Самарқандни давлатнинг биринчи пойтахи ҳамда Шаҳрисабзни ўзининг иккинчи пойтахти ва ёзги қароргоҳи қилишга қарор қилган.

Ям-яшил боғ-роғлар қучоғида бўлган Шаҳрисабз Амир Темур даврида Ўрта Осиёнинг энг гўзал шаҳарларидан бирига айланди. Амир Темур ва Темурийлар даврида Шаҳрисабз марказий шаҳар сифатида ривожланган бўлиб шимолдан жанубга томон чўзилган тўғри бурчакни акс эттирар эди. Шаҳрисабзнинг режаси шаҳарни тўрт қисмга бўлган кўчалар кесишмасидан, крест кўринишидан иборат бўлган. Марказда бош кўчалар бўйлаб ўтган бозорлар бор. Шунингдек, XIV-XV асрларда Шаҳрисабзда кўплаб диққатга сазовор иншоотлар барпо этилган.

XV-XVIII асрлар тарихчиларидан бири томонидан оҳангдор қилиб **Каш-Дилкаш** деб аталган Шаҳрисабзга шуҳрат келтирган нарсалар айнан улуғвор меъморий ёдгорликлардир.

Бу шаҳар гарчи Бухоро, Ҳива, Самарқанддан фарқли равишда, ҳеч қачон ўрта асрлар давлатининг пойтахти бўлмаган эса-да, шаҳар қурилиши ҳамда меъморлик бўйича Ўзбекистон ва жаҳоннинг тарихий шаҳарлари қаторига ҳақли равишда киритилган нодир обида ҳисобланади.

АДАБИЁТЛАР

1. Қадимги Кеш-Шаҳрисабз тарихидан лавҳалар. Т., 1998.
2. П.Зоҳидов. Темур даврининг меъморий каҳкашони. Т., 1996.
3. Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. Т., 1989.

[178] Қадимги Кеш-Шаҳрисабз тарихидан лавҳалар. Т., 1998. 78-б.

O‘ZBEK XALQI ETNOGENIZ TARIXINING DOLZARB MASALALARI

Abduqodirov S.,
JVXTXQTMOI o’qituvchisi
Saidov J.,
JVXTXQTMOI bo’lim boshlig’i

Anatasiya

Mazkur maqolada o`zbek xalqining etnogenez masalalarining muammoli jihatlari ochib berilishiga harakat qilingan. Bugungi kunning tarixiy jihatdan eng dolzarb bo`lgan etnogenez masalalari, o`zbek xalqining etnik tarixining tadrijiy bosqich jarayonlari tarixiy manbalardan va adabiyotlardan foydalangan holda yondashilgan.

Kalit so’zlar: *Etnogenez, qabilalar, Filippinlar tarixi, Skiflar, Muvarounahr So’g’diyona, Baqtriya, Xorazm, arxeologiya,*

Вданной статье мы попробовали раскрыть проблемные вопросы этногинеза Узбекского народаю Актуалоность сегоднемнего дня состоит на основе исторических этапов развития этнической истории узбекского народа, каторые описаны во многих произведениях.

Ключевые слова: *Этногинез, род, История Филиппинов, Скифы, Мовуронахр, Согдиана, Бактрия, Хорезм, археология*

We tried to explain about etnic problems of uzbek nation. And here is given important problems about etnics and their historical sides from historical manuals and books.

Key words*: Etnics, tribes, history of Phillipins, Skifs, Movaunnahr, Sugdiana, Baqtria, Xorazm, archeology.*

O’zbekiston Respublikasi mustaqillik qo’lga kiritgandan so’ng haqqoniy tarixini o’rganish masalasi, uning turli yo’nalish va sohalari bo’yicha o’z yichimini kutayotgan savollar mavjud edi. Xususan o’zbek xalqining etnik tarixi va etnologiyasi o’rganish muhim ahamiyat kasb etdi. O’zbekiston Respublikasining Birinchi Prezidenti Islom Karimov o’zining «Tarixiy xotirasiz kelajak yo’q» asarida quyidagi masalalarga e’tiborni qaratadilar. «Har qaysi inson men shu millat farzandi ekanmen, mening ajdodlarim kimlar bo’lgan, millatimning ibtidosi qayda, uning oyoqqa turishi, tiklanish, shakllanish jarayoni qanday kechgan, degan savollarni o’ziga berishi tabiiydir. Tarixiy ildizini izlagan odam,

albatta, bir kun mana shunday savollarga duch keladi va aminmanki, to'g'ri xulosa chiqaradi».[179]

Haqiqatdan ham hozirgi davrda o'zbek xalqining etnik tarixi va etnologiyasi O'zbekiston tarixining muhim masalalari qatorida turadi. O'zbekiston xududlarida aholi qadimdan yashab kelgan. Bunga asos qilib ushbu xududdan eng qadimgi odamlar suyak qoldiqlari topilgan. Antik davr mualliflari asarlarida ham mazkur hudud va uning aholisi haqida qimmatli ma'lumotlar uchraydi. Jumladan Qadimgi Yunoniston tarixchisi Gerodot o'zining «Tarix» asarida Markaziy Osiyo axolisini skiflar deb umumiy nomlagan. Undan keyingi Qadimgi Yunoniston va Rim tarixchilari asarlarida ham O'zbekiston xududida yashagan axoli haqida ma'lumotlar uchraydi. Xususan Pompiy Trog «Filippinlar tarixi» asarida quyidagicha yozadi «Skiflar xamisha eng qadimiy xalq xisoblangan, qadimiylikda ular misrliklar-la bellashadilar».[180] Ushbu ma'lumotlar orqali biz qadimgi davrlardan boshlab O'zbekiston hududida axoli istiqomat qilganligini va hozirgi O'rta Osiyo hududlarida massagetlar, saklar, so'g'diylar qabilalari yashaganligini bilishimiz mumkin.

Markaziy Osiyo xududidagi o'ziga xos tabiat mavjud bo'lib, bu ulkan xududdda dehqonchilik uchun qulay sharoit bilan bir qatorda chorvachilik uchun muhim bo'lgan yirik o'tloq yerlar mavjud bo'lgan. Shuning uchun Qadimdan boshlab O'zbekiston xududida o'troq dehqonchilik bilan shug'ullanuvchi axoli xamda ko'chmanchi chorvador axoli ham yashagan. O'zbekistonlik taniqli etnograf olim K. Shoniyozov o'z asarida yozishicha «O'zbek xalqi mazkur hududda yashagan tub yerli etnoslardan tomir olgan; ikkinchi ildizi esa qadimgi turkiy xalqlardan boshlangan. Har ikkala ildizlarning birikishi-o'zaro sintez o'zbek elatini va keyinchalik, o'zbek xalqini tashkil etgan. Har qanday xalq alohida etnik birlik (elat) bo'lib ma'lum bir hududda, ma'lum tarixiy davrda shakllanadi. O'zbek xalqi ajdodlari ham elat bo'lib, Muvarounahr va Xorazm hududida hamda ularga tutash mintaqalarda shakllangan».[181]

O'rta Osiyo xalqlarining turli jihatlarini diniy mazmundagi matnlarsiz o'rganish mumkin emas. Bunga misol qilib «Avesto»ni ham

[179] Islom Karimov. Asarlar. T.7. T.: "O'zbekiston"
[180] Zohir A'zam. Qadimgi tarixchilar O'rta Osiyo haqida, T.: "Yurist-media markazi" 2008 yil 60-bet.
[181] K.Shoniyozov. O'zbek xalqining shallanish jarayoni. T.: "sharq", 2001, 9-bet.

aytishimiz mumkin. [182]. O'zbekiston hududidagi qadimgi axoli haqida biz Zardushtiylikning muqqaddas kitobi «Avesto»dan ham ishonchli va qimmatli ma'lumotlarni olishimiz mumkin. Ushbu kitobda O'rta Osiyoning So'g'diyona, Baqtriya va Xorazm kabi o'lkalarning aholisi, iqtisodiy va ma'daniy-ma'naviy tomonlarini bilib olishimizda ishonchli manba bo'lib hizmat qiladi.

O`zbek xalqi rivojlanishida ishtirok etgan etnik tarkibni umumiy jihatdan takidlaydigan bo`lsak quyudagicha «O'zbek alohida etnik birlik (elat) bo'lib, O'rta Osiyoning markaziy viloyatlari Movarounahr, Yettisuv, qisman sharqiy Turkistonning g`arbiy mintaqalarida shakllangan. O'zbek xalqining asosini hozirgi O'zbekiston hududida qadimdan o'troq yashab, sug`orma dehqonchilik, hunarmandchilik bilan shug`ullanib kelgan mahalliy so`g`diylar, baxtariylar, xorazmliklar, farg'onaliklar, yarim ko`chmanchi sak-massagetlar kabi etnik guruhlar tashkil etgan. Yuqorida nomlari keltirilgan etnoslar, asosan, turkiy va sharqiy fors-eroniy tillarda so'zlashganlar. Shuningdek, janubiy Sibir, Oltoy, Yittisuv, sharqiy Turkiston hamda Volga va Ural daryosi bo`yida turli davrlarda Muvarounnahrga kirib kelgan etnik komponentlar ham o`zbek xalqi etnogenizida ishtirok etadilar».[183]

Miloddan avvalgi III asrda Sirdaryoning o`rta oqimida turkiy va so`g`diylar ittifoqi asosida Qang` davlati tashkil topadi. Mazkuz davlat axolisi qang`liklar dib nomlangan. Arxeologik va ilmiy izlanishlar natijasi o`laroq bu xalq madaniyatini Qovunchi madaniyati deb nomlanadi. Aynan ushbu davlat mavjud bo'lgan davrlar miloddan avvalgi III-II asrlarda hozirgi o`zbek xalqi va voha tojiklari qiyofalari sug`diylar va qang`liklar tashqi qiyofalarida antropologik tipi shakllangan. Qang`liklar xususida uzoq izlanish olib borgan K.Shoniyozov ma'lumot berishicha «Toshkent vohasi o'zinig geografik joylashishi bilan shimoli-sharqiy va g`arbiy oblastlarda yashovchi xalqlar va qabilalarni O`rta Osiyoning markaziy rayonlari bilan o`zviy bog`lovchi o`rtalikdagi viloyat xisoblangan. Qadimiy va ilk o`rta asrlardagi etnoslar janubdan shimol va sharqqa yoki teskarisi tomonlarga ko`chib o`tganda Sirdaryoning o`rta oqimlaridagi yerli xalqlar bilan aloqada bo`lib, ularning etnik tarkibiga ma'lum ta'sir ko`rsatganlar. O`z navbatida vohadagi yerli xalqlar ham qo`shni xalqlar va qabilalarga

[182] T.Saidqulov. O'rta Osiyo xalqlari tarixining tarixshunosligidan lavhalar. T.: "O'qituvchi" 1993 yil, 10-bet

[183] Q.Usmonov, M.Sodiqov, S.Burxonova. O'zbekiston tarixi. T.: "Iqtisod-moliya", 2006-y, 80-bet

ma`lum darajada o`z tasirini o`tkazganlar».[184] Yuqoridagi ma`lumot shundan dalolat beradiki tub yerli o`troq axoli va ko`chmanchilar o`rtasida ma'lum miqdorda ta'sir o`tkazganlar lekin bu ta'sir etnik tarkibga sezilarli bo`lmagan.

Miloddan avvalgi II asrdan boshlab tyrkiy etnik guruhlarning Markaziy Osiyo hududlariga kirib kelishi yuz beradi. Ularni Xitoy manbalarida Yuechjilar yoki kushonlar deb nomlanganlar. Ularning mahalliy aholi bilan madaniy va boshqa tomonlama yaqinligi va ularga nisbatan oz miqdorda ekanligi sababli tub aholi tarkibiga singib, etnik jihatdan boyitganlar. Ushba davlat Milodiy IV asrgacha mavjud bo`ldi. Milodiy IV-V asrlarda O`rta Osiyo hududiga xioniylar, kidariylar, eftaliylar deb nomlanuvchi turkiy etnik guruhlar ma`lum vaqt farqlari bilan kirib keladilar. Hokimyat almashinuvi natijasi o`laroq kirib kelgan qabilalar parchalanib mahalliy aholi tarkibiga qo`shilib ketganlar.

VI asr o`rtalarida Turk xoqonligi tashkil topdi xamda Markaziy Osiyo tomon harakatlangan turkiy qabilalar bu hududlarni ham xoqonlik tarkibiga qo`shib oladilar. Shu davrda turkiy etnosga mansub qabilalar Markaziy Osiyo hududiga kirib keladilar. Karim Shoniyozning takidlashicha ularning ko'pchiligini qarluqlar tashkil etgan.[185] Turk xoqonligi ulkan xududlarga cho`zilgan bo'lib, ushbu hududlarga ham turkiy qabilalar joylashadilar va mahalliy aholi bilan o`zaro birikish jarayono yuz beradi. Shu sababli «hozirgi kunda Yevroosiyoda mavjud bo`lgan turkiy xalqlarning, jumladan, o'zbek xalqining etnogenezi xoqonlik davridagi turkey dunyo bilan bevosita bog`liq va shuning uchun bu elatlar qondosh xalqlar hisoblanadi».[186]

VIII asrda arab xalifaligi xududlari kengaytirib, Markaziy Osiyo hududlariga ham xalifalik tarkibiga qo`shib oladi. Ushbu asrda arablar bilan ajamliklar ham kirib kelishadi. Lekin ularning oz miqdordaligi sababli etnik jarayonga sezilarli ta'sir ko'rsatmaydi.

IX asrda Muvounnahrda yaxlit turkiy etnik qatlam jonli turkiy til til muhiti vujudga kela boshladi va o'z navbatida so`g`diylar ham turkiylashish jaraynini boshlaydilar. Etnik tarkiblarning yanada birikish jarayoni kuzatiladi va bu hodisa etnik jarayonlarda yagonalikni keltirib chiqaradi. IX-X asrlarda Markaziy Osiyo xududiga qarluqlar, chigillar,

[184] K.Shoniyozov. Qang` davlati va qang`lilar. T.: "Fan" 1990 yil
[185] K.Shoniyozov. O'zbek xalqining shallanish jarayoni. T.: "sharq", 2001, 41-bet
[186] O'sha manba 151-bet

yag`molar, arg`ular, tungeshlar,uyg`urlar, qirg`izlar, yabakular va boshqa ko`plab turkey elatlar kelib o`rnashdilar.

Qoraxoniylar davri X-XI asrlar Muvaunnahr va Xorazmda siyosiy hokimiyat turkey sulolalar qo`l ostiga o`tishi bilan o`zbek xalqining shakllanishida yakuniy bosqich bo`ldi. Aynan shu davrda o`zbek xalqi asosi shakllanib bo`ldi va keyingi davrlarda kirib kelgan qabila va elatlar o`zbek xalqi etnik tarkibini yanada boyitdi.

XIII asrda Muvaunnahr va Xuroson hududlariga mo`gul bosqini yuz berdi. Ularning hukmronligi davrida Markaziy Osiyoga qator turkey urug` va qabilalar kirib kelib o`rnashdilar. Ular barloslar, jaloirlar,qavchinlar, arlotlardir. Ular turli hududlarga joylashdilar va tub aholi tarkibiga singib ketdilar. Bu jarayonga sabab qilib ushbu qabilalarning madaniyat jihatdan o`zlaridan ustun tub aholi bilan yaqinligi, islom dinini qabul qilishi va o`troq hayot kechirishi sabab o'zaro qo`shilib ketdilar.

XIV-XV asrlarda Amir Temur davrida etnik jarayonda mavjud komponentlarning yanada birikish jarayoni sodir bo`ldi. Bu hodisa o`zbek xalqining madaniy, ma'naviy va iqtisodiy jihatdan ham yanada rivojlanishiga sabab bo`ldi.

СУРХОНДАРЁНИНГ ҚАДИМГИ ТАНГАЛАРИ

Даутов Х. Д.,
Термиз археология музейи, бўлим мудири

Аннотация

Мақолада Шимоли-ғарбий Бақтрияда Юнон-Бақтрия тангаларига тақлидан зарб қилинган юечжий тақлидий тангалари хусусида гап боради.

Калит сўзлар: *юечжи, тақлидий тангалар, обол, драхма, тетрадрахма.*

В статье ведется речь о юечжийских подражаний к Греко-Бактрийским монетам Северно-Западной Бактрии.

Ключевые слова: *юечжи, монетные подражания, обол, драхма, тетрадрахма.*

In the article it is expressed the imitation of Yueh-chi coins to Greek-Bactria coins in North-west of Bactria.

Key words: *yueh-chi, imitation, obol, drachma, tetradrachma*

Маълумки, қадимги давлатлар ва маҳаллий хокимликлар тангалар зарб қилишда бошқа бир давлатнинг тангаларига тақлидан тангалар зарб қилиш босқичини бошидан кечирган. Танга зарб қилиш санъатининг аста-секин тараққий топиши натижасида тангалардаги тасвир ҳамда ёзувларда ўзгаришлар содир бўлган ва охир оқибатда ўзларининг маҳаллий маданиятига хос тасвир ва ёзувларга алмашиш жараёни содир бўлган.

Милоддан аввалги II асрнинг тўртинчи чораги Шимоли-ғарбий Бақтрияда Юнон-Бақтрия подшолигининг ҳукмронлигига барҳам берган юечжи қабилаларининг ўрнашиши ва ўтроқлашиш жараёнининг бошланиши давридир. «Буюк юечжилар давлати» нинг шаклланиши билан бир вақтда кўҳна дунё халқлари ва мамлакатлари иқтисодий, савдо ва маданий жиҳатдан шаклланади. Ўз навбатида Бақтрияга келиб ўрнашган юечжилар шу жумладан уларнинг Шимоли-ғарбий Бақтриядаги гуруҳлари танга пулларга асосланган бозорни мувозанатда ушлаб туриш учун Юнон-Бақтрия ҳукмдорлари тангаларига тақлидан тангалар зарб эттирганлар. Археологик тадқиқотлар туфайли тўпланган бу турдаги тангалар Юнон-Бақтрия ҳукмдори Евкратид ва айниқса Гелиокл

тангаларига тақлидан зарб этиб муомалага чиқарилган тангалар ҳисобланади.

Милоддан аввалги I-милодий III асрларда ҳукмронлик қилган Кушон подшолиги тарихи ва маданияти XIX асрнинг 40 йилларидан бошлаб мутахассисларни ўзига жалб этиб келмоқда. Бу борада 1968 йилда Душанбе шаҳрида, 1970 йилларда Қобул шаҳрида халқаро конференция, симпозиумлар ўтказилиши фикримизнинг исботидир.[187]

Милоддан аввалги I асрда Бақтрияда шаклланган бу подшолик милодий I- II асрларга келиб Кушон давлати Парфия, Рим империяси ва Хан Хитойи билан биргаликда кўҳна дунёнинг тўртта империяларидан бирига айланган.

Айни шу Кушон подшолиги даврида дунё халқлари ва мамлакатлари тарихида илк маротаба қитъалараро савдо йўли Буюк ипак йўли шаклланиб, Хан Хитойини Рим империяси ва Ўрта Ер денгизи ҳудудини ҳамда Парфияни ўзаро савдо ва маданий алоқаларда боғлаб турган.[188]

Кушон империяси даврида Марказий Осиёнинг катта қисми бу давлат таркибида бўлиб, ҳозирги Ўрта Осиёнинг жанубий қисми, Афғонистон, Покистон ва Ҳиндистон ерларида мавжуд бўлган ўлка ва халқлар икки аср давомида ягона подшолик таркибида бўлиб ижтимоий-иқтисодий хаётнинг барча жабҳаларида ҳамкорликда бўлгандилар.

Бу каби маданий, иқтисодий ва савдо алоқалари туфайли Ўрта Осиёнинг қадимги санъат намуналари Ҳиндистон ярим ороли жанубий ҳудудларигача тарқалди. Кушон подшолигининг илк шаклланган давридаёқ Ҳиндистонда пайдо бўлган дунё динларидан бири Ўрта Осиёнинг жанубий ҳудудига кириб келди. Археология ва нумизматика энг сўнгги маълумотларига кўра, Кушон подшолиги илк бора Бақтрия ва Гандҳара ҳудудларида милоддан аввалги I асрда шаклланган.

Кушон давлати илк шаклланиш тарихининг муҳим жиҳатларидан бири милоддан аввалги II асрнинг тўртинчи чорагидан милоддан аввалги I асрда яъни Буюк юечжилар давлати шаклланигунга қадар Бақтрияда хусусан унинг Шимоли-ғарбий

---

[187] Халқаро илмий конференция тўпламлари. Центральная Азия в Кушанскую эпоху. Т. I-II. М., Наука, 1974-1975.

[188] Ставиский Б.Я. Кушанская Бактрия: проблемы истории и культуры. М., Наука, 1977, с. 12.

қисмида тангалар зарб этишни аниқлаш муҳимдир. Маълумки, Бақтрияда Юнон-Бақтрия подшолиги даврида тангалар зарб этиш тараққий топган. Бу жараённи Эски Термиз, Кампиртепа, Далварзинтепа ва ҳоказо ёдгорликларни ўрганиш давомида тўпланган нумизматика манбалари тасдиқламоқда.

Ҳали тўлиқ давлат шаклланмаган, бироқ савдо ва маданий алоқалар давом этиб турган Бақтрия ўлкасида ички бозорини ва ташқи савдосини танга пул билан таъминлаш лозим бўлган. Бақтрия ўлкаси юечжилар томонидан эгаллангунга қадар танга пуллар муомаласи таъминлаш йўлларидан бири собиқ Юнон-Бақтрия ҳукмдорлари тангаларига тақлидан танга зарб этиб, бозорни тўлдириш бўлган. Шу боис милоддан аввалги II асрнинг тўртинчи чорагидан сўнг Бақтрия хусусан Шимоли-ғарбий Бақтрияда Юнон-Бақтрия подшолари тангаларига тақлидан зарб этилиб тангалар чиқарила бошлаган. Сурхон воҳасида айни шу турдаги тангалар Гелиокл ва Евкратид тангаларига тақлидан зарб этилган тангалар ҳисобланади.

Евкратид тангаси (обол)га тақлидан зарб этилган танга Таллашқон II даврий жиҳатдан милоддан аввалги II асрнинг иккинчи ярми милоддан аввалги I асрга оид деб аниқланган. Бу тангада Евкратиднинг кўкракгача тасвири, бошида диадема тасвири бор. Танганинг орқа қисмида Диоскурлар тасвири ва лақабда Евкратид номи сақланиб қолган. Тангадаги сурат, лақаб ва ёзувларнинг кескин ўзгаришига кўра, бу обол хақиқий Евкратид оболлари бўлмасдан асл Евкратид оболларига тақлидан зарб қилинган тангалардир.

Шимоли-ғарбий Бақтрияда тақлидан зарб қилинган тангаларнинг катта қисмини Юнон-Бақтрия ҳукмдори Гелиоклнинг драхма ва тетрадрахмаларига тақлидан зарб этилган тангалар ташкил этади.

Гелиокл тангаларига тақлидан зарб этилиб муомалада бўлган тангалар Сурхон воҳасининг қуйидаги шаҳар ва қишлоқларида қайд қилинган: Оққўрғон – 8 дона, Жайронхона – 3 дона, Айритом – 4 дона, Далварзинтепа – 4 дона, Барот тепа – 1 дона, Зартепа – 3 дона, Мирзақултепа – 1 дона, Таллашқонтепа II – 2 дона, Термиз тумани – 4 дона, Холчаён – 6 дона, Хотинрабод – 2 дона, Хайитободтепа – 1 дона, Шералитепа – 6 дона, Шўртепа – 4 дона,

«Сурхон» ҳудуди – 1 дона, Амборсой (Денов атрофи) - 7 дона[189] дир.

Буларнинг жами 60 донадан ортиқни ташкил этса, бунга яна ва Зартепа, Фаёзтепадан топилган тангаларни киритиш мумкин.[190] Шундай қилиб, 1977 йилга қадар Шимоли-ғарбий Бақтрия (Сурхон воҳаси) ҳудудидан 63 дона Гелиокл тангаларига тақлидан зарб этилган тангалар қайд қилинган.[191]

XX асрнинг 70-йиллари охирида Жанубий Тожикистон ҳудудида 12 дона айни шу типдаги Гелиокл тангаларига тақлидан зарб этилган тангалар топилган. Шундай қилиб, Гелиокл тангаларига тақлидан зарб этилган тангалар асосан Шимолий Бақтриянинг Сурхондарё қисмига яъни Шимоли-ғарбий Бақтрия ҳудудига тўғри келади. Эҳтимол, деб таъкидлайди Э.В.Ртveладзе, Термиз, Далварзинтепа ва Шаҳринов каби шаҳарларда бу тангаларни зарб қиладиган зарбхоналар мавжуд бўлган. Жанубий Бақтрияда бу турдаги тангалар қайд этилмаганлиги бу туркум тангалар бу ҳудудда мутлақо зарб этилмаганлиги ёки турли сиёсий гуруҳларнинг мавжуд бўлганлиги билан боғланади.

Гелиокл тангаларига тақлидан зарб қилинган тангаларнинг иконографияси, метрологик ва эпиграфик хусусиятлари тарихчи-археолог ва тарихчи-нумизмат олимлар В.М.Массон, Э.В.Ртveладзе, Г.А.Пугаченкова ва Ш.Р.Пидаевлар томонидан кўриб чиқилган ва ўрганилган.

В.Массон Гелиокл тангаларига тақлидан зарб этилган тангаларнинг юза (аверс) қисмига батафсил тўхталган. В.М.Массон фикрича, даставвал бу турдаги тангаларда ҳукмдорнинг кўкракгача тасвири яхши ишланмаган. Кейинчалик Гелиокл тангаларига тақлидан зарб этилган танга намуналарида ўзига хос қонуният шаклланади, хусусан ката гўштдор бурунли ва катта иякли кўриниш юзага келади. Шунингдек танга орқа томонидаги Зевс тасвири ва монограммаларда ҳам ўзгаришлар содир бўлади.[192]

---

[189] Ставиский Б.Я. Кушанская Бактрия: проблемы истории и культуры М., Наука, 1977, с. 240.

[190] Альбаум Л.И. Балалык-тепе. Т., 1960, с. 37; Ўша муаллиф. Раскопки буддийского комплекса Фаяз-тепе //Древняя Бактрия. Л., 1974, с. 57.

[191] Ртveладзе Э.В., Пидаев Ш.Р. Каталог древних монет Южного Узбекистана. Т., Фан, 1981, с. 25.

[192] Масон В.М. Древнебактрийские монеты чеканенные по типу тетрадрахма Гелиокла. – Эпиграфика Востока. XI, М-Л., 1956, с. 63-76.

Э.В.Ртвеладзе томонидан Гелиокл тангаларига тақлидан зарб этилган тангаларнинг оғирлиги тўрт асосий гуруҳга бўлинган:

1. 2,28-4,2 граммгача, диаметри 12-13 ва 18-20 мм бўлган тангалар;

2. 7,6-7,9 гарммгача, диаметри 20-24 мм тенг тангалар;

3. 10,3-15,6 граммгача, диаметри 25-30 мм;

4. 23,2-26,5 граммгача, диаметри 31-37 мм.

Бақтрияда, жумладан Шимоли-ғарбий Бақтрияда танга пулларнинг зарб қилиниши юечжилар томонидан амалга оширилган тангалар ислоҳоти билан боғлиқ. Бу ислоҳот Э.В.Ртвеладзенинг таъкидлашича юечжиларнинг Шимолий Бақтриядаги ҳукмронлигининг дастлабки саналарида амалга оширилган. Бу даврда Юнон-Бақтриянинг тўлақонли ва юқори сифатли драхма ва тетрадрахмалари ўрнига оғирлиги билан шу тангаларга тенг, аммо бронзадан тақлидан тангалар зарб эта бошлаганлар. Аввалambор, бу тақлидан зарб этилган тангалар бронзадан зарб этилганлиги учун юқори қийматга эга бўлмаган, фақатгина ички савдода муомалада бўлиб, халқаро савдода муомалада бўлмаган.[193]

Бу турдаги тангаларнинг зарб қилинган ва муомалада бўлган даврларини аниқлаш борасида ҳам маълум ишлар амалга оширилган. Бу борада В.М.Массон томонидан билдирилган фикр эътиборга моликдир. В.М.Массон даставвал бу тангалар милоддан аввалги II асрнинг охиридан милоддан аввалги I асрнинг биринчи ярмига қадар муомалада бўлган деб ҳисобласа, иккинчи бир ишида бу танганинг кейинги муомалада бўлиш даврини Кадфиз ёки Кадфиз II ҳукмронлиги давригача олиб келган.

Хулоса қилиб айтганда, Шимоли-ғарбий Бақтрия тангалари ва тангалар муомаласи тарихида Кушон подшолиги алоҳида ўрин тутади. Милоддан аввалги II асрнинг охиридан қарийб милодий I асрга қадар Шимоли-ғарбий Бақтрияда Юнон-Бақтрия ҳукмдорлари тангаларига тақлидан бронза тангалари зарб этилган. Бундан асосий мақсад Юнон-Бақтрия даврида шаклланган ички бозорни барқарор ушлаб туриш бўлган. Бу тангалар шаҳарлар билан бир қаторда қишлоқларда ҳам кенг тарқалган. Шунингдек, Кушон подшолиги даврида Шимоли-ғарбий Бақтриянинг шаҳар ва қишлоқларида танга пулга асосланган савдо жадал тараққий

[193] Ртвеладзе Э.В., Пидаев Ш.Р. Каталог древних монет Южного Узбекистана. Т, «Фан», 1981. с. 32-33.

этганлигидан, шаҳар ва қишлоқлар ўртасида мунтазам иқтисодий ва савдо алоқалари мавжуд бўлганлигини кўрсатади.

АДАБИЁТЛАР

1. Альбаум Л.И. Балалык-тепе. Т., 1960.

2. Альбаум Л.И. Раскопки буддийского комплекса Фаяз-тепе //Древняя Бактрия. Л., 1974.

3. Зеймаль Е.В. Древние монеты Таджикистана. Душанбе, «Дониш», 1983

4. Масон В.М. Древнебактрийские монеты чеканенные по типу тетрадрахма Гелиокла. Эпиграфика Востока. XI, М-Л., 1956.

5. Ртвеладзе Э.В. Великий шелковый путь. Энциклопедический справочник. Т., «Ўзбекистон миллий энциклопедияси», 1999.

6. Ртвеладзе Э.В., Пидаев Ш.Р. Каталог древних монет Южного Узбекистана. Т., «Фан», 1981.

7. Ставиский Б.Я. Кушанская Бактрия: проблемы истории и культуры. М., «Наука», 1977.

8. Халқаро илмий конференция тўпламлари. Центральная Азия в Кушанскую эпоху. Т. I-II. М., Наука, 1974-1975.

ҚАДИМГИ ЁЗМА МАНБАЛАРДА ЎЗБЕК ЭТНОСИНИНГ ЁРИТИЛИШИ

Жўраев И.,
Гулистон Давлат Университети

Аннотация

Ушбу мақолада Марказий Осиё бронза даври чорвадор қабилаларининг этник қатлами ҳақида қадимги ёзма манбалар ва уларнинг археологик материаллар асосидаги таҳлили масалалари қамраб олинган.

Калит сўзлар: *Этногенез, ассимиляция, Маданий ёдгорлик, бронза даври, Андронова маданияти, Фёдоров босқичи, Антик, моддий маданият, иқтисодий хўжалик, зардуштийлик, этносиёсий майдон, Авесто, Жанубий Турон, Евроосиё даштлари*

Настоящая статья охватывает проблемы этнических сложений скотоводческих племен Центральной Азии бронзового века на основе анализа вопросов древнейших письменных источников и археологических материалов.

This article covers problems of ethnic collapses the pastoral tribes of Central Asia from the bronze age on the basis of analysis of the ancient written sources and archaeological materials.

Ҳар бир халқнинг тарихи унинг этногенез, этник ва миллат тарихидан иборат. Улар орасида халқ тарихининг этногенез босқичи алоҳида аҳамият касб этади. Чунки у этноснинг тарихий илдизи, бошланғич нуқтаси, ибтидоси ва асосидир. Этногенез туб моҳиятига кўра, турли катта ва кичик этник қатламларнинг аниқ ҳудудий доирада аралашиш, қоришиш жараёни бўлиб, ер юзида бирор халқ йўққи, у халқ тарихининг этногенез босқичини ўтамаган бўлса. Халқ тарихининг этногенез босқичини бошланғич нуқтаси қанчалар чуқур бўлса, у халқнинг тарихи ҳам шунчалар қадимий бўлади.

Ўзбек этногенезини илк босқичлари ҳақида гап кетар экан, биз биринчи навбатда унинг тарихий илдизи, ўқ томири қандай этник қатламлардан ташкил топганлигини аниқлаб олмоғимиз талаб этилади. Маълумки, ўзбек этносининг фундаментал асоси икки ўқ томирдан, икки этник қатламлардан ташкил топган. Биринчиси, маҳаллий, туб жойли ўтроқ эронзабон суғдий,

бахтарий, хоразмий, фарғоний, шоший ва уструшоний бўлса, иккинчиси туркий қабила ва элатлар эди. Ана шу икки этник қатламнинг узоқ вақтлар давомида қоришиши, бир-бирларига иқтисодий ва этномаданий алоқалар туфайли аралашиши натижасида ўзбек элати халқ сифатида шаклланган.

Уларнинг аждодлари «Авесто»да номи зикр этилган Туроннинг тур уруғ жамоалари эди. Тур уруғ жамоаларининг хўжалик асосини дастлаб хонаки чорвачилик ва мотига деҳқончилиги ташкил этган. Улар тарқалган ҳудудлар асосан чўлли дашт минтақалари бўлиб, Турон ўлкасининг географик чегараси археологик материалларнинг таҳлилига кўра, Шарқда Олтой тоғларидан, Ғарбда то Каспий денгизининг шимоли-шарқий соҳилларигача, шимолда Дон, Днепр, Днестр, Волга дарёларининг қуйи ҳавзаларидан, жанубда то Амударё ўрта оқимларига қадар чўзилган географик кенгликни ўз ичига олган.

Археологик манбаларнинг таҳлилига кўра, милоддан аввалги II-минг йилликнинг ўрталаридан эътиборан жанубий Турон турлари ҳаётида туб ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар юз беради.

Жанубий Турон ҳудудларида истиқомат қилувчи «Авесто» турларининг бир қисми қадимги шарқ цивилизацияси маданий хўжалик таъсирида, иқтисодий хўжаликнинг минтақавий ривожланиш йўлига кириб борадилар, яъни Жанубий Туроннинг деҳқончиликка қулай дарё ва сой этакларида ҳавза деҳқончилик оазислари таркиб топа бошлайди. Уларнинг аҳолиси орасида ўтроқлашиш жараёни жадал кеча бошлайди. Дастлаб кичик-кичик ҳавза деҳқончилиги доирасида таркиб топган кичик воҳаларнинг секин-аста ҳудудий доираси кенгайиб, минтақавий воҳаларга, бутун бошлиқ воҳа деҳқончилик марказларига айланадилар. Улар тил жиҳатидан қадимги эроний тилларнинг шимоли-шарқий лаҳжалари туркумини ташкил этган ўтроқ суғдийлар, марғиёналиклар, бахтарийлар, хоразмийлар ва улар атрофини ўраб олган чорвадор сак қабилалари эди. Улар Авестода илк бор Маури, Бахди, Гава Суғуда, Хорасмия, Нисайа, Харайва, Урва каби этногеографик атамалар билан қайд қилиниб, Жанубий Турон тарихида сўнгги бронза ва илк темир даврига келганда Суғдиёна, Бақтрия, Марғиёна, Хорасмия каби цивилизация марказларини ташкил этган.

Бу тарихий-этномаданий вилоятларнинг эронзабон ўтроқ аҳолиси бу ҳудудларда улар билан ёнма-ён, кези келганда аралашиб, жуда қадим-қадимлардан яшаб келаётган туркий тилли қабилалар билан биргаликда ўзбек этносининг асосини, ўқ томирини ташкил этганлар. Шу боис, Жанубий Туроннинг автохтон чорвадорлари бир вақтни ўзида туркий ва эроний тил соҳиблари бўлган. Чунки, улар аҳамоний подшоларининг қоятошларга битилган китобаларида саклар, юнон муаллифларининг тарихий-географик асарларида скифлар номи билан бизга етиб келган бўлишларига қарамай, уларга хос сахройи ҳаёт Евроосиё дашт чорвадорлари билан тил ва ижтимоий келиб чиқиш жиҳатидан ҳеч қачон қон-қариндошлик алоқаларининг узилишига олиб келмаган. Шу боисдан, Евроосиё даштларининг чорвадор қабилалари билан, Жанубий Турон аҳолиси ўртасида узлуксиз давом этиб келган иқтисодий ва этномаданий алоқалар бронза давридан бошлаб ўзининг юксак ривожланиш чўққисига кўтарилди.

Икки тил, икки хўжалик соҳибларининг асрлар давомида қоришуви натижасида таркиб топган ўзбек халқи этногенезининг бошлағич нуқтаси дастлаб Турк ҳоқонлигидан бошланганлиги асосланган бўлса (Академик А.Ю.Якубовский илмий фарази), кейинроқ, 1960 йилларнинг бошларида академик С.П.Толстов уни антик давригача қадимийлаштирди. Академик А.Аскаров эса 1990-йилларнинг ўрталарига келганда мавжуд археологик, антропологик материалларни илмий таҳлили ҳамда қадимги Хитой ёзма манбаларининг янгича таҳлили асосида ўзбек этногенези сўнгги бронза давридан бошланган, деган ғояни кўтариб чиқди[194].

Академик А. Аскаровнинг нуқтаи назарини илмий асосли эканлигини қуйидаги қўшимча материаллар ҳам тасдиқлайди, яъни Абу Райҳон Беруний ўзининг «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар» номли асарида келтирилган халқ оғзаки ривоятларига кўра, Хоразмнинг чорвадор қабилалар томонидан илк бор ўзлаштирилиши Македониялик Искандарга қадар 980 йилда юз берган. Ўша кезларда Қадимги Хоразм заминида «турк подшолиги» таркиб топади ва бу воқеалардан сўнг 92 йил ўтгач,

[194] Аскаров А. Ўзбек халқи этногенези ва этник тарихи. “Университет”. – Тошкент, 2007. – Б. 239.

бу ўлкага Эрон подшоси Кайковуснинг ўғли Сиёвуш келиб ўрнашади[195].

С.П. Толстов ўз даврида ушбу ривоятни Хоразмда эроний тиллар асосидаги илк давлатчиликнинг пайдо бўлиши билан боғлашга уринган эди. Айнан мана шу ривоятни Хоразмда сиёвушийлар сулоласини бошланиши билан боғлайди. Аммо у, ушбу ривоятда, Амударё қуйи ҳавзаларига илк бор кириб келган туркий этник гуруҳлар ҳақида ва унинг маҳаллий аҳоли устидан ҳарбий-сиёсий ҳукмронлик ўрнатганлиги тўғрисидаги маълумотлар ҳақида ўз мулоҳазаларини билдирмайди. Чунки, С.П. Толстов марказнинг сиёсий қарашлари тазйиқи остида ижод қилишга мажбур эди.

Беруний келтирган бу ривоят аслида ўзбек халқи этногенезининг бошланғич нуқтаси, яъни Ўрта Осиё ҳудудларига туркийзабон орийларнинг бронза давридан эътиборан гуруҳ-гуруҳ бўлиб кириб келиши билан боғлиқ эди. Ўша кезларда қадимги Хоразмда юз берган мураккаб тарихий жараёнларни тўғри таҳлил этган М.А. Итина, гарчи уларни ўзбек халқи этногенези билан бевосита боғлашга урғу бермасада, аммо «Жанубий Орол бўйларида Тозабоғёб маданиятининг таркиб топиши ва унинг материалларининг таҳлили, биринчи навбатда, ўша кезларда бошланган мураккаб этногенетик жараёнлар билан боғлиқ эди. Айнан шу даврдан бошлаб маҳаллий аҳоли орасига доимий, узлуксиз равишда теварак-атрофдан янги этник гуруҳларнинг кириб келиши бошланди»,[196]дейди. Дарҳақиқат, Беруний келтирган бу ривоят мил.авв. XIV-XIII асрларда жанубий Орол бўйларида юз берган дастлабки этногенетик жараёнлар билан боғлиқ бўлиб, ўша кезларда туркий тилли чорвадор орийлар нафақат қадимги Хоразмда, балки бутун Ўрта Осиё ҳудудлари бўйлаб кенг тарқалган эдилар[197]. Бу ҳақда, ушбу тадқиқотнинг II-ва III-бобларида фактик маълумотлар келтирилган.

Тозабоғёб мавсумий маконлари ва Кўкча 3 қабристонида олиб борилган археологик қазишмалар таҳлили шуни кўрсатдики, тозабоғёб маданияти Евроосиёнинг бронза даври дашт

[195] Беруний Абу Райхан. Памятники минувших поколений. Перевод с арабского М.А. Салье. Избранные произведения. Т.1, - Ташкент, 1967. - С. 47.
[196] Итина М.А. История степных племен.... -С. 39.
[197] Асқаров А.А., Жўраев И.Н. Ривоятга бурканган тарихий ҳақиқат излари. Қорақалпоғистон–Нукус, 2011. –Б. 35–42

қабилаларининг туркумига киради. Археологик тадқиқотларга кўра, Евроосиёнинг бу дашт қабилалари андронова маданиятининг турли вариантларида мил. авв. II-минг йилликнинг иккинчи ярмида бутун Ўрта Осиё бўйлаб кенг тарқалган.

Аммо, биз доимо таъкидлаб келганимиздек, -дейди М.А.Итина,-»Тозабоғёб маданияти аслида Сруб ёки Андронова маданиятларининг варианти эмас, балки у мустақил равишда Жанубий Орол минтақасида келгиндиларнинг маҳаллий сувёрганликлар билан бевосита, кўп қиррали алоқалари ва бу алоқаларнинг этномаданий қоришуви даражасига кўтарилиши туфайли таркиб топган. Бу жараён илк бронза даврида бошланиб, оқибат натижада сувёрган маданияти аҳолисининг этномаданий анъаналари келгиндилар маданияти томонидан ютиб юборилди ва натижада уларнинг анъанавий турмуш тарзи уларнинг ҳарбий-сиёсий устунлиги туфайли ғолиб чиқиб, янги этномаданий бирлик, Тозабоғёб маданияти шаклланди»[198]

Ўрта Осиёнинг Амударё ўрта оқимига қадар чўзилган ҳудудларда бронза давридан бошлаб туркий қатламнинг йилдан-йилга қалинлашиши доимий характер тусини олади. Бу ҳақда маҳаллий аҳоли орасида кенг тарқалган тарихий ҳақиқат оғиздан-оғизга ўтиб, халқ ривояти сифатида XI асргача етиб келган. Бу эса юқорида таъкидлаганимиздек, Берунийнинг «Ўтмиш халқлардан қолган ёдгорликлар» асарида ўз аксини топган.

Милоддан аввалги II-минг йилликнинг иккинчи ярмида Мовароуннаҳр ва Хоразмнинг барча ҳудудлари чорвадор шимол даштликлари томонидан кенг ўзлаштирилади. Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, орийларнинг жанубга юриши Авестода кўрсатилганидек, бир сана доирасида юз бермаган. Археологик материалларнинг гувоҳлик беришича, уларнинг Ўрта Осиёга оммавий равишда кириб келиши икки босқичда юз берган. Биринчи босқич мил.авв. II-минг йилликнинг учинчи чорагига тўғри келса, уларнинг оммавий равишда кириб келишининг иккинчи босқичи мил.авв. II- минг йилликнинг охирги чорагига тўғри келади. Бу давр материаллари шимолий Бақтрияда Қўнғуртут ва Тегузак манзилгоҳларида яхши кузатилади. Бу ёдгорликлар даврий жиҳатдан Сополли маданиятининг Мўлали босқичи билан замондошдир. Зарафшон водийсининг яна бир

[198] Итина М.А. История степных племен Южного Приаралья. - М., 1977. - С. 139-146.

объекти Жуков мемориал комплекси бўлиб, у хронологик жиҳатдан Евроосиё чўлларида чорвачилик хўжалиги эндигина шаклланиб бораётган илк бронза даври маданиятининг ҳосиласи бўлиши мумкин. Ундан кейинги хронологик мухим объектлар Тўқайли манзилгоҳи, Чакка қабристони ва Сиёб ёлғиз мозори бўлиб, уларнинг муаллифлари сополлардаги Андронова маданиятининг Олакўл ва Фёдоров босқичларига хос элементларга қараб, уларнинг йил санасини мил.авв. XIV-XIII асрларга тегишли, деган ғояни олға сурадилар. Аммо, уларда топилган Фёдоров босқичига тегишли сополлар ва бронза безакларининг шакли, материални мил.авв. XIII асрдан қадимийлаштиришга имкон бермайди.

Шундай қилиб, Евроосиё орийларининг (эркин ва озод мулкдор сипоҳийларининг) чорвадор андронова ва Сруб маданиятлари соҳиблари номи остида Ўрта Осиё ҳудудларига кириб келиши Беруний маълумотлари ва археологик комплексларнинг илмий таҳлилига кўра, мил. авв. II-минг йилнинг XIV-XIII асрларидан бошланган. Улар қадимги Хитой ёзма манбалари ва Беруний келтирган ривоятга кўра, туркий тил ўзининг турли лаҳжаларида бронза давридан бошлаб Ўрта Осиё ҳудудларида ўз тарихий илдизларига эга. Бу туркий илдизнинг маҳаллий эронзабон суғдий, баҳтарий, хоразмий илдизлар билан илк бор тўқнашиши, ассимиляцияси аниқ маълумотларга кўра, сўнгги бронза давридан бошланган.

Демак, ўзбек этногенезининг бошланғич нуқтасини айнан шу санадан олиш тарихий ҳақиқатдир. Дастлаб улар ягона бир ҳудуд доирасида алоҳида –алоҳида этник гуруҳлар сифатида яшасаларда, аммо бундай ҳаёт узоққа чўзилмайди. Улар ўртасида иқтисодий ва маданий алоқалар ўрнатилади. Боз устига, чорвадор орийларга хос жанговорлик, озод ва эркин ҳаёт, улар характеридаги сиёсий-ҳарбий хокимиятни қўлга киритиш йўлидаги пассионарлик кайфиятлар жойларда маҳаллий аҳоли устидан сиёсий устунликни таъминлашга олиб келган. Буларнинг барчаси туркий қатламни бу заминга тўхтовсиз кириб келишига кенг имкониятлар яратган. Сўнгги бронза ва илк темир даври давомида чорвадор орийларининг Ўрта Осиё ҳудудларига гуруҳ-гуруҳ бўлиб кириб келишини чеки бўлмайди ва бу жараён доимий характер тусини олади. Чунки, бу жойларнинг табиий-географик

иқлим шароити, экологик имкониятлари ҳамда Мовароуннаҳр ва унинг теварак-атроф ҳудудларида туркий қатламнинг секин-аста қалинлашиб бориши, бу заминга кириб келган чорвадорларнинг катта қисмини кундалик турмуш тарзини ўзгартиришга, маҳаллий туб жойли муқим аҳоли таъсирида ўтроқлашишга, улар билан қон-қариндошлик ришталарини ўрнатишга олиб келмаслигининг иложи йўқ эди.

Бу тарихий жараёнларни археологик ва қадимги ёзма манбаларнинг қиёсий таҳлили асосида узоқ йиллар кузатган академик А.Аскаров ўзбек халқи этногенезининг илк босқичи сўнгги бронза ва илк темир даврини ўз ичига олади, унинг иккинчи босқичи эса антик даврида юз берди, деган хулосага келади[199]. Бу хулосани моддий топилмалар таҳлили ҳам исботлайди.

Маълумки, қадимги юнон муаллифларининг берган маълумотларига кўра, антик даврида қуйи Сирдарё ҳавзасининг шарқий соҳиллари туркий тилли кўчманчи чорвадор қабилалар кенг тарқалган ҳудудлар ҳисобланиб, сакларнинг Яксарт орти уруғ-аймоқларини суғдийлардан Яксарт (Сирдарё) дарёси ажратиб турган[200]. Илк ўрта асрларга келиб эса, сўнгги бронза давридан бошланган туркий тилли Яксарт орти қабила ва қавмларнинг Ўрта Осиёнинг ички ҳудудларига тўхтовсиз кириб келиши ва уларнинг Амударё ўрта ҳавзаларигача кенг тарқалиши туфайли Сирдарё қуйи ҳавзаларидан то Амударё ўрта ҳавзаларигача чўзилган географик кенгликда туркий тилли этник қатлам қалинлашиб, бу замин Туркистон деб атала бошланди, энди туркий ва эроний тиллар чегараси Амударё бўлиб қолди.

[199] Аскаров А. Ўзбек халқи этногенези ва этник тарихи. “Университет”. – Тошкент, 2007. – Б. 239.
[200] Страбон. География в 17 книгах. Кн. XI. 8. 8. – Москва, 1964.

КАМОН ЎҚЛАРИ ТАРИХИ

Худойбердиев Р.Б.,
Термиз археология музейи
кичик илмий ходими

Аннотация

Мақолада камон ўқлари тарихи, уларнинг турлари, ясалган хом-ашёси, хусусан Сурхон воҳаси ҳудудидан топилган камон ўқлари тарихига бағишланган.

***Калит сўзлар**: пайкон, Кучуктепа, Эски Термиз, Сополлитепа, Жарқўтон.*

Это статья посвящена к истории наконечников стрел, их разновидности и материалу, а особенно к истории наконечников стрел обнаруженных в Сурханском оазисе.

***Ключевые слова:** копьё, Кучуктепа, Старый Термез, Сапаллитепа, Джаркутан.*

In this article expressed the history of arrows, their types, preparing methods, especially, the history of arrows wich were found in Surkhan oasis.

***Keywords:** spear, Kuchuktepa, Old Termez, Sopollitepa, Djarkhutan*

Инсоният яралгандан буён ҳар бир уруғнинг бошқа бир қабилалар тажовузидан ҳимоя қиладиган ўз худуди яъни ватани бўлган. Мазкур ҳудудларни химоя қилишда дастлабки қурол – яроғларнинг алоҳида ўрни бор. Курол яроғларнинг дастлабки турлари сўйил ёки тўқмоқ, шунингдек тош пайконли найза бўлган[201]. Қадимги тош даври (палеолит)дан бошлаб зарба берувчи ва улоқтирувчи дастлабки қуроллар пайдо бўла бошлаган. Кейинги даврларда ҳам яъни ўрта тош даврига келиб (мезеолит даври 12- 7 минг йиллик) «ўқ ёйнинг» кашф этилиши овчилик ривожида янги босқич бўлди. Энди инсонлар тез югурувчи ва кўкдаги қушларни овлаш имконига эга бўлишди. Дастлаб камон ўқлар ов жараёнида ишлатилган бўлса, кейинчалик урушларда ҳам асосий қуроллар сирасига кирар эди.

[201]Ўзбекистонда харбий саньат тарихи.Тошкент, “Ўзбекистон”нашриёти.2013й. 12 – 27 бетлар.

Мил.авв.1-минг йилликда инсоният тарихида кескин бурилиш темирнинг кашф этилиш жараёни содир бўлди. Энди инсоният тарихида сезиларли ижобий ўзгаришлар хўжалик тизими ва бошқа соҳаларда мехнат унумдорлиги сезила бошланди. Темирнинг яралиши дастлаб, Хеттлар томонидан мил.авв. XV асрда кашф этилган бўлса, бизда бу маьдан тахминан 1- минг йилликда яратилган эди. Темир дастлаб зеб–зийнат сифатида ишлатилган бўлса, кейинчалик қурол-яроғлар ва мехнат қуроллари сифатида фойдаланилган. Зардуштийликнинг муқаддас китоби «Авесто»сатрларида ҳам «Митра суякдан моҳирона ясалган камонни хўкиз терисидан таёрланган камон ипи, бургут қанотли минг ўқлар, олтин пайконлар, мугуз ва темирдан ишланган даста билан аравада туриб учиб бормоқда улар фикр тезлигида девларнинг бошига ўқ ёғдиради» деб ўйлашган.

Пайкон – камон учлари ҳар бир даврда ўзига хос ривожланиб, такомиллашиб боргани сайин уларнинг материали ҳам ўзгариб борган. Дастлабки камон ўқлар тошдан ёки суякдан ишланган бўлса, кейинги даврларда мисдан,бронзадан, кремний тошдан, темирдан ва ҳаттоки массагетларнинг олтиндан ишланган камон ўқлари душманнинг ақл ҳушини олганлиги тарихий манбаларда ўз аксини топган. Камон ўқлари шунчаки қурол сифатида эмас, балки унинг ишланиш жараёнида турли формалар безаклар туширилган бўлиб, маьлум минтақанинг ўзига хос фарқли камон турлари бўлган.

Юнон тарихчиси Геродотнинг маьлум қилишича сакларнинг отлиқ қўшин тузилиши тартибли эканлиги ҳамда массагетларнинг кўп сонли жанговарлиги, яьни отлиқ қўшини ҳам пиёда лашкари ҳам мохирона жанг олиб борганлигини таькидлаган. Табиийки узоқ масофалардан жанг олиб боришда биринчи навбатда, ўқ – ёйдан фойдаланишган. Қадимги сак жангчилари ҳақида юнон рим тарихчилари «Камон билан жанг қилувчи ўқлари бекор кетмайдиган энг моҳир камончилар « деб ёзганлар. «Сак жангчиси – бу отлиқ камончи». Унинг куч қудрати, Овидийнинг сўзларига кўра садоғининг тўлалиги, камон ўқи ва чарчоқ билмас отида бўлган. Камон таркибан мураккаб, «скифча» бўлиб, узоқ масофага ўқ отиши ва натижадорлиги билан ажралиб турган.

Геродот шундай хабар беради: «Массагетлар отда ва пиёда жанг киладилар. Массагетларнинг яроғ-аслахалари найза, болта ва

уқ-ёйлардан иборатдир. Уларнинг барча нарсалари олтиндан ва мисдан ишланган. Болта, ўқ ва найза учлари мисдан ишланган, уларнинг ўз усти-бошлари олтин билан нақшланган. Темир ва кумушдан ясалган буюмлар уларнинг рузғорида ишлатилмайди, чунки бу металлар массагетларнинг ерларида, умуман, учрамайди, аммо олтин ва мис уларнинг заминида жуда ҳам кўпдир».[202]

У икки ўроқсимон қисм (кўпинча суяк икки шох - мугуз) дан таркиб топиб, таранг ёй ипи билан бирлаштирилган. Юнон тарихчиси Геродотнинг айтишича, скифлар камон торини кўкракга эмас, елкага қараб тортганлар ҳамда ўнг ва чап елкадан бирдай моҳирлик билан ўқ узганлар. Камон пайконлари аста – секинлик билан турли ҳилдаги восита услублар билан такомиллашиб борди мана шундай ривожланишлардан бири захарланган пайкон учлари бўлди. Бу камонлар яралаш билан бирга ўлдириш ҳусусиятига ҳам эга эди.

Бугунги кунда шу каби камон ўқлар Термиз археология музейида ҳам ўрин олган бўлиб, томошабинлар учун ҳавола этиб келинмоқда жумладан, Бойсун туманида жойлашган Мачай ғори, Шеробод туманидаги Жарқўтон ёдгорлиги ҳамда Эски Термиз ва Музработ туманидаги Кучуктепа ёдгорлигидан топилган камон ўқлари шулар сирасига киради. Музейнинг кўргазма залларидан ўрин олган ушбу камон ўқлар қадимги Бақтрия ҳудудида ҳам қуролсозлик соҳасида қадимги дунёнинг бошқа мамлакатларидан қолишмаган. Ушбу юрт ёдгорликларидан топилган камонўқлар бунинг ёрқин далилидир.

Кучуктепа ёдгорлигидан жами бўлиб 26 дона ўқ – ёй учлари топилган бўлиб, улар шаклига кўра 6 хил кўринишга эга. Камон ўқларнинг япасқи, қаламчали, баргсимон, парракли ва бошқа турлари топилган. Ушбу камонлардан бири баргсимон бандли бўлиб, унинг банд қисми ўртасидан 2 томонлама чизиқлар ўтказилган. Бошқа яна бир камон ўқи баргсимон аммо, ўлчами жиҳатдан турлича бўлган. Банд(қалам) қисми кенг бўлиб камоннинг учигача шу кўринишда давом этган. Камоннинг уч қисми ўткирланиб сайқалланган. Мана шу камонларнинг учлари ҳам яна 2 хил кўринишда ишланган.

1. Йирик камон учлар 5.3 – 6 см бўлса.

[202] А.Сагдуллаев, Ў Мавлонов Ўзбекистонда давлат бошқаруви тарихи. Т., “Академия” 2006, 12 бет.

2. Кичик камон учлар эса 3-3.5 см бўлган.

Биринчи хил турдаги камон ўқлар – баргсимон бандли кўринишда, ушбу қуроллар Кучуктепанинг учинчи қурилиш даврига оид бўлиб, икки паракли, патсимон тарам – тарам қилиб ишланган, ўлчами: 4,3 см ни ташкил этади.

Иккинчи хил турдаги камон ўқлар – ушбу турдаги камон учлари ҳам баргсимон кўринишда бўлиб, турли ўлчамларда ишланган шунингдек, пастки дум қисми маҳкамлагич қисми аниқ кўринишда ишланган. Камон ўқининг уч қисми сайқаланган ўлчами: 5.3 – 6 см ни ташкил этади. Мазкур камон ўқлар бронзадан ишланган. Шу турдаги камон ўқлар тўртинчи қурилиш давридан топилган. Шурф қазилган жойдан 2 та камон ўқи топилган. Камон ўқларнинг маҳкамлагич қисми бироз емирилган бўлиб, пастки дум ыисми томон энсизлашиб борган.

Учинчи хил турдаги камон ўқлар – камон ўқлар бир ҳил кўринишга эга бўлиб, икки паракли, камон ўқнинг уч қисми учбурчаксимон шаклда бўлиб, банд қисми узун уч қисми ўткир аммо синган ҳолда топилган. Камон ўқи юқори томондан пастга томон ингичкалашиб боради. Мазкур камон ўқлар даврий жиҳатдан тўртинчи қурилиш даврига оид.

Тўртинчи хил турдаги камон ўқлар – камон ўқлар ромбсимон кўринишда бўлиб, бошқа камон ўқлардан фарқи учи яполоқсимон ўткир бўлмаган тарзда ишланган. Узунлиги 4 см ни ташкил этади. Мазкур камон ўқлар даврий жиҳатдан тўртинчи қурилиш даврига оид.

Бешинчи хил турдаги камон ўқлар – камон ўқларнинг учки қисми патсимон кўринишда ишланган бўлиб, шу камон ўқларнинг ўзи ҳам 3 хил усулда ясалган.

Олтинчи хил турдаги камон ўқлар – камон ўқлар учли минорага ўхшаш тарзда қилиб ишланган. Мазкур камон ўқлар даврий жиҳатдан бешинчи, олтинчи қурилиш даврига оид[203].

Эски Термиз худудидан 1979 йилда бронзадан ишланган камон ўқи қум қазиб олинадиган худуддан (карерь) топилди. Мазкур камон ўқи бошқа камон ўқлардан фарқли томони шундаки, шакли ва хусусиятига кўра фарқ қилади, яъни оддий камон ўқларидан биринчи фарқи, формасининг ўзига хослиги шундаки

[203]Поселение Кучуктепа. А.А.Асқаров, Л.И. Альбаум. Издательство “Фан”. Ташкент – 1979 г. стр 43 – 45.

камон ўқининг ўзи билан бирга рақиб ёки ўлжани шунчаки яраламасдан балки, ўлдирганлиги мазкур камон ўқининг рақибнинг танасига ҳаво олиб кирганлиги. Иккинчи фарқи эса ниҳоят даражада ўткирланганлиги камоннинг марказидаги қисми икки ярим ой шаклидаги қисмдан иборат бўлиб, айнан ўша ярим ой шаклидаги қисмидан ҳаво ичкарига кирган яна рақиб (ўлжа)нинг танасидан қон шиддат билан сизиб чиққан.Мазкур камон ўқи сўнги бронза даврининг охири илк темир даврининг бошларига таалуқли.

Жарқўтон ёдгорлигидаги камон ўқлар(8 дона)эркак қабридан топилган бўлиб, ушбу камон ўқлар ниҳоятда юқори сифатли кремний тошидан бежирим қилиб ишланган. Мазкур камон ўқнинг шакли ромбсимон кўринишда. Барча камон ўқлар синчиклаб эътибор берилса,ретушлаш усули билан зич қилиб ишланган. Камон ўқларнинг ранги кул ранг ва тўқ малла рангларда бўлиб, ярим баргсимон, ярим учбурчаксимон, ромбсимон кўринишни ясалган[204]. Бугунги кунда Термиз археология музейининг кўргазма залида Жарқўтон ёдгорлигидан топилган 6 дона камон учлари томошабинлар эътиборига ҳавола этилган.

Олтинсой туманидаги Қизилтепа ёдгорлигидан ҳам бронзадан ишланган 2 дона камон ўқи қальанинг ғарбидаги хоналардан топилган бўлиб, икки парракли, баргсимон ва яполоқ турдаги камон ўқлардир[205].

Сополлитепа ёдгорлигидан ҳам кремний тошидан ишланган камон ўқлар топилган бўлиб, ўттиз ҳил камон учлари бўлганлигини кўришимиз мумкин. Камон ўқларнинг шакли ромбсимон кўринишда. Камон ўқларнинг ранги кул ранг ва тўқ малла рангларда бўлиб, ярим баргсимон, ярим учбукчасимон, ромбсимон кўринишда ясалган[206].

Хулоса ўринда шуни алоҳида таькидлаш лозимки, Шимоли – ғарбий Бақтрия ҳудудида қадимдан қуролсозлик ривожланган ва такомиллашиб борган. Аждодларимизнинг мардлиги, довюраклиги, ҳақида қадимги юнон тарихчилари тарихий

[204]“Жаркутан” .А,А,Аскаров, Б.Н. Абдуллаев, Ташкент издательство “Фан” 1983г.стр 19.
[205]“Scripta Antiqua” Вопросы древней истории, филологии, искусства и материальной культуры
Альманах *Томтретий* К юбилею Эдварда Васильевича Ртвеладзе Собрание Москва 2013г. Стр 9.
[206]А.А. Аскаров. Сапаллитепа. Издательство фан.УзССР Ташкент'1973 стр. 58- 87.

битикларида ёзиб қолдирганлар. Қадимий Бақтрия заминида рўй берган кўчманчи қабилаларнинг тинимсиз ҳарбий юришлари оқибатида қурол аслаҳалар такомиллашиб, ривожланиб боргани сайин харбий соҳанинг ўрни нуфузи доимий ошиб борган. Бронза даврида кремний тошдан камон учлари ясалган бўлса, илк темир даврига келиб камон ўқлари фақат метал ашёлардан ясалган. Такомиллашган камон ўқларидан ўша давр ҳарбий юришлари ва овчиликда кенг фойдаланилган.

АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистонда харбий саньат тарихи.Т., «Ўзбекистон», 2013. 12 – 27 бетлар.

2. А.А.Асқаров, Л.И. Альбаум. Поселение Кучуктепа. Т. «Фан» – 1979 г., стр 43

3. А.А.Асқаров, Б.Н. Абдуллаев «Жаркутан». Т., «Фан» 1983., стр 19.

4. «Scripta Antiqua» Вопросы древней истории, филологии, искусства и материальной культуры. Альманах. Том третий. К юбилею Эдварда Васильевича Ртвеладзе. Собрание. Москва 2013., Стр 9.

5. А.А. Аскаров. Сапаллитепа. Т., «Фан».,1973. стр. 58- 87.

6. А.Сагдуллаев, Ў Мавлонов. Ўзбекистонда давлат бошқаруви тарихи. Тошкент. «Академия», 2006, 12 бет.

ҚУЛОҚТЕПА ВА УНДАН ТОПИЛГАН ХУМЛАРГА ДОИР

Нормуродов Д.Р.
Ахунджанова У.З.
Темурийлар тарихи давлат музейи кичик илмий ходимлари.

Аннотация

Ушбу мақола ҳали кам ўрганилган ҳудуд ҳақида маълумот беради. Айниқса топилган хумлар йирик ҳажмдаги идишлар тарихини ёритишга ёрдам беради ва уларни яратган уста-ҳунармандлар ижодидан, ақл-заковатидан хабар беради.

Калит сўзлар: *Қулоқтепа, тепалик, археологик, ёдгорлик, хум, кулолчилик, нарвон, тамға, безак, ангоб, парча.*

В этой статье даются сведения о территории, которая ещё мало изучена. Более того, найденного здесь большие хумы помогут раскрыть историю его производства, а также свидетельствуют об интеллекте мастеров.

This article gives information about the territory which has not been researched actively. Found khums allow us to study the history of big dishes and talk about the work of artisans and their ingenuity.

Тарихнинг қадимги даври моддий маданиятини ўрганишда тепаликлар сифатида сақланиб қолган археологик ёдгорликларнинг харобалари ва улардан топиладиган кулолчилик буюмларининг аҳамияти беқиёсдир. Кулолчилик буюмлари орасида айниқса, хумларнинг археологик манба сифатидаги ўрни ўзига хос. Чунки хумлар парчаларга айланиб сочилиб кетса-да, ёдгорликлар, қадимий қурилиш иморатлари, майда кулолчилик буюмлари каби турли табиат кучлари таъсирида бузилиб, йўқолиб, кетмасдан маданий қатламларда узоқроқ давр мобойнида сақланиб қолади. Ана шу сақланиб қолган хум ёки уларнинг парчалари у топилган жойдаги маконнинг моддий маданиятини тиклаш, хронологик санасини аниқлаш имконини беради. Шулар қатори Қулоқтепадан топилган иккита хумнинг археологик манба сифатида тадқиқоти муҳимдир.

Қулоқтепа бугунги кунда тепалик кўринишида сақланиб қолган бўлиб, Тошкент вилоятининг жануби – ғарбида, Бўка тумани марказидан 14 км жанубда, Бўстон маҳалла фуқоролар

йиғинига қарашли Ўзбековул маҳалласининг шимоли-шарқий қисмида жойлашган207. Унинг бугунги кунда сақланиб қолган майдони 1,7 га. ни ташкил қилади (1-расм). У тўғри тўртбурчак шаклида (ўлчами 128х133 м.) бўлиб, унинг шарқий томонидаги баландроқ (баландлиги 6-8 м.) тепалик бошқа майдонлардан ажралиб турибди. Афтидан бу жойда амалдорнинг қасри ўрнашган бўлиши мумкин.

Қулоқтепа жойлашган воҳа ўзининг қадимий тарихи билан тадқиқотчиларни доимо қизиқтириб келган. Воҳада сақланиб қолган бир қатор тепаликларнинг сиру-синоатларини билишга қизиққан археолог олимлар салкам бир аср давр мобайнида илмий изланишлар олиб борганлар208. Лекин Қулоқтепа ёдгорлиги айрим сабаблар билан мутахассислар эътиборидан четда қолиб келган. Шунинг учун ҳам бу ёдгорлик Тошкент воҳасининг археологик ёдгорликлари харитасидан ўрин олмаган209.

Қулоқтепа дастлаб 2005 йилда археологик ёдгорлик сифатида эътироф этилган210. 2015 йилда бу тепалик кўздан кечириб чиқилди. Тепаликнинг теварагидаги кенг (50 га.дан ортиқ) экинзорда сочилиб ётган сопол идишларининг парчалари, тегирмон тошларининг синиқлари, тошдан ясалган меҳнат қуроллари, урчуқбошлар, металл қуйқалари ва бошқа кўплаб ашёлар учратилди. Бундай буюмлар орасида тепаликнинг шимоли-ғарбий қисмидаги экин майдонидан топилган хум парчалари диққатга лойиқдир211. Бу парчалар йиғилиб Темурийлар тарихи Давлат музейи фондига топширилган212. Улар тамирлангач иккита дона алоҳида хумларга тегишли парчалар эканлиги аниқланди.

Хумлар тухумсимон шаклда бўлиб, қўлда ясалган ва қаймоқсимон рангда ангобланган. Улар бир – биридан бўйин қисмининг шакли ва унга берилган безак (тамға) лар билан фарқ қилади. Улардан бирининг баландлиги 116 см.ни, оғзи ва

---

[207] Кординатаси: N 40° 42' 1567''; E 69° 15' 0533''.

[208] Буряков Ю. Ф., Қосимов М. Р., Ростовцев О. М. Тошкент областининг археологии ёдгорликлари. Тошкент: "Фан", 1975. 108-бет.

[209] Буряков Ю. Ф., Касимов М. Р., Ростовцев О. М. Археологические памятники Ташкентской области. Ташкент, 1973.

[210] Сулаймонов Х. Тилсимли тепаликлар ёки йўқолган тепаликлар изидан // "Ҳуррият" газетаси, № 20 (430), 2005 йил 1 июн. 4-бет.

[211] Хумларни Х.Сулаймонов йиғиб олди, Д.Р.Нормуродов таъмирлади.

[212] КП 165-22 колекция А1-852; КП 165-23, колекция А1-853.

таглигининг диаметр 44 см.ни, қорин қисмининг энг кенг жойининг диаметри 75 см.ни ташкил қилади (2-расм). Хумнинг тепа қисми (лаби) ташқи томонга бироз қайрилган ва тўртбурчак кўринишда. Унинг елкасига ўлчами - 6,5х1 см.ли нарвон шаклида безак туширилган (3-расм). Шу безакка қарама-қарши томонидан ўлчами - 3х4,5 см. бўлган тўғри тўрбурчак шаклдаги яна битта безаги бўлиб, унинг ичида синиқ чизиқ (зигзаг) бор (4-расм).

Иккинчи хумнинг баландлиги 80 см., оғзининг диаметри 35 см. ва таглигининг диаметр 37 см. бўлиб, унинг лаби ташқи томонга бироз қайрилган (5-расм).

Хумлар хўжалик идишлари сифатида ишлатилганлигини таҳмин қилиш мумкин.

Биринчи хумдаги тамға шаклидаги безак буюмларда аниқланмаган. Лекин турли шаклдаги чизиқ ва тамғалар билан безалган сопол идишлар Тошкент воҳасидаги кўплаб ёдгорликлардан топилган ва улар шу воҳадаги Қовунчи маданиятининг учинчи босқичи билан даврлаштирилган[213]. Шунга асосланадиган бўлсак, бу хум IV-VI асрларда ясалган бўлиши мумкин. Эҳтимол ундаги белгини уста ҳунармандлар ўз маҳсулотини ажратиб олиши учун чизган бўлиши мумкин.

Хуллас, Қулоқтепа Тошкент воҳасида илк ўрта асрларда шаҳарларнинг теварак атрофида қад кўтарган ер мулк эгасининг яъни, қишлоқ етакчисининг маҳобатли қасри бўлганлигини фараз қилса бўлади. Қолаверса, Қулоқтепа ва ундан топилган кулолчилик буюмлари (парчалари) тадқиқ қилиш Тошкент воҳаси тарихининг янги саҳифаларини ёритишга имкон берада. У ерлардан топилган хумлар масаласига келадиган бўлсак, албатта улар ҳам топилган кулолчилик буюмлари каби ҳар бир хонадонда муҳим ҳисобланган. Улар кенг тарқалган бўлиб илк ўрта асрлардаги санъат ҳақида маълумотлар беради.

[213] Левина Л.М. Керамика нижней и средней Сырдарьи. М., 1971. С. 178-188; Грицина А.А. К семантике знаков на керамике Каунчинской культуры // ИМКУ, вып. 19, Ташкент: изд. “Фан”, 1984. С. 84-94.

2 ШЎЪБА. ЎЗБЕКИСТОННИНГ МОДДИЙ ВА НОМОДДИЙ МАДАНИЙ МЕРОСИ

ДАЮЩИЕ ТЕПЛО И РАДУЮЩИЕ ВЗОР (Ковры и ковровые изделия ЭФ ГМИУ)

Исмаилова Ж.Х.,
директор ГМИУ д.и.н.,
Левтеева Л.Г.,
с.н.с. ГМИУ к.и.н.,
Мухтарова Р.
зав. отдель. ГМИУ

Искусство ковроделия уходит корнями в глубокую древность. Разнообразные образцы ковровых изделий XIX – XX веков хранятся в музеях республики, в том числе, Государственном музее истории Узбекистана, обладающем значительными коллекциями. Их хранят, изучают, экспонируют, ими восхищаются, они являются неиссякаемым источником информации о вкусах, интересах, мироощущении своих создателей и владельцев, традициях народных ремесел и творческих возможностях ремесленников.

Постилочные и настенные ковры, ковровые изделия для хранения предметов домашнего обихода и перевозки грузов, на протяжении многих веков составляли необходимую часть быта среднеазиатских народов.

Ручное ковроткачество – работа очень кропотливая, требующая усидчивости, терпения, определенных навыков, ловкости и внимательности. Испокон веков технологии создания сложнейших орнаментов окрашивания волокон шерсти и шелка, а также дизайна передавались от матерей дочерям. Ковроделие, как женский домашний промысел, развивалось почти в каждом скотоводческом и скотоводческо-земледельческом районе. Женщины (*гиламчи или гиламбоф, гиламдуз*) ткали ковры из овечьей, козьей или верблюжьей шерсти на ручных станках, передавая свое искусство из поколения в поколение, сохраняя в своей памяти тысячелетние узорные композиции. Созданное руками женщин, искусство ковроделия словно вобрало в себя живое тепло и красоту женской души.

Наиболее значительным собранием ковров располагал эмир Бухары. Качественная шерсть, естественная окраска, профессио-

нальная техника плетения – основные факторы, обусловившие высокое качество ковров. Хранившиеся здесь ковры свидетельствовали о высокой культуре, богатом воображении и профессионализме тех, кто их создавал. По свидетельству известного этнографа, академика М.С. Андреева, собрание ковров эмира достигало 10 тысяч. Имелся даже специальный чиновник, следивший за их сохранностью. В свою очередь, он имел в своем распоряжении целый штат служителей. В хозяйстве эмира значились ковры как среднеазиатских ковродельщиков, так и кавказские, иранские и европейские.

Роль Бухары в среднеазиатском регионе была столь велика, что, по терминологии конца XIX в., все узбекские, афганские и белуджистанские ковры именовались «бухарскими». Туркменские ковры были известны под названием «текинских», восточнотуркестанские и индийские – «кашгарских». Наряду с другими произведениями местных кустарных промыслов, их регулярно экспонировали на различных выставках, включая всемирные.

Интерес к этому виду народного промысла вызвал уже в XIX – начале XX столетий появление значительного числа публикаций по данной теме. О коврах писал известный востоковед профессор А.Семенов. Художник С.Дудин, командированный в конце 90-х годов XIX в. в Среднюю Азию этнографическим отделом Русского музея, скупил для музея, как сообщила в октябре газета «Русский Туркестан», «немало старинных ковров и паласов». С.Кондаков описал в 1916 г. собрание восточных ковров известного коллекционера Н.Бурдукова.

В начале XX в. постоянный спрос на ковры со стороны коллекционеров, в том числе западных, и вывоз ковров за пределы Туркестанского края (чему способствовали таможенные правила, согласно которым старые ковры освобождались от пошлины), вызвал такое любопытное явление, как фальсификация ковров. Вот что сообщал в своей статье в «Азиатской России» один из авторов сборника И.Ямпольский: «Недавно изготовленный и окрашенный «линючими красками» ковер расстилался на несколько дней на проезжей дороге. Здесь по нему шли пешеходы, проезжали караваны верблюдов, гнали даже гурты скота. После такой «обработки» «линючие краски» приобретали свойственный только хорошим старинным коврам блеклый оттенок, а мелкие повреждения,

нанесенные колесами, имитировали длительность применения в быту». Другой автор, профессор А.Семенов сообщал, что вид старинного можно было придать новому ковру посредством неоднократного мытья и «частого хождения по нему» босыми ногами.

Развитию ковроделия способствовало развитое животноводство, в частности овцеводство и разведение верблюдов. Разнообразие природных условий, богатый животный и растительный мир, обряды и верования, вековые традиции все это помогало мастерам в работе окрашивания ковровых изделий, в узоротворчестве. Ковры отличались по своему художественному построению и техническим методам. Цветовая гамма, композиционное построение и узоры ковров, как правило, были едины. В них запечатлевались эстетические взгляды, мировоззрение, вековые традиции и цветовые фантазии мастеров.

Благодаря развитию ремесленных производств, ткачи были обеспечены нужными сырыми материалами, необходимыми орудиями для ткачества.

Известны три основных вида ковров: коротковорсовые *гилам,* высоковорсовые джульхирс *(жулхирс*), и безворсовые паласные ткани, разнообразные по технике исполнения и колориту. Как и в других мусульманских странах широко производились молитвенные коврики *намазлик.* Их изображения часто встречаются на миниатюрах X1V-XV1 вв.

Характерными для ковров особенностями являются их длина, высокий ворс, разная плотность петель и относительно крупные размеры. Ковры обладают стабильной формой, характерным индивидуальным художественным построением и цветовым разрешением.

Цветовая палитра.

Помимо сырьевых запасов в виде овечьей и верблюжьей шерсти значительную роль играло и изобилие растений. Богатая природа Центральной Азии придала коврам и ковровым изделиям особые оттенки, обусловила богатую цветовую палитру, разнообразные композиционные решения. Окрашенные природными красителями нити отличались яркостью оттенков.

Подбор цветов отличался особой гармонией. Наиболее используемые цвета это красный, разных оттенков, бордовый, голубой, зеленый, синий различных оттенков, черный, белый. Большое

значение придавалось смысловому значению цветов. Каждый цвет имел свое значение. Белый цвет означал непорочность и чистоту, темно-синий и голубой символизировали небо. Предпочтение отдавали красному цвету, который мог иметь несколько оттенков. Этот цвет оживлял всю гармонию ковра. Красный цвет считался символом счастья и оберегом от злых сил. В связи с этим на коврах, сотканных в качестве приданого для девушек, часто использовали красный цвет.

Существовали красильные мастерские, в которых проходило окрашивание нитей. Профессия красильщика считалась достаточно доходной. У каждого мастера был свой метод окрашивания и подбора цветов. Они собирали в раннюю весеннюю пору полевые цветы, корни трав, а осенью для получения желтого цвета пожелтевшие листья шелковицы. Желтый цвет также получали из кожуры яблока. Чтобы красить шерстяную пряжу, использовали кожуру лука, короткие ветки виноградной лозы, полынь и барбарис, высушенную кожуру винограда и зеленую скорлупу только что созревшего ореха. Красный цвет можно было получить из многочисленных насекомых, бытовавших на определенной территории. В качестве красителей могли выступать также минералы и деревья: платан, дуб, ива и др. Для получения основных цветов: красного, зеленого, желтого, голубого, темно-синего, черного и их оттенков использовали скорлупу ореха и листья деревьев индиго, шелковицы, ореха, айвы, корни кустарников и другие средства. Для того, чтобы получить определенный цвет, было необходимо знать время сбора фруктов, корней и листьев растений. От этого зависел оттенок краски: светлый или темный. Так, осень считали сезоном сбора орехов, весна сезоном дуба, ивы и яблони. Алычу и айву можно было использовать только во время их цветения. Отдельные цветы рекомендовалось собирать только во время их увядания. Соблюдения этих правил красильщиками обеспечивало сохранение на долгий период свежести красок ковра. Используемые в крашении растения и др. готовили только в определенном количестве в специальной посуде, например, кипятили в медных котлах, причем, процесс нагревания или остывания мог быть разным. Бесценный опыт накапливался в течение столетий, что и обеспечивало высококачественное окрашивание пряжи. Именно благодаря этому, старинные ковры, сотканные из шерстяных ни-

тей, окрашенных естественными красками, спустя века не потеряли яркости своих цветов. Труд красильщика требовал особого умения. Если иногда допускался брак, это становилось причиной появления на коврах в дальнейшем пятен и следов. Такого рода следы можно увидеть на некоторых старинных коврах.

Орнаменты.

На коврах и ковровых изделиях отражалась окружающая живописная природа, изображения тотемов и тавро, передававшиеся из поколения в поколение. Нельзя не сказать и о заимствованиях у соседних народов, состоявших в культурно-экономических отношениях с местным населением. Ковер обладал охранительной силой и положительными энергетическими истоками, что отражалось в оттенках и узорах ковра.

Узоры ковров, в основном, состоят из геометрических и растительных элементов. Сходство ряда узоров и художественных композиций ковровых изделий с узорами, применяемыми в изготовлении других бытовых предметов ремесленничества, говорит о древней традиции ковроткачества. У каждого узора имеется свой смысл и назначение, исходящие из древних верований. Именно поэтому ковры использовались в разных ритуалах: при сватовстве девушек, траурных и похоронных обрядах, при совершении намаза, рождении ребенка и др. На некоторых коврах вплеталась дата его производства по хиджре, имя мастера и др. Каждый ковер состоит из промежуточного (центральное поле) участка и каймы, организованной из одной или нескольких полос. Полосы могли быть узкими или широкими, отделены друг от друга специальными элементами. Широкие полосы могут быть окаймлены с обеих сторон бордюрами. Узоры полос, как правило, состояли из структурных геометрических или растительных стилизованных элементов. Промежуточный участок ковра может состоять из диагональных полос разных цветов с орнаментальными включениями или так называемых «озер» в виде ступенчатых *гелей*, в окружении разного рода геометрических фигур, изображений цветов и др. Использование одних гелей внутри гелей большего размера разных цветов можно объяснить дуалистическими воззрениями мастера, понимания мира, как борьбы добра и зла, дня и ночи. Больше всего ткачи использовали изображения озер со ступенчатыми краями, узоры с крючком, ромбом, крестообразные элементы, тре-

угольник, восьмиугольную звезду, виды узоров, исходящие от верований. Так, ромб толкуется как женское начало мира, плодородия, символ изобилия; ромб, внутренняя часть которого была соткана из двух цветов, также мог выражать двойственные понятия: день и ночь, черное и белое, добро и зло; квадрат означал четыре элемента, четырехгранное поле; ромб, внутри которого имелись клетки, похожие на семена, служил символом плодородия, посеянной и вспаханной земли. Крестообразный мотив олицетворяет четыре элемента, четыре полюса, создающие мир, является символом воды, земли, огня и воздуха; ступенчатые озера – символ возвышенного пути, ведущий к богу; треугольник тоже путь, ведущий на небеса, к богу; восьмиугольная звезда возникла из веры в небесные существа. Рога связаны с тотемным миропонимание и верой в рогатый скот; «древо жизни» - символ вечной жизни. Элемент в виде решетки имел значение огня, очага. Есть также элементы с формами птиц, которые считались символами солнца еще в доисторические времена, небесного мира, рая по исламской философии, а еще позже тавро, относящиеся к огузским родам. Они в течение многих лет подвергались стилизации, отражавшейся в новых формах. На коврах можно также увидеть изображения тавро, указывавших на поколение и время. Часто на коврах создавались элементы, получившие название «крючок» или «коготь» Это, возможно, символ орла, считавшийся символом хищных охотничьих птиц, присущий древним тюркам, огузам. Отдельные элементы являются носителями следов разных эпох и культур. Например, растительный мотив *ислими* представляет исламскую культуру, а ромб, восьмиугольная звезда, крестообразный мотив созвучны с древними представлениями. Сотканные зооморфные изображения – элементы, взятые из реальной жизни. Озера в форме прямоугольника с боковыми выступами по обеим противоположным сторонам называют щит, которое используется в ковроткачестве многих тюркских народов, как условное название элемента. Характерной чертой молитвенных ковриков *намазлик* является сотканное изображение арки в верхней части ковра. Арка передана в геометрической структуре, т.е. ломаными линиями. Помимо этого здесь размещены атрибуты, присущие исламской культуре.

Материалы изготовления.

Шерстяные ковры весьма недешевы, они являются классическими. По традиции такие ковры производят из прочной, теплой и приятной на ощупь шерсти овец. Использовалась, хотя и в незначительных количествах козья и верблюжья шерсть. Козья шерсть использовалась в ковроткачестве, а из верблюжьей изготавливали молитвенные коврики *намазлик*.

Большие ковры ткали на стационарном, широком, крупном, горизонтальном ковровом станке *гилам дукон,* который в прошлом применялся у всех среднеазиатских народов. Для плетения небольших ковровых изделий использовались переносные маленькие станки, которые были удобно размещать прямо в домах и дворах. Процесс тканья основы осуществлялся трудом нескольких профессиональных мастеров.

Предназначенную для прядения шерсть предварительно сортировали и затем тщательно обрабатывали: мыли, перебирали, теребили руками или взбивали двумя пучками прутьев *савогич*, а затем красили. Если шерсть предназначалась для пряжи, то из нее после взбивания вытягивали круглые в сечении, удлиненные (50-60 см) валики *туйнак*. Валики наматывали на левую руку до локтя, а затем уже пряли нитки на ручном, примитивном веретене *ручук*; по мере прядения валик постепенно вытягивался и превращался в пряжу.

Поверхность ворсового ковра составляет дополнительная ворсовая нить. Чем ковер более плотный, тем он более теплый, имеет лучшую звукоизоляцию и износостойкость. Плотность ковра обеспечивается за счет близости ворсинок ворса. Чтобы определить плотность обычного тканного ковра достаточно посмотреть на его изнанку. Если нити основы находятся друг от друга на большом расстоянии, значит, срок службы такого ковра небольшой – во время использования такого ковра ворс быстро сотрется. Ворсовые ковры имеют большой срок службы – 4-50 лет. Среди недостатков таких ковров – они быстро загрязняются, их нужно часто чистить, в них заводятся моль и плесень. Современные производители пропитывают шерстяные волокна противогрибковыми, грязеотталкивающими и антимольными составами. Ковры из шерсти имеют более спокойную расцветку, чем синтетические, так как хуже подаются окраске. Зато они практически не выгорают и со

временем остаются такими же яркими. Искусственные ковры быстро блекнут.

Паласы.

Безворсовые ковры – паласы - разнообразны по технике исполнения и орнаментации. Они также характеризуются разной плотностью. Имеют гладкую поверхность, образуемую путем переплетения нитей основы и утка

Паласные ткани представлены двумя видами: дорожки, тканные на узконавойных передвижных станках, и цельнотканые широкие паласы. Узконавойный станок народов Средней Азии *урмак* неоднократно описан в литературе. Узкие паласные ленты и дорожки сшивались вместе и из них создавались различные виды бытовых предметов: паласы *шолгилам* или *алача гилам*, покрывала для завертывания в них одежды *бугжома*, сумки различной величины и назначения, переметные сумы *хурджины*, мешки для хранения одежды, утвари, продуктов *напрамач, нон-кап, чумучкап, айна-кап, айран-турва* и др., попоны для лошадей *жул*, мешки *кап* различной величины, широкие и узкие тесьмы для укрепления и обтягивания различных деталей юрты и др.

Узбеки Ферганской долины ткали на узконавойном станке из шерсти узорную шерстяную ткань *тутум алача* в виде узких орнаментированных полос (шириной 30 см), из которых затем шили главным образом паласы, предназначенные для развешивания на внутренних стенках юрты; паласы входили также в комплект приданого невесты, очень редко их стелили на пол. Палас сшивался из 8-10 таких полос. Ткали и безворсовые ковры типа *араби гилам* (арабский ковер). В конце Х1Х – начале ХХ в. этот вид безворсового ковра был широко распространен среди узбеков Кашкадарьи. Они и теперь производятся жителями селений Джейнау и Камаши нынешней Кашкадарьинской области

Узбеки бассейна Зеравшана ткали паласную ткань типа к*аджары*, а также ткань *кокма алача*, орнаментированную разноцветными (преимущественно красными, бордовыми, синими, желтыми) полосами. Эти паласы, называемые *кокма шол,* стелили на пол. Из ткани *кокма алача* делали также мешки и сумы различной величины. Очень часто такая материя ткалась из шерсти естественного цвета: паласы получались тогда с серыми, черными и белыми полосами.

Издавна ценившиеся за свою красоту и функциональность, ковровые изделия занимают важное место и в современном интерьере. Своим живописно-узорчатым контрастом они одухотворяют упрощенную современную архитектуру и обстановку, внося в нее черты национального своеобразия. Как высокоразвитый вид народного творчества ковроделие по праву занимает одно из ведущих мест в ряду художественных ремесел народов Средней Азии. Созданное руками женщин это искусство как бы вобрало их живое тепло, красоту, разнообразие в своих традиционных вариациях, оно в то же время всегда сохраняло локальное своеобразие.

Комплектование коллекции.

Этнографический фонд Государственного музея истории Узбекистана включает уникальные собрания художественных ремесел. Заметное место в фонде занимают ковры и ковровые изделия. Это длинноворсовые ковры, молитвенные коврики *жойнамаз,* безворсовые *шолча гилам, араби гилам*, паласы, различные торбы, хурджины и др. В числе экспонатов ковровые покрытия, предназначенные для животных, ковровая занавесь, которой завешивали снаружи вход в юрту, маленькие коврики, загораживающие порог, ковровые декоративные дорожки, и др. Кроме центральноазиатских, имеются привозные персидские, азербайджанские, афганские, кашгарские ковры.

Комплектование коллекций началось со второй половины Х1Х в., когда частными лицами, отдельными обществами, учреждениями стали собираться различные предметы, изделия местных мастеров, в числе которых были и ковровые изделия. Основу коллекций составили изделия, поступившие в основном в ХХ столетии в ходе организации музеем планомерных экспедиций в регионы Узбекистана и сопредельных республик. Экспедиции возглавляли сотрудники музея – видные исследователи культуры народов Узбекистана и Центральной Азии, большие энтузиасты изучения народного творчества.

Сбор ковров проводился, в частности, в 1920-х годах экспедицией при Средазэкосо в составе М.Ф.Гаврилова, этнографов В.Г.Мошковой, А.С.Морозовой и художника И.И.Галавина, изучавшей ковровое производство. Были собраны образцы изделий Узбекской, Туркменской и Киргизской республик. Основная часть этой коллекции в настоящее время хранится в Государственном

музее искусств Республики Узбекистан. В 1925 г. Средазкомстарис принял экспонаты отделов Узбекистана, и Туркменистана, демонстрировавшиеся на Всероссийской сельскохозяйственной и кустарно-промышленной выставке в Москве, большая часть которых, среди них были и ковры, поступила в Главный Среднеазиатский Музей.

В ноябре 1930 г. научный сотрудник Музея Т.Миргиязов выезжал в научную командировку в г. Ашхабад (Ашгабат) с целью приобретения со склада Росторга Туркменистана ковровых изделий для фонда музея. В музей были привезены переметные сумки - хурджины, торбы, вещевые мешки – чувалы, ковровые занавеси на двери юрты *энгси*, покрывала на верблюдов *асмалдык* и другие изделия конца Х1Х - начала ХХ вв., изготовленные в Мервском, Ахалтекинском, Керкинском, Баширском, Тахтабазарском, Бурдалыкском, Чаржуйском и других районах Туркменистана. Всего коллекция из поступивших в результате командировки предметов насчитывает 130 наименований и представляет собой хорошо подобранный комплект ковровых изделий, типичных для туркменского быта. В них отражены особенности орнаментации ковровых изделий крупнейших туркменских племен – текинцев, эрсари, йомудов и других.

В 1946 г. во время проведения этнографической экспедиции в Каракалпакию, наряду с другими предметами, Т.Миргиязовым были привезены юртовые шерстяные украшения с вышитым орнаментом.

В 1945 г. сотрудницей музея В.Г. Машковой был привезен в музей ковер *гилам,* приобретенный ею в сел. Актепа в Булунгурском районе Самаркандской обл. Ковер выполнен в нач. ХХ в. мастерами из племени туркмен, род Кашталполы. В 1946 и 1947 гг. В.Г.Машкова привезла в музей из Самарканда три ковра *джульхырс,* один из которых полушерстяной, нач. ХХ в. и два шерстяных, 2-й пол - Х1Х - нач. ХХ вв. Полушерстяной ковер изготовлен в 1920-е годы узбекскими мастерами племени найман, проживавшими в к. Джума Базар Самаркандской обл.

Ковер *гилам* был привезен частным лицом из предгорий Нуратинских гор, изготовлен, по словам продавца, узбеками племени «туркмен» около 1910-1914 гг. Куплен на базаре в г. Самарканде.

В 1979 г. в музей поступил палас с Шахрисябзской фабрики художественных изделий «Худжум». Палас был передан музею в соответствии с постановлением правительства о безвозмездной передаче музеям республики образцов продукции промышленных предприятий для укомплектования музейных фондов.

В 1980 г. через Центральный художественный салон Узбекистана был приобретен хивинский шерстяной, ворсовый ковер ручной выработки, изготовленный хорезмскими мастерами в г. Ургенче.

В 1984 г. через Объединение мастеров «Усто» в Ташкенте был приобретен шерстяной ворсовый ковер *гилам* ручной выделки, изготовленный каракалпакскими мастерицами.

В 1985 г. через Объединение мастеров «Усто» музеем были приобретены сразу семь шерстяных, ворсовых ковриков, выполненных в 1985 г. традиционным ручным способом мастерами Ургенчской зоны Объединения мастеров «Усто» (г.Ургенч) Искандаровой, Калхоразовой, Турдышевой, Шорабаевой: настульники (коврик для стула) и коврики под телефон. В том же году также по перечислению через Объединение мастеров «Усто» музеем были приобретены два шерстяных, ворсовых настульника, выполненных в 1985 г. мастером Нукусской зоны Объединения мастеров «Усто» Нысановой. В 1986 г. Хивинский ковровый комбинат перед в дар музею два жакардовых ковра, изготовленных комбинатом в том же 1986 г. В 1990 г. у жительницы кишлака Тим Советабадского района Самаркандской области, торговавшей своими изделиями на базаре в г. Ката-кургане были приобретены *бугжома* для завертывания одеял и одежды, изготовленная в 1950-х годах, переметная сумка *хуржун* и палас *гилам*, 1990 г.

Ковры и ковровые изделия хранятся в фонде в составе коллекций №№ 9 и 15. Распределяются следующим образом:

Ковры - 88 шт., из них представлены: Азербайджан – 9 шт.; Кавказ – 9 шт.; Афганистан 1 шт.; Кашгар – 3 шт.; Персия (Иран) – 5 шт.; Казахстан – 1 шт.; Киргизия – 1 шт.; Узбекистан – 18 шт.; Туркмения – 38 шт.; Средняя Азия – 3 шт.

Паласы - 37 шт., из них представлены: Узбекистан – 20 шт.; Кавказ – 1 шт.; Курды – 1 шт.; Казахстан – 2 шт.; Средняя Азия – 8 шт.; Туркмения – 5 шт.

Коврики (*намазлик, хольча* и др.) – 43 шт., из них представлены: Узбекистан – 12 шт.; Казахстан – 1 шт.; Туркменистан – 25 шт.; Средняя Азия – 1 шт.; Афганистан – 3 шт.; Кашгария – 1 шт.

Принадлежности юрты – 33 шт. шт., т.ч. *ковровые дорожки* – 8 шт. из них представлены: Узбекистан – 1 шт.; Туркмения – 7 шт.; *занавесь энгси* – 11 шт., из них представлены: Туркмения – 11 шт.; *коврики гермеч* – 1 шт.; из них представлены: Туркмения – 1 шт.; *коврики капуннук* – 6 шт.; из них представлены: Туркмения – 6 шт.; *коврики учак-баши*: - 2 шт.; из них представлены: Туркмения – 2 шт.; *мешки для уков* – 3 шт., из них представлены: Туркмения – 3 шт.; *ковровые изделия для украшения юрты* – 3 шт.; из них представлены: Туркмения – 3 шт.

Ковровые покрытия на животных - 4 шт. в т.ч. *наседельники* – 2 шт., из них представлены: Туркмения – 2 шт.; покрышки *осмолдук* – 2 шт., из них представлены: Туркмения – 2 шт.

Бугжома для завертывания одеял – 1 шт., в т.ч. Узбекистан – 1 шт.

Торбы – 129 шт., **дуль-торбы** – 8 шт., из них представлены: Туркмения – 137 шт.

Хурджины - 23 шт., из них представлены: Туркмения – 16 шт., Узбекистан – 4 шт., Афганистан – 1 шт., неопределенный регион – 1 шт.

Итого – 458 шт.

В настоящее время ведется работа по подготовке альбома-каталога, в котором получат отражение наиболее характерные разновидности ковров и ковровых изделий, хранящиеся в этнографическом фонде музея.

ГЛОБАЛЬНЫЕ ГЕОПАРКИ ЮНЕСКО - КИТАБСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ГЕОЛОГИЧЕСКИЙ ЗАПОВЕДНИК

Ахмедшаев А.Ш.
директор «Геологического музея»
Саипов Х.А.
научный сотрудник «Геологического музея»

Аннотация

Мазкур мақолада Китоб давлат геология қўриқхонаси фаолияти ва уни «ЮНЕСКО глобал геопарки» дастурига киритилиши масалалари ҳақида сўз юритилади.

Калит сўзлар: *Китоб, геопарк, «ЮНЕСКО глобал геопарки», «Ўзбектуризм», «Тошкентгеология».*

В данной статье говорится о деятельности Китабе охраны Государственных геологических ресурсов и о вопросах внесения ее в программу «Глобального геопарка ЮНЕСКО»

Ключевые слова: *Китаб, геопарк, «Глобальнвй геопарк ЮНЕСКО», «Узбектуризм», «Ташкентгеология».*

The information is given about the state geology reserve of Kitab and tasks about the including it into the "Global geological park of UNESCO" programme

Key words: *Kitab, geological park, "Global geological park of UNESCO", "Uzbek tourism", "Tashkentgeology"*

Узбекистан известен не только Бухарой, Самаркандом и Хивой. Перед туроператорами- просторное поле для создания новых туристических маршрутов, которые позволят сделать страну более интересной и превлекательной для туристов.

Рождение новых маршрутов, как локомотив , потянет за сабой появление и реализацию проектов с участием специалистов различных отраслей и предпринимателей. Так, в разработке нового маршрута от Ташкента до Китаба принимают участие и специалисты Госкомгеологии и Геологического музея. Сегодня ведутся работы по подготовке необходимых документов, но совсем скоро Китабский государственный геологический заповедник сможет войти в глобальную сеть геопарков ЮНЕСКО.

С 22 апреля по 26 апреля 2016г. в Ташкенте находилась делегация ЮНЕСКО, обсуждался вопрос включения Китабского гео-

логического заповедника в программу «Глобальные геопарки ЮНЕСКО».

23 апреля в Госкомгеологии Республики Узбекистан состоялся научный семинар с участием специалистов Госкомгеологии, Госкомприроды, Узбектуризма, Олий Мажлиса, Института «Геологии и геофизики» АН Республики Узбекистан.

Тема научного семинара – Ознакомление заинтересованных ведомств Республики Узбекистан с новым «Уставом международной программы по геонаукам и геопаркам (МПГ)», утвержденным в сентябре 2015г.

Глава представителей ЮНЕСКО Патрик Маккивер ознакомил присутствующих с основными критериями ЮНЕСКО для глобальных геопарков, определением понятия «Геопарк», их предназначениям, общим состоянием в мире по развитию геопарков, юридическими аспектами, требованиями к его организации, функционированию, условиями внесения геопарка в реестр ЮНЕСКО.

В свою очередь, представители Госкомгеологии и других ведомств ознакомили представителей ЮНЕСКО с состоянием дел по данной тематике в Республике Узбекистан. В докладах и презентациях был представлен геотуристический потенциал страны, правовые аспекты организации и функционирования геопарков, отношению «Узбектуризма» к данному вопросу и конкретные территории, где предполагается организация геопарков.

В своем ответном выступлении Патрик Маккивер положительно оценил перспективы геотуристического потенциала Республики Узбекистан, особенно отметив правильность методического подхода к выявлению, оценке и мониторингу объектов геологического наследия. Также он подчеркнул, что любой геопарк, как при организации, так и в процессе функционирования, обязан полностью отвечать требованиям законодательства страны.

24-25 апреля т.г. Патрик Маккивер и советник Сурен Гевенян посетили Китабский Государственный геологический заповедник. По результатам экскурсии представители ЮНЕСКО сделали свои заключения и дали предварительные рекомендации по совершенствованию законодательных и инфраструктурных аспектов геопарков и объектов геологического наследия.

Геологическое и биостратиграфическое изучение района юго-западных отрогов Зеравшанского хребта началось в 1957г., когда в

сае Ходжакурган А.И. Кимом была установлена нормальная последовательность слоев и произведено первое расчленение разреза по ярусам. Последующие работы по детализации стратиграфии и палеонтологической характеристике отложений палеозоя осуществлялись специалистами обьединения «Ташкентгеология» в тесном сотрудничестве со специалистами других учреждений.

Совместные исследования, в которых был задействован широкий круг ученных и специалистов, способствовали тому, что все геологические системы были наиболее полно охарактеризованы фаунистическими комплексами, состоящими из самых разных представителей фауны. Что позволяло проводить детальное подразделение геологических периодов, определять возраст горных пород, изучать условия осадконакопления.

Позже, на основе схемы биостратиграфического расчленения образований среднего палеозоя была составлена геологическая карта заповедника, созданы коллекции по систематике групп фауны.

Руководители и специалисты геологической службы Узбекистана (Х.Т. Туляганов , Т.Ш. Шаякубов, А.И.Ким и др.), а также крупнейшие ученые мира В.Циглер (ФРГ), Г. Клаппер (США) , Б.С. Соколов (Россия) выдвинули предложение организовать действующую базу научных исследований , охрану уникальных памятников природы.

Китабский государственный геологический заповедник был создан в 1979 году постановлением Правительства Республики Узбекистан, с целью изучения палеонтолого-стратиграфических объектов, представляющих научные памятники геологической истории Земли. Заповедник находится в Китабском районе Кашкадарьинской области.

Он расположен в юго-западных отрогах Зеравшанского хребта, на левобережье реки Джиндыдарья. Площадь -3938км^2. Абсолютные высотные отметки составляют 1300-2650 м над уровнем моря.

Путь к Китабскому государственному геологическому заповеднику пролегает через древний город Шахрисабз – туристическая жемчужина Узбекистана.

В период правления Амира Темура Шахрисабз был маленький городок с необычным названием Кеш, который по приказу

правителя стал отстраиваться и продолжал развиваться его прямыми потомками еще долгое время после его смерти. Глядя на его ухоженный современный вид, не скажешь, что этому небольшому городку 2700 лет, и что он играл значительную роль в истории Центральноазиатского региона. А ведь когда-то Шахрисабз был столицей древнего государства Согд.

Сегодня –этот город с развитой промышленностью и высокой культурой. Славится мастерами ковроткачества и тонкой вышивки, керамикой, хорошими винами. Уникальными древними памятниками Шахрисабз привлекает огромное число туристов из разных стран мира.

Природа Китабского заповедника очень богата природными ресурсами: растениями, животными, а также ископаемыми. Китабский заповедник расположен на территории древнего моря Тетис, существовавшего 370-470 млн лет тому назад, в котором накопились морские осадки среднего ордовика-карбона, местами перекрытые неоген-четвертичными осадками.

Этот заповедник был создан специально для охраны уникальных стратиграфических разрезов и содержащихся в них остатков древних ископаемых форм морских животных и растений. Разрезы палеозоя здесь охватывают интереснейшие геологические образования, заключающие в себе богатейшую и неповторимую информацию по значительному временному отрезку геологической истории Земли.

Рельеф среднегорный, резко расчлененный, скалистый в верхней части и несколько сглаженный –в нижней.

Ущелья Оби-Сафит, Ходжакурган, Зинзильбан, Новабак, Кушнова, Кызылалма, Куле, Джаршафи глубоко прорезали территорию заповедника на неповторимые по своей красоте уголки природы. В северо-восточной части заповедника раскинулось живописное урочище Ширдаг с панорамным видом на заснеженные вершины Гиссарского хребта и гору Хазрет-Султан.

За время существования заповедника, здесь проводились Международные совещания, сессии и школы по изучению кораллов, острокод, конодонтов, брахиопод; в разные годы издавались брошюры, буклеты путеводители по разрезам (1966, 1978, 1984, 2000).

В настоящее время сотрудники заповедника занимаются комплексным изучением фауны Эмского яруса, биологии редких и исчезающих видов растений и животных; проводят природоохранные мероприятия.

Территория заповедника сложена морскими осадочными образованиями палеозоя в обьёме средний ордовик-карбон, местами перекрытых неоген-четвертичными породами. Мощность палеозойских отложений около 4130м. Представлены они примерно на 93 %-карбонатными породами (из них 36 % доломиты, 57 %-известняки); 4 % составляют тирригенно-карбонатные образования,

2 %-терригенные и 1 %-продукты подводного вулканизма. Образовались породы 370-470 млн. лет назад, сохранив в себе уникальные сообщества ископаемых органических остатков морских животных и растений.

Палеонтологический музей заповедника-хранилище уникальных коллекций различных групп ископаемой фауны. Датируемые ордовиком- силуром-девоном и началом карбона морские осадочные образования содержат 18 групп окаменелостей: гидроидные полипы-75 видов, коралловые полипы-110, четырехлучевые кораллы-67. Членистоногие-53, иглокожие-70,головоногие-12, пластинча-тожаберные-21,мшанки-10, полухордовые-11, тентакулиты-19, конодонты-68 и др. Наличие такого широкого разнообразия представителей ископаемой фауны позволяет сопоставлять разрезы заповедника не только с разрезами Средней Азии, но и Казахстана, Урала, Сибири, Прибалтики, Канады, Западной Европы, Китая и Австралии.

В интервале геологического времени, охватывающего ордовик-девонский периоды. На территории Китабского заповедника, а также в пределах всей юго-западной части Зеравшано-Гиссарской горной области на протяжении 120-140 миллионов лет существовал теплый морской бассейн, в котором бурно развивалась жизнь того периода. Морская среда характеризовалась большим разнообразием условий жизни организмов, в связи с чем, они делились на определенные группы. Организмы, жившие на дне, составляли так называемый бентос. Одни из них вели сидячий или прикрепленный образ жизни, другие свободно передвигались по дну. Прикрепленную группу представляли многочисленные морские водо-

росли, губки, кораллы, морские лилии, мшанки и др. Блуждающая группа включала большое количество морских организмов, куда входили черви, пластинчатожаберные и брюхоногие моллюски, морские ежи и звезды. Существовала также группа животных, которая составляла планктон-диатомовые водоросли, фораминиферы, радиолярии, некоторые ракообразные. Это, в основном, животные и растения, которые пассивно переносились в воде волнами и течениями.

Главной достопримечательностью заповедника являются палеонтолого- стратиграфические разрезы . Это обьекты, где можно наблюдать последовательность образования горных пород и изучать сохранившиеся в них окаменелости древних органических форм. Основными типовыми разрезами палеозоя Зеравшано-Гиссарской горной области является разрезы ордовика-нижнего силура перевала Шахриомон, саев Новобак и Горлисай; верхнего силура-нижнего девона сая Оби-Сафит; девона саев Зинзильбан и Ходжакурган; верхного девона и карбона сая Куле и др.

Изобилие и разнообразие ископаемых органических остатков делают разрезы заповедника исключительно ценными обьектами для определения возраста отложений и их корреляции, расшифровки условий формирования тех или иных пород, а также для наиболее обоснованной интерпретации геологического строения изучаемых районов.

Китабский государственный геологический заповедник является обладателем и хранителем мирового стратиграфического эталона-стандарта нижней границы эмского яруса нижнего девона или точки глобального стратотипа границы, находящегося в разрезе Зинзильбан. Стратотип был избран Международной подкомиссией по стратиграфии девона в 1989 году и ратифицирован в 1996 году Международным союзом геологических наук.

Таким образом, разрез Зинзильбан представляет собой обьект Мирового геологического наследия, который обеспечил Китабскому заповеднику международный статус.

Ущелье Ходжакурган- одно из красивейших мест заповедника. От базового поселка к началу ущелья ведет дорога, переходящая в тропинку, проторенную вдоль проторенную вдоль шумной горной речки. Травянисто-кустарниковая растительность представлена здесь прангосом, девясилом, конским щавелем, алтеем,

борщевиком, мятой, ежевикой, шиповником. Для древесной растительности характерно присутствие миндаля, клена, боярышника, грецкого ореха.

На входе в ущелье находится граница между силуром и девоном. Разрез начинается с доломитов аргской серии верхнего силура. Девонские отложения представлены массивными серыми тонкозернистыми известняками монотонного сложения. Этот тип пород отпечатал временной отрезок жизни. Исчисляемый в 5 млн. лет при скорости накопления осадков 3 метра в 1000 лет. В известковистых породах мощных рифовых комплексов можно прочесть периоды спокойной жизни моря, катастрофических штормов. Деятельность приливно-отливных волн. Рифовые фации известняков содержат окаменелости разных групп фауны. Мощные массивные пласты сменяются слоистыми разновидностями. Цикл составляет 15-20м.

Еще одна достопримечательность этого места - ущелье Ходжакурган. Это живописное место с чистейшей горной речкой, а в ущелье есть проход, называемый »Тушлик». В глубине щели на стене просматривается природный наскальный рисунок в виде силуэта «Дервиша». Завораживающий нерукотворный природный отпечаток. Хотя местные жители связывают это с именем одного из паломников.

Приблизительно на 1000м разреза меняется геоморфология долины. Она постепенно расширяется , склоны ее становятся более пологими. Обнажая пласты известняковых пород, имеющие четкие границы и характеризующиеся определенным набором литологических и палеонтологических признаков. В совокупности эти породы составляют ходжакурганскую свиту, сложенную кремнисто-карбонатной толщей пород. Для этой свиты характерны резкие переходы одних разностей известняков в другие, черты ритмичности. На основе палеонтологических данных, а также с учетом изменения состава пород, ходжакурганская свита подразделяется на зинзильбанские, норбанакские, джаусские, обисафитские и навихушские слои. Нижняя ее граница, выраженная нормальным переходом от массивных известняков к слоистым, фиксирует смену условий осадконакопления пражско-эмского времени. Верхняя граница свиты контактирует по разлому с терригенными породами шахриомонской свиты ордовика. Породы ходжакурганской свиты

включают разнообразные окаменелости как бентосных, так и пелагических групп фауны. Долина сая Ходжакурган то довольно широкая, то узкая, с надпойменными террасами и склонами, заросшими кустарником, рощицами, а также одиночными деревьями грецкого ореха, многие из которых дуплистые «старожилы». В дол речки сая тянется густое сплетение трав и кустарников из шиповника, борщевика, кодонопсиса, ежевики. Здесь можно встретить змей, множество птиц, а также обнаружить следы медведя .

Таким образом, долина сая Ходжакурган-это не только один из современных эпизодов живой природы, но и, запечатленная в камне, история Жизни, охватывающая 140 миллионов лет палеозойского времени.

Урочище Ширдаг-еще один неповторимый по красоте и своеобразию уголок природы. Раскинулось оно в северо-восточной части заповедника на высоте 2100м.

Путь к урочищу пролегает по правобережью р. Джиндыдарьи через кишлаки Мадмон и Деновболо. На водораздельной части хребта Каратаг взору предстает широкая долина, обрамленная горными грядами. Здесь, в долине, обрамленная горными грядами. Здесь, в долине, берут начало две реки Карасу и Ширдагсай, текущие в разных направлениях.

Весной склоны гор усеяны полянами цветущих тюльпанов, ирисов, пионов, одуванчиков. На вспаханных и незасеянных участках синеют заросли синяка Биберштейна.

Богат и разнообразен в Китабском заповеднике мир живой природы. Проблемы, связанные с его сохранением и изучением-главная забота биологов. Флора сосудистых растений заповедника насчитывает около 800 видов; 22 из них включены в Красную книгу Узбекистана (1998). Среди них имеются виды, находящиеся под непосредственной угрозой исчезновения (статус I): юнона великолепная, дикий гладиолус, тюльпаны Фостера и великий, штернбергия Фишера и кузиния согнутоколючковая. Ряд редких видов (статус II):пион средний, гвоздика узбекистанская, остролодочкин тахтинский, ферула мускусная, кузинии Буткова и джизакская, тюльпаны Королькова и туркестанский, а также эремурус мощный требуют тщательного наблюдения за состоянием популяций. К сокращающимся видам (статус III) относятся: ветренница вытянутая , аллохруза качимовидная , безвременник Кессельринга, ша-

фран Королькова и др. Такие растения нуждаются в регулярной оценке состояния их численности. Дендрофлора представлена 60 видами. Основная лесообразующая порода-арча заравшанская. Много лиственных пород: клен, миндаль, вяз, боярышник, рябина и другие.

Поверьте , пребывание здесь гарантирует массу положительных эмоций. Живописная природа- это всего лишь часть прекрасного. Вы получите массу впечатлений от климата: весна и лето, осень и зима- все в одном флаконе…

ЛИТЕРАТУРЫ

1. «Полевая сессия Международной подкомиссии по стратиграфии девона» 1978г

2. «27 Международный геологический конгресс» июль1984г.г.Моска

3. «Школа кораллистов» Полевой сезон 1986г. Ташкент.

4.»Всесоюзная школа Палеобиология, Биостратиграфия и Палеоэкология Конодонтов» 1987г. г.Москва.

5.Государственный Комитет Республики Узбекистан по геологии и минеральным ресурсам Н.А.Ахмедов, А.И.Ким, У.Д.Рахмонов, Г.Е.Камагуров, Т.С.Тиллаев «Китабский Государственный геологический заповедник» Ташкент 2004г.

6.Международная конференция «Глобальная Корреляция нижнедевонских карбонатных и кластических разрезов» 2008г.

ДОРБОЗЛИК САНЪАТИДА АНЪАНА ВА ЗАМОНАВИЙЛИК

Ташкенбоев П.И
ТДМРХОМ кафедра мудири, с.ф.н.

Аннотация

Статья посвящена одному из жанров традиционного узбекского цирка – искусству дорбозов, которое имеет древнюю историю и богатые традиции. Пройдя многовековой путь развития, оно сохранилось до наших дней как один из объектов нематериального культурного наследия узбекского народа. Автор исследует национальные особенности это вида искусства, его роль и место в системе традиционных народных зрелищ. Тема рассматривается на примере династии дорбозов Ташкенбаевых, выступающих в цирке более 150 лет. Особое внимание уделено развитию искусства дорбозов за годы независимости Республики Узбекистан и выходу узбекского цирка на международную арену.

The article is devoted to one of the genres of the traditional Uzbek circus - the art of dorboz, which has an ancient history and rich traditions. Having passed the centuries-old path of development, now it is one of the objects of the intangible cultural heritage of the Uzbek people. The author explores the national peculiarities of this kind of art, its role and place in the system of traditional folk entertainment. The topic is examined on the example of the dynasty of Tashkent's dorbozes of Tashkenbaevs, who have been performing in the circus for more than 150 years. Particular attention is paid to the development of art of dorbozes for the years of Independence of the Republic of Uzbekistan and the release of the Uzbek circus on the international arena.

Халқ томоша санъати турларидан бири бўлмиш ўзбек цирк санъати кўп асрлик тарих ва бой анъаналарга эга. Тарихий маълумотларга кўра, Ўзбекистон ҳудудида қадим замонлардан ҳилма-ҳил цирк ўйинлари кенг тарқалган экан. Халқ байрамлари кунлари бозор майдонлари ва сайилгоҳларида созанда, қўғирчоқбоз, масхарабоз ва қизиқчиларнинг чиқишлари билан бир қаторда цирк ўйинлари ҳам томошабинларда катта қизиқиш ўйғотган. Бу ерда дорбозлик, симбозлик, бесуяк, муаллақчилик, найрангбозлик, ёгочоёқ, ёгочот, олов пуркаш, пичоқ ўйини, лаган

ўйини, чинни ўйини, кўза ўйини, полвонлик, чиғириқ ўйинлари, чавандозлик, ўргатилган от, туя, айиқ, маймун, илон, эчки ўйинлари кенг намойиш этилган. Улар орасида марказий ўринни дор ўйинлари эгаллаган, чунки турли цирк томошалари, асосан, баланд тортилган дор тагидаги майдонда кўрсатилган.

Бизгача етиб келган бир қатор тасвирий санъат асарлари ва адабий манбалар дор ўйинлари таҳминан икки ярим минг йилдан ортиқроқ тарихга эга эканлигидан гувоҳ беради. Дорбозлик санъати бир қатор мамлакатларда, хусусан, Қадимги Ҳитой, Миср, Юнонистон, Римда маълум бўлган.

Циркшунос олимлар томонидан Ўзбекистон ҳудуди ҳам цирк санъати, ҳусусан дорбозликнинг энг қадимий маконларидан бири деб тан олинган.

Баъзи манбаларга асосланиб, Ўзбекистон худудида дорбозлик санъати XIV – XV асрлардан илгарироқ ривожланган, дейишимиз мумкин. Жумладан, Амир Темур саройининг тарихчиси Шарофиддин Али –Яздий Самаркандда бўлган турли тўй, байрам ва сайилларида кўрсатилган дор ўйинларини жуда қизиқарли қилиб тасвирлайди. Унинг ҳикоя килишича, дор устидаги йигитларнинг маҳорати жуда ажойиб бўлган. Одамлар ўз ишларини ташлаб бўлсада, дорбозлар томошасини кўриш учун майдонга йиғилишар экан. Арқоннинг бир учи жуда баландда, бамисоли «осмон гумбазига тегиб турар» экан.

Испан элчиси Рюи Гонзалес де Клавихо Амир Темур хузурида бўлганида дор ўйинларини кўрсатилганлиги хакида ёзади. Бу сингари манбаларни кўплаб келтиришимиз мумкин.

Ўрта асрларда ўзбек дорбозлари Буюк Ипак йўли орқали Ҳитой, Эрон, Афғонистон, Ҳиндистон каби мамлакатларга етиб бориб боришган.

XVIII – XIX асрларда эса улар Россияда хам машхур бўлишади. Масалан, 1771 ва 1785 йилларда ўзбек дорбозлари Москва шаҳрида томоша кўрсатганлиги тўғрисида ёзма маълумотлар бор.

XIX асрнинг иккинчи ярмида Тошкент шаҳри ва Фарғона водийсининг Асака ва Қува қишлоқлари дорбозлик санъатининг ўзига ҳос марказларига айланади. Бу ердаги дорбозлар бутун Туркистон ўлкасига тарқалиб, ўз маҳоратларини намойиш этиб келишган.

Ўзбек миллий дорбозлик санъати бошқа халқларнинг дор ўйинларидан бирмунча фарқ қилади. Аввалambор, анъанавий дор қурилмаси ўзига ҳос кўринишга эга бўлган. Турли мамлакатларда дор, одатда, қия ёки ерга нисбатан горизонтал холда тортилган бўлса, ўзбек дори, улардан фарқли уларок, бир нечта кесмадан иборат бўлган. Унинг баландлиги 20 – 25 метр, узунлиги эса 30 – 35 метрни ташкил этган. Дор устунлари бир бирига боғланган дарахт таналаридан ясалган. Дорбознинг оёғи остида йўғон жун арқон айланиб кетмаслиги учун у узунлиги бўйича 5 – 6 жойда ингичкароқ арқонлар билан ерга қоқилган қозиқларга махкамланган. Натижада таранг тортилган дорнинг турли кесмалари ерга нисбатан турли қияликда бўлган. Бундай дор устида ранг-баранг ўйинларни кўрсатиш учун ижрочидан юксак маҳорат талаб қилинган.

Дорбозлар 30 дан ортиқ машқларни бажаришган. Масалан, улар қўлларида лангар ўшлаб, олдинга ва орқага юришган ва югуришган, дорга ўтиришган, оёқларга пичоқ, патнис, пошнали оёқ кийим ёки ёғочоёқ кийиб юришган, шунигдек, кўзни белбоғ билан боғлаб ёки бошига коп кийиб юришган.

Дорнинг тагида баъзида симдор ўйинлари хам ижро этилган. Симдорнинг баландлиги одатда 2,5 – 3 метр, узунлиги эса 5 – 6 метр бўлган. Таранг тортилган дордан фарқли уларок, симдор ирғитиш хусусиятига эга, шунинг учун симдорда мувозанат сақлаш ва машқлар бажариш бирмунча мураккаброқ. Симбозлик ўйинлари турли ҳил сакрашлардан иборат. Олға ва орқага сакраш, чордона қуриб ўтириш, иккала оёқни ўнг ёки чап томонга ўтқазиб, симдорга ўтириш ва сакраб, қайта тик туриш, симдор устига ётиш, умбалоқ ошиш шулар жумласидандир.

Асрлар мобайнида дорбозлик касби авлоддан авлодга мерос бўлиб ўтиб келган. Шунингдек, миллий цирк соҳасида қадимдан «устоз – шогирд» мактаби маълум бўлган. Катта ижодий тажрибага эга бўлган устозлар ўзларига ёш болаларни шогирдликка олиб, уларга анъанавий цирк ўйинларини ўргатиб келишган. Бўлажак артистлар бир неча йил давомида муаллақчилик ўйинларини, чиғириқда гимнастика машқларини бажаришни, ёғочоёқда туриб, рақсга тушишни, жонглёрлик ўинларини намойиш этишни, дорда юришни ўрганиб келишган. Шунингдек, улар масхарабозлик ва қизиқчилик санъатини

ўзлаштиришган ҳамда миллий мусиқа асбобларида чалишган. «Устоз – шогирд» анъаналари миллий цирк санъатида ҳозирги кунгача сақланиб қолган.

Ўзбек цирки тарихида дорбоз Тошкенбоевлар сулоласи алохида ўрин эгаллайди. Бу машхур сулола нафақат ўзбек цирки, балки жахон цирки тарихидаги энг қадимийлардан бири деб ҳисобланади. Улар 150 йил мобайнида миллий дорбозлик анъаналарини давом эттириб ва ривожлантириб келишмоқда.

Дорбоз Тошкенбоевлар сулоласига асос солган Эгамберди ота Андижоннинг Асака шаҳрида таваллуд топди. У XIX асрнинг 50 – йилларида Макка ва Мадинага муборак хаж зиёратига бориб, у ерда сайёр дорбозлар гурухига қўшилади ва дорбозлик санъатини ўрганади. Ўз юртига қайтиб келгач Асака шаҳрида баланд тортилган дор устида ўз махоратини намойиш этиб, халқ орасида Хожи-дорбоз номи билан танилади.

Кейинчалик Тошкент шаҳрида ўз махорати билан машхур булган Эгамберди : «Агар ўғил кўрсам исмини Тошкенбой қўяман» деб ният қилади.

Кўп вақт ўтмай унинг орзуси ушалди. 1866 йил 3 март куни Тошкенбой дорбоз таваллуд топди.

Тошкенбой 7 ёшидан дорбозлик, симбозлик ва муаллақчилик ўйинларини ўрганиб, отаси билан халқ сайилларида ва байрамларда дор ўйинларида иштирок этади.

1908 йил Тошкентда уюштирилган «Ҳунармандчилик кўргазмасида» дорбозлик санъатини намойиш этган Тошкенбой бутун Туркистон ўлкасининг энг моҳир дорбози сифатида тан олиниб, олтин медаль билан тақдирланади.

1909 йилда у Бухоро амири саройига таклиф қилинади. Тошкенбой қия тортилган, баландлиги 25 метр, узунлиги 35 метр бўлган дор устида ҳеч қандай мухофаза воситаларидан фойдаланмай мураккаб машқлар бажариб томоша кўрсатади. Унинг жасорати ва юксак махоратидан хайратланган амир Тошкенбой Эгамбердиевни ўзининг олтин медали билан тақдирлайди.

1920 – 1930 йилларда Тошкенбой ота ўғиллари Қодиржон, Шокиржон ва Обиджон Тошкенбоевлар билан давлат ва хусусий циркларда дор, симдор, муаллақчилик, чиғириқ ўйинларини намойиш этиб келишган.

1935 йил Санкт-Петербург шаҳрида Тошкенбой Эгамбердиев раҳбарлиги ва иштирокида анъанавий дор ўйинлари илк маротаба очиқ майдондан цирк гумбази остига кўчирилди. Бу муҳим воқеа ўзбек дорбозлик санъатида янги даврни бошлаб берди. Дор ўйинлари цирк шароитига мослаштирилган бўлса-да, ўзининг миллий хусусиятини сақлаб қолди.

Ўша йилнинг ўзида ўзбек цирки тарихидаги биринчи дорбоз аёл – Марямхон Тошкенбоева илк бор дорга чиқди.

XX асрнинг ўрталаридан бошлаб, Тошкенбоевлар томонидан миллий дорбозлик санъатига бирмунча ўзгаришлар киритилди. Хусусан, замонавий талабларга жавобан, дор қурилмасида жун арқон ўрнига трос, ёғоч устунлар ўрнига темир устунлар ишлатилди, шунингдек, илк бор муҳофаза воситаси, яъни «лонжа» қўлланилди. Натижада дор устида янги, мураккаб ўйинларни ижро этиш учун имконият яратилди. Якка ижрочи бажарадиган машқлар билан бир қаторда, икки, уч, тўрт киши ижро этадиган машқлар репертуарга киритилди.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, жаҳон цирки тарихида дорбоз Тошкенбоевлар илк маротаба ижро этган «Уч қаватли пирамида», «Икки кишилик шпагат», «Уч кишилик шпагат» каби ўта мураккаб ўйинларни хозирги кунгача дунёнинг бирорта дорбози такрорлагани йўқ.

Тошкенбоевлар томонидан анъанавий дор ўйинларига киритилган ўзгаришлар ва янгиликлар миллий дорбозлик санъатини янги босқичга кўтарди. Бу ўзгаришлар миллий дорбозлик гурухлари фаолиятига ижобий томондан таъсир этди. Мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган 40 дан ортиқ дорбозлар жамоалари ўша йилларда киритилган ўзгаришлардан хозирги кунгача фойдаланиб келишмоқда.

Ўзбекистон халқ артисти Обиджон Тошкенбоев ўзбек цирки тарихида биринчи бўлиб, дор ва симдорда олға ва орқага сальто-мортале ижро этди. Унинг акаси Шокиржон Тошкенбоев илк бор анъанавий дорда муҳофаза воситаларини қўллаб, бир қатор мураккаб трюкларни ижро этди. Ўзбекистон халқ артисти Камолиддин Тошкенбоев ушбу дор қурилмасини бирмунча такомиллаштириб, икки поғонали ва уч поғонали дорда мураккаб ўйинларни саҳналаштирди ва ўзи уларда иштирок этди.

Ўзбекистон ва Россия халқ артисти Тошкенбой Эгамбердиев ўзбек цирки тарихида ёркин из қолдирган буюк санъаткорлардан биридир. У қадимий дорбозлик санъатини бир неча поғонага кўтариб, уни замонавий циркнинг бадиий ифода воситалари ва мураккаб ўйинлари билан бойитди ва жахон цирки майдонига олиб чиқди.

Ўзбек дорбозлик санъатини ривожлантиришдаги буюк хизматлари учун Тошкенбой Эгамбердиев Ўзбекистон ва Россия Халқ артисти унвонлари ва «Меҳнат Қаҳрамони» ордени билан тақдирланганлар.

Юксак ижрочилик махорати ва миллий дорбозлик санъатига қўшган хиссаси учун Тошкенбоевлар сулоласининг уч вакили – Обиджон, Камолиддин ва Мамлакат Тошкенбоевлар – «Ўзбекистон халқ артисти», беш вакили – Марямхон, Эркинжон, Донохон, Олимжон, Алишер Тошкенбоевлар – «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист» унвонларига сазовор бўлишди.

Тошкенбой Эгамбердиев номи Тошкент Давлат Циркига, Тошкент ва Асака шаҳридаги кўчаларга ҳамда Асака шаҳридаги «Маданият ва истрохат боғи»га берилиб, унинг номи абадийлаштирилди.

Мустақиллик шарофати билан ўзбек цирки халқаро майдонда мустахкам ўрин эгаллади. Тошкенбоевлар сулоласининг ёш вакиллари йигирмадан ортиқ мамлакатларга ижодий сафарлар уюштириб, минглаб чет эллик томошабинларни миллий дорбозлик санъати билан таништириб келишди. Шунингдек, сулоланинг ёш вакиллари – Тохир, Мурод, Рустам, Шокир, Беҳзод, Жамшид Тошкенбоевлар Италия, Хитой, Жанубий Корея, Россия, Қозоғистонда бўлиб ўтган бир қатор нуфузли халқаро цирк фестивалларида ва кўрик-танловларида муваффақиятли иштирок этиб, фахрли ўринларни эгаллашди.

Демак, қачонлардир Эгамберди Хожи-дорбоз асос солган Тошкенбоевлар сулосаси давом этади ва ўзбек дорбозлик санъати абадий яшайди.

АДАБИЁТЛАР

1.Боровков А.К. Дорвоз. Т.: 1928.
2.»Ўзбекистон санъати». Мақолалар тўплами. Т.: «Шарқ». 2001.

ҚАДИМИЙ ХОРАЗМ МИНОРАЛАРИНИНГ ҚУРИЛИШИДАГИ ЗИЛЗИЛАБАРДОШЛИК МАСАЛАЛАРИ

Дурдиева Г.С.
Хоразм Маъмун академияси
катта илмий ходими, т.ф.н.

Аннотация

Мақолада Хива шаҳридаги Ичан Қалъа музей қўриқхонаси ҳудудида жойлашган тарихий-меъморий ёдгорликларнинг техник ҳолатларини ўрганиш бўйича олиб борилган илмий тадқиқот ишларининг натижалари келтирилган.

Калит сўзлар: *Хивадаги, зилзила, меъморий иншоотлар, археология, структура, тарихий ёдгорлик, тадқиқотлар, намуналар, Ичан Қалъа, музей қўриқхона.*

В статье приведены некоторые результаты мониторинговые натурные исследование памятников архитектуры комплекса Ичан-Калы г. Хивы для изучение их технического состояния.

Ключевые слова: *в г. Хиве, сейсмика, архитектурные сооружений, стены, археология, структура, исторические памятники, исследование, образцы, Ичан Калы, музей заповедник.НА методы*

In this article the results of scientific-research works provided on studying technical condition of historical-architectural monuments that are located in Ichan Qala museum-reserve in Khiva.

Key words: *in Khiva, seismic, of monuments, archeology, structure, historical monuments, research, samples, methods, in Ichan-Qala, museum-reserve.*

Қадимий Хоразм ўзининг юқори даражада ривожланган меъморчилик ва қурилишдаги тамаддуни билан инсоният тарихида беқиёс ўрин тутган десак муболаға бўлмайди. Ўтмишдаги уста-меъморларнинг ноёб ва нодир меросини, яъни айнан қурилиш ва меъморчилик соҳасидаги зилзилабардошлик услубларини ҳар томонлама ўрганиш давр талабидир. Тарихдан маълумки, ота-боболаримизнинг математик фикрлашлари юқори даражада бўлган. Аста-секин математик фикрлашдан амалий ишларга, яъни меъморчилик-қурилиш маданияти ва санъатига кўчириш жараёни кузатилган. Қурилиш ва меъморчиликнинг

ижодий маҳсули - бу бино ва иншоотлар бўлиб, айниқса турли хил ўлчамдаги миноралар тиклашга алоҳида эътибор қаратилган.

ЮНОСКО томонидан «Очиқ осмон остидаги музей шаҳар!» деб эътироф этилган қадимий Хиванинг Ичан Қалъа музей қўриқхонасида бир қанча осмонўпар миноралар, маҳобатли мадрасалар, кўркам масжидлар жойлашган бўлиб, улар асрлар давомида табиатнинг турли хил салбий таъсирларига бардош бериб келмоқда. Қадимда уста-меъморлар меъморий обидаларни қурилишида зилзила кучини сўндирувчи қандай услублар қўллаганликлари ва уларни тиклашда қандай қурилиш материалларидан фойдаланганликлари барчани қизиқтирадиган саволлар сирасига киради.

Маълумки, Хоразм ҳудуди асосан соғ тупроқ ва қумли лой грунтлардан иборат бўлиб, улар бино ва иншоотлар асоси, яъни замини вазифасини ўтайди. Меъмор-қурувчилар иншоот пойдеворини қуришдан олдин асос грунтини мустаҳкамлаш мақсадида котлованни бир неча марта сувга тўлдириш орқали грунтнинг максимал чўкиши ва зичлашишига эришганлар. Баъзи ҳолларда, заруриятдан келиб чиқиб, майдон нивелирлангандан (текисланган дан) кейин махсус лой қатлами билан сувалган. Бу билан биринчидан, пойдевор ер ости сувлари агрессив таъсиридан ҳимоя қилинган бўлса, иккинчидан, ушбу лой қатламининг юқори пластиклик хусусияти туфайли сейсмик таъсирни, яъни зилзила кучини сўндиришга эришилган[214].

Минорадек мураккаб иншоот сейсмик актив ҳудудда, унинг устига мураккаб геологик ва гидрогеологик шароитда қурилса, қурувчи ва меъмордан янада юқори аниқлик ва масъулият талаб этилади. Хоразм воҳаси ноқулай грунт шароити ва ер ости сувлари сатҳининг баландлиги ҳамда ер ости сувларининг қурилиш материалларига ва ашёларига агрессив таъсири билан характерланади.

Хива миноралари ўзларининг қуйидаги хусусиятлари билан бошқа миноралардан ажралиб туради: серҳашам ойнаванд туйнуклар минора танасининг ўзида жойлашиб, пештоқ ўрнидаги кесмалардан кўзга ташланади, бу мораларнинг янада хушбичим бўлиб кўринишини таъминлайди. Шу боисдан миноралар бир-

[214] Холмурадов Р.И., Кириков Б.А., Фахриддинов У. Сейсмостойкость архитектурных памятников Средней Азии и Кавказа. Самарканд-1994, стр.84.

бирига ўхшамайди. Меъморлар, қурувчилар ва наққошлар миноралрнинг мутаносиблиги, кўриниши, андазаси ва безакларини ўта моҳирлик билан ишлаганлар.

Тарихий маълумотларга кўра, 1851 йилда Муҳаммад Аминхон мадрасаси ёнида тиклана бошланган ва баъзи сабабларга кўра курилиши тўхтаб колган Калта Минор на фақат Хива хонлигида балки, бутун мусулмон оламида энг баланд минора бўлиши мўлжалланган экан[215].

Калта Минора бўйича ўлчов ишлари ўтган асрнинг 30-йиллари охирида В.Л.Воронина томонидан амалга оширилган. Минора кейинчалик В.Булатова, И.И.Ноткинлар томонидан умумий меъморий ёдгорликлар мажмуаси таркибида ўрганилган[216]. Бу ўлчов ишларини минора конструктив тузилиши нуқтаи назардан етарли дейиш қийин. Калтаминор иншоотининг баландлиги 28,0 метр бўлиб, диаметрининг асосдаги қиймати D=14,2 метр ва юкоридаги киймати d=10,6 метрга тенг.

Ушбу минора курилиши охирига етказилса, унинг баландлиги 75,0м, иншоот юқори диаметри d=2,2м. га тенг бўлиши лозим эди.

Мутахассисларнинг фикрича, Марказий Осиё миноларининг бошланғич шакли қалъа меъморчилигидаги кузатув чўққиларидан олинган. Бироқ, уларнинг куб ва айлана шаклидаги пойдевори, серқирра пастки қисми, учи қубба билан тугалланадиган конуссимон танаси Беруний таърифлаган ҳинд ибодатхоналари шаклига ўхшаб кетади. Бундай шакл иншоотдан ҳар қандай мақсадда фойдаланиш маъносини англатмай, аксинча, ғоявий ва рамзий маъноларни билдирган холос[217].

Салобатли Калта Минорни мураккаб қурилиш шароитида борпо этишда қатор мухандислик масалалари ечилган. Маълумки, иншоот баландлиги ортиши билан унинг хусусий оғирлиги хам ортиб боради ва унинг танасида катта қийматдаги зўриқишлар вужудга келади.

Калта Минор иншоотнинг пастки қисми диаметри миқдорини баландлик ортиши билан интенсив камайтириб бориш орқали қурувчилар иншоот танасидаги зўриқишларнинг кескин ортиб

---

[215] “Хива – минг гумбаз шаҳри” рангли альбом. “Шарқ” нашриёт – матбаа концернининг Бош таҳририяти, Тошкент, 1997. 88б.

[216] Манковская А., Булатова В. «Памятники зодчества Хорезма», - Ташкент, 1978 г. стр.160.

[217] Ноткин И.И. Строительные приемы и конструкции в архитектуре Хивы. Сб. “Искусство зодчих Узбекистана”, Выпуск 3. Ташкент, 1965. стр.156.

кетишининг олдини ола билганлар. Шу нуқтаи назардан қурувчиларнинг минора кўндаланг кесимини баландлик бўйлаб камайтириб борганликлари зилзилабардошлик нуқтаи назаридан қараганда оқилона ечим бўлган.

Калта Минорнинг эксплуатацион жараёни талабларига кўра, иншоотда зинапоя ва фонарлар қилиниши зарурияти мавжуд бўлган. Зинапоялар винтсимон шаклда ўзак атрофида ташқи деворга минимал масофага яқинлашиш орқали қилинган. Худди шундай ечимни Хивадаги Ичан Қалъа музей қўриқхонасида жойлашган Ислом Хўжа минораси қурилишида ҳам кўриш мумкин.

1908-10 йилларда тикланган Ислом Хўжа минорасида ер сатҳидан тахминан 1,20 м баландликда қалинлиги 20 см бўлган мармар блоклардан гидроизоляцион қатлам қўйилиб, қатлам тагига толь тўшалган. Мармар ва толь қатлами пастдан намликни тепа деворга ўтказмаслик учун хизмат қилишдан ташқари, зилзила пайтида сейсмик изоляцион сирпанувчи қатлам вазифасини ҳам бажаради.

Муҳандислик нуқтаи назаридан минора жуда мураккаб-уникал иншоот ҳисобланадики, унинг зилзила пайтидаги ҳолатини олдиндин билиш жуда мушкул иш. Маълумки, бундай иншоотнинг баландлик ўлчамининг ортиши миноранинг инерцион массасининг ортишига, бу ҳол эса зилзила пайтида иншоотга таъсир килувчи сейсмик нагрузкаларнинг ортиб кетишига сабабчи бўлади. Шу ўринда қайд қилиш лозимки, ушбу таъсирни камайтириш ҳамда мазкур иншоот ғишт танасидаги кучланиш қийматининг кескин ортиб кетмаслиги учун қурувчилар миноранинг диаметрини баландлик ортгани сайин камайтириб борганлар, яъни ер сатҳида D_T =9,5 м бўлса, унинг эни юқори қисмидаги қиймати D_T =3,0 м га тенг.

Миноралар яхлит танасида зинапоя орқали юқорига кўтариладиган бўшлиқларнинг мавжудлиги ғиштлардаги зўриқишларнинг маълум даражада нотекис тақсимланишига сабабчи бўлишини ҳисобга олиб, бу зинапояларни ер сатҳидан маълум баландликдан бошлаб қурилган. Калта Минор иншоотида ички зинапоялар ер сатҳидан 5,0 метр масофадан бошланган. Миноранинг ички винтсимон зинапоясида юриш учун

мўлжалланган бўшлиқ унинг кириш кисмида 2,1 х 1,5метр бўлиб, баландлик ортгани сайин унинг ўлчами камайиб борган.

Калта Минор иншооти фақатгина маҳобатлилиги билангина ажралиб турмасдан, балки ўзига хос безаги билан ҳам ажралиб туради. Минора танасидаги белбоғлар жуда чиройли нақшлар билан қопланган бўлиб, унда Хоразм меъморларининг юксак маҳорати орқали махаллий меъморчиликнинг беқиёс ютуқлари намоён этилган.

Кўкка бўй чўзиб турган ушбу Калта Минор обидаси ялтироқ қошинли қопламалар билан бўғим-бўғим қилиб безалган бўлиб, мовий, зангори, оқ феруза бўёқлари осмон ранги билан уйғунлашиб турибди. Калта Минор тугалланмаган бўлса-да, унинг ҳозирда мавжуд қисми ўзининг мазмун ва шакли билан ўз даврининг юксак меъморчилик ва қурилиш санъати маҳсули сифатида қад ростлаб Ичан Қалъа музей қўриқхонасига ўзгача чирой бахш этиб турибди.

Инсоният тамаддунида бетакрор ўрин тутган ва Хоразм меъморлари санъати ва меҳнатининг маҳсули бўлган ҳамда бугунги кунда «иккинчи» умрини яшаётган ушбу миноралар - Хива шаҳрига дунёнинг етти иқлимидан оқиб келаётган саёҳларнинг сонини кўпайтирмоқда ва улар даҳо меъморларнинг ўчмас хотирасига тасаннолар айтмоқдалар.

АДАБИЁТЛАР

1. А. Манковская, В. Булатова «Памятники зодчества Хорезма», - Ташкент, 1978 г.

2. «Хива – минг гумбаз шаҳри» рангли альбом. «Шарқ» нашриёт – матбаа концернининг Бош таҳририяти, Тошкент, 1997.

3. Ноткин И.И. Строительные приемы и конструкции в архитектуре Хивы. Сб. «Искусство зодчих Узбекистана», Выпуск 3. Ташкент, 1965.

4. Р.И.Холмурадов, Б.А.Кириков, У.Фахриддинов. Сейсмостойкость архитектурных памятников Средней Азии и Кавказа. Самарканд-1994.

БУРҲОНИДДИН ҚИЛИЧ ЗИЁРАТГОҲИ ҲАҚИДА БАЪЗИ МУЛОҲАЗАЛАР

Аманлаев А.Ҳ.
ЖДПИ кафедра мудири, ф.ф.н
Ақчаев Ф.Ш.
ЖДПИ катта ўқитувчиси

Аннотация

Ушбу мақолада сайидлар табақасининг машҳур вакили Султон Бурҳониддин Қилич ҳаёти ва фаолияти ҳақида сўз юритилган. Хусусан, у билан боғлиқ зиёратгоҳ, унинг авлодлари тўғрисида маълумот берувчи манбалар ҳамда у асос солган Мавонауннаҳрдаги табақадан етишиб чиққан дунёга машҳур муршидлар ва сиёсат арбоблари ҳақида маълумот берилган.

Калит сўзлар: *сайидлар табақаси, Султон Бурҳониддин Қилич, ҳаёти ва фаолияти, зиёратгоҳ, тарихий манбалар, муршидлар, сиёсат арбоблари.*

В данной статье говорится о жизни и деятельности известного представителя сословия Саидов - Султана Бурханиддина Килича. В частности, связанные с ним паломничества, источники, дающие сведения о его предках, а также вышедших из основанного им в Мвераннахре сословия выдающихся духовных наставников и политических деятелей.

Ключевые слова: *сословие Саидов, Султан Бурханиддин Килич, жизнь и деятельность, паломничество, исторические источники, духовные наставники, политические деятели.*

The information about life and activity of famous representative of Saidov's stratum – Sultan Burkhoniddin Qilich is given in this article. In particular, pilgrimage which was related with him resources are giving the information about his ancestors, also great spiritual mentor and political personalities who are alited from the established Maverounnahr estate.

Key words: *Saids' stratum, Sultan Burkhoniddin Qilich, life and activity, premises, historical resources, spiritual mentor, political personality.*

Султон Бурҳониддин Қилич зиёратгоҳи Зомин тумани Бешкуби қишлоғида жойлашган зиёратгоҳ бўлиб маҳаллий аҳоли ушбу қадамжони мазкур шахс номи билан боғлашади.

Ҳазрати Султон Бурҳониддин Қилич (асл номи Сайид Бурҳониддин ибн Сайид Камолиддин) Ўрта Осиёда кенг тарқалган машҳур сайидлар табақаларидан бирининг юртимизда туғилган илк вакили ҳисобланиб,унинг ота-оналари Ҳазрати Пайғамбар(с.а.в) авлодига мансуб оилалардан бўлиб, уларнинг насабномалари кўплаб қадимий китобларда, ҳужжатларда, қабр тошларда ва тарихий обидаларнинг пештоқларида ўз аксини топган.

Бу каби пайғамбар авлоди бўлган имомзодалар ўз замонасида халқ орасида жуда катта мавқеъга эга бўлсалар-да, ҳам диний ва ҳам дунёвий ҳокимиятга асосий даъвогарлар сифатида ҳукмдорлар томонидан таъқиб остига олинганлар. Айниқса, уммавийлар (661-750 йиллар), қисман аббосийлар (750-1258) даврларида имомзодалар оммавий қирғин ва қувғин қилганлар. Қўшни мамлакатларнинг, жумладан, юртимиз Мовароуннаҳр ҳукмдорлари уларни ўз паноҳига олганлиги тўғрисида тарихий манбалардан кўплаб мисоллар келтириш мумкин.

Масалан, аббосийлар даврида, 850 йилда имомзода Ҳасан ул-Амир Самарқандга оиласи билан келганида бутун шаҳар аҳли пешвоз чиққан ва у ўн бир йил Самарқандда яшаб сўнг Балхга қайтиб кетган. Ўрта Осиёда яшаётган Термизий сайидлар аталмиш авлоднинг асосчиси ушбу зот эди.[218]

Сомонийлар давлатининг асосчиси Исмоил Сомоний даврида (892-907) имомзода Амир Абдулло Бухорога келган ва кейинчалик подшоҳ Исмоил Сомонийнинг қизи Моҳи Сиймога уйланган.[219] Бухоролик Худовандзодалар сайидлари аталмиш авлоднинг асосчиси ушбу зот бўлган.

Султон Бурҳониддин Қилич тўғрисида асосан икки қадимий манба мавжуд: 1) 800 йилча илгари Имом ан-Насафий томонидан ёзилган «Қандия» (Ал-Қанд фи таърихи Самарқанд) китоби; 2) XVI асрда ёзилган «Жомеул-мақомот» (Махдуми Аъзам тарихи) асарларидир.

«Қандия» китоби Самарқандда фаолият кўрсатган алломаларга алоқадор воқеаларга бағишланган асар бўлиб, бизгача етиб келган энг қадимий асарлар ичида ушбу китобда Султон

[218] Кн. «Протоколы заседаний… 1913-1914 гг.» (История термезских сейидов)
[219] Ўша манба, ўша жой.

Бурҳониддин Қилич тўғрисида кам бўлса-да, илк марта маълумот келтирилган.

Султон Бурҳониддин Қиличнинг энг машҳур авлоди бўлган Махдуми Аъзам Даҳбедий лақабли Сайид Аҳмад Косоний тўғрисида Хожа Абулбақо томонидан ёзилган «Жомеул-мақомот» китобида Бурҳониддин Қилич тўғрисида бир қадар кенгроқ маълумотларни учратамиз.

Мазкур асарда Ҳазрати Султон Бурҳониддин Қилич ҳақида қуйидаги маълумотлар баён қилинган.

Ҳазрати Сайид Камолиддин вафот этганларидан сўнг кўп ўтмай ўғиллари Султон Бурҳониддин туғилади. Качонким, Султон Бурҳониддин 9 ёшга киргач, онаси ўғлини бобоси – Султон Илик Мозий олдига олиб боради. Бир қанча вақт ўтиб, ҳазрати Султон Илик Мозий вафот этиб, васияти бўйича (ўз ўғли бўлмаганлиги учун) қизининг ўғли Сайид Бурҳониддинни Фарғона тахтига ўтқазишади. Султон Бурҳонддин ҳам бир қанча вақт ҳукмронлик қилиб, халқни адолатга ва ҳидоятга бошқаради ва салтанатда адолат ўрнатади.

Кунларнинг бирида, ногаҳон Султон Бурҳониддинга илоҳий жазабалардан келиб етади ва ул зот ҳам Султон Иброҳим Адҳам каби тожу тахтни қадрсиз ҳисоблаб, ўша замон қутби ва муршиди Ҳазрат Шайх Муслиҳиддин Хўжандийга иродат қўлини бериб шогирд тушади.

Ҳазрати Султон Бурҳониддинга ғайратлик сифатлари (яъни, кароматлари) чунонам ғолиб ва кўб эдики, ушбу ғайрат ва кароматлар туфайли ислом лашкари билан ғайридинларга қарши курашар эдилар. Шу билан бирга, кимки ул зот тўғрисида беадабона гапни айтса ёки кўнглидан ўткарса, шул заҳоти унинг ҳаёт риштаси узилиб, вафот этарди.

Бир киши бунинг сабабини билиш учун ҳазрати Султоннинг хонақоҳларига келади. Аммо, у ўз саволини бериб улгурмай, ҳазрати Султон Бурҳониддинга бу аён бўлади ва ғайратлик кароматлари туфайли хонақоҳ деворида соч толасига осилган бир ялтироқ қилич пайдо бўлиб, пашшаю қўнғизлар ҳар тарафдан учиб келишиб ўзларини ялтироқ қилич дамига уришар ва икки пора бўлишиб ерга йиқилиб ҳалок бўлишарди. Бу воқеани ҳайрон бўлиб кўриб турган кишига қараб ҳазрати Султон Бурҳониддин дейдилар: «Эй махдум, айб қиличдами ёки ўзларини қиличга

ураётган ҳашаротлардами?». Шу воқеа сабабидан ул зотга «Қилич» лақаби берилиб, ўшандан бери номлари Султон Бурҳониддин Қилич бўлиб тарихга қолгандирлар.

Юқоридаги манбалардан ташқари яна Зафарнома, Самария, Торихи Муқимхоний, Шарафномаи шоҳий (Абдуллонома), Жодатул-ошиқин, Туҳфатуз-зоирин, Равойиҳул-қудс, Сафинатул-авлиё, Рисолаи торихи Даҳбедия, Таърихи Маҳмуд Чарос, Таърихи Ҳумулий, Зубдатул-ҳақоиқ, Кашкули Салимий, Тазкираи Мутрибий каби туркум асарлар ҳам мавжуд бўлиб, улардан Султон Бурҳониддин Қилич авлодлари тўғрисида қимматли маълумотларни олиш мумкин. Бундан ташқари «Машраб девони», рус профессори Н.Веселовскийнинг «Дагбит» каби китобида ҳам уларнинг шажаралари баён қилинган.[220]

Нодир манба ҳисобланган «Равойиҳул-қудс» (муаллифи Мақсуд ибн Носириддин Бухорий) қўлёзма китобининг «Махдуми Аъзам Даҳбедий» бобида (18,78-82) янада аниқроқ ёзилган: «Ул зотнинг муборак номлари Сайид Аҳмад Косоний бўлиб, Мавлоно хожаги Махдуми Аъзам исми ила машҳурдирлар ва ҳазратнинг нафису шарафли нисбатлари Шайх Бурҳониддин Қиличга бориб, ул зотнинг асл насаб гавҳари эса Карбало Даштининг шаҳиди Абу Абдулло Имом Ҳусайн (яъни, Пайғамбар набиралари Имом Ҳусайн) розиоллоҳнинг шарафли салафига етади» (таржима К.Каттаевники).

Шайх Сайид Бурҳониддин Қилич асос солган Мавонауннаҳрдаги табақадан дунёга машҳур муршидлар ва сиёсат арбоблари, жумладан: Мавлоно Хожа Қози (темурий подшоҳ Бобур мирзонинг биринчи пири); Махдуми Аъзам (накшбандия тариқатининг буюк назариётчи олими ҳамда Ҳиндистон подшоҳи Бобур мирзонинг кейинги асосий пири); Шайх Махдуми Хоразмий (Кубровия тариқатининг улуғ муршиди); Хожа Калон Даҳбедий (замона муршиди); Хожа Исҳоқ Вали (Қашқардаги Исҳоқия тариқати асосчиси); Хожа Ҳошим Даҳбедий (Ўрта Осиё подшоҳлари ва Ялангтўш Баҳодирнинг пири); Солиҳхожа (Хуросон-Эроннинг муршиди); Офоҳхожа (Ёркент подшоҳи); Абдуллахожа-Хожам Подшоҳ (Қашқар подшоҳи); Мусохонхожа Даҳбедий (нақшбандия тариқатининг Ҳиндистон ва Ўрта Осиёдаги энг буюк арбоби); Умархонхожаи Ғозий (Самарқандда Русияга

[220] Н.Веселовский. Дагбит. ЗВО, том – III. (XIXаср).

қарши ғазовот қўзғолони раҳбари, Амир Музаффарнинг пири); Сайид Жаъфархожа Хилолий-Афғонистоний-Исҳоқий (соҳибдевон шоир, Афғонистон подшоҳи Абдураҳмонхоннинг пири); генерал-маршал Алихонтўра Соғуний (Шарқий Туркистон давлати ҳукумати бошлиғи); Каттахонхожа Даҳбедий (нақшбандия тариқатининг охирги улуғ муршиди, Бурҳониддин Қилич авлодидан бўлган охирги буюк тасаввуф арбоби) каби Ўрта Осиёда машҳуру манзур тарихий шахслар етишиб чиққандир.

Бурҳониддин Қилич Ўзганд шаҳрида яшаб, шу ерда вафот этган. Кейинчалик унинг мозори Фарғона водийсининг энг машҳур зиёратгоҳларидан бирига айланиб, асрлар давомида водий халқлари томонидан эъзозлаб келинган. Бу ҳолатни темурийлар давридан кейин ҳам, айниқса, Қўқон хонлари ҳукмронлик қилган йилларда ҳам кўриш мумкин. Чунки Ўзбекистон Марказий давлат архивида Қўқон хонлари томонидан «Ҳазрати Саййид Бурҳониддин Қиличнинг Мозори шарифларига» деб номланувчи ёрлиқлар сақланиб қолган.

Унинг Ўзганддаги қабртошидаги маълумотлардан кўринадики Бурхониддин Қилич ҳазратлари зулҳижжа ойининг ўн еттинчиси ҳижрий 695, яъни милодий 1296 йилнинг 16 октябрида сешанба куни дунёдан ўтган[221]. Шундай экан, ул зот Ўзганддa дафн этилган бўлса, қандай қилиб Зомин тумани Бешкуби қишлоғида унинг номи билан боғлиқ зиёратгоҳ пайдо бўлган.

Шу ўринда бир мисол Ўзбекистоннинг жуда кўплаб жойларида ҳазрати Али ва унинг дулдул оти билан боғлиқ кўплаб қадамжо ва зиёратгоҳлар мавжуд. Ҳазрати Али Мавороуннаҳрга келганлиги тўғрисида илмий манба бўлмаса ҳам унинг номи билан боғлиқ кўплаб муқаддас қадамжоларнинг вужудга келиши ва унга зиёратчиларнинг боришини халқимизнинг у кишига бўлган чексиз ҳурмати ва эътиқоди нишонаси эканлигини кўрсатади.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб Зомин тумани Бешкуби қишлоғидаги Сайид Бурхониддин Қилич зиёратгоҳи ҳам аслида у муборак зот ёки у кишининг машҳур авлодларидан бўлган Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг илк пири Хожа Мавлонойи Қозининг қадамжоси деган хулосага келиш мумкин.

[221] Б.Эралиев ва бош. Ўзбекистон зиёратгоҳлари ва қадамжолари (Андижон ва Наманган вилоятлари). Т.: 2014й. 30-31 бетлар.

Сабаби, Заҳириддин Муҳаммад Бобур ўзининг Бобурнома асарида унинг жуда кўп маротаба Зоминга келганлиги ва ҳатто узоқ вақт соғлиги ёмонлашгани, вазият тақозоси билан бу ерларда қўшин ва озиқ-овқат тўплаш учун истиқомат қилганлиги баён қилинган, «... Самарқандни эгалламоқ умиди билан Уратепадаги Муҳаммад Ҳусайн кўрагон дуғлатга кишилар юбориб, сўзлашиб, бу вақтлар унга тегишли бўлган ҳазрат Хожа (Хожа Ахрор Валий)нинг мулк ерларидан Ёряйлоқ қишлоқларидан Пашоғарни, бу қиш бизга вақтинча бериб турсин, деб сўрадик»[222] ва Бобур Махдуми Аъзамдан олдинги илк пири Хожа Мавлонойи Қози тўғрисидаги «...Хожа Мавлонойи Қозининг исми Абдуллодир. Бу ном билан машҳур бўлган эди. Ота тарафдин насаби Шайх Бурхониддин Қиличга туташади. Она тарафидин Султон Илик Мозийга боғланади. Фарғона вилоятида бу табақа элбоши ва шайх ул-ислом ҳамда қози бўлиб келгандирлар. Хожа Мавлонойи Қози ҳазрати Хожа Убайдуллоҳ (Хожа Ахрор Валий)нинг муриди эди. Улардан тарбият топганди»[223] деган фикрлар келтирилганлиги юқоридаги фикримизни исботлайди..

Демак, Бобур мирзонинг ёшлигидаги илк пири Хожа Мавлоно Қози бўлиб, асарда ёзилишича, бу зот Шайх Бурҳониддин Қилич авлодидан ва Хожа Аҳрор Валининг халифаларидан (шу ерда таъкидлаш жоизки, Хожа Аҳрор Валининг бошқа бир халифаларининг номи Мавлоно Муҳаммад Қози бўлиб, номлари жуда ўхшашлиги учун кўп тарихчилар адаштиришади) бўлган. Хожа Аҳрор Вали вафот этганларидан сўнг, Бобур мирзонинг отаси Умаршайх мирзо ушбу Хожа Мавлоно Қозини пир тутган. Шунинг учун ёш Бобур мирзо ҳам отаси вафотидан сўнг ушбу муршидни пир ва устоз деб билган.

Бобурмирзо ўзининг барча давлат аҳамияти билан боғлиқ ишларида, ҳарбий ҳаракатлари чоғида пиридан маслаҳат сўраган. Тарихий манбаларнинг гувоҳлик беришича Хожа Мавлонойи Қози, Бобурмирзо оғир ҳолатларга тушиб қолган вақтларида унга кўмаклашган. Бу ҳақда Бобурномадаги Исфара қўрғонини қамал қилинган вақтдаги воқеа баёнида ҳам «... Охири Иброҳим сору ожиз қолиб, Хожа Мавлонойи Қозининг воситачилиги билан қуллиқни бўйнига олиб, шаввал ойида қилич, садоғини бўйнига

[222] З.М.Бобур Бобурнома. Т.: Ўқтиувчи. 2008 й. 63 бет.
[223] Ўша манба. 60-61 бетлар.

осиб келиб, мулозамат қилиб, қўрғонни тоширди»[224] деган сўзларни учратиш мумкин.

Бундан ташқари оғир вазиятга тушиб қолган аҳоли ҳам Хожа Мавлонойи Қозининг кўмагида паноҳ топганлиги асарда ўз исботини топган. «...Бу муддатда Самарқанддан бошқа барча қўрғонлар ва тоғу туз фўл остимга кириб эди. Шовдор тоғининг этагида Ургут номли қўрғонни бир жамоа беркитти. Зарурат бўлиб бу юртдан кўчиб, Ургут устига борилди. Тоқат қилолмай Хожа Қозини орага солиб келдилар. Биз ҳам гуноҳларини афв қилдик»[225].

Хулоса ўрнида шуни алоҳида таъкидлаш керакки, вақтлар ўтиб Шайх Бурхониддин Қилич ва унинг авлодлари қадами етган жойларда юртимиздаги бошқа зиёратгоҳлар сингари, уларнинг номи билан боғлиқ зиёратгоҳлар пайдо бўлган. Бунга мисол сифатида Андижон вилоятининг Пахтаобод, Андижон ва Балиқчи туманлари, Фарғона вилоятининг Тошлоқ ва Ўзбекистон туманларидаги Бурхониддин Қилич номи билан аталувчи зиёратгоҳларни келтириш мумкин.

[224] З.М.Бобур Бобурнома. Т.: Ўқтиувчи. 2008 й. 47 бет.
[225] Ўша манба. 52-53 бетлар.

ҚЎЛЁЗМА КИТОБЛАРГА ИШЛАНГАН ТАСВИРЛАРИНИНГ БУГУНГИ КУНДАГИ АҲАМИЯТИ

Сабиров М.М.
К.Беҳзод номли МРДИ доценти

Аннотация

Мақолада Темурийлар ренессанси даврида ижод қилган мусаввирларнинг қўлёзма китобларни безаш учун ишлаган суратларини бугунги кундаги бадиий қиммати ва уларни илмий таҳлил қилиш орқали олинадиган маълумотларнинг турли соҳа мутахассислари учун катта аҳамиятга эга эканлиги ҳақида сўз юритилади.

Калит сўзлар: *бадиий адабиёт, мусиқа, тиббиёт, тасвир, таҳлил, мусаввир, портрет, қўлёзма китоб.*

В статье речь идёт о значении на современный день для специалистов различной профессии художественной ценности и сведения научного анализа картин художников эпохи Темуридского ренессанса, созданных для оформления рукописных книг.

Ключевые слова: *художественная литература, музыка, медицина, изображение, анализ, художник, портрет, рукопись, книга.*

In this article the information is given about the importance nowadays for specialists of different professions of art heritage and information about scientific analysis of pictures of Temurid's renaissance period. They were created for formalization of the manuscripts.

Key words: *belles–letters, music, medicine, picture, analysis, portrait, painters, manuscript, book.*

Аждодларимиз яратган бадиий тасвирлар ва амалий санъат асарлари бугунги кунда катта аҳамиятга эга бўлиб биз улардан узоқ йиллик тарихимиз, маданиятимиз ҳақида қимматли маълумотларни олишимиз мумкин. Улар кўприк мисоли бизни ўтмиш билан боғлайди. Афросиёб, Панжикет, Варахшадаги юқри савияда ишланган деворий суратлар 7- аср шоҳлар сарой интерери, зодогонлар турмуш тарзи кийган либослари, фойдаланилган идиш товоқларнинг шакллари ва безакларидан бизни ҳабрдор қилади.

Кенг қиматли маълумотларни 15-16-асрларда Темурийлар давридаги Хуросон, Мовароуннаҳр ўлкаларидаги мусулмон давлатарида юқори даражага кўтарилган китобат санъати таркибидаги нафис тасвирларни (миниатюра) таҳлил қилиб «ўқиш» орқали бугунги кун турли соҳа мутахассислари аждодларимиз ҳаёти, бунёдкорлик ишлари, халқ маънавияти, спорт ўйинлари, инсон либослари, меҳнат ва харбий қурол аслахалар,маданий ҳаётга тегишли мусиқа асбоблари ва бошқа кўплаб маълумотларни олишлари мумкин. Бундай маълумотлар тарихимизни асосли маълумотларга таянгиб чуқур ўрганишда, ўзлигимизни анлашда катта аҳамиятга эга.

Бугунги кун илм фан, тиббиёт соҳаси вакиллари мумтоз суратлар орқали фалакиёт илмида фойдаланилган юлдузларни кузатишга мослашган дурбин, астролобия асбоблари, ўша даврдаги олимларнинг ер шари макетини қандай тассавур қилганлари ҳақида маълумот олишлари мумкин. Тасвирларда шифокорлар тиббиётда қўллаган ўсимликлар, жаррохлик асбоблари, мусиқашунослар- мусиқа асбобларининг турлари, доира дўмбира каби зарбли ва турли кўринишга эга пуфлаб чалинадиган карнайлар, торли чолғу асбобланинг кўринишлари ҳақида муҳим энциклопедик маълумотларни олишлари мумкин.

Мумтоз тасвирларнинг биз учун қимматли бўлган жиҳатларидан бири тарихимиздаги буюк шахсларнинг ҳаққоний тасвирларидан ҳабардор бўлишимиз. «Аср нодири» деб тарифланган Шарқнинг буюк мусаввири Камолиддин Беҳзод ва унинг шогирдлари томонидан чизилган портретларнинг тарихий аҳамияти беқиёсдир. Буюк мусаввир ўз замонасининг кўплаб буюк шахсларининг тасвирларини ишлаган бўлиб улардан Мирзо Ҳусайн Бойқаро, Шайбонийхон, шоир Латифийларнинг ҳаётий портрет суратлари бизгачан етиб келган.

Мусаввирнинг шогирдлари Қосим Али, Маҳмуд Музаҳҳиблар ишлаган буюк шоир Алишер Навоий тасвирлари орқали биз шеърият мулкининг султони бўлган бобомиз сиймоси ҳақида тасавурга эгамиз. Шунингдек бугунги кунда номи ноъмалум мусаввирлар асарлари орқали Камолиддин Беҳзод, темурийлар Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Ҳумоюн, Шоҳ Акбар ва бошқа ва бошқа кўплаб тарихий шахсларнинг ҳаққоний тасвирларидан хабардормиз.

Ҳар бир суратни диққат билан кузатиш орқали биз ўзимиз учун бирор янгиликни кашф қилишимиз мумкин масалан: Камолиддин Беҳзоднинг қурилиш майдонига бағишлаб ишлаган асарини олсак. У бир қараганда содда кўринишдаги асар бўлиб, унда биз 16 асрда бино қурилишида иштирок этган усталарнинг меҳнат жараёнини ташкил қилинган тартиби, баланд бино қурилишида ишлатилган ҳавоза, белкурак, замбил, тош йўниш тешаси, сув меши каби буюмлар тасвирини кўрамиз. Исми нмаълум бўлган эронлик мусаввир асарида қурилиш учун ёғоч ғўлаларни аралаётган усталар фойдаланган арралар тури, ранда каби асбобларни кўриб бугунги кунда усталаримиз кенг фойдаланадиган асбоб турларининг кўрниши беш аср давомида кўп ўзгармаганлигига ҳайрон бўлиш мумкин.

Тасвирларда сақланган маълумотлар халқимиз тарихини ўрганувчи олимлар ва ижодкорлар учун катта аҳамиятга эга. Шарофиддин Али Яздийнинг «Зафарнома» китобидаги Амир Темурнинг ҳарбий юришларига бағишланган К. Беҳзод ишлаган суратлар ва бошқа мусаввирларнинг жанг мавзуларидаги суратлар орқали биз жагчиларнинг зирхли либослари, қурол аслахалари, жанговор отларнинг ҳимоя ёпинғичлари каби кўплаб қимматли маълумотларни кўришимиз мумкин. Улар батал жанрида ижод қилувчи рассомлар ва тарихий мавзудаги театр, кино сахналарида ҳарбий воқеиликни ишончли кўрсатишда жуда муҳим ўрин тутади. Шунингдек ов ва чавгон ўйинлари мавзусидаги тасвирлар орқали ўрта асрларда шоҳона кийик овларини ташкил қилиш усуллари ёки от устида ўйналадиган чавгон ўйини қоидалари, дарвозалар тузилиши, тўпни уриш таёғининг кўринишидан хабардор бўлиш мумкин.

Суратлар ишлашда мусаввир фойдаланган олтин, кумуш бўёқлари турли рангларнинг табиий кўринишлар бизнинг кунгачан яхши сақланганлигини таҳлил қилиш орқали табиий бўёқларларнинг узоқ вақт давомида сақланиши, афзалликлари ҳақидаги билимларимиз ортади.

Мусаввирлар чизган тасвирлар бадиий адабиёт мавзулари билан боғлиқлигини эътиборга олиб барча тасвирларни ҳаётий тасвир деб қабул қилиш нотўғри бўларди. «Шоҳнома»сингари бадиий тўқималарга бой бадиий адабиёт мавзусига бағишланган суратларда фонтастик жониворлар- аждар, қанотли фаришта, дев,

семурғ қуш тасвирлари матн мавзуси билан боғлиқ бўлиб мусаввир фонтазияси натижасида ишланганлиги маълум. Бундай тасвирлар китоб безаш, кино санъати ижодкорлари учун аҳамиятли бўлиб фонтастик тасвирларни яратишга асос бўлиши ижодкорларимизни илҳом бағишлаши мумкин.

Биз жаҳон тасвирий санъатига улкан ҳисса қўшган истедодли аждодларимиз томонидан ишланган юксак савияли бадиий асарлар билан фаҳрланишимиз қаторида уларни асрашимиз,чуқур ўзганишимиз керак. Уларга содиқ меросхўрлар мусаввирларни тарбиялашимиз учун давлатимиз томонидан барча шароитлар яратилмоқдаки биз маъсулиятни доим ҳис қилишимиз билан бирга амалий ишлар орқали буюк аждодларимиз га ҳақиқий ворислар эканлигимизни исботлашимиз вақти келди.

ШАЙБОНИЙЛАР ДАВРИ БУХОРО ОБИДАЛАРИ МЕЪМОРЧИЛИГИНИНГ ТАДРИЖИ, ЎЗИГА ХОСЛИГИ ВА МЕЪМОРИЙ-БАДИИЙ ҲУСУСИЯТЛАРИ

Мухамедова М.С.
К.Беҳзод номидаги МРДИ доценти,
Исматуллаев Ж
К.Беҳзод номидаги МРДИ талабаси

Аннотация

Ушбу мақолада Шайбонийлар даври меъморчилигининг ривожланиш асослари ва қонуниятлари ҳамда бадиий безак ҳусусиятлари атрофлича ўрганилган.

Калит сўзлар: *Шайбонийлар, Бухоро, арк, меъморчилик, ёдгорликлар, масжид, мадраса, майолика, интерьер, бадиий безак*

В данной статье исследованы основы развития зодчества и художественной архитектуры в XIV века в период эпохи Шейбанидов.

Ключевые слова: *Шейбаниды, Бухара, арк, архитектура, памятники, мечеть, медресе, майолика, интерьер, декоративно-художественное украшение*

The basis and legalities of developing architecture in Shaybanid's period and peculiarities of artistic decors are learnt in the article.

Key words: *Shaybanids, Bukhara, citadel, architecture, memorials, mosque, madrassa, majolica, interior, artistic decors.*

XVI асрларга келиб эса Темур империясининг инқирозга юз тутиши натижасида Шайбонихон сулоласи хисобланмиш Муҳаммад Шайбонихон бошчилигидаги (1500 - 1510) янги давлат ташкил топиши билан, Бухоро шаҳрида нисбатан вазият яхши томонга ўзгарди. Унинг жияни Убайдуллахон (1533 - 1539) йилларда Бухорони давлат пойтахти ва унинг маданий, сиёсий – маъмурий марказига айлантирди. XVI асрнинг иккинчи ярмида Шайбонихон сулоласининг энг буюк ҳукмдорларидан бири Абдуллахон II (1557 - 1598) Бухорони маданий ва сиёсий марказ сифатидаги аҳамиятини янада кўтарди. У ўзаро феодал урушлар натижасидаги давлат тушкунлигини тўхтатишга харакат килди. Шунингдек у диндорларни сиёсий томондан қўллаб – кувватлади ва Жўйбор шахслари ёрдамида ҳокимиятга эришди. Академик В.В.Бартольд

Абдуллахонни қорахоний Арслонхон ва Амир Темурдан кейинги буюк қурувчи деб атаган. Дарҳақиқат у қурдирган бино ва иншоотларни бугунги кунда ҳам Бухоро вилоятидан то Сирдарё вохаларигача кузатиш мумкин[226].

Баландлиги тахминан 20 метр бўлиб, майдони тўртга бўлинган Бухоро арки Шайбонийлар даврида бошкарув шаҳарчаси тарзида зич ҳолда курилган. Шундан сўнг унинг девори ҳам , устидаги иморатлари ҳам бир неча мартта кайта курилган. Дастлаб унинг шарқ ва ғарб томонида иккита дарвозаси бўлган. Бугунги кунда ғарб томонда икки гумбазча билан тугалланган гулдаста безаб турган пештокли дарвозахона сақланиб келган. Унинг энг юкори қисмда ногорахона деб номланувчи олд пешайвонли хоначалар туркими сақланиб қолган. Дарвоза долон орқали ўтадиган бурама пандус оркали юқорига – арк сахнига олиб чиқади. Долон ён томонларда хибсхоналар ва сайисхонага олиб борадиган йўл жойлашган. Арк сахнига чиккан жойда саройнинг жума масжиди жойлашган. У XVIII аср охирларида қурилган бўлиб, баъзи конструкциялари шу жойда бўлган бугунги шундай иморат кўринишини ташкил этади. Бу масжид махалла масжидлари сингари уч томони ёғочли устунли айвон билан ўраб олинган ҳонқохдан иборат. Масжиддан жанубга қараб саломхонага олиб борувчи тор кўча бошланади.Унинг марказий қисмида чорсу деб аталувчи чорраҳаси бор. Шу ердан шарқ томонга қараб девонбеги, қушбеги хоналари ва махкамалар жойлашган. Унинг ёнида тош ётқизилган атрофи икки қаторли баланд ёғоч устунлар билан ўралган ховли кўринишли ёри сарой жойлашган. Бу саройнинг нақшли пештоқи 1605 йилда қурилган. Дарвозадан кирилгач ховли олди Бухоро тураржойларига хос гуломгард деб юритилувчи кўндаланг девор билан тўсилганлиги кўринади. Тўртбурчак ховли турида эса Нурота мармаридан килинган тахти равон жойлашган. Бу ерда амирларнинг тож кийиши маросими (тахтга ўтказиш) маросимлари ижро этилган, ҳамда элчилар қабул қилинган. Ховлининг жанубида меҳмонхона хорихоналар ва хазина сақланадиган ертўлалар жойлашган. Арк дарвозасидан жанубда регистон майдонига қараган

[226] Беленицкий А. М., Бентович И. Б, Большаков О. Г. Средневековый город Средней Азии. – Л.: Наука, 1973. С.392.

амир шохайвончаси қурилган. Аммо аркдаги биноларнинг аксарияти инқилоб кунлари ва ундан кейин бузилиб кетган.[227]

Шайбонийлар сулоласи даврида шаҳар Шаҳристони кенгайтирилиб, арк унинг ичида қолиб кетган. Абдуллахон шаҳар деворлари, дарвозалари ва фаслларини кайта қурдирган. XVI асрнинг II ярмида шаҳар кенгайтирилиб Жўйбори шайхлар мулки хисобланиши шаҳарнинг ғарбий қисми ҳам девор билан ўраб олинган. Биноларни ансамбл тарзда жойлашишига эътибор берилиб шаҳар структураси қайта тузилди. Чунончи асосий чоррахаларда Тоқи Ордфурушон, Тоқи Заргарон, Тоқи Телпакфурушон, Тоқи Тиргарон номли бешта Чорсу типидаги гумбазли савдо иншоатлари бунёд этилган. Бу савдо гумбазларнинг биринчиси ва охиргиси бизнинг асримизда вайрона ҳолига келганлиги туфайли бузиб ташланган. Қолган учтаси ҳозирги кунда ҳам салобат тўкиб, шаҳар асосий йўналишларини белгилаб турган. Бу савдо гумбазлари бугунги кунда ахоли орасида биринчи, иккинчи, учинчи гумбаз, баъзилар «кумпол» деб аташади, бу русча «купол» сўзининг бузилиб ишлатилишидир, ёки ток деб юритилади.[228]

Ҳозирги кунгача сақланиб қолган Калон масжиди қурилиши XIV аср, Темур набираси Улуғбек ҳукмронлиги даврига тўғри келади. Бу ҳақида бинонинг техник ва услубий ҳусусиятлари маълумот берсада, унинг пештоқига – 1514 йил санаси ёзилган ва Н.Б.Немцова таклифига кўра, бу кошинкорлик ишларини нихоясига етказилган санасидир.[229] Масжид территориясида ўтказилган қазишмалар (1954-1963 йилларда), унинг XV асрда (К.С. Крюков ва С.Н. Юренев маълумотлари) минора билан бир вақтда ёки ундан бир оз кейинроқ жуда катта иншоат ўрнига қурилганлигидан далолат беради.

М.К.Ахмедовнинг ёзишича, XVI - XVII асрларда Бухоро мажмуалар қурилишида Ўрта Осиё учун анъанавий бўлган мадраса масжид билан «жуфт» ва «қўш» усуллар «биринчи бўлиб

[227] Ахмедов М. К. Архитектурные ансамбли и вопросы организации городского пространство и средневековом зодчестве Средней Азии.// Культура Среднего Востока – развитие, связь и взаимодействия (с древнейших времён до наших дней). Градостроительство и архитектура.- Т.: Фан, 1989.-С. 151-165.

[228] Ахмедов М.Қ. Ўрта Осиё меъморчилиги тарихи. – Т.: Ўзбекистон, 1995 – С.127

[229] Немцова Н.Б. Мечеть Калян в г. Бухаре. (Историческая справка). – Т., 1960. Архив Глав НПУ памятников культуры по делам МК РУз. Б.2151/ Н 50. С.-7

жуфт жуфт қилиб ишлатилди»[230], мажмуалар яратишда биноларни бир – бирига якин ва ўзаро паралел ўклар билан жойлаштириш керак бўлди. Шундай қилиб 1530 – 36 йиллари (ҳижрий 936 - 42) Калон масжиди қаршисида «қўш» композицион усул билан бир ўқ бўйлаб Мири Араб мадрасаси қурилган.

Кўп асрлар давомида Бухоро меъморчилигидаги жомъе масжидларининг меъморий композиция тузилиши ўзгаришсиз қолди, лекин XVI асрлардан бошлаб ахвол бироз ўзгара борди. Бунга Волидаи Абдулазизхон масжиди яққол мисол бўла олади. Якин вақтларгача ушбу масжидни Аштархонийлар сулоласи бўлмиш Абдулазизхон II (1645-1680) ҳукмронлиги даврига оид дейишар эди. Лекин 1988-89 йиллари Б.Бобожонов томонидан эпиграфик ва вакф хужжатлари бўйича олиб борган тадқиқотларида у қурилиш буюртмачиси Абдулазизхон I Шайбоний (1540-1549) бўлганлиги хақида аниқлик киритди[231], демак масжид илгари тахмин қилинганидек XVII асрда эмас, XVI асрга оиддир. Бу бинонинг меъморий – тархий композицияси ечимида меъмор жоъме масжиди учун хусусиятли бўлган эски анъаналардан узоқлашиб янгисига ўтади. Иншоот тузилишидаги ўзгачалик унинг вазифасига мувофик ҳолда амалга оширилган. О.А.Сухарева маълумотларига кўра, у жоъме масжидидир, бироқ шаҳар аҳолиси ундан маҳала масжиди сифатида ҳам фойдаланган.[232] Бу хол унинг меъморий ечимлиги маҳала масжидига яқинлаштирилиб бирмунча иншоот тархий тузилишини ҳам белгилаб беради. Шу орада бу ерда уша вақтларда икки меъморий жоъме масжидлари тури: ҳовлили ва гипостилли композициясининг қўшилиб кетишини кўрсатади. Яъни иншоот тархи бўйича тўғрибурчак кўринишда ва ўқ бўйлаб шарқий – ғарбга томон чўзилган бўлиб, унинг марказида эса тархига кўра квадрат шаклида жойлашган. Иншоотнинг ғарбий томонида пештоқ - гумбазли бино – баланд пойи гумбазга таянган ҳаворанг гумбазли мақсура ўрин олган; шарқ томонида эса устун – гумбазли зални намоён этувчи ёпиқ бино ўрин олган.

---

[230] Ахмедов М.Қ. Ўрта Осиё меъморчилиги тарихи. – Т.: Ўзбекистон, 1995 – С.127

[231] Бабажанов Б. К датировке мечети «Валида-йи Абд ал-Азизхан» в Бухаре (По данным эпиграфики и рукописных источников).// Общественные науки в Узбекистана, 1998, № 4,5.- С. 90-93.

[232] Сухарева О.А. Квартальная община позднефеодального города Бухары (в связи с истории кварталов). – М.: Наука, 1976, -С.103

Бу ерда масжидларга хос бўлган ёғоч устунли тарх Г – шаклли айвон масжиднинг шарқий ва шимолий тарзига тақаб қурилган. Шимолий томондан эса томондан эса мезона кўринишидаги кичик минора ўрнатилган.

В.А.Лавров маълумотларига биноан, Шайбонихон даврида Бухорода 200 дан ортиқ масжидлар мавжуд бўлган.[233] Маълумки, уларнинг кўп қисми лой – синчли, яъни девор асоси ёғоч синчдан ташкил топиб, хом ғишт ёки қуритилган лой «гувала» лар билан тўлдирилган холда бўлган. Тахминимиз бўйича, шу даврдан бошлаб бир неча тархий ва хажмий фазовий композициялар конструктив тизимли тузилиши билан шаклланган бу анъаналарга айланиб борган ва шу билан бирга меъморий – тархий ёки безакдор – бадиий усуллар ёрдамида хақиқий нодир меъморий ечимни излаб топади.

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, меъморлар аниқ бир қонунларга бўйсинган бўлиб, гоҳида тархий – конструктив ва меъморий – бадиий ечимларига қизиқарли мазмун олиб кирган ва шу билан бирга Ўзбекистон ва бутун Ўрта Осиёда шох асарлар яратади.

Бундай шох асрларидан бири Баланд масжиди бўлиб, у гузар масжидлари ичида илк даврлрда қурилган ажойиб намуналаридан биридир. Бу иншоот асрнинг биринчи ярмида бунёд этилган. Аммо, О.А. Сухарева фикрларига биноан, Баланд масжидини «бир неча дахалардан ибодатга тўпланган ахолии учун»[234] жоъме масжиди сифатиди ҳам фаолият кўрсатганлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш ўринлидир. Мазкур обидадан масжид сифатида фақатгина Баланд масжид гузари, ҳамда Собунгарон даҳаси ва бир неча қўшни даҳаларга тегишли ахолилар фойдаланган.

Ўрта Осиё, жумладан Бухоро воҳаси меъморчилигидаги безаклари умумтархий композицион ишлар қаторида асосий ўринларни тутади. Меъморлар доимо масжидлар биносини у ёки бу бадиий – безак усуллари билан ажратиб кўрсатишга харакат қилдилар, яъни масжид мусулмонлар хаётида асосий иншоотлардан бири хисобланади ва шунинг учун ҳам бадиий безатилишига катта эътибор қаратилади.

---

[233] Лавров В.А. Градостроительная культура Средней Азии (с древнейших времён до второй половины XIX века).- М.: Государственное издательство архитектуры и градостротельства, 1950.-С.179 .

[234] Сухарева О.А. Квартальная община позднефеодального города Бухары (в связи с истории кварталов). – М.: Наука, 1976, -С.103

Одатда бой ва зиёли кишилар томонидан қурилган масжидлар безагига (қисман ва махобатли меъморчиликдаги масжидлар) махаллий ахоли маблағи асосида бунёд этилган масжидларга нисбатан каттароқ эътибор қаратилар эди. Бухоро вохасидаги баъзи бир масжидлар безагида жаҳон меъморчилик ёдгорликлари андозаларига жавоб берадиган даржадаги юқори бадиий махорат билан безатишга эришилди.

Композиция ҳамда нақшлар хажми ганч ўймакорлиги ва терракота, мозаика ёки майолика қопламалари бўлишидан қатъий назар бино ўлчами ва шаклларининг ажралмаслиги билан боғлик эди. А.М.Прыбиткова мулоҳазаларига кўра, нақш асосан «бинонинг асосий вазифани бажармайдиган ва кам фаолият кўрсатувчи қисмлари: мехроб атрофлари, қанос ва кўпроқ мехроб токчаси қисқичларига этибор берилган»[235] .

Баланд ва Хўжа Зайниддин масжидлари интерьери нихоятда нозик безатилган. Уларнинг интерьеридаги деворлар «кундал» билан нақшланган, йўлкалари эса мозаика номоёнлари билан қопланган. Баланд масжидининг мехроб девори ҳам мозаика билан безатилган. Хўжа Зайниддин масжидининг интерьер плафони техника сингари ижро этилган. Баланд масжидида эса шифти бошкача бажарилган. У меъморчилиги билан бой масжидларга ўхшаб, у остма шифт кўринишида бўлган ва фигурали - бўртма геометрик нақшда бўлган кессонларга ажратилган. Шифтнинг марказида эса мукарнас ҳовузаки жойлашган. У бутунлай кундал техникасида нақшланган. Бу Бухородаги шундай безатилган масжидлар ичида ягонадир.

Кўпинча интерьерни безатишда бир ёки ундан ортик ўйма ёғоч устунлар ҳам безак сифатида хизмат қилган. лекин улар фақатгина эстетик жихатдан эмас, балки бинонинг ясси том ёпиш усулидаги конструктив вазифасини бажарган.

XVI асрга келиб сирланган терракоталар сир қопланган оддий сайқалланган ғиштчалар кўринишида номоён қилинган. Жумладан, Калон масжидининг асосий пештоқи вассаларини мовий кўк ва оқ рангли ғиштчалардан ташкил топган безакдор паннолар билан безатилди.

[235] Прыбиткова А.М. Развитие орнамента в архитектуре Средней Азии // АН, 1978, № 26.- С. 135-145.

Майолика Бухорода XVI асрлардан мавжуд бўлиб, айнан шу вақтдан бошлаб уни масжид безакларида қўлладилар. Бу ҳақида тахминан XIV асрларга тегишли бўлган тилла суви юритилган майоликали плитка лавхалари Магоки-Аттори масжиди уюмларидан топилганлиги ҳақида маълумотлар мавжуд.[236] Худди шундай, Номозгох масжиди деворларининг меҳроб қисмини қоплаган майоликалар тахминан шу асрларга тегишлидир. В.А.Нильсен кузатишларига кўра, тимпан устидаги ёзув – бу китоба XII асрдаги меҳробга нисбатан «балки кейинрок яратилгандир»[237]. Ўша пайтлардаёк ёзувнинг катта қисми бузилиб кетган ва ёзувинг боши йўк бўлиб, лекин қолган қисмлари бўйича мусулмонларнинг машхур қоидаси – «Оллох ва Мухаммад пайгамбардан ўзга Худо йўқ» каби жумлаларни ўқиш мумкин[238]. XVI асрларда майоликали қопламалар масжид ва мадрасалар безагида кенг тарқалган техникалардан бўлиб қолди. Бу ҳақида Калон масжидининг бой безатилган безаги маълумот беради. Унинг асосий пештоқининг тимпани худди барабани сингари тилла суви билан юритилган йирик тасвирдаги майолика плиталари билан қопланган.

Бухоро масжид ва мадрасалари безагида ёғоч шифтларнинг бўлиши қизиқарлидир. Кўпинча усталар энсиз тахтачалар ёрдамида шифтнинг ясси текислигида геометрик бўртма нақшларни хосил қилишган. Шунингдек шифтнинг марказини ёғоч муқарнасли ҳовузаклар (Хўжа Зайниддин масжиди) билан безашган. Оддийроқ масжидларда эса бу вассали одатий шифтлар бўлиб, юқорида айтиб ўтилганидек уларга нақш чизилган.

АДАБИЁТЛАР

1. Ахмедов М. К. Архитектурные ансамбли и вопросы организации городского пространство и средневековом зодчестве Средней Азии.// Культура Среднего Востока – развитие, связь и взаимодействия (с древнейших времён до наших дней). Градостроительство и архитектура.- Т.: Фан, 1989.

2. Ахмедов М.Қ. Ўрта Осиё меъморчилиги тарихи. – Т.: Ўзбекистон, 1995.

[236] Прыбиткова А.М. Развитие орнамента в архитектуре Средней Азии // АН, 1978, № 26.- С. 135-145.

[237] Нильсен В.А. Монументальная архитектура Бухарского оазиса XI-XII вв. – Т., Издательство Академии Наук Узбекской ССР, 1956 – С.73

[238] Ҳудди уша ерда. , Б - 64

3. Бабажанов Б. К датировке мечети «Валида-йи Абд ал-Азизхан» в Бухаре (По данным эпиграфики и рукописных источников).// Общественные науки в Узбекистана, 1998, № 4,5.

4. Беленицкий А. М., Бентович И. Б, Большаков О. Г. Средневековый город Средней Азии. – Л.: Наука, 1973.

5. Лавров В.А. Градостроительная культура Средней Азии (с древнейших времён до второй половины XIX века).- М.: Государственное издательство архитектуры и градостротельства, 1950.

6. [239] Немцова Н.Б. Мечеть Калян в г. Бухаре. (Историческая справка). – Т., 1960. Архив Глав НПУ памятников культуры по делам МК РУз. Б.2151/ Н 50.

7. Нильсен В.А. Монументальная архитектура Бухарского оазиса XI-XII вв. – Т., Издательство Академии Наук Узбекской ССР, 1956.

8. Сухарева О.А. Квартальная община позднефеодального города Бухары (в связи с истории кварталов). – М.: Наука, 1976.

9. Прыбиткова А.М. Развитие орнамента в архитектуре Средней Азии // АН, 1978, № 26.

[239] Азимов И. Фарғона водийсининг архитектура ёдгорликлари. Тошкент. Ўзбекистон, 1986. 30-б.

ҚЎҚОН ШАҲРИ МЕЪМОРИЙ ЁДГОРЛИКЛАРИ ТАВСИФИ ҲАМДА УЛАРНИ САҚЛАШ ВА ТАЪМИРЛАШ МАСАЛАЛАРИГА ДОИР

Аҳмедов Ж.З.
Ўзбекистон тарихи давлат музейи илмий ходими

Аннотация

Ушбу мақолада Қўқон шаҳрининг меъморий ёдгорликларини сақлашда ва таъмирлаш ишлари ёритилган. Қўқон шаҳри мустақиллик йилларида янада ривожланиб, меъморий жиҳатдан янги жамол кашф этмоқда. Даҳмаи Шохон, Модарихон мақбаралари, Дастурхончи, Норбўтабий ва Камолқози мадрасалари Худоёрхон ўрдаси ва бошқа бир қатор меъморий ёдгорликларида таъмирлаш ишлари ўтказилди.

Калит сўзлар: *Қўқон, меъморий ёдгорлик, маданий мерос, таъмирлаш ва сақлаш, мақбара, масжид.*

В статье освещена реставрации и консервации историко-культурных объектов города Коканда. Благодаря незевисимости проводится широкомасштабная работа по ремонту каждого исторического памятника и доведению их до первозданного вида. Работа, проводимая в мавзолеях Дахмаи Шохон, Модарихон, Дастурхончи, медресе Норбутаби и Камолкози, в урде Худаярхана является результатом исполнения задач, выдвинутых правительством и лично главой государства.

Ключевые слова: *Коканд, архитектурный памятник, культурный наследия, реставрация и консервация, мавзолей, мечеть.*

The article describes the restoration architectural monuments of Kokand city. The works made in the mausoleums of Dahmai Shohon, Modarihon, Dasturhonchi, Madrasahs of Norbutabi and Kamolkozi and in Hudajarhan`s urda come out from execution of the tasks which were put forward by the government and personally by the head of the state.

Key words: *Kokand, architectural monument, cultural heritage, restoration and conservations, mausoleum, mosque.*

Қадимий шарқнинг маданий марказларидан бири Қўқон шаҳри, Фарғона водийсининг ғарбий қисмида, Сўх дарёсининг

қуйи оқимида Буюк Ипак йўли устида жойлашган. Қўқон шаҳри ҳақидаги илк маълумотлар милоддан олдинги II асрга оид бўлиб, Хитой сайёҳи Чжян Цян қаламига мансубдир. Унинг асарида Қўқон водийнинг йирик ва ривожланган шаҳри сифатида таърифланган. Шаҳарнинг тарихий қисми Чор-Су майдони ҳисобланиб, асосий тарихий ёдгорликлари XVIII-XIX асрларда бунёд этилган. Ўз вақтида шаҳар қалъа деворлари билан ўралган бўлиб, 12 та дарвозаси бўлган.

Шаҳар 1709 йилда Қўқон хонлигининг пойтахти деб эълон қилингач, бу ерда шаҳарсозлик тараққий этди. Манбаларда таъкидланишича XIX асрнинг иккинчи яримига келиб, шаҳарда 52 мадраса, беш юздан зиёд масжид, ўнлаб карвонсарой, ҳаммом, олтита йирик бозор ва бир неча ўн махсус бозорлар, қаландархона, қорихона, хонакоҳ, меҳр-мурувват уйлари ва бошқа кўплаб жамоат бинолари, шунингдек, бадавлат кишилар ва мансабдорларнинг шарқ меъморчилиги анъаналари асосида қурилган ҳовли-жойлари мавжуд бўлган.

Шаҳар Россия империяси таркибига киргач, йирик савдо-молия марказига айланди. Рус ва ажнабий бойлар бу ерда ўз корхоналари, банклари ва савдо муассасалари, ҳашаматли турар-жойларини қурдилар. Европа услубида қурилган бу иморатлар шаҳар кўркига кўрк қўшди. Собиқ совет даврида тарихий ва меъморий обидаларнинг аксарияти «эскилик сарқити» баҳонасида бузиб юборилди. Айрим ёдгорликлар эса корхона, идора, омбор ва турар жойларга айлантирилди ва шу боисдан қисман сақланиб қолди. Деярли тўлиқ сақланиб қолга ягона обида «Мир» мадрасасидир. Мадраса 1796-1798 йилларда Норбўтабий томонидан қурдирилган[240].

Яна бир кўзга кўринган обидаларидан бири Жомеъ масжиди биноси 1816-1818 йилларда Амир Саййид Муҳаммад Умархон томонидан қурдирилган. Масжиднинг залворли йўлаги гумбазли дарвозахонага олиб киради. Ховлининг ғарб тарафини 98 устунга суянган муҳташам айвон ва нафис нақшлар билан безатилга хонақох эгаллайди. Ҳовлининг ўртасида шаҳарнинг энг сарбаланд (22,5м.) минораси қад ростлаган[241]. Ҳозирги кунда мажмуа ҳудуди

[240] Рафиқова Ҳ. Қўқон жомеъ масжиди // Мозийдан садо. Тошкент, 2007. №2(34). 30-б.

[241] Абрамов Я.К., Круковская С.М. Кокандский краеведческий музей. Путеводитель. Ташкент, 1969. С. 7.

ободонлаштирилиб, у ерда Қўқон амалий санъат музейи фаолият кўрсатмоқда.

Водийда ягона бўлган Худоёрхон ўрдасининг ҳам деярли ўндан бир қисмигина сақланиб қолган. Бироқ сақланган қисмининг ўзиёқ водий миллий меъморчилигининг ноёб хосиласи сифатида шаҳарга кўрк бериб турибди. Ўрда 1865-1870 йилларда Саййид Муҳаммад Худоёрхон томонидан қурдирилган. Чор Россияси қўшини Қўқонни эгаллагач, ўрданинг катта қисми бузиб ташланиб, ўрнига замонавий мудофаа истеҳқоми қурилди[242]. Ўрданинг сақланиб қолган қисмини таъмирлаш ва тиклаш борасида ўтган асрда ҳам муайян ишлар олиб борилди. Бинонинг «Дарвозахона», «Саломхона», «Девон» қисмлари таъмирланди. Ўрда холатини ўрганиш ва таъмирлаш-мустаҳкамлаш ишлари XX асрнинг 30-йилларидан бошланди. 1935 йилда Я.Ғуломов ва Б.Засипкин томонидан, 1937 йилда меъмор А.Зайнутдинов томонидан меъморий мажмуа холати ўрганилади ва таъмирлаш ишлари олиб борилади. 1946 йил зилзиласида меъморий мажмуа катта зарар кўради. 1947 йилда В.Карников, 1955 йилда И.Ножкин меъморий ёдгорлик холатини ўрганиб, таъмирлаш ишларига раҳбарлик қилдилар. Тиклаш ва таъмирлаш ишларида Қўқонлик машҳур усталар Қодиржон Ҳайдаров, Мелибой Баратов, Сайидмахмуд Норқўзиев, Саидаҳмад Маҳмудов, Шукурхон Махмудов, Саминжон Мўйдинов ва бошқалар иштирок этдилар. Худоёрхон Ўрдаси маданий мерос ёдгорлиги сифатида давлат химоясига олинган[243].

Қўқон қадимги қиёфасини сақлаб қолган шаҳарлардан бири бўлиб, янги ва эски шаҳар қисмларига бўлинади. Шаҳарнинг Катта қабристон мавзеида 1822-1825 йиллар мобайнида малика Нодирабегим томонидан барпо этилган «Даҳмаи Шоҳон» ва «Даҳмаи Модарихон» мақбаралари нафақат миллий меъморчилигимизнинг намунаси, балки зиёратгоҳ сифатида ҳам машҳурдир. Яна бир қанча обидалар: Камол Қози (Муҳаммад Амин) мадрасаси (1827й.), Зинбардор мадрасаси (1829й.), Ҳожибек мадрасаси (1864й.) ҳам таъмирланган. Камол Қози мадрасасида Халқаро «Олтин Мерос» жамғармаси, Соҳибзода

[242] ЎзР МДА, И-2296 фонд, 3-рўйхат, 48-йиғмажилд, 96-варақ.
[243] Фарғона вилоят ҳокимининг 25.08.2006 йил 210 сонли қарорига 4- илова.

Хазрат (1861й.) мадрасасида Муқимий хужра – музейи фаолият кўрсатмоқда.

Европа услубида қурилган бинолар ҳам давлат мухофазасига олиниб ободонлаштирилиб келинмоқда. XIX аср охири – XX аср бошларида қурилган Вадьяев уйи (ҳозирги ҳокимият биноси), Потеляховлар уйи (хозирги марказий телеграф), ака-ука Мандалакилар уйи (хозирги қурт уруғи заводи), Симхаев уйи (нефт-газ саноати коллежи), Рус – Осиё банки (хозирги Пахтабанк), Рус давлат банки (хозирги Адабиёт музейи) республикадаги ноёб ёдгорликлардан ҳисобланади. Бугунги кунга келиб, шаҳар бўйича давлат муҳофазасига олинган меъморчилик обидалари сони 64 тани ташкил этади. Буларнинг 9 таси республика аҳамиятига, қолганлари маҳаллий аҳамиятга молик ёдгорликлар ҳисобланади[244].

Қўқон шаҳрининг меъморий ёдгорликларини сақлашда ва таъмирлаш борасида ёғоч ўймакори Қодиржон Ҳайдаров ва унинг шогирдлари: Абдуғани Абдуллаев, Мирзаусмон, Мирзаюнус ва Хасан Умаровлар, Салимжон Эргашев, наққошлар Саидмахмуд Норқўзиев, Саидахмад Махмудов, Саидумар Махмудов, Шукурхон Махмудов, Нуриддин Усмонов, ганчкор Саминжон Муйдинов, таъмирчилар Хамидулло Эшонхонов, Хасанжон Отажонов, Насимхон Махмудов, Муҳибулло Оловуддиновларнинг ҳизматлари каттадир.

Мухтасар қилиб айтганда, Қўқон шаҳри мустақиллик йилларида янада ривожланиб, меъморий жиҳатдан янги жамол кашф этмоқда. Худоёрхон Ўрдаси саройи, Жомеъ масжиди, Дастурхончи, Норбўтабий, Камолқози, Миён-Хазрат мадрасалари, Даҳмаи Шохон, Даҳмаи Модарихон мақбаралари ва бир қатор бошқа меъморий ёдгорликларида таъмирлаш ишлари ўтказилди. Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш, улардан оқилона фойдаланиб мамлакатимиз тарихини ўрганиш, туризмни ривожлантириш ва келажак авлодларга тарихий шаҳарларимизни, маданий мерос обидаларимизни, миллий қадриятларимизни асл холида етказиш бугунги куннинг долзарб масалаларидан ҳисобланади.

[244] Чориев З.,Аннаев Т.,Муртазоев Б., Аннаев Ж. Ал-Ҳаким ат-Термизий. Тошкент, 2008, 83-92 б.

АДАБИЁТЛАР

1. Абрамов Я.К., Круковская С.М. Кокандский краеведческий музей. Путеводитель. Ташкент, 1969.

2. Азимов И. Фарғона водийсининг архитектура ёдгорликлари. Тошкент, 1986.

3. Ахунова М.А., Зияев Х.З., Рашидов Г.Р. История Коканда. Ташкент, 1984.

4. ЎзР МДА, И-2296 фонд, 3-рўйхат, 48-йиғма жилд, 96-варақ.

ТЕРМИЗ МЕЪМОРИЙ ЁДГОРЛИКЛАРИ

Бабахаджаев А.И.
Термиз археология музей
илмий ишлар бўйича директор ўринбосари

Аннотация

Мақолада Термизнинг ўрта асрларга оид меъморий ёдгорликлари ва уларда амалга оширилган таъмирлаш ишлари ҳақидаги маълумотлар баён қилинган.

Калит сўзлар: *мақбара, хонақоҳ, пештоқ. гумбаз, таъмирлаш.*

Эта статья посвящается средневековым архитектурным памятникам Термеза и к сведениям о реставрациях этих памятников.

Ключевые слова: *мавзолей, ханака, портал, купол, реставрация*

In this article expressed architectural monuments and information about carrying out reconstructions of Termez in middle ages.

Key words: *Mausoleum, khanaka, portal, dome, reconstruction*

Меъморий ёдгорликлар аждодларимиз томонидан бизга қолдирилган маданий меросдир. Ушбу мерос миллатимизнинг ўзига хос тарихий ўтмишини кўрсатади ва ҳар қандай одамнинг диққатини ўзига оҳанграбодек тортади. Мамлакатимиз мустақилликка эришганидан сўнг меъморий обидаларга эътибор тубдан ўзгарди, уларни сақлаш, таъмирлаш ва келгуси авлодларимизга қолдириш давлатимизнинг эзгу мақсадларидан бирига айланди.

Ўрта асрлар даврида Термиз шаҳри ва унинг атрофида ўнлаб мадраса, мақбара, хонақоҳ, масжид ва миноралар бўлган. Таассуфки ҳозирги пайтда шаҳарнинг ички қисмида Ал-Ҳаким Термизий мақбараси, Амударёнинг Пайғамбар оролида Зулқифл ва темурийлар даври Термиз ҳудудида Қирққиз, Султон-Саодат, Кокилдорота каби обидаларгина сақланиб қолган.

Эски Термиз қалъасининг шимоли-ғарбий қисмида жойлашган Ал-Ҳаким ат-Термизий меъморий мажмуаси ғоят нодир иншоотлардан биридир. Буюк олим ва шайх Абу Абдуллоҳ Муҳаммад бин Али ал-Ҳаким ат-Термизий қабри атрофида

қурилган бу мақбара меъморчиликнинг турли хил услубларини ўзида мужассамлаштирган.

Асрлар давомида Хуросон ва Мовароуннаҳрнинг турли вилоятларидан ўзига зиёратчиларни жалб этиб келган бу мақбара даставвал X асрнинг охиридан бошлаб шаклланади. Милодий 1091-1095 йиллар оралиғида Мовароуннаҳрдаги Қорахонийлар сулоласи ҳукмдори Аҳмад бин Хизрнинг кўрсатмасига мувофиқ шайх қабри устида мақбара бунёд этилади. Мақбара девори паст томонидан тортиб гумбазнинг юза қисмигача жуда мураккаб ўйма ганчли нақшли лавҳалар билан безалган бўлган. Унда ислимий ва геометрик нақшлар, куфий ёзувлар билан жонли тарзда чатишиб кетган.

Бир қанча вақтдан сўнг, мақбаранинг шимол томонидан уч устунли айвон ва меҳробдан иборат ҳовлили масжид қурилади. Бу масжидда зиёратчилар Ал-Ҳаким ат-Термизийни хотирлаб номоз ўқишган.

Ал-Ҳаким ат-Термизий қабри атрофида янги иншоотлар қуриш кейинчалик ҳам давом этган. 1389-1390 йилларда мақбаранинг шарқий томонидан янги бино ва унга туташ чиллахона қурилган.

XV аср бошларида икки пештоқли ҳашаматли гумбаздан иборат маҳобатли хонақоҳ қурилган, шайх қабри устида мармар сағана ўрнатилган. Темурий шахзода Халил Султон томонидан ўрнатилган мармар сағана бениҳоя юксак сангтарошлик асари ҳисобланади. Бутун ислом дунёсида унга тенг келадиган, у билан беллашадиган мармар ёдгорлик кам топилади. Мармар сағана деворларига ўйиб битилган жимжимадор қуръоний суралар ва шайх ҳақидаги ёзувлар кишини ҳайратга солади.

Шўролар даврида Ал-Ҳаким ат-Термизий мажмуаси чегара ҳудудида жойлашганлиги боис зиёратчилар учун ёпиқ иншоот эди. Шу туфайли Термиз отани зиёрат қилиш кўплаб муслим ва муслималар учун ушалмаган орзу бўлиб қолди.

Мустақилликнинг дастлабки йилидаёқ чегара симлари Эски Термиз шаҳристони деворларидан шаҳар қалъаси томонга, мажмуадан ғарброққа кўчирилди. Мажмуа яна зиёратгоҳга айланди. Хонақоҳнинг шимолий пештоғи таъмирланиб, мажмуа ҳовлисига мармар тошлар ётқизилди.

Ал-Ҳаким ат-Термизий мажмуасида 2006 йилдан Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ва Сурхондарё вилояти ҳокимлиги ташаббуси билан яратилган лойиҳа асосида таъмирлаш, тиклаш ва ободонлаштириш ишлари олиб борилди. Ушбу мажмуа (4 томони 14 метр кенгликда мақбара асосига қадар) атрофи даврлар давомида ҳосил бўлган маданий қатламлардан босқичма-бочқич тозаланди. Археологик тадқиқотлар туфайли ал-Ҳаким ат-Термизий мақбарасининг ҳар бир тарихий даврга хос меъморий тузилишини ойдинлаштирувчи маълумотлар тўпланди.[245]

Тамирлаш давомида мажмуа ҳовлисидаги мармар қопламалар олиб ташланди, уларнинг ўрнига тўртбурчак пишиқ ғиштлар ётқизилди. Хонақоҳ гумбази ташқи томондан яхшилаб мустаҳкамланиб, гумбаз ички томони ҳаво ранг ислимий нақшлар билан безатилди. Масжид арклари ҳам чиройли ислимий ва гириҳ нақшлар билан безатилиб, меҳроб атрофида куфий ёзувлар битилди. Мақбара гумбази ҳам ички томонидан бежирим ислимий, гириҳ ва эпиграфик нақшлар билан безатилди. Эски мармар сағана мажмуа ҳудудида жойлашган Термиз ва термизийлар тарихи музейига экспозицияга қўйилди, унинг ўрнига карманалик усталар томонидан бунёд этилган янги мармар сағана ўрнатилди.

Ўзбекистон Республикасининг мустақиллиги шарофати билан буюк мутаффакир олим, ислом оламининг дарғаларидан бири, шайх Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ал-Ҳаким ат-Термизий мақбараси ва унинг атрофи жанатмакон масканга айланди.

Шунингдек, Термиз меъморий ёдгорликларидан яна бири Зулқифл мақбарасидир. Ушбу мақбара Амударёдаги Пайғамбар оролининг жанубий қисмида жойлашган. Қуръони Каримда бир неча марта зикр этилган Зул Қифл пайғамбар номини ҳурматлаш мақсадида араблар дастлаб, Термиздан 80 км ғарбда жойлашган Келиф шаҳарчасида унинг номи билан аталувчи работ қурдирган. Зулқифл пайғамбарга топинишни Термиз томонга кўчиши ҳақида халқ орасида қизиқ афсона сақланиб қолган. Афсонага кўра, Келифлик бир авлиё ўлими арафасида муридларига мени сандиққа солиб Амударёга қўйиб юборинглар деб васият қилади. Васиятни

[245] Махмуд ибн Вали. Море тайн относительно доблестей благородных. (География). Перевод Б.А.Ахмедова. Ташкент, 1977, стр.34.

бажарган муридлар сандиқ оқимга қарши сузаётганлигини кўришади ва дарёнинг икки тарафи бўйлаб оломон сандиқни Термиз яқинигача кузатиб боради. Шу ерда сандиқ очилиб авлиё ўрнидан туради ва «Оллоҳга шу мақбул»деб жон беради. Шу вақтнинг ўзида орол пайдо бўлади ва авлиё оролда дафн этилади. Авлиё қабри устида мақбара бунёд этилади.

Зулқифл мақбараси ҳақида маълумотлар сўнги ўрта асрлар тарихчилари Махмуд ибн Вали ва Муҳаммад Юсуф-Мунший асарларида ҳам берилган. Махмуд ибн Валининг ёзишича «Жайхун қирғоғида Гунбад қалъаси ёнида пайғамбар Зулқифл қабри жойлашган». Унинг таъкидлашича оролдаги мақбарага аббосийлар саркардаси Исҳоқ ибн Кунажа (мил.992/3 вафот этган)дафн этилган.[246]

XI-XII асрларда бунёд этилган Зулқифл ёдгорлиги масжид, гўрхона ва уларга туташ икки хонадан иборат. Квадрат шаклдаги (6,95х6,95) масжид томи гумбаз билан ёпилган. Масжидга шарқ тарафдан пештоқ орқали кирилган. Меҳроб ганчкори гирих нақшлар билан безатилган. Гўрхона (6х4м) масжид сатҳидан 1 метрча баланд қилиб қурилган, унда сағана сақланган. Гўрхонанинг икки эшиги орқали туташ қурилган икки хонага ўтилади. Хоналар деворига ғиштлар мавжли шаклда терилган.

Мақбарада дастлабки таъмирлаш ишлари XV-XVI асрларда олиб борилган. XX- аср бошларида ҳам ёдгорликнинг баъзи жойлари ўша давр ғиштлари билан таъмирланган. 2011 йилга келиб мақбара ночор аҳволга келиб қолган эди. Масжиддан ташқари барча биноларнинг томлари, ғарбий деворнинг бир қисми ва пештоқнинг юқори қисми нураган эди. Деворлар ёриғи туфайли баъзи жойларда уларнинг шакли ўзгарганлиги намоён бўлар эди.

2011-2012 –йилларда Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ва Сурхондарё вилояти ҳокимлиги ташаббуси билан Зулқифл мақбарасида таъмирлаш ишлари олиб борилди. Тамирлаш ишлари «Фаёзтепа-Термиз» корхонаси томонидан амалга оширилди. Улар томонидан масжид пештоғи, хоналарнинг томлари ва ғарбий деворнинг бир қисми тўлиқ тикланди. Зиёратхона ва унга туташ хоналардаги гумбазсимон безаклар

[246] Пугаченкова Г.А. Новые материалы по архитектуре ансамбля Султан-Саодат. САУ, 9, 1965 г.

(паруслар) ўз ҳолига келтирилди. Мақбара деворларидаги ёриқлар ёпилиб, ёдгорлик муҳташам кўриниш олди.

Термиз Саййидлари сулоласининг мақбаралари жойлашган Султон Саодат мажмуаси ўтмишда энг кўп зиёратчилар келадиган маскан ҳисобланган. XI-XVII асрларда бунёд этилган ушбу обида йигирмага яқин мақбараларни ўз ичига олади. Мақбараларнинг энг қадимийси XI-XII асрларда, қолганлари, асосан, XV-XVII асрларда ёнма-ён қурилиб, узун ҳовлининг икки томонини эгаллаган. Мақбаралар пештоқ ва гумбазли чорси хоналар (9х9,05 м ва 10,15х10,25 м)дан иборат. Ҳовлининг тўридаги пештоқ ва икки қанотдаги гумбазли мақбаралар бир хил тарҳда, жанубдаги мақбара зиналар ҳисобига кичикроқ кўринади. Шимоли-ғарбдаги мақбаранинг қурилма ва безаклари оддий ғишт(27х27х5см)дан жуфт-жуфт қилиб терилиб, мавжли безак ҳосил қилинган. Ички хона деворларига ғиштдан ҳошияли бўртма равоқлар ишланган. Жануби-ғарбдаги мақбара шимоли-ғарбдагидан бир оз кичик, кўриниши оддий, ганч сувоқли. Мазкур икки мақбара орасидаги пештоқли супа тўрига меҳроб жойлашган. Сиркор кошинлар бинога алоҳида ҳусн бағишлаган. XV-XVII асрларда қурилган мақбараларда ўша даврга хос юлдузсимон гириҳ нақшлар, ганчкори безаклар кенг қўлланилган.[247]

Султон Саодат мажмуасида таъмирлаш ишлари Термиз шаҳрининг 2500 йиллик юбилейи муносабати билан 1999-2000 йилларда амалга оширилди. Бухоро, Самарқанд ва Хоразм вилоятларидан таклиф этилган моҳир усталар икки йил мобайнида мажмуада улкан бунёдкорлик ишларини амалга оширдилар. 2016 йилда ҳам мақбарада таъмирлаш ишлари олиб борилди. Жумладан, мақбара ҳовлиси янги пишиқ ғиштлар билан қопланди, Термиз Саййидлари сулоласи асосчиси Ҳасан ал-Амир қабри устида оқ мармардан ясалган сағана ўрнатилди.

IX-X асрларда бунёд этилган Қирққиз қалъаси Термизнинг ноёб меъморий ёдгорликларидан бири ҳисобланади. Тадқиқотчилар томонидан ушбу ёдгорлик ўтмишда қандай вазифада фойдаланганлиги ҳақида турли фаразлар мавжуд. Шаҳар ташқарисидаги зодагон саройи, қизлар мадрасаси, хонақоҳ, карвонсарой ва ҳокозо. У дунё томонларига мослаб қатъий

[247] Аршавская З.А., Ртвеладзе Э.В.,Хакимов З.А. Средневековые памятники Сурхандарьи. Ташкент,1982, стр.88-89.

мужассимотда бунёд этилган. Қалъа тўртбурчак тарҳли (53,3х54,8 метр), бир қаватли, фақат йўлаклар умумий баландликда икки қаватли бўлиб, хом ғишт (30х30х5 см)лардан қурилган. Тоқ ва равоқларида шу ўлчамдаги пишиқ ғиштлар ҳам ишлатилган. Қалин девор билан ўралган (ташқи девор қалинлиги 2 – 2,5 метр), бурчаклари ҳажмдор буржлар билан мустаҳкамланган; буржлар оралиғида тоқлар билан ёпилган айвонлар жойлашган, тарзларига бир маромда такрорланувчи туйнуклар ишланган. Қалъанинг барча хоналари ва марказдаги саҳн (11,5х11,5 метр) ўзаро йўлаклар билан боғланган; марказий саҳн ҳовли ёки гумбазли зал бўлган деб тахмин қилинади. Айвон ва йўлаклар бинони тўрт қисмга бўлган. Булар иккита бир хил тузилган (беш хона ва уч томонидан ўралган йўлак, эни 2,1 метр) шимоли – ғарбий ва шимоли – шарқий ҳамда иккита жануби – ғарбий (иккита йўлакча билан боғланган бешта хона) ва жануби – шарқий (йўлакча билан боғланган иккита хона ва уч устунли катта меҳмонхона) қисмлардир. Йўлаклар ва хоналар девордаги туйнуклар орқали ёритилган. Қирққиз ёпмасида балхи ҳамда кесишган гумбазсимон тоқлар, бошқа турдаги гумбазлар, тоқлар ва равоқлар қўлланилган.[248]

Асосан хом ғиштлардан бунёд этилган ушбу ёдгорлик асрлар мобайнида ёғингарчиликлар ва табиий офатлар туфайли ўз жозибаси ва кўркини йўқотмоқда. Гарчи Термиз шаҳри юбилейи муносабати билан Қирққиз қалъасида таъмирлаш ишлари олиб борилган бўлсада, жараён ҳозирги кунда ҳам давом этмоқда. «Термиз обида таъмир» корхонаси ходимлари томонидан қалъа пойдевори археологик жиҳатдан авайлаб, синчковлик билан ўрганилмоқда. Таъмирлашда қадимий усуллардан унумли фойдаланилмоқда. Умуман олганда мутахассислар томонидан Қирққиз қалъасини келажак авлодларимиз учун сақлаш чора тадбирлари кўрилмоқда.

Термиз меъморий ёдгорликларидан энг сўнгиси Кокилдор хонақоҳи ҳисобланади. Халқ орасида Алоулмулк Худовандзода (Термиз ҳукмдори) кўшки, «Азизон», «Азлар эшон», «Кокилдор» (кокил қирқиш удуми) деб номланган. Тадқиқотчиларнинг фикрича хонақоҳ XVI асрда Шайбонийлардан Абдуллахон II даврида бунёд этилган.

[248] Денике Б.П. Искусство Средней Азии. М., 1927, стр.17.

Кокилдор хонақоҳи тўғри тўртбурчак тарҳли (27,5х17 метр), 5 хонадан иборат. Баланд ва чуқур равоқли пештоқ орқали марказий хона (7,5х7,5 метр) га кирилади. Марказий хонанинг гумбази 8 қиррали пойгумбаз устига қурилган, икки ён томонидаги хоналар ўзаро ўхшаш, тенг ҳажмда, далон орқали боғланган орқа ва ён эшиклари бўлган. Марказий хона саҳнида бирнеча қабр сақланиб қолган. Ичкаридаги равоқ ва намоёнларга ганчкори усулида пардоз берилган. [249]

Шўролар даврида Кокилдор хонақоҳи ҳам қаровсиз, пештоғининг юқори қисми ва жануби-шарқий девори нураб тушган эди. Термиз шаҳрининг 2500 йиллиги муносабати билан атрофи ободонлаштирилди. Шаҳрисабзлик усталар томонидан хонақоҳда мукаммал таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Ҳозирги пайтда Кокилдор хонақоҳи Термизга келган меҳмонлар ва сайёҳлар томоша қиладиган мўжаз меъморий обидага айланган.

Термиз обидалари Марказий Осиё қадимий меъморчилигининг ажойиб намуналари ҳисобланади. Асрлар мобайнида қад кўтарган ушбу обидаларни нафақат маҳаллий балки турли мамлакатлардан келган меъморлар ҳам бунёд этишган. Шунинг учун ҳам Термиз меъморий ёдгорликларида Мавароуннаҳр меъморчилиги билан бирга Хуросон меъморчилиги ананалари намоён бўлган. Биз тариф берган ёдгорликлар ўрта аср пойтахт шаҳарлари Бухоро, Самарқанд, Хива, Қўқон обидаларидан балки ўзининг бежиримлиги билан бир оз орқароқдадир. Лекин Термиз ёдгорликларининг ўзига хос кўриниши, жилоси ва маҳобати асрлар мобайнида кўплаб инсонларни ҳайратга солган. Ҳозирда эса ёш авлод учун ўз тарихидан ғурурланиш манбаи бўлиб хизмат қилмоқда.

АДАБИЁТЛАР

1. Чориев З.,Аннаев Т.,Муртазоев Б., Аннаев Ж. Ал-Ҳаким ат-Термизий. Тошкент, 2008

2. Махмуд ибн Вали. Море тайн относительно доблестей благородных. (География). Перевод Б.А.Ахмедова. Ташкент, 1977

3. Пугаченкова Г.А. Новые материалы по архитектуре ансамбля Султан-Саодат. САУ, 9, 1965 г.

[249] Рахманов М. Узбекский театр с древнейших времен до 1917 года. – Т.: Изд-во лит. и искусства им. Г. Гуляма, 1981. С. 120.

УЗБЕКСКИЙ ТАНЕЦ НА РУБЕЖЕ XIX-XX ВЕКОВ

Насибулина Л.И
Преподаватель ТГВШНТХ;
Стажер-исследователь Института
искусствознания АН РУз

Аннотация

Mamlakatimizda nomoddiy madaniy meros yorqin namunalari biri bo'lib, o'zbek milliy raqs o'rganishi va uning tarixiy rivojlanishi mustahkamlash muammolari bilan duch keladi. Ush bu maqolada XIX-XX asrlarning o'zbek raqs namunalari bilan ko'rsatilgan va turli manbalarda tasvirlangan.

Kalit s'ozlar: *raqs san'ati, meros, «Morigi», «Kema o'yin» «Kichkina jon», «Katta o'yin»*

Являясь одним из ярчайших образцов нематериального культурного наследия нашей страны, национальный узбекский танец сталкивается с проблемами изучения и фиксации его исторического развития. В статье рассматриваются образцы узбекского танца рубежа XIX-XX веков, описанные в различных источниках.

Ключевые слова: *танцевальное искусство, наследие, «Моригу», «Кема уйин», «Кичкина джан», «Катта уйин»*

The national Uzbek dance is one of the brightest examples of the intangible cultural heritage of our country. Uzbek dance always faces problems of studying and fixing its historical development. In the article there are samples of the Uzbek dance of the turn of the XIXth and XXth centuries that was described in various sources.

Key words: *art of dance, heritage, «Morigi», «Kema uyin», «Kichkina djan», «Katta uyin»*

Вопросы истории национального хореографического искусства являются одними из актуальных проблем современного искусствознания. Поиски фактов и свидетельств в данном направлении приводят исследование к разнообразным источникам информации, в числе которых обширный материал письменного наследия - записки путешественников и этнографов, а также документальные фотоматериалы. В научном, историческом востоковедении широко известны труды и мемуаристика о Средней Азии ученых и путешественников Н. Бичурина, Р. Г. де Клавихо, В. Кре-

стовского и многих других. Среди описаний географии, климата, архитектуры ученые-исследователи обращают внимание и на достижения культуры. Но сведения о формах бытования танца, характере его пластики в этих трудах путешественников в основном имеют вид фрагментарных замечаний.

Узбекское танцевальное искусство на рубеже XIX-XX веков отличалось жанровым многообразием и богатством образов. В танцевальном искусстве узбекского народа XIX-XX веков сосуществуют ритмические пантомимы, подражательные, иллюстративные, бытовые танцы и цирковые танцы с танцами более сложной формы и более глубокого эстетического содержания. Широкая сфера бытования и многообразие жанров говорят, что танец был неотъемлемой частью духовной культуры узбекского народа. Русские путешественники, посетившие Среднюю Азию в XIX - начале XX века обращали внимание на исключительную популярность танцевального искусства в жизни народа. Побывавший в 70-х гг. в Коканде чешский фольклорист А. Эйхгорн свидетельствовал, что здесь было четыре профессиональных объединения «касабаи созанда», где было собрано много музыкантов, хафизов, актеров и танцоров[250]. До нас дошли имена знаменитых танцоров из Коканда – устода Мухамаджана-бачча, Аскар-бачча, Макайлик-бачча, Фарзинхон-бачча, Хамдам-бачча, Саид-бачча, Махкам Хафиза, Отаходжа.

Интересные сведения предоставляет книга В. Крестовского, который был представителем российского посольства в 1879 году. В своей книге «В гостях у бухарского эмира» В. Крестовский описывает замечательный массовый танец с саблями, который ему довелось увидеть на базме в г. Бустане: «Вторая часть базма началось с очень грациозного легкого танца, называемого Мориги, то есть мервским. Танцевали его впятером, для чего танцоры расположились в таком порядке, как очки на пятерке домино. У каждого из них было в руках по две палочки длиной около аршина, которые они держали перед собой за нижние концы. Танцоры, став лицом каждый к своему vis-a-vis и кружась как в вальсе, двигались по кругу навстречу друг дружке, и в то же время, если можно так выразиться, крест-накрест выписывали восьмерки вокруг среднего баччи, который кружился на одной точке. Тут, кроме трудности

[250] Крестовский В.В. В гостях у эмира бухарского. – СПб., 1887. С. 403.

самых фигур, главное искусство состоит в том, чтобы в очередь скрещивать удары палочки о палочку у себя и с противником, да кроме того еще и со средним баччей, а этот последний должен отбивать поочередно удары всех четырех танцоров; но удары должны быть наносимы и отбиваемы не иначе как в такт, который с течением пляски все учащается, что и было, между прочим, в совершенстве проделано бустанскими баччами»[251]. В описании Крестовского, Мориги предстает великолепным красивым массовым танцем с ярко выраженным зрелищным началом. Несомненно, что в истоках своего генезиса Мориги - отголосок древних героических плясок и когда-то исполнялся с настоящими саблями, но в дальнейшей практике холодное оружие было заменено декоративным, а затем утерян был и сам танец. Также описание Крестовского служит доказательством что в традициях народного танца были развитые массовые формы мужского танца.

Одним из самых любимых танцев прошлого был Кема уйин. «Танец Кема уйин был известен еще в древности, его танцевали на различных празднествах при дворе Темура»[252]. Он широко практиковался вплоть до падения эмирского правления. В документах путешественников упоминание о популярном в прошлом танцевальном представлении Кема уйин встречается достаточно часто. Так, Копцева А., будучи в Хиве в 80-х гг. XIX в. рассказывает о нем так: «Сделали две китайские лодки, также зонт из камыша, вокруг наклеили бумагу, внутри лодки повесили фонарики. Под один из зонтов сел мужчина в китайском женском платье, наконец, лодки стали плыть по площади. Событие происходило вечером. Поэтому возникла красивая картина. Потом начались танцы, все начали танцевать. Затем все отправились к бурхону. Кто прыгает, кто поет, а лодки как бы плавают. Немного проплыв, лодка остановилась возле уютного местечка, и все усевшись на камни стали читать молитвы. Несколько минут стояла тишина. Вдруг по знаку проводника все встали, опять продолжилось веселье. Появилось несколько человек в масках бесов»[253]. Лодки, в которые садились танцоры, драпировались разноцветными тканями, достигавшими

[251] Абидов Т. Уста Олим Камилов. – Т., 1958. С. 36.

[252] Кадыров М. Труды по истории зрелищных искусств Узбекистана. Т. 3. – Т.: Изд-во «San'at», 2013. С. 60.

[253] Нурджанов Н. Традиционный театр таджиков. Том 1. – Душанбе: Дизайн-студия «Мир путешествий», 2002. С.147.

пола, так что ног танцоров не было видно. Исполнялся Кема уйин как одним или двумя танцорами, так и большим количеством участников. Так, например, профессор Н. Нурджанов утверждает, что количество танцоров доходило до двухсот человек[254].

Ушедший в прошлое Кема уйин был невероятно красивым зрелищем. Красота танца в необычном одеянии танцовщиков, ярком оформлении лодок, в щедрой иллюминации. Танец содержал свои особые средства хореографической выразительности. Среди них сложный рисунок массовых передвижений, ясное драматургическое начало и специфичность пластики, передающей водное течение. «Расположившиеся в разукрашенных лодках, вытянутые в одну линию шестьдесят человек под звуки веселой задорной музыки движутся мелкими шажками; такой рисунок они выдерживают 40-50 кругов» [255]. Постановка представления на огромной площади с определенной, детально разработанной мизансценой, со строго выдержанным сложным рисунком передвижений требовала длительных репетиций и высокого профессионального мастерства постановщика-устоза.

Танцевальный спектакль Кема уйин передавал в красочных художественных образах мифологический сюжет, связанный с образами Амбар-она и ее сына Хуббим. Танец с лодками сохранялся вплоть до 20-х годов XX в. Так, Гавхар Рахимовой (младшая сестра Тамары Ханум) привелось видеть его и она вспоминает, как в чайхане Чакалак в Горчаково хозяин устроил состязание певцов, музыкантов, танцоров и «Отаходжа из Маргилана исполнил старинный танец Кема уйин - танец с лодкой»[256]. Со временем Кема уйин потерял свое мифологическое значение и превратился в театрализованное зрелищное представление.

В книге Г. Рахимовой «Дорога» есть эпизод, красочно рассказывающий о древнем танце Кичкина джан. Она вспоминает: «Уста сказал нам, что гость сейчас исполнит танец Кичкина джан, мы будем подпевать, а учитель сыграет на дойре. Мы запели:

Кичкина джан, кичкина
Тарыкдан хам кичкина.

---

[254] Рахманов М. Узбекский театр с древнейших времен до 1917 года. – Т.: Изд-во лит. и искусства им. Г. Гуляма, 1981. С. 186.
[255] Рахимова Г. Дорога. – Т.: Ёш гвардия, 1967. С.22.
[256] Там же. С. 25.

Кичкина джан, кичкина,
Кучукдан хам кичкина.
Кичкина джан, кичкина,
Мушукдан хам кичкина.

Парень, танцуя, менялся ежесекундно на глазах, становился все меньше и меньше, жалобно лаял, мяукал, кукарекал. Потом вдруг схватил стоявшую у стены тагору, поставил на голову, раскрутил ее, подбросил в воздух, поймал, опустил на затылок – и глиняная тагора стала «ходить» вверх и вниз по его спине! Это что! – улыбнулся Уста. Вот его учитель, танцуя вертел на голове огромный хум»[257]. Жанр Кичкина джан - высокопрофессиональный трюковый танец из народного театра маскарабозов. Как и основной массив танцев в театре маскарабозов, Кичкина джан основан на методе гротеска. В других локальных регионах он также был распространен и назывался Маймун уфори. Кичкина джан, как и многие другие танцы профессионального и народного искусства, сопровождался песней. Но танцевальный ряд не просто иллюстрировал стихотворный текст, а создавал свой хореографический образ, неизмеримо обогащая богатством народной танцевальной мысли.

Перечисленные жанры в настоящее время являются забытыми и их описание можно встретить только в исторических источниках. Один из немногих старинных танцевальных жанров, дошедших до нашего времени. является Катта уйин. Танцевальный цикл Катта уйин является основой ферганской школы танца. Народная артистка Узбекистана Г. Рахимова рассказывает, что ее учитель Махкам Хафиз «показывая Катта уйин, часто отвлекался от урока и начинал рассказывать. Он объяснял, что Катта уйин это целый дастан, легенда. В ней повествуется о диковинных вещах. Сейчас, сожалел Махкам, сохранилось мало от того, что было в старину. Каждое движение Махкам Хафиз комментировал. Например, «Ором» - «блаженство» - имеет свой рисунок, соответствующий термину. И, танцуя, учитель рисовал поэтические картины. Правда, Махкам Хафиз не мог ответить на вопрос почему такие различные по содержанию движения такие как «сарбози» («мужество»), «садр» (погребальный танец), «джилвони» («кокетка») иногда исполняются вместе. Ведь они имеют свой определенный

[257] Там же. С. 35.

смысл и, соединяясь, не составляют цельного сюжета. Видимо, что-то утеряно временем»[258]. Являясь в нынешнее время бессюжетным хореографическим циклом и своего рода сводом основных танцевальных позиций и движений узбекской танцевальной классики, некогда Катта уйин являлся сюжетным действом, отражавшим миф о растительном боге Сиявуше. Смыкаясь в единую эстетическую систему с другими видами национального искусства, Катта уйин доносит до наших времен все своеобразие художественного мышления узбекского народа.

Опираясь на совокупность сведений из документальных первоисточников, можно утверждать, что национальный танец XIX и нач. XX вв. – это огромная панорама образов, воплощавшихся в богатом многообразии жанровых традиций. Некоторые жанры раскрывали образы мифопоэтики. «Катта уйин», «Кема уйин», «Мориги» - реликты древних мистерий, красочно рассказывающих о героях, богинях и великих битвах. Со временем эти танцы теряли свое мифологическое и символическое значение и уже лишенные всякого религиозного знания практиковались в русле эстетики зрелищного представления. Описание танцев рубежа XIX-XX вв. говорит и о разнообразии хореографических форм. Так, «Мориги» - виртуозный мужской танец со сложными ансамблевыми решениями, «Кема уйин», «Катта уйин» - грандиозная массовая форма больших масштабов, «Кичкина джон» - сольная форма гротескового характера.

Народный танец - одна из наиболее значимых духовных и эстетических ценностей узбекского народа. Узбекский танец прошел сквозь многие социально-исторические испытания, сохранив себя как одно из сокровищ духовного наследия народа. Образный мир узбекского танца открывает богатство и глубину своего содержания, включающего в себя художественные пласты от тысячелетней архаики до современных форм танцевального искусства периода Независимости.

ЛИТЕРАТУРА

1. Рахманов М. Узбекский театр с древнейших времен до 1917 года. – Т.: Изд-во лит. и искусства им. Г. Гуляма, 1981.

2. Крестовский В.В. В гостях у эмира бухарского. – СПб., 1887.

[258] Альбаум Л.И. Балалыктепа. Ташкент, 1960. С. 147-156.

3. Абидов Т. Уста Олим Камилов. – Т., 1958.
4. Кадыров М. Труды по истории зрелищных искусств Узбекистана. Т. 3. – Т.: Изд-во «San’at», 2013.
5. Нурджанов Н. Традиционный театр таджиков. Том 1. – Душанбе: Дизайн-студия «Мир путешествий», 2002.
6. Рахимова Г. Дорога. – Т.: Ёш гвардия, 1967.

БОЛАЛИКТЕПА ДЕВОРИЙ СУРАТИ КОНСЕРВАЦИЯСИГА ДОИР

Ўлмасов А.Ф.
К.Беҳзод номидаги МРДИ ўқитувчиси
Шарипова Ф.
Термиз Археология музейи реставратори

Аннотация

Мақолада Болалиқтепа ёдгорлиги мисолида Ўрта Осиёнинг илк ўрта асрларга оид махобатли деворий сурат фрагментининг замонавий кимёвий моддалар, хом-ашёлар ҳамда илғор технологик усуллар ёрдамида консервация қилиш жараёни қисқача баён қилинган.

Калит сўзлар: Деворий сурат, Болалиқтепа, консервация, фрагмент, санъат асари, ёдгорлик, сувоқ, эритма, елим, жараён.

В статье коротко изложено процесс консервации фрагмента настенной живописи Балалыктепа – один из уникальных раннесредневековых памятников Средней Азии. Согласно авторам, в процессе были применены современные химические реактивы и передовые технологические методы.

In this thesis stating about process of conservation of fragment wall painting from «Balaliktepa» – one of the unique early medieval monument of Central Asia. According to authors, in the process of conservation used modern chemical agents and advanced methods.

Болалиқтепа деворий суратлари Ўрта Осиё ҳалқларининг маданияти ва санъати ёдгорликларининг ажойиб намуналаридан биридир. Деворий суратлар 1953-1955 йилларда Л.И. Альбаум бошчилигидаги қадимшунослар томонидан Болалиқтепа археологик ёдгорлигида топилган. Ёдгорлик Сурхондарё вилоятининг Ангор туманида, аниқроғи Термиз – Ангор йўлидан 2 км шарқда жойлашган. Мавсумий олиб борилган қазишма ишлари мобайнида суратлар навбатма-навбат қисмларга ажратилиб, тозаланиб ва кимёвий қотириш йўли билан кўчириб олинган. Қазишма муаллифларига кўра суратлар очилган пайтда ПБМА (полибутилметаакрилат)ни ксилолдаги эритмаси билан қотирилган. Мазкур эритма билан қотириш бўёқ ва сувоқ қатламини 3 мм қалинликда мустаҳкамлигини оширган. Шу билан

бирга аввалда унча кўзга кўринмаган майда деталлар фиксация туфайли нафақат аниқ ва равшан кўринишга келган, балки деворий сурат тасвирларининг нусхасини кўчиришга имкон берган[259].

Термиз археология музейида Болалиқтепа деворий суратининг бир қисми сақланади. №14 фрагмент деб белгиланган бўлак (ўлчами 68х87,5 см) ёдгорликдаги махобатли меъморий иншоот хоналаридан бирининг жанубий деворига тегишли бўлган. Суратнинг бу қисми зиёфат саҳнасини акс эттириб, олд планда шохона кийинган аёл ва эркак қомати, орқада эса ёш хизматкор тасвирланган. Мазкур фрагмент бошқаларига қараганда ёмон сақланганлиги туфайли 1983 йилда Россия Давлат Эрмитажида ҳамкорликда ўрганилган ва консервация қилинган. Аввалда фрагментни очилган пайтда тўйинтирилган полимер елимдан ҳалос қилиш мақсадида ксилол эритмаси ёрдамида «буғлаш» усули билан тозалаш ишлари олиб борилган. Бу усул керакли натижани бермагач (чунки сурат юзасида куйишда қорайган жойлари бор эди) фрагмент бир неча кимёвий таҳлиллар қилинади. Маълум бўлишича, сурат юзасида ПВБ (поливинилбутирал), БФ ва бошқа кимёвий моддалар билан қотирилган ва бу унинг қорайиши ва бўёқ қатламининг кўчишига сабаб бўлган. Тавсияга кўра сурат юзаси ўша пайтда таъмирлаш амалиётида илк бор қўлланилган иссиқ сув, ацетон ва спирт ёрдамида тозаланган[260].

Суратнинг пухта ва синчиклаб ўрганилиши мутахассисларга илк ўрта асрлар деворий суратининг техник ва технологик жихатларини аниқлашга имкон берди. Хусусан, аниқ бўлишича, бўёқ қатлами анча зич ганч замин устига суртилган. Изларига қараганда, бўёқлар мўйқалам ёрдамида қалин ва бўрттириб берилган. Мўйқалам ҳаракатининг тасвир шаклига қараб йўналтирилиши суратнинг рельефли кўринишга олиб келган. Лекин, тадқиқотчиларга кўра суратнинг бўёқ қатламида ёруғ-соя изчиллиги (градация) мавжуд эмас[261].

---

[259] Ахадова Г. К вопросу о методике обработки росписей Балалыктепе // ИМКУ, вып. 23. Ташкент, 1990. С. 190-193.

[260] Ахадова Г. Новые элементы в живописи Бабалыктепе // ИМКУ, вып. 32. Ташкент, 2001. С. 239-241.

[261] Лойиҳада музей директори З.Алимардонова таклифига кўра япониялик мутахассислар Х.Фурушо ва Н.Инутакэ ҳамда мақола муаллифлари иштирок этди.

Санъат асарлари қанчалик юқори сифатда консервация қилинсада асосан вақт ўтиши ва бошқа сабабларга кўра қайта таъмирга эхтиёж сезади. Мазкур деворий сурат фрагменти устида ҳам орадан уч ўн йиллликдан ортиқ вақт ўтиши натижасида унинг ҳолатини ўрганиш ва керакли муолажалар ўтказишга тўғри келди. Деворий сурат фрагментининг консервация лойиҳаси Термиз археология музейи ташаббуси ва япон мутахассислари ҳамкорлигида амалга оширилди[262].

Экспонат устида олиб борилган тозалаш, қотириш ва демонтаж ишларининг асосий босқичлари хусусида қуйида қисқача тўхталиб ўтишга қарор қилдик. Бу жараёнлар эса махсус тузилган режа асосида босқичма-босқич амалга оширилди.

1-босқич. Деворий суратнинг таъмирлашдан олдинги ҳолати замонавий микроскоп ёрдамида синчиклаб ўрганиб чикилди ва фотофиксация қилинди. Шцнингдек, экспонатнинг юза, яъни сурат қатламидаги чанги пуркагич ёрдамида енгил тозаланди. Одатда суратнинг орқа томонига ишлоб бериш учун у ағдарилади. Бунда сурат юзасига шикаст етказмаслик ҳамда ёриқлар пайдо бўлмаслиги учун бўёқ қатламига «*Rayonpaper*»[263]қоғози кичик бўлакчаларга бўлиниб ёпиштириб чиқилди. Ёпиштириш учун «глютен» деб номланувчи ўсимлик крахмали қолдиқларидан тайёрланган елимдан фойдаланилди. Эслатма ўрнида айтиш жоизки ушбу елим сувда яхши эрийди ва шу сабабли уни сув ёрдамида сурат юзасидан кўчириб олиш осон. Экспонатга эса ҳеч қандай салбий таъсири йўқ.

2-босқич. Деворий суратнинг юза қисмига полиэтилен плёнка тўшалиб, унинг устидан паралон ётқизилди. Паралон устидан эса «Лексан» маркали поликарбонат доскаси қўйилди ва тўрт ён томондаги чет қисмлари бириктирилиб, авайлаб аста-секинлик билан сурат ўгириб олинди. Суратнинг орқа сувоқ томонидаги аввал қўйилган тахта доска, унга кнопкалар билан бириктирилган икки қават қалин мато ҳамда суратнинг сувоқ қатламига ёпиштирилган икки қаватли дока (марля) матоси ацетон кимёвий моддаси ёрдамида эритилиб, аста-секин кўчириб олинди.

---

[262] Сунъий тола (лот. *viscosus* – ёпишқоқ) – табиий целлюлозани қайта ишлаш натижасида олинадиган сунъий толаси. Манба: http://en.wikipedia.org/wiki/Rayon

[263] Ulmasov A. Foreign experience on Conservation of Museum objects // ACCU Nara International Correspondent. Vol. 8. Nara, 2011. P. 39-41.

3-босқич. Деворий суратнинг орқа сувоқ қисмида полимер елим керагидан ортиқ тўйинтирилган. Суратни бошқа доскага бириктириш учун аввало ундаги ортиқча елим қолдиғини шимдириб олиш лозим. Шу сабабли экспонатнинг орқа томонидаги елимни ацетон ёрдамида эритиб, шимдириб олинди. Кейин, шиша толасидан тўқилган мато экспонат ҳажмидан сал каттароқ қилиб кесиб олиниб, экспонат юзасига тўшалди ва «Paraloid B-72» елимининг ацетондаги 10% ли эритмаси бир текис суртиб чиқилди.

4-босқич. Сўнгги жараёнда яхлит доска экспонат устига авайлаб қўйилди ва юқоридаги усул ёрдамида деворий сурат юза томонига айлантириб олинди. Сурат қўйилгандан кейин барча томонлари тўғрилаб олинди. Матонинг ортиқча қисмлари досканинг орқа томонига яхшилаб тортиб бириктириб елимланди ва чекка қисмлари ҳам таранг тортилиб «Paraloid B 72» елимининг ацетондаги 20% эритмаси билан икки марта қотирилди. Елим яхши қуригандан сўнг кесиб олинган 2-доска экспонат устига қўйилди ва иккала доска бир-бирига жипслаштириб бириктирилди. Ундан сўнг суратнинг устки юзасидаги «гауопрарег» қоғозсимон матоси ва унинг тагидаги бўлакчалари дистилланган сув ёрдамида экспонатдан аста-секинлик билан кўчириб олинди.

Шундай қилиб Болалиқтепа деворий суратининг мазкур бўлаги экспозицияга тайёр ҳолатга келтирилди. Амалий ишларда ҳозирги замон талабларига мос келувчи ва тажрибадан ўтган таъмирлашда кенг қўлланилиб келинаётган кимёвий моддалар ва хом-ашёлардан фойдаланилди[264]. Натижада музейнинг ноёб объекти ижобий таъмирланиши билан бирга, маҳаллий мутахассислар хорижлик ҳамкорлари билан тажриба алмашишга ҳамда малакаларини оширишга муваффақ бўлди. Суратнинг таъмирланиши музейга ташриф буюраётган маҳаллий ва хориж сайёҳларини илк ўрта асрларга оид мазкур тасвирий санъатнинг ажойиб намунаси билан танишиш имкониятини яратди.

[264] Амир Темур жаҳон тарихида. С.Саидқосимов ваб. Т.: “Шарқ” 2006. 190-191 б.

ТЕМУРИЙЛАР ТАРИХИ ДАВЛАТ МУЗЕЙИДА САҚЛАНАЁТГАН МИНИАТЮРА АСАРЛАР

Ибрагимова А.А.
ЎзР ФА Темурийлар тарихи давлат музейи санъатшуноси
Муталиев А.А.
ЎзР ФА Темурийлар тарихи давлат музейи лектори

Аннотация

Ушбу мақолада темурийлар даври миниатюра санъатини ривожланиш босқичлари ҳамда Темурийлар тарихи давлат музейида сақланаётган Шарафиддин Али Яздийнинг «Зафарнома» асарига ишланган миниатюраларнинг маҳобатли кўринишлари ҳақида сўз боради.

В статье идёт речь об этапах развития искусство миниатюры эпохи Темуридов, а также, о монументальных миниатюрах Государственного музея истории Темуридов АН РУз выполненных к произведению «Зафар-наме» Шарафиддина Али Йаздий.

This article is dedicated to the stage development of miniature art in Temurids era, and includes information about majestic miniatures from Sharafiddin Ali Yazdi`s «Zafarnama» have been displayed at the State Museum of the Temurid History.

Амир Темур ва темурийлар даври Марказий Осиё маданияти тарихида алоҳида ўрин тутади. Бу даврдаги маданий ютуқлар умумбашарий цивилизация даражасида бўлган. Маданият тарихидаги ушбу мумтоз даврда ўзбек маданиятининг шаклланиши бу даврдаги сиёсий, ижтимоий –иқтисодий тараққиёт билан боғлиқдир.

Амир Темур ва Темурийлар даври тасвирий санъати деворий монументал рассомлик ва китоб миниатюраси йўналишида ривож топди. Тасвирий санъатнинг ушбу турлари минтақа доирасида ўзига хос деворий суратлар, амалий санъат, пластикаларда ўз аксини топган қадимий, исломдан олдинги илдиз ва анъаналарга эга эди. Амир Темур ўз давридаги йирик меъморий обидаларнинг асосий ижодкори бўлиб, деворий рассомликнинг тарғиб кучини

сезгани ҳолда маҳобатли деворий расмларни тиклади[265]. Самарқанддаги темурийларнинг сарой, қароргоҳларида қабул маросими, жанг воқеалари, ов манзаралари, халқ байрамлари тасвири туширилган деворий суратлар бўлган. Ибн Арабшоҳ, Шарафуддин Али Яздий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур ўз рисолаларида Самарқанддаги Боғи Шимол, Боғи Дилкушо ва Ҳирот саройининг ҳашаматли деворий расм-безаклари ҳақида сўз юритганлар. Унда мусаввир Пир Аҳмад Боғи Шимолий кўп тилга олинган. Расмларда Амир Темурнинг буюклигини тараннум этиш мақсадида Соҳибқирон ва унинг сулоласи сиймолари, сарой зиёфатлари, жаҳонгирнинг ҳаёт лавҳалари, Амир Темурнинг хушбахт ёки қаттиққўл одам сифатидаги суратлари, унинг ўғил-неваралари, жанг саҳналари, шаҳар ва қалъаларни қамал қилиш тасвири, хонимлар ва аслзодалар иштирокидаги дабдабали қабуллар, олимлар билан суҳбатлар, совға-салом тақдим этиш лавҳалари, овчилик, маликалар иштирокидаги лавҳалар, давлат ишлари билан шуғулланиш дақиқалари тасвирланган.

Биз Темурийлар даври тасвирий санъати ҳақида гапирганимизда албатта миниатюра мактаби ривож топганини биламиз. Қўлёзма асарларга ишланган миниатюра-расмлар Амир Темур даврида тасвирий санъатнинг деворий рассомликдан кейинги иккинчи йўналиши сифатида ривож топган.

Амир Темур буюк салтанатининг барпо этилиши даврида минтақада қўлёзма китоблар безатиш санъати, уларга миниатюралар чизиш узоқ машаққатли ривожланиш йўлини босиб ўтди. XIV аср охири ва XV асрнинг биринчи ярмида у бир неча бадиий марказларда Самарқанд, Ҳирот, Бағдод, Шероз, Табриз, Яздда жамланган эди.

Бироқ турли миниатюра рассомлиги мактаблари орасидаги алоқалар тасодифий ва чекланган бўлган. Амир Темур марказлашган давлат барпо этганидан кейин Самарқанд, Ҳирот, Шероз, Бағдод мактаблари орасидаги алоқалар, айниқса, XV аср бошларида жонланди. Усталарнинг янги пойтахтга кўчириб келтирилиши, амалий ва ижодий фикр алмашиш бадиий фикрнинг бойишига ва, айниқса, XV асрнинг биринчи ярми - XVI асрда

[265] Асқархўжаев С. Темурийлар даври тасвирий санъати ва Камолиддин Беҳзод. Камолиддин Беҳзод ижодининг жаҳон маданиятида тутган ўрни: тарих ва замонавийлик: илмий мақолалар тўплами. –Т.: SAN`AT, 2016.155-б.

миниатюра рассомлигидаги бадиий воситаларнинг юксалишига олиб келди. Самарқанддаги сарой мусаввирлари Хожа Абдулҳай Наққош ва унинг шогирдлари Шайх Маҳмуд Талилий, Пир Аҳмад Боғи Шамолий, Муҳаммад бин Маҳмудшоҳ ал–Ҳайём, Дарвеш Мансурлар ишлаган расмларда нозик, ранглар усталик билан қўлланган. Ушбу миниатюралар темурийлар даврига хос ов-шикор мавзуида яратилган.

XIV аср охирларида миниатюра санъати намуналари асосан Шероз мактабида яққол намоён бўлган. XV аср бошларида Низомийнинг «Хамса»си ва Фирдавсийнинг «Шоҳнома»си Шероз мусаввирлари орасида энг машҳур асарлар бўлган. Тасвирлаш учун танланган мавзулар инсоннинг маънавий ҳаётидаги долзарб мавзулар ёки кундалик реал ҳаёт мавзулари эди.

XV асрнинг иккинчи ярмида Ҳирот миниатюра санъатида эришилган ютуқлар мукаммаллаштирилди. Бу даврда Ҳиротда забардаст усталар - Мирак Наққош, Беҳзод, Хожа Муҳаммад Наққош, Шоҳ Музаффар, Қосими Али ва бошқа истеъдодлар фаолият олиб борди. Булар ичида Беҳзод томонидан ишланган юзлаб миниатюралар ҳозирга қадар санъат ихлосмандларини ҳайратга солиб келмоқда. Шарафиддин Али Яздийнинг «Зафарнома»сига, Саъдийнинг «Бўстон» ва «Гулистон»ига, Абдулло Ҳотифийнинг «Темурнома»сига, Низомий Ганжавий «Хамса»си, Амир Ҳисрав Деҳлавийнинг «Лайли ва Мажнун»ига, Фаридиддин Атторнинг «Мантиқут тайр» каби асарларига ғоятда гўзал миниатюралар чизган.

Бу асарлар достон ёки хикоятда тасвирланган воқеанинг мўъжаз бир тарзда ўзида мужассалаштиргани, қаҳрамонларнинг ҳар бири ўзига хос бир тарзда ифодаланганлиги билан кишини ҳайратга солади. Масалан, Низомийнинг «Хамса»сига чизилган «Лайли ва Мажнун мактабда» номли сурат ўзининг ҳар жиҳатдан мукаммаллиги билан диққатга молик. Беҳзод ўз қарамонларининг латиф ва нозик кайфиятларини зўр маҳорат ҳамда кучли завқ ва иштиёқ билан тасвирлаганига гувоҳ бўласиз.

Айниқса «Зафарнома» асарига чизилган миниатюралар санъат ихлосмандларини ўзига жалб қилиб келади. Яздийнинг қўлёзмаси 1425 йилда ёзиб тугалланган бўлса, унга ишланган илк миниатюра асарларидан бири 1434 йилда Шероз мактабига хос бўлиб, Фрир ва Монреал галереяларидаги хусусий коллекцияларда сақланади. Бу

мактабга хос миниатюра асарларида Амир Темур ҳаётидаги турли воқеалар тасвирланган. «Зафарнома» асарига ишланган энг қизиқарли миниатюра жамланмаси бу, айнан Камолиддин Беҳзодга тегишлидир.

Мазкур миниатюраларда акс этган тарихий воқеалар, ҳаётий лавҳалар, шиддатли жанг манзаралари, саройдаги тантанали қабул маросимлари, иморатлар қурилиши, ов пайтлари Бехзоднинг бу манзараларни тасвирлашни хуш кўрганлигидан далолат беради[266].

Бугунги кунда Темурийлар тарихи давлат музейи экспозициясида Темурийлар даври тасвирий санъатини ўзида акс эттирган Шарафиддин Али Яздийнинг «Зафарнома» асарига чизилган миниатюраларнинг маҳобатли кўринишлари ўрин олган. Қуйида уларнинг айримлари ҳақида сўз боради.

«Амир Темур қабулида». Асар марказида боғда, тахтда Соҳибқироннинг виқор билан ўтирган ҳолати тасвирланган. Чап томонда эса бир гуруҳ элчилар ва савдогарлар қабулга шай туришибди. Савдогарлар қўлларида турли ноз-неъматлар, элчилар қўлларида эса мактублар тасвирланган. Қабул маросими, боғда, табиат қўйнида кетаяпти. Асарда ритм кучли чизилган.

«Тоғдаги қалъанинг олиниши». Асарда кўплаб отлиқ ва пиёда жангчилар тасвирланган. Қалъа дарвозасининг тепасида турган аскарлар пастдаги жангчиларга камон, тош отишмоқда. Тепадаги тоғ тошларида от устида байроқ тутган жангчилар ҳам бор. Пастда турган жангчилар шиддатли жанг қилишмоқда. Улар қалъа дарвозасини кучли ёнғинга тутишган. Миниатюрада жанг тасвири жуда кучли акс эттирилган.

«Бойсунқур Мирзо қабулида». Асар марказида боғда, гилам устида ўтирган Мирзо тасвирланган. Чап томонда эса унинг қабулига шай бўлиб турган элчилар ва бошқалар кўрсатилган. Паст тарафда хизматкорлар ушбу базмга турли ноз-неъматларни тортмоқдалар. Шу билан бирга созандалар куй чалишмоқда. Орқа фонда эса чиройли боғ манзараси тасвирланган.

«Самарқанд бозори». Миниатюрада Самарқанддаги бозор ҳаёти акс эттирилган. Асар марказида от устида бирор нима харид қилиш учун бозорга келган савдогар кўрсатилган. Орқа фонда эса савдо растларида сотилаётган турли буюмлар тасвирланган. Чапдан биринчи растада қассобнинг гўшт кесаётган ҳолати,

[1] “Номоддий маданий меросни сақлаш тўғрисида”ги Конвенция, 2007 й., Париж.

кейинги растада эса нон сотаётган нонвой, газламалар дўкони, турли идишлар растасини кўришимиз мумкин. Бозорда харидор гавжумлиги акс эттирилган.

«Тоғдаги жанг». Унда тоғда бўлаётган жанг тасвири акс эттирилган. Отлиқ ва пиёда аскарлар тоғ тошлари устида тасиврланган. Аскарлар бир-бирига камон отишмоқда. Тепадаги жангчилар ерда қолган жангчиларни арқон ёрдамида тортиб олишмоқда. Миниатюрада ҳаракат, ритм кучли акс эттирилган. Иссиқ колорит кўпроқ ишлатилган.

«Самарқанддаги жомеъ масжидининг қурилиши». Ушбу асарда Самарқанддаги Жомеъ масжидининг қурилиш жараёни тасвирланган. Асар марказида қурилиш лойиҳасини чизаётган тўрт меъмор кўрсатилган. Асарнинг тепа қисмида усталар ёғоч рандалашмоқда. Ўнг тарафда усталар ғишт қўйишмоқда. Қолганлари пойдевор учун мўлжалланган тошларни келтиришмоқда. Пастроқдаги усталар эса лой тайёрлашмоқда. Чап томонда эса фил устига ортилган катта ҳарсангтошлар қурилиш майдонига олиб кирилмоқда. Асарда қурилиш жараёни жуда қизғин тасвирланган.

Темурийлар ҳумронлиги даврида санъат ва маданиятга катта эътибор берилди, илм ва маданият аҳлига ҳурмат ҳамда эҳтиром кўрсатилди. миниатюра рассомлиги мактаби Яқин ва Ўрта Шарқда ушбу санъат турининг тарихий ривожланишининг сўнгида мислсиз ҳисса қўшди ва унинг келгуси йўлини белгилаб берди. Темурийлар миниатюраси ўзининг ижодий изланишлари ва ютуқлари, мактаблари билан Марказий Осиё минтақавий санъати тарихида ажойиб из қолдирди. Бизгача етиб келган ана шундай бой мерос бугунги кундаги санъат ва маданият равнақи учун асос бўлиб ҳизмат қилмоқда.

АДАБИЁТЛАР

1. Шарафиддин Али Яздий. «Зафарнома» Тошкент: 1997 й.

2. Амир Темур жаҳон тарихида. С.Саидқосимов ва б. Т.: «Шарқ», 2006.-336 б.

3. Полякова Е. А., Исмаилова Э.М. «Этикетность и реаличность в некоторых миниатюрах Бехзада и «Зафар-наме» Шарафиддина Али Язди»

4. Мадраимов А. «Темурий ва Бобурийлар даври маданияти, китобат ва рангтасвир санъати тарихига чизгилар».Т: 2015. 495 б.

НОМОДДИЙ МАДАНИЙ МЕРОС ОБЪЕКТЛАРИ: ГЕНЕЗИСИ ВА ЭВОЛЮЦИЯСИ

Ходжаева М.Б.
Ўзбекистон тарихи давлат музейи илмий ходими

Аннотация

Мазкур мақолада номоддий маданий мерос объектлари генезиси ва эволюцияси ҳақида сўз юритилади. Жумладан, Ўзбекистоннинг бой номоддий маданий меросини халқаро миқёсда эътироф этилиши таҳлил этилган.

Калит сўзлар: *номоддий маданият, генезис, эволюция, "номоддий маданий мерос объекти", "музейлар ашёси" Наврўз байрами, Катта ашула, "Шашмақом", аския, Репрезентатив рўйҳат, "Жаҳон хотираси".*

В данной статье речь идет о генезисе и эволюции объектов нематериального культурного наследия. В частности проанализировано признание в мировом масштабе нематериального культурного наследия Узбекистана.

Ключевые слова: *нематериальная кукльтура, генезис, эволюция, «объекты нематериального культурного наследия», «музейная продукция», праздник Навруза, Большая песня, «Шашмаком», шутка, список репрезентативов, «Мировая память».*

The genesis and evolutions of non-material-cultural heritage objects is given in the article. Including, international acknowledgement of rich non-material-cultural heritage of Uzbekistan is analyzed.

Key words: *non-material culture, genesis, evolutions, non-material-cultural heritage object, "museum products", holiday "Navruz", Shashmaqom, jest, list of representatives, "World memory".*

Маълумки, «номоддий маданий мерос объекти» тушунчаси янгилик хисобланмаса ҳам, муайян даражада бу ҳодисанинг базаси сўнгги ярим асрдан буён кўплаб ижтимоий ўрганилмаган. Таъкидлаш лозимки, уларни музейлаштириш йўли билан сақлаш, яъни музейшунослар ва музей соҳасига бу объектларни олиб кириш муносабати билан бундай базани ишлаб чиқишнинг лозимлиги янада ортмоқда. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош конференциясининг Халқаро Конвенцияси номоддий маданий меросни асраш ҳақидаги хужжатда бу тушунчага қуйидагича

таъриф берилади: номоддий маданий меросга урф–одатлар, шакллар, тасаввурлар ва ифодалар, билим ва кўникмалар, шунингдек, улар билан боғлиқ анжомлар, ашёлар, артефактлар ва маданий макон киритилади[1]. Дарвоқе, улар маданий уюшмалар, гуруҳлар, баъзи холларда эса айрим шахслар томонидан маданий мерос қисми сифатида тан олинган. Авлоддан авлодга ўтиб келаётган бундай номоддий маданий мерос ҳамда унинг атроф-муҳит, табиат билан боғлиқ равишда уюшмалар ва гуруҳлар томонидан аста–секинлик билан тўпланади. Унинг ҳар андай ривожланиш тарихига нисбатан ҳурмат вужудга келади. Демак, ўзига хослиги ва авлодларнинг туб мулки сифатида сақлаб қолинади.

Дарҳақиқат, ушбу конвенция заминига шундай номоддий маданий мерос киритиладики, у инсон ҳуқуқлари бўйича мавжуд халқаро ҳуқуқий норматив актларида қайд қилинади ҳамда уюшмалар, гуруҳлар ва айрим шахслар ўртасидаги ўзаро ҳурмат талабларига ҳам жавоб берилади. Конвенцияга мувофиқ номоддий маданий меросга қуйидагилар киритилган: оғзаки анъаналар ва ифода шакллари, номоддий маданий мерос соҳибларини ифода қилувчи тил, ижро санъати, урф–одатлар, байрамлар, табиат ва бутун олам билан боғлиқ билим ва урф–одатлар, анъанавий ҳунармандчилик билан боғлиқ билим ва кўникмалар назарда тутилади.

Номоддий маданий мерос объектларини музейлаш-тиришнинг фаолияти энди бошланмоқда. Бу мерос муам-моларини назарий жиҳатдан англаш, ўрганиш ҳамда сақлаш бўйича XX асрнинг сўнгги йилларида ЮНЕСКО томонидан жиддий ишлар амалга оширилди. Унинг 1989 йил ноябридаги XXV сессиясида анъанавий маданият ва фольклорни сақлаб қолиш бўйича тавсиялар қабул қилинди. Тавсияларда анъанавий маданиятни табиат ёки инсон фаолияти натижасида пайдо бўладиган барча турдаги хавфлардан химоя қилиш бўйича тадбирлар қўллаш зарурати фикр билдирилади. Бажарилиши лозим бўлган ишларнинг мураккаблиги шундаки, ҳимояга муҳтож объектлар ниҳоятда нозик, айни пайтда ҳимоя мезонлари ва механизмлари тўлалигича норматив ҳуқуқий жиҳатдан ишлаб чиқилмаган эди.

Аслини олганда миллий музейларимиз, «музейлар ашёси» сифатида номоддий маданий мерос объектларини биринчи ёки

яқин ўн йиллар ичида сақлаётгани йўқ. Бундан ташқари, айнан шундай объектларни сақлашга интилиш музейларнинг тўлиқ равишда ижтимоий–маданий институт сифатида майдонга чиқишига олиб келади. Бундай мерос объектларини музей ишидаги ўрнини таҳлил қилишдан аввал уларни «музей ашёси» сифатида белгилашга уриниб кўрамиз. Бизнингча музейлар жамланмасига киритилган билимлар ибтидоси ва эмоционал таъсир ибтидоси бўлган ҳамда музейлар ривожини тўлиқ таъминлайдиган тарихий–маданий ёки табиий номоддий мерос «музей ашёси» деб таърифланса, унда «объект» гўё умумий тушунча нуқтаи назаридан мавжуд эмасдек туюлади.

Шу ўринда моддий ва номоддий маданий мероснинг мутаносиблигига бир назар ташлайлик. Музейлар моддий объектлар, тарихий-маданий ашёлар ҳамда аниқ нарсалар билан ишлашга мослашган. Уларни йиғиш, ўлчаш, каталогга киритиш, тақсимлаш мумкин. Шу сабабдан ҳам музейлар номоддий меросларбилан ишлай олмаслиги ҳақидаги эскича қараш кўпчиликнинг онгига ўрнашиб қолган. Аммо музейлар фаолиятини янада жонли, давр талабларига кўра, ривожлантириш учун номоддий маданият объектлари ҳам музей экспозициялари қаторидан муносиб ўрин эгаллаши мумкин. Музей объектларини сақлаш ва уларни тақдим этишнинг янги шаклларини излаш, ниманидир ўзгартириш эса, ҳозиргача музейшунослик тафаккурининг қотиб қолганли, яъни мустақиллик йилларида бундай тўсиқлар олиб ташланиши муқаррар, албатта.

Қайд қилиш лозимки, номоддий маданий мерос объектларини ўрганиш асносида, уларнинг музей экспонатлари қаторидан жой олишини таъминлаш мумкин. Чунончи, оғзаки ижод намуналари – достонлар,тэртаклар, масаллар, топишмоқлар, мусиқа ва қўшиқчилик, масалан Сурхон воҳаси яллалари (алла, лапарлар, маросим қўшиқлари ва ҳ.к), дўмбирасозлик, чанқовузсозлик, айтишувлар, зоолотрик айтишув, бахшичилик, термалар, топономика -тарихий, географик, тил ва адабиётга оид билимлар мажмуи, урф-одатлар ва бошқаларни киритиш мумкин.

Этнографик маълумотларнинг гувоҳлик беришича, Сурхон воҳасининг Бойсун ва унинг атрофидаги қишлоқлар этник таркибига кўра ҳилма-хилдир. Сариосиё, Авлод, Пассурхи, Бибиширин, Кўчкоқ, Работ, Кофрун каби қишлоқларда ўзбек

халқи таркибидаги: турк, қўнғирот, қатағон, хўжа каби этник гуруҳлар ҳамда тожиклар минг йиллар мобайнида биргаликда моддий ва номоддий маданий меросни ривожлантирган ҳолда толерантлик тамойиллари талабларига кўра яшаб келишади[2]. Албатта, Сурхондарё анъанавий маданиятининг аҳамияти халқаро ташкилотлар томонидан ҳам ҳақли равишда тан олинди. 2001 йил март ойида ЮНЕСКО қарорига кўра, Бойсун тумани ҳудуди инсониятнинг оғзаки ва номоддий ноёб мулки деб эълон қилинди. Мазкур иш жуда катта муаммонинг бир қисмини англашга бағишланади, яъни музей ишида номоддий маданий мерос объектларининг ўзини баҳолашга қаратилди.

Маданий ва табиий меросни аниқлаш, муҳофаза қилиш ва сақлаш ЮНЕСКО давлатлар ва ноҳукумат ташкилотлари ўртасида мазкур масалага бағишланган ижтимоий сўров ўтказиб, 2003 йили Номоддий маданий меросни муҳофаза қилишга бағишланган конвенция қабул қилинди. Шу кунга қадар 88 мамлакатнинг аждодлардан авлодларга асрлар оша ўтиб келаётган 300 дурдонаси –урф-одат, анъана, байрам, таом, халқ оғзаки ижоди, қўшиқ, рақслари Инсониятнинг номоддий маданий мероси рўйҳатига киритилган.

Ҳозирга қадар Ўзбекистон номоддий маданий меросининг миллий рўйҳатида 74 та объект мавжуд. Умумжаҳон меросининг ноёб намунаси сифатида Ўзбекистон ҳудудидаги тўрт қадимий шаҳар –Самарқанд, Бухоро, Хива, Шаҳрисабзнинг ЮНЕСКО рўйҳатига киритилгани, яшариш ва янгиланиш айёми –Наврўз байрами, Катта ашула, «Шашмақом», аския инсониятнинг оғзаки ва номоддий маданий мероси сифатида ЮНЕСКОнинг Репрезентатив рўйҳатидан жой олгани, Тошкент давлат шарқшунослик институти ҳузурида Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқ қўлёзмалари марказида тўпланган нодир қўлёзмалар «Жаҳон хотираси» рўйҳатига киритилгани Ўзбекистоннинг мазкур халқаро ташкилот билан изчил ва самарали ҳамкорлиги самаралидир. Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Аҳмад Фарғоний, Имом Бухорий, Камолиддин Беҳзод каби буюк аждодларимиз. Самарқанд, Бухоро, Хива, Термиз, Шаҳрисабз, Қарши, Тошкент, Марғилон сингари қадимий шаҳарларимиз, «Алпомиш», «Авесто» адабий

[2] А.Аширов, А.Қаюмов. Бойсун аҳолисининг анъанавий турмуш тарзи ўтмишда ва ҳозир//Бойсун тарихи ва анъаналари. Т.: 2005 й. 97-б.

ёдгорликларимиз, Хоразм Маъмун академиясининг юбилейлари ЮНЕСКО иштирокида кенг нишонланди.

Булар қаторида Биринчи Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан ташкил этилган «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалини ҳам алоҳида қайд этиш жоиз. Ҳар икки йилда бир маротаба Самарқанднинг Регистон майдонида ўтказиладиган мазкур халқаро тадбир халқлар ўртасидаги дўстлик ришталарини янада мустаҳкамлашга хизмат қилиб келмоқда. Унда дунёнинг деярли барча ҳудудларидан санъат намояндалари, мусиқашунослар, қўшиқчилар, сайёҳлар қатнашади.

ЮНЕСКОга аъзо 190 дан ортиқ давлатнинг миллий қадриятлари, тамаддун ва маданият ўчоқларига ҳурмат ташкилотнинг асосий мезонидир. Маориф, фан ва маданият инсониятни эзгуликка, ёруғликка олиб бориши, дунё халқлари ягона олий истак –дўстлик ва тинчлик ғоялари атрофида жипслашиши лозимлигини уқтириб келмоқда. Инсонпарвар ҳамда тинчликпарвар Ўзбекистон халқаро ташкилотнинг мазкур эзгу мақсадини тўла қувватлаб, ҳамкорлик ришталарини янада кенгайтириш тарафдоридир.

ЮНЕСКО инсониятнинг номоддий маданий мероси рўйҳатини тузди. Номоддий маданий мерос бўйича хукуматлараро қўмита таълим, фан ва маданият бўйича Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (ЮНЕСКО) ўзининг Истамбулдаги (Туркия) сессиясида биринчи бор инсониятнинг номоддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш рўйҳатини келтирди.

Шунинг учун ҳам номоддий маданий мерос объектларининг муҳофаза қилиш рўйҳатлари доимий равишда тўлдирилиб ҳамда янгиланиб борилади. Номоддий маданий мерос объектларининг маҳаллий рўйҳатлари, яъни миллий рўйҳати, ўз навбатида ушбу мероснинг Репрезентатив рўйҳатига тавсия этилаёган объектлар бўлиб, вақт ўтиши билан янгиланиб бориши назарда тутилади. Демак, Репрезентатив рўйҳатга тавсия этилаётган объектлар рўйҳати Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда унинг миллий рўйҳати ва муҳофазага олиниши лозим бўлган сўнгги рўйҳати вазирликнинг Республика халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар илмий-методик маркази томонидан юритилади. Номоддий маданий мерос объектлари

тарихий-маданий экспертиза ҳулосасига асосан рўйҳатга киритилади ва ундан чиқарилади.

Маданиятшунос олимларнинг таҳлилий ҳулосасига кўра номоддий маданий мерос объектларини учта гуруҳга бўлиб ўрганиш ва ишлаш мумкин. Булар эса турли ёндашувлар ва иш услубларини талаб қилади. Чунончи, биринчи гуруҳни жисмоний шаклда ифода қилган маданий фаолият турлари ташкил этади. Бу фаолият жараёни ва натижаларини кўриш, сезиш мумкин. Яъни бунга ҳунарлар, урф–одатлар, рақслар, ишлаб чиқариш жараёнлари, маиший хусусиятлар, анъаналар ва бошқалар киритилади. Номоддий маданий мерос объектларининг иккинчи гуруҳини жисмоний шаклга эга бўлмаган ифода усуллари киради. Бунга тил, қўшиқлар, шевалар, халқ оғзаки ижоди кабилар киради. Учинчи гуруҳ объектлари жисмоний сезгидан узоқроқ бўлади. Буларга иймон, эътиқод, тақдирни олдиндан фараз қилиш кўринишида мавжуд бўлган турли объектларнинг рамзий ва ишоравий маъноси киритилади. Бу гуруҳга устозлик, маърифат ва маънавият, тарбия, даволаш сингари анъанавий маънавий тажриба шакллари ҳам киради.

Бизнингча мазкур учта гуруҳ объектлари билан ишлаш жараёни умумий қонуниятларга эга бўлиб, қуйидаги босқичларни қамраб олади. Булар: сақлаш ва ўрганиш учун номоддий маданий мерос объектларни танлаш, уларни қайта тиклаш (яъни ҳаётга қайтариш), ахборот тарқатиш (бу объектлар ҳақида ёш авлодга билим бериш), тажриба алмашиш (ўтмиш аждодлар тажрибасининг замонавий талқини), янги маданият талқини (ёш авлодни тарбиялаш ва таълим бериш) кабилар эътиборга олинади.

Номоддий маданият объектларининг биринчи гуруҳи билан ишлаш таълим муассасалари учун ўзига хос хусусиятдир. Этнографик ва ўлкашунослик бирлашмалари, халқ анъанавий маданиятининг болалар музейлари фаолияти одатда номоддий ва моддий маданиятни сақлаш жараёнларининг биринчи босқичини қамраб олади. Аммо, сақлаш дегани бу ашёни ўзи мавжуд бўлган муҳитдан олиб, уни музейлаштириш дегани эмас. Чунки, тарихий мерос объектларига замонавий маданият нафасини бериш, унга янги ҳаёт бахш этиш муҳим ҳисобланади. Демак, иккинчи ва учинчи гуруҳга тарихий–маданий анъаналарнинг ташвиқи ва

уларни янги маданият асосида талқин қилиш бўйича ишлар-ностандарт, интерфаол иш шаклларида олиб боради.

Дарҳақиқат, аждодлар тажрибасини англаб етиш ва анъанавий маданиятларга ошно бўлиш, келажакда ривожланишнинг замонавий тамойиллари, шакллари ва услубларини ишлаб чиқишда оқилона натижаларни бериши мумкин. Анъанавий номоддий қадриятларни авлоддан авлодга етказилиши, яъни институционал-ташкилий шаклларни енгиб ўтиши орқали амалга оширилади. Бизнингча улар мунтазам равишда инсоният томонидан қайта тикланиши лозим! Мерос қолишнинг бундай усули уларни, айниқса янги жамият ўзидан илгариги жамиятнинг маданият ютуқларини зарурий равишда мерос қилиб олади ва уларни ижтимоий муносабатларнинг янги тизимига киради[3].

XX асрнинг сўнгги йилларида номоддий маданий мерос объектларини сақлаб қолиш муаммолари ва тақдири дунё ҳамжамиятининг диққат марказидаги масалалардан бирига айланди. Дарвоқе, хозирги глобаллашув даврида кўплаб муҳим «маданият шакллари»нинг йўқолиб кетиш ҳавфи борлиги учун ҳам йирик ҳалқаро форумларда муҳокама қилиниши ҳамда ҳалқаро ҳужжатларнинг ишлаб чиқилиши талаб этилмоқда. Айниқса, музейлар, номоддий маданий мероснинг кўплаб объектларини сақлаб қолиш ва оммалаштириши амалга оширишни энг муҳим институтлар сифатида шакллантириш айни муддаодир. Музей фаолиятига номоддий маданий мерос объектларининг қўшилиши, яъни хозирги пайтда музейшунослик тушунчаларига ўзгартиришлар киритилиши, янги музей объектлари билан ишлашнинг тамойиллари ва услубларини қайта кўриб чиқиш зарурати вужудга келди деб ўйлаймиз.

Ҳозирги даврда номоддий маданий мерос объектларини сақлаб қолиш ва уни келажак авлодга етказишда замонавий технологияларнинг ўрни беқиёсдир. Уларнинг ёрдамида ушбу мерос намуналари (лапарлар, айтишувлар, маросим қўшиқлари, достонлар, халқ қўшиқлари ва ҳ.к.) ҳамда уларни намойиш этиш жараёнларини тасвирга тушириш CD ва DVD дискларга ёзиб олиш ёрдамида сақлаб қолиш ишларини амалга ошириш ҳозирги маданий юксалишимизнинг асосий вазифаларидан бирига айланиши мақсадга мувофиқдир.

[3] Маданият ва санъат атамаларининг изоҳли луғати. Т., 2015. 93-б.

ШАРҚ АЁЛЛАРИ ОБРАЗИНИНГ МИНИАТЮРА САНЪАТИДАГИ ЕЧИМИ

Пайзиева Ч.А.
К.Беҳзод номидаги МРДИ ўқитувчиси

Аннотация

Мазкур мақолада Шарқ аёллари образининг миниатюра санъатидаги ечими ҳақида сўз юритилади.

Калит сўзлар: *миниатюра, шарқ санъати, суфизм, сюжет, жанр, шарқ мусав-вирлари, образ, иллюстарция, лирика, илоҳиёт, рамзий тасаввур, асар қахрамони.*

В данной статье речь идет о решении в искусстве минриатюрной живописи образа женщины Востока.

Ключевые слова: *миниатюра,искусство Востока, суфизм, сюжет, жанр, восточные художники, образ, иллюстрация, лирика, богословие, символическое представление, герой произведения.*

The information about the solution of East woman's role in miniature is given in this article.

Key words: *miniature, East art, subject, genre, East painters, image, illustration, lyrics, divinity, symbolic representation, heroin of work.*

Жаҳон маданиятининг тараққиёти тарихида Шарқий Арабистон халқлари санъатининг ҳам муҳим ўрни бор. Ҳалифаликнинг (Сурия, Миср, Фаластин, Шимолий Африка, Эрон, Ўрта Осиё, Жанубий Испания) кўпгина шаҳарларида ривожланган ўрта аср араб маданияти инсониятнинг тараққиёти ривожланишида янги бир босқич бўлди[267].

Шарқий Арабистон халқларининг асосий хизмати шунда бўлдики, улар кейинги авлодларида антик грек-рим маданиятининг кўпгина ютуқларини сақлаб қолиб, уни ривожлантирган ҳолда етказиб келдилар.

Тасвирий санъатнинг ривожланишида тирик жонзодни тасвирлашни ман этган ислом дини маълум даражада тўсқинлик

[267] Кази Ахмед. Трактат о каллиграфах и художниках. М. — Л., 1947.С.11.

қилади. Аммо бу қаршиликлар, тасвирий санъатнинг умумий тараққиётини бўға олмади[268].

Мана шу таъқиқланишлар натижасида Шарқий араб мамлакатларида дастгоҳли тасвирий санъатнинг ривожланиши бир мунча қийин бўлди, унинг ўрнини эса қўлёзма китобларга ишланган безаклар миниатюра санъати эгаллади. Миниатюра тасвирларида асосан шарқона безак ва шеъриятга хос тасвирлар умумлашган бўлиб, буларда ҳам аёллар тимсоли шартли равишда атрибутик белгилар билан умумлаштирилган. Шартлилик ва декоративлик принциплари асосида қурилган, ўзига хос кўриниши бўлган араб миниатюралари ўрта аср шарқ ранг тасвири сифатида ўзининг такрорланмас, образли бадиий тилига эгадир[269]. Миниатюраларнинг ўзига хос хусусиятларидан бири тасвирнинг сатҳи юзидалигидир. Аёллар образининг ифодаланишида асосан оохга бўлган мухаббат ифодаси умумлаштирилган эди.

Суфизмда - асосий ўринни жуда ҳам кучли бўлган Оллохга муҳаббат эгаллаган, яни ишқ-мухаббат, машхур адабиётшунос Н.И.Приганинанинг фикрига кўра «суфизм ишонч, севги, севги – мухаббат ҳақидаги терминларнинг пайдо бўлишига имкон яратди[270].

Суфизмда Оллоҳни шартли мантиқий йўл билан эмас, балки, тассавурга сиғдириб бўлмайдиган ҳаёлий илоҳий йул билан, худди ишқ шаробидан маст бўлган ошиқ сингари Оллоҳга бўлган ишқнинг шаробидан маст бўлган ошиқ сингари баҳра олиб илоҳий туйғуларнинг энг олийси ҳисобланган Оллоҳга мухаббатга етишади. Эстетик лаҳзада суфийлар фоний ҳолатига киради – ушбу лахзада инсон қалби дунёвий истаклардан фориғ бўлиб, ҳақиқатдан ҳам илохий туйғуларга йўғрилади[271]. Фонийлик даражасида инсон бу дунёда қимматли бўлган барча нарсани унутади ва фақатгина Оллоҳ дийдорига унинг марҳаматига эришишга интилади. Фонийликнинг натижасида илоҳий комиллик даражасига етишади.

А.Жомий «Дунёда севгидан бошқа ҳеч нимани кўрмаяпман, рўёбда ва ҳаёлда дам севгидан бошқа ҳеч нимани кўрмаяпман,

---

[268] Восточная миниатюра. Под редакцией Г. А. Пугаченковой. Ташкент. 1980. С.19.

[269] Полякова Е. А., Рахимова З. И. Миниатюра и литература востока. Ташкент. 1987.С.32.

[270] Восточная миниатюра. Под редакцией Г. А. Пугаченковой. Ташкент. 1980.С.8.

[271] Акимушкин О. Ф., Иванов А. А. Персидские миниатюры XIV—XVII веков. М. 1968. С.15.

севги ва гўзаллик, қалб ва вужуд каби йўғрилган. Севги ва гўзаллик – маржон ва булоқ каби ажралмасдир.» - деган эди.

Гўзалликка таъзим, Оллоҳга бўлган мухаббат суфийликда ердаги муҳаббатни пайдо бўлишига сабаб бўлди. Сўфийликнинг асосий белгиловчиси Ибн Араб (1165-1240) «Оллоҳни бирон-бир дунёдаги ашёда кўришга уринмаслик керак» инсонларнинг муҳаббат тили ва Оллоҳга бўлган муҳаббат асосан суфийлик адабиётида қўлланилади. Деярли ҳар доим ишқий лирикада, шакли бўйича доимо илоҳий севги шаклига эга бўлади - бу эса инсонларни Оллоҳга бўлган муҳаббатини ифодалайди[272].

Суфийликда ҳар доим ҳақиқий муҳаббат учун ҳақиқий пок, барча дунёвий нафслардан фориғ, тоза юрак ва қалб керак дейилади. Суфийлар учун тариқат бу юракларини мухаббат ишққа тайёрлашдан иборат. Муҳаббатга эришиш ҳақиқатдир. Илоҳийликка ишонувчиларни ўзларига жалб қилишда ажойиб шериятга эга тилдан фойдаланишган. Бу тилни эса фақатгина илоҳиётларга эришганларгина тушуна олишган.

Суҳбат – ошиқ ва маъшуқанинг гўзаллигининг таърифи. Ушбу севги ғояси асосан лирик адабиётда аниқроқ қилиб таърифланган ва шарқ адабиётида буюк икки асарда ўз аксини топди. Булар «Лайли ва Мажнун», (Низомий) ва Жомининг «Юсуф ва Зулайҳо» асарларидир. Бундан ташқари «Шайх Сано» Алишер Навоийнинг Лисон ут-тайр асаридан олинган. Ушбу асарда ҳам илоҳий ишқ ҳақида ёритиб ўтилган[273].

Низомийнинг «Лайли ва Мажнун» достонини Низомийдан ташқари Деҳлавий, Жомий ва Навоийлар ҳам ёзган. Е.А.Бертельснинг сўзларига кўра Низомий Мажнун образини суфийлик қонунларига кўра яратади. Ушбу достонда Оллоҳни тасаввуф оламида қидирилиши унга бўлган муҳаббатнинг барча ғояларини Оллоҳга маъшуқага сингари муносабатда бўлиш у билан тасаввурий оламда мулоқотда бўлиш жараёнига асос солинади[274]. Лайлига бўлган Мажнуннинг муҳаббати ўзига хос маънога эга. Унда барча сезгилар бирга жамланади. Лекин шундай бўлса ҳам у ҳақиқий севгига етишишнинг илк қадам ҳисобланади. Мажнуннинг Лайлига бўлган ҳақиқий инсоний туйғулари аста-

[272] Полякова Е. А., Рахимова З. И. Миниатюра и литература востока. Ташкент. 1987.С.21.
[273] Г. Пугаченкова, О. Галеркина. Миниатюры Седней Азии. М.1979. С.25.
[274] Восточная миниатюра. Под редакцией Г. А. Пугаченковой. Ташкент. 1980.С.19.

секин Оллоҳга бўлган илоҳий муҳаббат туйғулари даражасига кўтарилиб боради ва унга ўз муҳаббатининг бирон-бир ашёсига эга бўлиши шарт эмас. Чунки у Мажнуннинг юрагида яшайди ва айнан шу Оллоҳга бўлган муҳаббатнинг энг олий даражаси ҳисобланади.

Шарқ миниатюраларида суфийларнинг шеърияти аёллар тимсолида илоҳийлаштирилади. Ундаги ошиқ маъшуқаларнинг бошидан кечирган ташвишлари уларнинг таг маъносида суфийлик, аниқ ва равшан тасвирий саньат воситалари, чизиқлар, ранглар, шакллар, белгилар ва рамзлар орқали ифодаланган. Ушбу махфий белгилар, рамзларни эса илоҳийлик даражасига етган ва уни ҳис қилган одамгина тушуна олади. Шу билан бирга шеърият санъатида асарнинг асосий саҳналарини ифодалаб беришдаги композицион ечимнинг қандай бўлиши тўғрисида бир қанча қонун-қоидалар ўйлаб топилган[275]. «Лайли ва Мажнун» достонинг иллюстрацияси учун саҳналарни ва сюжетларни танлаш ҳам айнан севишганлар образида тайёрланган эди.

Томошабин учун Мажнуннинг қуйидаги ҳолатларининг ўзи унинг руҳий камолоти нақадар буюк ва илоҳийлигини ҳамда албатта суфийликни кўрсатиб берган. Ушбу асарда қуйидагилар: «Лайли ва Мажнун мактабда», «Мажнун чўлда, ҳайвонлар орасида «, «Мажнун каъбада», «Кампир кишанланган мажнунни ўрнига олиб бориши», «Мажнун Лайлининг шатраси олдида», «Мажнун Лайлининг қабрида» ва бошқалар Мажнун образининг ўзи алоҳида шартли тасвирларга эга» озғин, ярим кийимсиз, тўзиб кетган, ялангоёқ, ташландиқ кўринишга эга эди. Мажнуннинг бу кўриниши суфийларнинг тарки дунёлиги, зоҳид ёки дарвешни

[275] Бертельс Е. Э. История литературы и культуры Ирана. Избранные труды. М. 1988.С.43.

эслатади. Мажнуннинг иконографияси кийимлар ва деталлар ёрдамида ҳам тасвирланади. У ярим кийимсиз тарзда, бош кийимсиз тасвирланган. Унинг бу кўриниши махаллий мусулмонлар тушунчасига мос равишда тасвирланади. Бу эса сўфийликда дунёдаги инсон қадр қимматинии англатади. Булар эса илоҳий туйғулар билан тенглаша олмайди. У ҳирка ёки лангнинг ўзинигина кийган бўлиб, суфийларнинг тарки дунё қилганлари шундай кийимда юришган[276].

Рассомлар ўз даврининг илоҳийликка эришган одамлари ҳисоблаган. Улар адабий қахрамон ҳисобланган Мажнуннинг образини суфий образи сифатида яратишган. Ушбу достондаги илюстрациялар ичида икки илюстрация муҳим ҳисобланади. Биринчиси бу «Мажнун мактабда» бунда Мажнун ўз даврига ҳос замонавий кийимда, бошида замонавий салла, бунда у зиёли оиланинг фарзанди Қайс исмли оддий болакай сифатида тасвирланган. Иккинчи иллюстрация бу «Мажнун саҳрода». Бунда Мажнун эндиликда бош кийимсиз ярим ялангғоч ҳолда тарки дунё қилган суфий образида тасвирланади. Унинг либосини ўзгариши йўлини рассомлар унинг руҳий камолотини ўзгариши сифатида ёритиб беришган. Бундан ташқари суфийлик томон қадам деб ҳисоблашган. Шу орқали Мажнун образи суфийликка таниш бўлиб, унга танишили-бако-яъни боқий ҳудо дийдорига етишиш, илоҳий муҳаббатнинг энг олий поғонасидир. Суфийлик концепсиясидаги муҳаббат яна бир машҳур достон. Жомийнинг «Юсуф ва Зулайҳо» достонида ўз аксини топди. Ушбу достон Жомий томонидан 1483-йили ёзилган бўлиб, у Жомийнинг «Хамса»си таркибидан жой олди. Ушбу машҳур форс-тожик адабиётининг нодир дурдонаси, суфийлар Шайхи шахсан ўзи тан олган. «Юсуф ва Зулайҳо» достонига XVI асрда сўнгги Темурийлар мактаби, ундан сўнг шу асрда Сафаведлар мактаби, XVI-XVII асрларда Мовароуннаҳр мактаблари томонидан кўплаб миниатюралар яратилган[277].

Миср ноибларидан бирининг турмуш ўртоғи бўлган Зулайҳонинг Юсуфга бўлган муҳаббати аввалига «Библиядан» бошланди. Кейинчалик эса Қуръонда ўз аксини топади. Бу сюжет

[276] Г. Пугаченкова, О. Галеркина. Миниатюры Средней Азии. М.1979.С.22.

[277] Акимушкин О. Ф., Иванов А. А. Персидские миниатюры XIV—XVII веков. М. 1968. С.67.

кўплаб шарқ ёзувчиларининг қизиқишини ўзига жалб қилди, шарқда эса ушбу асосий қахрамонлар ажойиб такрорланмас муҳаббатнинг рамзига айланди. Мусулмон халқларида ушбу достоннинг икки хил варианти бор. Биринчиси бу Юсуф ва уни сотган акалари хақида. Иккинчиси эса Юсуф ва Зулайҳо хақида. Зулайхо образи шарқ шериятида Юнон тили Апокриф таъсирида намоён бўлади.

Абдураҳмон Жомий ўзининг ушбу достонида Зулайҳони Юсуфга бўлган муҳаббатини илоҳий муҳаббат тарзида ифодаланган. Бертелснинг ҳаққоний фикрига кўра ушбу достон «Илоҳий муҳаббат қўшиғи». Ушбу сюжетга кўра Юсуфнинг ҳавасини уйғотган Зулайҳо соғинч ва ҳижрондан кўр ва бадбашара кампирга айланиб қолади. Севгани учун ҳам бутун дунё ҳатто ўзидан ҳам вос кечган Зулайҳо деярли ҳеч нимасиз дарвеш бўлиб, ҳар куни Юсуф ўтадиган йўлни четида жойлашган фақир бир чайлада жойлашди. Лекин бу фақир кампирни Юсуф кўрмас эди.

Фақатгина Зулайҳо Оллоҳ ягоналигига иймон келтириб, тариқот йўлини босиб ўтиб, суфий бўлгандан сўнггина у Юсуфнинг муҳаббатини қозона олади ва аввалгидан ҳам гўзал ва чиройли бўлади. Улар қирқ кун тўй томоша қиладилар[278].

Инсон ўзлигини сақлаган ҳолда ўлиши керак, агар шундай ўлим топса у абадий ҳаёт ҳаритасига эришиши мумкин. Ҳудди шундай йўл билан кўплаб синовларни бошдан кечирган Зулайҳо Юсуфнинг муҳаббатига ва Оллохнинг марҳаматига хосдир. Тасвирий саньатнинг миниатюра жанрида ҳам XV-XVIII Ҳирот, Табриз, Шероз, Мовароуннаҳр ва Кашмир рассомларининг асарларида ҳам Юсуф ҳаётига оид 2 та сюжетни кўп учратишимиз мумкин. Биринчи Юсуф ва унга хиёнат қилган акалари, иккинчиси эса Зулайҳо ва Юсуфнинг муҳаббати сюжетидир. Зулайҳо қиссасида турли ҳил миниатюра мактабларини Юсуф ва Зулайҳо хаётига боғлиқ турли ҳил сюжетлар қизиқтиради. Мисол учун «Зулайҳонинг Мисрга келиши» (Шероз мактаби 1540-йил), «Юсуф Миср аёллари қаршисида», Миср аёллари Юсуф гўзаллигидан лол қолиши (XVI аср Машҳид мактаби) «Юсуф Зулайҳонинг боғида» (Шероз 1450-60-йиллар), «Юсуф ва Зулайҳо таҳтда», «Юсуф ва Зулайҳонинг никоҳ кечаси» кабилар. Бундан кўриниб турибдики рассомлар севгига бўлган суфийлик муносабатини акс эттирувчи

[278] Г. Пугаченкова, О. Галеркина. Миниатюры Средней Азии. М.1979.С.25.

энг муҳим сюжетларини тасвирлашган. Айниқса суфийлик билан боғлиқ бўлган катта қизиқиш Зулайҳонинг Юсуф ҳаёлини олишга уриниш сюжетида ифодаланган бўлиб ушбу достоннинг барча вариантларида учрайди. Юсуфнинг ҳаёлини олиш мақсадида барча уринишларда Зулайҳо 7 та бинонинг бирлашмасидан ҳосил бўладиган кошонанинг энг ҳашамдор қисмига таклиф қилади. Энг ҳашамдор қисмидаги хона деворлари «Юсуф ва Зулайҳо» севги қиссалари тасвирланган суратлар билан тўла эди. Ақлли ва жуда ҳам идрокли Юсуф қочишга ҳаракат қилади. Лекин севгидан кўзлари кўр бўлган Зулайҳо Юсуфни кийимидан тортиб уни йиртиб юборади. Ушбу сюжетга иллютрацияни илк бор К.Беҳзод ишлаган. Бунгача ушбу сюжет миниатюрада учрамас эди. Беҳзод кейинчалик қонунга айланган композицияни яратади. Мураккаб тузилишга эга меъморчилик бинолари композициясида интерьер ва экстьернинг ажойиб ечимига эга. Рассом моҳирлик билан рақамлардаги рамзлардан фойдалана олган. У илоҳий рамзларга эга бўлган рақамдан фойдаланади. 7 рақами ислом ва суфийликда илоҳий аҳамият касб этади[279].

7 та зина суфийлик йўлига эришиш рамзидир. Юсуф ва Зулайҳонинг ҳолати ҳам мавҳум кўриниш касб этган. Ҳатто Зулайҳонинг қизил рангли кўйлаги ҳам маълум даражада рамзий маънога эга. Мисол учун қизил ранг соғлом, рангли қон маъносини билдирган. Ўша даврларда А.Шишкиннинг аниқлашича қизил ранг илоҳий куч-қудрат рамзи бўлган. Беҳзоднинг ўзи ҳам суфий бўлгани Шайх Санодан кечирим сўраши Париждаги миллий кутубхонанинг Бухоро моноскриптлари юқори даражадаги маҳорат билан безатилган бўлиб улар қуйидаги сюжетлардан ташкил топган. Суфийликка етиш даражаси фонийдан боқий даражасига ўтган[280].

Хулоса ўрнида айтиш жоизки, Шарқ ранг-тасвирида ҳам аёллар тасвири шартли равишда ифодаланишига қарамай, этник қиёфа, характерни, шарқона романтикани, лирикани портретларга примитив равишда жорий эта олинган. Шунингдек ушбу миниатюра тасвирларида аёллар обрасида уларнинг психологик кайфиятлари ҳам қисман очиб берилган. Тасвирланувчилар бир образда гарчи улар шартли тарзда ифодаланишига қарамай,

[279] Восточная миниатюра. Под редакцией Г. А. Пугаченковой. Ташкент. 1980.С.26.
[280] Полякова Е. А., Рахимова З. И. Миниатюра и литература востока. Ташкент. 1987. С.31.

ҳаракатлар бирлиги орқали характерлар барқарорлиги, маънавий юксак тимсоллар умумлашмасини кўриш мумкин. Рангларнинг жонли, ҳаракатларга тўла бетартиблик билан берилиши, мусаввирнинг колоритни ва шарқона шакл пластикасини чуқур ҳис этиши натижасида ифодавий таъсирчан қиёфалар акс эттирилган.

XIX АСР ТОШКЕНТ ТУРАР ЖОЙ МЕЪМОРЧИЛИГИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Каримов А.А
К.Беҳзод номидаги МРДИ магистранти

Аннотация

Мақолада XIX аср Тошкент турар жой меъморчилиги таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: *меъморлик, халқ турар жойи, интеръер, декор.*

В статье анализируется художественная культура народного жилища Ташкента XIX век.

Ключевые слова: *архитектура, народного жилища, интеръер, декор.*

The article analyzes artistry of popular dwellings of Tashkent in XIX century.

Key words: *Architecture, folk dwelling, interior, decor.*

Тошкент турар жойларида Ўзбекистоннинг деярли барча ҳудудларига хос бўлган анъаналарни кўриш мумкин. Ҳовли уйнинг асосини ташкил этган. Иморатлар ҳовлининг атрофига қурилган ва унинг ўрта қисми бўш қолган.

XIX асрда Тошкент турар жойлари уч қисмдан иборат бўлган:

1. Ҳовли саҳни;
2. Айвон;
3. Ётоқ хоналаридан.

Уйнинг бош яшаш учун мўлжалланган жойи – бу хона ҳисобланган. Иккинчи ёпиқ қўшимча хона – даҳлиз бўлган. Айвон – ёзги хона бўлиб, очиқ ҳовли майдондан ёпиқ ҳажмдаги хонага ўтиш вазифасини таъминловчи хона бўлган. Айвоннинг турли кўринишлари мавжуд бўлган. Жумладан, лоджа кўринишидаги, устунли пешайвон кўринишидаги, кўп устунли галерея кўринишидаги турлари кенг тарқалган. Баъзида айвоннинг девор билан ўралган ровон кўринишида бўлган. Бу каби айвон кашғарча деб юритилган. Йилнинг исталган фасли учун қулай кўринишга эга бўлган.

Тошкент турар жой қурилишида айвонлардан ташқари равонлар ҳам кенг қўлланилган. Равон бу ҳозирги тушунчамизда

верандага кўпроқ тўғри келади. Яъни бошқача қилиб айтганда олд чамбарак панжарали, ойнаванд тарзда ишланган айвонлар равон деб аталади. Равон ойналари одатда ҳар хил рангда бўлади. Деворлари ганчкор, токчабанд ва нақшин безатилади.[281]

Тошкентда хона олдида айвон ёки кашгарча бўлган ҳолда Г шаклидаги ёки П шаклидаги бир ёки икки қаватли уйлар қуриш кенг тарқалган. Баъзи ҳолларда ташқари ва ичкари ҳовлининг планировкаси бир-бирини такрорламаган кўринишда бўлган.

Хона интеръердаги бўш жой пойгоҳ, пешгоҳ вазифасини ўтаган. Остона – бу пишган ғиштдан ишланган бўлиб, оёқ кийим ечиладиган жой ҳисобланган. Пойгоҳ – хонанинг кириш қисмига яқин бўлган жойи бўлиб, унда бутун оила йиғилиб ўтирадиган сандал ўрнатилган. Пешгоҳ – бу азиз меҳмонлар ўтиришига мўлжалланган эшикдан қарама-қарши томондаги хонанинг юқори қисмидаги жой ҳисобланган.

Тошкент турар жойларида Самарқанд ва Бухородаги каби меҳмон кутиш учун алоҳида жой шоҳнишинлар ишланмаганлиги билан алоҳида ажралиб туради.

Баъзи тадқиқотчилар Тошкент меъморчилигини бир қанча услублар умумлашмасидан келиб чиққан деб ҳисобласалар-да, лекин унинг ўзига хос хусусиятлари яққол кўзга ташланиб туради. Бу ҳол, хусусан, меъморий режалаш ва безак бериш усулларининг ранг-баранглигида ўз аксини топган. Тошкент усталари кўр-кўрона тақлид йўлидан бормай, ўзлари учун таниш бўлган услубларни йўналтирувчи бўлган восита сифатида қабул қилганлар холос. Меъморларнинг асосий вазифаси яшаш учун ҳар жиҳатдан қулай, шинам, чиройли уй-жойлар бунёд этиш бўлган.[282]

Одатдаги Тошкент турар-жой уйлари нисбатан кенглиги, услубининг ранг-баранглиги билан ажралиб турган. Улар маълум шарт-шароитларни ҳисобга олган ҳолда ихчам, чиройли қилиб қурилган.

Тошкент ҳовли-жойлари бир-бирига сира ўхшамайдиган бир неча турар жой бўлакларининг йиғиндисидан иборатдир. Ягоналик ва яхлитлик ҳовли-жойларнинг мутаносибликларини таъмин этган. Баланд-паст тикланган уйлар ва мўри учидаги ўзига

[281] Аҳмедов М.Қ. Ўрта Осиё меъморчилиги тарихи. – Т.: Ўзбекистон, 1995. –Б. 99-100.
[282] Манакова В.Н. Художественная культура народного жилища Узбекистана. – Т.: Издательство литературы и искусства имени Гафура Гуляма, 1990. – С. 33.

хос қалпоқчалар равонликка зид ўлароқ шўҳчан қиёфа таъмин этган.[283]

Тошкент турар жойлари кўринишининг икки типи кенг тарқалган. Биринчи типдаги турар жойлар тўғри тўртбурчак тарҳли бўлиб, қуйи қаватида ассиметрик тарздаги кириш қисми ва ҳаво алмаштириш тизими йўлга қўйилгани билан характерланади. Синчли иккинчи қават яшаш хоналарида ойналар ўйиб ишлангани билан ажралиб туради.

Иккинчи типдаги турар жойларда уйлар ҳовлининг барча томонларини қамраб олиши билан ажралиб туради. Биринчи типдаги уйлардан иккинчи типдаги уйлар композициясидаги динамикаси ҳамда рангтасвир безаклари билан фарқланади.

Турар жой архитектурасининг ўзига хослиги яшаш учун мўлжалланган хоналарда яққол кўзга ташланади. Хоналар интеръери лой ёки ғиштли полдан, синч девор, ёғоч балкали шифтдан иборат бўлган. Баъзан меҳмонхона ва яшаш хоналарида алоҳида фарқ кузатилмаган, баъзида меҳмонхона каттароқ қилиб қурилган. Пардозлаш ишлари деярли бир хил бўлган.

Деворлар тахмон, токча, ойна, эшиклар билан ўзига хос тарзда безатилган. Деворнинг қарама-қарши томонида катта токча – тахмон ишланган. Бу кўрпа ва кўрпачаларни тахлашга мўлжалланган бўлган. Яшаш хоналарида бундай тахмонлар сони иккитани, меҳмонхоналарда эса биттани ташкил этган. Тошкентда токчаларнинг бир неча турлари кенг қўлланилган. Жумладан:

1. Девор ўртасида кўп бўлмали марказдан девор четига йўналган токча.

2. Деворнинг марказидан икки томонга йўналган тарзда ишланган иккита токча .

3. Девор марказини бутунлай қамраб олган токча.

Ўймакорлик ва нақшу нигорлар билан безатилган очиқ жой ва токчалар деворнинг асосий жиҳозлари ҳисобланган. Девор билан шифт туташган жойдаги болорости пештоқ шарафаси ўймакорлик ёки рангин нақшу нигор билан безатилган.

XIX асрда Ўзбекистонга ташқаридан ўрмон ёғочларининг кириб келиши шифтларнинг қиёфаларини батамом ўзгартириб юборди. Болорлар ўрнини турли шаклдаги тахталар эгаллай

[283] Манакова В.Н. Художественная культура народного жилища Узбекистана. –Т.: Издательство литературы и искусства имени Гафура Гуляма, 1990. – С. 33.

бошлади. Тахталарни териб қўйиш ёки қўшимча шарафага қўшимча ишлов бериш ёрдамида замонавий услубга ўтила бошланган. Даставвал шакл ўзгаришидаги жараён кўзга яққол ташланидики, булар охир-оқибатда шифт қиёфаларининг озми-кўпми ҳажмдор, тантанавор, бадиий жиҳатдан маънодор бўлишига олиб келган.

Айвон шифтларининг асосини яна ўша болорлар ташкил этган. Болорлар бир текисда қатор қилиб терилган, уларнинг остки қисмларига алоҳида гўзал нақшлар туширилган. Айниқса, бир ҳавзакли, тўрт ҳавзакли шифтлар ўзгача чирой касб этган. Йирик-йирик тўртбурчакли, кўпбурчакли ва кўндаланг ўқи бўртиқ шифтлар кенг расм бўлган.

Тошкент турар жой уйларини безашда ганч ва ёғоч ўймакорлиги ҳам ишлатилган. XIX асрда ганч ўймакорлиги айниқса кенг авж олган.

Тошкент ташқарсидаги уйлар бир этажли тўғри шаклдаги содда ҳовлилардир. Улар безаклар билан безатилмаган. Кўпроқ эътибор ёрдамчи хоналарга қаратилган: соягихона, жувозхона каби. Кўпинча яшаш хоналари билан бирга қашғарча хона қурилган, унинг олдида айвон барпо этилган. Ҳовлидан боғга чиқилган. Бу ерда ҳовуз ва ёзги усти ёпиқ супа – шийпон бўлган.

Ховлининг чор атроқини қуршаб олган хоналар тизмаси ва айвон ўзгача меъморий гўзаллик касб этади. Деворлари синчкор, таги қуруқ ер, шифти вассажуфт бундай уйлар айтарли қулайликларга эга бўлмаган.

Халқ турар жойларида икки маҳаллий материал ёғоч ва лойдан кенг фойдаланилган. Лойдан хом ва пишган ғишт, овал кўринишидаги гувалалар ясалган.

Тошкент усталарининг ишларида бу даврда ўзига хослик намоён бўлди. Улар учун характерли хусусият: аниқлик, мантиқ, композиция ечими, бачканаликка йўл қўйилмаслиги, ҳажмий деталлар, улуғвор ҳамда ёрқин колоритга эгалик хосдир. Уланган жойлар безаклар ёрдамида ёпилган.

Гўзал шифтлар дарҳол эътиборни тортади. Интерьернинг умумий кўринишида шифтларнинг гўзаллиги янада ортади. Декоратив санъат намуналари тошкентлик усталарнинг юқори бадиий ижоди ҳамда меъморлик санъатининг юксак даражада ривожланганлигидан дарак беради.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб шуни айтиш мумкинки, халқ меъморчилиги намуналари ҳисобланган турар жойларни барпо этиш асрлар давомида тараққий этган анъаналарни ўзида мужассамлаштириши билан муҳим аҳамиятга эгадир.

АДАБИЁТЛАР

1. Аҳмедов М.Қ. Ўрта Осиё меъморчилиги тарихи. – Т.: Ўзбекистон, 1995. –Б. 140.

2. Манакова В.Н. Художественная культура народного жилища Узбекистана. –Т.: Издательство литературы и искусства имени Гафура Гуляма, 1990. – С. 184.

3-ШЎЪБА. ЎЗБЕКИСТОНДА ЗАМОНАВИЙ МУЗЕЙШУНОСЛИК РИВОЖИ ВА ТАРАҚҚИЁТИ

ЗАМОНАВИЙ МУЗЕЙ ЭКСПОЗИЦИЯСИНИНГ БУГУНИ ВА ИСТИҚБОЛИ

Исмаилова Ж.Х.
Ўзбекистон тарихи давлат музейи директори т.ф.д.

Аннотация

Мазкур мақолада музей экспозициясининг музей фаолиятини белгилаб берувчи муҳим омил эканлиги ҳақида сўз юритилган. Хусусан, музей экспозициясининг музей ва музейга ташриф буюрувчилар ўртасида асосий бўғин эканлиги мисолар билан таҳлил этилган. Шунингдек, муаллиф томонидан замонавий музей экспозициясини шакллантириш масаласига доир таклиф ва мулоҳазалар берилган.

Калит сўзлар: *экспозиция, замонавий техника, экспозиция дизайни, концепция, экспозиция тузилиши, этикетка, мультимедия материаллари, экспозицияни лойихалаштириш, бадиий лойихалаш, меъморий-бадиий ечим, экспозиция монтажи, экспозиция демонтажи, реэкспозиция.*

В данной статье говорится о значении музейной экспозиции, как важном определяющем факторе деятельности музея. В частности проанализированы примеры связей музея с посетителями. Таким образом, автор приводит ряд соображений и рекомендаций о формировании современной музейной экспозиции.

Ключевые слова: *экспозиция, современная техника, дизайн экспозиции, концепция, построение экспозиции, этикетка, материалы мультимедиа, проектирование экспозиции, художественное проектирование,, архитетурно-художественное решение, экспозиционный монтаж,, экспозиционный демонтаж, реэкспозиция.*

The speech is going on about the museum exposition as the main factor in museum activity. In particular, the museum exposition is analyzed with the samples as the main part between museum and visitors. Also, by author the invitations and opinions are given for developing modern museum exposition.

Key words: *exposition, modern technology, design of exposition, conception, construction of exposition, sticker, materials of multimedia, designing exposition, artistic designing, architectural-artistic resolve, expositional dismanting, reexposition.*

Биз музейлар хақида сўз юритар эканмиз, нафақатгина унинг бой захираси ёки ноёб экспонатлари, балки унинг экспозицияси ва биноси ҳам алохида аҳамият касб этаётганлигига гувох бўламиз. Албатта бу масала ўтган асрда алохида мавзу сифатида талқин этилмаган. Лекин XX асрнинг охирида музейлар учун ажратилган бинолар ёки янги барпо этилган бинолар масаласи актуал масалага айланди. Замон тақозоси билан музейлар архитектурасига катта ахамият берила бошланди. Бу ўз навбатида музейнинг ички мазмунида, яъни экспозициясида ҳам кескин ўзгаришлар содир бўлишига олиб келди.

Бугунги кунда замонавий ахборот технология даврида мутахассислар орасида замонавий музейларни жамият билан қай тарзда уйғунлаштириш мумкин деган масала ўйлантирмоқда

Ҳозирги кунда жахон архитекторлари олдида музейлар худуди, экспозицияси ва биносини қай тарзда лойихалаштириш мумкинлиги хақида муаммо турибди. XX асрнинг ярмигача бўлган даврда музей биноларини қуриш аниқ бир типология асосида, музей талабларидан келиб чиккан холда умумий архитектура назарияси контекстида лойихалаштирилганини кўрамиз. Лекин улар орасида эски биноларни реконструкция қилиб замонавий кўринишга эга бўлган музейларни ҳам кўп учратиш мумкин. Музей биноси ҳам унинг мазмун моҳиятидан келиб чиққан холда музей тизимининг тенг хукуқли элементи ҳисобланади. Музей бинолари хақидаги кўп йиллик мунозаралардан коллекциялар ва бино ўртасидаги алоқани қай тарзда тўғри талқин этилаётгани кўриш мумкин.[284]

Музейларнинг экспозициясини ташкил этиш алохида санъат ва маҳоратни талаб этади. Бугунги экспозициялар ўтган асрлардаги қотиб қолган кўп йиллик экспозициялардан фарқли ўлароқ ташрифчиларни ўзига жалб қилишда асосий ролни ўйнайди. Музейнинг ташқи кўриниши, худуди ташрифчида

[284] Чугунова А.В. Музейная архиттектура в контексте современной культуры. Вопросы музеологии. 1/2010. стр.1

бирламчи таасуротни уйғотса, унинг экспозицияси музейнинг мазмун-мохиятини очиб берувчи асосий объект бўлиб, шакллантириш усули, дизайни ва мазмуни музейнинг савиясидан далолат беради.

Аввалги даврлардаги экспозициялар асосан статистик типда яратилган бўлса, ҳозирги яратилаётган экспозициялар ўзининг кўпқиррали ва мураккаб концептуал ечими, намойиш қилишнинг ёрқин ва кескин усули, театр харакатларига хос ёндашишлар, техник воситалар билан замонавий уйғунлашув каби томонлари билан ажралиб туради. Ҳар бир музей экспозицияси ўзига хос муаллифлик асари сифатида бир-бирига ўхшамайдиган намойиш усулларини кашф этмоқда.

Экспозиция музей коммуникациясининг асосий канали хисобланиб, мавзунинг мазмун-мохиятини очиб беруви тил воситасида асосий кахрамон ролини ўйнайди.

Экспозиция ташкил этиш қуйидагича таснифланади:

1.**Экспозицияни лойихалаштириш;**

- илмий лойихалаш, яъни асосий ғоя ва аниқ мазмун-мохиятини ишлаб чиқиш;

- бадиий лойихалаш, яъни меъморий-бадиий ечимлар ва принципларни ишлаб чиқиш;

- техник лойихалаш , яъни экспозиция монтажи;

2.**Экспозиция демонтажи;**

3.**Реэкспозиция**, яъни мавжуд экспозицияни тўлиқ бўлмаган холда янгилаш.

Экспозиция мавзули ва фонд предметлари асосида, шунингдек, музейнинг жамлаш, таъмирлаш каби бажарилган ишларининг ҳисоботи тарзида ташкил этилади[285].

Экспозиция асосан музей предметлари, илмий-ёрдамчи материаллар, матнлар, музейни жиҳозлаш ускуналари, техник воситалар, панорама, диорамалардан иборат бўлади. Экспозиция учун ажратилган худуд хам умумлаштирилган холда экспозиция таркибига киради.

Музей ходимлари томонидан ишлаб чиқилган илмий концепция рассом-дизайнерлар томонидан 2 босқичдаги бадиий концепцияни ишлаб чиқилади. Буюртмачи ва дизайнер ўртасидаги узвий алоқа ва мавзуни мутухассиси сифатида тўлиқ идрок этиш

[285] Поправко Е.А. Музееведение.Издательство .ВГУЭС. 2005 г. 230 стр

экспозициянинг юқори савияда тайёрланиши билан узвий боғлиқдир. Дизайнер-рассомлар томонидан бадиий концепция ишлаб чиқилгач, лойиханинг эскизи тайёрланади. Буюртмачи томонидан тақдим этилган концепция рассом қўлида тирик организмга айланади ва ундан ташрифчилар тақдим этиш усуллари ишлаб чиқилади.

Музей концепцияси асосида белгиланган лойиха бўйича мавзули режа тузилади. Унинг мукаммаллиги ва тўғри ташкил этилиши кейинги босқичда дизайнер рассомларни бадиий томондан концепция ишлаб чиқишида катта ахамиятга эга. Кўп холатларда экспозициянинг структураси мавзули режа билан уйғунлашган холда тузилади. Структура бўлимларнинг кетма-кетлиги, ҳар бир бўлимнинг мазмун-моҳиятини кейингиси билан узвийлиги, экспозиция мавзусининг давомийлигини таъминлайди. Тарих музейларида воқеаларнинг ҳаракати ёки бўлмаса тарихий, сиёсий ходисалар албатта бир- бирини давом эттириш шаклида ташкил этилади. Лекин бошқа музейлар бундай принципга амал қилиши шарт эмас.

Ўзбекистон музейларида асосан экспозиция структураси ва мавзули режа умумлаштирилган бўлиб, иш жараёнида фойдаланишга жуда қулай.

Экспозиция мухитини яратишда ташрифчиларнинг ҳозирги вақтдаги қизиқиши ва талабларини инобатга олган холда экспонатларга ахамиятсизлик билан қараш, шунчаки экспозицияга кўз юритиб ўтиб кетиш холатларини олдини олиш мақсадида уни бадиий безашда ижодий ёндашиш, экспонатларни ўз тилида гапиришга имкон яратиш, бошқа музейлардан ўзининг алохида хусусияти билан ажралиб туриш орқали турли ёшдаги ва касбдаги ташрифчиларни диққатини жалб қила олиши зарур. Масалан табиат, ўлкашунослик музейлари қушлар, хайвонларнинг овозлари, табиат ходисаларини кўриниши, гулларнинг нафис хиди орқали ташрифчиларни экспозиция мухитида гўёки яшаётгандек ҳис этишга имкон яратса бўлади. Болалар учун ташкил этилган музейлар, тарихий ва сохалар бўйича музейларнинг ҳам экспозицион муҳитини яратишга жуда катта имкониятлари мавжуд. Ҳозирда деярли ҳар бир музей ушбу имкониятлардан тўлиқ фойдаланишга ҳаракат қилмоқда.

Дастлабки музейларда фонд, коллекциялар, экспозиция деган тушунча бўлмаган. Чунки экспонатлар сонининг озлиги уларни бир йўла экспозицияда намойиш қилишга қулайлик яратган. Музейлар салохиятини ошиб бориши, турли йўналишлардаги коллецияларни пайдо бўлиши фондларда иш юритиш тизимини шаклланишига сабаб бўлган.

Ҳозирда катта музейларнинг фонд захиралари бир неча юз мингдан миллионлар сари ошиб бориши фонд тизимида иш юритиш усуллари ва унга замонавий технологияларни жалб этиш заруратини туғдирмоқда.

Экспонатга дизайнер ижодий ёндашиши ва унинг тарихий ўрнини муносиб тарзда намойиш этиши лозим. Ҳар бир буюм экспозициядаги асосий элементни ташкил қилган холда ўз атрофига илмий-ёрдамчи материалларни жамлайди. Мавзу ёки бирор бир тарихий фактни асослаб бериш учун режада кўзда тутилмаган бошқа экспонатлар ёки буюмлардан фойдаланиш мумкин. Бу жараён музей фаолиятида йиллар давомида одатий тусга айланган. Экспозицияни яратилиши жараёнида музейшунослар ва дизайнерлар томонидан концепцияга ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш мумкин. Экспозиция жиҳозлари экспонаталар учун гардиш сифатида хизмат кўрсатади.

Музей экспозициясида қандай ашёлар, ёзма манбалар, фоно ва фотосуратлар ишлатилади. Биринчи ўринда музейнинг асл экспонатлари ажратиб олинади ва улар илмий асосланган ва ўз тарихий мухитини ёритиб беришда, экспозициянинг муваффақиятида асосий ролни ўйнайди. Унга илмий-ёрдамчи материал сифатида хариталар, тархлар, диорамалар, шунингдек, бадиий ахамиятга эга бўлмаган асарлар ва чизмалардан фойдаланилади.

Экспозициядаги яна бир мухим материал бу матнлар бўлиб, агар аввалги даврлардаги музейларга назар солсак, у ерда матнларнинг бир неча турини кўп миқдорда ишлатилганини кўрамиз.

Ҳозирда эса бу тартиб бутунлай бошқа шаклда намоён этилмоқда.

Музейларда матнлардан профессионал тарзда фойдаланиш биринчи ўринда концепция ва структуранинг ишлаб чиқишдан бошланади. Матнлар нима учун хизмат қилади ва улар қандай

функцияни бажаради, қаерга жойлаш керак, ташрифчиларга қандай ахборот беради ва улар тушунарлими деган саволларга матн концепцияси жавоб беради[286]. Ҳар бир концепция асосида матн концепцияси ишлаб чиқилади ва унда экспозиция ёки кўргазма учун зарур бўлган турли хилдаги матнлар аниқлаб олинади. Албатта бу ўринда фақатгина экспозиция ёки кўргазмалардаги матнлар эмас, балки интернет, мультимедия, аудиогид, экскурсоводлар ва қўшимча материал сифатида тарқатиладиган матнлар ҳам киради.

Замонавий технологиялар электрон матнлар, материаллар ва фотосуратларни ўзида жамлаштирган инфокиосклардан фойдаланишга имкон яратади. Музей экспозицияларида матнларни қисқа ва лўнда тарзда акс эттирган холда, кенгроқ маълумот олишни хохловчи ташрифчиларга шундай инфокиосклардан фойдаланиш имконини яратиш даркор. Музей ўз номи билан кўргазмали намойиш этувчи маскан бўлиб, у ердаги ҳар бир ортиқча матн ёки материал ташрифчининг зериктириш мумкин. Ҳарфларни ўқиш осон бўлиши учун унинг ўлчови, ранги, дизайнига катта эътибор бериш керак.

Матнлар шрифтининг катта ва кичиклиги ташрифчининг матндан қанчалик масофада тургани билан белгиланади. Унинг стили ва дизайни хам экспозициянинг даврий мухитига қараб ўзгариши мумкин. Кириш қисмидаги матнлар кўпи билан 1500 белги, аннотациялар кўпи билан 900 белги, экспонатларга этикеткалар эса 340 белгидан, бир қатордаги белгилар сони 60 дан ортиқ бўлмаслиги лозим.(пробел билан).[287]

Маълумки хар бир бўлимда етакчи, тушунтириш матнлари, яъни аннотациялар мавжуд бўлиб, улар хар бир бўлимнинг мазмунини ўзида қисқа тарзда мужассам этади. Хар бир предметга қўйиладиган матнлар этикетка деб аталади ва унда предметнинг қисқача атрибуцияси акс этади. Бундан ташқари музей заллари бўйлаб кўрсаткич матнлар, музей маршрути, унда жойлашган бўлимлар номи белги, стрелкалар орқали кўрсатилади. Бу жараён хам ҳозирда ўзининг замонавий шаклига эга бўлиб, бундай белгилар музейларнинг пол қисмига йўналиш белгилари

[286] Янеке К., Сташкевич А. Музеи как центр образования в XXI веке. Практическое пособие. Минск.2012 г. стр. 68
[287] Ўша жойда, 68 бет

қўйилмоқда. Экспозициянинг ёритиш тизими биринчи ўринда экспозициянинг эстетик кўриниши ва ташрифчиларнинг эътиборини жалб қилувчи восита ҳам исобланиб, хар бир экспонат ва бошқа материалларга ёритиш тизимини қай даражада таъсир этиши хам инобатга олинади. Баъзи музейлар биноси архитектураси табиий ёруғлик асосида, замонавий музейларнинг кўпчилиги сунъий ёритиш тизимининг турли категориялари орқали ёритилади. Баъзи лампалар предметларнинг рангини ўзгартириб кўрсатса, баъзилари кескин ёруғлиги билан кўзни қамаштиради. Шунинг учун хам музейларни ёритиш тизими санъати хам алохида махорат талаб этиб, тайёр экспозицияни тақдим этишда асосий роль ўйнайди.

АҚШ музейларида экспозицион мухитни шакллантиришда уларнинг кўпчилигида қоронғу залда нуқтасимон ёрқин ёруғлик ускуналари, интерактив панеллар, катта хажмдаги моделлар, турли рангдаги текис ахборот стендлари ҳамда қўшимча материаллардан фойдаланганларини кўрамиз. Вашингтондаги Космонавтика миллий музейида кўп сонли экспонатлар ва илмий-ёрдамчи материаллар ажойиб атмосферани ҳосил қилади ва ташрифчиларни жумбоқли космик оламга олиб киради[288].

Бостондаги Тасвирий санъат музейида экспозиция худудини безашда ўзига хос усулдан фойдаланилган. Заллар орасида махсус ускуналар билан таъминланган реставрация устахоналари ташкил этилиб, ташрифчилар ойна тўсиқ орқасида реставраторнинг ишини бемалол кузатиши мумкин. Шунингдек, реставрация қилинаётган асарнинг дастлабки холати, жараёндаги ўзгаришлар ва натижаси билан стендда намойиш этилган ахборотлар орқали бемалол танишиш имкони яратилган. Бундай янги замонавий экспозиция яратиш шакллари ташрифчини музей ичкарисидаги хаёт, коллекцияларни асраш, таъмирлаш ва намойиш этиш жараёнлари билан яқиндан таништиради ва шу йўл билан музейга нисбатан қизиқиш уйғотади.

Ҳозирги экспозицияларни замонавий технологияларсиз тасаввур этиш қийин. Бу соха музейнинг барча йўналишларини ўзига қамраб олган холда уларнинг ишини енгиллаштириш билан бир қаторда тарғибот-ташвиқот ишларида асосий ёрдамчи

[288] Краснова Е.Л. Музейная архитектура:опыт знакомства с музеями США. 2013//№1(19), 144 стр.

вазифасини ўтамоқда. Музей фондларида экспонатларнинг электрон базасини яратиш янги экспозиция ва кўргазмаларни шаклланишида мухим ва тезкор ахборот манбаи сифатида ахамияти беқиёсдир.Шунингдек, музей экспозициялари, виртуал музейлар, ноёб экспонатлар хақида ахборотларни дунё бўйича ташрифчиларга тақдим этиш, нашр ишларини енгиллаштириш, экспонатлар устидан назорат ўрнатиш каби вазифаларни бажаришда беминнат хизматчига айланди. Мультимедиа материаллари, сенсор киосклар ва аудиогидлар музей экспозициясининг асосий ёрдамчи воситаси сифатида аҳамияти каттадир. Улар орқали халқларнинг тарихи, урф-одатлари, маданиятини акс эттирувчи фильмлар ва мусиқий дастурлар бугунги ташрифчининг барча саволларига жавоб бера оладиган воситалар ҳисобланади. Янги усулда тақдим этилаётган электрон музейлар эса хохлаган масофадан туриб турли музейлар хақида ахборот ва эстетик завқ олиш имконини яратмоқда.

Кўптармоқли институт сифатида музей жамиятдаги доимий ўзгаришлар ва ривожланишлар оқимида фаолият юритувчи илмий-маданий маскан ҳисобланади.

КОНЦЕПЦИЯ МУЗЕЙНОГО ДЕЛА В УЗБЕКИСТАНЕ НА ПРИМЕРЕ МУЗЕЯ «ПАМЯТИ ЖЕРТВ РЕПРЕССИЙ» АН РУЗ

Хасанов Б.В.
Директор музея «Памяти жертв репрессий» д.и.н.

Аннотация

Мазкур мақолада Ўзбекистонда музей ишларини йўлга қўйиш ва ривожлантириш масалаларига доир Концепция мазмун-моҳияти "Қатағон қурбонлари хотираси" музейи мисолида ёритилган. Хусусан, ушбу музей таркибий тузилмаси, мақсад ва вазифалари ҳамда музей ходимлари томонидан олиб борилаётган илмий тадқиқот ишлари натижалари таҳлил этилган.

Калит сўзлар: *музей ишлари, Концепция, "Қатағон қурбонлари хотираси" музейи, музей таркибий тузилмаси, музей ҳамкорлиги, «Тарихнинг номаълум сахифалари».*

Данная статья отражает суть Концепции по развитию музейного дела Узбекистана на примере Музея «Памяти жертв репрессий.» В частности, структура музея, цели и задачи и проанализированы результаты научных исследований сотрудников музе.

Ключевые слова: *музейное дело, Концепция, Музей «Пямяти жертв репрессий», структура музея, музейное сообщество, «Неизвестные страницы истории»*

Given article reflects the substance of Conception for developing of museum works of Uzbekistan, as an example "The museum of repressed victims". In particular, museum structure, aims and tasks, analyzed the results of scientific researches of museum workers.

Key words: *museum works, conception, "Museum of repressed victims", museum structure, museum cooperation, Unknown pages of history.*

Концепция развития музейной деятельности в Узбекистане направлена на установление основополагающих принципов, идей и подходов к формированию культурной политики в сфере сохранения Музейного фонда и развития музеев Республики Узбекистан.

За свою многолетнюю историю узбекистанские музеи сформировали уникальный музейный фонд и накопили бесценный опыт сохранения и популяризации национального культурного и природного наследия.

Оберегая сложившиеся традиции, узбекистанские музеи используют инновации в музейной практике, и их деятельность заслуженно получила международное признание.

Музеи являются частью государственной системы сохранения культурного достояния нации и обеспечения его передачи будущим поколениям. Забота государства о сохранении и использовании культурного наследия является важнейшим фактором обеспечения преемственности, стабильного и бесконфликтного развития общества.

И именно по этом, в новейшей истории Узбекистана государством уделяется особое внимание на развитие музейной отрасли. За прошедший период только по этой сфере были приняты 46 нормативно-правовых документов. Из них 2 Законы Республики Узбекистан, 19 Постановление Кабинета Министров РУз.

Богатство и уникальность музейных собраний Узбекистана в значительной степени определяет ее культурный статус в мировом сообществе.

Музеи способствуют повышению образовательного уровня населения, предоставляют возможности для развития творческой социально ответственной личности и тем самым вносят значительный вклад в развитие человеческого потенциала Узбекистана.

Сохраняя наследие, предлагая яркие, нестандартные решения в области культурных практик, музеи способны стать фактором, влияющим на рост духовности и усиления патриотического воспитания подрастающего поколения.

Современная концепция музейного дела в Узбекистане исходит из того, что музеи, сохраняя, интерпретируя и транслируя культурное и природное наследие народов Узбекистана участвуют в решении насущных задач общества, таких как:

– повышение качества человеческого капитала;

– предоставление возможностей для развития человека через индивидуализированное непрерывное образование;

– улучшение качества социальной среды;

– обеспечение доступа к национальным и мировым культурным ценностям;

– формирование национальной, региональной и локальной идентичности человека на основе исторического сознания и социальной ответственности.

Известно что, в нашем мире все больший интерес у посетителя вызывают нетрадиционные музеи. В быстроменяющемся обществе музеям приходится быстрее адаптироваться к новой системе понимания мира. Консервация всего имеющегося в традиционном музее материала не совсем благоприятна для привлечения новых посетителей, появления у них желания вернуться. В таком музее практически ничего не меняется, все предметы экспозиций находятся на своих местах. Но ради справедливости надо отметит то, что у традиционного музея есть и положительные стороны. В таких музеях ясная и понятная зрителю структура, у некоторых посетителей с консервативными взглядами вызывает желание возвращаться в музей с постоянной, несменной экспозицией. Это удобно для долгого и подробного изучения материала, для привычного перемещения по залам музея среди известных экспозиций, а также для работы музейных сотрудников.

Но все же, молодому поколению более интересен современный музей, который меняется, постоянно находится в движении и идет в ногу со временем, ему присущ динамизм всех функций и экспозиции в частности. Он всегда дает ответы на вопросы современности и всегда интересен. Одной из характерных черт современного музея является многосторонность подхода, как к посетителям, так и к экспозиции.

В этом плане очень интересен опыт музея «Памяти жертв репрессий» Академии наук Республики Узбекистан.

В 80-е годы прошлого столетия, когда были открыты некоторые фонды КГБ, в Узбекистане, было разрешено группе журналистов и ученых ознакомиться с выставленными на широкое обозрение архивными материалами, проливающими свет на трагическую судьбу известных узбекских писателей и общественных деятелей.

На основе изучения этих материалов, впервые в узбекской печати были опубликованы циклы статей, посвященных жертвам сталинских репрессий, оказавших большое воздействие в сознании народа.

12 мая 1999 г. своим Распоряжением Первый Президент Республики Узбекистан И.А.Каримов организовал общественную Комиссию по увековечению памяти жертв колониального периода. В июле этого же года Постановлением Кабинета Министров РУз был образован Благотворительный фонд «Памяти жертв репрессий». Началось формирование коллекции будущего музея, который был построен и открыт 31 августа 2002 г., когда впервые в Узбекистане был отмечен учрежденный «День поминовения жертв репрессий».

Музей расположен в центре Ташкента, на берегу реки Бозсу. По мнению историков, именно здесь в 30-е годы прошлого века происходили массовые расстрелы невинных, в кавычке, «врагов народа». Сегодня здесь выращен живописный парк, где расположено живописное здание в национальном стиле, архитектурой напоминающее древние восточные мавзолеи.

В 2008 г. согласно постановлению Президента РУз Музей был заново реконструирован и расширен. Построены еще два здания и создана совершенно новая экспозиция.

Сейчас в здании Музея общей площадью 1568 $м^2$ (площадь для экспозиций-960 $м^2$) в 3-х залах размещены экспозиции.

Обновленная экспозиция состоит из следующих разделов.

1-раздел – Колонизация Средней Азии (Туркестана) царской Россией и борьба местного населения против колонизаторов;

2-раздел - Движение национального возрождения, его проявления и практические направления;

3-раздел - Ликвидация правительства Туркестанской автономии и начало политики репрессий советского государства (1917-1924);

4-раздел - Движение противостояния насилию и оккупации в среднеазиатском регионе и вооруженные выступления (1918-1924);

5-раздел - Политика советского правительства по «коллективизации» и «раскулачивания», ее трагические последствия (1930-

1936); 6-раздел - Политические репрессии начала 30-х годов (1929-1936);

7-раздел - Политические репрессии 1937-1938;

8-раздел - Политические репрессии 1940-1950-х годов;

9 раздел - Политические репрессии 1980-х годов: Кампания «Хлопковое дело» и 10-раздел - Восстановление исторической справедливости, увековечение памяти жертв репрессий, значимые исторические мероприятия проведенные на пути сохранения и развития национальных ценностей в годы Независимости (период после 1991 г).

За время своей деятельности, музей создал специальную информационную систему, непосредственно в пространстве конкретной экспозиции. Каждый зал музея оснащен сенсорными киосками. Киоски установлены рядом с соответствующими разделами.

В каждом киоске размещена, соответствующая разделу информация, подготовленная научными сотрудниками музея совместно с историками и специалистами архивных учреждений Узбекистана (Центральный Государственный архив, ЦГА кино-фотофоно документов, архивы государственных специальных учреждений МВД, СНБ, Верховного суда и т.д).

Гид вкратце рассказывает, из каких материалов состоит киоск и как пользоваться данными киосками. Главная страница киоска состоит из содержания/оглавления. Посетитель сам выбирает интересующую ему тему и нажатием пальца по теме оглавления получает необходимую ему информацию, которая изображается на экране киоска. Предусмотрен переход на разные темы и страницы. Именно рассмотрение компьютерной системы и экспозиционного пространства вызывает оживленный интерес у посетителей музея.

Коллекции сами по себе не обеспечивают успеха музея, равно как и количество посетителей. Критерием успеха является оценка коллекции публикой, отражающая приобретенный в музее опыт. Уникальность потребления продукции нашего музея состоит в том, что посетитель контролирует многие аспекты этого процесса: он сам выбирает, что и как долго смотреть, слушать ли экскурсовода или читать этикетки и т.д.

Потребление музейной продукции требует дополнительных усилий от посетителя, т.к. зачастую речь идет о восприятии не

свойственных ему ценностей. Для преодоления этой проблемы разработан ряд методик. Так, в рамках «новой музеологии» экспонирование предметов осуществляется таким образом, чтобы был ясен их исторический, социальный и политический контекст. Всегда чрезвычайно важным является комментирование – как явное, через экскурсовода, так и организованное музейным пространством.

В этом плане уникальность музея состоится в том, что в экспозициях использованы современные музейные технологий, это и привлекательные брендированные экспозиции, интерактивность и мультимедийная технология.

Одной из таких является мониторы, установленные внутри самих разделов, где постоянно крутятся видеосюжеты, которые дают дополнительную информацию по данному разделу.

Образовательная деятельность –одно из наиболее интенсивно развивающихся направлений нашего музея. Она формируется как система взаимодействия музея и аудитории, включающей людей разных возрастов и профессий, находящихся в процессе так называемого «обучения в течение жизни». Спрос на информацию и образовательные услуги позволяет выстроить систему музейной коммуникации, отталкиваясь непосредственно от позиции и предпочтений посетителя, влиять на формирование у посетителей ценностного отношения к природному, историческому и культурному наследию города, округа, региона, страны.

Но музей не только ограничивается образовательной деятельностью. Продукцией музея являются результаты его публикаторской и выставочной деятельности, то есть представление и интерпретация коллекций, экскурсии, лекции, семинары, конференции и т.д.

За последнее 5 лет Проведены более 300 научных, духовно-просветительских мероприятий (выставки, круглые столы, семинары, вечера памяти и т.п.) приуроченные к дню Защитников Родины, Международном дню музеев, дню Поминовения жертв репрессии, к дню Независимости и дню Конституции.

Музей посетили более 215.905 посетителей.

Из них:

– граждане Узбекистана – 71772;

– из зарубежных стран – 6331

– из стран СНГ – 1141

– студенты ВУЗов – 33949

– учащиеся школ, колледжей и лицеев – 70408

32.302 посетителям были оказаны бесплатные услуги

Ещё одной отличительной стороной музея является то, что он в отличии от многочисленных музеев республики имеет статус научно-исследовательского института при АН РУз.

В результате исторических исследовании в 2010-2016 гг. учеными музея были изданы 31 монографий, 5 учебных пособий, опубликованы 325 научные статьи. Из них в научных сборниках - 119 , в журналах - 115 , в периодической печати - 78 , в зарубежных изданиях - 13 .

Особенно важно отметить серию сборника «Тарихнинг номаълум сахифалари» («Неизвестные страницы истории», отв. редакторы: Б.Хасанов и Н.Каримов). В 2011-2016 гг. были изданы 5 томов данного сборника.

В рамках сотрудничества с германскими организациями DVV и Фонд Конрада Аденауэра изданы путеводители «Свидетели сталинских репрессий: архитектура и люди» (2011 г.) и «Свидетели репрессий тоталитарного режима в Бухаре: архитектура и люди» (2015 г.). В 2016 году подготовлен аналогичный путеводитель по Самарканду – «Свидетели репрессий тоталитарного режима в Самарканде: архитектура и люди».

Кроме того, большое значение имеют дополнительные мероприятия – приемы, встречи, спектакли. Именно они создают основной товар музея – впечатления, остающиеся у посетителя.

Результат этой работы то, что музей становится институтом социальной памяти, предназначенный для сохранения, актуализации и трансляции последующим поколениям наиболее ценной части социально-культурного наследия исторического периода

Здесь следует отметить работу музея по практике сбора устных свидетельств, в Узбекистане, оно активно используется с обретением Независимости. При анализе информации мы исходили из того, что архивы государства – память системы, которая сохранила крайне специфичную память государственной политики, а музей Памяти жертв репрессий мы рассматриваем как институт социальной памяти. Поэтому мы, активно используем такой компонент исторического познания, как изучение периода репрессий

через воспоминания. К «устным историям» мы относим устные повествования о реально происшедших событиях, значимых для рассказчика и для слушателя.

Специалисты музея выезжали в регионы Узбекистана, встречались с семьями репрессированных и собирали устный материал. Проводились на местах конференции, встречи, вечера памяти, люди приходили со своими материалами, делились воспоминаниями

Работниками Музея «Памяти жертв репрессий» с использованием методов устной истории проводились исследование с представителями культуры, науки и духовенства Узбекистана, переживших различные значимые события в истории своей страны, а также с представителями национальных диаспор депортированных сталинским режимом в Узбекистан. Интервьюирование органично сочеталось с исследованием анкетных данных и других письменных свидетельств. Каждое интервью охватывает не только конкретный период, но всю жизнь человека, что позволяет проследить трагические следы репрессий на истории целых семей.

На стендах музея можно увидеть письменные воспоминания раскулаченных и сосланных дехкан, фотографии из семейных архивах, фото с затушированными, или вырезанными лицами – такова была процедура редактирования истории и «вычеркивания» из него неугодных и опасных режиму фигур.

На специальных мониторах установлены видеосюжеты с воспоминаниями конкретных людей, переживших аресты, депортации, ссылку, конфискацию имущества.

Таким образом, собран обширный материал и появляется необходимость переосмысления форм организации научно-фондовой, научно-исследовательской и научно-просветительской работы.

В связи с этим музей создал специальную информационную систему непосредственно в пространстве конкретной экспозиции. Тем самым осуществляется взаимное дополнение двух «текстов» - компьютерного и экспозиционного. Разработанные электронные версии на основе уникальных воспоминаний, музыкальные композиции, видеоролики и сюжеты, раскрывающие печальные страницы периода репрессий и колониального гнета позволяют посетителю осуществить более глубинное постижение в историю нашего народа.

Главным содержанием модернизации нашего музея становится изменение роли человека в музейной сфере. Из посетителя - потребителя он превращается в полноправного участника, соратника и партнера. С этим связана идеология «открытого музея», строящего свою работу на базе развития интерактивных форм, соавторства и сотворчества. Музей не просто транслирует посетителям свои знания и ценности с позиции авторитетного института, но, получая от публики отклики, мнения, информацию, идеи, использует их в своей деятельности. Постепенно музей становится необходимым элементом социума, к которому каждый может обратиться за удовлетворением потребности в знаниях, впечатлениях и общении.

Налаженная работа в архивном фонде музея, который систематически обогащается новыми материалами, архивными документами позволяет в установленном порядке оказывать услуги исследователям республики и из за рубежа в предоставлении информации связанных с историей периода репрессий.

В заключении хотел бы отметить, что исходя из концепции музейного дела в Узбекистане Музей памяти жертв репрессий имеет ряд отличительных черт от остальных узбекис анских музеев:

- здания и экспозиция музея является одним из уникальных объектов РУз;

- музей отличаются планировкой, расположением залов и размещением экспозиций.

- наш музей – эмоционален;

- традиционный музей делает акцент на монологе экспозиции, наш музей – на диалоге «экспозиция – посетитель»;

- в нашем музее к организации экспозиции привлекается профессиональный проектировщик – дизайнер;

Наряду с традиционными экспонатами появляются необычные объекты и беспредметные явления. Условно их можно разделить на три типа:

- физические (свет, тени, цвет, звук, запахи, ощущения);

- информативные («информация» – как самый абстрактный и самый актуальный экспонат);

- предметные (современные технические достижения, дизайнерские вещи и предметы современной повседневной жизни или недалекого прошлого).

ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТ ЎЛКАНИ ЎРГАНИШ МУЗЕЙИНИНГ РИВОЖЛАНИШ БОСҚИЧЛАРИ

Эргашева Ю. А.
ҚарМИИ т.ф.д., профессор
Хосиятов Х.О.
ҚарМИИ ўқитувчи

Мустақиллик шароитида жамиятдаги янги ўзгаришларни амалга ошириш жараёнида жамият аъзоларини эркин, демократик тафаккур ва миллий руҳда тарбиялаш вазифаларини бажаришда тарих фанини аҳамияти тобора ошиб бормоқда. Мустақилликнинг дастлабки даврларидан бошлаб халқнинг тарихий хотирасини тиклаш, тарих фанига доир тадқиқотларни ҳар томонлама такомиллаштириш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти И.А.Каримов 1998 йил ёзида бир гуруҳ етакчи тарихчи олимлар билан бўлган учрашувида таъкидлаганидек, «...ўз тарихини билган, у билан руҳий қувват оладиган халқни енгиб бўлмас экан, биз ҳаққоний тарихимизни тиклашимиз, халқимизни, миллатимизни ана шу тарих билан қуроллантиришимиз зарур»![1]

Музейлар Ўзбекистон тарихига оид қадимги тош ёзувлару битиклар, нодир қўлёзмалар, ноёб ашёлар, осори-атиқаларни сақлаб келаётган маънавият масканларидир. Мамлакатда музейлар фондини бойитиш, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш борасида амалга оширилаётган ишлар ёш авлодни ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат ва миллий қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялашдек эзгу мақсадларга хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг «Музейлар тўғрисида»ги қонуни музейлар фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва такомиллаштириш, уларда сақланаётган ноёб экспонатларни асраб-авайлаш, ўрганиш ва тарғиб этишда ҳуқуқий асос бўлмоқда.

[1] Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамиз. 7-том, Т.: «Ўзбекистон», 1999, 149-бет.

Қадимий цивилизация бешикларидан бири бўлган юртимизнинг ҳар бир гўшаси ўзига хос тарихга эга. Ватанимиз ўтмишига оид тарихий, моддий ва маънавий ёдгорликларни тўплаш, сақлаш, ўрганиш ва тарғиб қилишда музейларнинг ўрни беқиёс.

Ўзбекистон худудида қадимдан шаклланган музейлар тизимини янада такомиллаштириш, уларнинг халқнинг маънавий-ахлоқий камолатида тутган ўрнини ошириш, музей фондларида сақланиб келаётган халқимизнинг бой тарихини, мустақиллигимиз одимларини акс эттирувчи, ноёб, нодир экспонатларни авайлаб асраш, ўрганиш, бойитиб бориш, дунёга олиб чиқиш ва тарғиб қилиш, улардан халқимиз онгида миллий ғурур ва ифтихор, истиқлол ва Ватанга садоқат туйғуларини кучайтириш йўлида кенг фойдаланиш, музейларни замон талабларига мос юқори малакали мутахассислар билан таъминлаш, моддий-техник базасини мустаҳкамлаб жаҳон музейшунослиги тажрибаларини қўллашга зарур шарт-шароитлар яратиш долзарб масаладир.

Ҳозирги замон музейлари маданий-тарихий ва табиий илмий қадриятларни мушоҳада қилишга мўлжалланган ижтимоий ахборот институтини ўзида намоён этади. Улар музей ашёларини ахборот воситасида муҳофаза қилиш, тўплаш ва тарқатиш, жамиятнинг маънавий эҳтиёжларини қондириш учун хизмат қиладиган, ихтисослаштирилган маданий-маърифий муассасалар ҳисобланади. Музейлар нафақат табиат ҳамда жамиятнинг ноёб ва хилма-хил ашёлари хазинаси, балки муҳим илмий, маърифий-тарбиявий марказлари ҳамдир. Ўзбекистон ўз фуқаролари, хусусан ёшларнинг ўтмиш тарихининг ижобий воқеалари бўйича билимларини кўпайтириш, уларда ватанпарварлик, Она Ватанга меҳр-муҳаббат туйғуларини камол топтиришга катта аҳамият бермоқда. Зеро, Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти Ислом Каримов таъкидлаганидек, бу табаррук туйғу йўлчи юлдуз, ишончли компас бўлиб хизмат қилади. Тарихни билиш одамни маънан бой, кучли ва инсонпарвар қилади. «Маънавийлик, – деб ҳақли равишда таъкидлайди юртбошимиз, – ўз халқи тарихи, унинг маданияти ва мақсадларини чуқур тушуниши ва билишига таянганида қудратли кучга айланади»[289].

[289] Каримов И.А. Юксак маънавият енгилмас куч. Т.: «Ўзбекистон», 2008.

Маълумки, мустақиллик йилларда республика пойтахти, вилоят ва туман марказларида тарихий йўналишдаги қатор янги музейлар ташкил этилди, эскилари таъмирланди, экспозициялари тубдан янгиланиб, бойитилди. Замонавий музейлар мазмуни, асрлар давомида ижтимоий ахборотни тўплаш ва муҳофаза қилиш, музей ашёлари воситасида билим, анъана, тасаввур ва ҳиссиётларни ўзлаштириш ва янги авлодга узатиш муаммолари эътиборни ўзига жалб этмоқда. Музейлардаги илмий тадқиқотлар натижалари коллекция, экспозицияларни консервациялаш, таъмирлаш, сақлаш, муҳофаза қилиш, ташриф буюрувчиларга хизмат кўрсатиш, шунингдек, музей фаолиятининг бошқа турлари даражасини аниқлайди.

Қашқадарё вилоят ўлкани ўрганиш музейи Хўжа Абдулазиз мадрасасида 1975 йилдан 2007 йилга кадар фаолият кўрсатиб келган. Музейда 4 та бўлим тарих, ҳалқ амалий санъати, илмий маърифий хамда «СКМ-музей» булимлари фаолият кўрсатади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16 октябрдаги 215-сонли қарори [290] билан тасдиқланган. «Давлат корхоналари тўғрисида»ги Низомга мувофиқ ҳамда Вилоят маданият ва спорт ишлари бошқармасининг 2007 йил 21 сентябрдаги 297- сонли хати ва унга илова қилинган ҳужжатларга асосан Қарши шаҳар ҳокимлигининг 2007 йил 4-октябр № -х-593/10 сонли қарори асосида қайта ташкил этилган.

Музей вилоят ёшларини маданий, тарихий ва бадиий меросимиз, умумбашарий қадриятлар, ўтмиш, илм-фан ёдгорликлари, халқимизнинг турмуш тарзи ва анъаналари, санъат асарлари билан таништиришда ноёб муассаса эканлиги билан ҳам муҳим аҳамиятга эга. Музейда турли даврларга оид ноёб топилма ва буюмлар тўпланган. Аждодларимиз бундан бир неча минг йиллар аввал кундалик ҳаётда ишлатган иш қуроллари, сопол, мис буюмлар, этник кийимлар, тангалар, қадимий қўлёзмалар, қоғоз пуллар, зеб-зийнату тақинчоқлар, чолғу асбоблари шулар жумласидан. Ушбу нодир экспонатлар ёшлар дунёқарашини янада кенгайтиришга, уларнинг ўтмиш тарихимиздан бохабар бўлишига хизмат қилади.

[290] Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16 октябрдаги 215-сонли қарори

Музей Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги тизимида барпо этилган. Музей 2007 йилдан бошлаб мослаштирилган бинода жойлашган. Музей биноси замон талабига мос равишда барпо этилди. Музей учун янги замонавий бино қуриш билан бирга музей биноси ҳовлисида «Олтин мерос» боғи ҳам барпо этилди. Музей биносини тўлиқ иситиш ва совутиш тизими билан таъминлаш ишларини амалга оширилди.

Музей фаолиятини бойитиш учун тарихий-этнографик ва археология экспедициялар учун ҳомийларни жалб этилиб, музейда илмий-тадқиқотчи сони кўпайтирилмоқда. Музей фаолиятидаги сўнгги йилларда амалга оширилган ижобий ишлар самарадорилигидан келиб чиқиб, штатлар сонини ошириш кўзда тўтилди. Музейнинг «Одина» мажмуасидаги бўлими филиал асосида ташкил қилинган. Аҳолига хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини кучайтириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва уларни келажак авлод учун тушинарли тарзда фондлар каталоглари яратилди.

Қашқадарё вилоят ўлкани ўрганиш музейи низомига асосан юқори ташкилот, ташкилотларнинг фармойишлари ва буйруқларини бажарган ҳолда самарали ишларни амалга ошириб келмоқда. Ўзбекистон Республикасининг «Музейлар туғрисида»ги Қонуни ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 31 октябрдаги «Музейлар фаолиятига тааллуқли меъёрий хужжатлар тўғрисида»ги 237-сонли қарори,[291] 2010 йил 12 апрелдаги «Ўзбекистон Республикасининг музейлар тўғрисидаги қонунининг рўёбга чиқариш учун зарур бўлган норматив хуқуқий хужжатларни тасдиқлаш ҳақида»ги 68-сонли қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 25 августдаги «Миллий ғоя, тарғибот ва маданий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги ПК-451 сонли қарори ижросини таъминлаш, Қашқадарё вилоят маданият ва спорт ишлари бошқармаси томонидан юборилган буйруқ ва йўриқномаларни бажариш йўлида бир талай ишларни амалга оширди.[292]

[291] Ўзбекистон Республикасининг “Музейлар туғрисида”ги Қонуни ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 31 октябрдаги “Музейлар фаолиятига тааллуқли меъёрий хужжатлар тўғрисида”ги 237-сонли қарори

[292] Ўзбекистон республикаси Президентининг 2006 йил 3 апрелдаги қарори

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари Қумитаси томонидан «Археология меъроси объектларини мухофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида» ва «Музейлар тўғрисидаги» Ўзбекистон Республикаси Қонунларининг Андижон вилоятидаги ижросига оид назорат-таҳлили, аниқланган камчиликлар юзасидан Қашқадарё вилояти ҳокимлиги томонидан чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилди. Режа асосида Қарши ва Шахрисабз шахарларида илмий амалий семинарлар ташкил этилиб, ташкил этилган комиссия томонидан мониторинг ишлари давом эттирилмоқда. Вилоят ўлкани ўрганиш музейида янги қонун ва қонун ости хужжатлари асосида иш юритишни ташкил қилиш мақсадида семинарлар ташкил этилмоқда.

Миллий музей фонди тўғрисидаги низомга асосан музей фонди таркиби музей ашёлари ва музей коллекцияларга ажратилган. . Музейнинг кирим китоби (КП) га киритилган буюмлар сони 30750 донани ташкил этган. Бундан ташқари музей фондидаги экспонатлар қуйидагилар: рассомчилик - 157 та, графика- 28 та, амалий санъат асарлари – 380 та, хайкалтарошлик – 7, нумизматика -1231 та, археология - 13118 та, маиший ва этнография буюмлари – 850 та, фотосуратлар – 4255 та, ҳужжатлар – 1999 та ва бошқа буюмлар – 3586 та, қўшимча ашёлар сони 5139 та.

2006 йил 17-апрел «2006-2010 йилларда Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 325-сонли қарорлари ижросини таъминлаш, аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш ва уларнинг турларини янада кўпайтириш мақсадида музей прейскуранти ишлаб чиқилган ва мазкур прейскурант бўйича пуллик хизмат йўлга қўйилган.

Вилоят ўлкани ўрганиш музейи аҳоли кенг доирасини, энг аввало, болалар ва ўсмирларнинг маданий - тарихий меросдан фойдаланиш ва улар билан танишиш имкониятини кенгайтириш, ёшлар туризмини ривожлантириш, ўсиб келаётган авлоднинг билимлари ва қизиқишлари даражасини юксалтириш мақсадида бир қатор ишларни амалга оширди. Музейда мунтазам равишда ўлкашунослик ва туризм, археология ва тарих тўгараклари фаолият кўрсатмоқда.

Мактаб ва коллежларда илмий ходимлар «Ўлка тарихи ва маданиятини биласизми» мавзусида лекциялар ўқишмоқда.

Ўзбекистон Республикаси «Музейлар тўғрисида»ги Қонун ва бошка норматив-ҳуқуқий хужжатлар асосида низом ишлаб чиқилди. Ушбу низомдан келиб чиққан ҳолда Қашқадарё вилоят ўлкани ўрганиш музейи ўзининг низомини ишлаб чиқди. Шунингдек, музейнинг ички йўриқномаси янгилаб чиқилди. Ушбу йўриқномага асосан мактаблар ва коллежлардаги музейлар фаолиятини такомиллаштириш ҳамда ривожлантириш мақсадида махсус йўриқнома ишлаб чиқилди.[293] Мазкур низомга асосан, музей фондининг таркиби, манбаларни бойитиш, музей ашёлари ва коллекцияларини ҳисобга олиш ва сақлаш, улардан фойдаланишда фонд ҳолати устидан назоратни амалга ошириш тартиби белгиланган. Музей ашёлари ва коллекцияларини ҳисобга олиш тартиби йўриқнома асосида музей ҳодимлари томонидан ишлаб чиқилиб, қуйидаги ишлар амалга оширилди: музей ашёлари ва музей коллекциялари илмий рўйхатдан ўтказиш тартиби ўрганиб чиқилди; ҳар бир коллекцияга шартли белгилар билан белгилаб чиқиш тартиби ишлаб чиқилди; экспозиция залларидаги жиҳозланиш қайта кўриб чиқилди, унга асосан экспозиция шарт-шароитлари замонавий кўринишга келтирилди; турли хил музей ашёлари ва музей коллекцияларини хоналарда сақланиш ҳолатларини амалга ошириш тартиби ўрганиб чиқилди; музей ашёлари ва музей коллекцияларини таъмирлаш ишларини ташкил этиш шароитлари яратилди.

Музей фонди ашёлари қайта коллекцияга ажратилди. Улар қуйидагилардан иборат: Моддий ёдгорликлар; Тасвирий санъат намуналари; Ёзма ёдгорликлар; Нумизматика ашёлари; Амалий санъат намуналари; Археология буюмлари; Маиший этнография буюмлари; Суръатлар; Ҳужжатлар ва бошқа ашёлар.

Фонд таркибига киритилган музей ашёлари ва музей коллекцияларини ҳисобга олиниб ва сақлаш тартиблари ўрганиб чиқилган. Музей фонди ашёларини бойитиш учун бир неча илмий экспедициялар тартиб билан жойлаштирилган. Жумладан, Сийпонтош қадамжоларига илмий экспедициялар ўтказилиб, бир неча асори-атиқалар музей фондига

[293] Илалов И.Н. Музейведение.Учеб.пособие для вузов .-Т., 2006

келтирилди. Фонд таркибига киритилган музей ашёлари ва музей коллекцияларидан фойдаланган ҳолда кўргазмалар ташкил этилган.

Музей ходимлари 2011 йил май-июн ойларида шарқий Қашқадарё воҳасидаги Узунқир ва Сангиртепа археологик ёдгорликларида Ўзбек-Француз экспедицияси таркибида археологик тадқиқотларда иштирок этдилар. ЎзФА Археология институти қадимги давр тарихи бўлими бошлиғи М.Хасанов бошчилигидаги экспедиция аъзолари илмий тадқиқот натижасида 200 дан зиёд топилмаларни музей фондига топширишди. Ушбу тадқиқотларнинг натижалари Ўзбекистон археологияси журналида нашр қилинди.

Музейнинг амалий санъат бўлими илмий ходимлари Шаҳрисабз, Касби ва Косон туманларида илмий экспедициялар ташкил қилишди[294]. Натижада воҳанинг турли туманларидаги тарихий этномаданий жараёнлар, ҳунармандчилик, қадрият ва анъаналар тўғрисидаги маълумотлар тўпланди. Экспедиция натижалари тўғрисида маҳаллий ОАВ ва матбуотда мақолалар эълон қилинди. Музейнинг илмий-маърифий бўлими ходимлари Қашқадарё вилоят архивида олиб борган илмий тадқиқотлари натижасида Махмудхўжа Беҳбудийнинг ўтган асрнинг бошларида Қарши шаҳрида қатл қилинганлиги тўғрисида суд ҳужжатларини излаб топишди. Мазкур ҳужжатлар нусхаси музей экспозициясидан ўрин олди.

2017 йилнинг 4-5 апрель кунлари Қашқадарё вилояти музейлари Шаҳрисабз шаҳрида бўлиб ўтган Ўзбекистон музейлар фестивалига мезбонлик қилди. Кўҳна Кешдаги Амир Темур хиёбонида ўтказилган мазкур фестивалда мамлакатимиз турли ҳудуларида фаолият кўрсатаётган 105 та музей Амир Темур ва темурийлар даври маданияти ҳамда санъатига оид экспозициялари билан иштирок этди. Намойиш этилган ноёб экспонатлар, «Кеча ва бугун» деб номланган фотоасарлар кўргазмаси ўз томошабинни бефарқ қолдирмади. Фестиваль доирасида, шунингдек, Шаҳрисабз моддий маданият тарихи музейида «Амир Темур ҳаёти ва фаолияти» деб номланган 500 дан ошиқ экспонатни ўз ичига жамлаган янги экспозиция ҳам очилди. Экспозициядан кенг ўрин олган Шаҳрисабз рамзлари, Амир Темур болалиги, Темур даврига

[294] Moziydan sado/3-son. 2004.

оид ашёлар, ўша даврга хос жанг қуроллари, аслаҳалар тасвирланган суратлар кишини мозий томон етаклайди. Яна бир экспозиция – 3D форматда тайёрланган «Лой жанги» тасвири олис ўтмишнинг суронли даврларига бошлайди. Фестиваль доирасида, шунингдек, «Ўзбекистон музейларини ривожлантириш истиқболлари» мавзусида илмий конференция ҳам ташкил этилди. Унда мамлакатимизнинг турли муассасалардан келган олимлар, тадқиқотчилар иштирок этишди.[295]

Хулоса қилиб шуни таъкидлаш жоизки, Қашқадарё вилоят ўлкани ўрганиш музейида сақланаётган бой жамғарма тўпламлари: археология, этнография, нумизматика, моддий ва маънавий маданият тарихи, ҳарбий тарих, геральдика, эпиграфика каби фанлардаги тадқиқотлар учун катта база ҳисобланади. Зеро, музейлардаги илмий тадқиқот фаолияти бадиий ва ахлоқий қийматга эга янги тарихий маълумотлар олиш манбаи сифатида музей ашёларини ўрганиш йўли билан амалга оширилади. Музейнинг яна бир муҳим жиҳати, унинг йирик тарихий шахслар ёки воқеа-ҳодисаларни ўрганиш учун барча маълумотлар мавжуд бўлган марказлардан бири эканлигидир. Уларни ўрганиш улкан илмий ва ғоявий-тарбиявий аҳамият касб этади. Музей материалларини монография, илмий асарлар тарзида ва оммавий ахборот воситалари орқали кенг тарғиб этиш халқимизнинг тарихий онгини бойитишга, уларда фахр ва ватанпарварлик туйғусини тарбиялашда ёрдам беради.

[295] Қашқадарё, 2017 йил 8 апрел, № 042

«КРУЖЕВО» МЕТАЛЛА
(медночеканные изделия в собрании ГМИУ)

Левтеева Л.Г.
к.и.н., ГМИУ

Многие экспонаты Государственного музея истории Узбекистана являются подлинными шедеврами узбекского народно-прикладного искусства. Видное место среди них занимают изделия из металла.

Искусство обработки металла было известно народам, населявшим территорию Узбекистана, с древнейших времен. Наиболее ранние предметы из меди, найденные археологами, относятся к IV тыс. до н. э. Это кованые медные шилья, пробойники, небольшие ножички и другие предметы обихода. Широкое распространение медные и бронзовые изделия получили во II – I тыс. н. э. При раскопках памятников этого периода археологи находят чаще всего образцы оружия – мечи, кинжалы, наконечники стрел; бытовые предметы; украшения (в частности, бусы), бронзовые части конской упряжи и так далее. Изготовление изделий из бронзы и меди не прекращалось и в последующие века. Начиная с XI в., в оформлении металлических изделий используются, в основном, орнаментальные композиции из растительных и геометрических мотивов и эпиграфика, – влияние завоевавших Среднюю Азию арабов.

Высокого уровня чеканка по меди достигает в эпоху Амира Темура и Темуридов. Изделия мастеров той эпохи поражают изяществом, безупречным вкусом, богатством и сложностью отделки. Широко применялись тонкая резьба, чернь, инкрустация серебром и золотом. Сложившиеся в этот период формы, техника исполнения и типы орнамента дошли до наших дней.

Широкого распространения медночеканное производство получает в X1X-XX вв Медночеканные изделия занимали значительное место в быту, как сельского, так и, главным образом, городского населения, в частности, Ташкента. Своими работами славились ташкентские мастера Муким-Мирза, Мутум Ходжи, усто Хамид наккош, Абду Кадыр, Ф.Расулов, Рахим Сабиров и другие. На сложение ташкентского орнаментального стиля чеканки оказали влияние мастера из Коканда и Самарканда. Изделия ташкентских ремесленников неоднократно удостаивались наград «За изя-

щество форм чеканки» на различных выставках в Туркестане и за его пределами.

Большинство мастерских располагалось в торговых рядах на базаре и являлось одновременно лавками. По сведениям А.Н.Тетеревникова, изучавшего состояние ремесла и торговли в середине 1860-х годов, на ташкентском базаре имелось 32 лавки, в которых торговали ковшами, чайниками, *кумганами*, тазами и прочими медными изделиями. В «Отчете» Сырдарьинской области за 1900 год отмечалось, что «кустарная промышленность – весьма распространенная, причем в городе Ташкенте она достигает наибольшего развития». В «Обзоре» той же области за 1902 год отмечалось, что «спрос на продукты труда местных ремесленников очень значителен и мастерские местных кустарей заняты изготовлением необходимых товаров». Дошедшие до нас образцы отличаются не только качеством отделки, но и значительной прочностью, удобством в обращении.

В конце XIX – начале XX вв. появляется мода на подносы и пеналы (*каламдон*) из серебра с чеканными узорами и вставками из цветных камней.

В XX столетии наиболее благоприятные условия для развития медночеканного ремесла пришлись на 1920 – 1940 гг., когда во всех областях Узбекистана существовали соответствующие промысловые артели. В 1960-е гг. они были ликвидированы, и изготовление медночеканных изделий резко сократилось. Начиная с 1990-х гг., с принятием на правительственном уровне решений о возрождении и развитии народных ремесел, этот вид народно-прикладного искусства, как и другие, вновь занял достойное место в национальной культуре.

На протяжении веков мастера-чеканщики выработали множество форм изделий, способов и видов их отделки, соответствовавших предназначению каждого предмета. В фондах ГМИУ представлены сосуды для воды и чая *чойдиш*, *чойдуш, мискуза*, *мисчойнак*, *самовар*; чашеобразные сосуды для сладостей, фруктовых соков и различных напитков *мискоса, шарбаткоса*; образцы хозяйственной посуды *мислаган*, *мистовок*, *масбаркаш*, *лаъли; крышки для закрывания пищи саври; сосуды типа ведра кашкул, сатил;* кружки и черпаки *сархуми, дулча, шумовки капгир*; бытовая посуда: приборы для умывания, состоящие из кувшина *офтоба*,

обдаста, кумгон, кумъан и тазика *дастшуй, чилопчин, селобча*; плевательницы туфдон; охотничьи барабаны *довул*; кассы для хранения денег *галадон*; шкатулки для драгоценностей *кутича, сандикча*; приборы для курения *мисчилим*; пеналы *каламдон* и др.

Локальное своеобразие в медночеканных изделиях Узбекистана проявилось, главным образом, в орнаментальном убранстве и в некоторых деталях в общем единообразии форм. Техника чеканки была одинакова. Локальные отличия заключались только в глубине чеканки и употреблении различных приемов для отделки фона и поверхности узоров. Ферганская чеканка легко отличима от чеканки других районов своей неглубокой, но очень четкой резьбой, разнообразием приемов обработки фона и поверхности узоров: пуансоном, штрихом, разными видами сетки и фигурными выемками. Бухарская чеканка сохранила многие старинные формы и традиционный орнамент. Оригинальная форма самаркандских *чойдишей*, уже редко встречавшаяся среди изделий других регионов, дошла до наших дней. В растительном орнаменте часто встречались мотивы четырехлепесткового цветка *чорбарг*. Ташкентские медночеканные изделия выделялись и формами, и орнаментацией. В ташкентском орнаменте растительные мотивы менее изысканы, элементы их укрупнены, освобождены от мелких деталей, много узоров, близких резьбе по дереву *паргори* и различные формы медальонов. Значительным разнообразием форм и их оформлением отличались изделия Карши и Шахрисябза. Особенно устойчива традиционная художественная школа хивинской чеканки Излюбленной техникой была глубокая чеканка *кандакори.* Кроме богатого растительного орнамента применялись медальоны и сетки сложных конфигураций.

Во второй половине XIX в., в связи с широким завозом в Среднюю Азию фабричных металлических изделий, наряду с производством традиционных сосудов, мастера вырабатывают и новые формы – чайники с шарообразным туловом, самовары, кофейники, вазы.

Ручки чайников и сосудов для омовений делались в виде декоративной фигурки дракона. Когда крышка откидывалась, дракон как бы раскрывал пасть. Подобное оформление сосуда несло в себе магический смысл: драконы и змеи выступали в данном случае в качестве охранителей воды.

В изготовлении медночеканных изделий принимали участие мастера нескольких направлений. Медники *мисгар* изготовляли тулово сосуда из красной или желтой меди, а внутреннюю поверхность покрывали полудой. Литейщики *рихтагар* отливали отдельные части: ручки, куполки на крышках, кончики носика, шарниры и так далее. Чеканщики *кандакор* украшали изделия чеканкой и гравировкой.

Большим разнообразием отличались формы медночеканных изделий. Это определялось как назначением предмета, так и стремлением мастера достичь большей декоративно-пластической выразительности. Встречаются сферические, грушевидные, цилиндрические сосуды с граненными, гофрированными, ложчатыми или гладкими боками. Некоторые сосуды, будучи одинаковыми по форме тулова, отличаются друг от друга формами горлышка, подставки, ручки и носика.

Чеканщик работал, сидя на полу перед низким деревянным столиком, на котором помещалась упругая и жесткая подушка. При чеканке полых высоких сосудов их внутренность наполнялась утрамбованным песком или тряпками. Чеканка – тонкая ручная работа – выполнялась простыми инструментами: разнообразными видами резцов *калам*, молоточком *болга*, специальными инструментами *ранда* и *маскол* для шлифования поверхности после нанесения узора. Опытные чеканщики наизусть знали сотни узоров.

Для придания узору большей выразительности фон обрабатывался разными приемами: пуансоном *чекма* и сеткой *катак*. В изделиях конца XIX – начала XX вв. фон обрабатывался также мелкой зигзагообразной линией *чекма*. Чтобы удешевить работу, в связи с конкуренцией привозных фабричных изделий, мастера стали использовать вместо чеканки менее трудоемкую гравировку *чизма*. Кроме чеканки и гравировки применялась и прорезная техника *шабака* для выполнения некоторых деталей – крышек, ручек, подставок.

Композиции, использовавшиеся чеканщиками, как правило, линейные, когда узор строится в виде горизонтальных и вертикальных полос; центрические, с выделением центрального мотива и рапопортные (медальоны, розетки и тому подобное). Орнаментальные мотивы, в основном, растительные, геометрические и зооморфные. Особенно был распространен растительный узор *исли-*

ми, состоящий из вьющихся стеблей, цветов и листьев. Растительные мотивы заполняют внутреннее пространство розеток, медальонов, геометрических фигур, покрывающих тулово сосудов. Вариантов узоров *ислими* очень много. В оформлении медночеканных изделий встречаются также зооморфные мотивы: *чашма булбул* (глаз соловья), *кучкорок* (бараний рог), *пушти балик* (рыбья чешуя) и другие. Некоторые из таких узоров выполнены почти без стилизации и носят название по имени изображенного животного: *кирмак* (червяк), *зулук* (пиявка), *капалак* (бабочка), *илон изи* (след змеи), *турна* (журавль) и другие. Некоторые названия взяты из предметного мира: *елпигич* (веер), *беланчак* (люлька), *дойра* (бубен) и другие. Геометрический орнамент применяется, в основном, в разделительных полосах, контурах крупных фигур. Названия его элементов заимствованы из словаря зодчих: *гишт* (кирпич), *мехроб* (ниша), *занжир* (цепочка), *мадохил* (треугольник) и так далее. В чеканке часто встречаются узоры, близкие тем, что используются в резьбе по дереву: узор *паргори* и медальоны различных форм – шестиугольные, полукруглые, в форме бабочки. Узор образует орнаментальные полосы, обвивающие сосуды, или концентрические круги на плоскости подносов, бортах и донышках чаш. В центрических композициях преобладает крупная розетка. Кокандские мастера первыми начали применять новый сюжетный орнамент. В конце Х1Х - нач. ХХ вв. начали чеканить на подносах изображение дворца Худояр-хана, затем фантастических зверей, птиц, людей, копируя их из литографированных изданий. Один из таких ляганов (*мислаган*) (Инв. № 1458/272) имеется в музейном фонде. На нем, на внутренней поверхности изображен дворец Худоярхана, остальное пространство, помимо дворца, покрыто узорами *ислими, нимислими, кушбарг, кирмак ду чугунок калами,* между минаретами дворца надпись - год чеканки. Фон обработан линиями *кесма* и покрыт чернью. Чеканку выполнил кокандский мастер Ходжи Фазыл Атауллаев в 1920 г. Другой ляган с изображением дворца Худояр-хана в музейной коллекции выполнен в 1923 г. (Инв. № 1458/118). В отличие от предыдущего, над входом во дворец помещена надпись на узбекском языке, выполненная арабским шрифтом. Еще один ляган изготовлен кокандским чеканщиком Садык Кари Атауллаевым в нач. ХХ в. (Инв. № 1458/3). Композиция узора на лицевой стороне *ишкалак*, внутри него –

парные львы, птицы, зайцы, остальное пространство заполнено растительным узором *нимислими*, узкие полосы покрыты узором *кирмак ду калами*. Все три лягана изготовлены из желтой меди. Изображения животных и людей выполнены на сосуде для сахара *канддон* Х1Х в., (Инв. № 1458/259), работы кокандского чеканщика по меди Сидикори Атауллаева. Композиция узора медальонного характера. Свободная поверхность орнаментирована классическими растительными узорами *ислими*. Подобные тенденции были характерны и для мастеров чеканщиков Самарканда и Бухары. Так, на сосуде для хранения денег *голадон,* нач. Х1Х в. (Инв. № 1458/232) тулово орнаментировано чеканным изображением фантастических рыб и осла. Фон узоров гладкий. На подносе *лаъли,* работы бухарского чеканщика уста Салимджана Хамидова, 1971 г. (Инв. № 4677/3) изображен мавзолей Исмаила Самани, а на подносе Р.Кулиева – ученика мастера Салимджана Хамидова, 1970 г. изображен минарет Калян (Инв. № 4677/4). Оба подноса выполнены из желтой меди. На бухарском подносе *лаъли* нач. ХХ в., из красной меди (Инв. № 1458/121), на фоне растительного узора изображены четыре мифические птицы и два человеческих изображения. Шесть мифических животных изображены на другом бухарском подносе *лаъли*, из желтой меди, нач. ХХ в. (Инв. № 1458/119). В оформлении каршинских и шахрисябзских медночеканных изделий использовались различные накладные пластинки и медальоны, выполненные техникой штампования *калипоки* и украшенные бирюзой и стеклом. В ряде случаев в оформлении использовался арабский шрифт. Характерна в этом отношении *коса* (*мискоса*) нач. Х1Х в., из Бухары, поверхность которой покрыта растительным узором *нимислими* и стихами арабским шрифтом, заполнившими сектора. (Инв. № 4569). На другой бухарской *коса* арабским шрифтом запечатлено имя заказчика: «Мастер, изготовляющий манты, Абдумумин. 1871 г.». (Инв. № 4608/18). Коранническими надписями, выполненными арабским шрифтом, и различными магическими знаками покрыты внутри и снаружи поверхности глубоких, круглой формы, на кольцевой подставке и отогнутым наружу бортом чаш *чилкалит* конца ХVШ-Х1Хвв. (Инв. № 1441/35, 36; 1441/248; 4587/1, 2).

В конце ХIХ – начале ХХ вв. появилось несколько необычное направление в чеканке – местные мастера стали орнаментировать

готовые фабричные изделия (привозные тульские самовары и подносы).

1930 – 1960-е гг. ознаменовались новым этапом в развитии чеканки – изделия из меди украшаются сюжетными сценами по эскизам профессиональных художников. Характерен в этом отношении хранящийся в музее ляган (*мислаган*) (Инв. № 2151), изготовленный в Ташкенте в 1951 г., оформленный сюжетной композицией: в центре подноса изображены Фархад и Ширин, изображение окаймлено узкой полосой с надписью:

Одами эрсанг, демагил одами

Оники, йук халк гамидин гами.

Остальное пространство заполнено растительными узорами, фон которых обработан пуансоном *чекма*. Ляган выполнен из красной меди. На другом лягане из желтой меди (Инв. № 725/46) мы видим портрет великого узбекского поэта Алишера Навои с книгой в руках. Вверху и внизу на полосе арабским шрифтом вычеканены стихи А.Навои. Свободное пространство покрыто узорами *пила гул, бодом, кирмак* и др.; по горизонтальному борту проходит надпись: «Кокандский народный мастер чеканщик Лутфулла Фазылов, январь м-ц, 1968 г.».

Общее количество медночеканных изделий в этнографическом фонде музея составляет свыше 300 образцов.

Сегодня медночеканные изделия, хранящиеся в музее, тщательно изучаются, включаются в каталоги, демонстрируются на выставках и в стационарных музейных экспозициях. Они являются неисчерпаемым источником вдохновения для современных мастеров и предметом восхищения всех ценителей древней и богатой культуры народов среднеазиатского региона.

МУЗЕЙ ФОНДЛАРИ ВА МАДАНИЙ МЕРОС ЁДГОРЛИКЛАРИНИ САҚЛАШ, ЎРГАНИШДА ТАЛАБАЛАРНИНГ ФАОЛИЯТИ

Курязова Д.Т.
К.Беҳзод номидаги МРДИ
катта илмий ходим – изланувчиси, т.ф.н.

Аннотация

Мазкур мақолада Мустақиллик даврида мамлакатдаги музей иши бўйича фармон ва қарорларга асосланган ҳолда, маданий мерос ва музей тушунчалари, уларнинг бугунги кундаги аҳамияти ва роли очиб берилган. Мақоланинг мақсади, талабаларни амалий фаолиятга яқинлаштириб, малакаларини оширишдан иборат. Ўзбекистондаги музей фондлари ва маданий меросни ўрганиш, сақлаш ва музейлаштириш муаммолари бўйича ишларни ўқув дастурлари билан боғлаб, талабалар билан биргаликда ечиш масалалари кўрилади.

Калит сўзлар: *музей, экспонат, экспозиция, тадқиқот, фаолият, ёдгорлик, маданий мерос, институт, талаба.*

В представленной статье дана понятия о музеях и культурном наследии Узбекистана и их роль и значение в период независимости, руководствуясь постановлениями и указами страны по музейному делу. Целью статьи является приблизить студентов к практической деятельности и этим повысить ихнию квалификацию. Рассматриваются вопросы по проблеме изучения, музеефикации и сохранения культурного наследия и музейных фондов Республики Узбекистан, которые можно решить совместно со студентами, связывая эти работы с учебными программами.

Ключевые слова: *музей, экспонат, экспозиция, исследование, деятельность, памятник, культурное наследие, институт, студент.*

In the present article the concept of museums and cultural heritage of Uzbekistan, and their role and importance in the period of independence, guided by the resolutions and decrees of the country's museum business. The aim of the article is to bring the students to practice and improve these skills ihniyu. The questions for the study of the problem, museification and preservation of cultural heritage and

museum collections of Uzbekistan, which can be solved together with the students, linking this work with education programs.

Keywords: *museum, exhibit, exhibition, research, activity, monument, cultural heritage, institute, student.*

Мустақиллигимизнинг дастлабки кунлариданоқ аждодларимиз томонидан кўп асрлар мобайнида яратиб келинган ғоят улкан, бебаҳо маънавий ва маданий меросни тиклаш, давлат сиёсати даражасига кўтарилган ниҳоятда муҳим вазифа бўлиб қолди[296]. Ўзбекистон ҳудудида бир неча юз йилликлар давомида тўпланиб, авлоддан-авлодга ўтиб келаётган 86 мингдан ортиқ тарихий-маданий мерос объектлари расман рўйхатга олинган. Давлат тасарруфидаги, ташкилот ва муассаса музейларининг сони ҳам ошиб бормоқда. «Музей» тушунчаси кўп қиррали бўлиб, улар асосан илмий-тадқиқот ҳамда маданий - маърифий муассаса сифатида изоҳланади ва уларнинг ижтимоий функцияларига мос тарзда комплектлаш, хисобга олиш, сақлаш, моддий ва номоддий маданий мерос ёдгорликларни тарғиб этиш ва ўрганиш ишларини олиб боради. Жаҳон музейшунослиги миқёсида қараладиган бўлинса, XX аср инсониятга янги типдаги музейларни тақдим этди. Энди предметларни нафақат тўплаш, сақлаш ва экспозицияга қўйиш, балки уларга хос атроф-муҳитни, турли тарихий-маданий жараёнларнинг лавҳаларини, инсон фаолиятининг турларини кўрсатиш ҳам мумкинлиги англанди. Очиқ осмон остидаги музейлар пайдо бўлди, уларнинг асосини предметларни анънавий коллекцияси эмас, балки ўзининг табиий атроф муҳитида намойиш этиладиган, халқ турмушини акс эттирувчи меъморий ёдгорликлар ташкил этди. Шунингдек, асл нусхадаги предметларни эмас, уларнинг копияларини намойиш этувчи музейлар ҳам пайдо бўлди[297] .

Ўзбекистон ҳудудида жойлашган музейлар халқнинг маънавий-ахлоқий камолотида янада муҳим ўрин эгаллайди. Қадриятларимизни, бой тарихимизни, мустақиллигимиз одимларини акс эттирувчи ноёб, нодир экспонатлар билан музей экспозициялари бойитилган. Шунингдек, музейларни жаҳон стандартларига мослаштириш, жаҳонга танитиш, улардан

[296] Каримов И. А. Маънавий юксалиш йўлида. – Т.: Ўзбекистон, 1996. - Б. 5
[297] Юреньева Т. Музееведение. – М.: Академпроект, 2003. – С. 320.

ёшларимиз онгида миллий ғурур ва ифтихор, миллий ғоянинг ўрин олишига муҳим омил бўлиши, ёшларда Ватанга садоқат туйғуларини шакллантиришга алоҳида эътибор берилмоқда[298]. Бугунги кунда музей ишига оид дастлабки махсус ҳужжат Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Республика музейлари фаолиятини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисидаги» қарори бўлди[299] . Албатта, бу ҳужжат ўз даври учун муҳим аҳамият касб этди. Унда республика музейларининг вазифалари, истиқболлари белгилаб берилди. Жаҳон музейшунослиги тажрибаларини қўллашга зарур шарт-шароитлар яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони қабул қилинди[300]. Ушбу ҳужжат Ўзбекистондаги музейлар фаолиятида бурилиш нуқтаси бўлиб, уларнинг тарихида янги давр бошланганини англатди. Шунингдек, маданий меросни тўплаш, ўрганиш, муҳофаза қилиш, ҳамда улардан фойдаланишга оид Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори, Ўзбекистон Республикаси Қонунлари[301] қабул қилинди. Юқоридаги ҳужжатларда қайд этилган масалаларни амалда қўллаш, сўзсиз ижобий натижаларга эришишга ёрдам бериб келмоқда. Фикримизча, бу ишнинг самарасини янада кенгайтириш учун, олий таълим муассасаларининг ёрдамидан ҳам фойдаланиш мумкинлигини таъкидлаш жоиздир. Маданий мерос ёдгорликларини тўплаш, сақлаш, илмий жиҳатдан ўрганиш ҳамда тарғиб этиш нафақат музейлар, балки бошқа ташкилот ва муассасаларнинг вазифаси десак, муболаға бўлмайди. Ўзбкистоннинг ниҳоятда бой маданий меросини халқимизга янада жозибалироқ, қизиқарлироқ қилиб намойиш этиш, экспозиция

---

[298] Курязова Д. Ўзбекистон музейлари ва уларнинг мустақиллик давридаги фаолияти. Тарих фан. ном. дисс. – Т.: ЎзМУ. 2009. – Б. 59.

[299] Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 й. 23 декабрда қабул қилинган «Республика музейлар фаолиятини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори //Халқ сўзи, 1994 й. 24 декабрь.

[300] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 й. 12 январда қабул қилинган «Музейлар фаолиятини тубдан яхшилаш ва такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармони //Халқ сўзи, 1998 й. 13 январь.

[301] “Маданий мерос объектларини мухофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни. 2001 й. 30 август, 269-II-сон //Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 й. 9-10-сон, 180-модда; “Маданий мерос объектларини мухофаза қилиш ва улардан фойдаланишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни. 2002 й. 29 июль // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2002 й. – №.7 – Б.63.

тузиш, томошабинларни жалб қилишнинг янада мукаммалроқ методларини ишлаб чиқиш, бугунги кундаги долзарб ва муҳим вазифалардан бирини ташкил этади. Лекин, бу ишларни амалга ошириш учун маблағ ҳам керак бўлади. Агар, бу борада олий таълим муассасаларининг ёрдамидан фойдаланилса, биринчидан яхши натижа беради, чунки, бугунги кундаги ёшлардан теран фикрлар, яхши ғоялар чиқиши мумкин. Улар ўзлари ҳамда тегдошларининг қизиқишларини, дунёқарашларини, давр талабини инобатга олган ҳолда бажараётган ишларига ёндошадилар. Иккинчидан, юқоридаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳужжатларида қайд этилган масалаларни амалга ошириш учун давлат томонидан ажратиладиган маблағларни тежашга замин яратилади. Учинчидан, олий таълим муассасалари талабаларининг бажарган ишлари қоғозда қолиб кетмай, амалиётга тадбиқ этилади. Лекин, «бу ишларни қандай амалга ошириш мумкин?» – деган савол туғилиши табиий албатта. Маълумки, хар бир ўқув муасасаларининг ўқув режаларига мустақил иш, курс иши, битирув малакавий иши каби пунктлар киритилган. Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институтида тахсил олаётган талабалари ўқув дастур асосида хар семестр якунида маълум бир мавзу бўйича тайёрлаган ишларини кўрикка қўйиб, баҳоланадилар. Битирувчилар ҳам ўзлари қизиққан мавзуларда макавий битирув ишларини бажариб, химоя қиладилар. Талабаларнинг аксарият қисми ана шу кўрик ва битирув ишларида бажариладиган асарларни амалиёт билан боғлаб, ижод қилишга интилмоқдалар. Институт талабалари мунтазам равишда республика ҳамда халқаро миқёсда ташкил этилаётган жуда кўплаб кўргазма, кўрик танловларда қатнашиб, юқори поғоналардан ўрин олиб, самарали ижод қилмоқдалар. Бу бўлимларнинг талабалари орасида иқтидорли, новатор талабалар ҳам кўп бўлиб, уларнинг яратаётган асарларини ҳам маданий мерос дурдоналари сирасига қўшиш мумкин. Театр безаги, фильмнинг тасвирий ечими бўлими талабалари семестр якунлари ва битирув ишларига машҳур ёзувчиларнинг асарларини саҳналаштиришда қўлланиладиган макетлар, рангтасвир картиналарини яратадилар. Улар орасида маданий меросимизга айланган Ғ.Ғуломнинг қаламига мансуб «Шум бола» асарига ишланган композициялар ҳам мавжуд эди. Мана шу ишни маса-

лан, Ғофур Ғулом уй музейи экспозициясига қўйиш мумкин. Чунки, экспозицияда қанчалик ҳажмдор экспонатлар кўп бўлса, шунчалик томошабинни ўзига кўпроқ жалб қилади. Юқорида, бугунги кунда асл нусхадаги предметларни эмас, уларнинг копияларини намойиш этувчи мезейлар ҳам пайдо бўлганлиги таъкидлаб ўтилди. Бу ишни ҳайкалтарошлик ва бадиий кулолчилик бўлими талабалари ёрдамида амалга ошириш мумкин. Музейларнинг вазифаларидан бири предметларнинг эскириш жараёнини секинлаштириш, реставрация қилишдан иборат. Агар катта музейларда иш олиб бораётган тажрибали реставраторларга амалий санъат асарлари ҳамда меъморий ёдгорликлар безагини реставрация қилиш бўлими талабаларини бириктириб, бевосита амалиёт билан боғлиқ курс иши, битирув ишига вазифалар берилса, бугунги кунда музейларда тажрибали реставраторлар етишмаслик муаммолари ўз ечимини топади. Фикримизча, бошқа институтларда ҳам ўқув дастурларидан келиб чиққан ҳолда музей иши ёки маданий меросимизни сақлаш ишлари билан боғласалар бўлади. Санъатшунос, музейшунос, шарқшунос, тарихчи, археолог, этнограф, физик ва кимёгар каби бўлажак мутахассисларнинг курс ёки малакавий битирув ишлари билан боғлаб мавзу танлаб, ёзган ишларини амалиётга тадбиқ этиш мумкин. Мақсад, талабаларни амалий фаолиятга яқинлаштириб, малакаларини оширишга ундашдан, давлатга қарашли муассаса ишларига ёрдам берилишига хисса қўшишдан иборат. Музейлардаги фонд ва экспозиция ишларини яхшилаш, экспонатларни физикавий ва кимёвий хусусиятларини аниқлаш, сақлаш, ўрганиш, тарғиб қилиш каби масалаларга эътибор қаратиш зарур. Юқоридаги фикр ва тавсиялар эса, ҳам талабаларнинг янада касбига қизиқиши ва тажрибасининг ошишига, ҳам маданий мерос ёдгорликларини сақлаш, ўрганиш, тарғиб этиш ишларини ривожланишига оз бўлсада ёрдам беради деган хулоса бериш мумкин.

АДАБИЁТЛАР

1. Каримов И. Маънавий юксалиш йўлида. – Т.: Ўзбекистон, 1996. - Б. 5.;

2. Юреньева Т. Музееведение. – М.: Академпроект, 2003. – С. 320.;

3. Курязова Д. Ўзбекистон музейлари ва уларнинг мустақиллик давридаги фаолияти. Тарих фан. ном. дисс. – Т.: ЎзМУ. 2009. – Б. 59.;

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 й. 23 декабрда қабул қилинган «Республика музейлар фаолиятини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори //Халқ сўзи, 1994 й. 24 декабрь.;

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 й. 12 январда қабул қилинган «Музейлар фаолиятини тубдан яхшилаш ва такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармони //Халқ сўзи, 1998 й. 13 январь.;

6. «Маданий мерос объектларини мухофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни. 2001 й. 30 август, 269-II-сон //Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 й. 9-10-сон, 180-модда; «Маданий мерос объектларини мухофаза қилиш ва улардан фойдаланишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни. 2002 й. 29 июль // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2002 й. – №.7 – Б.63.

ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ СЎХ ТУМАНИДА ЎЛКАШУНОСЛИК МУЗЕЙИНИ ТАШКИЛ ЭТИШГА ДОИР

Қурбонова Д.
Темурийлар тарихи давлат музейи
катта илмий ходими, т.ф.н.

Аннотация

Мазкур мақолада Сўх туманида ўлкашунослик музейини ташкил этилиши, музей экспонантларининг мазмун-моҳияти ва илмий аҳамияти ҳақида сўз юритилган.

Калит сўзлар: *Сўх, Обишир, Селунғур, Чашма, Ҳайдаркон қишлоғи, икки илон тасвирли экспонат, Сўх ўлкашунослик музейи.*

В данной статье говорится о создании в Сохском районе краеведческого музея, содержание музейных экспонатов их научное значение.

Ключевые слова: *Сох, Обишир, Селенгур, Чашма, поселок Хайдаркан, экспонат с изображением двуглавой змеи. Сохский краеведческий музей.*

The information is about establishing regional museum in Sokh, contents and scientifically importance of museum exhibits is given in the article.

Key words: *Sokh, Obishir, Selengur, Chashma, Haydarkon village, exhibits with the image two-headed snake.*

Ўзбекистон - кўҳна тамаддун ва бой маданиятга эга бўлган диёр. Ватанимиз халқлари тарихи ва маданияти Қадимги Шарқ тамаддунининг салмоқли қисмини ташкил этади. Ўтмишда юртимиз ҳудудида Хоразм, Бақтрия, Суғдиёна, Чоч, Уструшона, Фарғона каби йирик тарихий-маданий ўлкалар гуллаб-яшнаган. Бу қадимий ҳудудлар орасида Фарғона водийси ўз муносиб ўрнига эга. Ана шундай машҳур қадамжолар сирасига кирадиган Сўх воҳаси Марказий Осиёнинг қадимги масканларидан бири ҳисобланади. Археолог олимларнинг берган маълумотларига кўра, бу ерда қадимги тош давридан одамлар яшай бошлаган. Бу диёр азалдан бизни ўзининг инсоният маданий ривожининг олтин бешик бўлгани билан халқларни ром этиб келган.

Иккинчи босқич 1930 йилларнинг иккинчи ярмига тўғри келади ва у Испанияда Фуқаролар урушининг бошланиши (1936 йил июль) билан боғлиқдир. Энди Қўмита ўзининг илгариги фикрига зид хулосага келади, бу соҳада халқаро битим тузиш зарурлигини эътироф қилади. ХМҚси илтимосига кўра юқорида эслатиб ўтилган юрист Ш.де Вишер уруш вақтида ёдгорликларни ҳимоялаш бўйича турли лойиҳаларни таҳлил қилиб чиқди ва 1936 йилнинг октябрида Қўмита ижроия органига ўз маърузасини тақдим этди. У ҳар қандай халқаро ҳуқуқий актлар реалистик концепцияга асосланиши кераклигини билдирди. Унинг фикрича, «урушаётган томонларни тарихий ёдгорликлар ва санъат асарларини вайрон қилишга ҳар қандай баҳонадан маҳрум қиладиган тартибларга риоя этилиш имконига эга бўлади»[315].

1937 йил июлида ХМҚси конвенциянинг дастлабки лойиҳасини ишлаб чиқиш мақсадида экспертлар қўмитасини тузади, муқаррар ҳарбий манфаатлар ва ёдгорликлар учун максимал хавфсизлик имкониятини уйғунлаштиришунинг мақсади эди. Натижада маданий меросни қўриқлаш бўйича юридик ва

[314] Foundoukidis E. L'Office international des Musees et la protection monuments et des oeuvres d'art en temps de guerre // Mouseion. Paris: Office international des musees, 1936. Vol. 35-36. P. 191-192.

[315] Visscher Ch. De. Lf protection des patrimonies artistiques et historiques nationaux. Necessite d'une reglamentation international // Mouseion. – Pris: Office international des musees, 1983. Vol. 43-44. P. 180.

техник қоидаларни акс эттирувчи конвенция лойиҳаси ва ижро этиш регламенти ишлаб чиқилди.

Лойиҳага мувофиқ ҳарбий ҳаракатлар хавфи туғилганда ёдгорликларни муҳофаза қилишга тайёргарлик тинчлик давридаёқ бошланиши керак. Ҳарбий таркиб ўртасида маданий меросга ҳурматни тарбиялаш лозим; уруш вақтида қўмондонлик санъат асарларини ўғирлаш ва ёдгорликларни бузишга қаратилган ҳар қандай ҳаракатларнинг олидини олиши зарур. Уруш ҳаракатлари вақтида нейтралитет ҳуқуқини оладига санъат асарлари учун махсус хоналар қуриш лойиҳанинг муҳим қоидаси бўлди, бундай жойлар янгидан қурилиши ёки ёдгорликларда жойлашган бўлиши мумкин. Қуйидаги шартларда уларга иммунитет берилди: уруш ҳаракатлари бораётган жойлардан, йирик транспорт коридорларидан, йирик саноат марказларидан уларнинг камида 20 км масофада жойлашганлиги; улар ҳақида тинчлик даврида хабар қилиниши керак; улардан давлатнинг ўзи ҳимоя мақсадида фойдаланмаслиги лозим. Лойиҳада ёдгорликлар ёки ёдгорликлар гуруҳи учун махсус ҳиморя назарда тутилди, у қуйидаги шартларга жавоб бериши лозим: ҳар қандай ҳарбий мақсадлардан 500 метрлик радиусда изоляция қилинганлик; бевосита ёки билвосита миллий мудофаа мақсадида фойдаланмаслик; у ҳақида тинчлик даврида хабар берилши ва уруш ҳаракатлари даврида халқаро комиссиянинг текшириши учун очиқ бўлиши керак. Мазкур конвенциянинг ҳимоясига тушадиган бинолар ва асраш хоналари оқ доира ичидаги кўк учбурчакни ифодаловчи белги билан қайд қилиниши зарур. Конвенция қоидаларини ижро қилиш халқаро инспекцион комиссияга юклатилди.

Мазкур лойиҳанинг устун жиҳатларидан бирини ифодаловчи ижро этиш регламентида халқаро назорат комиссиясини шакллантириш тартиби батафсил ифодасини топди[316].

Шундай қилиб, конвенция лойиҳаси конференцияларда ва турли мнфаатдор жамоат ташкилотлари ва комиссиялари томонидан ишлаб чиқилган кўплаб илғор таклифларни ўзида акс эттирди, бу масалани ҳал қилишга дахлдор тафаккур ютуқларини ўзида жамлади. Лойиҳа 1938 йилнинг сентябрида Миллатлар

[316] Avant project de convention internationale pour la protection des monuments et des oeuvres d'art au cours des conflits armes // Mouseion. –Paris: Office international des musees, 1939. Vol. 47-48. P. 180-201.

Лигаси Кенгаши ва Ассамблеясига кўриб чиқиш учун тақдим этилди. Нидерландия ҳукуматига конвенция лойиҳаси мазмунини давлатларга етказиш ҳамда уни узил-кесил кўриб чиқиб, қабул қилиш учун дипломатик конференция чақириш ваколати берилди[317]. Аммо Иккинчи жаҳон уруши воқеалари бошланиб кетиши сабабли конвенция қабул қилинмай қолди. Лойиҳанинг аҳамияти шундаки, у ўн беш йилдан сўнг 1954 йил 14 майда ЮНЕСКО қабул қилган Қуролли можаро чиққан ҳолда маданий бойликларни ҳимоя қилиш тўғрисидаги Гаага конвенциясига асос бўлди.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, маданий меросни муҳофаза қилиш халқаро тизими шаклланишининг бошланиши XIX аср ўрталарига тўғри келади ва бу кейинги даврдаги бу борадаги фаолият учун муҳим аҳамиятга эга бўлди. Бу тизимнинг ҳозирги тушунчадаги таъмал тоши 1930-йилларда қўйилган эди. Бу давр маданий меросни ҳуқуқий регламентация қилиш учун жиддий саъй-ҳаракатларнинг авж олиши билан характерланади. Бу соҳадаги муаммоларни яхлит ҳолда ҳал қилишга уриниш Халқаро музейлар қўмитаси фаолиятининг бош қирраси бўлди. Қисқа давр ичида ёдгорликларни таъмирлаш ва консервациялаш, археологик қазишмаларни регламентация қилиш, маданий бойликларни ўғирлаш ва ноқонуний олиб кетиш ҳолларининг олдини олиш, ҳарбий ҳаракатлар даврида ёдгорликларни ҳимоя қилиш масалалари ҳал этилди, реституция институтини (ноқонуний олиб кетилган маданий бойликларни эгасига қайтариш) шакллантириш бўйича биринчи қадамлар қўйилди. Айрим масалалар аниқ халқаро шартномаларда мужассамлашди, баъзилари эса амалга ошмаган лойиҳа сифатида қолиб кетди. Иккинчи жаҳон уруши арафасида юзага келган ва ўсиб борган кескинлик ҳамда Миллатлар Лигаси томонидан ташкил қилинган дипломатик конференцияларда узил-кесил қарорлар қабул қилиш тизимининг ўзи ишларни якунлашга халақит берди, таъкидланган тизим ўткир халқаро масалаларни ҳал қилишда ўзининг яроқсизлигини исботлади. Умуман 1930-йиллар ҳам ёдгорликларни муҳофаза қилиш соҳасида, ҳам тинчликни асраш масалаларида имкониятлар қўлдан бой берилган давр бўлди. Шунга қарамасдан ХМҚси фаолиятининг аҳамияти шундаки, у маданий меросни муҳофаза

[317] Ўша жойда. P. 291.

қилиш халқаро тизимининг асосини шакллантирди, ЮНЕСКОнинг фаолияти айнан шу асосда ташкил этилди.

АДАБИЁТЛАР

1.Swenson A. «Heritage» on Displey: Exhibitions and Congresses for the Protection of Ancient Monuments at the World's Faors 1855-1915 // Reflections / ed. E. O'Cattoll. IWM Junior Visiting Fellows' Conferences/ Vienna, 2006. Vol.19.

2.Congres international pour la protection des oeuvres d'art det des monuments, tenu a Paris du 24au 29 juin 1889. Proces-verbuax sommaire. Paris: Imprimerie nationale, 889. 32 p.

3.Renoliet J.-J. L'UNESCO outbliee. La Societe des Nations et la cooperation intellectuelle (1919-1946).Paris: Publications de la Sorbonne. 1999. 352 p.

4.The Athens Charter for the Restoration of Historic Monuments (1931) // International Charters for Conservation and Restoration / ICOMS. Munchen. 2004. Vol. I. P. 31-33 (Monuments and Sites).

5.Foundoukidis E. L'Office international des Musees et la protection monuments et des oeuvres d'art en temps de guerre // Mouseion. Paris: Office international des musees, 1936. Vol. 35-36. P. 191-192.

6.Visscher Ch. De. Lf protection des patrimonies artistiques et historiques nationaux. Necessite d'une reglamentation international // Mouseion. – Pris: Office international des musees, 1983. Vol. 43-44. P. 180.

7.Avant project de convention internationale pour la protection des monuments et des oeuvres d'art au cours des conflits armes // Mouseion. –Paris: Office international des musees, 1939. Vol. 47-48. P. 180-201.

МУЗЕЙ ЭКСПОНАТЛАРИНИ ЗАМОНАВИЙ ТЕХНИКА ЁРДАМИДА САҚЛАШ ВА НАМОЙИШ ЭТИШ

Каюмова Ш.А.
ЎзР ФА Темурийлар тарихи давлат музейи кичик илмий ходими
Каюмова Д.А.
ЎзР ФА Ўзбекистон тарихи давлат музейи кичик илмий ходими

Аннотация

Ушбу мақолада фан-техниканинг ривожланиши музейшунослик йўналишида бир қатор имкониятларни вужудга келтиргани, музей ишида замонавий технологияларни ўрни ва аҳамияти жуда юқори бўлиб бораётганлиги ҳақида сўз боради.

В статье идёт речь о том, что развития науки и техники открывает ряд возможностей в сфере музееведения, и об очень высоком росте роли и значения современных технологий в музейном деле.

The article is about the appearance of several new opportunities and improvement in museum study because of the development of sciences and modern technology.

Музейлар ўзининг илмий, ижодий ва бадиий салоҳияти билан ўлкашунослик, тарихий, мемориал ва бошқа турдаги музейлардан фарқ қилади. Уларда нафақат юрт ва жаҳон маданиятига оид осори-атиқалар, бадиий-ижодий тафаккур намуналари сақланади, шунингдек уларда замонавий маданиятга татбиқ этиш жараёни олиб борилади. Музейлардаги экспозиция ёки кўргазма лойиҳалари бугунги ва келажакдаги маданиятга тезкор таъсир кўрсатувчи ўзига хос тарихий-маданий муҳитни шакллантиради.

«Музей» тушунчасига Николай Федоро шундай таъриф келтирган: - «Музей деб билимнинг аҳлоқдан ажратиб бўлмайдиган масканга айтилади, бу ерда нафақат тушунувчи онг, балки ўтганларни ҳис этувчи, ёдга олувчи онг яшайди, ваҳоланки, музей бу оталар олдида қарзини унутмаган ўғлонларнинг умумий саъй-ҳаракатлари билан ўтганларни қайта тирилтириш ва уларга итоат қилиш ибодатхонасидир»[318].

[318] http://www.museumstudy.ru

Замонавий музейшуносликка назар ташлайдиган бўлсак, музейлар информацион технологиялар билан параллел тарзда фаолият олиб бораётганини кўришимиз мумкин. Музейларга томошабинлар сонини орттириш, уларни билим савиясини ошириш ва маълумотларни кенгрок етказиш мақсадида музейларда виртуал экспозициялар намойиши кенгайиб бормоқда.

«Виртуал кўргазмалар» бу музей ҳақидаги электрон нашрларнинг энг илгарилаб кетган турларидан бири бўлиб, унинг хусусияти экспозицион кўргазма маконида музей буюмларининг электрон нусхаларини намоён қилиш ҳисобланади.

XX аср охирига келиб музей кўргазмалари жиддий ўрганиш объекти бўлиб қолди. Ҳар томонлама музей динамик тарзда, идеал ҳолатда тўла қийматли музей хусусиятига эга ва турли муддатларда мавжуд бўлишига мўлжалланган экспозицион фаолиятнинг универсал шакли ҳисобланади ва унга музей маданиятига жамоа қизиқишини кучайтириб берувчи «музей коммуникациясининг феномини сифатида қараш лозим» деган хулосага келишга имкон беради[319].

Виртуал шаклда кўргазма ташкил этиш реал кўргазма ташкил этишдан кўра осонроқ ва соддароқ бўлади деган фикрни илгари сурадиганлар ҳам бор. Ваҳоланки, виртуал кўргазма ташкил этиш ишни икки баравар кўпайтиради ва кўргазмани ташкил этишда қатнашувчилар сонини яна иккитага кўпайтиради. Мисол учун, оддий кўргазма ташкил этиш учун маълум бир илмий гуруҳ (илмий концепция яратиш учун), дизайнер ва бир неча техник ходимлар иштирок этса, виртуал кўргазмани яратишда яна иккита мутахассис, компьютер дизайнери (экспонатларни суратга олиш ва уларга компьютер ёрдамида сайқал бериш учун) ва дастурловчи-аниматор керак бўлади[320].

Махсус гуруҳ тузилгандан сўнг, музей экспонатларини виртуал (электрон) ҳолатга келтириш учун керакли технологиялар (3D-принтерлар (1-расм), сканерлар)дан фойданилади. Булар қуйидагилар:

---

[319] Бабенко В.С. Виртуальная реальность в музейном деле: учеб. Пособие - Москва: Изд-во СПбГАК, 1997. С- 32

[320] Касьянов.В.Н., Несгаворова.Г.П., Волянская.Т.А Виртуальный музей истории информатики в Сибири //Современые проблемы конструрирования программ – Новособирск: 2002. С-169

Cruse (2-расм) - Германиянинг турли хил функцияга мансуб бўлган профессионал сканерларни ишлаб чиқарувчи фирма бўлиб, мазкур сканер 200x300x35 см ўлчамли ва 20000 dpi ҳажмга эга. Сканер қадимги китобларни, яъни ҳужжатларни, қўлёзмаларни электрон шаклга келтирибгина қолмай, расм (TIFF ва ICC формат) ҳолатига келтира олади. Бу сканерлар рўйҳатига яна «ZBE Satellite» «BookEye GS» (3-расм), «Minolta PS7000»лар киради. Булар ҳам юқори технологияга эга бўлиб, асосан нодир китоб ва ҳужжатларни электрон шаклга киритишга қаратилган.

Бундан ташқари, мазкур мавзу борасида 2010 йил 20 майида Россиянинг Маданият вазирлиги Халқаро музейлар кунига бағишланган илмий-маърифий конференция ўтказди. Тадбирда янги технология уч ўлчамли (3D) форматдаги Элар Ортери P5000 ва Элар ПауэрСкан русумидаги сканерни намойиш қилишди. Мазкур сканер 1800 х 1200 мм форматга эга бўлиб, ушбу технология лазер нури орқали ёруғлик ва ташқи таъсирларга сезувчанлиги юқори бўлган ноёб буюмларни, яъни экспозицияга қўйиш имконияти бўлмаган экспонатларни, хусусан, керамика ва майда теракота ҳайкал буюмларни, мато, гилам, ноёб китобларни, шунингдек рангтасвир асарларини ҳам сканер қилади. Бундан ташқари, бу сканер бир вақтнинг ўзида махсус 3D видео камера аппарати ёрдамида 200 кадрли 3D роликларни яратишга қодир экан. Энди бундай 3D сканер билан ашёларни электронлаштириб уларни компютерга ўтказиб 3D Max программасида сканер қилинган буюмни қайта ишлаб чиқиб, керакли кўринишга келтирилади. Шу тариқа Виртуал 3D моделлаштирилган экспозиция тузилади. Виртуал экспозицияни эса CD дискларга кўчириш ёки музей сайтига жойлаштириш мумкин бўлади. Лекин, вертул экспозицияни икки тоифадаги кўриниши, яъни web-саҳифа ва CD дисклардаги материалларни ўзига яраша камчиликлари ва авзалликлари мавжуд. Демак, web-саҳифадаги виртуаллик хар доимгидек ютуқлари талайгина десак мақсадга мувофиқ бўлади. Сабаби, музей ҳудудида экспозицияга ёки бўлмасам фонд бўлимига янгилик сифатида кириб келган нодир буюмни анъанавий равишда сканер қилиб, уни электрон шаклини яна интернетга киритиш мумкин. Музей web-саҳифасини эса тез-тез янгилаш (обновление) мумкин. Бироқ, 2008-2009 йиллардаги статистика бўйича 3D ўлчамдаги виртуал web-саҳифани яратиш ва

унинг иш фаолиятини олиб бориш 5 мингдан 25 минг АҚШ долларига тенг бўлар экан. Аммо CD дискларга кўчирилган маълумотларни эса янгилашни иложи йўқ. Шу боис ҳам, CD дисклар маълум жиҳатдан арзонроқ бўлиши мумкин, аммо web-саҳифа ҳар тарафдан афзал томони кўпроқ.

Таъкидлаб ўтилган «Элар Ортери P5000», «ZBE Satellite», «BookEye GS», «Minolta PS7000», ҳамда «Cruse» 3D сканерлари юқори даражадаги иновацион технология десак мақсадга мувофиқ бўлади. Лекин, ҳозирги вақтда, «VIZERRA» деб номланган ўта юқори иновацион технология 2011 йилнинг энг катта кашфиётларидан бири деб эътироф этилади. «VIZERRA» тарихий шаҳарларни электронлаштириб, виртуал туризм инфраструктурасини йўлга қўймоқда. Виртуал туризмни тўғридан-тўғри интернет тармоқлари орқали, яъни онлайн кўринишида томоша қилиш имконини яратади.

Виртуал музейлар, фикримизча барча томошабинлар учун очиқ бўлиши керак. Уларга тармоқ орқали музейларнинг фондларига кириш, музей ва унинг экспозицияси ҳақидаги барча маълумотлраг эга бўлиш имконияти ҳамиша фойдали имкониятларни бера олиши зарур. Шунигдек виртуал музейлар турли муаллифлик экспозицияларини ташкил этишни, экскурсияларни, экспонатлар таърифини таъминлаб беради. Бу қулайлик айниқса замонавий тарих музейлари учун муҳимдир.

Янги турдаги виртуал музейлар глобал музей оламида шаклланмоқда. Бу олам ҳар биримизни музей томошабини билан бир қаторда, музей ишчиси бўла олишимизга ҳам имкон беради ва маданий меросни сақлаш доирасидаги лойиҳаларни кўриш қуроли пайдо бўлади.

Шундай қилиб, ўзгараётган замонавий оламда музей ишидаги виртуал лойиҳаларнинг пайдо бўлиши зарур ва муҳимдир. Жамият ривожланмоқда, инсонлар ахборот усулларини янгича кўринишда қабул қилишни, замонавий намойиш этиш усулларини яратишни, турли интерактив лойиҳаларни ташкиллаштиришни хоҳлайдилар. Санъат ва тарих ҳар доим бор бўлган ва бўлади. Музейлардек маърифий ташкилотларнинг вазифаси ёш авлодни санъатга ва тарихга бўлган қизиқишларини кенг доирада таминлаб бериш. Бунинг учун музей кўргазмаларига хар доим экспонатлар керак бўлган,

лекин булрани замонавий технологияларга таянган ҳолда амалга ошириш ҳам мумкинлиги намоён бўлмоқда. Бу эса музей ишида ривожланиш учун яна битта имкондир.

АДАБИЁТЛАР

1.Бабенко В.С. Виртуальная реальность в музейном деле: учеб. Пособие - Москва: Изд-во СПбГАК, 1997.

2.Касьянов.В.Н., Несгаворова.Г.П., Волянская.Т.А Виртуальный музей истории информатики в Сибири //Современые проблемы конструрирования программ – Новособирск: 2002.

3.http://www.museumstudy.ru

ЮНЕСКО ВА МУЗЕЙЛАР ХАЛҚАРО КЕНГАШИ (ICOM) ФАОЛИЯТИ

Нишанова К.
МРДИ Музейшунослик кафедраси мудири

Аннотация

Ушбу мақолада ЮНЕСКО ва Халқаро музейлар кенгаши ИКОМ фаолияти атрофлича ўрганилган. Шунингдек ташкилотга аъзо бўлиш қонуниятлари, фан, маданият ва таълим соҳасидаги расмий амалга оширилган жараёнлар таҳлил этилган.

Калит сўзлар: *ЮНЕСКО, Халқаро музейлар кенгаши ИКОМ, музейлар, фан, таълим, маданият, аъзо.*

В статье рассматривается деятельность ЮНЕСКО и Международный совет музеев ICOM - это прежде всего международная деятельность правительств государств-членов, основанная на участии официальных представителей и специалистов этих стран в области образования, науки, культуры и коммуникации.

Ключевые слова: *ЮНЕСКО, Международный совет музеев ICOM, музей, образования, наука, культура.*

The article examines the activities of UNESCO and the International Council of Museums ICOM is primarily the international activity of the governments of member states, based on the participation of official representatives and experts of these countries in the field of education, science, culture and communication.

Key words: *UNESCO, International Council of Museums ICOM, museum, education, science, culture.*

ЮНЕСКО, БМТнинг Таълим, фан ва маданият соҳасидаги ташкилотига, 1945 йилнинг 16 ноябрь кунида асос солинган. ЮНЕСКО дунёда тинчликни ўрнатиш, қашшоқликни йўқ қилиш, барқарор ривожланишни таъминлаш, таълим орқали маданиятлараро мулоқот тузиш, фан соҳаларини ривожлантириш, халқаро маданий ва маълумот алмашинувига ёрдамлашиш каби соҳаларда фаолият юритади.

Ўзбекистон ЮНЕСКОга 1993 йилда аъзо бўлган. 1996 йилда пойтахтимизда мазкур нуфузли ташкилотнинг ваколатхонаси иш бошлаган. Ўтган йиллар мобайнида Ўзбекистон ва ЮНЕСКО ўртасидаги муносабатлар изчил ривожланиб, ҳамкорликда кўплаб лойиҳалар амалга оширилди.

ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги фаолияти унинг Тошкент шаҳридаги ваколатхонаси, Бош идораси, Бангкок, Жакарта ва Алматадаги минтақавий ваколатхоналари ҳамда Ўзбекистондаги миллий ЮНЕСКО Комиссияси томонидан режалаштирилади ва бошқарилади.

Мамлакатимизда миллий ва маънавий қадриятларни тиклаш, ўрганиш ва тарғиб этиш, маданий ёдгорликларни, тарихий обидаларни, муқаддас қадамжоларни кўз қорачиғидек асраб-авайлаш, таъмирлаш ва келгуси авлодларга етказиш ҳамда аждодлардан қолган маданий ва маънавий меросни чуқур эҳтиром ва меҳр-муҳаббат билан қадрлаш борасида кўплаб хайрли ишлар доимий амалга оширилиб келинмоқда. Мирзо Улуғбек таваллудининг 600 йиллиги, Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги, Бухоро, Хива ва Термиз шаҳарларининг 2500 йиллиги, «Алпомиш» халқ достони яратилганининг 1000 йиллиги, «Авесто»нинг 2700 йиллиги, Шаҳрисабз шаҳрининг 2700 йиллик, Самарқанднинг 2750, Марғилоннинг 2000 ва Тошкент шаҳрининг 2200 йиллик юбилейлари нишонлангани ана шундай улуғвор ишлардандир. Ушбу тадбирлар ЮНЕСКО билан ҳамкорликда халқаро миқёсда кенг нишонланди.

ЮНЕСКО юртимизда ўтадиган кўплаб маданий тадбирларнинг меҳмони, ташкилотчиси ва иштирокчисидир. «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалида ҳам ташкилот мунтазам қатнашиб келади.

ЮНЕСКОнинг фан дастурлари доирасида биологик хилма-хилликни асраш ва табиий манбалардан оқилона фойдаланиш, ижтимоий ва иқтисодий ривожланишни қўллаб-қувватлаш, маданий қадриятларни ривожлантиришга бағишланган лойиҳалар амалга оширилди.

Маданий ва табиий меросни аниқлаш, муҳофаза қилиш ва сақлаш ЮНЕСКО фаолиятининг асосий йўналишларидан бири ҳисобланади. ЮНЕСКОнинг Жаҳон мероси дурдоналари рўйхатига қадимий Самарқанд ва Шаҳрисабз, Бухоро шаҳрининг тарихий маркази, Хивадаги Ичанқалъа мажмуи киритилган бўлиб, ташкилот уларни дунёга тараннум этишда муҳим ўрин тутмоқда.

1997 йилда Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Фанлар академияси, ЮНЕСКО ишлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий комиссияси ҳамда музей ходимларининг ҳамкорликда

олиб борган фаолиятлари натижасида Ўзбекистон музейлар Кенгаши тузилди. 1997 йил 17 июнда ЮНЕСКО таркибида фаолият юритадиган Музейлар халқаро Кенгаши (ИКОМ)нинг Ижроя қўмитаси томонидан Музейлар халқаро ҳамжамиятининг тенг ҳуқуқли аъзосига айланди.

1946 йилда музей оламида муҳим аҳамиятга эга бўлган воқеа юз берди. Америка музейлари ассоциацияси президенти Чонси Хэмлин ташаббуси билан Парижда асосан ИКОМ (International Council of Museums) номи билан машҳур бўлган Музейлар Халқаро кенгаши тузилди.

XX аср охирига келиб ИКОМ имконияти чегараланган одамларга кўпроқ эътибор қарата бошлади. 1988 йилда Францияда ЮНЕСКО фонди билан ҳамкорликда «Музей ва ногиронлар» мавзусида биринчи халқаро конференция уюштирилди. Унда имкониятлари чегараланган ташриф буюрувчилар учун алоҳида музейда ногиронлар аравачасида бемалол юриш учун заллар, юқори қаватларга кўтарилиш учун пассажирлар лифти, махсус тайёрланган ходимлар турли нуқсонлари бор одамларга яъни карлар ва эшитиш қобилияти паст бўлган ташриф буюрувчиларга белгилар ва ҳаракатлар орқали экскурциялар ўтиши, кўрлар учун предметларни ҳис қилишни қўллаш ҳамда Брайл шрифтида ахборотни тақдим этиш ва шунга ўхшаш қатор қулайликлар яратиш кўзда тутилган.

1977 йилда Москва шаҳрида ўтган ИКОМ Бош Ассамблеясида Халқаро музейлар кунини нишонлаш тўғрисида қарор қабул қилинади. Қарорга мувофиқ 1977 йил 18 майдан буён ҳар йили Халқаро музейлар куни нишонланиб, шу куни бутун жаҳонда музей ва галереяларга кириш бепул бўлади.

2008 йилда «Музейлар халқаро Кенгашининг музей одоб-ахлоқи кодекси» БМТ Ривожланиш Дастурининг «Парламентнинг қонун ижодкорлиги ва институционал салоҳиятини такомиллаштириш» лойиҳаси доирасида ўзбек тилига таржима қилинган.

2008 йил 28 ноябрда Париж шаҳрида ЮНЕСКО ва Гуманитар ҳамкорлик бўйича халқаро жамғарма ўртасида ҳамжихатлик Меморандуми имзоланган бўлиб, унга кўра узоқ муддатли лойиҳа доирасида «XXI асрда – музей бошқаруви» мавзусида МДҲ давлатларининг музей мутахассислари учун ЮНЕСКО ва ИКОМ

томонидан тайёрланган ўқув қўлланмалари асосида Санк-Петербург шаҳрида ўқув тренинглари ўтказилди. Ушбу лойиҳада тўққизта давлатнинг маданият вазирлиги ходимлари, музей раҳбарлари ва ходимлари иштирок этишди. Ўзбекистондан Ўзбекистон Давлат санъат музейи, Ўзбекистон тарихи давлат музейи, И.В.Савицкий номидаги Қорақалпоғистон давлат санъат музейи ходимлари қатнашдилар.

Шу соҳа бўйича аввалги йилларда қуйидаги тадбирлар ЮНЕСКО томонидан ўтказилган эди:

2008 йил (Санкт-Петербург, Россия), «Музей бошқаруви» мавзуидаги минтақавий ўқув семинар;

2009 йил (Самарқанд, Ўзбекистон), «Музей бошқаруви» мавзуидаги миллий ўқув семинар;

2010 йил (Минск, Белорусь), МДҲ давлатларининг музей мутахассислари учрашуви;

2011 йилнинг (Киев, Украина) «XXI асрда музейлар бошқаруви» мавзусидаги ЮНЕСКО ва МДҲ қошидаги гуманитар ҳамкорлиги бўйича халқаро жамғармаси қўшма дастури доирасида ташкил этилган «Таълим ва маданий туризмни ривожлантиришда музейлар ўрни» мавзусида мутахассисларнинг минтақавий ўқув машғулотлари ўтказилган.

ЮНЕСКО ҳамкорлигида Тошкент шаҳрида Россиялик мутахассислар иштирокида «Музейларда археология ва этнография: тўплаш, ҳужжатлаштириш ва интерпритация муаммолари» мавзусида семинар тренинг ҳамда 2016 йилда «Музей ва таълим» мавзусида Халқаро илмий-амалий конференция ўтказилди.

АДАБИЁТЛАР

1. Дешт-иАрт Центр/ОО «Лаборатория общественного развития». MU-SEUMстан: музейный проект, сборник материалов./ Авторы-составители: ПлетниковаЛ.Н. & Сафарова Г.М. Караганда: «Гласир», 2010.-112 с.
2. Dictionary of Museology/ Andre Desvallees и Francois Mairesse. – ICOM Russia, 2012. – 105 p.
3. Управление музеем – XX1 век. Комплект презентационных и учебных материалов проекта ЮНЕСКО/МФГС. Бюро ЮНЕСКО в Москве. – М., 2010. -540 с.
4. ЮНЕСКО халқаро меъёрий ҳужжатлари./ Ўзбекча нашрининг маъсул муҳаррири Л.Саидова./ -Т.: «Адолат», 2004. -298 бет.

БРЕНД ВА БРЕНД-МЕНЕЖМЕНТНИНГ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ УСЛУБЛАРИ ВА АҲАМИЯТИ

Абдурашидова Н.А.
ТДИУ «Маркетинг» кафедраси ассистенти.

Аннотация

Мазкур мақолада бренд ва бренд-менежментнинг таҳлил қилиш услублари ва аҳамияти ҳақида сўз юритилади. Хусусан, харидорларнинг брендларга қараб товар ёки хизматларга бўлган талабининг ўзгариб бориши масалалари таҳлил этилган.

Калит сўзлар: *бренд, бренд-менежмент, брендлар таҳлили, харидор, товар, хизматлар, медиа-канал, Coca-Cola, Gillette, Disney ва American Express.*

В данной статье говорится о способах анализа бренда и бренд-менеджмента и его значении. В особенности проанализированы изменения требований потребителей к товару или услугам в зависимости от бренда.

Ключевые слова: *бренд, бренд-менежмент. Брендовый анализ, потребитель, товар, услуги, медиа-канал, Coca-Cola, Gillette, Disney ва American Express.*

Methods of the analysis of brand and brand management and its meaning are given in this article. Especially, changes of consumers' demands for goods or for services are analyzed.

Key words: *brand, brand-management, Brand analysis, consumer, good, service, media-channel, Coca-Cola, Gillette, Disney and American Express.*

Брендинг – бу маркетингнинг замонавий технологияси ҳисобланиб, янги товар, товар белгиларини яратиш, бозорга жойлаштириш, истеъмолчилар онгига сингдириш билан боғлиқ бўлган жараёнларни ўз ичига олади. Бренд нима ва у қандай аудиторияни намоён этиши борасида кўплаб таърифлар мавжуд. Бренд бу – том маънодаги савдо белгиси эмас, балки маҳсулот сифатининг тимсоли, образидир. Брендни ташкил этишда истеъмолчи у ёки бу маҳсулотга қандай муносабатда эканини аниқ баҳолаш муҳим ҳисобланади. Бренд фақатгина ғоялар ташувчиси эмас, балки рақобатдош устунликларни кўпайтириш эвазига компанияни ривожлантириш воситаси ҳамдир.

Бренд хозирги XXI асрнинг жадал суратлар билан ривожланаётган истиқболлари билан ижодий соханинг энг барқарор тизимларидан бири бўлиб, хатто глобал инқироз пайитида, жиддий ташвишга сабаб бўлмайди ва бугунги иқтисодиётда брендга бўлган талаб ортиб бормоқда.

Бренд ушбу товарга эътибор бериш ҳамда уни рақиблар товарларидан фарқлашга мажбур этувчи тузоқ сифатида амал қилади. Ушбу коммуникация вазифаси ҳар бир бизнес турида бренд-менеджментнинг муҳим функцияси ҳисобланади. Бренд ўз хабари мазмунини истеъмолчигача етказиши лозим бўлган ҳажмлар ҳозирда ҳам муҳокама қилинади. Лондон университети Голдсмит коллежи социологи Селия Лури брендни фирма белгиси сифатида белгилайди: «Белги хабардан сезиларлича фарқланади, чунки белгида маъно бирмунча кам ифодаланади, лекин бирмунча муҳим фикрни кўрсатиши хабар мазмунига нисбатан унинг аҳамиятини камайтиради». [321]

Бошқа тадқиқотчиларнинг (Кэмпбелл 1998, Макклахан 1968) фикрича, брендлар хабарларга нисбатан муҳимроқ аҳамият касб этади. Иккала олим ҳам ишлаб чиқарувчидан истеъмолчига хабар етказиш жараёнини моддийлаштиришда брендниг аҳамиятини таъкидлайдилар. Хабар узатиш жараёни ҳам ҳозирги дунёдаги истеъмол маданиятида брендни яратувчи аура ҳисобланади. Хабардор бўлиш ва фарқлаш моҳиятан жуда ўхшаш товар ва хизматлар оламида истеъмолчи онгли танловни амалга оширишига имкон яратади.

Воситачиларни жалб этишда таклиф этилувчи товар ва хизматлар миқдори ошиши, шунингдек, истеъмолчилар билан медиа-алоқалар кенгайиши билан бренд айниқса муҳим аҳамият касб эта бошлади. 1-расмда бренд билан боғлиқ медиа-каналлар ва турли истеъмолчилар доирасини кенгайтириш тасвирланган.

[321] Основы Брендинга. 100 приемов повышения ценности товарной марки. Айен Элвуд.Москва 2003.



1-расм. Алоқа каналлари ва муҳим аудитория (Манба: *Берн-штейн,* 1991).

Тўққизта медиа-канални юқори йўналиш каналлари ва қуйи йўналиш каналларига ажратиш мумкин. Телевидение кўплаб каналларни таклиф этади. Истеъмолчи сунъий йўлдош ва кабель телевидениеси билан бирга дунёда 300 та каналдан бирини танлаш имконига эга бўлади.

Бу фойдаланувчилар турли пайтларда бренд ҳақида ахборотга эҳтиёж сезадилар. Уларга ҳар чоракдаги молиявий натижалар ёки харидорларнинг товарлар ҳақидаги таассуротларини маълум қилиш мумкин. Маълумки, ҳамма медиа-каналлар ҳамма истеъмолчиларга тўғри келади, лекин жуда кўп ҳолатларда фирмалар мураккаб қарорларни таклиф этади. Бундай ёндашув брендниг табиати ва қимматига асосланади, юқори самарага эришиш учун унинг кучли томонларини таъкидлайди. Бундай интилишлар маблағлар оқимини оширади ҳамда компаниянинг рақиблар босимига қарши туриши ва бозор талабларига мослашишига ёрдам беради.

Табиийки, фирма раҳбари бундай моделда ўз ишининг ютуғига шахсан жавобгар бош бренд-менежер ҳисобланади. Айнан фирма раҳбари брендни илгари суриш бўйича узоқ муддатли стратегияни белгилайди. Лекин бошқа ходимлар ҳам иш

жойидан қатъий назар бу стратегияга жавобгарликни зиммасига олади.

Юқорида қайд этилганидек, харидорларнинг содиқлиги бренд ва умуман бизнеснинг узоқ муддатли муваффақиятининг асосий омили ҳисобланади. Бренднинг ваъдалари товардан фойдаланиш имкониятига бириктирилиши керак, акс ҳолда харидор ушбу бизнесга ёлғонга муносабатдек ёндашиши мумкин. Харидорлар эҳтиёжини қондириш ҳар бизнеснинг асосий вазифаси бўлиб келган, лекин фақат XXI асрда шахсий маркетингни таъминловчи технология юзага келди. Ҳозирги кунда қадимги юнонлар ва римликлар бизнес модели тикланишига умид қилиш мумкин, бу даврда истеъмолчилар ишлаб чиқарувчи ёки савдогар билан бевосита алоқа ва муносабатга киришганлар.

Харидорларнинг содиқлиги товар ёки хизматни таклиф қилишга асосланиб, кишилар уларни сотиб олиш ва улардан фойдаланишдан доимо мамнун бўладилар. Бренднинг аҳамияти ушбу товар таклиф этувчи жиҳатни тушунишни осонлаштириш, шунингдек, унинг ижобий жиҳатларига харидор учун жозибали шаклда урғу бериш билан боғлиқ. Инсон табиати жуда секин ўзгаради. Маслоу назариясига бўйича эҳтиёжлар иерархиясига кўра, бизнинг ўзига хос ривожланишимизда бир неча аниқ белгиланган босқичларни фарқлаш мумкин.

Амалий таклиф узоқ муддатли бўлиши керак – эркаклар доимий равишда ҳар тонгда соқол оладилар, биз доимо чой ёки қаҳва ичишни хоҳлаймиз, бизга ҳар йили иссиқ кийим керак. Бироқ товар ёки хизматлар тақдимоти техникаси давр руҳига мос келиши ҳамда мақсадли харидорнинг эҳтиёжларига маданий жиҳатдан мослашиши лозим. Бренднинг асосий аҳамияти ҳам шундан иборат.

Истеъмолчининг орзуларини тўлиқроқ таъминлаш ва бренд ваъдаларини амалга ошириш учун брендни янгилаш ва доимий равишда мониторинг ўтказиш зарур. Бу икки омилни мослаштириш ҳам *Coca-Cola, Gillette, Disney* ва *American Express* сингари брендларнинг барқарорлиги ва муваффақиятини таъминлади.

Бренд-менежмент анъанавий Procter&Gamble моделидаги кўринишда маркетингнинг қуйи вазифаси ҳисобланган: бренд-менежерлар аниқ бренд ёки суббрендлар бозорига маҳсулот

етказиб беришга жавобгар бўлганлар. Улардан алоҳида операция фаолияти билан шуғулланувчи ва фирманинг брендли портфелида муайян бренднинг даромад даражаси ошишига жавобгар маркетинг ёрдамчилари сифатида фойдаланилган.

Доимий талабдаги товарлар ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи йирик компаниялар, масалан, Unilever компанияси бир неча бренд-менежерларни ёнлаб, улар муайян товар бренди, масалан, PG Tips чойи савдосини шахсан ривожлантирдилар. Бу менежерлар ушбу компанияда Brooke Bond чойи брендини ривожлантиришга жавобгар бошқа бренд-менежерлар билан рақобатлашдилар. Бу турдаги корпорациялар бозорнинг иложи борича катта қисмини эгаллаш ҳамда харидорлар сарфловчи пуллардаги ўз улушларини оширишга интиладилар.[322]

Товар менежерлари – товарни ривожлантириш билан шуғулланувчи кишилар. Улар таклиф этилаётган янгиликлар муайян бренд имижи билан зиддиятга бормаслиги учун бренд-менежерлар билан бевосита ҳамкорликда ишлашлари керак. Масалан, Persil бренди янги маҳсулот пайдо бўлганда бренд кўринишини ўйламай ўзгартира бошлади. Бу бренд «ғамхўр оналар» га мўлжалланган, бироқ маҳсулот жуда кучли энзимга эга бўлиб, кирни нафақат яхши кетказади, балки матога зарар етказади, шунингдек, тери билан боғлиқ муаммоларни келтириб чиқаради. Икки марта кир ювилгач, нарсалар яроқсиз ҳолатга келди, бу ҳолат «ғамхўр оналар» ни қаноатлантира олмасди. Persil ўз бренди мавқеига зиён етказмаслик учун маҳсулот формуласини ўзгартирди ҳамда бозорга янги маҳсулот тақдим этди.

Товар исталган бренд ҳолатини мустаҳкамлаши учун бренд-менежерларнинг товарни ривожлантириш гуруҳи билан ҳамкорликдаги фаолиятини мувофиқлаштириш, ҳатто бренд-менежерлар гуруҳига техниклар гуруҳини киритиш лозим ва аксинча. Буни товарни ривожлантириш бўйича мунтазам ишларни амалга ошириш мумкин.

Реклама менежерлари ахборот менежментида муҳим аҳамият касб этади. Улар бренднинг яширин хусусиятларини жуда яхши тушунадилар ҳамда ахборотни айнан ташқи агентликка жўнатиб, унда ахборот энг яхши тарзда ифодаланади, чунки агантлик

[322] Основы Брендинга. 100 приемов повышения ценности товарной марки. Айен Элвуд.Москва 2003.

реклама қилинаётган бренднинг асосий хусусиятларини жуда яхши тушунади. Корпорациялар, қоидага биноан, изчилликни таъминлаган ҳолда, бир неча агентликлар билан ишлайди. Баъзи етакчи реклама агентликлари брендли режалаштириш бўйича махсус бўлимларга эга бўлиб, улар корпорацияларга тўғри бренд стратегиясини ишлаб чиқишда ёрдам беради.

Реклама менежери брендни халқаро илгари суриш фаолиятини мувофиқлаштириши керак. Бунинг учун турли мамлакатларда маҳаллий таниқли кишилардан фойдаланиш мумкин. Масалан, АҚШда «Sprint» ни Кэндис Бергман, Англияда эса Жонни Воган реклама қилади. Реклама менежерлари фақат муайян мамлакат учун мақбул қарорларни иложи борича қўлламаган ҳолда бошқа мамлакатлар учун тўғри таржима, кузатув қатори, шунингдек, бошқа реклама лаҳзаларини таъминлашлари керак.[323]

Бозорни тадқиқ этиш бўйича менежерлар дастлабки материаллар бўйича минтақавий бозорлардан жавобларни мувофиқлаштириб, сўнгра янги товар чиқарилгач, жавоблар шарҳини таъминлашлари керак. Маълумотларга ишлов бериш ва таҳлил жараёни диққатни жамлаш ва катта тажрибани талаб этади. Бозорни тадқиқ этиш бўйича менежерлар турли минтақаларда брендли таклифларни қулай ўзгартириш имконига эга бўлиш учун ўз мамлакати ва хорижда рақобатлашувчи брендларнинг оммабоплик таҳлили ва тадқиқотини амалга оширишлари мумкин.

Савдо менежерлари брендни бозорда бевосита илгари сурадилар ҳамда самарали тескари алоқани таъминлайдилар. Савдо менеджерлари брендлар ҳақида тўлиқ маълумотга эга бўлишлари ҳамда илгари сурилаётган брендга ҳурматни ҳис этишлари керак. Шундай вазиятдагина улар муваффақиятга эришишлари мумкин.

Йирик дўконларда косметика савдоси билан шуғулланувчи қизлар улар сотаётган брендни тўлган ва жуда ўзгарувчан бозордаги бошқа ўхшаш товарлардан айнан нима фарқлашини билишлари керак. Улар бевосита харидорлар билан ишлайдилар, шунинг учун кишилар бренддан айнан нима кутишлари, у қайси хусусияти билан эътиборни жалб этиши ҳамда улар нимани кўришни исташларини аниқлашлари осон. Товарни бозорда

[323] Лесли де Чернатони. Как создать мощный Бренд. Москва. 2006

муваффақиятли илгари суриш учун тескари алоқа механизми жуда муҳим. Бу ахборот маркетинг бўйича менежерларга дарҳол етказилиши керак.

1929 йилда Стронг таклиф этган AIDA модели (Attention, Interest, Desire, Action – эътибор, қизиқиш, истак, ҳаракат), реклама брендли таклифни бренд бўйича муваффақиятли реклама компаниясига ўзгартиришга ёрдам беришини жуда яхши изоҳлайди.[324]

Дастлаб харидорнинг эътиборини жалб этиш керак, бунинг учун фитна, можаро ёки оқилона баҳонадан фойдаланилади. Истеъмолчи тинглаш ёки кўришга тайёр бўлгачгина, уни бренд имижига эга хабар билан қизиқтириш лозим. Бу хабар бренд билан боғлиқ истакни уйғотиши керак. Ниҳоят, реклама хабари харидорни ҳаракатни амалга ошириш ва брендни харид қилишга ишонтириши керак. Бу истеъмолчининг мураккаб ва чигал руҳиятида юз бераётган ҳолатларга мантиқий изоҳ бўла олади.

Реклама бўйича мутахассисларнинг фикрича, тўртала элементни битта реклама хабарида амалга оширишнинг иложи йўқ, шунинг учун улар бир қатор реклама хабарларини ишлаб чиқиб, бу хабарлар изчил кўриб чиқилгач, таъсирли ишонч ва қизиқарли ҳодисани шакллантиради. Қоидага биноан, бундай рекламалар турли усулда ҳикоя қилинувчи бир хил ҳодисанинг маълум қисмлари ҳисобланади.

Кўпгина брендлар асосий қадрият сифатида воқеликдан узоқлашини маълум қилади. *Chanel №5* атири жинсий жозибага таянади, «Clinique» косметика бренди эса истеъмолчига мангу ёшликни ваъда қилади. Хаёл аксарият бренд компанияларининг асоси ҳисобланади, чунки бундай усул истеъмолчининг бир лаҳзага бўлса-да воқеликдан узоқлашиш имконини берган ҳолда тасаввурини шакллантиради.

Sony ўйини рекламасидан «Ўз оламингни кенгайтир!» шиоридан фойдаланилган. Бундай реклама истеъмолчининг жисмоний ёки ёшга тааллуқли қобилиятларидан қатъий назар оламдаги шахсий ўрни ҳақида хаёл суришига имкон беради. *Nike* бренди ўз истеъмолчиларини «Буни шунчаки бажариш керак!», яъни лаҳзада яшашга чақиради.

[324] Лесли де Чернатони. Как создать мощный Бренд. Москва 2006

Воқеликдан бундай қочиш бренд истеъмолчига ижодкор бўлишни таклиф этганда, ижод кўринишида ҳам юзага келиши мумкин. *Dulux* бўёқлар бренди уй эгаларига *Dulux* бўёғи билан бирга ижодкорликни намоён этишни таклиф этган ҳолда бу ёндашувдан унумли фойдаланади. Бошқа брендлар ижоддан воқеликдан қочиш воситаси сифатида фойдаланади. Масалан, *Sony* брендини ёдга олайлик, унинг *Minidisc* рекламаси кишиларни мусиқадан завқланиш учун жой топишга ундайди.

Телевидение рекламаси минидискларни кутилмаган, лекин шахсий жойларда тингловчи кишиларни намойиш этади. *Gap* кийим-кечак фирмаси истеъмолчиларни хаки шимларни ўзлари истаган жойларда кийиш ва ўзлари истаган ишни бажаришга чақиради. Шу тариқа, фирма ўз брендини истеъмолчини ўз ҳаётига ижодий ёндашиш қобилияти билан боғлайди. Швейцариянинг *Swatch* соат ишлаб чиқарувчи фирмаси истеъмолчиларга ҳар куни янги соатлар тақиб юришни таклиф этган ҳолда, уларни воқеликдан узоқлашишга ундайди.

Истеъмолчига воқеликдан узоқлашишни таклиф этувчи брендли тажрибалар ўйин шаклига эга бўлиши мумкин. *Haagen Dazs* музқаймоғи бренди маҳсулот ва ҳамкорлар билан ўйнашни таклиф этади. *Ford* ва *Land Rover* автомобил брендлари шунчаки ишга бориш эмас, ўйнашни таклиф этади.

Шу жиҳатдан брендинг ишлаб чиқарувчи ва истеъмолчи ўртасида вужудга келадиган иқтисодий муносабатларни фаоллаштириш услубларини, товарларни ишлаб чиқариш ҳамда сотиш муаммоларини комплекс, тизимли ечиш услубларини, бозорда вужудга келадиган ўзгаришларга тезда мослашиш, бренд сиёсати, брендинг ва ребрендинг масалалари, истеъмолчиларга табақали ёндашиш, рақобатбардош янги товарларни вужудга келтириш ва уларни ишлаб чиқаришни ташкил этишни такомиллаштириш янада мақсадга мувофиқ бўлади.

МУЗЕЙ ТАШРИФЧИЛАРИ УЧУН МУЛЬТИМЕДИА

Гулямов Р.Н.
Ўзбекистон тарихи давлат музейи илмий ходими

Аннотация

Мазкур мақолада музейлар фаолиятида жорий этилаётган янги ахборот технологияларининг музей ташрифчиларини экспозиция ва кўргазма материаллари билан кенг танишиш, хотирасида ёрқин тасвир қолдириш ҳақида мисоллар келтирилади. Мультимедиа воситалари музей маконида энг талабчан лойиҳа ва ғояларни амалга ошириш имконини берувчи, шакллантирувчи восита сифатида қаралади.

Калит сўзлар: *Мультимедиа, мультимедиа тизимлари, замонавий техника, дастур воситалари, интерактив дастурлаш.*

В статье «Мультимедиа для посетителей музеев» приводятся примеры внедрения новых информационных технологий в музейную деятельность, помогающих более широко представить экспозиционный и выставочный материал, оставляя в памяти посетителей яркий запоминающийся образ. Средства мультимедиа рассматриваются как новый инструментарий формирования музейного пространства, позволяющий реализовать самые смелые проекты и идеи.

Ключевые слова: *мультимедиа,система мультимедиа,современная техника, программные средства, интерактивные программы.*

The article «Multimedia for museum visitors» contains examples of the introduction of new information technologies in museum activities, which help to present the exposition and exhibition materials more widely, leaving a memorable image in the memory of visitors. Multimedia is considered as a new tool for the formation of the museum space, allowing the most bold projects and ideas.

Биз яшаётган XXI асрда деярли хар бир киши ҳаётини енгиллаштириш, қизиқарли ва ёрқин қилиш учун у ёки бу кўринишдаги техник воситалардан ва ахборот технологияларидан фойдаланмоқда. Бу холатда биз музейларда фойдаланиб келинаётган мультимедиа технологиялари ва уларни

ташрифчиларга таъсири ҳақида эътиборингизни қаратишни истаймиз.

Мақоланинг мақсади – музейларда жорий этилган ва фойдаланиб келинаётган мультимедиа технологияларини тахлил қилишдан иборат. Ушбу мақоланинг долзарблиги – унинг замонавийлигида, музейларда илғор технологияларни қўлланишини ёритишга йўналтирилганлигидадир. Айниқса ушбу мавзу ўсиб келаётган «ёш авлод» учун йўналтирилган, улар матн шаклидагидан кўра визуал маълумотларни қабул қилишлари осон кечади.

Мультимедиа тизимлари – бу инсон ва машина мулоқотининг тизимидир. Хар бир шундай тизим икки қисмдан иборат: инсон (оператор ёки фойдаланувчи) ва машина.

Мультимедиа – бу замонавий техника ва дастур воситаларидан фойдаланган ҳолда интерактив дастурлаштирилган бошқарув таъсирида визуал ва аудио кўринишидаги маълумотларни айтишимиз мумкин. Ўз навбатида улар матн, товуш, графика, фото ва видео материалларни ўз ичига олади.

Замонавий ташрифчилар учун музей ўзини қандай намойиш этиши керак? Музейларда тарихий экспонатлар – қадимий ва бадиий қадриятлар билан бир қаторда яна қизиқарли нималарни кўриши мумкин?

Музейлар оламида мультимедиа ва интерфаол технологияларни жорий этиш мавзуси тобора оммалашиб бормоқда ва ривожланиб бораётган бу соха турли бахс мунозараларга сабаб бўлмоқда.

Анъанавий жонли мухит хукмрон бўлган музейларга техникаларни олиб кериш керакми? Жавобни икки кўринишда айтишимиз мумкин.

«Йўқ» – агар мультимедиа воситасидан тўғри фойдаланмасдан, шунчаки жойни эгаллаб турадиган бўлса, у бир уюм телевизор ёки компьютердек кўринади.

Сўзсиз «Ҳа»! – агар медиа воситаси пухта ўйланган ва таъсир этувчи ахборот билан таъминланса.

Шу билан бирга, техникалар ташрифчиларни замонавий технологиялар бўлганлиги учун жалб қилмаслиги ва музей экспонатларидан чалғитмаслиги муҳим аҳамиятга эга

Одатда музейга ташриф буюрганингиздан сўнг, музей экспозициясидаги коллекциялар билан танишиш учун лектор-экскурсовод хизматидан фойдаланасиз ва ўйлаймизки бундай холат кўпчилик музей ташрифчиларига хос хусусият. Кўпинча, музей экскурсоводи бир ярим соат мобайнида деярли бир хил мазмундаги маълумотларни кун мобайнида бир неча бор қайта-қайта турли ташрифчиларга таништиради. Бундай экскурсиялар бир кунда тўрт маротабагача бўлиши мумкин, бу билан экскурсовод ўзини «тирик радио» ишини қилаётгандек сезади. Замонавий технологияларнинг ривожланиши ва ташрифчилар ахборот хизматлари билан таъминланиши, вазият аста секин ўзгариб боришига олиб келади.

Аллақачон дунёнинг кўплаб музейларида анъанавий лектор-экскурсоводларнинг ўрнини муносиб эгалловчи аудио-гидлар пайдо бўлган. Биринчидан, унда зарур ахборотни ўқиш мумкин, иккинчидан, керакли маълумотни сиз истаган товуш баландлигида бошқа ташрифчиларга халақит бермаган холда қулоқчинда (наушник) бир неча бор эшитишингиз мумкин. Учинчидан, бу лектор-экскурсоводларнинг ишини осонлаштиради ва эндиликда музей улардан ташрифчиларга ўзига хос семинар ўтказиб бериш таклифини тақдим этишда фойдаланади, у ерда музей экспозициясининг мазмун моҳиятидан келиб чиққан холда ташрифчилар билан монолог олиб бориш эмас, балки диалог – ўзаро мулоқот олиб боради. Акс холда, «тирик» мутахассисни уни фақат тинглаш учун чақиришнинг маъноси йўқ. Жонли мулоқотнинг қадр-қиммати шундаки, у ерда профессионал экскурсовод ва ташрифчи ўртасида мулоқот ва фикр алмашиш бўлади.

Хозирги кунда Ўзбекистоннинг бир нечта музейларида компьютер ахборот-киосклари пайдо бўлди, у ердаги аудио, видео, фото ва матн шаклидаги файллар орқали экспозициянинг турли бўлимларига тегишли бўлган маълумотларни олиш мумкин. Гарчи, биз узлуксиз ўзгариб бораётган ахборот оқими даврида яшаётган эканмиз, мультимедиа воситаларидаги маълумотларни – музей ресурсларини тўлдириб ва янгилаб боришимизга тўғри келади. Мультимедиа воситалари бизга бунинг имконини беради.

Тарихий қадр-қийматли ашёларга бой музейларда ташрифчиларнинг бор эътибори экспонатларга қаратилган бўлади.

Асосан, лектор-экскурсовод бўлмаган пайтда ташрифчи экспонат ҳақидаги қўшимча маълумотга эҳтиёж сезиши мумкин. Бундай шароитда ташрифчига мобил-илова, инфокиоск ёки стационар қулоқчин (наушник) ёрдам бериши мумкин. Биринчиси шароитда, ташрифчи музейга киргандан сўнг унинг смартфонига Wi-Fi ҳудудда музей экспозицияси билан таништирувчи мобиль-иловани юклаш таклифи берилади, иккинчисида, экспозициянинг турли қисмларига жойлаштирилган инфокиосклардан фойдаланиш мумкин ва ниҳоят учинчисида экспонат ёнига ўрнатилган аудиоэтикетка – қулоқчин орқали у ҳақидаги маълумотни эшитиш мумкин. Биринчи ва иккинчи кўринишдаги хизмат туридаги маълумотлар бир бирига ўхшаш бўлиши мумкин. Уларда, экспозиция ва алоҳида предмет тўғрисида матн, аудио ва видео материалларни кўришимиз мумкин бўлади. Учинчиси эса, анча содда кўринишда бўлиб, алоҳида предмет ёки музей экспозициясининг маълум бир бўлими ҳақида қисқача маълумот бериши мумкин.

Мультимедиа нимаси билан музейга ёрдам бериши мумкин?

Қачонки мультимедиа ускуналари экспозициянинг концептуал асоси билан тўғри бирлаштирилган бўлса ёрдам бериши мумкин, масалан:

1) Идрокда таассурот қолдириш

Жамиятни ахборот билан таништиришда музей мавзуси ёки экспонатига мос кўринишдаги мультимедиа қурилмалари асосида тақдим этилган маълумотлар ташрифчиларн

2) Асл нусхасини кўрсатиш имкони бўлмаган буюмларни намойиш этишда унутилмас ва ёрқин йўл

Шундай бир экспонатлар борки, уларнинг асл нусхасини музей ташрифчиларига кўрсатиш қийин ёки имкони йўқ (улар фондда сақланади, хаддан ташқари катта ёки кичик бўлиши мумкин). Бундай холатда бизга видеомэппинг, голографик витриналар ва бошқа қурилмалар ёрдам бериши мумкин. Буларга яна музей макони шароитида анъанавий кўринишда моделлаштириш қийин бўлган ходисаларни имкон қадар реал кўринишда моделлаштиришни ҳам айтишимиз мумкин. Масалан, интерактив қум ўйингоҳи – қум ва проекцион техниканинг бирикмаси асосида ташрифчиларга тоғларнинг пайдо бўлиши,

вулқон ва бошқа геологик ходисалар ҳақида ҳикоя қилиб бериш мумкин.

3) Турли аудитория учун ўзига мос турли маълумотларни жойлаш

Професионал лектор экскурсовод хеч қачон катта синф ўқувчилари ва кичик синф ўқувчиларига бир хил экскурсия олиб бормайди, уларнинг иқтидоридан келиб чиққан холда маълумот билан таъминлашга ҳаракат қилади. Бу, якка тартибда фойдаланилувчи мультимедиа қурилмаларига ҳам тегишлидир. Хар бир ташрифчи ўзининг қизиқишларига мос келувчи контентни танлайди ва керакли ахборотга эга бўлади. Бу билан умумий мазмундан чиқиб кетилмайди, фақат қабул қилиш имкониятидан келиб чиққан холда бир хил мазмундаги ахборотни турли кўринишда тақдим этилади (илмий, оммабоп, болалар учун ва х.к.з.)

4) Ташрифчилар билан мулоқот қилиш

Музейга кираверишда навигация тизимлари ёрдамида музейга ташриф буюрувчиларга музей экспозицияси, экспонатлари, кун тартиби ва бошқа маълумотларни таништириш мумкин.

Яна, Бельгиянинг Бельгиянинг Ипр шахридаги Биринчи жаҳон уруши Музейини ҳам мисол келтиришимиз мумкин. Бу ерда энди ташрифчи билан мулоқот бутун экспозиция бўйлаб давом этади. Кираваришда музей мехмонига махсус билагузук берилади ва у билан:

- Музейга кириш ва чиқишда фойдаланилади
- Витриналар ёнидаги киосклардаги маълумотлар фаоллаштирилади,
- Хамма фаоллаштирилган маълумотлар кейин pdf-файл шаклида электрон почтага юборилади.

Музей бу билан ташриф буюрувчиларнинг маълумотлар базасига эга бўлади ва улар кейинчалик ҳам мулоқот қилишлари мумкин.

5) Музейдан ташқарида ўзини таништириш

Мултимедиа қурилмалари маркетинг ва реклама мақсадида ва кўчма кўргазмаларда яхши восита бўлиши мумкин. Турли туристик ярмаркалар ва бошқа маданий тадбирларда кўчма мультимедиа ускуналари билан музейларнинг қатнашиши, ташрифчиларни музейга жалб қилишда ёркин мисол бўла олади.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, мультимедиа бу – шунчаки «экранлар ва тач-панеллар» эмас, балки ақл билан билан ишлатилганда музей экспозицияси бойитиши, асосийси, экспозицияга ташриф буюрувчилар нинг қизиқишини ошради.

Яна шуни қайд этиш керакки, музейлардаги интерактив қурилмалар – бу, бор йўғи умумий кўринишнинг бир қисми. Мультимедиа, интерфаол, ёруғлик, товуш, интерьер дизайни, инфографика – буларнинг ҳаммаси уйғун холатда тўпланган бўлиши керак.

ЮНЕСКОНИНГ ЖАҲОН ТАРИХИЙ-МАДАНИЙ МЕРОСИНИ АСРАШ СОҲАСИДА ОЛИБ БОРАЁТГАН ФАОЛИЯТИ

Ходжаев Б.
Камолиддин Беҳзод номидаги
МРДИ катта ўқитувчиси

Аннотация

Ушбу мақолада ЮНЕСКОнинг тарихий-маданий мерос объектларини сақлаш борасидаги халқаро ҳужжатлар – конвенция ва келишувлар, уларга протоколлар, тавсиялар ва декларацияларнинг қабул қилиш жараёнлари ҳамда умумий асосланиш белгилари кўриб чиқилди.

Калит сўзлар: *ЮНЕСКО, тарихий маданий мерос объектлари, халқаро ҳужжатлар, конвенция, тавсия, деклорация*

В этой статье рассмотрена историко-культурного наследия ЮНЕСКО в области хранения международных документов – Конвенции и соглашений и протоколов к ним, и в декларации общие рекомендации были приняты, и процесс был ориентирован на симптомы.

Ключевые слова: *ЮНЕСКО, объекты историко-культурного наследия, международные документы, конвенция, рекомендация, деклорация*

This article describes the historical and cultural heritage of UNESCO in the field store international instruments – conventions, agreements and protocols, and the Declaration of General recommendations were adopted, and the process has been focused on the symptoms

Key words: *UNESCO, historical and cultural heritage, international instruments, conventions, agreements, protocols, declaration*

ЮНЕСКО ҳам Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг бошқа ташкилотлари каби, барча халқлар ўртасидаги «ҳамкорлик»нинг ҳосили бўлган «халқаро тинчлик ва умумбашарий гуллаб-яшнаш» мақсадини кўзлайди. Шу билан бирга, ушбу мақсадларнинг умумийлигидан келиб чиқиб, ЮНЕСКОнинг алоҳида вазифалари ҳам мавжуд бўлиб, у биринчи галда тинч жамият «инсониятнинг ахлоқий ва интеллектуал ҳамкорлиги»га асосланиши керак деган ғояни тарғиб қилиши, шунингдек, «уруш тўғрисидаги фикрлар

одамлар онгида пайдо бўлади, шунинг учун одамлар онгига тинчликни ҳимоя қилиш ғоясини сингдириши» лозим.[325] ЮНЕСКО миссиясининг бош ғояси этика ва маънавиятда ётади ва у биринчи ўринда халқаро интеллектуал ҳамкорлик орқали амалга оширилади.

ЮНЕСКО доирасида ишлаб чиқилган норматив хужжатлар халқаро алоқалар ривожидаги муҳим босқичлар эканлиги кенг эътироф этилмоқда. Унинг доирасида 70 дан ортиқ тарихий-маданий ёдгорликларни сақлаш борасидаги халқаро ҳужжатлар – конвенция ва келишувлар, уларга протоколлар, тавсиялар ва декларациялар тайёрланди, кўриб чиқилди ва қабул қилинди.

«Қуролли можаро чиққан ҳолда маданий бойликларни ҳимоя қилиш тўғрисида конвенция» (1954 йил 14 май), «Қуролли можаро чиққан ҳолда маданий бойликларни ҳимоя қилиш тўғрисида конвенция»га иккинчи протокол (1999 йил 26 март), «Маданий бойликларни ноқонуний олиб кириш, олиб чиқиш ва эгалик ҳуқуқини бошқага ўтказишнинг олдини олиш ва тақиқлашга қаратилган чоралар тўғрисида конвенция» (1970 йил 14 ноябрь), «Умумжаҳон маданий ва табиий меросини муҳофаза қилиш тўғрисида конвенция» (1972 йил 16 ноябрь), «Сувости маданий меросини ҳимоя қилиш тўғрисида конвенция» (2001 йил 2 ноябрь), «Номоддий маданий меросни муҳофаза қилиш бўйича халқаро конвенция» (2003 йил 15 октябрь), «Фольклорни сақлаш тўғрисида тавсиянома» (1989 йил 15 ноябрь), «Маданий ўзликни ифодалашнинг рангбаранг шаклларини асраш ва рағбатлантириш тўғрисида конвенция» (2005 йил 20 октябрь, Париж), «ЮНЕСКОнинг маданий меросни қасддан бузишга тегишли декларацияси» (2003 йил 17 октябрь), «ЮНЕСКОнинг маданий турли-туманлик тўғрисидаги умумжаҳон декларацияси» (2001 йил 2 ноябрь), «Қўзғалувчи маданий бойликларни қўриқлаш бўйича тавсиянома» (1978 йил 28 ноябрь), «Халқ оммасининг маданий ҳаётда иштироки ва унга ҳиссаси тўғрисида тавсиянома» (1976 йил 26 ноябрь), «Маданий бойликларни халқаро айирбошлаш тўғрисида тавсиянома» (1976 йил 26 ноябрь), «Тарихий ансамблларни сақлаш ва уларнинг ҳозирги роли тўғрисида

[325] Устав ЮНЕСКО. Международные нормативные акты ЮНЕСКО. М.: изд. Логос. 1993. С. 23.

тавсиянома» (1976 йил 26 ноябрь), «Маданий ва табиий меросни миллий жиҳатдан қўриқлаш тўғрисида тавсиянома» (1976 йил 26 ноябрь), «Музейларга ҳамманинг киришини таъминлашнинг энг самарали чораларига тегишли тавсияномалар» (1960 йил 14 декабрь), «Халқаро маданий ҳамкорлик принциплари декларацияси» (1966 йил 4 ноябрь) ана шундай нуфузли ҳужжатлар сирасига киради. Уларда маданий, тарихий мерос ва бойлик тушунчаларига нималар кириши, уларни ҳар қандай шароитда келажак авлод манфаатлари йўлида асраб қолишнинг гуманитар аҳамияти, бу борада конвенцияларга қўшилган давлатларнинг, умуман жаҳон ҳамжамиятининг вазифалари ва мажбуриятлари, ўзаро ҳамкорлик принциплари, халқаро ёрдам кўрсатиш шартлари ва шакллари, маданий мероснинг миллий ва халқаро муҳофазаси масалалари аниқ аниқ акс эттирилган; тарихий-маданий меросни асраш бўйича ЮНЕСКО ҳузурида ҳукуматлараро қўмиталар ва махсус жамғармалар тузишнинг тартиблари белгиланган. Бу ҳужжатларда маданий ва табиий мероснинг қайси халққа мансублигидан қатъи назар, бутун жаҳон ҳамжамияти учун ноёб ва бебаҳо қадрият ҳисобланиши, шу сабабли ҳам уларни сақлаб қолиш зарурлиги, бу ишга ҳамжамиятларнинг барча қатламларининг, миллий жамоаларнинг онгли иштирокини таъминламасдан мақсадга эришиб бўлмаслиги таъкидланган.

ЮНЕСКО инсониятнинг маданий меросини асраб қолишга катта аҳамият беради ва бу жараёнда музейларнинг етакчи роль ўйнашини, жамиятнинг ва маданиятлараро алоқасининг барқарор ривожланишини таъминлаш учун катта имкониятлари борлигини таъкидлайди. Музейлар ўз вазифасига кўра маданий меросни асраш, ўрганиш ва тарғиб қилиш марказлари ҳисобланади. Музейчилик фаолияти жамиятнинг ахлоқий ва маданий равнақига ёрдам беради. Шу жиҳатдан у турли халқлар ва маданиятлар ўртасидаги ўзаро ҳамжиҳатлик воситаси вазифасини бажаради. Ўзининг ижтимоий вазифасини бажариш учун музейлар ҳар томонлама саводли ва малакали, айни вақтда Халқаро музейлар кенгашининг (ИКОМ) асосий ҳужжати бўлмиш Музей этикаси кодексида акс этган ахлоқий меъёрлар ва қоидаларга риоя қилувчи музей ходимларига катта эҳтиёж сезади. ИКОМ музейлар ва музей ходимларининг ноҳукумат профессионал халқаро

ташкилоти сифатида ЮНЕСКО томонидан қўллаб-қувватланади ва унинг музейлар учун дастурини, айниқса маданий бойликларнинг ноқонуний айланишига дахлдор қисмини (ИКОМнинг «Қизил рўйхати», «100 та йўқолган бойлик» серияси), шунингдек санъат, тарих ва табиат ижодиёти предметларини тавсифлаш андозасини ишлаб чиқишни ҳаётга татбиқ этади. Маданий меросни ўрганиш ва асраш бўйича музейлар амалга ошираётган ишларнинг муҳимлигини тушунган ҳолда ЮНЕСКО уларнинг прфесссионал тайёргарлигини оширишга ва ижодий салоҳиятини ривожлантиришга катта эътибор беради. Шу мақсадда ЮНЕСКО томонидан қатор дастурлар қабул қилинган ва улар амалга оширилмоқда. Шулардан бири музейлар ходимлари учун ЮНЕСКО/ИКОМнинг минтақавий ва миллий ўқувлар дастуридир – у «XXI асрда музейларни бошқариш» деб аталади. Дастур доирасида шу номли ўқув қўлланмаси ва бошқа амалий йўриқномалар тайёрланди.

Музей фондларидаги маданий мерос объектларини ўрганиш, ҳужжатлаштириш, сақлаш ва оммалаштириш соҳасида музей мутахассисларининг билимларини янада такомиллаштириш ва тизимлаштириш мақсадида ЮНЕСКО томонидан Қўзғалувчимаданий меросни қўллаб-қувватлаш дастури ишлаб чиқилди ва муваффақиятли амалга оширилмоқда. Бу дастур кенг жамоатчиликни қўзғалувчи маданий бойликлар ҳақида хабардор қилишга қаратилганлиги билан ҳам эътиборга моликдир. Дастур доирасида қуйидаги умумий ном остида безакли қўлланмалар серияси чоп этилди: «Маданий меросни қўриқлаш бўйича қўлланма». Қўлланмаларнинг номлари: «Музейная безопасность», «Хранение и перемещение рукописей», «Документация предмет-ных коллекций», «Управление рисками чрезвычайных ситуаций в музеях», «Руководство по хранению музейных коллекций».

Музей бойликларини сақлаш масалалари ЮНЕСКОнинг доимий эътиборида турмоқда. Глобаллашув, маданиятларнинг ўзаро таъсири кучайиб бораётган ҳозирги даврда музейлар аввалгидек инсон ижодиётнинг ноёб оролчалари ва маданий рангбарангликларни акс этирувчи масканлар бўлиб қолмоқда. Шу муносабат билан ЮНЕСКО музей тадқиқотларининг турли соҳаларида фаол иштирок этмоқда. Шу муносабат билан ЮНЕСКО ва Маданий бойликларни асраш ва таъмирлаш бўйича

халқаро тадқиқот марказининг 2007-2000 йиллардаги уч йиллик ҳамкорлиги самарали бўлди. Ҳамкорлик ривожланаётган мамлакатлардаги музей коллекцияларини сақлаш ва ўрганишга қаратилган эди.

Маданий меросни асраш кўп жиҳатдан бу соҳада миллий қонунчиликнинг мавжудлигига ва унинг лозим даражада бажарилишига, ЮНЕСКО қабул қилган тегишли халқаро конвенцияларнинг ратификация ва имплементация қилинишига боғлиқ бўлади.

Маданий бойликларнинг ноқонуний айланишига қарши асосий ҳуқуқий ва амалий чоралар ва воситаларни қўллаш тўғрисида маълумот тарқатиш мақсадида ЮНЕСКО томонидан «Юридические и практические меры против незаконного оборота культурных ценностей» номли қўлланма тайёрланди ва чоп этилди (2010). У DVD диск ҳолатида жойларга тарқатилди. Ўз стратегиясига амал қилиб, ЮНЕСКО музей менежменти соҳасидаги дастурларни янада ривожлантириш, музей ходимларининг профессионал таълимини янгилаш мақсадларини кўзламоқда. Чунки бугунги кун айнан музейлар ўзида жамланган маданий салоҳият туфайли турли маданиятларнинг ўзаро ҳамжиҳатлиги, тинчликни ва халқлар ўртасидаги ўзаро тушунишни сақлаб қолиш учун аниқ асос яратмоқда, XXI асрдаги маданий ривожланишни тушуниш учун янги истиқболларни таклиф қилмоқда.

ЮНЕСКО 50дан ортиқ бюллетень ва 20дан ортиқ даврий нашрлар чиқаради. Улар орасида энг машҳурлари «ЮНЕСКО курьери» ойномаси (30 тилда нашр этилади), «Келажак» (таълим соҳасидаги ҳафталик), «Музей», «Ижтимоий фанлар халқаро ойномаси», «Табиат ва ресурслар», «Муаллифлик ҳуқуқи бўйича бюллетен», «Таълим бюроси халқаро бюллетени», «Импакт: фан ва жамият» кабилардир. ЮНЕСКО ҳар икки йилда бир марта таълим, фан, маданият ва коммуникация ҳолати ҳақида умумжаҳон маърузаларини чоп этади. ЮНЕСКО «Инсониятнинг илмий ва маданий ривожланиши тарихи» (6 жилд), «Ислом маданиятининг турли томонлари» (6 жилд), «Лотин Америкаси давлатлари тарихи» (7 жилд), «Кариб ҳавзаси давлатлари тарихи» (6 жилд), «Африка умумий тарихи» (8 жилд), «Марказий Осиё

цивилизацияси тарихи» (6 жилд) каби фундаментал нашрларни чоп этмоқда.

Юқорида билдирилган фикрларга якун ясаб айтиш мумкинки, ЮНЕСКО томонидан ўтган йиллар мобайнида 19 асрда бошланган ҳаракатларни мантиқий давом эттирган ҳолда инсониятнинг тарихий-маданий ва табиий меросини асраш, ўрганиш, оммалаштириш ва келгуси авлодларга ўз бирламчи гўзаллигини сақлаган ҳолда етказиш бўйича катта ишлар қилинди, бу борада жаҳон ҳамжамиятига аъзо давлатларнинг асосий кўпчилик қисми ўртасида ягона фикрга, консенсусга келишишга эришди. Қабул қилинган конвенциялар ва уларнинг давлатлар томонидан ратификация қилиниши, ишлаб чиқилган тавсияномалар, декларациялар бунинг тасдиғидир. Айни вақтда бу борада кенг кўламли амалий ишлар олиб борилди, халқаро ноҳукумат ташкилотлари билан кенг кўламли алоқалар ўрнатилди, қўлланмалар чоп этиш, соҳа мутахассисларининг малакасини ошириш тизимлари барпо этилди. ЮНЕСКОнинг бош мақсади инсониятнинг ақл-заковати ва ахлоқий бирлигига асосланган барқарор тинчликни барпо қилишдир. У энг муҳим инсонпарварлик масалаларининг ечимига ижодий ёндашишда харакатлантарувчи куч бўлиб хизмат қиладиган ўзига хос, бетакрор халқаро ташкилотдир.[326] Унинг дастурлари дунё маданиятига кўмаклашиш, барқарор тараққиёт ва инсоният тараққиёти учун йўналтирилган.[327]

АДАБИЁТЛАР

1.Устав ЮНЕСКО. Международные нормативные акты ЮНЕСКО. М.: изд. Логос. 1993. С. 23.

2.Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамиз. Т.7.Т.: Ўзбекистон. 1999. Б.205.

[326] Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамиз. Т.7.Т.: Ўзбекистон. 1999. Б.205.

[327] Бирлашган Миллатлар Ташкилоти. Асосий омиллар. Тошкент. БМТнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси. 2001. Б.59.

МАДАНИЙ ТУРИЗМНИНГ МУЗЕЙЛАР РИВОЖИДАГИ ЎРНИ

Орифжонова Г.Р.
К.Беҳзод номидаги МРДИ ўқитувчиси

Аннотация

Мақолада музей туризми ва унинг аспектлари таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: *туризм, музей туризми, ташқи ва ички туризм, трансфер.*

В статье анализируется музейный туризм и его аспекты.

Ключевые слова: *туризм, музейный туризм, внешный и внутренный туризм, трансфер.*

The article analyzes museum tourism and its aspects.

Key words: *tourism, museum tourism, external and internal tourism, transfer.*

Туризм сўнгги йилларда иқтисодий ҳаётнинг глобал интеграциялашувида муҳим омил бўлиб, мамлакатларнинг жаҳон бозорига киришида ўзига хос механизм сифатида иштирок этмоқда. Ўз навбатида, Ўзбекистон миллий туризмининг ривожланиши ҳам иқтисодий ўсишнинг таянч нуқтасига айланади. Археологик қазишмалар, топилган осори-атиқалар бугун дунё эътибори Ўзбекистонга қаратилаётганидан далолат бермоқда. Музей туризми – кенг тарқалган соҳа бўлиб, турли мамлакат, халқ, миллатлар тарихи, уларнинг маданий мероси, дини, урф-одати ҳамда маросимлари, хусусан, санъати тўғрисида атрофлича маълумот беради, шунингдек, маданий дам олиш учун имкониятлар яратади.[328]

Кўплаб соҳа мутахассислари маданий туризмни яхлит мажмуа сифатида талқин этишади. Туризмнинг билиш аспекти янги ҳиссиёт, таассурот ва маълумот олиш билан ўлчанади. Туризмнинг маданий аспекти коммуникация ва мулоқот жараёни орқали маданиятга кириб бориш ҳисобланади.

Музей туризми маданий туризмнинг таркибий қисми сифатида намоён бўлади. Ҳозирги бозор иқтисодиётига асосланган бир даврда

[328]Муҳамедова М. Ўзбекистонда маданий туризм // Мозийдан садо. – Тошкент, 2012.№ 2.–Б. 24.

музейлар маркетинги ва менежменти масалаларини ривожлантиришда музей туризмини тўғри йўлга қўя олиш муҳим ҳисобланади. Жаҳоннинг етакчи музейлари иқтисодий ҳаётида музей туризми асосий даромад манбаларидан бири сифатида муҳим аҳамият касб этади. Музей туризми тушунчаси моҳиятига кўра музейлар ўзининг фаолияти доирасида туризм бўйича ўз малакаларини ошириши ва музейнинг туристик салоҳиятини оширишга ҳизмат қиладиган қуйидаги чора-тадбирларни амалга оширишини ифодалайди:

− сайёҳларни жалб қилувчи экспозиция яратиш;

− ташқи ва ички экскурсия (бунда ташқи экскурсия мамлакатга хориждан келадиган туристлар учун, ички экскурсия эса мамлакатнинг бошқа ҳудудларидан ташриф буюрувчилар учун мўлжалланган экскурсия сифатида талқин этилади);

− музей дўконларини ташкил қилиш;

− туристик мавсум давомида сайёҳлар учун қулайликлар(жойлаштириш, овқатланиш, трансфер, маълумот билан таъминланганлик) яратиш.

Музей туризми тарихий ва маданий ҳудудларни намойиш этиш ғоясига асосланган бўлиб ўз атрофига музейга бўлган илмий, информацион ва бошқа анъанавий қизиқишларни бирлаштиради. Аммо музей коллекциясининг таркиби ва музей ихтисослигига бўлган қизиқиш доимо биринчи ўринда туради.

Музейнинг туристик маҳсулотлар яратиш жараёни бевосита қуйидаги омилларга боғлиқ ҳисобланади:

- маданий мероснинг ҳудудий талқини;

- музейнинг ихтисослиги билан боғлиқ музей туризмига оид ижодий ечимлари.

Музей туризмининг анъанавий кўриниши мустақил сайёҳат қилувчи туристик фирмалар хизматларидан фойдаланмайдиган алоҳида ва кичик гуруҳдаги туристлар билан ишлашга йўналтирилган бўлади. Бунда туристлар асосан хорижий тилни билувчи музей экскурсоводи хизматидан фойдаланишади. Музей туризмининг келтирадиган даромади музей қошидаги кичик совғалар учун дўкончадаги харидлар, экскурсия ва фото учун тўланадиган тўловлар билан ўлчанади.

Сўз мустақил равишда ташриф буюрувчи туристлар ҳақида кетганда музей ҳақиқатдан ҳам қабул қилувчи томон сифатида – туроператор ўрнида фаолият олиб бориши мумкин.

Аммо кенг маънодаги музей туризми тушунчаси туристик давр мобайнида музейда маданий дастурлар, оммавий томошалар ва бошқа қизиқарли тадбирларни ўзида қамраб олади. Бундан ташқаримузейлар туристик фирмалар билан шартнома тизимида фаолият олиб боришни йўлга қўйган бўлиши лозим. Музейлар амалиётида туристик фаолиятнинг турлари ва шакллари сифатида туристик фирмалар билан шартнома асосидаги туристик машрут, реклама ва маълумот хизмати тушунилади.

Музей туризмида музей ишлаб чиқарувчи объект сифатида қуйидаги маҳсулотларни тақдим этиши мумкин:

− экспозиция ва кўргазмалар;

− экскурсия ва лекциялар;

− махсус дастурлар;

− инфраструктура ва жамоанинг имкониятларидан келиб чиққан ҳолдаги турли хил хизмат турлари;

− сифатли ва бетакрор сувенирларни музей этикеткалари асосида ёки сертификатлаш билан сотувга қўйиш. Бунда музейнинг ноёб экспонатларининг нусҳалари асосида сувенирлар ишлаб чиқариш реклама вазифасини ўтайди;

− китоблар, каталоглар, буклетлар ва бошқа босма нашр маҳсулотлари, вифеофильм, слайд, CD ROM ва бошқа босма ва замонавий информацион технологиялар воситасидаги маҳсулотлар.

Шу билан бирга музейлар бизнес фирмалардан фарқланади. Музейларнинг бутун мақсади даромад олишга қаратилмаган. Музейнинг биринчи навбатдаги вазифаси ноёб музей аҳамиятига эга ашёларни йиғиш, уни келажак авлодга сақлаш ва тарих, фан ва санъат ёдгорликларини илмий ўрганиш, шарҳлаш ва тушунтириш ҳисобланади. Музейларнинг салоҳиятига уларнинг даромадига, музей туризмининг ривожланганлигига эмас, балки бошқа кўплаб ижтимоий омилларга қараб баҳо берилади.

Музейлар салоҳиятига таъсир этувчи ижтимоий омилларни А.В.Романчук қуйидагилар сифатида санаб ўтади:

- музейга ташриф буюрувчилар сони;

− кўргазмалар сони ва сифати;

− тадқиқотчилар, талабалар ва имтиёздан фойдаланувчилар сони;

− музей дўстлари жамияти ва клубларининг янги аъзолари сони;

− кўнгилли аъзоликни сақланганлигига қараб;

− волонтёрларга чегирмалар;

− ишчи ўринларига танлов;

− профессионаллар жамиятининг эътирофи;

− жамият эътирофи. [329]

Музей туризмини ривожлантириш омили бу яхши йўлга қўйилган рекламадир. Музейга оид рекламалар интернет сайтлари, ижтимоий тармоқларда оммалаштирилса бугунги ривожланган глобал дунё кишиларини музейларга жалб этиш янада осонлашади.

Музей қошида сифатли хизмат кўрсатувчи ошхона ва тамаддихоналарнинг бўлиши туристик мавсум давомида сайёҳатчилар учун хизмат қилса, «ўлик мавсум» да эса шаҳар меҳмонлари, музейга яқин атрофдаги ташкилотлар ишчиларини ҳам бир томонлама бўлсада, музейга жалб этади.

Музей туризмини ривожлантиришда музей қошида махсус устахоналарни йўлга қуйиб, ташриф буюрувчи сайёҳларга ўз қўли билан музейдаги бирор-бир экспонатнинг нусҳасини тайёрлаш имкониятини берадиган қизиқарли дастурларни йўлга қўйиш лозим. Масалан, музей ҳудудидаги кулолчилик, заргарлик устахоналарида бу ишни амалга ошириш имконияти мавжуд. Туристлар учун ўз қўли билан тайёрлаган санъат асари нусҳаси бир олам таассурот уйғотади.

Тошкент музейларига энг кўп тарзда туристларни жалб этишнинг яна бир усули туристик фирмалар билан кўп сонли шартномаларга эришишдир. Туристик машрут давомида алоҳида дастур сифатида қизиқувчилар ва танишишни хоҳловчилар, мутахассислар учун фақатгина музейларини қамраб олувчи махсус машрутлар лойиҳаларини яратиш лозим.

Бугунги кунда маданий туризмнинг бир тармоғи ҳисобланган музейлар туризми айни кунда жадал ривожланиши лозим бўлган музейшуносликнинг долзарб масалаларидан бири сифатида

[329]Романчук А.В. Музейный туризм / Учебно-методическое пособие. – СПб: Санк-Петербургский государственный университет, 2010. – С. 4.

мутахассислар томонидан эътироф этилади. Мустақиллик йилларида музей туризми тушунчаси музей маркетинги ва менежменти масалалари сифатида музейлар фаолиятига кириб келди. Бугунги кунда музей туризми музейларнинг алоҳида тармоғи кўринишида тараққий этмоқда. Бу даврда Тошкент музейлари фаолиятида музей туризмининг анъанавий кўриниши тараққий этганлигини кўриш мумкин. Эндиликдаги музейлар олдида турган асосий вазифалардан бири музей туризми доирасида маданий дастурларнинг замонавий кўринишларини яратиш ҳисобланади.

АДАБИЁТЛАР

1. Муҳамедова М. Ўзбекистонда маданий туризм // Мозийдан садо. – Тошкент, 2012.№ 2.–Б. 24.

2. Романчук А.В. Музейный туризм / Учебно-методическое пособие. – СПб: Санк-Петербургский государственный университет, 2010. – С. 4.

МУЗЕЙ – ТАРИХ КЎЗГУСИ

Ходжаева У.М.
МРДИ кафедра мудири

Аннотация

Ушбу мақолада музейларнинг пайдо бўлиши, унинг жамиятимизда тутган ўрни ҳамда маънавий қадриятлар сафида туриши батафсил баён этилган. Шунингдек, илм-техника тараққиёти замони бўлмиш XXI асрда музейлар янги шакл касб этиши ҳам айтиб ўтилган. Яна шуни ҳам айтиб ўтиш жоизки, музейлар қандай шаклда бўлмасин, кишини асл маънавият сари етаклайди.

Калит сўзлар: *музей, ёдгорлик, виртуал музей, экспонат, интерактив музей, маданий мерос.*

В данном статье дана понятия о музеях и его роль в культурном наследии. А также, музеи в двадцать первом веке. Следует также отметить, что любая форма музеев, считается в ряди духовных и нравственных ценностей.

Ключевые слова: *музей, памятник, виртуальные музеи, экспонат, интерактивный музей, культурная наследия.*

This article gives an idea of the museums and its role in the cultural heritage. And also, museums in the twenty first century. It should also be noted that any form of museums is considered in the ranks of spiritual and moral values.Key words: museum, monument, virtual museums, exhibit, interactive museum, cultural heritage. This article gives an idea of the museums and its role in the cultural heritage. And also, museums in the twenty first century. It should also be noted that any form of museums is considered in the ranks of spiritual and moral values.

Key words: *museum, monument, virtual museums, exhibit, interactive museum, cultural heritage.*

Мана, инсоният иккинчи ўн йилдан ошдики, XXI асрни яшаб ўтмоқда. Бу асрда илм-техника баланд чўққиларга кўтарилди. Авлоддан-авлодга ўтиб келаётган қадриятлар қаторида, шубҳасиз, жамиятимизда музейлар ўз ўрнини аллақачонлар, илк ўрта асрлардаёқ эгаллаб олган. Зеро, музейлар ўтмиш тарихимиздан далолат беради, авлодларга кимлигимизни ёдга солади. Зотан музейларнинг вазифаси фақат шундангина иборат эмас.

Луғавий маъносига кўра, ***музей*** атамаси (юнонча *мусион* сўзидан келиб чиққан бўлиб, музалар уйи маъносини англатади). Дастлаб мазкур атама санъат ва илм-фанга оид тўпланган ашё-буюмлар коллекциясини англатган. XVIII асрдан эътиборан музей деганда экспонатлар қўйилган бино тушунилган. Ҳозирга келиб, музей деганда, биз нимани тушунамиз? Аслида вазифаси нуқтаи назаридан, ***музей*** – тарихий, моддий ва маънавий ёдгорликларни топиш, уларни сақлаш, ўрганиш ва уларни тарғиб қилиш ишларини амалга оширувчи илмий, илмий, илмий-маърифий муассаса демакдир. Музей бойлиги, асосан, моддий ва тасвирий жисмлар, санъат асарлари, шунингдек, ёзма манбалардан (қадим замондан ҳозирги давр қадар тарихий қимматга эга қўлёзмалар, босма ҳужжатлар, китоблар) ташкил топади.

XIX асрдан бошлаб эса музейларда олиб бориладиган илмий тадқиқотлар ҳам бизнинг тасаввуримиздаги музейлар зиммасига юклатилди. XX асрнинг олтмишинчи йилларидан бошлаб музейлар педагогик фаолият, яъни таълим-тарбия ишларини олиб борадиган бўлди (болалар, ўсмирлар ва катталар учун алоҳида таълим лойиҳалари шулар жумласидандир).

Интерактив музейлар XIX асрда пайдо бўлган, десак янглишмаймиз. Бу асрда илк оммабоп музейлар пайдо бўлди, яъни экспонатлар шиша колбага солиниб намойиш қилинди. Бу колбаларга тегиниш мумкин эмасди. Бугунга келиб эса, айниқса, илмий музейларда интерактив кўргазмаларда компьютер технологияларидан фойдаланиш йўлга қўйилиши билан экспонатлар янада ёрқинроқ намойиш қилина бошланди.

Ҳозирда аксарият музейлар ўз фаолияти жиҳатидан тадқиқотлар олиб бориш ҳамда таълим-тарбиявий вазифаларини бажариши билан эътиборга лойиқдир. Музейнинг ўзига хос илмий-оммабоп ва тарбиявий шакллари – унга қўйилган экспозиция ва кўргазмаларда акс этади, яъни ана шулар орқали музей ўз вазифаларини адо этади. Замонавий илмий классификация қилинишига кўра музейлар тур ва соҳаларга бўлиниши билан бир-бирларидан фарқ қилади. Музей ижтимоий вазифасига биноан илмий тадқиқот-маърифат (бу музей фаолиятининг асосий қисмини ташкил этади ва баъзан бундай музейлар халқ музейи, оммавий музей деб ҳам юритилади); тадқиқот қилувчи (илмий текшириш институтлари қошида ўзига

хос лаборатория вазифасини ўтайдиган музейлар) ва ўқув музейларига бўлинади.

Бундай музейлар ҳар хил соҳаларга бўлиниши жиҳатидан тарих, қишлоқ хўжалиги, табиатшунослик, адабиёт, техникага оид ва бошқа ҳоказо музейларга бўлинади. Шунингдек, музейнинг мемориал, ўлкашунослик музейлари турлари ҳам бор.

Музей жуда катта илмий тадқиқий ва тарбиявий ишларни олиб боради: ўзида тўпланган буюм-ашёларни бутлайди ва ўрганади; илмий ҳужжатлар тайёрлайди, ашёларни сақлаш ва уларни таъмирлашни тартибга солади, монография, каталог, йўлкўрсаткичлар нашр этади; замонавий музейшунослик ишлаб чиққан илмий усуллар ва методология асосида экспозициялар бўйича илмий тадқиқот олиб боради. Музейга келувчи омма билан ишлашнинг энг муҳим шакли экскурсия ҳисобланади.

XVIII асрда оммабоп музейлар Европанинг кўпгина мамлакатлари ижтимоий ҳаётининг ажралмас қисмига айланди. 1750 йилда Парижда саройда оммага томоша қилиш учун бир ҳафтада фақат икки кунгина ажратилди (биринчи навбатда талабалар ва санъат арбоблари киритилди). Кейинчалик бу картиналар XVII асрда қирол Франциск I нинг шахсий коллекциясига, Луврга топширилди. Тарихдан маълумки, 1793 йилда очилган Лувр илк катта оммабоп музейлардан ҳисобланади.

Янги турдаги дастлабки музейлар сирасига Лондондаги Британия музейи киради. Мазкур музейга кириш учун олдидан ёзма рўйхат қилинади.

Ўзбекистонда музей XIX асрнинг иккинчи ярмида ташкил этилган. XX аср бошларида эса ўлкада асосан учта музей фаолият юритган: Тошкент ўлкашунослик музейи (1876 йилда очилган, кейинчалик Ўзбекистон тарихи музейи); Самарқанд халқ музейи (1896; кейинчалик Ўзбекистон халқлари маданияти ва санъати тарихи музейи), Фарғона халқ музейи (1899, ҳозирги Фарғона вилоят ўлкашунослик музейи). Яна шуни қувонч билан айтиш керакки, Ўзбекистон республикаси ўз мустақиллигини эълон қилгач, 1996 йил Тошкентда очилган Темурийлар тарихи музейи ўзбек маданияти тарихида катта воқеа бўлди. Ҳозир республикамизда жаҳоннинг энг илғор мамлакатларидаги каби турли музейларнинг фаол иш бораётганлигини қайд этиш мумкин.

XXI асрда ўзида таълим-тарбия ва илмий вазифаларни жам этган музей тизими тараққиётига тобора объектив эҳтиёжлар ортиб бормоқда. АҚШ, Италия, Франция, Буюк Британия, Германия, Россия ва бошқа мамлакатлар энг тараққий этган музей тизимига эга.

Музейлар ҳақда гап кетганда, XIII асрга келиб, жаҳон музейшунослиги тарихида либослар учун алоҳида ўрин ажратилганлини айтиб ўтиш жоиз. Ҳаммага маълумки, либослар ва костюмлар ўз таркибий жиҳатидан узоқ муддатга сақланиш қобилиятига эга эмас. Биз бошқа маданий ёдгорликлардан фарқли ўлароқ, либосларнинг қадимги намуналарини фақатгина тарихий манбалардаги тасвирлар, деворий расмлар орқалигина тасаввур эта оламиз, холос. Ҳозирги кунга келиб музей шароитида қадимий либосларни ўз ҳолича сақлаш борасида тадиқотлар ўтказувчи алоҳида лаборатория фаолият кўрсатиб келмоқда. Ушбу лаборатория мутахассислари томонидан Мисрда олиб борилган археологик қазилмалар натижасида топилган қадимги мато намуналари қайта тиклаш, уларни ўз ҳолича сақлаш борасида кўплаб изланишлар олиб борилмоқда.

Бу йўналишда иш олиб бораётган жаҳонда энг йирик музейлардан, шубҳасиз, Париждаги Мода ва костюмлар музейи ҳисобланади.

1946 йилда Музейларни қўллаб-қувватлаш ва унинг фаолиятини ривожлантириш мақсадида халқаро ICOM ташкилоти (инглизча *International Council of Museums)* ташкил этилди. Бугунга келиб, мазкур ташкилот ўз сафида жаҳоннинг 115 та мамлакатидан 27 500 дан ортиқ аъзони бирлаштириб турибди. Бу ташкилот ЮНЕСКО ва бошқа ҳалқаро ташкилотлар билан биргаликда иш олиб боради.

Ҳозирда компьютер техникаси ва Интернет ривожланиши билан CD-ROM ёки Интернетда виртуал музейлар пайдо бўлди. Виртуал музейлар Интернет тармоғи ёки бошқа турли рақам ташувчилари ёрдамида экспонатларни яқиндан кўра олиш имконини яратиб беради. Дастлабки бундай музейлар сифатида ҳақиқий, реал музейларнинг веб-саҳифалари ўртага чиқди. Кейинчалик ана шу веб-саҳифалар орқали фақатгина виртуал майдонда ҳаракатда бўладиган виртуал музейлар пайдо бўлди.

2001 йилда ICANN махсус олий даражадаги музей – *museum* мақомини белгилаб берди.

Бу эса музейларнинг келажакдаги тараққиёти ҳақида далолат бериб турибди.

АДАБИЁТЛАР

1. *О. С. Сапанжа*. Современный художественный музей: на службе человечеству или человеку? // В поисках музейного образа: Материалы науч. конф. СПб, 2007. С. 6-17.

2. *Криворученко В. К.* Музеи политической истории: проблемы прошлые и современные // Электронный журнал «Знание. Понимание. Умение«. - 2010. - № 6 - История.

3. *Юренева Т. Ю.* Музей в мировой культуре. - РУССКОЕ СЛОВО-РС, 2003. - 536 с.

4. *Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Ўзбекистон тарихи Давлат музейи.* Моддий-маънавий мерос ва умумбашарий қадриятлар. Республика илмий-амалий анжумани. Мақолалар тўплами, Тошкент, 2016.

ЎЗБЕКИСТОН ҲУДУДИДАГИ ДАСТЛАБКИ ИПАК ВА АБРЛИ МАТОЛАР ТАРИХИ

Хакимова О.
К.Беҳзод номидаги МРДИ магистранти

Аннотация

Ушбу мақолада миллий матоларнинг келиб чиқиши ва эстетик тамойиллари ҳамда тарихий ривожланиш омиллари атрофлича тадқиқ этилган

***Калит сўзлар**: миллий мато, ипак, абр, эстетик тамойил, либос.*

Шелковые ткани сохраняют этические и эстетические функции. Интерес к шелкоткачеству, и его историческому развитию в художественном наследии - эпос, музыка, поэзия, танец, и другие виды искусство, способствует сохранению национальных обычаев и традиций.

***Ключевые слова:** национальные ткани, шёлк, абровые ткани, эстетические функции, ожежда.*

The artistic tradition of textile production dates back to the distant past. Silk fabrics retain ethical and aesthetic functions. Interest in silk weaving, and its historical development in the artistic heritage - epic, music, poetry, dance, and other forms of art, contributes to the preservation of national customs and traditions.

***Keywords:** tradition of textile production, silk, abr, aesthetic functions, national customs.*

«Амалий санъат ёрдамида ёшлар онгида миллий ғурур, унутилган тарих аньаналарини қайта тиклаш, ёш авлодни буюк аждодлар номи ва мероси билан фахрланишга ўргатиш, унинг қалбига ватанга муҳаббат туйғусини сингдириш ва анъаналарнинг давомчиси қилиб тарбиялаш муҳимдир»[330]. Ўзбек амалий санъатининг бой анъаналаридан бири бу матога бадиий безак бериш санъатидир. Бу санъат тури э.авв. I-II асрларда Хитойда пайдо бўлган бўлиб, улар ипак ишлаб чиқариш услубини махфий равишда сир сақлашган, вақт ўтиши билан эса Шарқ ва Ғарб давлатлари бу санъат турини яратиш сирини ўрганишди. Бу матолар Хитой матоларидан нақшлари ва ранглар палитраси билан

[330]Р.Муллажонова. Тарихий ўлкашунослик ва туризм. – Тошкент.: Ўқитувчи, 2009. – Б. 55.

фарқ қилади, шунингдек улар дастлабки нусхалардан сифати жиҳатидан қолишмас эди. Дунё ипак тўқимачилиги тарихи ривожланишида Ўзбекистон маълум бир ўринга эгадир.

Шойи тўқиш – Ўзбекистон амалий безак санъатининг энг ноёб ва анъанавий санъатидан бири. Ўзбек шойи матоларининг бадиий устуворлиги ва уларнинг техник усуллари шундан далолат берадики, бу ҳунарнинг тарихий ривожланиши ва бой анъаналари узок йиллар давомида ривожланган. Бу санъат тури Ўрта Осиёнинг ўтроқ кун кечирувчи қадимий деҳқончилик маданияти, йирик аҳоли марказида, савдо-ҳунарли шаҳарларда ва катта аҳоли яшаш ҳудудларда кенг тарқалган бўлган. У Хитойдан қадимий давридаёқ, Буюк Ипак йўли орқали шойига ишлов бериш санъати сифатида кириб келган. Ўзбекистон ҳудудида олимлар томонидан топилган шойи маҳсулотлари бу ерда шойи тўқувчилик ривожланганлигини милоднинг I-II асрида ривож топганлигини саналаштиради. Ўрта Осиё ҳудудларида хусусий шойи ишлаб чиқариш фақат V-VI асрларда йўлга қўйилган, бироқ у Бақтрияда-Тохаристонда аввалдан пайдо бўлган, (замонавий Афғонистонинг ҳудудида, яъни Жанубий Бақтрияда)ги Тиллатепадан топилган шойи буюмлар у ҳақда гувоҳлик беради. VI асрда Сўғдда ипак ишлаб чиқариш кенг йўлга қўйилган. Шундай шаҳарлар қаторида – Самарқанд (Афрасиёб), Бухоро, Варахша, Зондона ва бошқа шахарлар маданий ҳаётнинг марказига айланади. Ғарбий Европада эрамиздан аввалги VII-VIII асрларда Шимолий Кавказ қабрларидан «занданачи» Сўғд ипак матолари топилган. «Зандоначи» ипакли ва ярим ипакли матоларнинг безагида нақшларнинг махсус композициясига эга қатор медальонларда жонзотларнинг тасвирлари ёзилган ва уларнинг орасида ўсимликсимон нақшлар билан тўлдирилган, ов ва қаҳрамонона жанглар саҳналариниг тантанаворлиги, шоҳнинг базмлари ва бошқалар тасвирланган . Бундай сюжетли композицияларида Болаликтепада (Сурхондарё), Тупраққалъада (Хоразм), Афрасиёбда (қадимий Самарқанд), Варахша (Бухаро яқинида)даги шаҳарчлардаги матолардаги суратларда учрайди. «Зандоначи»нинг ярим ипак матоларнинг парчалари Бельгиядги Юм шаҳаридаги черковида ҳам топилганлиги Ўрта Осиё ва Европа билан қадимий алоқалари ҳақида гувоҳлик беради. Бу матолар Сўғддан Европага Шимолий Ипак йўли деб номланувчи йўл

орқали сўғдликлар ва турклар томонидан Кавказ ва Қораденгиз орқали ўтказилган[331]. У ерда ажойиб саройлар ва қасрлар қурилади. Ўзбекистонда V асрдан бошлаб то XVIII асргача ипак матолар ишлаб чиқариш кенг ривожланади. Шойи матолар ўзининг ривожининг эрта босқичларида, Хитой матоларидан ўзлаштирилган сюжетли, рамзий тасвирлардан ва мифологик образлардан иборат композицияларда ўзини намоён этади ва фақатгина VIII асрда Ўрта Осиёга арабларнинг ва улар билан ислом динини келиши натижасида ипак матоларнинг нақшли таркиби, ишланиши ўзгаради. Уларда ўсимликсимон шаклларни стилизацияси кенг қўлланилади. Бу мотивлар- «абрли» чизгилар (абр–арабчадан булут деган маънони англатади). VIII асрда ипак матоларни ишлаб чиқаришни ўша вақтдан то ҳозирги кунгача Фарғона водийси, Бухоро, Самарқанд, Қарши ва бошқа шаҳарлар марказ ҳисобланган. Европада «икат» деб номланувчи ўзбек абрли матоларининг асосий турлари, атлас, адрас ва шойи ҳисобланади.

Темурийлар даври матоларини ўрганиш бўйича муҳим манбалар ўша давр кўпсонли миниатюраларида уларнинг тасвирларини беради. Миниатюра персонажларида шойи ва яримшойи матолар тайёрланиши, улар арабескали (арабча) нақшлар билан безатилган, рангдор ўсимликсимон нақш кўринишида ва тасвирлар фантастик жонзотлар тасвирлари стиллаштирилган. Испан элчиси Руи Гонсалез де Клавихо XV аср бошида Амир Темурнинг Самарқанддаги саройига ташриф буюрган чоғида ўзининг кундалигига катта кўтаринкилик билан қуйидагиларни ёзади: «Элчиларга ипакли ва ўзгача матолардан қилинган кўплаб бой ўтовларни ва бостирмаларни кўрсатишган. Шоҳ ўрдасида ҳаммаси бўлиб қирқ минг ўтов бўлган ва улар ўзида гўзал кўринишни акс эттиради»[332].

Ўзбек ипак тўқувчилигининг ҳақиқий мумтоз намуналари XVIII охири XX асрлар бошлари билан саналаштирилган кўплаб дунёвий музейларда ва хусусий коллекцияларнинг фаҳри ҳисобланади. Бизнинг худудда қўлда ипак тола ишлаб чиқарувчи асосий марказлар Бухоро, Наманган, Марғилон, Тошкент, Самарқанд, Шаҳрисабз, Китоб, Қарши, Ургут, Хива и бошқа

[331]Филонович М. Узоры тканей Занданачи, Фан ва турмуш,1985. №5-6, стр 28.
[332]КлавихоРуиГонзалес «Дневник путешествия в Самарканд ко двору Тимура (1403-1406)» М., 1990г.стр.14.

шаҳарлар бўлган. Таниқли санъашунос А.А.Хакимов таъкидлашича «Бу вақтда Тошкентда 1550 ҳунарманд тўқувчилар бўлган. Фарғона водийси шаҳарлари бўлмиш - Марғилонда, Наманганда, Қўқонда якка ҳунарманд тўкувчилик асосий санъоатлардан бири бўлган. 1896 йилда Марғилонда, Наманганда, Қўқонда 600 та ипак тўқиш устахоналар саналган. 1910 йил Фарғона вилоятида хусусий ипак тўқиш устахоналарида 1387 та 3165та ишчилари ишлашган бўлса, шу жумладан 911 устахонада Марғлонда 2570 та ишчилари бўлган. 1903 йили Хивада 40 га яқин ипак тўқиш дастгоҳлари ва мутлақо яримипакли матолар ишлаб чиқарилган. Самарқанд вилоятида1912йили 237та ипак тўқиш устахоналари, Бухорода 1916 йил – 46та, Қаршида – 19та» ипак тўқиш устахонаси бўлган[333].

Ҳозирги вақтда адрасли, атласли шойи матолар қўлда тайёрланади. Ўзининг тўқилиши бўйича абрли матолар иккита катта гуруҳга бўлинади – биринчиси ипакли, унда асос ва ғалтак табиий ипакдан, шунингдек ярим ипакли матолар адрас нусхалар, уларнинг асоси табиий ипакдан бўлиб, ғалтак эса паҳта толали иплардан иборат. Ипакли матолар ўзига шойилар, атлас, хонатлас турларини, яримипакли матолар ўзларига - беқасам, банорас, пасма, адрас, дуруя, якруя, атлас, бахмал каби турли хилларни киритган. Хонатлас деб номланувчи мато хонларнинг атласи ҳисобланган ва улар «саккиз-тепкилик», «ўн икки-тепкилик дастгоҳларда тайёрланган. Тепкилар сони қанча кўп бўлса абрли расмлар нақшлари шунчалик ёркин бўлади ва эффектли бўлган, тантанавор ва ҳаётий қувончли бўлиб кўринган. Ҳақиқий адрасли матолар нафақат гўзал бўлмасдан, балки, улар аҳолининг турли хил ижтимоий қатлами томонидан кийимлар ва маиший буюмлар сифатида қўлланилган. Булар эркаклар ва аёллар халатлари, аёллар кўйлаклари «курта» ва «калтача», болалар кийими, адрасли ёпинғич «кўрпача», дастурхонлар ва бошқа адрас матоли буюмлар бўлган. Адрасли матоларни кийим учун рангларини ва нақшларини танлашда шунингдек, бошқа миллий матолар билан уғун ҳолатда, ижтимоий-ёш чегараси амал қилади. Энг кўп тарқалганлари: туморча (амулет), тароқ (гребень), гажак (украшение), бодом (миндаль), дарахт (дерево), ой (луна), чақириқ (эхо), капалак (бабочка) ва кўплаб, бошқалар. Шунингдек лолалар,

[333]А.А.Хакимов «Искусство Узбекистана: история и современность». Ташкент. 2010. С.14

атиргул, ва шоирона номдаги бошқа гуллар: «гули номозшом» – тунги гўзал, тонгги гул, қуёш чиқиши давридаги гул, «чаманда гул»[334].Турли шаҳарларда абрли матоларни ишлаб чиқаришнинг ўз услуби, бўёқ ранглари бор. Матолар асосан илдиз, мева, барг ёки ўсимлик гулларини сиқиб, сувли эритмаларини тайёрлаб бўялар эди. Бўёқлар икки ҳил бўлиб улар табиий ва сунъий бўёқлардир. Табиий бўёқлар анор пўстлоғи, пиёз пўстлоғи, испарак, рўян, кошинелъ, индиго, шафран, гулхайридан олинади. Индиго ва кашинель Ҳиндистондан келтирилади, қолган барчаси Ўрта Осиё ҳудудида ўсади. Табиий ранглар ўта сифатли бўлгани сабабли мато ранглари узоқ вақт давомида сақланиб қолади. Ўзбекистон Давлат Санъат музейидаги ипак ва ярим ипакли абрли матолар коллекциялари XIX асрнинг охирлари ва XX аср бошларидаги тўқимачилик ҳолатини акс эттирувчи кўринишини ифодалайди. Ўзбекистон Давлат Санъат Музейида Бухоро усталари томонидан яратилган адрас матоларнинг ажойиб намуналари сақланмоқда. Улар турли туманлиги, нақшларнинг ифодалийлиги ва қизил, оқ рангларнинг устунлиги билан ажралиб туради.Бахмал услубидаги ярим шойи матоларни ишлаб чиқариш бўйича Бухоро тўқимачи усталари ишлари етакчилик қилишар эди. Уларнинг матолари Ўзбекистон Давлат Санъат музейида коллекцияларида кенг намоиш этилган. Ўзбекистон Давлат Санъат музейи фондида XX асрнинг биринчи ярим йиллигида ишлаб чиқарилган Марғилон ипак матоларининг ажойиб намуналари сақлиниб келинмоқда. Мустақиллик даврида Ўзбек ипак тўқимачилик анъаналарини тиклаш мақсадида хусусан Марғилон шахрида бир қанча уста хунармандлар иш олиб бормоқдалар. Улардан Расулжон Мирзааҳмедов, Фазлиддин Дадажоновлар ишлари алоҳида аҳамиятга эгадир.

Ўзбек тўқимачилиги бадиий анъаналари узоқ ўтмишга бориб тақалади. Ипак матоларнинг этик ва эстетик функцияси сақланиб қолган. Ипак тўқимачилигига бўлган қизиқиш, унинг Ўзбекистон бадиий мероси эпос, мусиқа, шерият, рақс ва бошқа санъат турларидаги тарихий бадиий ўрни, ўз нуфузига эга бўлиб, миллий урф – одат ва анъаналарни намоён этади. Адрасли матолар ҳозирги вақтда модалар дунёсида энг талаб катта мато ҳисобланадива абрли матолар рейтингида ҳукумронлик холатини эгаллайди.

[334]Махкамова С. «Узбекские абровые ткани» Ташкент, 1963г. С10

АДАБИЁТЛАР

1. А.А.Хакимов «Искусство Узбекистана: история и современность». Ташкент. 2010.

2. Махкамова С. «Узбекские абровые ткани» Ташкент, 1963г.,

3. Р.Муллажонова. Тарихий ўлкашунослик ва туризм. – Тошкент.: Ўқитувчи, 2009. – Б. 55.

4. Ўзбекистон давлат санъат музейи ноёб хазинасидан. Тошкент. 2014

5. Филонович М. «Узоры тканей Занданачи», Фан ваТурмуш, №5-6,

ҚАДИМИЙ ГАЗЛАМАЛАРНИ САҚЛАШ МУАММОЛАРИ

Саидова *З.М.*
К.Беҳзод номидаги МРДИ ўқитувчиси

Аннотация

Мақола кам ўрганилган муаммо, яъни газламалар хамда турли газламалардан тикилган либосларни сақлашга, уларни турли физикавий ва кимёвий хусусиятларини солиштирма тахлил ўтказиб, қандай сақлаш жараёнини аниқлаш кераклигига қаратилган.

Калит сўзлар: *тадқиқот, омил, газлама, хусусият, сақлаш, жараён, харорат, намлик, табиий ва сунъий ёруғлик.*

Статья посвящена малоизученной проблематике, сохранения тканей и костюмов сшитых из разных тканей, проведения сравнительного анализа химических и физических свойств и выявления установки процессов сохранения.

Ключевые слова: *исследование, фактор, ткань, свойство, хранение, процесс, температура, влажность, естественное и искусственное освящение.*

Article is devoted to a poorly studied perspective, preservations of the fabrics and suits sewed from different fabrics, carrying out the comparative analysis of chemical and physical properties and identification of installation of processes of preservation.

Keywords: *research, factor, fabric, property, storage, process, temperature, humidity, natural and artificial consecration.*

Газламаларнинг келиб чиқиш тарихи узоқ ўтмишга бориб тақалади. Буни биз археологик топилмалар, қадимий тасвирий ва амалий санъат намуналардаги тасвирлардан билишимиз мумкин. Қадимий газламаларнинг ўзи эса, жуда кам миқдорда бўлиб, фақат яқин ўтмишга тааллуқлилари бизнинг даврмизгача етиб келган. Газламалар ўтмишда табиий толалардан, ҳайвонларнинг юнгидан, қўлда ёки тўқув дастгоҳларида тўқилган, пардозлананган ва улар тез эскириш хусусиятига эга. Жун ва табиий ипак газламаларнинг таркибида оқсилларга ўхшаб, кўпгина аминокислоталар бирлашиб тузилган бўлиб, улар пектид билан боғланиб юқори полимерлаш макро молекулалар бирикмасига – ипак– фиброин, ва жун – кератинга айланади. Фиброин ва кератин органик эритмалар ва

кислоталарга чидамли, лекин ёруғлик, бактерия ва замбуруғларга чидамсиз бўлади. Жун ва табиий ипак газламаларнинг таркибида оқсилларга ўхшаб, кўпгина аминокислоталар бирлашиб тузилган бўлиб, улар – СО – МН – пектид билан боғланиб юқори полимерлаш макро молекулалар бирикмасига – ипак– фиброин, ва жун – кератинга айланади. Фиброин ва кератин органик эритмалар ва кислоталарга чидамли, лекин ёруғлик бактерия ва замбуруғларга чидамсиз бўлади. Ипак фиброини эса ёруғликка жуда таъсирчан.Ўсимлик толаларга пахта, каноп, каноптола ва бошқалар киритилади. Целлюлоза C_6 H_7 O_2 $(OH)_3$ – ўсимлик толаларни асоси. У шелог, намлик, қуёш нурларига ва органик эритмаларга чидамли лекин минерал кислоталар унга зарар келтиради Ипак фиброини эса ёруғликка жуда таъсирчанлиги аниқланган.[1, 95]. Газламалар минерал ёки ўсимлик бўёқлар билан бўялган бўлиб, улар олтин, кумуш, дур ва қимматбаҳо тошлар билан безатилган. Тадқиқот жараёнида газламани сақлаш жараёнлари ўрганилди. Бунинг учун аввалambор газламаларнинг физикавий ва кимёвий хусусиятлари, қандай тайёрланиши, турлари, уларнинг шикастланишига олиб келадиган сабаблар хар томонлама ўрганиб чиқилиши лозимлиги аниқланди.

Уларни сақлаш ниҳоятда мураккаб масалалардан хисобланади. Газламаларда доимий равишда эскириш жараёни кузатилиши табиий ва уни тўхтатиб бўлмайди, фақат буни секинлаштириш ва минимумга тушириш мумкин холос. Сақлаш жараёнида асосий ўринни иқлим эгаллайди – бу харорат, намлик ёритиш ва тозалик уйғунлигидир. Харорат – намлик тартибининг беқарорлиги, турли фаслларда кескин ўзгариб туриши газламаларнинг эскириш жараёнини тезлаштирувчи асосий омиллардан биридир. Харорат ва намлик даражасининг газламага таъсир кучи ва тавсифи, кўплаб омилларга боғлиқ бўлиб, газлама тайёрланган материал, унинг тузилиши, турган муҳити шулар жумласидандир. Газлама ва ундан қилинган буюмлар ҳам юқори, ҳам паст намликдан талофат кўради. Бу нарсалар сақланаётган жойдаги ҳавони ифлосланишига қарши курашиш, шунингдек ҳарорат-намлик тартибининг зарур параметрларини сақлаб туриш учун ҳавони чангсизлаштирадиган, тозалайдиган, ҳароратни, намликни меъёрида ушлаб турадиган замонавий ускуналардан фойдаланилади. Ҳарорат-намлик тартибини назорат қилиш

психометр, гигрометр, термометр ёки ўзи ёзувчи ускуналар-гигрограф ва термографлар ёрдамида амалга оширилади.

Бизнинг давримизгача етиб келган газламалар орасида турли кўринишдаги газламалар ва улардан тикилган либослар мавжуд. Газламалар ипларнинг ўрилиши, уларнинг эни, пардоз турлари, ишлатилиши билан бир-биридан ажралади ва уларнинг пишиқлик, киришувчанлик, чўзилувчанлик, қалинлик хоссалари бор. Газламаларнинг пишиқлиги танда ва арқоқ ипларининг пишитилиши ва ўрилишига боғлиқ.[2, 29]. Тадқиқот жараёнида аниқланишича, хар хил турдаги газламалардан ташқари, ҳар хил усулда ишланган газламалар ҳам мавжуд. Нақш билан безатилган, бўялган газламалар, ҳар хил чок услубларида тикилган кашталар, кундалик ва байрам кийимлари учун мосланган газламалар ва хоказо. Газламалар, айниқса кашталарга кўпинча ялтироқ иплар, мунчоқлар, қимматбаҳо тошлар ва бошқа безаклар билан ишлов берилган. Газламаларнинг тури ва улардаги безакларнинг хилма-хиллиги туфайли уларни сақлашда ташқи муҳитнинг таъсири ҳам кучли бўлади. Газлама ва улардан тикилган либосларнинг шикастланишига олиб келадиган сабаблар ҳар хил. Улардан бири-толаларнинг ёруғлик ва иссиқлик ёрдамида кислород билан окисни замбуруғ ва куя капалакларни таъсири ва хаводаги газлар таъсиридан келиб чиқадиган деструкция холати [3, 13]. Бундай омиллар таъсиридан газламаларнинг толалари кейинчалик кукунга айланиши мумкин. Газламаларнинг табиий эскиришини олдини олиш учун, ёруғлик тартибига ҳам риоя қилиш зарур. Ёруғлик таъсирида, айниқса, ультрабинафша нурлари остида, газламалар билан фотокимёвий ўзгаришлар содир бўлиши: улар оқариши ёки рангсизланиши мумкин. Айниқса, табиий ёруғлик таъсири кучли емирувчилик хусусиятига эга. Ёруғлик тартиби газламанинг ранги ва сақланганлик даражасига қараб ўрнатилади. Газламалар сақланадиган хонага 50-75 люкс атрофида ёруғлик бериш тавсия этилади. Ёруғликка энг таъсирчан газлама бу ипак, каноп толалари хисобланади. Газламаларни шикастланишга олиб келадиган омиллардан энг асосийси - бу ультрабинафша нурларига бой бўлган қуёш нури. Бу нурлар таъсирида озон ва водород ҳосил бўлиб, толаларни ва уларни кимёвий-физикавий ҳусусиятларини ўзгаришга олиб келади. Бўёқлардан эса анилик бўёқлар ёруғликка жуда таъсирчан бўлади. Анилик бўёқлар XIX асрнинг иккинчи

ярмидан ишлатилиб келинмоқда. Бу вақтгача бўёқларни тайёрлашда турли ўсимлик ва минераллар ишлатилар эди. Улар ёруғликка чидамсиз бўлиб, сувда тез ювилиб кетарди. Намлик юқори кўрсаткични кўрсатганда толани бузилишига ҳаводаги хлор, аммиак ва олтингугурт газлар сабабчи бўлади. Олтингугурт гази тош кўмирни ёнишида ҳосил бўлиб, сувда эригандан кейин олтингугурт кислотага айланади. Бундай кислота айниқса ўсимлик толалари ва бўёқларга зарар етказади. Юқори намлик ҳам толаларни шикастланишга олиб келади. Намлик юқори бўлганда ёруғлик ҳам кучлироқ зарар етказади. Юқори намлик чанг, моғор ва ҳашоратларни пайдо бўлишига олиб келади. Агар ҳавони нисбий намлиги 80% бўлса газламаларни толаси кенгаяди ва мустахкамлиги пасаяди, нисбий намлик пасайса, толанинг «қуришига» олиб келади ва бундай холатда толаларни юмшоқлиги, эгилувчанлиги йўқолади. Газламаларни микроорганизмлар, ҳашоратлар ва кемирувчилар ҳам шикастлантириши мумкин, шунинг учун биологик тартибга ҳам риоя қилиш зарур. Ҳарорат намлик тартибининг бузилиши, чанг, озиқ-овқат омборхоналарининг газлама ва либослар сақланадиган бинога яқин жойлашган бўлиши, қайта ишлов берилмасдан қабул қилинган, зарарланган газламалар-биологик зараркунандаларнинг кўпайишига олиб келади. Микроорганизмлар-бактериялар ва моғор кўп турдаги газламаларни емиради. Моғорнинг барча турлари кетгазиш қийин бўлган доғ ҳосил қилади, баъзилари эса толаларни емиради. Айниқса, намлик 70%, ҳарорат $+20^0$C бўлса моғорлаш жараёни тезлашади. Моғор замбуруғларини юқтириш, замбуруғ бўлаклари ва ҳаво орқали ўтадиган споралар ёки зарарланган газламалар билан алоқада бўлганда содир бўлади. Шунинг учун моғорланган газлама алоҳида сақланади. Моғорлашни олдини олиш мақсадида формальдегиднинг 2% спиртли аралашмасдан фойдаланилади. Агар ҳавони нисбий намлиги юқори бўлса газламалар моғорлашни бошлайди. Моғорни пайдо бўлиши учун газламалар толасидаги бирикмалар чангдаги ва минерал тузлар асос бўлади. Улар газламаларда пайдо бўлгандан кейин толаларни шикастлантиради ва газламалар ўз ҳусусиятини йўқотади (ранги ўзгаради ва мустаҳкамлиги йўқолади). Ҳавонинг нисбий намлиги ўзгариб турса, газламаларнинг толалари шикастланади ва тез эскиради [1, 111].

Газламаларнинг орасида йиғилиб қоладиган чанг органик ва минерал заррачалардан иборат бўлиб, юқори намликни оксид ёки қотишмалар ҳосил қилиб, толаларга ножўя таъсирини етказади. Бу унсурлар толаларда ҳашоратларни пайдо бўлишига олиб келади. Улардан энг кўп учрайдиган тури куя капалак хисобланади. Газламалардаги чанг вақт ўтган сари кетмайдиган доғга айланади. Қуруқ, яхши ёритилган ва тез-тез шамоллатиб турилган хоналарда моғор пайдо бўлмайди. Занг ва ёғдан қолган доғлар ҳам толаларни шикастланишига олиб келади. Газламаларни ўзининг оғирлиги ҳам толаларни механик шикастлашга олиб келади. Агар турли газламалардан тикилган либослар осилиб турган ҳолатда сақланса, уларни асосий толалари чўзилиб мустахкамлигини йўқотади. Лекин, толалар механик ҳаракат натижасида пайдо бўлган ўзгаришларни бартараф этиб, ўз холатига қайтадиган хусусиятга эга. Шунинг учун либос ёки газламаларни вақти вақти билан олиб горизонтал холатда сақланса улар ўз холатига қайтади. Жуда қадимги тилла ва кумуш кашталар билан безатилган газлама ва либослар фақат горизонтал ҳолатда сақланиши ва намойишга қўйилиши керак. Хулоса қилиб айтганда, тадқиқот натижалари асосида, қадимий, ноёб ва нодир газламаларни физикавий ва кимёвий хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда, ҳарорат-намлик ва ёруғлик тартибини яратиб бериб, эскириш жараёнларини секинлаштириш мумкинлиги аниқланди.

АДАБИЁТЛАР

1. Громина Т., Елкина А. Методика удаления загрязнений с музейного текстиля органическим растворителем перхлорэтиленом //Художественное наследие. № 5 М., 1979. С. 95, 111;

2. Громина Т. Применение оптических методов для исследования степени деструкции волокон в музейных тканях //Исследование, консервация и реставрация тканей и ковров. Науч. семин. Тезисы докладов. М., 1989, С.29.;

БОБУР ВА БОБУРИЙЛАР МЕРОСИНИНГ МУЗЕЙЛАРДА АКС ЭТТИРИЛИШИ

Бегижонов Ж.О.
ЎзР ФА Ўзбекистон тарихи давлат музейи экскурсаводи

Аннотация

Мазкур мақолада жаҳон маданиятида муносиб ўринга эга Бобур ва Бобурийларга тегишли ноёб ёдгорликларнинг музейларда акс эттирилиши ёритилган.

В данной статье освещена Бабур и его потомки ценную информацию, отражающую вклад в мировое культурное наследие, уникальные достопримечательности и рукописи хранятся в музеях, и иметь в виду важность их образования.

The article demonstrates Babur and his descendants valuable information reflecting the contribution to the global cultural heritage, unique Landmarks and manuscripts are kept in museums, and keep in mind the importance of their education.

Истиқлол шарофати билан мамлакатимизда алломаларнинг илмий, маърифий ва фалсафий меросини ўрганиш борасида улкан ишлар амалга оширилди. Башарият тарихининг ижтимоий-сиёсий, илмий-маданий соҳаларида салмоқли ўрин тутган сиймолардан бири буюк ватандошимиз Заҳириддин Муҳаммад Бобурдир. Бобур улуғ шоир ва адиб, қомусий илм соҳиби, моҳир лашкарбоши ҳамда йирик давлат арбоби ҳамдир. У гўзал шеърияти, «Бобурнома» ва бошқа бадиий-илмий асарлари билан ўзбек адабиёти, илм-фани ривожига салмоқли ҳисса қўшган, қолдирган бой маънавий мероси жаҳон маданиятида беқиёс ўрин тутади.

Бу ҳақда гапирганда, 1993 йилда буюк ватандошимиз Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг 510 йиллик таваллуд тўйи юртимизда кенг нишонланганини эслаб ўтиш ўринлидир. Бу қутлуғ сана муносабати билан Андижон шаҳрида улкан ободончилик ишлари амалга оширилди. Чунончи, шаҳар марказида Бобур Мирзо ҳайкали ўрнатилди. Боғишамол тепалигида эса улуғ аждодимизнинг Ҳиндистоннинг Тожмаҳал атрофидаги Ором боғидан ҳамда Қобулдаги қабридан олиб

келинган муборак хоки қўйилган рамзий мақбара бунёд этилди[335]. Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти И.А.Каримов 1994 йил 4-октябрда Андижон вилоятига қилган сафари чоғида Боғишамолдаги Бобур боғининг «Хотира дафтари»га ёзиб қолдирган эсдалик сўзларида шундай деган эди: «Бобур Мирзо номи билан аталмиш Миллий боғнинг, шоир рамзий мақбараси ҳамда «Бобур ва жаҳон маданияти» музейининг барпо этилиши – халқимиз тарихида янги, озодлик замонига қадам қўйилганидан яхши бир муждадир»[336].

Бобур номидаги ҳалқаро жамғарма ташаббуси билан буюк зотнинг қадамжолари бўйлаб бир неча бор илмий экспедициялар амалга оширилди. Экспедиция аъзолари Жануби-Шарқий Осиё, Форс кўрфази ва Яқин Шарқ минтақасидаги қатор мамлакатларда бўлиб, улуғ аждодимизнинг ҳаёти ва фаолиятига оид ноёб ёдгорликлар, илмий далил ва материалларни тўплашга эришди. Жамғарманинг Боғишамолдаги «Бобур ва жаҳон маданияти» музейида Осиё, Европа, Африка ва Америка қитъаларининг ўнлаб мамлакатларидан келтирилган нодир қўлёзма ва нашрлар (айримларининг фото-ксеронусхалари) ҳамда даврий матбуот материаллари сақланади ва ўз навбатида, улар кенг жамоатчилик оммасига, шунингдек чет эллик сайёҳларга беминнат намойиш этиб келинмоқда[337]. Бобурнинг дунё маданияти ривожига қўшган улкан ҳиссаси ҳақида маълумот берувчи бу музей кенг жамоатчиликда, хорижий меҳмонларда катта таассурот қолдирмоқда.

Бобур мероси акс эттирилган яна бир музей Бобур ёдгорлик музейидир. Мазкур музей 1993 йил буюк аллома, саркарда, шох ва шоир Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 510 йиллиги муносабати билан Адабиёт ва санъат музейи бўлими сифатида ташкил этилди. Музейда Бобур ва Бобурийларнинг умумжаҳон маданий меросига қўшган ҳиссасини акс эттирувчи қимматли маълумотлар, фотосуратлар, тарихий адабиётлар, тасвирий ва амалий санъат асарлари ўрин олган. Музейнинг Бобур даврида

[335] Эралиев Б., Остонақулов И., Абдулаҳатов Н. Ўзбекистон зиёратгоҳлари ва қадамжолари; Андижон ва Наманган вилоятлари. Тошкент, “Turon Zamin Ziyo”. 2014. 58-б.

[336] Mustaqillik davri o`zbek me`morchilik va monumental haykaltaroshlik san`ati. Toshkent, 2011. 100-б.

[337] Рустамхўжаев Ш. “Жаҳон маданияти ва Бобур” музейидаги адабиётлар библиографияси. (2012 йил 31 март ҳолатига кўра). Тўлдирилган ва тузатилган 2-нашри. Андижон, 2012. 3-б.

қурилган Ҳожар Нойиб (Арк ичи) ёдгорлигида жойлашган ҳам ўзига хос мазмунга эга.

Алишер Навоий номидаги Давлат адабиёт музейида Бобур ҳаётига бағишланган экспозициядаги ҳар бир ашё, хатто кичик ҳунармандчилик буюмлари ҳам даврнинг оғир синовларидан дарак беради. Кўргазма марказидаги картинада қўлида шамшир тутганча лашкарни жангга бошлаётган Бобур қиёфаси акс этган. У аскарлари билан елкама-елка туриб душманни қарши олмоқда. Давр суронлари улуғ аждодимизни не-не синовларга дучор этганини англаймиз. Рангдор миниатюраларнинг бирида Бобур Андижон қалъасини ишғол этаётган бўлса, бошқасида Самарқандга тантана билан кириб келмоқда. «Бобур Ҳиндистонда» картинаси уларнинг энг таъсирлисидир. Кенг соҳил бўйида ёлғиз турган ҳукмдор олис уфқ сари маъюс боқади. Яқинроқда амиру бекларнинг сояси кўринса-да, буюк шоир учун Ҳинд уммони тўлқинлари бегона экани, она-юрт соғинчи юрагини ўртаётгани сезилади[338].

Сўнгги йилларда Бобур қўлёзмаларини излаш борасида амалга оширилаётган ишлар таҳсинга сазовордир. Бобурнинг шу кунгача ўзбек ва форс тилларидаги шеърларидан таркиб топган Париж Миллий кутубхонаси, Истанбул университети кутубхонаси, тўпқопи сарой Реванд кутубхонаси, Ҳиндистондаги Рампур навоби кутубхонасида сақланиб келаётган қўлёзма девонлари нусхалари асосида Бобур шеърларининг мукаммал матни яратилмоқда. Маданий меросимизни излаш, тўплаш ва тадқиқ қилиш борасидаги тинимсиз изланишлар натижасида Бобур девонининг янги қўлёзма нусхалари топилиб, илмий истифодага киритилмоқда.

Бобурийларга тегишли ноёб осори-атиқалар турли сабабларга кўра дунёнинг турли музей ва кутубхоналарида сақланмоқда. Жумладан, Нью-Йоркдаги Метрополитен музейида Бобурнинг қиличи, Британия музейида Бобурнинг портрети, №1911,0709.7 рақам остида сақланаётган Бобур тангаси. Танганинг бир томонига «Подшоҳ Заҳириддин муҳаммад Бобур», иккинчи томонига «Ла илаҳа иллаллоҳ Муҳаммадун Расулуллоҳ» жумлалари ва уларнинг атрофига айлана бўйлаб, Ҳазрати Умар, Ҳазрати Усмон ва Ҳазрати

[338] Адабиёт кўзгусидаги тарих // O`zbekiston adabiyoti va san`ati, 2015 йил 6 февраль.

Алининг номлари ёзилган (кумушдан ясалган, оғирлиги 4,39 грамм, диаметри 23 миллиметр)[339].

Виктория ва Альберт музейида Бобур сулоласига тегишли Арбидол гилам (518х1037 см), 1656-1657 йилларда Шоҳжаҳон учун оппоқ нефритдан нафис ўйиб ишланган пиёла, Ҳумоюн қўлга киритган кўҳинур олмоси шулар жумласидандир[340]. Дунё музейлари ва кутубхоналарида сақланиб келаётган, юртимизга тааллуқли бўлган ранг-баранг маънавий ва моддий қадриятларнинг ҳар бирини фундаментал илмий тадқиқотларда атрофлича ўрганилишига катта эҳтиёж бор.

Бобурнинг Машҳад музейида сақланаётган ва Бобур ихтиро қилган хат билан ёзилган Қуръони карим қўлёзма нусхаси, Бобур асарлари тўплами қўлёзмасининг Теҳрон Миллий кутубхонасида сақланаётган нусхаларининг ватинизга келтирилиши маданий ҳаётимизда катта воқеа бўлди. Бобурноманинг асл эски ўзбек тилидаги нодир нусхаси Ҳиндистоннинг Ҳайдаробод шаҳридаги Саларжанг музейида, Буюк Британиянинг Оксфорд университети кутубхонасида ва Бобур ва жаҳон маданияти музейларида сақланмоқда[341].

Хулоса қилиб айтганда Бобур ва бобурийлар мероси мамлакатимизнинг йирик музейларида, жумладан, Ўзбекистон тарихи давлат музейи, Темурийлар тарихи давлат музейи, Алишер Навоий номидаги давлат адабиёт музейи, айниқса Фарғона водийси музейлари (Андижон, Фарғона, Наманган, Қўқон ўлкашунослик музейлари ва Фарғона вилоят адабиёт музейи)да юксак даражада ҳаққоний акс эттирилган. Бобур ва бобурийлар мероси тарихий ютуқларимиз ва анъаналаримиз асосида ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда, тафаккури ва маънавиятини, бадиий-эстетик маданиятини юксалтиришда ғоят аҳамиятлидир. Айниқса, ҳорижий давлатларда сақланаётган Бобурийлар меросини ўрганиш, уларга илмий тавсифлар ёзиш, ёш авлодни тарихнинг жонли гувоҳларидан огоҳ этиш муҳимдир. Бобурийларга тегишли олисдаги меросдан нусха олиб, улар ёрдамида кўргазмалар ташкил қилиш бугунги кундаги долзарб муаммолардан ҳисобланади.

---

[339] Ноёб буюмлар // O`zbekiston adabiyoti va san`ati, 2015 йил 13 февраль.

[340] Британия музейлари ва кутубхоналаридаги ўйлар // HURRIYAT, 2015 йил 11 март.

[341] Илмий ҳақиқатларга содиқ бўлайлик // Андижоннома, 2014 йил 12 февраль.

АДАБИЁТЛАР

1.Эралиев Б., Остонақулов И., Абдулаҳатов Н. Ўзбекистон зиёратгоҳлари ва қадамжолари; Андижон ва Наманган вилоятлари. Тошкент, «Turon Zamin Ziyo». 2014.

2.Mustaqillik davri o`zbek me`morchilik va monumental haykaltaroshlik san`ati. Toshkent, 2011.

3.Рустамхўжаев Ш. «Жаҳон маданияти ва Бобур» музейидаги адабиётлар библиографияси. (2012 йил 31 март ҳолатига кўра). Тўлдирилган ва тузатилган 2-нашри. Андижон, 2012.

ХИВА МЕЪМОРЧИЛИГИ: ТАРИХИЙ ВА ЗАМОНАВИЙ АНЪАНАЛАР НУРУЛЛАБОЙ САРОЙИ ТАЛҚИНИДА

Ганиева Ч.Х.
К.Беҳзод номидаги МРДИ
Музейшунослик кафедраси катта ўқитувчиси

Аннотация

Хива хонлари XVI асрдан XX асргача бир қанча саройлар, қабулхоналар, ҳарамлар қурдириб, ўзларининг нималарга қодир эканликларни гўё авлодларга таъкидлаб кўрсатаётгандай туюлади. Хивадаги Нуруллабой саройи энг ҳашаматли, энг жозибали, энг кўркам ва мафтункорлиги билан бошқа саройлардан ажралиб туради.

Калит сўзлар: *Хива, Ичан-қалъа, меъморчилик,саройлар,тарихий бинолар, Нуруллабой саройи*

Хивинские ханы за период с XVI по XX век, построив довольно большое количество дворцов, как бы стремились донести через них до своих потомков своё могущество и богатство и доказать, на что они способны в области зодчества. Дворец Нуруллабай, находящийся во внешнем городе Хивы Дишан-кале своим великолепием, привлекательностью, красотой и очаровательностью отличается от других дворцов, построенных ханами в различные периоды.

Ключевые слова: *Хива, Дишан-кала, архитектура, зодчества, дворцы, исторические памятники, дворец Нуруллабайа*

Khiva khans for the period from the 16th to the 20th centuries, having built quite a large number of palaces, as though they were trying to convey to their descendants their power and wealth and to prove what they are capable of in the field of architecture. The palace of Nurullabay, located in the external city of Khiva Dishan-kale with its magnificence, attractiveness, beauty and charm is different from other palaces built by khans in different periods.

Key words: *Khiva, Dishan-kala, architecture, palace, historical objects, the palace of Nurullabay*

Хива мамлакатимиздаги тарихий шаҳарлар ичида шаҳарсозлик нуқтаи назаридан мўъжизавий қалъа сифатида эътироф этилади. Унинг мўъжизаси шаҳарнинг олис ўтмиши билан

боғлиқлигида, ўз бағрида қадимий шаҳарсозлик қиёфасини бугунги кунгача сақлаб келаётганлигида ва ўзига хос шаҳарсозлик қурилиши, кўринишида намоён бўлади. Шаҳарнинг қадимийлиги кўплаб ёзма манбаларда битилган. X асрда яшаб ўтган араб сайёҳи Истахрий «Хива - нафақат Хоразмдаги, Шарқдаги қалъа ичида қалъа барпо этиш асосида тикланган илк шаҳарлардан бири» деб ёзса, XIX аср муаррихи Худойберди Хивақий «Хоразмнинг қадимий шаҳарларидан бири Рамл ҳисобланади. Рамл сўзи қумга сероб жой маъносини англатади. Эндиликда у Хивақ номи билан машҳур», дея шаҳарнинг қурилиши ва номи билан боғлиқ яна бир тарихий ҳақиқатни қаламга олган.

Ҳақиқатан ҳам, шаҳар 25 аср давомида қадимий шаҳарсозлик анъаналарига амал қилинган ҳолда уч қисмдан - Арк, Ичон ва Дишон қалъалардан иборат тарзда қад ростлаган. Унинг бағрида салкам XV асрлик тарихий иншоотлар, иморатлар мавжуд.

Хива - тарихий қурилиш, бутунлигича бино ва иншоотлар, аслида очиқ ҳаводаги бутун бир шаҳар амалда тарихий ҳолида сақланиб қолган дунёнинг бир нечтагина шаҳарларидан биридир. XVIII аср охири - XIX аср ўртасидаги Хива шаҳрининг монументал иншоотлари гўёки қайтадан барпо этилган шаҳарни ҳосил қилган бўлиб, у бизни бор-йўғи икки-уч авлод усталарнинг ҳаёти давомида қурилиши тезлиги билан ҳайратда қолдиради.

Ҳайратга қолдирадиган айнан шу Ичан-қалъа тақдир тақозоси билан меъморчилик музейига айланди, унинг ёдгорликларида бизга халқ усталарининг энг гўзал асарлари намоён бўлади.

Хива хонлари XVI асрдан XX асргача бир қанча саройлар, қабулхоналар, ҳарамлар қурдириб, ўзларининг нималарга қодир эканликларни гўё авлодларга таъкидлаб кўрсатаётгандай туюлади.

Хивадаги Нуруллабой саройи энг ҳашаматли, энг жозибали, энг кўркам ва мафтункорлиги билан бошқа саройлардан ажралиб туради. Ичан Қалъада иморатлар сони кўпайиб, янги-янги боғ–роғли жойлар қуриш имкони камайгач, Муҳаммад Раҳимхон I ўз ўғиллари Маҳмуд тўра, Муҳаммад тўраларга шаҳарнинг ғарбий томонидан ҳовли жойлар қуриб беради.

Сайид Муҳаммад тўра хон бўлгач, (1856 й) эса бу уйларга яқин жойда бир кўринишхона қурилишини вазири Хасанмурод Қушбегига топширади. Баёний ва Огаҳийларниг ёзишича «Нуруллабой» номи билан машҳур боғдаги янги иморатларнинг

кун чиқар томонида қурилган бу кўринишхона жуда чиройли бўлиб, унга Огаҳий шундай тарих айтган: «Кўринишхона у вало» (улуғ кўринишхона) ушбу сўзлардан абжад ҳисоби бўйича ҳижрий 1276 мелодий 1859 йиллар топилди. Ўз даврида кўринишхонада ёз пайтида очиқ ҳавода қабул маросимлари ўтказилган.[342]

Сайид Муҳаммадхондан кейин тахтга кўтарилган ўғли Муҳаммад Раҳимхон II (1864-1910) хивалик савдогар бой Нуруллабойдан боғини сотишни сўрайди. Шунда Нуруллабой хонга, у аввалдан халқ ўртасида бўлиб келган «Нуруллабой боғи» номини ўзгартирмаса сотишини айтади. Хон розилик билдиради ва боғни сотиб олади.

Шундай қилиб «Нуруллабой» номи сақланиб қолади. Муҳаммад Раҳимхон II Нуруллабой боғи ичида ўғли Исфандиёрхон учун катта бир сарой ва ҳарам (ҳарам-хос жой, номаҳрамлар киритилмайдиган жой, ички ҳовли) қурдиради.

Хива хони Муҳаммад Раҳимхон Феруз томонидан 1884 йилда ўғли, валиаҳд Исфандиёр учун қурдирган. Нуруллабой ҳовлилари 1884 йилдан то 1912 йилга қадар қурилган турли хил бинолар мажмуасини ўз ичига олади. Булар 5 та ҳовлидан иборат: Нуруллабой саройи, Иброҳим хўжа уйи, Арзхона, Кириш қисми, Нуруллабой мадрасаси, Исфандиёрхон расмий қабулхонаси, Тунқотарлар уйи ва европача услубда бунёд этилган истироҳат боғи.

Дешон қалъада Сирчали анҳори бўйидаги бино учун жой танланган. Дастлаб саройнинг биринчи ва иккинчи ҳовлилари, Арзхонанинг бир қисми, Кириш қисми, Иброҳим хўжа уйи ва электр станцияси қурилиши бошланди. Электр станция техника хавфсизлиги нуқтаи-назаридан асосий бинолардан узоқроқда, жануброқда, Сирчали анҳорининг бўйига туширилди. 1897 йилга келиб саройнинг учинчи ва тўртинчи ҳовлилари, Арзхонанинг қолган қисми ҳар хил ҳовузлар қуриб битказилди. 1910 йилда тахтга ўтирган Исфандиёрхон мазкур мажмуада қурилиш ишларини давом эттириб, 1912 йилга қадар мадраса, тунқотарлар уйини, европача услубда саройнинг бешинчи ҳовлисини, янги расмий қабуллар саройи ва истироҳат боғини бунёд эттиради.

Сарой ғиштин ҳар 8-10 метрдан гулдастали баланд девор билан ўралган. Ҳовлилар бир-икки қаватли хоналар ва айвонлардан

[342] Иванин М. Н. Хива и река Амударья. СПб., 1873. С.17.

иборат. Саройга асосий кириш жойи саройнинг жанубий деворида бўлиб, у баланд феруза ранг бантикли ва ғиштлари нақшнкор сиртли пештоқ орқали кирилади.[343] Шимолий томондан сарой деворига ёпиштириб қурилган ўртасида ҳовузи бўлган боғ ва европача тарҳда қурилган бинодан иборат яна бир ҳовли бўлиб, ушбу ҳовли баланд пахса девор билан ўралган. 5-ҳовли рус офицерлари ва амалдоралини қабул қилиш мақсадида Исфандиёрхон томомнидан 1912 йилда барпо қилинган. Саройнинг шарқий томонида алоҳида қурилган Исфандиёрхон қабулхонаси жойлашган. Бино Москва шаҳар архитектори Рооп лойиҳаси асосида европа модерни услубида қурилган. Бинонинг ички деворлари ва шифтлари олтин билан зарҳалланган ганч ўймакорлиги намуналари ва турли рангли тошлар билан безатилган. Бинодан йилнинг барча фасларидан фойдаланиш мақсадида хоналарда қиздириш қурилмалари-каминлар барпо қилинган. Каминлар европача Австрия заводларида тайёрланган кошинлар билан безатилган. Бино томи замонавий европача услубда 4 скатли қора қалин тунакадан ишланган. Хоналарда мўътадил иқлим ҳосил қилиш мақсадида бинонинг жанубий ва шимолий томонларида ложалар ва анъанавий устунли айвонлар қурилган. Бино деворлари ташқари томонлари бир-бирини тўлдириб турувчи европа модерни услубидаги ғишт ўймакорлиги ва Хива миллий гулдаста ва уларга ишланган оқ ва кўк рангли кошинлар билан безатилган. Мажмуада бир неча бор жорий ва мукаммал таъмирлаш-тиклаш ва қайта жиҳозлаш ишлари олиб борилди.

АДАБИЁТЛАР

1. Иванин М. Н. Хива и река Амударья. СПб., 1873.
2. Иванов П.П. Архив Хивинских ханов XIX в. М., 1876.

[343] Иванов П.П. Архив Хивинских ханов XIX в. М., С.187.

МУЗЕЙЛАР ФАОЛИЯТИДА МАДАНИЙ-ТАЪЛИМ ЙЎНАЛИШИНИНГ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Қосимова Ш.
К.Беҳзод номидаги МРДИ ўқитувчиси

Аннотация

Ушбу мақолада мустақиллик йилларида музей фаолиятида ривожланаётган замонавий таълим йўналишлари қамраб олинган. Музейларни халқимизнинг маънавий-маърифий камолотида тутган ўрни ва ёш авлод маънавиятини шакллантириш асоси, музей фондларида сақланаётган халқимизнинг бой меросини авайлаб асраш, ўрганиш, дунёга тарғиб қилиш жараёнлари ҳам таҳлил этилган.

Калит сўзлар*: музей, коммуникация, музей фонди, мерос,тарғибот.*

Музей всей полнотой нашей духовной и образовательной роли, и роли образования молодого поколения, чтобы сохранить богатое наследие в музеях, чтобы содействовать изучению мира, и в сознании молодого поколения национальной гордости и независимости, а также о важности формирования чувства преданности.

Ключевые слова*: музей, коммуникация, музейные фонды, наследие, пропаганда.*

Museum of the fullness of our spiritual and educational role, and the role of the formation of the younger generation, to preserve the rich heritage kept in museums, to promote the study of the world, and in the minds of the younger generation of national pride and independence, and the importance of the formation of the sense of devotion.

Key words: *museum, communication, the museums founds, pride, propaganda*

Истиқлол йилларида миллий мерос, қадриятларга бўлган эътибор йил сайин тобора ортиб бормоқда. Айниқса, бу борада музейлар ва уларнинг фаолияти билан боғлиқ масалалар ривожланиб бормоқда. Музейларни халқимизнинг маънавий-маърифий камолотида тутган ўрни ва ёш авлод маънавиятини шакллантиришдаги ўрни, музей фондларида сақланаётган халқимизнинг бой меросини авайлаб асраш, ўрганиш, дунёга тарғиб қилиш, улардан ёш авлод онгида миллий ғурур ва ифтихор,

истиқлол ва Ватанга садоқат туйғуларини шакллантиришдаги аҳамияти беқиёсдир. Музейга болани ёшлигидан жалб қилиш, аждодлари қолдирган бой маънавий меросни жажжи, мурғак қалбига сингдира олиш Ватанга бўлган муҳаббатини оширишга замин яратади. Бу борада эса музей ходимларининг меҳнати каттадир. Яъни, музейларда болалар учун махсус экспозициялар, кўргазмалар ташкил этилиши, музей залларида турли ёшдаги томошабинларга мўлжалланган махсус экскурсиялар ўтказилиши томошабинда музей тўғрисидаги маълумотни тез ва аниқ олишда катта самара беради. Бундан ташқари, музейларда оилавий ташрифларни кўпайтириш ва улар билан боғлиқ турли қизиқарли ўйинлар, машғулотлар ўтказилиши мақсадга мувофиқдир. Бу борада чет эл музейлари тажрибаларидан фойдаланиш лозим. Дунёнинг ривожланган қатор мамлакатлари музейларида оилавий ташриф кунлари, турли ўйинлар, махсус дастурлар ишлаб чиқилган. Масалан, турли учрашувлар, оила вакилларига мўлжалланган замонавий техник дастурли интеллектуал ўйинлар фикримиз далилидир.

Таълимнинг бугунги вазифаси ўқувчиларни кун сайин ошиб бораётган ахборот – таълим муҳити шароитида мустақил равишда фаолият кўрсата олишга, ахборот оқимидан оқилона фойдаланишга ўргатишдан иборатдир. Бунинг учун уларга узлуксиз равишда мустақил ишлаш имконияти ва шароитини яратиб бериш зарур. Ҳозирги кунда бутун дунёда аҳолиси, айниқса ёшларни музейларга кенг жалб этишнинг янги усули сифатида музейларнинг таълим йўналишини ривожлантириш, аҳолининг турли қатламлари учун таълим дастурларини амалга ошириш йўлга қўйилмоқда.

Республика музейларида маданий-таълим фаолиятини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари қуйидаги тарзда гуруҳлаштирилди:

Болалар музейлари. Мазкур йўналишдаги музейларини республика миқёсида кўпайтириш маданий-таълим фаолиятини ривожлантиришнинг асосий йўналиши ва келажагини белгилаб беради.

Ўзбекистон тарихи Давлат музейининг бу борадаги тажрибаси ўзини ижобий томондан намоён этди. Ўзбекистонда илк бора Ўзбекистон тарихи давлат музейи қошида «Мўъжизалар оламида»

болалар музейи ташкил этилди. Мазкур болалар музейи 4 ёшдан 14 ёшгача бўлган барча болаларга мўлжалланган. «Мўъжизалар оламида» номли болалар музейининг вазифаси - болаларда тарихга оид билимларини ривожлантириб, ёшларни ватанпарварлик рухида тарбиялаш, мустақил фикр юритиш, воқеа ва ходисаларга бефарқ қарамаслик ва энг асосийси ўз моддий-маданий меросини асраш туйғуларини шакллантиришда асосий манба бўлиб хизмат қилмоқда. Хақиқатан ҳам, бугунги кунда музейлар асосан ёшларнинг қизиқиши ва талабини қондирувчи, тарих билан юзма-юз туриб эркин мулоқотга киришга имкон берувчи ягона мўжизавий масканга айланиб бормоқда. Болалар ва ёшларнинг музейга ташрифи давомида экспонатларнинг нусхаларини қўлида ушлаб кўриши, махсус ишланган макетларда археологик буюмларни қидириб топиши, улар билан турли танловлар ташкил этилиши музейга бўлган қизиқиш ва муҳаббатни шакллантиришга ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Виртуал-музей педагогикаси. Замонавий музейшу-носликда маданий-таълим фаолиятини ривожлантиришнинг асосий йўналишларидан бири ҳисобланади. Унинг ташкилий негизи виртуал музей ёки интернетдаги «веб-сайтлардир. Жаҳон миқёсида глобаллашув кучайиб бораётган бугунги кунда музейларн энг замонавий – инновацион шаклини ривож-лантириш муҳим аҳамият касб этмоқда. Кейинги йилларда замонавий технологияларнинг шиддатли тезликда ахборотлар оқимининг кириб келиши музейлар борасида ҳам ўзининг ижобий таъсирини бермоқда. Интернет саҳифаларида музей веб-сайтларининг бўлиши ҳам ҳар қандай томошабин учун ўзи танлаган музей тўғрисидаги маълумотни виртуал тарзда қабул қилишига кўмак беради.

Жамият ривожида маданий-таълим музей фаолиятининг асосий йўналишларидан бири бўлиб, шунга кўра таълим-тарбия функцияси ҳамда музейга ташриф буюрган кенг омма билан ишлашнинг турли аспектлари амалга оширилади. Ўқув, илмий, маънавий-маърифий ишларда самарадорликни ошириш бугунги куннинг биринчи даражали вазифаларидан биридир. Айнан шу йўналишда турли хил категориядаги томошабинлар, музейларга ташриф буюрувчилар билан ишлаш, уларнинг ҳаётий мавқеини

ижодий фаоллиги ва маънавияти ривожига эътибор қаратиш асосий ўринга қўйилади.

Ўтган асрнинг сўнгги ўн йилликларига қадар Ўзбекистонда музейнинг таълим-тарбия дастурлари экскурсия ва маърузалар билан кифояланар эди. Бугунги кунда томошабин билан ишлаш жараёни кўпроқ изланувчанликни талаб этмоқда. Экспозиция яратишда, фазовий бўшлиқни тўлдиришда, яъни интеллектуал ёки жисмоний маконни ҳосил қилишда музей педагогининг фаолияти жуда каттадир. Турли фикрлар, нуқтаи назарлар ва билимлар экспозициянинг муваффақиятли чиқишига замин ясайди. Томошабинга савияли эстетик муҳитни яратиш керак. Агар экспозиция лойиҳаси юқори даражада савияли ва омадли ташкил этилса, барча ашёлар ягона ҳамда яхлит катта билимлар мажмуасини ҳосил қилади.

Республикамиздаги уй-музейлари ва бошқа йирик музейлар фондларидаги буюк тарихий алломалар сиймоси ва ижодига бағишланган бир қатор асарлардан, ёзувчи-шоирларнинг ижоди намуналаридан ёшларга таълим-тарбия бериш, маълум касбга йўналтиришда ижобий фойдаланиш мумкин.

Музей ва таълимнинг ўзаро алоқалари илм ва фаннинг турли соҳалари ҳамкорлигининг самарасидир. Амалиёт шуни кўрсатмоқдаки, музейнинг умумтаълим жараёнига киритилиши, инсонни руҳий ва ахлоқий жиҳатдан жуда тез ўзгариб бораётган оламда фақат яшашга тайёрлабгина қолмасдан, унинг содир бўлаётган ижтимоий-маданий жараёнларнинг фаол иштирокчисига айланишига хизмат қилади.

Билимлар, тасаввур ва ғояларнинг жадал эволюцион динамикаси доимий равишда замонавийликка яроқсиз бўлган мавжудликнинг элементлари ҳажмини ошириб боради. «Музей жамиятда йўқолиб бораётган қадриятларни намойиш этади ва у замонавий жараён таҳдид солаётган абадий умуминсоний қадриятларга эътибор қаратиши мумкин. У маданиятнинг анъаналар билан дахлдорлигини ва изчиллик асосидаги ривожланишида қадриятларнинг мерос сифатидаги аҳамиятини белгилаб беради»[344].

[344] Ракитов А.И. Новый подход к взаимосвязи истории, информации и культуры // Вопросы философии. – 1994. №4. – С.326.

Билимлар, тасаввур ва ғояларнинг жадал эволюцион динамикаси доимий равишда замонавийликка яроқсиз бўлган мавжудликнинг элементлари ҳажмини ошириб боради. «Музей жамиятда йўқолиб бораётган қадриятларни намойиш этади ва у замонавий жараён таҳдид солаётган абадий умуминсоний қадриятларга эътибор қаратиши мумкин. У маданиятнинг анъаналар билан дахлдорлигини ва изчиллик асосидаги ривожланишида қадриятларнинг мерос сифатидаги аҳамиятини белгилаб беради»[345].

Маданиятни бойитишда музей педагогикасининг ўрни беқиёсдир. Музейларда бадиий ва анъанавий қадриятларни сақлаш ҳамда уларни тарғиб этишда таълимий шакл назарий асос саналади. Музейлар фаолияти давомида тўпланган тажрибаларни умумлаштиришни, музейшунослик тарихини ўрганишни жамиятимизнинг бугунги тараққиёти, маданиятимиз ривожининг ўзи тақозо этмокда. Бу борада музейлар илмий-тадқиқот фаолиятининг барча шаклларига тўғри йўналиш берувчи, унинг турли услуб ва воситаларидан самарали фойдаланишга имконият яратувчи музейшунослик ишининг илмий назариясини ҳам эътиборга олиш лозим. Ўзбекистон музейларидаги таълимий фаолиятидаги турли-туман шакл ва методларни аниқлаш, улар тажрибасидан фойдаланган ҳолда, мамлакатимизда янги музейларни вужудга келтириш учун замин ҳозирлайди.

Бугунги кун музейшунослари олдидаги асосий вазифалардан бири, музейга ёш авлодни кўпроқ жалб этиш, музей экспозицияларини янгилаттириш, музей заҳираларини янги экспонатлар билан бойитиш, музейлар қошида турли археологик, этнографик экспедициялар уюштириш, чет эл билан ҳамкорликда иш юритиш, музейни жамият билан боғлаш кабилар муҳим аҳамият касб этади.

АДАБИЁТЛАР

1. Ракитов А.И. Новый подход к взаимосвязи истории, информации и культуры // Вопросы философии. – 1994. №4.
2. Ванслова Е.Г. Музей и школа. М.: Просвещение, 1985.
3. Волкова Е.В. Зритель и музей. М.: Знание., 1989.

[345] Ракитов А.И. Новый подход к взаимосвязи истории, информации и культуры // Вопросы философии. – 1994. №4. – С.326.

ТАРИХИЙ-МАДАНИЙ ОБЪЕКТЛАР АСОСИДАГИ ТАБИАТ ЁДГОРЛИКЛАРИ ВА ПЕЙЗАЖЛАРНИ АСРАШ МУАММОЛАРИ ВА ҚОНУНИЯТЛАРИ

Гаипова М.
К.Беҳзод номидаги МРДИ ўқитувчиси

Аннотация

Ушбу мақолада XX аср бошларида Англия, Швейцария, Швеция, Россия, АҚШ мамлакатларида ёдгорликнинг тарихий-маданий муҳити тушунчасининг пайдо бўлиши ва «маданий ва тарихий пейзаж», «табиат ёдгорлиги» тушунчалари ифодаланиш жараёнлари атрофлича ёритилган.

Калит сўзлар: *ёдгорликлар,тарихий-маданий муҳит,пейзаж, табиат ёдгорликлари.*

В данной статье рассмотрена как в начале XX века, памятники историко-культурной среды и появление понятия «культурно-исторический ландшафт», «памятник природы» концепция намерены выразить в деталях процесс подсветкой в странах Великобритании, Швейцарии, Швеции, России, США.

Ключевые слова: *памятники, памятники историко-культурной среды, пейзаж, памятник природы.*

This article describes how in the early twentieth century, monuments and historical-cultural environment, and the emergence of the concept of «cultural-historical landscape», «natural monument» the concept we intend to Express in detail the process of illumination in the countries of the UK, Switzerland, Sweden, Russia, USA.

Key words: *monuments, historical-cultural environment, cultural-historical landscape, natural monument.*

XX аср бошларида кўпгина мамлакатларда (Англия, Швейцария, Швеция, Россия, АҚШ ва бошқа) ёдгорликнинг тарихий-маданий муҳити тушунчаси фаол ишлатила бошланди, «маданий ва тарихий пейзаж», «табиат ёдгорлиги» тушунчалари фаоллашди. Тарихий пейзаж маданий мероснинг мустақил ва ўз қийматига эга қисми сифатида тан олина бошлади. Ҳозирги вақтда «маданий ландшафт» термини ишлатилади, бунда инсон ва табиат ижодий ҳамкорлигининг натижаси тушунилади. Маданий ландшафт де-юре фақат 1990 йиллардан бошлабгина маданий

мерос объекти сифатида кўриб чиқила бошлади, бу 1972 йилдаги Умумжаҳон табиий ва маданий меросини муҳофаза қилиш тўғрисидаги конвенцияни қўллаш бўйича ЮНЕСКО ҳужжатларига унинг қўшилиши туфайли содир бўлди.

Маданий ландшафтни асраш ғоясининг илдизлари XIX асрда кўпгина малалкатларда пайдо бўлган табиат ёдгорликларини қўриқлашга қаратилган ижтимоий-илмий ҳаракатга бориб тақалади. Дунёдаги биринчи табиий парк (боғ) 1864 йилда АҚШнинг Йосемит водийсида барпо этилганди, у кейинчалик миллий паркка айланди. 1872 йилда АҚШда Йелоустон номли биринчи миллий парк ташкил топди, шу даврдан бошлаб Америкада қўриқланадиган ҳудудлартизимини барпо этишга киришилди[346]. Россияда ноёб ҳудудларни қўриқлашни ҳозирги шаклларда ташкил этиш XX аср бошларида бошланди. Аммо улар утилитар биоресурс аҳамиятига эга бўлган хусусий ҳудудлар эди. Ўша пайтда Россия империясида меросни қўриқлашнинг замонавий мафкурасига яқин икки яққол ифодаланган йўналиш пайдо бўлди. Утилитар-илмий йўналишга Г.А.Кожевников, этикавий-эстетик йўналишга И.П.Бородин ва А.П.Семёнов-Тян-Шанский раҳбарлик қиларди[347]. Бу даврда Европа мамлакатларида, хусусан Швеция ва Швейцарияда биринчи миллий парклар пайдо бўлди.

Бельгияда пейзажларни муҳофаза қилиш 1835 йилда тузилган Ёдгорликларни ва тарихий жойларни қўриқлаш бўйича қироллик комисиясининг дастурига киритилди. Кейинроқ эстетик нуқтаи назардан табиатни қўриқлаш бўйича қатор жамиятлар тузилди[348]. 1895 йилда Буюк Британияда тарихий ёдгорликлар, диққатга сазовор жойлар ва манзарали жойларни муҳофаза қилиш бўйича Миллий траст тузилди. Бундан ташқари пейзажларни асраш билан «Англия қишлоқ пейзажини асраш бўйича кенгаш» кўнгилли ташкилоти ҳам шуғулланди[349]. Францияда Барбизон

[346] Кулушова М.Е. Формы охраны терреторий природного и культурного наследия в США и России // Охрана наследия за рубежом: Опыт прошлого и современные проблемы: Сборник статей / РНИИ культурного и природного наследия; Сост. Е. В. Андреева. Отв. ред. Р. А. Мнацаканян. Москва, 1994. С. 70.

[347] Ўша жойда. С. 79.

[348] Nyns M. La Legislation des Monuments d'art et d'histoire en Belgique // Mouseion. Paris: Office international des musees, 1931. Vol. 17-18. P. 56-63.

[349] Richardson J. S. La protection des Monuments anciens et des Monuments historiques en Grande-Bretagne // Mouseion. Paris: Office international des musees, 1937. Vol. 37-38. P. 156.

мактаби рассомларининг талаби билан Фонтебло ўрмонининг бир қисми 1861 йилда биринчи қўриқланадиган пейзаж бўлди. 1901 йилда Франция пейзажларини ҳимоя қилиш жамияти тузилди, у 1955 йилда Франция пейзажлари ва эстетикасини қўриқлаш жамияти деб қайта номланди. Жамият президенти Шарл Бокьенинг куч-ғайратлари туфайли 1906 йилда Францияда Бадиий аҳамиятга эга бўлган табиат жойлари ва ёдгорликларини ҳимоя қилиш тўғрисида қонун қабул қилинди, убу ишнинг ташаббускори бўлган киши номи билан Бокье қонуни деб аталади. Ушбу қонунга мувофиқ мамлакатнинг ҳар бир департаментида табиат ёдгорликларини ҳимоя қилиш бўйича комиссиялар тузилди (1-модда)[350]. Миллий қонунчиликни яратишдаги муваффақиятдан ташқари мазкур жамият ташаббуси билан 1909 йилнинг октябрида табиат ёдгорликларини асрашга бағишланган биринчи халқаро конгресс бўлиб ўтди[351].

Пруссиянинг табиат ёдгорликларини асраш тажрибаси айниқса ёрқинроқ бўлди, у бошқа Европа мамлакатларига нисбатан кейинроқ пайдо бўлган бўлсада ўзида мужассамлашган пейзажларни музей сифатида қўриқлаш ғояси туфайли кенг эътирофга сазовор бўлди. Немис профессори Гюго Конвенц (1855-1922) бу ғоянинг амалга оширувчиси бўлди, унинг хизматлари туфайли Умумевропа табиат ёдгорликларини муҳофаза қилиш ҳаракати ташкил топди. Г.Конвенц илмий сабабларни рўкач қилиб, унча катта бўлмаган табиий объектлар асосида қўриқхоналар яратиш масаласини кўтарди. Унинг хизматларининг натижаси сифатида 1906 йилда Европада биринчи Табиат ёдгорликларини муҳофаза қилиш бўйича давлат комиссияси тузилди, унга Г.Конвенцнинг ўзи бошчилик қилди[352].

Бу фаолият айрим мамлакатлар доирасида чекланиб қолмади. 1913 йилда Бернда (Швейцария) бўлиб ўтган халқаро конференцияда пейзажларни ва табиатни қўриқлаш масаласини муҳокама қилиш давом этди, буерда ушбу ғояни тарғиб қилишнинг кейинги йўллари белгилаб олинди. Ушбу йиғилишда қатнашган Германия вакили Г.Конвенц тасаввурида миллат ва

---

[350] La Loi pour la protection des sites et monuments naturels: texte, documents et commentaries relatifs a son application / Societe pour la protection des paysages de France. Paris, 1909. P. 3.
[351] Ўша жойда. P. 20-21.
[352] Boiteux L/ La sauvegarde des monuments de la nature (naturdenkmaler) en Allemagne // La Nature. Paris. 1912. № 2043. P. 118-119.

табиатни қўриқлаш ўртасидаги алоқа шунчалик кучли эдики, у табиатни қўриқлаш бўйича халқаро ташаббусларни инкор қилиш даражасига бориб етди. Жумладан, у Берн конференциясида бу масала ватанни ҳимоя қилишнинг бир қисми ҳисобланади ва шу тариқа халқаро эмас, балки миллий вазиф бўлади деб туриб олди. Шундан кейин у келишилган барча халқаро акцияларга халақит беришга бошлади[353]. 1923 йилда Парижда бўлиб ўтган табиатни, табиат ёдгорликларини ва жойларини қўриқлаш бўйича биринчи халқаро конгресс бошқа йирик воқеа бўлди, унинг натижасида Франция мустамлакаларида – Кергелен, Амстердам ва Крозе оролларида миллий парклар барпо этилди.

XX аср бошиданоқ пейзажларни асраш ғояси маданий меросни муҳофаза қилиш бўйича миллий амалиётларда кўзга ташланаётган бўлсада, халқаро даражада бу масаланинг ечими 1930-йилларгача халқаро конференцияларда муҳокама қилишдан нарига ўтмади. Халқаро Музейлар Қўмитаси фаолиятида пейзажларни асраш масаласи батафсил кўриб чиқилмади. Фақат 1972 йилга келибгина Умумжаҳон табиий ва маданий меросини муҳофаза қилиш тўғрисидаги конвенция имзоланди.

АДАБИЁТЛАР

1. Кулушова М.Е. Формы охраны терреторий природного и культурного наследия в США и России // Охрана наследия за рубежом: Опыт прошлого и современные проблемы: Сборник статей / РНИИ культурного и природного наследия; Сост. Е. В. Андреева. Отв. ред. Р. А. Мнацаканян. Москва, 1994. С. 70.

2. Nyns M. La Legislation des Monuments d’art et d’histoire en Belgique // Mouseion. Paris: Office international des musees, 1931. Vol. 17-18. P. 56-63.

[353] Борейко В.Е. Пионер охраны природы Германии Гуго Конвенц и его легендарная книга // Практика охраны памятников природы. Гуго Конвенц. Серия: «История охраны природы». Киев, 2000. Вып. 23. URL. http://www.ecoethics.ru/old/b50/ (дата обращения 30.03.2011).

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ САНЪАТ МУЗЕЙИДА ХАЛҚ АМАЛИЙ САНЪАТИ КОЛЛЕКЦИЯЛАРИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ТАРИХИДАН

Бекенова А.А.
ЎзДСМ бўлим мудири

Аннотация

Мақолада Ўзбекистон Давлат санъат музейи тарихи ва унинг халқ амалий санъати коллекцияларинг шаклланиши йиллари ва босқичлари кўрсатилади. Ўзбекистон халқ амалий санъати намуналарининг музейга келтирилиши, санъатшунос олимларнинг олиб борган экспедициялари ва асарларнинг бадиий қиймати ёритилган.

Калит сўзлар: *музей, экпедиция, амалий санъат буюми, коллекция, безак, каштачилик, фонд, илмий тавсиф.*

В статье показана история Государственного музея искусств Узбекистан, также формирование и поэтапное развитие прикладного искусства. Особенно поступление в музей образцов.

Ключевие слова: *музей, экспедиция, произведение прикладного искусства, коллекция, декор, вышивка, фонд, научной описание.*

In the article will be shown history of state and museum of Uzbekistan and collection of applied art of Uzbekistan the forming years and steps. Samples of applied art museum of Uzbekistan will bringing, cherrying of expeditions of scientists and works illuminated.

Key words: *museum, expedition, applied art items, Collection, decoration, embroidery, fund, scientific research.*

Ўзбекистон Давлат санъат музейи – Марказий Осиёдаги йирик музейлардан биридир. Жаҳон хамда ватанимиз санъатига оид энг нодир асарларни жамлаган бу музей деярли бир асрлик тарихга эга.

Дастлаб музей 1918 йил 19 апрелда ўша давр ҳукуматининг қарорига асосан княз Николай Константинович Романовнинг Тошкентдаги мажмуалари давлат мулки деб эълон қилинди, уйи эса музейга айлантирилди. Шу тариқа музей ишлари қурилиши бошланди ва бино «Туркистон халқ университети» номи билан юритила бошланди[354].

[354] Круковская С.М. "Ўзбек миллий санъатининг хазинаси". Т. 1960. С. 3.

Кейинчалик 1925 йилдан музей «Марказий бадиий музей» номи билан атала бошлади. 1918-1929 йилларда музей (ҳозирги Ташқи ишлар вазирлиги қабуллар уйи)да фаолият олиб боради. 1929-1934 йилларда музей консервация этилди ва фаолият олиб борилмади. 1941-1945 йиллар музей собиқ универмаг биносида фаолият олиб боради.

1948-1966 йилларда архитектор А.Леханов томонидан 1847 йилда Биржа учун қурилган бинода фаолият олиб боради ва 1966 йилда зилзила оқибатида музей фаолиятини тўхтатади. Захиралари эса ўша даврдаги «Қизил Ўзбекистон» колхозига вақтинчалик сақлаш учун кўчирилади. 1967 йилдан музейнинг янги биносини қурилиш ишлари бошланади. Санъат музейининг ҳозирги биноси 1974 йилда қуриб битирилади. Меъморлар И. Абдуллов , М. Розенблам, А. Никифоров уни «замонавий» услубида – ойнабанд куб шаклида лойиҳалаштирдилар. 1974 йил 30-апрелдан музей мазкур бинода фаолиятини бошлайди. Шахсий коллекция асосида ташкил топган бу музей ўз фаолиятининг дастлабки давридан бошлаб маҳаллий санъат намуналарини тўплашга ва уни ўрганишга киришди.

Музейнинг дастлабки иш юритиш хужжатларига қараганда, санъат намуналари асосан қуйидаги йўллар билан:

- Олимлар жамоаси гурухларининг уюштирган экспедициялари орқали;
- Турли археологик қазилма ишларида топилган санъат намуналари музейга олиб келиниши орқали;
- Музейда ташкил қилинган махсус комиссияни сотиб олиш қарори орқали;
- Санъат асарлари муаллифларининг ва коллекционер-ларнинг музейга совғалари орқали жамланган.

1924 –йилда худудий чегараланиш бўлгани, музей олдига миллий санъат бўлими очиш вазифасини қўйди. Маҳаллий санъатнинг бундай ўзига хос тараққиёти музейнинг санъат намуналарини тўплаш фаолиятига таъсир қилди. 1930-йилларда музей бу ишга Тошкентдаги йирик мутахасислар–археологлар (В.Шишкин), меъморлар (С.Полупанов),этнографлар (М.Андреев, П.Гончарова, В. Затворницкая, А. Писарчик, Н. Русинова, Б. Сергеев) ва бошқаларни жалб қилгач, музейнинг махаллий санъат

намуналарини тўплаш фаолияти билан анча самарали ишлар олиб борилди[355].

Халқ амалий безак санъати кишиларнинг маънавий оламини бойитади, бадиий дидини шакллантиради, руҳиятини тарбиялайди. Шунинг учун ҳам ўзбек халқ амалий санъати кишиларни бадиий, ахлоқий, умуминсоний тарбиялаб, уларнинг илмий дунёқарашларини шакллантиришда ҳамда маданий даражасини юксалтиришда энг зарур манбалардан бири ҳисобланади[356]. Шу билан бирга халқнинг ўтмиши, қадриятлари ва келажагини аниқлашда мухим манба ҳисобланади. Айнан сабабли ҳам дастлаб олимлар халқ амалий санъати намуналарини тўплашга киришдилар.

Илк илмий экспедиция 1935 йилда меъмор С.П, Полупанов ва музей фотосуратчиси И.П. Завалин таркибидаги гурух билан ташкил этилган[357]. Улар ўз олдиларига Ўзбекистон меъморий ёдгорликларидаги халқ санъатининг сирланган кошинлар, ганч ва ёғоч ўймакорлиги намуналари билан уйғунлигини ўрганишни мақсад қилган эдилар. Экспедицияда тўпланган кошинлар, ганч ва ёғоч ўймакорлиги намуналари ва фотолар натижасида «Меъморий мерос» номли кўргазма ташкил этилди. Бу намуналардан Ўзбекистонда меъморчилигида замонавий биноларни барпо этишда кенг фойдаланилди.

1936-йилда экспедиция ўз йўналишини қадимий шахарлар Бухоро ва Хивага қаратди. Унга Марказий Осиёдаги халқ амалий санъати профессори М.С. Андреев раҳбарлик килди. Гуруҳ таркибида унинг шогирдлари А.К. Писарчик ва Б.С.Сергеевлар, халқ устаси Абдумалик Абдумаджитовлар бор эди. Улар маҳобатли меъморий ёдгорликлар ва турар жой уйларидаги сирланган кошинлар, ганчли намоёнлар, ўймакор эшиклар, ёғочдан ишланган панжаралар ва бошқа турли безак элемнтларини тўплашга эришдилар. Девонбеги мадрасасига уюштирилган экспедицияда ўша ерлик санъат ихлосмандаридан ўзбек бадиий хунармандчилигига оид жуда кўплаб намуналар олинди. Шундай қилиб, музейнинг меъморий безак, каштачилик, кандакорлик,

[355]Круковская С.М. ”Ўзбек миллий санъатининг хазинаси”. Т. 1960. С. 4.
[356] Булатов С. ” Ўзбек халқ амалий безак санъати”. Т. 1991. С. 8.
[357] Круковская С.М. “В мире сокровищ”. Т. 1982. С. 14.

хаттотлик, қўлёзма китоблар каби ноёб коллекциялари тўпланишни бошлади.

Улар орасида Хива мактабига оид экспонатлар кўпчиликни ташкил этади. Улардан ёғоч устунлар, туара жой уйлари ва масжидлардан олинган ўймакор эшиклар Хива меъморчилик мактаби анъаналарини намойиш қилади. Улар музейнинг ёғоч ўймакорлигини санъатига оид залларида асосий ўринни эгаллайди.

Илмий экспедиция 1937 йилда Марғилон ва Нурота шаҳарларига қараб йўл олади. Профессор М.С. Андреев ва А.К.Писарчик таркибидаги гуруҳ ноёб материалларни кўлга киритади. Марғилондан асосан меъморий безак экспонатлари олинган бўлса, Нурота ўзининг бетакрор композицияли ранг-баранг кашта ва сўзаналарини музейга тақдим этади[358].

Худди шу йили музей Қорқалпоғистонга ҳам экспедиция уюштирди. Унда фотосуратчи И.П.Завалин томонидан ўлка санъатига оид маълумотлар берувчи махсус фотоальбом яратилди. Альбом узоқ йиллар давомида қорқалпоқ санъатини намоён қилиб келди.

Ўзбекистонда 1930-йилларда археология соҳаси анча ривожланади. Қадимий шаҳарлардан жуда кўплаб тарихий археологик буюмлар қазиб олиниши кучаяди. Музейнинг «Қадимги давр санъати тарихи» бўлими ходимлари маданий ёдгорликлар орқали халқнинг бадиий маданиятининг илдизларини ўрганишни ўз олдиларига мақсад қилиб қўяди.

Шу боис, 1938-1939 йилларда музей томонидан археологик ёдгорликларга В.А. Шишкин рахбарлиги остида илмий экспедициялар уюштирилади. Археологлар қадимий шаҳарлардан бири Варахшада қазилма ишларинин олиб боришади. Музейнинг илмий ходими П.А.Гончарова томонидан нодир санъат асарлари хамда археологик материаллар музейга олиб келинади. Натижада эрамизнинг VII-VIII асрларида Бухородаги Варахша хукмдорларининг қасрларини безаб турган ганчдан ясалган меъморий ёдгорликлар музей экспозициясидан ўрин олади.

Илмий экспедиция йил якунларида Бухоро вилоятига йўл олади. Унда Музей ходими Н. В. Русинова томонидан Бухоро бешиклар коллекцияси босма безакли тўплам ва Ургут шахридан эса кўрпачитлари яъни бадиий маточилик коллекцияси жамланади.

[358] Круковская С.М. “В мире сокровищ”. Т. 1982. С. 16.

1939 йили экспедиция аъзолари Нуротадан мармар қабр тошлари коллекциясини музейга келтиришади. 1940 йилда эса уста кулол М.К. Раҳимов носқовоқлар тўплами билан янада музей колллекцияларини бойитади.

Шуни айтиш жоизки, 1935-1939 йилларда халқ санъати намуналарини йиғиш учун республика бўйлаб бир неча экспедициялар уюштирилди. Натижада Ўзбекистон халқ санъатининг барча турларига оид ғоят нодир ва хилма – хил коллекциялар тўпланди, шу билан бирга жуда бой илмий материаллар йиғилди. 30- йилларнинг охирига келиб, музейда 3 мустақил бўлим – Ғарбий Европа санъати, рус санъати, Ўзбекистон тасвирий ва халқ санъати бўлимлари ташкил топди.

Агар 1935-1941- йиллар музей илмий экспедициялар билан машғул бўлган бўлса, 1945-1952- йилларда колллекцияларни илмий тавсифлаш ва илмий инвентаризация рўйхатидан ўтказиш билан шуғулланади. Бу иш билан юқори билимли этнограф олимлар, санъатшунослар жамоаси иш олиб боради. Хусусан, М.А. Бикджанов – заргалик буюмлари, П.А. Гончарова – зардўзлик намуналари, В.С. Затворницкий - кандакорлик, В.Г.Мошков – гиламдўзлик, А.С.Морозов – кулолчилик ва А.К. Писарчик каштачилик ва матосозлик коллекцияларига юқори даражадаги илмий ўрганилган тавсифлар беради.[359]

Кейинги йилларда эса музей тўпламлари музейда ташкил қилинган махсус комиссияни сотиб олиш қарори орқали ва санъат асарлари муаллифларининг ва коллекционерларнинг музейга совғалари орқали жамланиб борилди.

Мустақиллиқ йилларига келиб музейда халқ амалий санъати коллекциялари асосида «Ўзбекистон халқ амалий санъати» бўлими ташкил этилди. Мазкур бўлим бугунги кунда қадар халқимиз анъаналарини намоён қилувчи 25 нафар коллекцияларни ўзида жамлайди. Уларга кулолчилик буюмлари, либослар тўпламлари, ҳаттотлик намуналари, нумизматика, заргарлик буюмлари, бешиклар тўпламлари, меъморий лойиҳалар, халқ безаклари, мармардан ишланган буюмлар, ганчкорлик, ёғоч ўймакорлиги, метал буюмлар, қурол-аслаҳалар, гиламлар, бадиий матолар, каштачилик буюмлари, зардўзлик буюмлари, кўрпачитлар, маиший буюмлар, теридан ишланган буюмлар,

[359] Круковская С.М. “В мире сокровищ”. Т. 1982. С. 21.

қўғирчоқ театри намуналари, мусиқа асбоблари ва қорқалпоқ санъати буюмлари коллекциялари киради.

Музей томонидан тўпланган бой материаллар халқ амалий безак санъатининг ҳар бир тури билан таништириш имконини бермоқда. Бу эса томошабинга асрлар давомида шаклланиб келган чуқур бадиий анъаналар тўғрисидагина эмас, балки бугунги кун усталарининг новаторлик ижодий изланишлари ҳақида ҳам тасаввур беради.

АДАБИЁТЛАР

1. А.Хакимов. Ўзбекистон Давлат санъат музейидаги нақшу нигорли буюмлар жамланмаси // Мозийдан Садо, 2015, №1(65).

2. С.Булатов. Ўзбек халқ амалий безак санъати.- Тошкент,1991.

3. С.М. Круковская. «Ўзбек миллий санъатининг хазинаси», - Тошкент,1960.

4.С.М. Круковская. «В мире сокровищ», - Тошкент, 1982.

МУЗЕЙЛАР ТАРИХИМИЗНИНГ КЎЗГУСИ

Аҳмеджонов Н.А.
Юлдашев Ж.Ж.
ЖВХТХҚТМОИ ўқитувчилари

Аннотация

Ушбу мақолада моддий маданиятимизнинг асосий соҳаларидан бири бўлган Ўзбекистон музейлари ҳақидадир. Музейлар тарихий ёдгорликлар маскани, адабиёт, санъат, урф-одатлари, моддий ва маиший ҳаётимизнинг бир кўриниши, кўзгуси, тасвири тўғрисидаги маълумотлар акс эттирилган.

Калит сўзлар: *музей, таълим, тарбия, тарих, экспонат, осмон остидаги музей*

Это статья, об одной из отраслей материально-культурних ценностей Узбекистана о музеих. Музеи считаются хранилищем исторического зодчества, где изображены литература, национальная культура, духовние традиции и другие стороны нашего Узбекского народа.

Ключевые слова: *Музей, образование, воспитание, история, экспонат, музей под открытом небом*

It was given about one of the major fields of our culture «about museums of Uzbekistan» in this article. In this article it was written about that the museum is historical monuments, literature, art, traditions, scenery of our economic-social life.

Key words: *museum, education, history, upbringing, museum under the sky*

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси биринчи президенти И.Каримов музейларга катта ва юксак баҳо берган эди. И.Каримов айтганларидек музейлар жойлашган даргоҳ бир узук бўлса, музей унинг кўзидир.

Тарих фани ўқитувчилари учун «Музейшунослик» фанининг аҳамияти жуда ката. Ўтмишни ва тарихни ўрганувчи музейларни билмай туриб, ўқувчиларга кенг ва чуқур билим бериб бўлмайди. Бўлғуси тарих ўқитувчилари музейларни ўрганиш, билиш ва уларни ўзлаштириш сирларини билиши керак.

«Музей» (юнонча)- «маданият», «санъат», «адабиёт», «фан саройи», музей (грек) илоҳий бино, уй, жой демакдир. Музей тарбия маскани. «Музика» (юнонча)- товушлар санъати. Демак,

музей санъат, адабиёт, фан, техника, табиат, тарих ютуқлари йиғиндиси сақланадиган сарой. Музейлар қадимий санъат, маданият асарларининг йиғиндиси, асраб сақланадиган гўзал саройлар. Бу ердан туриб ўтмишни, тарихни кўриш, эслаш, сезиш, ўрганиш мумкин. Музей ҳозирги кунимизни ҳам, келажак режамизни ҳам тасвирлайди.

2003 йил 19 февралда биринчи Президентимиз И.Каримов Ўзбекистон тарихи давлат музейида бўлиб, «Музей халқ тарихининг кўзгуси эканлигини назарда тутсак, у шу халқнинг фарзандлари – келажак авлод қалбида фахр ифтихори туйғусини уйғота олиши керак» деди. «Бизнинг вазифамиз эса буюк тарихимизни мана шундай маърифий масканлар ёрдамида авлодларимизга тўлалигича етказиб беришдан иборат». Тарихни чуқур ва кенг билиш, ўрганишда музейларимизнинг аҳамияти жуда катта, чунки музейлар ўз экспанатлари, кўргазмалари билан одилона ҳамда аниқ тарихимизни кўрсатади ва тасвирлайди.

1996 йил 19 октябрь Тошкентда Темурийлар тарихи давлат музейининг очилишида И.Каримов шундай деди: «Амир Темур хиёбони гўзал бир узук бўлса, бу музей шу узукнинг ёқут кўзидур. Бу музейда бизнинг ўтмишимиз ҳам бугунги кунимиз ва буюк истиқболимиз ҳам бамисоли кўзгуда акс этгандек намоён бўлади». Демак, музейларга бўлган қизиқишни, ҳавасни, интилишни кучайтириш керак. Музейларни кўриш, ўрганиш, уларни севиш ҳар бир тарихчи, ўқитувчи учун зарур. Шундай бўлмаса ўқитувчи қуруқ ҳикоячи бўлиб қолади, холос. Ўқитувчи қанча моҳир бўлса, ўз касбини севса, қунт билан ишласа ўқувчилар шу фанни севади, ўрганади ва билимли кадр бўлиб, маданиятли шахс бўлиб етишади. Шундагина таълим билан тарбия ўзвий қўшиб олиб борилади. Таълим ҳақидаги қонун, кадрлар етиштириш тўғрисидаги миллий дастур бизлардан шуни талаб килади. Музейларни аҳамияти, фойдаси, моҳияти жуда катта. Музейларни ўрганиш ўқувчилар ва талабалар билимини мустаҳкамлаш, аниқлаштириш, чуқурлаштиришда қуйидаги белгиларни билиш муҳим аҳамият касб этади:

- Муҳим экспонатларни чуқур ўрганиш;
- Ватанпарвар, интернационал бўлиши;
- Тарихни даврларга бўлишни ўрганиш;
- Музейлар ташкил қилишни ўрганиш;

- Авлодлар тарихини аниқлашни ўрганиш;
- Авлодлар ёдгорликларини қадрлаш;
- Маданий дам олишни ўрганиш.

Тарихий фанларнинг барчаси, турли хил музейлар фаолияти, экспонатлари, расмлари, эски архитектура ёдгорликлари, санъат-иморатлари маҳсулотлари тарихий бадиий асарлар билан ўзвий ва чамбарчас боғлиқдир. Чунки музейлар ўтмишнинг яна тарихни акс эттирадилар, шунинг учун ҳам музейларни ўтмишнинг тарих кўзгуси дейдилар. Барча музейларнинг ходимлари, тарихчилар, адабиётчилар, илмий изланувчилар, ижодкорлар бўлиб ҳисобланади. Тарихий ёдгорликларни билмай туриб, улар ҳақида гапириб бўлмайди. Масалан, айрим ҳужжатли тарихий кинофильмларга тушунтириши берилмайди, фақат музика берилиб турилади. Демак, бундай ҳужжатли фильмлар чаласавод кишилар томонидан тайёрланган. Бу фильмлар кишини унчалик қизиқтирмайди, ўзига тортмайди. Ҳар бир тарихий хужжатли фильм олинар экан, унга кенг тушунтириш берилиши керак. Бу иморатлар қаерда, қачон қурилган, қайси подшолик даврида, қайси усталар томонидан яратилганли айтилиши керак.

Тарихий фанлар адабиёт ва адабиёт музейлари билан алоқада бўлгани маъқул. Тарихий бадиий асарлар жуда кўп материаллар беради. Ана шу материаллар тарихий воқеалар билан солиштирилиши керак. Бадиий адабиётлар тарих фанини бойитади, унга бадиий тус беради, воқеаларни жонлантиради. Музей архивлари тарихий илмий ишлар учун асосий манбалардан бири бўлиб ҳисобланади. Демак, музей архивларини кўпайтиришимиз, асрашимиз ва шу ҳужжатлар асосида илмий ишлар ёзишимиз керак. Бадиий адабиёт тарихий воқеаларни муболағалаштириб бузиб юбормаслиги керак.

Тарихий бадиий асарларнинг асл нусхалари музейларда сақланиши лозим. Тарихчилар асл нусхаларини ўқишлари, ўрганишлари керак. Ўзбекистон олий ўқув юртларининг тарих факультетларида музейшунослик фани ўқув режаларига киритилиб, ўқитилмоқда. Афсуски, бу фандан ҳозиргача дастур, дарслик, қўлланмалар, кўргазмалар йўқ.

Музейлар ўз кўргазмалари билан ўқувчи ва талабаларни дарсларда олган илмларини чуқурлаштиради, мустаҳкамлайди ва уларни хотираларини абадийлаштиради ва ёшлар тарбияси,

маданиятини оширади. Музейлар талабаларга тарихий жумбоқлар муаммолар, ҳали ечилмаган, ёзилмаган тарихий воқеаларни кўрсатиб, ёшларни илмий иш қилишга чақира бошлайди, ташаббускор бўлади. Инсонда эшитишдан кўра, кўриш қобилияти кучли бўлади. Шунинг учун ҳам инсон кўрган нарсаларини хотирасида узоқ сақлайди. Одамлар воқеа, ҳодисаларни ўз кўзлари билан кўриб ўргансалар хотираларида узоқ қолади. Шунинг учун ҳам музейларда нафақат расмлар, ҳайкаллар, экспонатлар бўлиши керак, музейларда телевизор ва видео аппаратлари, тарихий кассеталар ахборот технологияларининг энг сўнгги, замонавий ускуналари бўлиши керак.

Ёш ўқувчилар ўз мактаб музейларини янги расмлар, экспонатлар билан бойитиб боришлари маъқул. Айниқса шу ерли ёши улуғ, тажрибали инсонлар фаолияти ҳақида фактлар, мисоллар тўплаб ўз музейларини ривожлантиришлари мумкин. Бундай изқуварлар қанча кўп ва қизиқувчан бўлсалар музейлар шунчалик бойиб, қизиқарли бўлиб боради. Айниқса очиқ осмон остидаги музей – шаҳарларимиз, ундаги халқ меъморчилиги, мадрасалар, ажойиб иморатлар, масчитлар уларнинг қурилиши тарихи ёшларни қувонтиради, уларни фахрлантиради, ғурурини оширади. Шу билан бирга, биз ёшларга уларни асраб авайлашда жуда катта маъсулият юклайди.

АДАБИЁТЛАР:

1. М.В.Короткова, М.Т.Студеникин. Методика обучения истории в схемах таблицах описаниях.Практическое пособие для учителей.-М.:Владос,1999.

2. X.Ibragimova, Sh. Abdullayeva. Pedagogika nazariyasi. T., “Fan va texnologiya”, 2008.

3. Ж.Х.Исмаилова. Замонавий музейшунослик асослари. Тошкент: Турон Замин Зиё, 2016.

ЖАМИЯТНИНГ МАЪНАВИЙ ҲАЁТИДА РЕКЛАМАНИНГ ТУТГАН ЎРНИ

Шукуралиева Ш.Ф
МРДИ талабаси

Аннотация

Ушбу мақолада дизайн соҳасининг тарихий ривожланиш омиллари ва жараёнлари кўриб чиқилган.

***Калит сўзлар**: дизайн, реклама, интерьер, бадиий таълим .*

В данном статье изучена проблемы развитии дизайна в промышленности и художественном сфере.

***Ключевые слова:** дизайн, реклама, интерьер, художественное образование.*

This article explores the problems of the development of design in industry and the arts.

***Key words:** design, advertising, interior, art education.*

Дизайн инсон ҳаётий фаолиятининг меъморлик ва манзара, интерьер ва либос, ашёлар ва экспозициялар ва бошқа барча соҳаларини қамраб олмоқда. У нафақат бадиий ижод тури, балки жамиятнинг ҳаёти, кишилар дунёқараши ва эстетик дидининг мезони ҳам бўлиб қолмоқда.

Дизайн бадиий ижод соҳаси сифатида XIX аср охирида вужудга келганлиги ҳақидаги фикрга тўла маънода қўшилиш мумкин. Бу пайтда Буюк Британияда капиталистик муносабатлар, ишлаб чиқаришнинг жадал ривожи, бозор муносабатларининг фаоллашуви, маҳсулотни бозорда сотиш кабилар билан чамбарчас боғлиқ саноат ишлаб чиқариши жадал тараққий этган эди. Айрим мутахассислар эса бу фикрни инкор этишиб, дизайн қадимдан мавжуд ва у анъанавий маданиятда ўз аксини топган, деган қарашни илгари суради.

Ўзбекистонда мустақилликнинг илк йилларида ислоҳотларнинг изчил, босқичма-босқич ўтказилиши натижасида бозор муносабатлари шаклланди ва тобора ривожланмоқда. Мулкчиликнинг турли шаклларида хўжалик юритувчи субъектларнинг пайдо бўлиши, ички ва ташқи бозорда рақобатнинг кучайиши рекламанинг жамиятдаги ролини кучайтирди. Бунинг натижасида мамлакатда реклама

фаолиятининг ҳуқуқий асослари яратилди, реклама бозори шаклланди.

Реклама – истеъмолчилар фаолиятига ўзига хос воситалар ёрдамида таъсир ўтказишнинг шакл ва усуллари ҳақидаги фан бўлиб, унинг амалий хусусияти реклама буюртмачилари, реклама агентликлари, оммавий ахборот воситаларининг истеъмолчига биргаликда муайян таъсир ўтказишдан иборат кундалик реклама фаолиятида аниқ ифодасини топади. Бундай ёндашиш рекламанинг психология, социология ва «Реклама психологияси», «Реклама социологияси», «Рекламада маданиятлараро алоқа» каби бошқа фанлар билан ўзаро алоқаларни кузатиш имконини беради ҳамда реклама ҳақидаги билимларни мустаҳкамлаб боришни таъминлайди.

Реклама яратишнинг бевосита ижодий қисмига келсак, бунда асосий эътибор қуйидаги масалага қаратилиши лозим: реклама товар ёки хизмат кўрсатиш турининг харидор бўлиши кутилаётган шахс эътиборини жалб этиш учун ифодали ва бетакрор бўлиши лозим. Кутилмаган, эстетик жиҳатдан пухта ўйланган реклама истеъмолчининг диққатини ўзига тортади – бу эса рекламада алоқа ўрнатишнинг биринчи босқичидир. Бироқ рекламада «бетакрорлик» ягона мақсад бўлмаслиги керак, чунки истеъмолчини аниқ манфаат қизиқтиради. Ушбу муаммонинг моҳиятини жаҳон реклама назариясининг классиги Дэвид Огилви жуда аниқ ифодалаб берган: «Шахсан мен реклама тижоратига кўнгилочарлик ёки санъатнинг бир тури деб эмас, балки ахборот манбаи сифатида қарайман. Мен реклама маҳсулотини яратганимда оддий истеъмолчи асло унинг «креатив»лигидан, яъни ноодатий ижодий топилмасидан ҳайратга тушиши керак эмас. Менга энг муҳими: ҳаридор шу даражада қизиқиб қолсинки, бориб, реклама қилинаётган маҳсулотни сотиб олсин». Самарали рекламани яратиш учун реклама маҳсулотини режалаштириш, яратиш, жойлаштириш ва ҳуқуқий тартибга солишнинг назарий асосларини билиш лозим.

Реклама – номаълум шахслар доирасига қаратилган ҳамда реклама объектига эътиборни жалб қилиш, унга қизиқишни шакллантириш ёки сақлаб туриш, уни бозорда олға силжитишга йўналтирилган, ҳар қандай усул ҳамда шаклда, ҳар қандай воситалар ёрдамида тарқатилган ахборотдир.

«Реклама тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида рекламага қуйидагича таъриф берилган: «Реклама – бевосита ёки билвосита фойда (даромад) олиш мақсадида юридик ёки жисмоний шахслар, маҳсулот, шу жумладан товар белгиси, хизмат кўрсатиш белгиси ва технологиялар тўғрисида ҳар қандай шаклда ва ҳар қандай воситалар ёрдамида қонун ҳужжатларига мувофиқ тарқатиладиган махсус ахборот».

Рекламанинг юқорида келтирилган таърифларини таҳлил қилиб, унинг моҳияти, хусусиятларини санаб ўтиш мумкин. Яъни реклама:

- ахборот етказиш воситасидир (коммуникация);
- у аниқ бир шахсга эмас, балки аҳолининг у ёки бу белгисига кўра ажратилган қисмига (мақсадли истеъмолчиларга) йўналтирилган;
- ахборот етказиш тўлов асосида амалга оширилади;
- ахборот етказиш воситалари орқали тарқатилади, яъни реклама элтувчилар;
- мақсадли истеьмолчиларга таьсир ўтказишни ўзига режалаштириб қўяди;
- реклама берувчини аниқлаштиришга имкон беради.

Эхтиёжларни давлатнинг ижтимоий иқтисодий сиёсатига муофиқ равишда шакллантириш, рекламанинг асосий мақсади ва вазифаси ҳисобланади.

Реклама шахснинг ўзни бахолаши, воқеликни чуқур идрок этишда фаол иштирок этади, инсонларнинг ҳаётдаги мақсадлари шаклланишига таьсир кўрсатиб, жамият ҳаётида мухим ахамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 29-моддасида «Ҳар ким ўзи истаган ахборотини излаш, олиш ва уни тарқатиш ҳуқуқига эга» эканлиги кафолатлаб қўйилган. Реклама хам ана шу ҳуқуқни амалга оширишга хизмат қилади.

1998 йилда «Реклама тўғрисида»ги Ўзбеккистон Республикаси Қонунининг (2002, 2003, 2005, 2006, 2008, 2010-йиллардаги қўшимча ва ўзгартиришлар билан) қабул қилиниши реклама фаолиятининг хуқуқий асосларини яратди.

Ушбу қонунга биноан рекламага нисбатан куйидаги асосий талаблар қўйилган;

-қонунийлик;

-ишончлилик;

-рекламадан фойдалаувчига зарар етказмайдиган шакллар ва воситалардан фойдаланиш.

Бугунги кунда тадқиқотчилар томонидан матбуот рекламаси, босма реклама, телевидение ва радиодаги реклама, ташқи реклама, транспорт ва интернетдаги рекламалар ўрганилиб бу мавзулар бўйича илмий мақолалар чоп этилган. Ўқиш ва изланишимиз натижасида айнан босма рекламага кирувчи «қадоқ» (упаковка) рекламаси бўйича Ўзбекистонда тадқиқотлар деярли олиб борилмаганлигига гувоҳ бўлдик. К.Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти Реклама ва амалий дизайн йўналишида Ғилоф конструкцияси, Полиграфия маҳсулотлари ишлаб чиқариш фанлари кўп йиллик тажрибага эга бўлган мутахассислар томонидан ўтиб келинмоқда. Бу фанлар орқали талабалар айнан миллий анъаналаримизни сақлаган ҳола янги қодоқлаш намуналарини яратиб, амалиётга тадбиқ этмоқдалар.

Қодоқ – маҳсулотни муҳофаза этувчи қоғоз ёки бошқа турдаги қоплама. Қадоқ албатта истеъмолчилар эътиборини тортадиган реклама воситасидир. Қадоқ товар ҳақида маълумотларга эга бўлиши билан бир қаторда, қуйидаги хусусиятларга ҳам эга:

- товарни бошқалардан ажратиб туради;
- вербал ахборотни етказиш имкониятига эга (матн осон ўқилиши, икки маъноли бўлмаслиги, графика унсурлари мавжуд бўлиши);
- қадоқнинг нуфузлилиги (қимматбаҳо қадоқ товарнинг сифатли эканлигидан далолат бериб, доим ҳаридорни ўзига жалб этади).

Реклама фаолиятида янги ғоялар топиш, уларни баҳолаш нафақат ихтисослик фанларини ўқиш, балки дизайн йўналишдаги фанларни ўрганиш жараёнида ҳам шаклланиб боради. Шу боис реклама соҳаси бўйича дизайн таълими асосларини чуқур ўзлаштирган, замон талабларига мос фаолият кўрсата оладиган мутахассислар тайёрлаш муҳим масалага айланмоқда.

4 ШЎЪБА. УМУМБАШАРИЙ ҚАДРИЯТЛАРНИНГ ЁШЛАР ТАРБИЯСИДА ТУТГАН ЎРНИ

ТАРИХИЙ РЕАЛИЗМНИНГ ТАСВИРИЙ САНЪАТДАГИ НУҚТАИ НАЗАРЛАРИ

Иноятов Қ.Ҳ.
т.ф.д. проф.,
Маматов У.Н.
К.Беҳзод номли МРДИ
катта илмий ходим-изланувчи.

Аннотация

Мақолада тасвирий санъатни тарихий жанр асарлари, маданий ва маънавий ҳодиса мезонлари – ёш авлодни тарбиялашда муҳим омиллардан бири эканлиги тўғрисида сўз юритилади.

Калит сўзлар: *маданият, тасвирий санъат асарлари, ёш авлодни тарбиялаш, ижод, тарихий жанр.*

В статья рассматривает произведения исторического жанра изобразительного искусства, являющиеся феноменами культуры и духовно-ценностными ориентирами, важными факторами воспитания подрастающего поколения молодёжи.

Ключевые слова: *культура, произведения изобразительного искусства, воспитание подрастающего поколения молодёжи, творчество, исторический жанр.*

Fine arts work of the historical genre are phenomena of culture and spiritual value-orientation, which are considered as important factors in bringing up young generation.

Key words: *culture, fine arts work, bringing up of young generation, creativity, historical genre.*

Чингиз Айтматов шахсининг феномени мисолида, дунё маданиятининг бир қисми бўлган, жаҳон маданиятига сўз рассомининг таъсири, унинг дунёқараши айтиш мумкинки, у томонидан ташкил қилинган халқаро форумларнинг шиори «Ижод орқали яшаб қолиш» бўлиб келган ва бўлишда давом этмоқда[360].

[360] Бер А.И. Чингиз Айтматов: мир «… как сложная мозаика национальных культур Востока

Чингиз Айтматов айтардики, «Инсоннинг ер куррасида бўлиш ёки бўлмаслиги»[361], шунга боғлиқки, маданият ва санъатнинг асосий мақсади – инсоннинг бутун инсоният наслининг бирлиги ҳақидаги фикри билан тўлдирадиган инсон ҳақидаги ҳикояси бўлиши керак.

Постсовет маконида, янги авлоднинг бир қисми, шахсий юксалиш ва шахсий фаровонликдан бошқа қадрият ва олий мақсадни билмайдиган ва ҳалқ манфаатлари йўлида ўзининг иштирокини кўрмайдиган «Ғоявий бўшлиқ» ҳолатида тарбияланган. Бундай маънавий муҳитда ижтимоий мустаҳкамликка, барқарор ривожланишга эришиш, миллий бирликни сақлаш муаммоларини ечиш қийиндир. Шу сабабдан, Ўзбекистон санъати диққат марказида миллий ва умуминсоний қадриятларни сақлаш, маданий хилма-хиллик ва ўзига хослик каби масалалар туриши керак. Санъатнинг вазифаси ёш авлодда ўз юртининг маданий қадриятлари ва ҳалқига нисбатан иззат-ҳурматни юзага келтиришдир.

Санъат асарларида баённинг халқпарварлиги ва ҳаққонийлиги уларнинг яратилишини қатъий шарти бўлиши керак. Аввало, айнан бу шароитлар санъат ва адабиётни фойдали ва таъсирли қилади. Агар санъат ҳаёт ҳақиқатидан ҳоли бўлса, улар инсоният маданияти ва маънавияти хазинасига кира оладими? Бу ерда Алишер Навоийнинг шеърларига эътибор қилиш зарурдир:

«Агар ғазал маъносиз бўлса,
Жарангдор бўлса-да қадрланмас.
Агар сўз ҳақиқат оловида ёнса,
У тошни ҳам сувга айлантиргай»[362].

Бу сўзлар дастур амал бўлиб, Алишер Навоий шеърияти билан таниш бўлган ва улар томонидан тарбияланган, нимадир янги ва ажойиб нарса яратаётган барча ижод аҳли учун сўзсиз қоида бўлиб келган.

Чингиз Айтматовнинг бадий ижодига ва тинчлик ўрнатшга қаратилган вазифасига қайтар эканмиз, шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, у жаҳон маданиятига муҳим ҳисса қўшган. «Ажойиб

и Запада». [Электронный ресурс]. Режим доступа: https://infourok.ru/chingiz_aytmatov_mir__kak_slozhnaya_mozaika_nacionalnyh__kultur_vostoka_i_zapada-374251.htm

[361] Ўша жойда.

[362] Алишер Навои - Поэмы. Издательство: Художественная Литература, Москва. Библиотека всемирной литературы. Серия первая; т.26. 1972 год, с-10.

Иссиққўл кўлининг қирғоғида, 1986 йилнинг октябрь ойида Иссиққўл форуми номини олган биринчи Форум бўлиб ўтди. Дунёвий тафаккурга эга бўлган инсон, Чингиз Тўрақулович Айтматов биринчи форумга илғор мутафаккирлар, ижтимоий арбобларни, ёзувчилар, актёрларни ва рассомларни тўплади. Мазкур норасмий форум Шарқ ва Ғарбнинг дунёга таниқли интелектуалларини кўп қутбли, ваҳимага солувчи дунёда нималар содир бўлаётганлиги ҳақида фикр юритиш мақсадида тўплади. Ўзларининг тартиб қоидалари билан машҳур, умуминсоний қадриятлар учун курашувчи, дунёни ирқларга, конфессионаликка, миллий ва бошқа камситувчи белгиларга бўлмайдиган инсонлар онгида нималар юрганлигини билиш мақсадида. Дунёни яхшироқ қилиш учун унга қандай таъсир қилса бўлади. Биринчи форумнинг иштирокчилари кўпгина саволларга жавоб қидирдилар. «Янги ёндашув», «Янги фикрлаш». «Дунёга янгича қараш» каби тушинчалар биринчи марта эшитилди. Шу тариқа, Чингиз Айтматовнинг Иссиқ кўл форуми янги фикрлашнинг ибтидоси бўлиб қолди.

Миллий республикаларнинг 1991 йилда мустақилликка эришуви миллий онгнинг ривожига, ҳамда шу вақтда ҳаётнинг барча соҳаларида бирлашув сиёсати шиддат билан юзага кела бошлади. Бундай ҳолатда, қарама-қарши омиллар даврида дунёда умумий маданий тарихий ибтидони топиш каби давримизнинг ўткир саволларига жавоб топиш ётар эди. Учинчи Иссиқ кўл форумида олий таълим муассасалари, ижтимоий ташкилотлар, жамиятшунослик, маданиятшунослик, таълим, тарих, санъатшунослик бўйича мутахасисслар вакиллари, Россия, Украина, Қозоғистон, Ўзбекистон, Қирғизистон, АҚШ ва бошқа МДҲ давлатлари оммавий ахборот воситалари вакиллари гуманитар кенглик ва маданий ўзаро таъсир каби соҳаларнинг муҳим масалаларини муҳокама қилдилар. Форумда шу нарса таъкидлаб ўтилдики, замонавий шароитларда маданият Гёте формуласи билан «Миллатлардан устун - инсоният»[363] ифодалаш мумкин бўлган ягона тўғри ёндашувни таклиф қилади.

[363] Бер А.И. Чингиз Айтматов: мир «… как сложная мозаика национальных культур Востока и Запада». [Электронный ресурс]. Режим доступа: https://infourok.ru/chingiz_aytmatov_mir__kak_slozhnaya_mozaika_nacionalnyh__kultur_vostoka_i_zapada-374251.htm

Тасвирий санъат хам ҳалқнинг маънавий маданиятининг ривожланишига ва ўсиб келаётган авлодни маънавий тарбияси учун хизмат қилиши керак.

Ўтган асрларда ва замонавий санъатда маънавий ривожланиш, инсониятни тарбиялашга хизмат қиладиган тасвирий санъатда тарихий жанрда яратилган асарлар мисоли кўпдир. XVI асрда машҳур голланд рассоми Рембрандт Ван Рейн ўзининг зўр маҳорат билан ишланган ёшлар учун катта тарбиявий аҳамиятга эга бўлган «Ноқобил фарзаднинг қайтиши» номли суратини яратди.

Ўғил ота-онадан ўзининг меросдаги улушини талаб қилган ҳолда уларнинг дуосини олмасдан кетиб қолади. У ўзининг меросдаги улушини қимор ўйинларига ва фараҳбахш базмларга сарфлайди. Қашшоқлашиб қолиб у ўз уйига қайғудан кўзи кўр бўлиб қолган отаси олдига қайтади. Суратда ўғил отасидан кечирим сўраб тиз чўккан ҳолда турибди. Унинг боши ва оёқ панжаси яра билан қопланган, эгнида олдин бойлар кийими бўлган йиртилган кийим. Кўзи ожиз ота ўғлини эгилган ҳолатда елкасидан силамоқда. У уни кечиради. Бу сурат калтафаҳмликнинг, ёшликнинг ўзбошимчалиги ва оталарнинг кечиримининг юксак бир мисоли бўлиб хизмат қилади ва ёшларни катта авлодга нисбатан ҳурмат руҳида тарбиялайди.

Инсонларнинг умумий улуғвор мақсадга эришишдаги ҳамкорликларининг мақсадга мувофиқлигини кўрсатувчи мисоллар келтириш мумкин. Машҳур рассом Камолиддин Беҳзоднинг– «Хаварнак қасрининг қурилиши» миниатюраси мисол бўлади. Фақатгина бирлашган ҳолда келажак биносини қуриш каби олий жаноб мақсадларни қўйиш мумкин. Миниатюра асосида, чуқур фалсафий фикр ётади. Фақатгина бирлашган ҳолатда инсоният Ер куррасида умумий макон қура олади. Мусиқада минатюранинг парафрази мавжуд, Бетховен тўқизинчи симфониясининг тўртинчи қисми бугун инсонларни бирлашишга ва ҳамкорликка чорлайди. У Европа Иттифоқининг мадҳиясидир.

Оналар ўғилларининг ҳаётини уришга берса бу инсоният фожиасидир. Душманлик оналардан улар учун энг улуғ бўлган болаларининг ҳаётини олиб кетади ва уларга улкан қайғу ёғдиради. Буюк шоир Алишер Навоийнинг ўз шеърларида «Бутун дунё аҳли шуни англангки, ёвгарчилик энг ёмон иш, бир –

бирларингиз билан дўстликда яшанг, бундан яхшироқ нарса йўқдир» деб айтиб ўтгани бежизгамасдир[364]. Балки, бу ҳақда ҳайкалтарош Микеланджело Буанорроти Юқори Ренессанс даврида, XVI асрда ва бизнинг замондошимиз Илҳом Джаббаровлар ҳам ўзларининг «Аза тутиб йиғлаш» ва «Мотамсаро Она» асарларида шу ҳақда ўйлаган бўлишлари мумкин.

Агар бу турли даврларда яратилган, аммо ягона фикрни, ягона ғояни англатувчи ҳайкалларни тадрижий таҳлил қиладиган бўлсак, биз иккала онанинг ҳам ўғиллари учун қайғудалигини кўрамиз. Ҳайкаллар турли материаллардан ишланган – «Аза тутиб йиғлаш» мармардан ва «Мотамсаро Она» бронзадан ишланган. Бу материаллар умри боқий ҳисобланади. Улар тасвирий санъат усталарининг чуқур ўйларини очиб беришга хизмат қилади. «Аза тутиб йиғлаш» ва «Мотамсаро Она» асарлари Италия ва Ўзбекистон ҳалқи томонидан энг қадрланадиган ва энг машҳур ҳайкаллар ҳисобланади.

Юқорида айтиб ўтилганлардан шундай хулоса қилиш мумкинки, тасвирий санъатнинг асосий вазифаси ривожланган ақл заковатли, ўз ҳалқининг ва бутун инсониятнинг яшаб қолиши учун чуқур маъсулият ҳис қилувчи инсонни тарбиялашда маънавий йўналиш бўлиб хизмат қилади.

АДАБИЁТЛАР

1. Алишер Навои - Поэмы. Издательство: Художественная Литература, Москва. Библиотека всемирной литературы. Серия первая; т.26. 1972 год.

2. Бер А.И. Чингиз Айтматов: мир «… как сложная мозаика национальных культур Востока и Запада». [Электронный ресурс]. Режим доступа: https://infourok.ru/chingiz_aytmatov_mir__kak_slozhnaya_mozaika_nacionalnyh__kultur_vostoka_i_zapada-374251.htm

[364] Алишер Навои - Поэмы. Издательство: Художественная Литература, Москва. Библиотека всемирной литературы. Серия первая; т.26. 1972 год, с-29.

ПЕРСПЕКТИВЫ РАЗВИТИЯ ОТЕЧЕСТВЕННОГО ДИЗАЙН-ОБРАЗОВАНИЯ

Чурсина В. А.
профессор НИХИД им. К. Бехзода

Аннотация

В статье рассматриваются вопросы современного отечественного образования в сфере дизайна одежды и тенденции его развития и взаимосвязи с ведущими концепциями мировой и многочисленных национальных проектных культур, а также взаимодействие профессиональной дизайнерской деятельности с процессом рыночной интеграции и глобализации.

Ключевые слова: *современное образование, дизайн одежды, костюм, традиции.*

The article deals with the issues of modern domestic education in the field of clothing design. Trends in its development and interrelations with the leading concepts of world and numerous national project cultures, as well as the interaction of professional design activities with the process of market integration and globalization.

Наряду с хорошими перспективами для учебных заведений, готовящих дизайнеров одежды, растущая конкуренция на образовательном рынке вынуждает решать ряд взаимодополняющих задач. В настоящее время условия производства изменились, в связи с чем, товарный голод отсутствует, рынок насыщен модной одеждой. Сегодня требуются дизайнеры, обладающие знаниями законов рыночного развития. Нужны специалисты, которые не только могут создавать прекрасные модели, но и способствовать их продвижениюи реализации на рынке модной индустрии. В связи с этим,необходимо учитывать современные требования, предъявляемые к дизайнерам одежды.

Способность индивидуально мыслить – насущная потребность современного общества. Индивидуальная выразительность, оригинальность – основная цель обучения дизайну костюма. Только в процессе обучения, можно воспитать творческую инициативу, помогающую создавать коллекции одежды, удовлетворяющие запросам общества, мировым, международным стандартам. Программа подготовки специалиста по дизайну костюма сегодня

должна быть ориентирована на развитие творческого потенциала, творческой выразительности каждого учащегося. Фундаментальная роль в развитии, становлении творческой личности сегодня, принадлежит формированию ассоциативно-образного мышления, как главного метода художественно-познавательной деятельности.

Дизайнер одежды - это не просто художник с творческим воображением, эстетическим чувством, фантазией, но он ещё и аналитик, обладающий исследовательскими способностями, умеющий анализировать не только научные данные и факты, но и политические события, и мировые катаклизмы, а так же психолог и философ, осмысливающий и учитывающий явления и тенденции развития общественной жизни, национальные традиции, вкусы и потребности различных групп населения. Это необходимо учитывать при разработке и использовании методов преподавания специальных дисциплин. Необходимо уделять достойное внимание развитию теоретических основ в сфере обучения дизайну костюма. Углубление у студентов теоретических знаний, практических умений и навыков при освоении основ проектирования, влечёт за собой рост учащихся, как специалистов. Будущие дизайнеры одновременно расширяют объём общекультурных знаний, получают эстетическое воспитание, развивают потенциал своей личности. Специалист-дизайнер нового типа представляет собой модель специалиста с широкой подготовкой, легко и профессионально перестраивающегося на разные виды дизайнерских проектов в зависимости от производственной необходимости и требований дня. Он должен сочетать в себе качества маркетолога, стилиста, умеющего прогнозировать моду и понимающего её закономерности, а так же практика с хорошими навыками работы над формой и декоративным решением костюма.

Процесс получения знаний сегодня неотделим от применения компьютерных технологий. Уже с начальных курсов рекомендуется использовать программы Corel DRAW, Photoshop, материалы мультимедиа. Сегодня мультимедийные материалы широко применяются при чтении лекций и проведении практических занятий. В процессе обучения преподаватель и студенты взаимосвязаны, на этом строится система образования. Методика обучения дизайну костюма основана на развитии оригинальности, изобретательности, сюда относятся: изучение условий экологической безопасно-

сти, анализ разрабатываемых проектов, групповое их обсуждение и др. Необходима объективная оценка результатов, достигнутых студентами в учебном процессе. Развитие в условиях рыночной экономики вызывает необходимость в изучении и анализе потребительского спроса при оценке возможности реализации разработанных проектов. Большая роль здесь отводится предпроектному исследованию и анализу, при котором при совместном обсуждении выстраиваются условия и методы работы над проектом. Групповая работа над проектом, повышает словарный запас студентов в сфере дизайнерского проектирования, способствует усвоению материала, формирует индивидуальное отношение к решению поставленной задачи, субъективное отношение к процессу выполнения проекта, развивает наблюдательность и аналитические способности. В результате такой работы студенты должны, учитывая потребности общества, уметь разрабатывать реальные для запуска в производство коллекции.

Сегодня необходимо сотрудничество учебного заведения с промышленными дизайнерскими производствами. Студенты в процессе обучения могут привлекаться к выполнению заданий предприятия. Что и практикуется в данное время на кафедре «Дизайн одежды» Национального института художеств и дизайна им. К. Бехзода. Таким образом, у них формируется индивидуальный стиль, и они реально участвуют в производственном процессе на основах конкуренции.

Особенно актуален национальный подход в формировании индивидуальности будущего дизайнера.

Современный уровень развития производства ведёт многие этнические культуры к разрушению их традиционных форм гармонии. Наступление техники и развитие новых технологий вытесняют трудоёмкое ручное шитьё национальных костюмов, а модная индустрия зачастую диктует формы и пропорции общего шаблона, размывая гармоничную связь между этническим образом человека и его одеянием. Обращение к забытым этническим культурам способствует возрождению гармоничного образа в новых формах, так как многие традиции возвращаются сегодня в виде инновации. Лучшие дизайнерские проекты, созданные с учётом национальной культуры и обогащенные этническими особенностями, мы можем увидеть на показах Недели моды в Ташкенте.

В процессе обучения дизайну костюма необходимо ориентировать студентов на изучение традиционной культуры, формировать уважение к народному искусству. Этнокультурное обучение рассматривается, как модель трансляции традиционной культуры между поколениями, суть которой заключается в глубоком изучении и проживании народных традиций, обычаев, обрядов, праздников в русле освоения конкретной локальной традиции. Непосредственной задачей творческих ВУЗов и профессиональных колледжей в вопросах культурного и нравственного образования, является взаимодействие между педагогом и семьей учащегося.

В процессе моей работы, над изучением проблемы модернизации и сохранения узбекского текстильного наследия, были взяты ряд интервью у студентов и учащихся профессиональных колледжей, с целью выявления у молодежи отношения к национальной культуре и оценки современного взгляда на традиции, как национальные, так и семейные.. Мы предложили им ответить на некоторые вопросы:»Откуда Вы родом?», «Как Вы думаете, что такое традиции?», «Как, по-вашему, есть ли разница между традиционным и национальным?», «Сохраняются ли какие-то национальные традиции в вашей семье, и какие?»,»Сохранилась ли какая-нибудь национальная одежда в гардеробе вашей мамы или бабушки?», «По каким случаям Вы надеваете национальную одежду?»,»Знаете ли Вы о том, как и где, производят национальные ткани?»,»Каков Ваш, личный вклад, в изменение или сохранение семейных традиций?» и т. п. Были получены весьма интересные ответы, а некоторые, довольно простые вопросы, заставляли надолго задумываться наших респондентов. Общий результат анализа ответов показывает, что большинство молодых людей, и юноши и девушки, правильно представляют суть семейных традиций. Большинство опрашиваемых отметили, что традиции ихсемьи довольно часто совпадают с национальными и религиозными. Наиболее полное представление о народных традициях было у тех молодых людей, в семье которых жили несколько поколений (бабушки, прабабушки, дедушки и т.д.), что говорит о преемственности. Так же необходимо отметить, что во многих семьях, проживающих в столице Республики, продолжают сохранять локальные традиции, т. е. присущие тому региону, откуда родом глава семьи или оба родителя. Но вместе с тем, следует отметить неосведом-

ленность, некоторых молодых людей, в вопросах понимания национального и традиционного. А так же и то, что именно благодаря заданным им вопросам они впервые задумались о значении традиций в их семье. Это вполне может быть восполнено, как в процессе преподавания и характере обучения в ВУЗе, так и в разработке специального курса лекций, или специальных дисциплин.

Среди направлений совершенствования подготовки дизайнеров одежды, необходимо обратить внимание на следующие аспекты:

внимательное и бережное отношение к национальным традициям, грамотное использование этнических элементов в дизайне одежды.

развитие теории в сфере художественного дизайна и построение на её основе программы обучения и воспитания студентов;

использование компьютерных программ и новых технологий для развития образного мышления художника-дизайнера;

увеличение взаимосвязи между преподавателями и студентами в процессе обучения дизайну костюма;

создание реальной дизайнерской продукции.

В связи с этим необходима разработка программы творческого и нравственного воспитания посредством использования семейных традиций в педагогической деятельности и семейном социуме, которая может быть взята другими педагогами на вооружение.

ЎЗБЕКИСТОН РАССОМЛАРИ ИЖОДИДА ОИЛА МАВЗУСИ (Ўзбекистон Давлат санъат музейининг тасвирий санъат асарлари мисолида)

Нуридинова Т. С.
ЎзДСМ катта илмий ходим, т.ф.н.
Набиева О. О.
ЎзДСМ катта илмий ходим
Ф.Т. Ерназаров
ТДИУ катта ўқитувчи

Аннотация

Мақолада ўзбек рассомлари ижодида оила мавзуси ёритилган. Ушбу мавзу Ўзбекистон Давлат санъат музейи асарлари мисолида ёзилган.

***Калит сўзлар**: оила, миллий қадриятлар, янги авлод, санъат асарлари, тарбия.*

В статье освещена тема семьи в творчестве узбекских художников на примере-произвидении изобразительного искусства Государственного музея искусств Узбекистана.

***Ключевое слова:** Семья, искусства, национальние ценности, новое поколение, воспитание.*

This scientific work illuminated Family theme in the creative works of Uzbek artists- examples of art works of state art museum of Uzbekistan.

***Key words:** Family, collection, new generation, upbringing, national stability.*

Мамлакатимизда мустақилликнинг илк кунларидан бошлаб жисмонан соғлом, маънан етук авлодни тарбиялаш масаласи давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди. Жамиятнинг негизи бўлган оила институтини янада мустаҳкамлаш ва ривожлантириш бўйича қатор ишлар амалга ошириб келинмоқда. Оила жамиятнинг асосий негизи ва ўта зарур бўлган таянчидир. Оиланинг мустаҳкамлиги, фаровонлиги ва ундаги бахтиёрлик жамиятнинг барқарорлиги ва юксалишининг асосий шартларидан биридир. Оила нафақат инсон наслининг давом этишидаги омили сифатидагина эмас, балки бутун жамият аъзоларининг, айниқса, ўсиб келаётган ёш авлоднинг миллий истиқлол ғояси асосида тарбиялаш маскани сифатида ҳам катта

аҳамиятга эгадир. Жамиятда соғлом оилада вояга етаётган фарзандларга ота-оналари «оммавий маданият» таъсири остида кириб келаётган турли иллатлардан муҳофаза қилишга алоҳида эътибор қаратишлари зарур.

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов ўз асарларида оиланинг жамиятда бола тарбиясига жавобгарлиги ва ниҳоятда масъулиятлилигини кўрсатиб ўтиб, « Бизда оилада фарзанд дунёга келса, бу катта бойлик сифатида қабул қилинади. Бироқ бу бойликни эъзозлаш, ардоқлаш, тарбиялаш керак. Янги авлодни ўстириш уни бугунги авлоддан ҳам кўра ақлли, билимли, кучли ва албатта бахтли бўлиши аввало бола тарбиясига боғлиқ. Биз бу борада жиддий ўйлашимиз керак[1].

Ватанимизнинг келажаги, халқимизнинг эртанги куни, мамлакатнинг жаҳон хамжамиятидаги обрў-эътибори аввалambор фарзандларимизнинг униб-ўсиб улғайиб қандай инсон бўлиб ҳаётга кириб боришига боғлиқдир. Биз бундай ҳақиқатни ҳеч қачон унутмаслигимиз керак.[2]

Инсон шахсини шакллантиришда оила дастлабки босқични босиб ўтади, яъни инсонларнинг жамият ва давлатга бўлган кўз қарашларига асос солинади. Оила кишиларни иқтисодий, ҳуқуқий ва маънавий муносабатларига асосланган ижтимоий бирлиги бўлиб ҳам хизмат қилади. Баркамол авлодни тарбиялаш, уларга таълим бериш соҳасидаги вазифаларнинг самарадорлигини оширишда оила институтини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш муҳим аҳамиятга эгадир.

Ўзбекистон халқ рассоми Р. Аҳмедовнинг «Оналик. Тонг» асарида ўзбекнинг оиласи тасвирланган. Асарнинг биринчи планида оила тасвирланса, орқа планда очиқ табиат манзараси ва қишлоқ уйлари ифодаланган. Асосий планга диққат қилсак, ундаги она тасвири ўзига хос тарзда ўзбекона кўринишда, сочлари ўрилган ва қошларига ўсма қўйилган латофатли аёл меҳр билан чақалоғини озиқлантирмоқда. Онанинг ёнидаги дарахт шохига илинган турли рангларга бўялган ёғочдан ясалган беланчак устидаги ёпинчиғи қия очиқ ҳолда тасвирланган. Тонгда атроф тинч ва осуда, фақат она уйғоқ. Бу тасвирда ҳам ўзига хос рамзий маъно бор, чунки ҳар бир ўзбек оналари эрта саҳарлаб туриб, оилани парваришлашга киришади. Она бор меҳрини оила

аъзоларига улашади. Шунинг учун бўлса керак рассом ўз асарини «Оналик. Тонг» деб атаган.

Ота-боболаримиз ҳаётида она ва бола соғлиги муҳим бўлган. Шунинг учун ўзбек рассомлари ижодида оила мавзуси қатор санъат асарларининг намуналарида уларнинг диққат эътиборларида бўлиб келган. Буни биз Ўзбекистон Давлат санъат музейининг тасвирий санъат асарларида ҳам кўришимиз мумкин. Рассом Б.К.Хамдамийнинг (1910-1943) «Севимли қўшиқ» асарида оддий ўзбек оиласи тасвирланган. Унда оила аъзоларининг кийинишлари ва уй жиҳозларининг оддийлигига қараганда, бу хонадонда кўпроқ маънавий бойликка аҳамият берилганлигини гувоҳи бўламиз. Асарда уйнинг тўридан жой олган бобо ва буви, ўрта ёшлардаги ота-она, уларнинг катта ва кичик фарзандлари билан бирга, ўтган асрнинг 30-йилларида урф бўлган патефондан севимли қўшиқни тинглаётганлари тасвирланган. Ундан таралаётган қўшиқ тароналари оила аъзоларининг ҳар бирига ўзининг турлича таъсирини ўтказмоқда. Нуроний бобо қутичага ишонқирамай, термулиб ўтирибди, чунки ундан таралаётган мусиқа ва унинг сўзлари отахонга ёшлигини ёдга солаётгандай. Латофатли бувижон бўлса, севимли қўшиқ таъсирида ўзининг ўй-фикрлари билан бўлиб, ўтган умри ҳисобини қилаётгандай таъсирланмоқда. Ўрта ёшдаги зиёли ота-оналарга патифон мўжиза эмас, балки ҳаёт ташвишларидан чарчаб келганда, эшитиб дам олиб кўнгил очар бир буюм деб қабул қилишгани сезилиб турибди. Қизлари гўё севимли ашулага рақсга тушиш иштиёқида. Инсонни бу дунёда яшашидан мақсади нима? Ўқиш, иш, фарзанд, шон-шуҳрат, мартабами? Ҳар ким ўз ишидан, илмидан, ўз санъатидан, оиласидан, ҳаётидан ўзича ҳаловат олади. Аммо энг ширин, энг тотли бир ҳаловат бор, у севимли қўшиқ янграётган оилалардан топиладиган ҳаловат. Оиласидан кўнгли тўқ, доимо ўша томон талпиниб яшайдиган кишилардан бахтли одам борми дунёда? Демак, оиланинг сеҳри, сурури, кўз илғамас, аммо қалбнинг чуқур еридан теран ҳис этса бўладиган ажиб тотни биз Хамдамийнинг асарида кўрамиз. Бундай жипс оилада камол топган фарзанд комил бўлади, қалбида иштиёқ, кўзида шижоат, ватанига бир буюк муҳаббат руҳида вояга етади.

Яна бир санъат асари рассом З. М. Ковалевскаянинг (1902-1979) «Ўзбек ҳовлиси» асарида оила тасвирланган. Асар урушдан

кейинги даврга оид бўлиб, унда ёш аёл ва унинг иккита қизчалари акс эттирилган. Уй оддий оилага тегишли эканлиги бир қарашдаёқ маълум бўлади, чунки бу ердаги кўримсизгина лой ўчоқлар, тандир ва узум ишкоми тасвирланган. Ўчоқда аёл овқат пиширмоқда. Рассом ҳовлидаги сокинликни урушдан қайтмаган ёки бевақт вафот этган уй соҳибининг бева аёлини аянчли кўриниш билан боғлаб ғамгин қиёфада тасвирланган. Бу ғамгинлик аянчли рўзғор ташвишларидан бўлса керак. Сабаби, энди фақат ҳовлигина эмас, бутун оиланинг келажаги ва бахти ўша муштипар онанинг елкасида эканлигини асарда рассом усталик билан тасвирлаган.

Музейда санъаткор Рўзи Чориев (1931-2004) қаламига оид «Келин» асарида янги уйда ёлғиз келин оқ тўй либосида бир қўлида анор билан тасвирланган. Унинг чиройли юзида бир оз хавотирлик сезилиб турибди. Янги бир оила қурилди. Янги хонадонга келин бўлиб келган қиз истиҳола билан янги ҳаётини бошлайди. Албатта, янги тушган келинларга нотаниш оилага мослашиш, оиладаги катта ва кичиклар билан муомалада бўлиш ва ўзининг келинлик вазифаларини адо этишнинг қийинлиги сир эмас. Келин уйининг тўрида одатимизга кўра, яхши ниятлар билан ота-оналар совғаси яъни келиннинг нақшли сандиқларига тартиб билан йиғилган кўрпа-тўшаклар савлат тўкиб турибди. Демак, рассом бу асари орқали миллий қадриятларимизни яна бир бор намойиш этмоқда. Жуда қадим замонлардан бери келиннинг қўлидаги анор-бу янги оилага серфарзандлик, мўлчилик ва барака истагининг рамзи сифатида тасвирланган.

Ўзбекистон Давлат санъат музейида сақланаётган яна бир оила мавзусига оид асар рассом М.В. Кашинага (1896-1977) тегишлидир. У «Ургутда тонг» деб аталади. Асар тоза тоғ хавоси билангина эмас, балки гўзал ва бетакрор кашталари билан машҳур бўлган Ургут оиласига бағишланади. Бу оддий оила, аммо унга ҳавас қилса арзийдиган оила қўрғонидир. Уй атрофи дарахтлар билан янада кўркамлашган ва улар зилол сув оқаётган ариқ атрофига экилган. Ҳовлига гилам солинган, унда миллий либосдаги аёлларнинг ёши улуғи ип йигирмоқда, ўрта ёшдагиси қўл машинасида бутун диққат эътибори билан кийим тикмоқда. Қатордаги ёшгина аёл тик турган ҳолда уйғониб қолган боласининг бешигини тебратмоқда. Диққат билан эътибор берсак,

аёл шошиб тургандай, эҳтимол нон ёпмоқчидир ёки овқат тайёрламоқчидир. Оиланинг қизи ариқдан сув ичаётган бузоқчасини боғламоқда. Демак, бу оила аъзолари меҳнаткаш бўлиб, унинг ҳар бир аъзосининг ўрни ва меҳнати тўғри тақсимланган. Оиланингота ва оналари фарзандларининг бахти камолиучун жам бўлиб меҳнат қилмоқдаларва шу билан улар эл юрт олдида ҳурматга эришишни шараф деб биладилар.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, биз барпо этаётган янги жамият юксак маънавий ва ахлоқий қадриятларга таянади. Ўзбекистон Давлат санъат музейида сақланаётган оила мавзусини акс эттирувчи ноёб тасвирий санъат асарларида ўзбекона оилавий қадриятлар ўз ифодасини топган. Бундай асарлар билан халқимизни, жумладан, ёшларни яқиндан таништириш уларни санъат асарлари билан ошно қилиш билан бирга миллий ўзлигимизни намоён этиб беришда ҳам муҳим аҳамиятга эгадир.

АДАБИЁТЛАР

1. Каримов И. Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш-энг олий саодат. – Тошкент, 2015, 221- бет.

2. Каримов И. «Юксак маънавият – енгилмас куч. - Тошкент, 2008.

3. Ахмедов Р.»Живопись, графика» Из музеев Узбекистана и частных коллекций.

МАОРИФ СОҲАСИДАГИ ХАЛҚАРО АЛОҚАЛАРНИ РИВОЖЛАНИШИ

Исматуллаев Ф.О
Низомий номидаги ТДПУ т.ф.н. доц.

Аннотация

Ушбу мақолада Ўзбекистон Республикасининг фан ва таълим соҳасидаги халқаро алоқалари ёритилган.

***Калит сўзлар**: илмий алоқалар, илмий тадқиқот, халқаро жамғарма, Фанлар академияси, университетлараро алоқалар, халқаро конференция, халқаро ташкилотлар.*

В данной статье раскрываются основные направление в развитии международных связей в области науки и образования в Республике Узбекистан.

***Ключевые слова:** научные взаимоотношения, научное исследование, международные организации, Академия наук, межуниверситетские связи, международная конференция, международное сотрудничество.*

In this article reveal the main directions in development of international relations in the field of science and education the Republic of Uzbekistan.

***Key words:** scientific research, the International Academy of Sciences, the drawn-university relations, international conferences, international organizations.*

Ривожланган мамлакатлар тажрибасидан маълумки, жамият олдида турган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни муваффақият билан амалга оширишда мамлакатнинг юксак малакали кадрларга эга бўлиши муҳим ўрин тутади. Шунинг учун давлатимиз ҳукумати замонавий фикр юритувчи, ватаннинг бугунги куни ва келажаги учун чуқур масъулиятни ҳис этувчи янги авлод кадрларини тайёрлашни муҳим вазифа деб билади ва мамлакатнинг интеллектуал салоҳиятини мустаҳкамлаш учун Ўзбекистон ҳукумати томонидан бир қатор ҳужжатлар ҳам қабул қилди. «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» ва «Таълим

тўғрисида»ги қонун шулар жумласидандир[365]. Ушбу ҳужжатларни қабул қилиш ва мамлакат таълим тизимида туб ислоҳотларни бошлашдан мақсад – «Таълим соҳасини тубдан ислоҳ қилиш, юқори малакали мутахассислар билан таъминлаш, ижтимоий ва иқтисодий тараққиёт истиқболларидан, жамият эҳтиёжларидан, фан, маданият, техника ва технологиянинг замонавий ютуқларидан келиб чиққан ҳолда қайта қуришдир»[366]. Шу билан бирга, юқори малакали кадрлар тайёрлашда дунёнинг Европа Иттифоқи ва Осиёнинг ривожланган давлатлари билан ҳам изчил ҳамкорлик йўлга қўйилди. Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикасини халқаро илмий алоқалари ривожида республика Фанлар Академиясининг роли каттадир. Чунки, у илғор илмий тадқиқотлар, табиий ва ижтимоий фанлар ютуқлари жамланган илмий маркази ҳисобланади.

Бугунги кунга келиб, Ўзбекистонда математик статистика ва функционал анализ, дифференциал ва интеграл тенгламалар, сонлар назарияси ва ҳисоблаш математикаси соҳаларида катта ютуқлар қўлга киритилди. Биорганик ва физик – кимё, ўсимлик моддалари ва юқори молекулали бирикмалар кимёси кўплаб табиий ва сунъий кимёвий моддаларни олиш имконини берди. Ботаника ва селекция, зоология ва тиббиёт, биохимия, биофизика ва геохимия, геология ва сейсмология соҳаларида йирик муваффақиятларга эришилди. Фалсафа ва ҳуқуқ, тил ва адабиёт, тарих ва шарқшунослик соҳаларида йирик илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда[367].

Шундай қилиб, илм-фан соҳасида қудратли салоҳиятга эга бўлган Ўзбекистон мазкур йўналишда хорижий мамлакатлар, жумладан, Европа Иттифоқига аъзо давлатлар билан яқиндан ҳамкорлик ўрнатиш ва уни ривожлантириш тарафдоридир. Бундай ҳамкорлик табиатшунослик соҳасида янги кашфиётлар қилинишига ва илмий тафаккурнинг ижтимоий-гуманитар

---

[365] Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси. – Тошкент, 1997. – № 11–12. – Б. 39–65.

[366] Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. Ўзбекистоннинг янги қонунлари (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1-чақириқ IX-X сессиясида қабул қилинган қарорлар). –Тошкент: Адолат, 1998. – Б. 10.

[367] Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси жорий архиви. 1-рўйхат, 20-варақ.

соҳаларида салмоқли лойиҳаларни ишлаб чиқишга ёрдам беради. Бу жараённи яққол мисоллар орқали ҳам кўриш мумкин.

Европа Иттифоқи мамлакатлари билан илмий соҳадаги ҳамкорликка эътибор қаратганда, бу йўналишда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, илмий тадқиқот марказлари ва Франция Ташқи ишлар вазирлиги университетлараро илмий тадқиқот ҳамкорлиги бошқармаси қарамоғидаги Марказий Осиёни тадқиқ қилиш Франция Институти (МОТФИ) ва бошқа илмий марказлар фаолиятини кўрсатиш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси ва Европа Иттифоқи ўртасидаги илм ва фан йўналишидаги ҳамкорлик алоқаларида Германиянинг ҳам ўрни алоҳида ажралиб туради. Жумладан, Германиядан олинган грант асосида Ўзбекистонлик бир гурух мутахассислар Германиянинг Веймар Штутгард шаҳарларидаги Архитектура-қурилиш университетиларида малака ошириб қайтиш имкониятларини қўлга киритди. Кадрларни айрибошлаш ва қисқа даврда эришилган тажриба ўзининг дастлабки самарасини бера бошлади[368].

Шуниндек, Самарқанд археология институти ва француз илмий – тадқиқот миллий маркази қадимий Афросиёбни ўрганиш юзасидан қўшма дастурлар ишлаб чиқди ва ҳозирда бу дастур ҳаётга тадбиқ этилмоқда[369]. Айнан археология соҳасидаги ҳамкорлик Буюк Британия билан ҳам давом этмоқда. Ўзбекистон Республикаси ФА археология институти билан Лондон Археология институти ҳамкорликда амалга оширган «Ахсикат шаҳри қадимги металлургияси ва сопол буюмлар ишлаб чиқариш технологиясини ўрганиш» бўйича истиқболли лойиҳа амалга оширилди ва бу лойиҳани Оксфорд археология музейи молиялаштирди. Икки мамлакат Фанлар академиялари ўртасида алоқалар йўлга қўйилган бўлиб, Кембридж университети билан антропология, биология, қуёш батареяларини ишлаб чиқариш бўйича бир нечта ҳамкорликдаги лойиҳалар амалга оширилмоқда[370].

Ўзбекистон Европа Иттифоқи аъзоси бўлган Испания давлати билан ҳам фан соҳасидаги самарали ҳамкорлик қилмоқда.

---

[368] Ҳамкорликнинг истиқболли йўллари // Халқ сўзи. – 2003. – 24 май.
[369] Ўзбекистон – Франция: ҳамкорлик ривожланмоқда // Халқ сўзи. – 1995. – 20 апрель.
[370] МИД РУз // Сотрудничество Республики Узбекистан со странами Европы. Узбекистан – Великобритания. Сотрудничество в гуманитарной сфере. http: // www.mfa.uz.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси физика-техника институти билан Мадрид Автоном университетлари ва Барселона Автоном университети ўртасида олиб борилаётган ҳозирги ўзаро ҳамкорлик алоқалари бунга яққол мисолдир. Шунингдек, Ўзбекистон ФА Электроника институти Испаниянинг Аликанте шаҳри университети ва Мадрид шаҳридаги Комплутенсе университети билан ҳам ҳамкорлик алоқаларни ўрнатган[371].

Ўзбекистонда ҳам қисқа давр оралиғида таълимнинг ўзига ҳос «Миллий модели» яратилди. Жаҳон таълим стандартлари талабларига мос келадиган ва рақобатбардош кадрлар тайёрлаш мақсадида ривожланган мамлакатларнинг етакчи олий ўқув юртлари билан ҳамкорликда 1995-2015 йиллар мобайнида филиаллар ташкил қилиниб, замонавий ва эҳтиёж талаб мутахассисликлар бўйича юқори малакали кадрлар тайёрлаш ишларига жиддий киришилди.

Натижада ҳозирги вақтга келиб юртимизда жаҳоннинг етакчи олий ўқув юртлари филиалларининг ташкил этилиши натижасида илм-фан соҳасида илғор ютуқ ва тажрибалар кенг оммалаштирилди. Кадрлар малакаси ва маҳоратини юксалтиришда юқори натижаларга эришилди. Бу борада айниқса Тошкент шаҳрида фаолият кўрсатаётган Халқаро Вестминстер университети, Турин политехника университети, Сингапур менежментни ривожлантириш институти, шунингдек, М.Ломоносов номидаги Москва давлат университети, Г.В.Плеханов номидаги Россия давлат иқтисодиёт университети, И.М.Губкин номидаги Россия нефть ва газ университети, Жанубий Кореянинг Инха университети филиалларида талабалар жаҳон таълими стандартлари бўйича таълим олаётганини қайд этиш эътиборга молик. Шу билан бирга, таълим муассасаларининг Европадаги таълим жамғармаси, Германиядаги Техникавий ҳамкорлик ташкилоти, Япониядаги JAYKO халқаро ташкилоти, Кореянинг KOYKA агентлиги, YUNESKO, Жаҳон банки, TASIS-TEMPUS очиқ жамият институти, АҚШ, Англия, Франция, Япония, Хитой ва бошқа давлатлар олий таълим вазирликлари билан ҳамкорлик тобора кенгайиб бораётгани соҳа ривожида истиқбол эшикларини тобора кенгайиб бораётгани соҳа ривожида истиқбол эшикларини янада кенгроқ очилишига имкон яратмоқда.

[371] Ўша жойда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 20 майда «Олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорининг қабул қилиниши Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини узвий давоми бўлиб, олий таълим ва малакали кадрлар тайёрлаш тизимини янада юқори поғонага кўтаришни ўз олдига мақсад қилиб қўйди[372].

Ҳукумат қарорига мувофиқ олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини модернизация қилиш ва мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш бўйича 2011-2016 йилларга мўлжалланган дастурни амалга ошириш учун 277 миллиард сўмдан ортиқ маблағни йўналтириш кўзда тутилган бўлиб, шу мақсадда 2011 йилда махсус жамғарма ташкил этилди[373]. Яна шу ўринда алоҳида қайд этиш лозимки, Ўзбекистонда таълим соҳасини ривожлантириш ва ислоҳ этишга йўналтирилаётган йиллик ҳаражатлар ялпи ички маҳсулотнинг 10-12 % ни ташкил этмоқда. Бу эса соҳага қаратилган эътиборнинг дунёдаги энг юқори кўрсаткичлардан бири эканлигини алоҳида эътироф этишни тақозо эради.

Шу билан бирга, ватанимиз алломаларининг асрлар давомида дунё илм-фани ривожига буюк ҳисса қўшиб келаётган илмий меросини кенг тарғиб қилиш мақсадида 2014 йил 16 майда Самарқандда «Ўрта аср шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожидаги роли ва аҳамияти» мавзусида халқаро конференция ташкил этилди[374]. Дунё аҳли бу ерда ҳозир бўлган хорижлик олимлар мисолида яна бир бор, қадим ва замонавий Ўзбекистоннинг илмий салоҳияти ҳамда жаҳон илм-фанига қўшган ҳиссаси қанчалар буюк ва бебаҳо эканлигига гувоҳ бўлдилар.

Хулоса қилиб айтганда, мустақиллик йилларида Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятидаги ўз муносиб ўрнини топиши ва замонавий кадрларни тайёрлаш масаласи устувор вазифалардан бири сифатида қўйилди. Натижада, мамлакатимизда ишлаб чиқилган кадрлар тайёрлашнинг миллий модели ижтимоий

---

[372] Тошкент оқшоми. – 2011. - 23 май.

[373] Халқ сўзи. – 2012. - 20 январь.

[374] Каримов И. А. “Аждодларимизнинг бебаҳо мероси – абадиятга дахлдор маънавий хазинадир” мавзусида маърузаси // Халқ сўзи. - 2014. - 16 май.

соҳада эришилган барча ютуқлар ва тажрибаларни ўзида қамраб олганлиги билан ажралиб туради. Зеро, олий таълим соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар, шунингдек, хориж билан ҳамкорлик алоқалари умумбашарий ва миллий қадриятларга асосланган бўлиб, юртни тараққиётга йўллайди.

АДАБИЁТЛАР

1.Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси. – Тошкент, 1997. – № 11–12. – Б. 39–65.

2. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. Ўзбекистоннинг янги қонунлари (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1-чақириқ IX-X сессиясида қабул қилинган қарорлар). –Тошкент: Адолат, 1998. – Б. 10.

3. Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси жорий архиви. 1-рўйхат, 20-варақ.

4. Ҳамкорликнинг истиқболли йўллари // Халқ сўзи. – 2003. – 24 май.

5. Ўзбекистон – Франция: ҳамкорлик ривожланмоқда // Халқ сўзи. – 1995. – 20 апрель.

6.МИД РУз // Сотрудничество Республики Узбекистан со странами Европы. Узбекистан – Великобритания. Сотрудничество в гуманитарной сфере. http: // www.mfa.uz.

7. Тошкент оқшоми. – 2011. - 23 май.

8. Халқ сўзи. – 2012. - 20 январь.

9. Каримов И. А. «Аждодларимизнинг бебаҳо мероси – абадиятга дахлдор маънавий хазинадир» мавзусида маърузаси // Халқ сўзи. - 2014. - 16 май.

ТАРИХ ДАРСЛАРИДА ЎРТА ОСИЁДА УЙҒОНИШ ДАВРИ БАДИИЙ ҚАДРИЯТЛАРИНИ ЎРГАТИШ

Миркомилов Б.М.,
ЖДПИ доценти, т.ф.н.

Аннотация

Мақолада Уйғониш давридаги Ўрта Осиёнинг бадиий қадриятлари ҳақида фикр юритилади.

В статье рассматриваются пути и методы формирования интересов студентов к художественным ценностям средневековой истории.

In the article are ways and nethods of interests to artistic price in studying Middle history.

Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурида, таълим мазмунини янгилаш ва такомиллаштириш, инновацион ёндашувларни излаш, ўқувчи ёшларнинг маданий мерос ва қадриятларга қизиқишларини фаоллаштиришга алоҳида эътибор қаратилган. Дарҳақиқат бугунги кунда турли мамлакат халқлари томонидан тўпланган маънавий бойликларни ўзлаштириш талабада маданий қадриятлар, жумладан, бадиий қадриятларга қизиқишни шакллантиришда муҳим ўрин тутади.

Дархақиқат, Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек... «Ўз хақ-ҳуқуқини танийдиган, ўз кучи ва имкониятларига таянадиган,... ҳар жиҳатдан баркамол инсонларни тарбиялаш вазифаси истиқлол йилларида биз учун ҳал қилувчи масалага айланди[375].

Талабаларни ўрта асрлар бадиий қадриятлари билан таништириш нафақат ўқув ахборот, балки маънавий-шахсий мақсадга эгадир. Талабалар маълум тарихий-маданиятшунослик йўналиши билан тегишли касбий-шахсий таълим оладилар. Ёш кадрларни тайёрлаш сифати ошади.

Уйғониш даври (французча renaissance- тикланиш) - янги маданият, гуманистик онг шаклланишини бошлаб берган жаҳон маданиятидаги даврларнинг энг улкан давридир (XIII-XVI асрлар). Ғарбий Европада (XV-XVI асрлар) Уйғониш даври антик давр маданиятига асосланиб, инсон танаси ва жисмоний маънавий

[375]Каримов И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч. Т., Маънавият, 2008 йил.

ҳиссий ва интеллектуал уйғунлигига алоҳида эътибор қаратиб, бадиий маданиятнинг ривожланишига ёрдам берган.

Тарих курсини ўрганиш жараёнида талабаларни Тикланиш даври жаҳон дурдоналари бадиий рассомчиликка оид қадриятларга жалб қилиш керак. Уларни танлаб олишда, биринчи навбатда қуйидаги талабларни ҳисобга олиш лозим:

Эмоционал-ҳиссий имкониятлари; мазмун янгилиги, унинг аҳамиятлилиги мазмун чуқурлиги, унинг якунланганлиги; ҳаққонийлиги, самимийлиги; ғоявий аҳамияти; тасвирланаётган воқеа- ҳодисаларнинг эстетикаси ва унинг тавирланиши; давр эстетик ғояларига мослиги; бадиийлиги (меъёри шартлиликдан фойдаланиш рамзийлиги, метафорикаси ва бошқа бадиий-тасвирий элементлари; ички уйғунлиги, умумийлиги тури); ўзига хослиги, такрорланмаслиги, ноёблиги, асллиги, ягоналиги; муаллифнинг ижтимоий ҳаракат ривожини кўра билиши; жамият, мамлакат, давр ёрқин намоёндаларининг тасвирланиши; тарихий жараёнлар моҳиятини тушуниш; шакл ва мазмуннинг яхлитлиги, уларнинг мослиги.

Қуйидагилар Уйғониш даврининг шундай бадиий қадриятлари ҳисобланади- Ғарбий Европада: Ленардо Да Винчининг «Сирли оқшом», «Мадонна Литти», «Мона Лиза», Дюрернинг «Меланхолия», «Апокалипсис», Ботичеллининг «Баҳор» картиналари.

Ўрта Осиёда, биринчи навбатда, машҳур мусаввир – миниатюрачи, аждодимиз Камолиддин Бехзоднинг бадиий мероси: «Искандар ва дарвеш», «Искандар ва Дарий» қўшинлари «жанги ва бошқалар».

Мисол учун, «Искандар ва дарвеш» миниатюраси мазмунини қуйидагича изоҳлаш мумкин:

Ҳукмдор донишманддан маслаҳат сўрайди – қандай қилиб халқни бахтли қилиш, мамлакатда фаровонликка эришиш, давлатни босқинчилардан ҳимоя қилиш мумкин. Шунда донишманд Искандар ва унинг қўшинларини ихлос билан дуо қилади. Художўй донишманднинг дуолари ёрдам беради. Искандар душманларини яксон қилади. (Минатюра кўринишда намойиш этилади ва аввал талабалар бевосита танишиб чиқадилар).

Шундан кейин картинада тасвирланган манзара таҳлил этилади. Асарнинг юқори қисмида сокин тунги осмон, унинг қуйи қисмида эса қўриқчилар, пастроқда тошлари гўё жонли туюладиган улуғвор тоғлар; марказида-кузнинг ёрқин ранглари билан уйғунлашган тоғлар тизмаси; янада қуйи қисмида сюжетнинг марказий кўриниши: кенг ғорнинг кириш қисмида олийжаноб сочлари оқарган узун соқолли қария ўтирибди, жуда озғин белигача яланғоч, унинг олдида эса қадди қоматли, хурматли ва обрўли кўринишдаги, яшил тўн кийган ва оқ салла ўраган донишманд олдига узоқ йўл юриб тоғлардан ошиб келган Искандар тиззаларини букиб ўтирибди; шу ернинг ўзида машъала кўтарган хизматкор, соқчилар, от минган қуролланган жангчилар тасвирланган.

Суҳбатдошлар тепасида чинорнинг кузги дабдабали шохлари эгилиб турибди.

Картина кўп мазмунли: бу ерда эзгулик ва ёвузлик, ҳаёт ва ўлим, адолат тантанаси мавжуд; тоғ тизмаси-ислом дини таълимотида тоғлар жаҳон маркази рамзи ҳисобланади, шунингдек тоғлар муқаддаслик ва маънавият рамзи. Бу ерда инсонларга маърифат тарқатиш ўзининг билим ва дуолари билан уларнинг бахтига хизмат қилиш учун янгиланаётган, софланаётган, гуноҳларидан тозаланаётган қаландар дарвиш яшайди[376].

Картинада кучли ички пастдан юқорига жадал ҳаракат-айлана бўйича тасвирланган. Одамлар дарвеш ғори олдида даврада тўпланиб турибдилар айлана кўринишидаги қоялар, тоғ тизмалари айлана ҳатто, чинор шоҳи ҳам бурилиб, гўё юқорига қасрга чорлаётгандек. Ғор олдидаги ясси майдонча - буларнинг барчаси ердаги барча мавжудот ҳаракати тизилмасини жонлантиради ва тақдим этади. Картинадаги борлиқ табиат ердаги ҳаёт билан жонлантирилган ва ўзаро боғлиқ.

Картинанинг барча деталлари ердаги ҳаётга баҳо беради ва шу билан бир вақтда ҳодисаларнинг «Тундан» ва зулматдан ёруғликка, ёвузликдан эзгуликка ва осойишталикка ўзгаришини кўрсатиб туради.

Картинада барчаси одатдагидек эмас: ҳатто машъала ҳам Искандарнинг деярли оёқлари остида, гўё суҳбатдошлар орасига

[376] Энциклопедия “Искусство стран и народов мира”, Т.-М., 1978. с. 294.

кириб бораётгандек ва уларнинг суҳбатларини ёритаётгандек туюлади.

Беҳзоднинг ушбу картинаси драмматик қизғинликка эга, унда асрнинг муҳим ҳодисаси акс эттирилган. Картина кенг бепоёнлик, деярли космик муҳитда содир бўлаётгандек ва ислом таълимоти бўйича материянинг тўрт асосий унсури ер, ҳаво, сув ва оловни ўзида жамлаган. Беҳзод ушбу усул билан жаҳонда содир бўлаётган барча ҳодисаларнинг чуқур умумий боғлиқлигини таъкидлашга муваффақ бўлган.

Табиат ва борлиқ, ажралмас ва улуғвор. Картинанинг ҳар бир детали картина сюжетининг чуқур ички мазмунини ифода қилади. Беҳзоднинг картинасидаги жаҳон-мафтункор ва мукаммал алоҳида изчиллик ва нафислик билан бажарилган, яхлитлиги ва деталлари уйғунлиги турмуш қарама-қаршиликларини енгиш шакли сифатида намоён бўлади.

Беҳзод минатюрасини бундай тушунтириш талабаларда ҳиссий кўтаринкилик, руҳланиш, ҳайрат, эстетик ҳузур, бадиий-ижодий фикр, тасаввур уйғотади, кўп қиррали ривожланишни тушунтириш мавзуни очиб бериш, асарни бадиий-эстетик таҳлил қилиш ва баҳолашга олиб келади[377]. Лекин асосийси, Уйғониш даврида аждодларимизнинг жуда юқори ва бадиий маданияти тўғрисида тасаввур ҳосил қилади. Бундай таҳлил қилиш даврнинг дунёқараши ва маданияти бирлигида асарнинг эстетикаси, бадиийлиги, ички мазмунини тушунишни осонлаштиради, бундан ташқари, англанган бадиий восита мотивларини аниқлашга ёрдам беради. Асарни бундай ўрганиш жанри нафақат Уйғониш даври, балки бошқа даврлар учун ҳам ҳақиқий бадиий қадрият эканлигини исботлашга қаратилади. Тарихий-маданий асосда ва бадиий-таҳлилий даражада «Ўрта асрлар тарихи» курсини ўрганиш жараёнида талабаларни бадиий қадриятларга жалб этиш натижасида талабалар эмоционал-ҳиссий ижро этишга, кейин ҳиссий идрок этиш, ўзлаштиришга, шундан кейин-интеллектуал-ижодий ва мантиқий-фикрлаш қобилиятига мурожаат этиб, бадиий таҳлилий англаб етиш ва ўрта аср Уйғониш даври бадий қадриятлари тўғрисида эгалланган билимларни турли

[377] Миркомилов Б. Талабаларда бадиий қадриятларга қизиқишни шакллантириш. (Монография) Т.: Фан ва технология. 2010, 160 бет.

коммуникатив даражаларда ижтимоийлаштириш эҳтиёжининг шаклланишига олиб келади.

Хулоса шундаки Ўрта аср Уйғониш даври Ўрта Осиё машҳур мусаввирчилик асарлари айниқса буюк аждодимиз Камолиддин Беҳзоднинг миниатюра асарларида ўз аксини топган ва Беҳзоднинг Шарқ бадиий маданиятига қўшган ҳиссаси жуда улкан ҳисобланади. Халқлар, мамлакатлар, давр бадиий-қимматли мерослар ҳисобланувчи Уйғониш даврининг (XIV-XVI асрлар) Рассомчилик асарларида нафақат санъатнинг, балки жамият, давлатнинг тарихи, унинг ривожланиши ва тараққиёти ҳамда ушбу жамият ва даврнинг ғоялари чуқур мазмунли шаклда фалсафий англаб етилган, атрофдаги борлиқ акс эттирилган.

АДАБИЁТЛАР

1. Каримов И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч. Т., Маънавият, 2008 йил.

2. Энциклопедия «Искусство стран и народов мира», Т.-М., 1978.

3. Б.Миркомилов. Талабаларда бадиий қадриятларга қизиқишни шакллантириш. (Монография) Т.: Фан ва технология. 2010.

ТАРИХ МАШҒУЛОТЛАРИДА ТАРИХИЙ ТАСАВВУР ВА ОНГНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА МУЗЕЙЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ

Исмаилов А.Ф.,
Ўз ФА Ўзбекистон тарихи давлат музейи
Ёшлар билан ишлаш маърифий
услубий-бўлим бошлиғи

Аннотация

Мазкур мақолада тарих дарсларини музей экспозицияси материаллари асосида сингдиришга доир тавсиялар берилган.

Калит сўзлар: *хронология, ёшлар, тарихий хотира, усул, стратегия, креатив, музей педогогикаси, музей ва мактаб, болалар музейи.*

В данной статье даны рекомендации, касающиеся внедрения знаний на уроках истории посредством сотрудничества с музеем.

Ключевая слова: *хронология, молодежь, историческая память, метод, стратегия, креатив, музейная педагогика, музей и школа, детский музей.*

In this article the recommendations were given to develop the history lessons with the partnership education and museum.

Key words: *chronology, youth, historical memory, method, strategy, creative, museum pedagogy, museum and school, children's museum.*

Таълим муассасаларида ўқитиладиган «Ўзбекистон тарихи» фани тарих таълимининг хронология ва моҳият нуқтаи назаридан мураккаб масалаларини ўзида акс эттирганлиги сабабли ўқувчилар томонидан ўқув материалларини ўзлаштирилиши ҳамма вақт ҳам осон кечмайди. Ҳозирги кунда ўқувчининг дарсни ўзлаштириш даражасига катта эътибор қаратилмоқда. Бу борада кўпгина ишлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Шавкат Мирзиёев 2016 йил 14 декабрь куни Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида ҳам: «Биз ёшларга доир давлат сиёсатини ҳеч оғишмасдан, қатият билан давом эттирамиз. Нафақат давом эттирамиз, балки бу сиёсатни энг устувор вазифамиз сифатида бугун замон талаб қилаётган юксак даражага

кўтарамиз. Ёшларимизнинг мустақил фикрлайдиган, юксак интелектуал ва маънавий салоҳиятига эга бўлиб, дунё миқёсида ўз тенгдошларига ҳеч қайси соҳада бўш келмайдиган инсонлар бўлиб камол топиши, бахтли бўлиши учун давлатимиз ва жамиятимизнинг бор куч ва имкониятларини сафарбар этади[378]«-деб, ёшларга эътиборни кучайтиришга қаратилган даъватларини алоҳида таъкидлаб ўтишимиз мумкин.

Ижтимоий тараққиётнинг ҳозирги босқичида мамлакатимиз фуқаролари, айниқса, ёшларининг тарихий хотирани тиклаш борасида олиб бораётган ишлари ҳар қандай таҳсинга сазовор.

Ҳозирги кунда , «...барча ўқув фанлари ўқитувчилари матн устида ишлаш фаолияти усуллари ва стратегиясини эгаллаган бўлишлари керак.Ўқув фанини ўқитиш хилма-хил ўқув материали, ранг-баранг ва турли-туман жанрдаги матнлар орқали ўқиш ва ёзув стратегиясига ўргатишни ўз ичига олиши лозимки, бу нарса ўқув-билув, ижодий (креатив), танқидий ва коммуникатив фаолиятни фаоллаштиради ва шу билан бирга таълим жараёнининг бир бутунлигини таъминлайди»[379].

Ўқитувчининг дарсни қандай ташкил этиши «ўқувчининг мустақил фикрлай олишга бўлган эҳтиёжида, яъни таълим жараёнида янги вазиятни вужудга келтира олиш қобилияти, масалан, топшириқни олиш ҳамда уни ечишга йўл топишида намоён бўлади»[380].

Маълумки, тарих машғулотларининг асосий мазмуни мавзулардаги акс этган воқеа-ҳодисаларни тасаввур қила олиши ва онгнинг шаклланиши билан характерланади. Ҳозирги кунда тарих дарсларида ўқувчиларнинг кўпчилиги маълум воқеани эслаб қолиш билан боғлиқ муаммони ўртага ташлайди. Аввало, бу борада ўқувчида тасаввурнинг йўқлиги асосий муаммо бўлиб қолаверади. Тўғри, тарих дарсларини музей билан ҳамкорликда ташкил этиш бўйича кўпгина услубий тавсиялар бор, лекин айнан тасаввур ва онгни шакллантиришни музей экспозициялари орқали тадбиқ этиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилмаган. Мавжуд

[378] «Ҳалқ сўзи», 2016 йил 15 декабрь, № 247. 2-бет.

[379] Сметанникова Н.Н. Учиться читать, чтобы учиться, читая // Приложение № 2 // Дети и библиотеки в меняющейся медиасреде: Приложение к журналу "Школьная библиотека". Серия 1. Вып.3-4. М.: Школьная библиотека, 2004. - С. 316-318.

[380] Мулладжанова Р. "Туркистонда миллий-озодлик ҳаракатлари тарихини ўқитишнинг методик асослари (XIX асрнинг II ярми – XX асрнингбошлари)-диссертация иши. Б-46.

усуллар эса бир қолипдаги **«Музейга борамиз!»** ёки **«Ўқувчиларни музейга айлантириб келайлик!»** билан кифояланмоқда.

Музейдаги машғулотлар муваффақиятини германиялик моҳир педагог Г.Фройденталь қуйидаги шарт-шароитлар билан боғлайди:

✓ музейларга бўлган ҳар бир ташриф аниқ ўқув мақсадига эга бўлиши;

✓ музейга ташрифни ўқувчиларнинг машғулотлардан **чарчаган пайтида эмас**, балки у ердаги **манбаларни идрок этишига тайёр бўлган** пайтида уюштириш;

✓ ўқувчиларгагина эмас, катталарга ҳам тинглаш учун оғир бўлган обзорли экскурсиялардан воз кечиш;

✓ болаларнинг мавзулар бўйича мустақил ижодлари (расмлар, иншолар, яратган моделлари) музейга ташрифларининг якуни бўлиши лозим.

Президент И.А.Каримов таъкидлаб ўтганидек: «Аслида таълим-тарбия соҳасидаги ислоҳотнинг чегараси йўқ. Токи ҳаёт давом этар экан, таълим ҳам, тарбия ҳам замон ўртага қўяётган янги-янги талабларга кўра мустақил равишда ўзгариб-янгиланиб бораверади»[381]. Шундай экан ҳозирги замон таълими, биздан музей ва таълим ҳамкорлиги устида ҳам алоҳида дидактик ўйинлар асосида иш юритишни талаб қилмоқда.

Ўйин тарих дарсларида ўтмишда бўлиб ўтган воқеаларни моделлаштириш давомида қўлланиладиган ўқув машғулотининг фаол шаклини ўзида акс эттиради. Ўйинли фаол фаолият ўқувчиларнинг ижодий имкониятларини ошириб, тафаккурини ривожлантиришга ёрдам беради[382].

Хорижий музейлар тажрибасига назар солсак, у ерда музей педогогикаси сохаси ўз ўрнини аллақачон топиб олганига шохид бўламиз. Таълим тизими сохаси бўйича машҳур америкалик мутахассис Грегори Рамсей «мактаб ва музей жамиятга аждодлар «худуди» сифатида қайтиши керак деб таъкидлаб, бу замонавий дунё катталар учун бунёд этилган бўлиб, унда болалар учун жой йўқ» - деган эди. Ҳақиқатан хам бу масалага жиддий қарасак, 90-йилларга қадар инсон учун яратилган қулайликлар ва шароитлар,

[381] Каримов И. А. “Ўзбекистон буюк келажак сари” Т. Ўзбекистон, 1998 й. –62 б.

[382] Толипов Ў.Қ., Усмонбоева М. Педагогик технологияларнинг татбиқий асослари. – Т.: Фан, 2006.

бунёд этилган турли маърифий марказлар орасида болалар учун махсус яратилган масканлар деярли бўлмаган (болалар ижодиёт марказлари ва маданият уйлари бундан мустасно). Бунга албатта музейлар ҳам киради. Музейлар болалар ва ўқувчиларнинг энг кўп ташриф буюрувчи маскани бўлишига қарамай, уларнинг дунёқараши ва талаби даражасидаги экспозициялар яратилмаган. Фақатгина уларга экскурсоводлар томонидан ёшларини инобатга олган холда махсус экскурсиялар олиб борилган, холос.

Музей педогогикаси нима ва у нима учун керак деган савол туғилади. Кўп йиллик умумжахон тажрибаларидан келиб чиққан холда у болаларни тарбиялаш жараёнидаги бебаҳо кўмакчи, уларни шахс сифатида шакллантириш, шунингдек, нафақатгина ўз ҳаёти билан балки юзлаб инсонлар ҳаёти билан бирга яшашга ўргатади, ёш авлодни бузғунчиликка эмас, балки бунёдкорликка даъват этади.

Жамиятнинг барча қатламларига энг кўп таъсир кўрсатиш учун музей билан мактабни ягона мақсад бирлаштирган, унинг биринчи директори Г. Коль музейнинг таълимий моҳиятини чуқур англаб етган ҳолда: «... Музей ва галереялар ўз олдига таълимий мақсадни қўймас экан, улар зерикарли ва фойдасиз муассаса бўлиб қолаверади». Г. Колнинг ўқувчи ва талабаларнинг кўплаб авлодига фойда келтирган бундай фикри музейларнинг таълимий фаолияти моделини шакллантиришни тақозо этди ва ушбу йўналишда музей сиёсатига жиддий таъсир кўрсатди.

Кейинги йилларда таълим соҳасидаги ислоҳатлар Россияда ҳам музей педагогикаси соҳасида бир қатор тадқиқотлар амалга оширилдики, булар хорижий мамлакатларда ҳам катта қизиқиш уйғотди. Айниқса, бу борада Б.А. Столяровнинг тадқиқотлари диққатга сазовор. У ўз тадқиқотларида музейларнинг жамият маънавий ҳаётидаги ўрнига эътибор берган ҳолда бу борадаги жаҳон тажрибаларини ҳам ўрганган ҳолда ҳозирги даврда унинг назарий жиҳатларини асослади. Музей экспозициялари билан иш олиб боришнинг шакл ва методларини тавсия этди, турли ёшдаги болалар ва музей экспозициялари билан ишлаш, энг муҳими музей ва мактаб алоқадорлиги моделини ишлаб чиқиб, бу борада музей педагогини ҳамда ўқитувчини тайёрлаш бўйича илмий-амалий тавсиялар берган.

Умуман олганда, тарих ўқитишда ўқувчиларнинг кўз ўнгида ўтмишдаги ижтимоий ҳаётнинг яхлит манзараларини шакллантиришда музей экспонатларидан фойдаланишнинг аҳамияти каттадир.

Шунга эришиш керакки, баён қилинган ҳар бир тарихий факт, географик ном ва шахс фаолияти образли бўлсин. Яъни экспозиция шарҳида ўқитувчидан катта маҳорат талаб этади.

Тасаввурларни шакллантиришда тарихий ҳодисалар образларини ўқувчилар актив суратда идрок этишига қаратилган усуллардан фойдаланади. Ўқитувчи ҳикоясининг мазмунан кўргазмали ва образли бўлиши, дарслик матнидаги, тарихий ҳужжатлардаги воқеалар ва тасвирий элементлар, бадиий адабиёт асарлари ўқувчиларда тарихий тасаввурларни шакллантиришнинг асосий манбаи бўлиб хизмат қилади.

Бироқ, ўқувчиларда аниқ ва пухта тасаввур ҳосил қилиш учун ўқитувчи баёнининг жонли ва эмоционал бўлишини ўзи кифоя қилмайди.

Музей экскурциясида ўқитувчи ўқувчиларнинг фаол фикрлашини ташкил қилиши ва унга раҳбарлик қилиши лозим. Ўқитувчи кўргазмали қуролни шундайгина кўрсатиб, унинг мазмунини тушунтириб, ҳужжатларни ўқиб қўя қолмай, балки ҳикоядаги энг муҳим жойларни алоҳида интонация билан таъкидлаши, кўрсатмали қуролларни, матнларни ўқувчиларнинг фаол иштирокида таҳлил қилиб, ундаги энг муҳим элементларни ажратиб чиқиши, ўрганилган ҳужжатлардаги у ёки бу жиҳатларга улар диққатини жалб қилиши лозим.

Ўқувчиларнинг музейларга ташрифидан кейин умумлаштириш учун (1-жадвал) қуйидаги жадвал асосида мавзунинг мулоҳаза қилиниши фойдадан ҳоли бўлмайди.

1-жадвал

	Тасаввур	**Ўхшаш томони**	**Фарқи**
Таълим муассасасида			
Музей экспозициясида			

Кузатишлардан маълум бўладики, музейларнинг умумтаълим жараёнига кириб келиши инсонни ҳам психологик, ҳам аҳлоқий жиҳатдан шаклланишида, шунингдек, ҳозирги ўзгараётган даврда яшашга, ижтимоий-маънавий ислоҳотларнинг субъекти бўлишга ҳам ёрдам беради, яъни ўқувчи музейлардаги маънавий меросни кўриб, ўрганиб, уни англаб олиши натижасида ўз ҳаёти фаолиятига ҳам мазмун киритади. Чунки музей ва таълим муассасаларининг ўзаро алокаси маънавий бойликлар, санъатда акс этган ходиса ва воқеалар, инсон ички ва ташқи ҳаётида янгидан яшаш имкониятига эга бўлади.

Таълим-тарбиянинг ривожланишига йўналтирилишидаги умум-педагогик вазифалар музейлар фаолиятини ҳам педагоглаштиришни тақазо этади. Шунга кўра таълим муассасалари музейлар билан ҳамкорликда таълимни модернизациялашнинг энг олий мақсади ҳозирги цивилизациялашган замонда яшай оладиган ва ўзига тўғри йўл топа оладиган бир бутун, баркамол авлодни шакллантиришни назарда тутади.

Аввало, баркамол авлодни шакллантиришда болаларни дунёқарашининг дастлабки босқичларида тарихий тасаввур ва онгни сингдириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Махсус болалар учун яратилган музейлар уларнинг тарихга, табиатга ва умуман инсоният тарихига бўлган қизиқишини орттиришга, кичик ёшдан бошлаб дунёқарашини шакллантириш, тафаккурини бойитиш ва мустақил фикрлаш имкониятларини очиб бермоқда.

Шу мақсадда Ўзбекистонда илк маротаба Ўзбекистон тарихи давлат музейи қошида 2011 йил «Мўжизалар оламида» деб номланган болалар музейи очилди. Ушбу музей турли воқеа ва ҳодисаларга бой бўлган сирли ҳаётни яқиндан билишга, уни янада чуқурроқ англашга ёрдам беради. Бу эса болалар ўзларини эркин тутишга, фикрлаш доираси кенгайиши ва дунёқараши бойишига имкон яратади. Болаларга тарихга оид билимларни ривожлантиришда кўмак берган ҳолда, ноанъанавий дастурлар ва кўргазмалар орқали қизиқишлари ва имкониятларини юзага чиқаришда ёрдам беради.

АДАБИЁТЛАР

1. Каримов И. А. «Ўзбекистон буюк келажак сари» Т. Ўзбекистон, 1998 й. –62 б.
2. «Ҳалқ сўзи», 2016 йил 15 декабрь, № 247. 2-бет.

3. Мулладжанова Р. «Туркистонда миллий-озодлик ҳаракатлари тарихини ўқитишнинг методик асослари (XIX асрнинг II ярми – XX асрнингбошлари)-диссертация иши. Б-46.

4. Сметанникова Н.Н. Учиться читать, чтобы учиться, читая // Приложение № 2 // Дети и библиотеки в меняющейся медиа среде: Приложение к журналу «Школьная библиотека». Серия 1. Вып.3-4. М.: Школьная библиотека, 2004. - С. 316-318.

5. Толипов Ў.Қ., Усмонбоева М. Педагогик технологияларнинг татбиқий асослари. – Т.: Фан, 2006.

МИЛЛАТЛАРАРО ДЎСТЛИК ВА ТОТУВЛИК – УМУМБАШАРИЙ ҚАДРИЯТЛАРНИНГ МУҲИМ ОМИЛИДИР

Мирзаев Ғ.Р.,
ТДПУ катта илмий ходими изланувчиси,
ЎзР ФА Ўзбекистон тарихи давлат музейи илмий ходими

Аннотация

Мазкур мақолада Ўзбекистоннинг миллатлараро тотувлик сиёсатини ривожланиш жараёни ёритилган. Хусусан, Ўзбекистонда яшаётган туркманларнинг ўзбек халқи билан қардошлик ришталарини мустаҳкамланиб бориши таҳлил этилган.

Калит сўзлар: *Ўзбекистон, миллатлараро тотувлик, маданий марказлар, ўзбек, туркман, миллий тил.*

Эта статья отражена в процессе развития политики межэтнического согласия в Узбекистане. В частности, с анализом туркмены, проживающие в Узбекистане, узбекский народ с связями укреплена.

Ключевые слова: *Узбекистан, этнической гармонии, культурные центры, узбек, туркмен, национальный язык.*

This article is reflected in the process of developing the policy of interethnic harmony in Uzbekistan. In particular, the Turkmens living in Uzbekistan, the Uzbek people with ties are strengthened with analysis.

Key words: *Uzbekistan, ethnic harmony, Cultural centers, Uzbek, Turkmen, national language.*

Кишилик жамияти мураккаб даврни бошидан кечираётган ҳозирги пайтда ижтимоий ҳамкорлик ва ҳамжиҳатлик мавжуд муаммоларни ҳал қилиш, тадрижий ўзгаришларни амалга оширишнинг қудратли манбаи бўлиб хизмат қилади. Шу ўринда, мамлакатимизда кўп миллатлилик ва кўп конфессиялилик шароитида ушбу жиҳатлар ўзига хос маъно-мазмун ва аҳамият касб этади. Зеро, ўзаро маънавий-руҳий бирлик, ғоя ва мақсадлар муштараклиги кишиларга энг мураккаб муаммоларни ҳал қилишга кўмаклашишда устувор жиҳат ҳисобланади.

Дарҳақиқат, Ўзбекистоннинг миллатлараро тотувлик сиёсати ўз мазмун-моҳиятига кўра, юртимизда истиқомат қилаётган барча миллатларнинг умумий манфаатларини рўёбга чиқаради. Бу эса мамлакатда фуқароларо ва миллатлараро тотувлик, ижтимоий барқарорлик ҳамда ҳамкорлик муҳитини таъминлайди. Бунинг учун мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ кўп миллатли халқимизнинг онги ва қалбида «Ўзбекистон – ягона Ватан» деган тушунчани шакллантириш ҳамда ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратила бошланди.

Шу боис ҳам Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов таъкидлаган эди: «Ўзбекистонда мустақиллик йилларида миллатлараро ва конфессияларо тотувликни ривожлантириш учун барча ҳуқуқий асослар яратилди. Бағрикенглик маданиятини тарбиялаш ва янада мустаҳкамлаш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди»[383].

Дарҳақиқат, Ўзбекистоннинг мустақиллик йилларида қўлга киритган катта ютуқларидан бири, таъкидлаш жоизки, кўп миллатли фуқаролар ўртасида тинчлик, миллатлараро дўстлик ва тотувликнинг таъминланганлигидир. Биринчи Президент Ислом Каримов раҳнамолигида ишлаб чиқилган ва бугунги кунда Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан барқарор ривожлантирилаётган изчил оқилона миллий сиёсатнинг туб ўзагини «Кўп миллатлилик – Ўзбекистоннинг бойлиги» деган бош ғоя ташкил этади.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимда сўзлаган нутқида «... мамлакатимизда ҳукм сураётган миллатлар ва фуқаролар тотувлиги, ўзаро ҳурмат ва меҳр-оқибат муҳитини кўз қорачиғидек сақлаш ҳамда мустаҳкамлашни ўзимнинг устувор вазифам, деб ҳисоблайман»[384], - дея алоҳида таъкидлаганлари фикримиз далилидир.

Маълумот ўрнида шуни айтиш мумкинки, бундан юз йил аввал ҳозирги республикамиз ҳудудида 70 га яқин миллат

---

[383] Каримов И.А. Бизнинг йўлимиз – демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва модернизация жараёнларини изчил давом эттириш йўлидир. 20-том. Т.: «Ўзбекистон», 2012. 60-б.

[384] Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. // «Халқ сўзи», 2016 йил 15 декабрь.

вакиллари истиқомат қилган. 1926 йилда 90 та, 1959 йилда 113 тани, 1979 йилда 123 тани ташкил этган бўлса, ҳозирги пайтда 136 та миллат, элат ва этник гуруҳлар яшамоқда. Ўтган чорак аср мобайнида юртимизда турли миллатга мансуб фуқароларнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий, маънавий-маърифий ҳаётдаги фаол иштирокини таъминлаш, уларнинг миллий ўзлигини англаши ҳамда этник қадриятларини сақлаб қолишлари учун кенг имкониятлар яратилди. Бунинг ижобати сифатида мактабларимизда 7 та миллий тил (ўзбек, қорақалпоқ, рус, қозоқ, қирғиз, тожик, туркман тиллари)да ўқитиш ишлари олиб борилмоқда ва Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг телерадио каналлари орқали 10 дан ортиқ тилда (ўзбек, қорақалпоқ, рус, қозоқ, қирғиз, тожик, туркман, инглиз, немис, корейс, татар, уйғур, озарбайжон тилларида) кўрсатув ва эшиттиришлар олиб борилмоқда[385].

Ҳукуматимиз томонидан оқилона юритила бошланган миллий сиёсатнинг яна бир кўриниши шундаки, барча миллат ва элат вакилларига кенг имкониятлар яратилди, яъни миллат ва элатлар орасида миллий жипслашиш жараёнининг кучайиши Ўзбекистонда миллий маданий марказлар тузилишига олиб келди.

Ўзбекистон ССР Маданият ишлари вазирлиги қошида 1989 йили Республика миллатлараро маданият маркази тузилди. 1992 йил 13 январда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарори билан Ўзбекистон Республикаси Байналмилал маданият маркази ташкил қилинди. Унинг таркибида бир қанча миллат ва элатларнинг жамоат ташкилотлари – миллий маданий марказлар тузила бошланди. Миллий маданий марказларнинг уч асосий йўналишда фаолият кўрсатиши белгиланди. Унга кўра:

– *ҳар бир миллатнинг тили, маданияти, урф-одатлари ва расм-русумларини тиклаш, тарихий Ватани билан ўтмишини жонлантириш;*

– *Ўзбекистонни ўзининг ҳақиқий Ватани деб билиш ва унга садоқат билан хизмат қилиш;*

– *Ўзбекистон давлатига ном берган ўзбек миллати билан дўстликда, ҳамкорликда ва тотувликда яшаш, унинг тилини,*

[385] Мирзаев Ғ.Р. Азалий қардошлик ришталари тараққиёт йўлида. –Т.: «Наврўз», 2016. 66-67-бетлар.

маданияти ҳамда тарихини билиш назарда тутилади[386]. Миллий маданият марказлари фаолиятини мувофиқлаштириш ва уларга яқиндан кўмак кўрсатиш, айтиш жоизки, унинг асосий вазифаси қилиб белгиланди. Шу тариқа миллий маданий марказларнинг иши йил сайин бойиб, янгиланиб борди ва уларнинг сони 2017 йилга келиб 137 тани ташкил этмоқда[387].

Мамлакатимизда ўзаро ҳамкорлик, дўстлик, тотувлик ва ҳамжиҳатлик муҳитини мустаҳкамлаш борасида амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар натижаси ўлароқ, истиқомат қилаётган турли миллат ва элат вакиллари маданиятини равнақ топтириш ҳамда янгича мазмун билан бойитишда муҳим омил бўлувчи Ўзбекистон миллий сиёсатининг толерантлик тамойиллари ишлаб чиқилди. Унинг энг муҳим йўналишлари ҳисобланган миллатлар ва элатларни жипслаштириш, ҳар бир халқ, шунингдек ҳар қандай шахснинг ўз тенглигини демократик танлаш асосида ўзи белгилаш ҳуқуқини тан олиши, суверенитет тамойиллари, шу жумладан барча фуқароларнинг эркин миллий ривожланиш ҳуқуқини ҳаётга тадбиқ этиш ҳамда инсон ҳуқуқларининг бошқа барча ҳуқуқлардан устунлигини тан олиш[388] каби тамойиллари ҳаётга сўзсиз тадбиқ этила бошланди. Зотан, миллатлараро тотувлик қарор топар экан, қисқача унинг мазмуни ҳақида тўҳталиб ўтиш жоиздир. Демак, *миллатлараро тотувлик – умумбашарий қадрият бўлиб, турли хил халқлар биргаликда истиқомат қиладиган минтақа ва давлатлар миллий тараққиётини белгилайди, тинчлик ва барқарорликнинг кафолати бўлиб хизмат қилади*[389].

Бинобарин, чорак асрдан буён миллатлараро тотувликни таъминлаш масаласида мамлакатимизда бой тажриба тўпланиб, миллий қонунчилик ва халқаро умумэътироф этилган ҳуқуқий нормалар асосида 130 дан ортиқ миллат ва элат вакилларининг ягона оилада дўстлик ва иноқликда ҳаёт кечириши ҳамда уларнинг ўз тарихий Ватанлари билан ҳамкорликни йўлга қўйишда ибратли

[386]Республка Байналмилал маданият маркази жорий архиви материаллари. Шахсий архив.
[387] «Тошкент оқшоми», 2017 йил 25 январь.
[388] Муртазаева Р.Ҳ. Ўзбекистонда миллатлараро муносабатлар ва бағрикенглик. Тошкент. «Университет», 2007. 132-б.
[389] Қабилов Ш.Р. Маънавий оламни асраш қайғуси. Президент Ислом Каримовнинг «Юксак маънавият – енгилмас куч» асарини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. «O‘qituvchi», 2011. 101-б.

тажрибалар тўпланди. Чунончи, Бош Қомусимизнинг 18-моддасида: «Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъий назар, қонун олдида тенгдирлар»[390], – дея кафолатлаб қўйилганлиги айни пайтда туркман миллатига мансуб халқнинг ўз ҳуқуқ ва эркинликларидан унумли фойдаланишида мустаҳкам пойдевор вазифасини ўтаб, кенг имкониятлар эшигини очди.

Жумладан, икки қардош давлатлар – Ўзбекистон ва Туркманистон ўртасидаги анъанавий ўзаро ҳурмат ва дўстлик ришталарига асосланган сиёсий-ҳуқуқий, савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар соҳалардаги ҳамкорлиги мана йигирма олтинчи йилдирки, янада равнақ топмоқда.

Боиси ўзбек ва туркман халқларининг тарихи ва маданияти муштарак, урф-одат ва анъаналари ўхшаш. Аждодларимизнинг бой илмий-ижодий мероси аллақачонлар, халқларимизнинг умумий мулкига айланган. Ушбу яқинлик маданий-гуманитар соҳадаги ҳамкорлик ривожига мустаҳкам асос бўлиб, икки мамлакат маданият ва санъат намояндалари Ўзбекистон ва Туркманистонда ўтказиладиган турли концертлар, фестиваль ва кўргазмаларда фаол иштирокини таъминламоқда. Жумладан, 2016 йил 26-28 сентябрь кунлари Туркманистонда «Ўзбек киноси кунлари» бўлиб ўтди. Унда «Паризод», «Унутма мени», «Сеҳрли қалпоқча», «Тоға», «Зарб», «Ота», «Хаётда…» ва «Хазонрезги» каби фильмлар намойиш этилди[391].

2016 йил 7-11 ноябрь кунлари мамлакатимизда Туркманистон маданияти кунлари ўтказилди[392]. Маданият кунлари доирасида бўлиб ўтган Туркманистон санъат ва маданият усталарининг концерти, Туркманистон ва Ўзбекистон ижодкорлари учрашуви, Туркманистон амалий санъат ва музей кўргазмаси ҳамда туркман кинофильмлари намойиши каби маданий тадбирлар ўзбек ва туркман халқларининг азалий қардошлик, миллатлараро дўстлик ва тотувлик ришталарини умумбашарий қадриятларнинг узвий

[390] O‘zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi. “O‘zbekiston”, 2016. 9-b.
[391] http://gundogar-news.com/index.php?category_id=5&news_id=9423 Мурожаат этилган сана: 2016 йил 29 сентябрь.
[392] «Халқ сўзи», 2017 йил 7 март.

қисми сифатида мустаҳкам ва бардавом эканлигидан далолат беради.

Хусусан, мамлакатимизда қарор топган миллатлараро дўстлик ва тотувлик сиёсати давлатимиз делегациясининг хорижий мамлакатларга амалга оширган ташрифларидаги маданий тадбирларда ҳам мунтазамлик касб этмоқда. Жумладан, 2017 йил 6-7 март кунлари Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Туркманистон президенти Гурбангули Бердимуҳамедовнинг таклифига биноан давлат ташрифи билан ушбу мамлакатда бўлди. Ташриф давомида Туркманобод шаҳридаги «Руҳият» саройида Ўзбекистон ва Туркманистон санъат усталарининг концерти намойиш этилганлиги ўзбек ва туркман халқларининг бир-бирига яқинлиги ҳамда қардош давлатлар томонидан халқлар ўртасида ривожлантириб борилаётган дўстлик ғояси яъни, умумбашарий қадриятларнинг яққол намоён этилишидир[393]. Бинобарин, икки мамлакат ўртасида маданий-гуманитар соҳадаги ҳамкорликни ривожлантиришда туркманистонлик ўзбеклар ва Ўзбекистонда яшаётган туркманлар муҳим ўрин тутади. Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда истиқомат қилаётган туркманларнинг ўзбек халқи билан туркий тиллар гуруҳига кириши ҳамда умумий тарихи, миллий қадриятларининг муштараклиги икки халқнинг ўзаро маданиятларини бойитишда муҳим аҳамият касб этади. Шу билан бирга, айни пайтда эса юртимизда ҳар бир халқ ўз маданияти ва маънавиятини соф ҳолда сақлаб қолишга интилиб яшамоқда. Мамлакатимизда истиқомат қилаётган барча миллат ва элатлар вакиллари қаторида Ўзбекистон ҳукумати туркман миллатига мансуб фуқароларни қўллаб-қувватлаш ҳамда ижтимоий ва маънавий-маърифий ривожланишига алоҳида эътибор бермоқда.

Жумладан,1993 йил январь ойида Бухоро вилоятида туркман миллий маданият маркази очилди. Кейинчалик Қорақалпоғистон Республикаси (1999 йил октябрь), Тошкент шаҳри (2001 йил март), Тошкент (1999 йил декабрь), Сурхондарё (2001 йил май), Қашқадарё вилоятларида (2007 йил ноябрь)[394] ҳам шундай миллий маданий марказлар ташкил этилиб, улар Республика Туркман милий маданий маркази бошчилигида фаолият юритмоқда.

[393] «Халқ сўзи», 2017 йил 8 март.

[394] Мирзаев Ғ.Р. Азалий қардошлик ришталари тараққиёт йўлида. –Т.: «Наврўз», 2016. 70-б.

Дарҳақиқат, Ўзбекистонда истиқомат қилаётган туркман миллатига мансуб халқнинг ҳозирги ва келажакдаги миллий равнақи учун мамлакатимизда барча шарт-шароитлар яратилган ҳамда уларнинг давлат ва жамият олдидаги хизматлари муносиб тақдирланиб келинмоқда. Биргина 2017 йил 24 январда Республика Байналмилал маданият марказининг 25 йиллиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони асосида мамлакатимизда миллатлараро дўстлик ва тотувликни мустаҳкамлашдаги катта хизматлари учун Туркман миллатига мансуб Аразмухаммет Абаев «Дўстлик» ордени ва Қурбонмурод Шайқулов «Шуҳрат» медали билан тақдирланганлиги бунинг амалий ифодасидир[395].

Туркманлар ҳам ўз навбатида «Ўзбекистон - умумий уйимиз» шиори остида юртимизнинг тинч ва осойишта ҳамда миллатлараро тотувлик ва барқарорлик асосида ривожланиши учун ўзларининг барча ғайратларини сарфламоқдалар.

Мухтасар қилиб айтганда, Ўзбекистон давлатининг янада мустаҳкамланиши ва ҳар томонлама тараққий этиши – миллат, элатлар ва этник гуруҳлар ҳаётида фаровонликнинг таъминланиши, яъни сиёсий бирлик, миллатлараро дўстлик ва тотувлик, ҳамжиҳатлик ва ҳамкорлик ҳамда барқарорликка боғлиқдир! Зеро, Ўзбекистоннинг миллатлараро тотувлик сиёсати ривожланиш жараёни ва истиқболида «фуқаролар тинчлиги ва миллий тотувлиги»ни[396] таъминлашда барчамизнинг бирдамлик, дўстлик, тинчлик ва меҳр-оқибат муҳитини бардавом эттиришимиз айни муддаодир.

АДАБИЁТЛАР

1. Каримов И.А. Бизнинг йўлимиз – демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва модернизация жараёнларини изчил давом эттириш йўлидир. 20-том. Т.: «Ўзбекистон», 2012. 320-б.

2. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. // «Халқ сўзи», 2016 йил 15 декабрь.

3. Мирзаев Ғ.Р. Азалий қардошлик ришталари тараққиёт йўлида. –Т.: «Наврўз», 2016. 124-б.

[395] «Правда востока», 25 января 2017 года.

[396] O‘zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi. “O‘zbekiston”, 2016. 3-bet.

4. Республика Байналмилал маданият маркази жорий архиви материаллари. Шахсий архив.

5. «Тошкент оқшоми», 2017 йил 25 январь.

6. Муртазаева Р.Ҳ. Ўзбекистонда миллатлараро муносабатлар ва бағрикенглик. Тошкент. «Университет», 2007. 132-б.

7. Қабилов Ш.Р. Маънавий оламни асраш қайғуси. Президент Ислом Каримовнинг «Юксак маънавият – енгилмас куч» асарини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. «O‘qituvchi», 2011. 101-б.

8. O‘zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi. «O‘zbekiston», 2016. 76-bet.

9.http://gundogar-news.com/index.php?category_id=5&news_id=9423 Мурожаат этилган сана: 2016 йил 29 сентябрь.

10. «Халқ сўзи», 2017 йил 7 март.

11. «Халқ сўзи», 2017 йил 8 март.

12. «Правда востока», 25 января 2017 года.

ЁШЛАРДА МАЪНАВИЙ ОНГНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ АҲАМИЯТИ

(бошланғич синфларда ўқиш дарслиги мисолида)

Аҳмедова Г. К.,
Андижон вилояти Избоскан тумани 10 ўрта мактаб
бошланғич синф ўқитувчиси

Аннотация

Мазкур мақолада мактаб ўқувчиларига бошланғич синфда ўқиш дарсларининг ўқитилиши ва маънавий аҳамияти ёритилган. Дарснинг ўқувчилар дунёқарашини шакллан-тиришдаги роли таҳлил этилган. Хусусан, ёш авлодни маънавиятли қилиб тарбиялашда улуғ сиймолар фазилатлари намуна қилиб кўрсатилган.

Калит сўзлар: *Давлат таълим стандарти, бошланғич синф, ёш авлод, ўқиш дарси, маънавият, буюк сиймолар, адабиёт, табиат мавзуси.*

Эта статья освещает урок чтения в преподаваемом и духовном смысле у учащихся начальной классы. В анализируется формировать мировоззрения учащихся роли в урок. В частности, нравственное воспитание молодого поколения в качестве примера труды великих деятелей.

Ключевые слова: *Государственный стандарт образования, начальной класс, молодое поколение, урок чтения, духовность, великих деятелей, литература, тема природы.*

This article highlights the lesson of reading in the taught and spiritual meaning in the school pupils of the primary class. The analyzes form the outlook school childrens the role of in the lesson. In particular, the moral education of the younger generation as an example of the works of great figures.

Key words: *State standard of education, primary class, younger generation, reading lesson, spirituality, great person, literature, the theme of nature.*

Ёш авлодни ҳар томонлама ривожланган инсон қилиб тарбиялашда бошланғич синф ўқиш дарслари катта аҳамият касб этади. Ўқиш дарслари бошланғич синфлардаги бошқа дарслардан ўз моҳияти, мақсад ва вазифаларига кўра фарқланади. Бошланғич

синф ўқувчиси матнни тўғри, тез, тушуниб ўқиш, мазмунини ўзлаштириш билан илк бор ўқиш дарсларида танишади. Ўқиш дарслари орқали ўқувчиларнинг Давлат таълим стандартлари талаблари бўйича ўзлаштиришлари кўзда тутилган ўқув-билув кўникма-малакалари ҳамда одоб-ахлоқ ва умумбашарий қадриятларга доир илк билимларни эгаллашларига йўл очилади.

Бошланғич синф ўқиш дарслари дастлабки ўқув соатлари яъни, савод ўргатиш даврида ўқувчиларни бўғин, сўз ва гаплар билан таништириш, уларни ўқиш, расмлар асосида ҳикоя қилиш тарзида ташкиллаштирилса, ўқиш техникаси эгалланган сўнг ўқиш муайян мавзулар бўйича танланган бадиий, илмий-оммабоп матнлар юзасидан олиб борилади.

Бошланғич таълим бўйича Давлат Стандарти ва «Она тили» ўқув дастурида ўқиш таълими олдига қўйилган талабларни амалга ошириш синфда ўқишни тўғри ташкил қилиш, ўқитиш босқичлари, тамойиллари ва методлари, биринчи навбатда, илғор педагогик технологиялардан ўринли фойдаланишга кўп жиҳатдан боғлиқдир.

Маълумки, синфда ўқиш асосида бадиий ва илмий-оммабоп матнлар туради. Ўқувчиларни матн билан таништириш ўқишга тайёргарлик босқичидан бошланади.

Тайёргарлик босқичи ёзувчилар ҳақида маълумот бериш, ўқувчиларни асарда тасвирланадиган воқеа-ҳодисаларни идрок қилиш, асар нафасини ҳис этиш, нотаниш ва кўп маъноли сўзлар, мураккаброқ тарздаги образли ифодаларни изоҳлаш каби масалаларни ўз ичига олади. Агар асар йил фасллари ҳақида бўлса, табиат қўйнига саёҳат уюштириш ҳам синфда ўқиш муваффақиятини таъминлашга хизмат қилади.

Бошланғич синфларнинг ўқиш дарсларида ўрганиладиган асарларнинг мавзу доираси анча кенг бўлиб, она табиат, йил фасллари, халқ оғзаки ижоди, меҳнатга муҳаббат, асосий байрам саналари, миллий истиқлол ва маънавият каби умумий мавзулар доирасида бирлаштирилган.

Узлуксиз таълимнинг бошқа босқичларидан фарқли ўлароқ, бошланғич синфларнинг ўқиш дарсларида ўқувчиларнинг ўқиш малакаларини шакллантириш, асар матни устида ишлаш таълимнинг дидактик мақсади ҳисобланади. У турли мавзудаги матнлар устида ишлаш орқали маънавий-ахлоқий, адабий-эстетик

тарбия билан чамбарчас боғлаб олиб борилади. Чунончи, ўқиш дарсларининг етакчи хусусияти ўқувчиларнинг саводхонлигини таъминлаш билан бирга бадиий адабиётнинг сеҳрли оламига олиб кириш, миллий мафкура асосида юксак ахлоқий қадриятлар руҳида тарбиялашга қаратилади.

Аммо, кўп йиллик педагогик тажриба ва таҳлиллар натижаси шуни кўрсатади-ки, ўқиш таълими бўйича ўқувчиларни фақат матн билан таништириш ёрдамида дастур талабларига жавоб бериб бўлмайди. Негаки, матн заминидаги тарбиявий ғоя уни тушуниш, идрок қилиш натижасидагина очилади. Бошқача айтганда, ҳар қандай асардаги сеҳр-жозиба матн заминидаги яширин мазмун-моҳияти англаб етилганда ўқувчи диққатини ўзига жалб этиши мумкин. Бунга адабий-назарий тушунчаларни ўзлаштириш ва адабий таҳлил малакаларини шакллантириш орқали эришилади.

Бинобарин, асар таҳлили жараёнида ўқитувчи саволларига ўқувчиларнинг ўз сўзлари билан жавоб бериши ҳам матнда тасвирланган воқеа-ҳодисалар юзасидан мантиқий фикрлашга, қаҳрамонларнинг хатти-ҳаракатларини тўғри баҳолашга яқиндан ёрдам беради. Саволлар узуқ-юлуқ ва мантиқсиз бўлмасдан, қатъий мақсад асосида изчил берилиши ўқувчиларнинг ўқилган матн моҳиятини чуқур англаб етишларига имкон яратади. Зеро, ҳар қандай жавоб мустақилликни тақозо этади. Таъкидлаш жоизки, ўқувчиларнинг ўзларини ҳам савол тузишга ўргатиш лозим. Матн юзасидан савол тузишда ўқувчининг дарс мавзуси билан боғлиқ жиҳатларга эътибор бериши асарда тасвирланган воқеа-ҳодисалар ўртасидаги сабабий боғланишларни билиб олишга, ҳаётий хулосалар чиқаришга йўл очади. Шунинг учун ҳам матн юзасидан савол тузиш ўқувчини онгли ва тушуниб ўқишга йўллайди. Унинг ўзига хос хусусиятини ўқувчиларни бадиий адабиётнинг сеҳрли оламига олиб кириш орқали дунёқарашларини миллий истиқлол мафкураси асосида тўғри шакллантиришга қаратилиши билан белгиланади.

Ўқиш дарслари учун танланган мавзулар ўқувчиларга кундалик ҳаёт, мустақилликни мустаҳкамлаш ва инсоний муносабатлар бўйича ҳам билим ва тарбия беришни кўзда тутади. Булар ичида мустақиллик, ватан, маънавият ва табиат ҳақидаги мавзулар алоҳида ажралиб туради. Улардан кўзланган мақсад

ўзликни англаш, мутақиллик, ватан ва табиат билан боғлиқ туйғуларини уйғотишдир.

Табиатга оид мавзулар ёрдамида ўқувчилар табиатдаги ўзгаришлар, йил фаслларининг алмашинуви, ҳайвонот оламига доир билимларни эгаллайдилар. Улар ўқувчиларни кузатувчанликка, табиатни севишга, атроф-оламда содир бўлаётган ўзгаришларни идрок этишга, атоф-муҳига нисбатан тўғри муносабатда бўлишга ўргатади.

Дарҳақиқат, «Ўқиш китоби» дарсликларидаги материаллар синфдан синфга ўтган сари мавзу жиҳатидан ҳам, мазмун жиҳатидан ҳам кенгая бориши ҳисобга олинган.

Масалан, 1-синфда ўргатиладиган «Аждодларимиз-фахримиз», «Илм-ақл чироғи», «Зумрад баҳор», «Кумуш қиш» каби мавзулар 2-4 синфларда ҳам давом эттирилади. Натижада ўқувчиларнинг олдинги билимлари тўлдирилади ва бойитилади.

Дарсликдаги ҳар бир мавзу учун танланган матнларнинг жанрий ранг-баранглигига, поэтик мукаммаллигига, ўқувчиларнинг билим даражаси ва ёш хусусиятларига мос келишига алоҳида эътибор қаратилади.

Ижтимоий-тарихий мазмундаги мавзулар Ватанимиз ўтмиши, халқимиз ҳаёти, мардонавор кураши, улуғ сиймолар томонидан амалга оширилган ишлар, тарихий саналар тўғрисида муайян тасаввур беради. Боиси, Амир Темур, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур ва бошқа аждодларимиз ҳақидаги матнлар шулар жумласидандир.

Мухтасар қилиб айтганда, бу хилдаги асарлар ўқувчиларни фақат ўтмишимиз билан таништириб қолмасдан, Ватан олдидаги фарзандлик бурчи ва масъулиятини теран англашга ҳам ёрдам беради ва уларда Ватанга муҳаббат туйғуси шакллантиради.

АДАБИЁТЛАР

1. Каримов И. А. «Ўзбекистон буюк келажак сари» Т. Ўзбекистон, 1998 й.
2. O’zbekiston Respublikasining kadrlar tayyorlash Milliy dasturi.
3. Толипов Ў.Қ., Усмонбоева М. Педагогик технологияларнинг татбиқий асослари. – Т.: Фан, 2006.
4. XXI asr bolalari/ Dasturi.

РОЛЬ ОБЩЕЧЕЛОВЕЧЕСКИХ ЦЕННОСТЕЙ В ВОСПИТАНИИ МОЛОДЕЖИ

Гайсина Р.Ш.,
педагог кафедры «Дизайн одежды» НИХИД им. К. Бехзада

Аннотация

Ушбу мақолада ёшларни умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш мавзуси ёритилган.

***Калит сўзлар**: моддий маданият, маънавий қадриятлар, таълим, маънавий ва ахлоқий қадриятлар, инсон қадриятлари, ёшлар.*

В данной статье рассматривается роль и место общечеловеческих ценностей в воспитании молодежи

***Ключевые слова**: материальная культура, духовная ценность, воспитание, моральные и нравственные ценности, общечеловеческие ценности, молодежь*

This article examines the role and place of universal values in the education of youth

***Keywords:** Material culture, spiritual value, education, moral and moral values, universal values, youth*

В условиях демократизации общественной жизни, приобретения независимости нашей Республики, роль национальных и общечеловеческих ценностей в нравственном воспитании подрастающего поколения является необходимостью и требованием времени. В современных условиях глубокое и всестороннее изучение национальных и общечеловеческих ценностей, правильное определение их роли и места в воспитании подрастающего поколения, определения своеобразных связей между ними, их отношения к традициям, обычаям, обрядам, правилам, а также разработка приемлемых вариантов их применения в нравственном воспитании подрастающего поколения приобретает все большое значение.

Грядущее любого государства, его завтрашний день, благополучная и мирная жизнь народа непосредственно связаны с молодым поколением - его будущим и надеждой. «Молодежь с ее талантами и жаждой знаний - вот с кого начинается образование и постижение духовности», - подчеркивает И.А.Каримов. Годы независимости стали периодом коренного поворота в жизни и мировоззрении граждан. Общество обрело совершенно новый облик и

новое содержание. Меняется образ жизни людей, их мышление, особенно молодежи. Большое значение приобретает процесс правильного воспитания отношения молодежи к общечеловеческим ценностям.

Национальные и общечеловеческие ценности имеют различные направления: философские, социальные, политические, экономические, психологические, педагогические, медицинские, литературные, архитектурные, искусствоведческие, религиозные и т.д., которые охватывают традиции, обряды, обычаи, привычки, установки, мысли, пословицы, поговорки, изречения, точки зрения и другие национальные и общечеловеческие шедевры. И в каждом историческом периоде они выступают в качестве призыва, предписаний, путеводителя и служат как закон и порядок, соблюдение которых обязательно для всех. Они вносят в человеческую жизнь и общество в целом порядок, красоту и благие качества. Таким образом, национальные и общечеловеческие ценности охватывают все, что ценно, выразительно, полезно для всех, неповторимо, пример для подражания и священно, которые облагораживают человека, очищают его, направляют его на путь истины, призывают его к необходимости учиться и приобретать знания затем, чтобы в будущем создать такие же великолепные шедевры.

Так роль общечеловеческих ценностей в нравственном воспитании подрастающего поколения должна исходит из определения роли общепринятых ценностей в воспитании человека в целом (нравственном, эстетическом, этическом, трудовом, патриотическом, гуманизмом и т.д.

Национальные и общечеловеческие ценности каждой исторической эпохи находят свое отражение в политических учениях, научных теориях, материально этических нормах, в религии и произведениях архитектуры, литературы и искусства, а также людей. Это связанно с тем, что национальные и общечеловеческие ценности являются продуктом жизненного опыта народа в разных исторических эпохах и поэтому отражают их жизненные запросы. Особенно такие ценности, как человек, родина, мать, мир, свобода, независимость, нация, государственные символы, сплочённость, дружба, товарищество и многие другие, которые воспитывают подрастающее поколение в духе гуманизма, патриотизма, миро-

любия, свободы, благонравия, дружбы между народами, товарищества, добропорядочности, честности, справедливости и т.д.

Каждая нация имеет свои ценности. Следовательно, от того, в какой степени используются эти возможности каждой страной, каждым народом играют важную роль в создании общества. На сегодняшний день одна из основных особенностей ценностей заключается в этом. Потому что ни одно общество, не развивая и не закрепляя в сознании людей духовные и нравственные ценности, не может представить себе свое будущее. На Востоке тысячелетние национальные традиции народа служили ему могучим духовным источником. Как отмечает И.А.Каримов «Возрождение духовных ценностей мы рассматриваем как органический, естественный процесс роста национального самосознания, возвращения к духовным истокам народа, его корням»[397].

Наша материальная и духовная культура настолько богата и обширна, что привлекает к себе внимание не только узбекского народа, но и многих стран Европы, Азии, арабских государств, пробуждает их интерес к нашей стране, становится солидным вкладом в общечеловеческие ценности. В X-XI веках, когда европейская культура была еще далека от эпохи Возрождения, культура Востока во всех сферах достигла самых высоких вершин. Произведения ибн Сины, аль-Фараби, Фаргони и многих других наших ученых переведены на латинский, древние французский, итальянский, испанский языки. Эти переводы в XII-XIV веках, особенно в XIV веке, оказали сильное влияние на европейскую науку и философию. Большинство этих произведений до сих пор хранится в национальной библиотеке в Париже.

Изучение духовной жизни позволяет раскрыть силу влияния устного народного творчества в пропаганде духовных ценностей, в выражении мечты, надежды, мировоззрения и особенностей характера народа. В произведениях фольклора находят свое выражение идейно-политическое, нравственное, художественно-эстетическое, экологическое, экономическое, религиозное, интеллектуальное и физическое содержание культуры, духовные запросы, потребности, мечты и цели народа, а также проверенные жизнью формы, методы и средства образования и воспитания людей.

[397] Каримов И.А. «Узбекистан - собственная модель перехода на рыночные отношения». Т.1. Т.Узбекистан. 1996г.

Одним из жанров устного народного творчества является дастан, который в смешанном виде содержит в себе многие духовные ценности народа и отражает художественно-эстетические особенности, характерные для музыки, театра, поэзии. К числу самых древних узбекских дастанов относится «Алпомыш». Как бесценный художественный памятник творческою гения прошлых поколений, это произведение занимает особое место среди образцов лирико-эпического творчества народов мира. Любимый народом эпос охватывает своим содержанием огромный исторический период и повествует о жизни предков в седой древности, о подвигах «батыра», который ведет борьбу с притеснителями его рода, о роли мудрого наставника в судьбе героя и силе его духа. Примечательно, что Кабинет Министров Республики Узбекистан принял специальное Постановление «О праздновании 1000-летия создания дастана «Алпомыш» от 13 января 1998 года. В Связи со знаменательным 1000-летним юбилеем дастана, превратившегося за годы независимости в символ единства нации, ее духовного пробуждения, гордости и самосознания, международная организация ЮНЕСКО в 1999 году проводила специальные мероприятия, посвященные этой дате. В октябре 1999 года хокимияты Сурхандарьинского вилоята провели в столице международную конференцию на тему: «Дастан «Алпомыш» и эпическое творчество народов мира», а так же провели праздничные торжества[398].

Одним из величайших памятников истории человеческой цивилизации остается «Авеста». Прошло три тысячи лет со времени созданий этой древней книги, которая является бесценным наследием, оставленным грядущим поколениям от наших предков. В современном обществе значение «Авесты», содержащей идеи добра, и справедливости, взаимопонимания и любви, все более возрастает. Ведь заложенные в ней моральные и нравственные ценности как никогда созвучны нашей действительности. «Авеста»- это исторической документ, свидетельствующий о том, что в нашем древнем крае существовало великое государство, великая духовность, великая культура», - говорил Ислам Каримов.

Древние исторические памятники; археологические находки; этнографические, топонимические, письменные и семейные исто-

[398] Основы духовности library.tma.uz/uum2/uum-omh... /Литраа/Osnovi_dux (maruza (rus%20tilida)).pdf

рические источники это ценности относящиеся к материальной культуре. Духовность, традиции, обычаи и привычки народа опираются на национальные корни и, в соответствии с их историческим значением, являются уникальными. В то же время присущая каждому народу культура возникает и развивается на протяжении веков неотрывно от культурных достижений других народов. Каждое поколение не создает заново культурные ценности, а принимает и обогащает материальные и духовные богатства, накопленные на протяжении существования всей мировой цивилизации. В беседе с учеными-историками и журналистами на тему: «Без исторической памяти нет будущего» 26 июля 1998 года И.А. Каримов отметил: «Уцелевшие в безжалостных испытаниях времени надписи и рисунки на камнях и сегодня хранящиеся в библиотеках более 20 тысяч рукописей, в которых запечатлены десятки тысяч научных трудов по истории, литературе, искусству, этике, философии, медицине, математике, физике, химии, астрономии, архитектуре, земледелию, - это поистине бесценное духовное богатство и гордость наша. Мало найдется в мире народов, обладающих таким большим наследием. И потому-то я смело могу сказать, что немногие страны мира могут сравниться с нами в этом отношении». Возникновение культуры народов Средней Азии относится к древнейшему периоду развития человеческого общества. Культура органически связана с возникновением самого человека. История культуры -это неразрывная часть истории человечества.

Воспитание в молодежи гордости к своей культуре, богатой историей, ее духовным наследием, вкладом, внесенным ею в мировую цивилизацию, говорит о стремление к глубокому осознанию и почтительном отношение к своей нации как результат духовной потребности. Человек с чувством национальной гордости - это, прежде всего, всесторонне развитая личность, хорошо знающая прошлое своего народа, умеющая ценить и в то же время обогащать его уже в новых условиях и обстоятельствах.

Профессор Бегали Касымов писал: «Мы позабыли, что являемся просвещенной нацией, вносившей и продолжающей вносить большой вклад в мировую цивилизацию»[399].

Духовно-нравственное воспитание молодежи, направленное на формирование уважения к культурно-историческому наследию

[399] газета «Фидокор» от 8 июня 2000 г.

своего народа, нравственных приоритетов является одной из актуальных проблем общества. Воспитание молодежи должно ориентироваться на наиболее ценные элементы культурного наследия и национальную самобытность, одновременно способствующую укреплению этических принципов, на которых будет строиться новый, более справедливый, более гуманный порядок для всех людей и народов.

ЛИТЕРАТУРЫ

1. Каримов И.А. «Узбекистан - собственная модель перехода на рыночные отношения». Т.1. Т.Узбекистан. 1996г.

2.Основы духовности library.tma.uz/uum2/uum-omh.../Литраа/Osnovi_dux (maruza (rus%20tilida)).pdf

3. Газета «Фидокор» от 8 июня 2000 г.

АЖДОДЛАРИМИЗНИНГ БУЮК МАЪНАВИЙ МЕРОСИ

Агзамова З.Р.
Ўзбекистон тарихи давлат музейи илмий ходими

Аннотация

Ушбу мақолада миллий маънавий мероснинг аҳамияти, юртимиздан етишиб чиққан буюк мутафаккирларнинг жаҳон илм-фанига қўшган улкан хизматлари, қолдирган бой илмий мерослари, уларнинг ўрни, аҳамияти ва бугунги кунда берилаётган эътибор, улуғ бобокалонларимизнинг илмий меросларни асраб-авайлаш ва номларини абадийлаштириш мақсадида олиб борилаётган ишлар, ёшларнинг шаклланишида миллий маънавий мероснинг аҳамияти ҳақида маълумотлар келтириб ўтилган.

Калит сўзлар*: аллома, мутафаккир, асар, ҳайкал, миллий маънавий мерос, ёдгорлик, музей, мусаввир, абадийлаштириш.*

В данной статье приведены сведения о значении национального духовного наследия, вклад в мировую науку и культуру великих мыслителей нашего края, оставленное ими богатейшее научное наследие, их место, значение и особое внимание им в современном мире, проводимые мероприятия в целях сохранения их научного наследия и увековечивания их имён, а также значение этого национального, духовного и научного наследия в становлении личности молодого поколения.

Ключевые слова: *учёный, мыслитель, произведение, скульптура, национальное духовное наследие, памятник, музей, художник, увековечивать.*

In this article the information is given about the importance of national heritage, contribution of the great scientists of our land to the world science, rich scientific legacy of our ancestors, their role, importance and nowadays particular attention to them, conducting activities in order to preserve their scientific heritage and the significance of this national spiritual heritage in the formation of the young generation's personalities.

Key words: *scientist, thinker, composition, sculpture, national spiritual legacy, monument, museum, painter, perpetuate.*

Мустақиллигимизнинг дастлабки кунларданоқ аждодларимиз томонидан кўп асрлар мобайнида яратиб келинган ғоят улкан, бебаҳо маънавий ва маданий меросимизни тиклаш давлатимиз сиёсатининг ниҳоятда муҳим аҳамиятга молик устувор вазифаларидан бири бўлиб қолди. Бунинг натижасида миллий-маънавий меросимиз қайта тикланди.

Миллий-маънавий мерос миллатнинг тафаккури, даҳоси, дунёқараши, яратувчанлик салоҳиятининг маҳсулидир. «Албатта, ҳар қайси халқ ёки миллатнинг маънавиятини унинг тарихи, ўзига хос урф-одат ва анъаналари, ҳаётий қадриятларидан айри ҳолда тасаввур этиб бўлмайди. Бу борада, табиийки, маънавий мерос, маданий бойликлар, кўҳна тарихий ёдгорликлар энг муҳим омиллардан бири бўлиб хизмат қилади»[400]. Ёшларнинг маънан шаклланиб, вояга етишларида миллий-маънавий мероснинг ўрни бениҳоят аҳамиятлидир. Чунки маънавий мерос ёшлар онгига, ички дунёсига, ҳис-туйғусига таъсир этиб, улар онгини бойитади, ахлоқ-одобини эзгулик сари етаклайди. Маънавий мерос замонлар ўтиши билан қадри янада ортиб боради. Аслида маънавий мерос бирор халқ, миллат, унинг вакиллари томонидан яратилиб, сўнг умуминсониятнинг маънавий бойлигига, меросига айланиб қолади. Марказий Осиё халқларининг ўтмиш авлодлари қолдирган маънавий мероси бунга мисол бўла олади.

2014 йил 15-16-май кунлари Самарқанд шаҳридаги Қабуллар уйида Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан «Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожидаги роли ва аҳамияти» мавзусидаги халқаро конференциянинг ўтказилиши ва унда АҚШ, Буюк Британия, Италия, Хитой, Жанубий Корея, Германия, Япония, Ҳиндистон, Миср, Индонезия, Саудия Арабистон, Қувайт, Россия, Озарбайжон каби элликка яқин мамлакатдан олимлар, нуфузли халқаро ташкилотлар раҳбарлари, олий таълим муассасалари профессорлари, илмий марказлар ва институтлар мутахассислари иштирок этиши фикримизнинг ёрқин далилидир. Бу конференцияда ўрта асрлар Шарқ мутафаккирлари ва алломаларининг дунё тамаддунида тутган ўрни, илм-фан ва санъат ривожига қўшган ҳиссаси ҳақида сўз юритилди, шунингдек,

[400] Каримов И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч. –Т.: Маънавият, 2008. –Б.30.

уларнинг ҳаёти ва ижоди, тарихий мероси ва илмий мактаблари фаолияти ҳақида видеофильм намойиш этилди.

Миллий маънавиятимизга, жаҳон цивилизацияси тараққиётига буюк ҳисса қўшган буюк мутафаккир ва алломаларимизнинг юбилейлари жаҳонда ҳамда мамлакатимизда кенг миқёсда нишонланди. Жумладан, Алишер Навоий таваллудининг 550 йиллиги (1991 й), Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 510 йиллиги (1993 й), Мирзо Улуғбек таваллудининг 600 йиллиги (1994 й), Аҳмад ал-Фарғоний таваллудининг 1200 йиллиги (1998 й), Камолиддин Беҳзод таваллудининг 545 йиллиги (2000 й) ва ҳ.к. Шунингдек, А.Навоий, З.М.Бобур, К.Беҳзод каби аждодларимизнинг таваллуд кунларини кенг миқёсда нишонлаш анъанага айланиб бормоқда.

Ал-Хоразмий, Ал-Фаробий, Аҳмад Фарғоний, Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино, Алишер Навоий, Камолиддин Беҳзод, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Мирзо Улуғбек каби кўплаб аждодларимизнинг миллий ва маънавий мероси бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган. Уларнинг ижтимоий, илмий тафаккури ва қарашларини ўзида мужассам этган кўплаб асарлари бизга мерос бўлиб колган эди. Қолаверса, мазкур алломаларимиз ўзларининг табиий-илмий, ижтимоий-фалсафий ва диний қарашлари ҳамда бадиий ижодлари билан тарихимизда чуқур из қолдира олганликлари учун ҳам донғи жаҳонга кетган бўлиб, улар қолдирган мерос бугунги кунда ҳам қўлланилиб келмоқда. Боболаримиздан қолган мероснинг кўплари йўқолиб кетган бўлса ҳам, сақланиб қолган айрим манбалар, китоблар, рисолалар муаллифларнинг файласуф, қомусий (энциклопедист) олим бўлганликларини яна бир бор тасдиқлайди. Бунга кўплаб мисолларни келтириш мумкин. Жумладан: машҳур файласуф, қомусий олим *Абу Наср Форобий* (873–950) замонаси илмларининг барча соҳасини мукаммал билган ва улар ривожига катта ҳисса қўшган, юнон фалсафасини шарҳлаб, дунёга кенг танитгани учун Шарқ мамлакатларида номи улуғланиб, «Ал-Муаллим ас-соний» – «Иккинчи муаллим» (Аристотелдан кейин), «Шарқ Аристотели» деб юритилган. У қарийб барча соҳаларида 160 дан ортиқ асар яратган. Жумладан: «Масалалар манбаи», «Қонунлар ҳақида китоб», «Фалак ҳаракатининг доимийлиги ҳақида», «Мантиқ ҳақида катта қисқартма китоб», «Исбот китоби», «Илмларнинг

келиб чиқиши ва таснифи», «Фалсафа тушунчасининг моҳияти ҳақида сўз», «Фалсафага изоҳлар», «Ҳажм ва миқдор ҳақида сўз», «Мусиқа ҳақида сўз», «Физика усуллари ҳақида китоб», «Инсон аъзолари ҳақида рисола», «Шеър ва қофиялар ҳақида сўз», «Риторика ҳақида китоб», «Луғатлар ҳақида китоб», «Хаттотлик ҳақида китоб», «Бахт-саодатга эришув йўллари ҳақида рисола», «Шаҳарни бошқариш», «Фазилатли ҳулқлар» ва ҳ.к. Форобий «*Илм ва санъатнинг фазилатлари*» рисоласида табиатни билишнинг чексизлигини, билим билмасликдан билишга томон чуқурлашиб боришини таъкидлайди.

Энг машҳур сиймолар қаторидан жой олган қомусий илм соҳиби, йирик табиатшунос ва файласуф *Абу Райҳон Беруний* (973–1048) умри давомида 150 дан ортиқ асар ёзган бўлиб, шундан 30 таси бизгача етиб келган. Беруний қадимги хоразм, сўғд, юнон, сурёний ва қадимги ҳинд тили санскритни пухта ўрганган. Унинг энг машҳур асарлари «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар», «Ҳиндистон», «Геодезия», «Қонуни Масъудий», «Минералогия», «Сайдана» ва ҳ.к. Гарчи Беруний фалсафий-ахлоқий масалаларга оид махсус асар ёзмаган бўлсада, аммо кўпгина асарларида бу масала ҳақида фикрлар баён этган. У илм-фан ҳомийси бўлиб, мамлакат равнақини фан, маърифат равнақида кўрган. Берунийнинг «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар» ааарида ўзига маълум бўлган барча халқларнинг йил ҳисобини чуқур таҳлил қилган, этнография, минерология, картография ва бошқа ўнлаб фанлар ҳақида ҳам фикр юритган. Шу билан бирга, астрономия ва математика фанларига янгиликлар киритган, Шарқда биринчи бўлиб глобус яратган. «Сайдана» асарида мингдан ортиқ доривор моддаларни таърифлаб, номини 30 тилда берган. Берунийнинг асарлари Ўрта Осиё, умуман, Шарқ халқлари илм-фанининг кейинги асрлардаги тараққиёти учун замин бўлиб хизмат қилди. Унинг асарлари ҳамон ўзининг илмий, тарихий, маданий, амалий аҳамиятини йўқотгани йўқ. Айниқса, унинг «Ҳиндистон» асари ҳинд халқинингн қадимги маданияти, тарихи, табиатини ўрганишда ҳиндшунослар учун ягона манба ҳисобланади.

Шарқ ва Европада «Шайх-ур раис» («Олимлар бошлиғи», «Донишманд-лар устози») унвонига эга бўлган аллома *Абу Али ибн Сино* (980–1037) 18 яшарлигида атоқли табиб сифатида донг

чиқарди. У умри давомида 450 дан ортиқ асарлар яратган бўлиб, шундан 100 таси бизгача етиб келган. Унинг асарлари тиббиёт масалалари, фалсафа, мусиқа, адабиётшунослик, тил билими, астрономия ва бошқа соҳаларга оид. Жумладан, мантиқ, физика, математика, метафизикани тўлиқ қамраб олган «Китоб аш-шифо», 20 томдан иборат «Китоб ул-инсоф», «Донишнома», «Юсуф қиссаси», «Соломон ва Ибсол» ва ҳ.к. Унинг «Тиб қонунлари» номи билан шуҳрат қозонган 5 жилддан иборат асари асрлар давомида Шарқда ҳам, Ғарбда ҳам табобатда асосий қўлланма ҳисобланган. Унинг тиббиётга доир кашфиётлари, айниқса, турли ўсимликлардан кимёвий йўл билан дори-дармонлар тайёрлаш ҳақидаги фикрлари ҳамон ўз қимматини сақлаб келмоқда. Ибн Сино ўз ғазал ва рубоийларида гўзалликни, илм-фанни, қиссаларида эса инсонпарварлик, мардлик, меҳнатсеварлик, ҳалолликни тарғиб қилиб, кишиларни илм-фанни ўрганишга, касб-ҳунар эгаллашга даъват этган. Унинг нодир асарлари биз учун ҳамиша азиз ва мўътабардир.

Жаҳон илм-фани тараққиётига катта ҳисса қўшган буюк фалакиётчи олим, давлат арбоби *Муҳаммад Тарағай Улуғбек* (1394-1449) математика ва фалакиёт соҳасида баракали ижод қилган. Унинг «Зижи Улуғбек», «Зижи жадиди Кўрагоний» номлари билан ўрта асрлардаёқ шуҳрат қозонган асарида 1018 юлдузнинг ўрни ва ҳолати аниқлаб берилган бўлиб, у лотин, француз, инглиз тилларига таржима қилинган. Маълумотларга кўра, «Зиж»нинг 100 га яқин форсий нусхаси ва 15 дан ортиқ арабий нусхаси мавжуд. Ўрта асрларда ёзилган ҳеч бир астрономик ёки математик асар бунчалик оммавий ва кенг маълум бўлмаган. Бу асарда юлдузларнинг баландлиги ва улар орасидаги масофа, қуёш ва ойнинг ҳаракати, тутилиш вақтлари баён қилинган. «Зиж» мусулмон мамлакатларининг деярли барчасида ўрганилган ва шарҳланган. Улуғбекнинг математик асари «*Бир даража синусини аниқлаш ҳақида рисола*», астрономияга оид «*Рисолаи Улуғбек*» (ягона нусхаси Ҳиндистонда, Алигарҳ университети кутубхонасида сақланади) ва тарихга доир «*Тарихи арба-улум» («Тўрт улус тарихи*») асаридир.

Ўзбек адабий тилининг асосчиси, улуғ шоир, буюк мутафаккир, йирик давлат арбоби, XV аср жахон маънавиятининг буюк сиймоси, маданият ҳомийси *Алишер Навоий* (1441–1501)

ҳаёти ва фаолиятини инсоннинг бахт-саодати, халқнинг осойишталиги, ободончилик ишларига, илм-фан, санъат ва адабиёт тараққиётига бағишлади. Ўзбек адабий тили ва адабиётини янги тараққиёт поғонасига олиб чиқди. Ўз даври маданий ҳаётининг ҳомийси ва сарвари бўлиб, кўплаб илм-фан, санъат ва адабиёт аҳлларини етиштирди.

Унинг асарлари орасида «Мажолисун-нафоис», «Махбуб-ул қулуб», «Муҳокаматул луғатайн», «Мезонул-авзон», «Девони-фоний», «Чор девон», «Муҳокаматул-луғатайн», «Тарихи анбиё ва ҳукама», «Сирожун-муслимин», «Рисолаи тир андахтан», «Хамса», «Лисонут тайр», ислом маънавиятининг буюк сиймолари, хусусан, турк, форс, ҳинд машойихлари тарихига оид «Насоим ул-муҳаббат» («Муҳаббат шаббодаси») кабилар диққатга сазовор. Бу асарлар ниҳоятда муҳим манба бўлиб, ўша давр маънавиятининг жонли сиймоларидан мингга яқин киши ҳақида қимматли маълумотларни ўзида жамлаган ҳамда форс, араб, француз, немис, грузин, турк, итальян, рус ва бошқа бир қатор тилларга таржима қилинган.

Ўзининг бетакрор гўзал санъати билан нафақат Шарқ халқлари, балки бутун дунё халқлари маданияти тарихида сезиларли из қолдирган, унинг тараққиёти учун баракали ҳисса қўшган буюк мусаввир *Камолиддин Беҳзод* (1455–1535)дир. У «Монийи Соний» («Иккинчи Моний»), «Шарқ Рафаэли» фахрий унвонини олган. Ҳаётлигидаёқ замондошлари томонидан «мусаввир-лар пешвоси», «музаҳҳиблар етакчиси» каби сифатлар билан таърифланган Беҳзод жаҳон тасвирий санъати тарихида муносиб ўрин эгаллаган. Ҳатто Европалик санъатшунослар ҳам Беҳзод санъати ва маҳоратидан ҳайратланиб уни «Шарқ Рафаэли» деб улуғлаганлар. У Шарафиддин Али Яздийнинг «Зафарнома», Ҳусрав Деҳлавий ва Низомий Ганжавийнинг «Хамса» (Лондон, Британия музейи), Саъдийнинг «Гулистон», Абдулло Хошифийнинг «Темурнома» асарларига мўъжаз тасвирлар ишлаган. Шу билан бирга, Султон Ҳусайн Бойқаро, Султон Муҳаммад Шайбонийхон, Абдураҳмон Жомий, шоир Хатифий (А.Сакисян тўплами), Амир (Бостон, Нафис санъат музейи) ва бошқаларнинг портретини чизган, халқнинг меҳнатини, табиат манзараларини ҳаққоний тасвирлаган.

Ўрта аср Шарқ маданияти, адабиёти ва шеъриятида ўзига хос ўрин эгаллаган адиб, шоир, олим, марказлашган давлат асосчиси Заҳириддин Муҳаммад Бобур (1483–1530) кенг дунёқараши, мукаммал ақл-заковати билан Ҳиндистонда Бобурийлар сулоласига асос солиб давлат арбоби сифатида номи қолган бўлса, сержило ўзбек тилида ёзилган «Бобурнома» асари билан жаҳоннинг машҳур тарихнавис олимлари қаторидан жой олди. Унинг нафис ғазал ва рубоийлари туркий шеъриятининг энг нодир дурдоналари бўлиб, «Мубаййинул закот», «Хатти Бобурий», «Ҳарб иши», «Аруз рисоласи» каби асарлари эса ислом қонуншунослиги, шеърият ва тил назарияси соҳаларига муносиб ҳисса бўлиб қўшилди. «Бобурнома» мемуар асарида Марказий ва Кичик Осиёда, Яқин ва ўрта Шарқ мамлакатларида кечган воқелар баён этилган. Бу асар форс, голланд, инглиз, француз, турк, рус, немис тилларига таржима қилинган.

Аждодларимизнинг бой илмий меросини ўрганишга қизиқиш катта бўлганлигини ёзилган кўплаб илмий ва бадиий асарларда ҳам кўриш мумкин. Айниқса, мустақиллик йилларида уларнинг илмий меросига бўлган қизиқиш янада ортди. Шу билан бирга, таваллуд топган кунлари байрам қилиниб, ёдгорлик майдонлари яратилди. Улуғ аждодларимизнинг ҳайкаллари юртимизда ва бошқа давлатларда ҳам ўрнатилди. Жумладан, Абу Али ибн Синога Латвия ва Белгияда, Алишер Навоийга Ўзбекистон (Чирчиқ, Навоий, Тошкент), Озарбайжон (Боку), Япония (Токио) ва Россия (Москва)да, Мирзо Улуғбекка Ўзбекистон (Тошкент, Самарқанд), Москва, Латвия (Рига)да, Аҳмад Фарғонийга Миср (Қоҳира), Ўзбекистон (Фарғона, Қува)да, З.М.Бобурга Ўзбекистон (Андижон, Наманган)да, Камолиддин Беҳзодга Ўзбекистон (Тошкент) ва Хитойда.

Бугунги ёшлар аждодларимиздан қолган ноёб ва мўътабар илмий-маънавий меросни билиши, асраб-авайлаши, уларга муносиб ворис бўлиши, фахрланиши, уни янада бойитиши, кенг тарғиб этиши ва келажак авлодга етказиши муқаддас бурчдир. Шунингдек, миллий-маънавий меросимиз асосида вояга етган ёшларимиз ўтмиш аждодлари каби ватанига содиқ, миллати учун ўз жонини аямайдиган фидойи инсонлар бўлиб етишишлари шубҳасиздир.

МУНДАРИЖА

1-ШЎЪБА. ТАРИХ, АРХЕОЛОГИЯ ВА ЭТНОЛОГИЯ МАСАЛАЛАРИНИНГ ЗАМОНАВИЙ ТАЛҚИНИ.....3

Ismailova J., Abdullaeva N. Formation and development of mechanical engineering and automotive industry in Uzbekistan 3

Матбобоев Б. Фарғона водийсининг илк ўрта асрлар даври тарихида Мунчоқтепа археологик комлекси ўрни ва роли 9

Сулейманов Р., Арипджанов О., Нишиаки Й., Сайфуллаев Б., Наката Х., Араи С., Ашаки Ч. Археологические работы на стоянке Кайнар Камар 14

Лунева В. Культурные взаимосвязи народов средней и восточной азии.....24

Нуридинова Т., Темирходжаев Д. О монетах нумизматической коллекции Государственного музея искусств Узбекистана (предварительное сообщение).....30

Мусакаева А. О начале денежных отношений в согде 35

Жумаев У. Туркистонни Россия империяси учун молиявий «камомадлиги» муаммоси 43

Минасянц В., Алимухамедова З. Вклад А.И. Тереножкина в исследование археологических памятников Узбекистана и комплектование археологического фонда государственного музея истории Узбекистана АН РУз 49

Саидханова С. Тошкент шаҳрида маҳаллий матоларни тайёрлаш жараёнлари (XIX аср охирлари – XX аср бошлари) 68

Арипджанов О. Использование токарных станков в косторезном деле 76

Каримова Д., Абдуллаев Д. Шимолий Бақтриянинг бронза даври ёдгорликлари 82

Замонов А. XVI асрда Бухоро хонлигида ҳарбий-сиёсий жараёнларнинг асосий жиҳатлари 89

Зикирова Н. Марказий Осиё минтақаси давлатларининг маданий-гуманитар алоқаларидаги парадигмал ўзгаришлар 99

Мирзаев А. Колониал даврга оид архив ҳужжатлари - пахтачилик тарихини ёритишда муҳим манба (Фарғона вилояти мисолида).....111

Хошимов Х. Неолит даврининг баъзи жиҳатларини ўрганишга доир.....117
Норқобилов Т. Жанубий Ўзбекистонда деҳқончилик маданиятининг вужудга келиши ва ривожланиши тўғрисидаги асосий илмий қарашлар ва назариялар 123
Газизова А. О фарфоре 131
Ғуломова Ҳ. Сосонийлар давлатининг ижтимоий- сиёсий аҳволи ва Эронга исломнинг тарқалиши 138
Раҳмонов Ҳ. Қадимги суғд қишлоқ маконларининг вужудга келиши масаласига доир 142
Тошкенбоев Ҳ. «Искандар султон толеномаси» асари тарихи.....147
Алимардонова З. Ўзбекистон ва чет-эл қўшма археологик экспедицияларининг Сурхондарёдаги тадқиқотлари 154
Астанов С. Амир Темур ва темурийлар даврида Шаҳрисабз марказий шаҳар сифатида 162
Abduqodirov S., Saidov J. O‘zbek xalqi etnogeniz tarixining dolzarb masalalari.....166
Даутов Х. Сурхондарёнинг қадимги тангалари 171
Жўраев И. Қадимги ёзма манбаларда ўзбек этносининг ёритилиши 177
Худойбердиев Р. Камон ўқлари тарихи.....184
Нормуродов Д. Ахунджанова У. Қулоқтепа ва ундан топилган хумларга доир 190

2-ШЎЪБА. ЎЗБЕКИСТОННИНГ МОДДИЙ ВА НОМОДДИЙ МАДАНИЙ МЕРОСИ 193
Исмаилова Ж., Левтеева Л., Мухтарова С. Дающие тепло и радующие взор (ковры и ковровые изделия ЭФ ГМИУ) 193
Ахмедшаев А., Саипов Х. Глобальные геопарки юнеско - китабский государственный геологический заповедник.....205
Ташкенбоев П. Дорбозлик санъатида анъана ва замонавийлик.....214
Дурдиева Г. Қадимий Хоразм миноралариниг қурилишидаги зилзилабардошлик масалалари.....220
Аманлаев А., Ақчаев Ф. Бурҳониддин Қилич зиёратгоҳи ҳақида баъзи мулоҳазалар 225

Сабиров М. Қўлёзма китобларга ишланган тасвирларининг бугунги кундаги аҳамияти.....232
Мухамедова М., Исматуллаев Ж. Шайбонийлар даври Бухоро обидалари меъморчилигининг тадрижи, ўзига хослиги ва меъморий-бадиий ҳусусиятлари.....236
Аҳмедов Ж. Қўқон шаҳри меъморий ёдгорликлари тавсифи ҳамда уларни сақлаш ва таъмирлаш масалаларига доир.....244
Бабахаджаев А. Термиз меъморий ёдгорликлари 249
Насибулина Л. Узбекский танец на рубеже XIX-XX веков..256
Ўлмасов А., Шарипова Ф. Болаликтепа деворий сурати консервациясига доир.....263
Ибрагимова А., Муталиев А. Темурийлар тарихи давлат музейида сақланаётган миниатюра асарлар.....267
Ходжаева М. Номоддий маданий мерос объектлари: генезиси ва эволюцияси 272
Пайзиева Ч. Шарқ аёллари образининг миниатюра санъатидаги ечими.....279
Каримов А. XIX аср Тошкент турар жой меъморчилигининг ўзига хос хусусиятлари 287

3-ШЎЪБА. ЎЗБЕКИСТОНДА ЗАМОНАВИЙ МУЗЕЙШУНОСЛИК РИВОЖИ ВА ТАРАҚҚИЁТИ 292
Исмаилова Ж. Замонавий музей экспозициясининг бугуни ва истиқболи.....292
Хасанов Б. Концепция музейного дела в Узбекистане на примере музея «Памяти жертв репрессий» АН РУз.....300
Эргашева Ю., Хосиятов Х. Қашқадарё вилоят ўлкани ўрганиш музейининг ривожланиш босқичлари.....310
Левтеева Л. «Кружево» металла (медночеканные изделия в собрании ГМИУ) 318
Курязова Д. Музей фондлари ва маданий мерос ёдгорликларини сақлаш, ўрганишда талабаларнинг фаолияти 325
Қурбонова Д. Фарғона вилояти Сўх туманида ўлкашунослик музейини ташкил этишга доир 331
Левтеева Л., Саидханова С. Сохраняя культурное наследие (новые поступления ГМИУ в 2016 г.).....335

Аҳмедов Т. Шайбонийлар даври ёдгорлиги Мир Араб мадрасасининг ўрганилиши таъмирланиши жараёнларидаги муаммолар хусусида 346
Мухамедова М. Ёдгорликларни муҳофаза қилиш халқаро тизимининг шаклланиш асослари.....351
Каюмова Ш., Каюмова Д. Музей экспонатларини замонавий техника ёрдамида сақлаш ва намойиш этиш.....358
Нишанова К. ЮНЕСКО ва музейлар халқаро кенгаши (ICOM) фаолияти.....363
Абдурашидова Н. Бренд ва бренд-менежментнинг таҳлил қилиш услублари ва аҳамияти 367
Гулямов Р. Музей ташрифчилари учун мультимедиа 375
Ходжаев Б. ЮНЕСКОнинг жаҳон тарихий-маданий меросини асраш соҳасида олиб бораётган фаолияти 381
Орифжонова Г. Маданий туризмнинг музейлар ривожидаги ўрни 387
Ходжаева У. Музей – тарих кўзгуси.....392
Хакимова О. Ўзбекистон ҳудудидаги дастлабки ипак ва абрли матолар тарихи.....397
Саидова З. Қадимий газламаларни сақлаш муаммолари.....403
Бегижонов Ж. Бобур ва бобурийлар меросининг музейларда акс эттирилиши.....408
Ганиева Ч. Хива меъморчилиги: тарихий ва замонавий анъаналар Нуруллабой саройи талқинида 413
Қосимова Ш. Музейлар фаолиятида маданий-таълим йўналишининг истиқболлари.....417
Гаипова М. Тарихий-маданий объектлар асосидаги табиат ёдгорликлари ва пейзажларни асраш муаммолари ва қонуниятлари.....422
Бекенова А. Ўзбекистон давлат санъат музейида халқ амалий санъати коллекцияларининг шаклланиши тарихидан.....426
Аҳмеджанов Н., Юлдашев Ж. Музейлар тарихимизнинг кўзгуси 432
Шукуралиева Ш. Жамиятнинг маънавий ҳаётида рекламанинг тутган ўрни.....436

4-ШЎЪБА. УМУМБАШАРИЙ ҚАДРИЯТЛАРНИНГ ЁШЛАР ТАР-БИЯСИДА ТУТГАН ЎРНИ.....440
Иноятов Қ., Маматов У. Тарихий реализмнинг тасвирий санъатдаги нуқтаи назарлари 440
Чурсина В. Перспективы развития отечественного дизайн-образования.....445
Нуридинова Т., Набиева О., Ерназаров Ф. Ўзбекистон рассомлари ижодида оила мавзуси (Ўзбекистон давлат санъат музейининг тасвирий санъат асарлари мисолида).....450
Исматуллаев Ф. Маориф соҳасидаги халқаро алоқаларни ривожланиши.....455
Миркомилов Б. Тарих дарсларида Ўрта Осиёда уйғониш даври бадиий қадриятларини ўргатиш.....461
Исмаилов А. Тарих машғулотларида тарихий тасаввур ва онгни шакллантиришда музейларнинг аҳамияти.....466
Мирзаев Ғ. Миллатлараро дўстлик ва тотувлик – умумбашарий қадриятларнинг муҳим омилидир.....473
Аҳмедова Г. Ёшларда маънавий онгни шакллантиришнинг аҳамияти (бошланғич синфларда ўқиш дарслиги мисолида).....481
Гайсина Р. Роль общечеловеческих ценностей в воспитании молодежи 485
Агзамова З. Аждодларимизнинг буюк маънавий мероси.....491